

"Шримад Бхагаватам" 1.2.

“Шримад Бхагаватам”
Биринчи кўшиқ
“Яратиш”
10-19 боблар

Санскрит тилида ёзилган матн, уларнинг ўзбекча ўқилиши, сўзларнинг алоҳида таржимаси, бадий таржима ҳамда Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-ачарьяси ҳазрат А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг изоҳлари

Ўнинчи боб

Парвардигор Шри Кришнанинг Дваракага жўнаб кетиши

Текст 1

Шаунака Муни сўради: Барча диндор одамлар орасида энг буюк зот Махараж Юдхистхира унинг қонуний меросини ўзлаштириб олишга интилиб юрган душманларини яксон қилгандан кейин укалари ёрдамида фуқароларга қандай ҳукмронлик қилди? Ишончим комилки, у маъсулиятсиз одамларга ўхшаб ҳукмронлик қилишдан лаззатланиб яшамаган.

Изоҳ: Махараж Юдхистхира барча такводор зотлар ичида энг буюк инсон эди. Шунинг учун у халққа ҳукмронлик қилиб лаззатланиш учун ўзининг амаки-оғайнилари билан жанг қилишни истамаган эди: у адолат қарор топиши учун жанг қилди, чунки Хастинапур салтанати унга қонуний мерос эди, унинг амаки-оғайнилари эса, уни ўзлаштириб олмоқчи эдилар. Шундай қилиб, Парвардигор Шри Кришнанинг амри билан адолат учун жанг қилди, лекин у ўз ғалабасининг меваларидан лаззатлана олмасди, чунки жангда унинг барча амаки-оғайнилари ҳалок бўлган эдилар. Шунинг учун у салтанатга фақат бурч юзасидан ҳукмронлик қиларди, бунда унга унинг укалари ёрдам берарди. Салтанатга ҳукмронлик қилишдан хотиржам лаззатланиб яшаш имкониятига эга бўлгандан кейин Махараж Юдхистхира ўзини қандай тутганини билишни истаётган Шаунака Риши учун бу савол жуда муҳим эди.

Текст 2

Сута Госвами деди: Худонинг Олий Шахси ва оламнинг посбони, Парвардигор Шри Кришна салтанатни Махараж Юдхистхирага қайтариб берганидан ва худди бамбукзордаги ёнғинга

ўхшаган ғазаб олови яксон қилган Курулар сулоласини қайта-тиклаганидан мамнун эди.

Изоҳ: Бу оламни бамбукзорда бамбукларнинг поялари бир бирига ишқаланишидан юзага келадиган ёнғин кетган ўрмонга ўхшатадилар. Бунда ёнғин ўзидан ўзи юзага келади, чунки бамбукларнинг бир бирига ишқаланишига ҳеч ким сабабчи бўлмайди. Худди шундай, моддий оламда моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга интилаётган одамларнинг ғазаблари бир бири билан тўқнашади ва номаъқул аҳолига қирғин келтирадиган уруш олови ёна бошлайди. Бундай ёнғин ва урушларга Парвардигорнинг алоқаси йўқ. Лекин, оламнинг мавжудлигини сақлаб қолиш учун У одамлар оммаси тирик мавжудотларга Парвардигорнинг салтанатига киришга имкон берадиган ўзликни англашнинг ҳақиқий йўлидан боришини истади. Парвардигор бу дунёда изтироб чекиб юрган одамлар ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтишини ва бошқа моддий оламнинг уч турли азоб-уқубатларига дучор бўлмаслигини истади. Бу олам шунинг учун яратилган, мана шу кимнинг ақлини киритиб қўймаса, моддий оламда Парвардигорнинг алдамчи қуввати келтирадиган азоб-уқубатлардан изтироб чекиб юраверади. Шунинг учун Парвардигор бу оламга Унинг ҳақиқий вакили ҳукмронлик қилишини истади. Парвардигор Шри Кришна ер юзида шундай бошқариш тизимини ўрнатиш ҳамда Унинг режаларига алоқаси бўлмаган номаъқул одамларни яксон қилиш учун бу оламга ташриф буюрган. Курукшетрадаги уруш Парвардигорнинг режаси бўйича уюштирилди: номаъқул одамларга бу дунёни тарк этиш ҳамда Ўзининг содиқ хизматкорига тинчлик билан оламга ҳукмронлик қилиш имконини бериш. Шунинг учун шоҳ Юдхистхиранинг тахтга ўтирганидан ва Махараж Парикшит – Курулар сулоласининг давомчиси кутқариб қолингандан Парвардигор тўла мамнуният ҳосил қилган эди.

Текст 3

Бхишмадева ҳамда бегуноҳ Парвардигор Шри Кришнанинг гапларини тинглаб илм олган Махараж Юдхистхиранинг барча шубҳаю-гумонлари тарқаб кетди, шунинг учун у мукамал илм талаб қиладиган ишларни амалга оширишга киришди. Шу тарзда у ерлар ва денгизларга ҳукмронлик қилди, укалари эса унга ёрдам бердилар.

Изоҳ: Салтанатнинг биринчи фарзандга мерос қолиши қонуни ҳамма ерлар ва денгизларга Махараж Юдхистхира ҳукмронлик қилган ўша даврда ҳам амалда эди. То Махараж Юдхистхиранинг невараси Махараж Парикшитнинг ҳукмронлик давригача Хастинапур (Ҳозирги Нью-Дели)нинг шоҳи бутун ер юзининг шу жумладан барча денгизларнинг

императори ҳисобланарди. Махараж Юдхитхиранинг жуда такводор инсонлар бўлган укалари унинг вазирлари ва саркардалари лавозимини эгалладилар ва бир бири билан ажойиб ҳамкорлик қилганлар. Махараж Юдхитхира Парвардигор Шри Кришнанинг вакили, ер юзига ҳукмронлик қилган намунали шоҳ эди, уни ҳатто Парвардигорнинг жаннатий сайёраларга ҳукмронлик қиладиган вакили шоҳ Индрага киёслардилар. Индра, Чандра, Сурйа, Варуна ва Вайу сингари фаришталар Парвардигорнинг коинотдаги турли сайёраларни бошқарадиган вакиллари ҳисобланадилар, Ер сайёрасини бошқарадиган Махараж Юдхитхира ҳам уларнинг бири эди. У ҳозирги демократик тизимнинг одатдаги ғофил сиёсий раҳбарига ўхшаган эмасди. Махараж Юдхитхира Бхишмадевадан ва бегуноҳ Парвардигорнинг насиҳатларини тинглади, шунинг учун тўлик ва мукаммал илмга эга бўлди.

Ҳозирги даврда давлатдаги ижройи ҳукумат бошлиғи худди кўғирчоққа ўхшайди, чунки шоҳларга хос бўлган тўла ҳукмронлик ҳуқуқига эга эмас. Гарчи у Махараж Юдхитхира сингари маълумотли бўлса ҳам, у ўз билганича бирор иш қила олмайди, чунки унинг ҳуқуқлари конституция билан чеклаб қўйилган. Шунинг учун бутун жаҳонда ғоявий келишмовчилик ёки бошқа эгоистик ниятлар сабабли давлатлар бир бирига душманлик қиладилар. Лекин Махараж Юдхитхира сингари шоҳнинг ўзининг шахсий идеологияси бўлмаган. У фақат бегуноҳ Парвардигорнинг ҳамда Унинг ишонарли вакили бўлган Бхишмадеванинг насиҳатларига амал қиларди. Шастраларда айтилганки, инсон бирор шахсий манфаат кўзламасдан ва ўзининг бирор ғоясини ўйлаб топмасдан ишонарли буюк зотнинг ҳамда бегуноҳ Парвардигорнинг насиҳатларига амал қилиб яшаши лозим. Махараж Юдхитхира бутун Ер юзига, шу жумладан барча денгизларга ҳукмронлик қила оларди, чунки у қўлланадиган қонун-қоидаларнинг ҳаммаси бенуқсон ва ҳар кимга мос келадиган ҳаммабоп қонунлар эди. Агар биз ишонарли бегуноҳ Зотга бўйсунсагина жаҳонда ягона давлат қуриш ғояси амалга ошиши мумкин. Мукаммал бўлмаган инсон ҳамма бирдай мамнун бўладиган ғояни яратишга қодир эмас. Ҳамма жойда амалга ошириш мумкин бўлган ва ҳамма бирдай амал қила оладиган лойиҳани фақат мукаммал ва бенуқсон, бегуноҳ шахс ярата олади. Оламга шахсиятсиз ҳукумат эмас, аниқ шахслар ҳукмронлик қиладилар. Агар шахс мукаммал бўлса, ҳукумат ҳам мукаммал бўлади. Агар у одам нодон бўлса, ҳукумат ҳам сохта бўлади. Табиат қонунини шундай. Инсоният тарихида мукаммал бўлмаган шоҳ ва ҳукмдорларга жуда кўп мисоллар бор. Демак, оламни бошқариш учун ижройи ҳукумат бошлиғи Махараж Юдхитхира сингари, махсус тайёргарлик орқали ўтган ҳамда барча ҳуқуқларга тўлик эга бўлган инсон бўлиши лозим.

Бутун жаҳонда ягона ҳокимият ўрнатиш ғояси фақат ҳокимият тепасида Махараж Юдхитхира сингари комил шоҳ турсагина амалга ошиши мумкин. Ўша даврларда оламга Махараж Юдхитхира сингари шоҳлар ҳукмронлик қилганлар, шунинг учун олам ахли бахтиёр яшарди.

Текст 4

Оламга Махараж Юдхитхира ҳукмронлик қилган даврда булутлар одамларга қанча сув керак бўлса, шунча ёмғир ёғдирарди, она ер эса, инсонга зарур бўлган неъматларни мўл-кўл етиштирарди. Сигирлар қувноқ, уларнинг елинлари эса – сутга тўла эди, шунинг учун улар ўтлоқларни сут билан ҳўллаб юрардилар.

Изоҳ: Иқтисод ривожланишининг асосини ер ва сигирлар ташкил этади. Инсониятга ғалла, мевалар, сут, фойдали қазилмалар, кийим-кечак, ёғоч ва бошқа нарсалар керак. Буларнинг ҳаммаси тананинг моддий эҳтиёжларини қондириш учун керак. Аниқки, гўшт ва балиқ маҳсулотларига ёки темир станоклар ва механизмларга ҳеч қандай зарурат йўқ. Махараж Юдхитхира ҳукмронлик қилган даврда мунтазам равишда ёмғир ёғиб турган. Одамлар ёмғир ёғишини бошқаришга қодир эмаслар. Ёмғир ёғиш жараёнини осмон шоҳи Индрадева бошқаради, у эса – Парвардигорнинг содиқ хизматкори. Шоҳ ва унинг фуқаролари Худонинг қонунларига бўйсуниб яшасалар, ёмғир мунтазам ёғиб туради, натижада ер ҳар хил меваларни етиштириб беради. Мунтазам ёмғир ёғиб туриши фақат ғалла ва меваларнинг тўкин-сочинлигини эмас, балки, юлдузларнинг махсус жойлашуви билан биргаликда марварид ва бошқа қимматбаҳо тошларнинг пайдо бўлишини ҳам таъминлайдилар. Ғалла ва сабзавотлар билан одамларни ва ҳайвонларнинг қорнини тўйғазиш мумкин, семиз сигирлар эса, инсонга ҳаёт кучи ва қувват билан таъминлашга етарли бўлган миқдорда сут берадилар. Агар сут, ғалла, мевалар, пахта, ипак ва қимматбаҳо тошлар етарли миқдорда бўлса, кинотеатрларнинг, кушхоналарнинг ва бошқа нарсаларнинг кимга кераги бор? Кинотеатр, автомобил, радио, гўшт ва ресторан сингари сунъий дабдабаларнинг нима кераги бор? Бу тараққиёт одамлар ва давлатлар орасидаги ўзаро душманликдан бошқа бирор нарса ярата олдими? Бир кишининг бемаъни истагини амалга ошириш учун минглаб одамлар дўзахий фабрикаларга ва жанг майдонларига жўнатилаётган бўлса, бу тараққиёт одамлар орасида тенглик ва бирдамликни юзага келтира олдими?

Бу ерда айтилганки, сигирлар қувноқ, уларнинг елинлари тўла эди, шу боис улар ўтлоқларни сут билан суғориб юрардилар. Наҳотки ана шу жониворлар ўтлоқларда тўйганча ўтлаб хотиржам яшаш имкониятини берадиган ғамхўрликка

арзимасалар? Нимага инсон ўзининг шахсий мақсадига эришиш учун сигирларни ўлдиришга ҳаққи бор деб ўйлайди. Нимага у юзлаб, минглаб турли-туман ширин таомларни тайёрласа бўладиган дон, мева ва сут маҳсулотларига қаноат қила олмайди? Нимага бутун жаҳон бўйлаб бегуноҳ ҳайвонларни яксон қилиш учун кушхоналар қурилган? Махараж Юдҳиштхиранинг невараси Махараж Парикшит ўзининг катта салтанати бўйлаб сайр қилиб юраркан, бир ғофил, пасткаш одамнинг сигирни ўлдиришга уринаётганини кўриб қолди. Шоҳ шу заҳотиёқ бу қассобни ҳибсга олди ва бошқалага ўрнак кўрсатиб уни муносиб жазолади. Ахир шоҳ ёки ҳукмдор ўзларини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган бахтиқаро ҳайвонларнинг ҳаётини ҳимоя қилиши керак эмасми? Мана шу ҳақиқий инсонийлик эмасми? Ахир беозор жониворлар ҳам одамлар сингари давлатнинг фуқаролари эмасми? Нимага уларни оммавий равишда кушхоналарда яксон қиладилар? Наҳотки инсонпарварлик, тенглик, бирдамлик, зулм қилмаслик ғоялари шундай намоён бўлса?

Шундай қилиб, Махараж Юдҳиштхира даврида мавжуд бўлган монархия – давлатни бошқаришнинг ҳозирги ривожланган ва маданиятли ҳисобланадиган, ўзлари ҳайвондан баттар бўлган одамларга ҳайвонларни ўлдириш ҳамда ўзларига ўхшаган ҳайвонсифат одамлар учун овоз бериш имкониятини берадиган демократияга қараганда анча мукамал тизими эди.

Бизларнинг ҳаммамиз – моддий табиат яратган зотлармиз. "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигор – уруғлик берувчи ота, моддий табиат эса – ҳаёт шаклининг барча турларидаги ҳамма тирик мавжудотларнинг онаси. Шундай экан, ҳар нарсага қодир ота бўлган Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати билан ҳамманинг онаси бўлган моддий табиат одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам етарлича озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиради. Инсон барча тирик мавжудотларнинг акаси бўлади. У моддий табиат конунларини ва ҳар нарсага қодир Отасининг амрини тушуна олиши учун унга ҳайвонларникидан анча мукамал бўлган тафаккур ато этилган. Инсонлар маданияти моддий табиат етиштириб берадиган неъматларга асосланган бўлиши, оламни сунъий равишда юзага келтирилган ҳокимият ва очкўзлик ҳукм сураётган пала-партишлик уммонига айлантириб, ўткинчи бойлик ва ҳиссий лаззатлар яратиш учун сунъий равишда саноатни кенгайтирмаслиги лозим. Бундай ҳаёт ит ва чўчкаларнинг ҳаётидан фарқ қилмайди.

Текст 5

Дарёлар, океанлар, қирлар, ўрмонлар, ўсимликлар ва шифобахш гиёҳлар ҳар

мавсумда шоҳга қимматбаҳо бадал тўлаб турардилар.

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, Махараж Юдҳиштхира *аджит*, яъни, бегуноҳ Парвардигорнинг ҳимояси остида бўлгани учун дарёлар, океанлар, тоғлар, ўрмонлар ва Парвардигорнинг ҳукми остида бўлган бошқа зотлар мамнун эдилар ва шоҳнинг хазинасига ўзларининг солиқ улушларини бериб турардилар. Моддий фаровонликка эришишнинг сири Парвардигорнинг паноҳига киришда. Худо хоҳламаса бирор нарсага эришишнинг иложи йўқ. Иқтисодий ривожланишда муваффақият қозониш учун станок ва механизмларга эга бўлиб, фақат ўзимиз зўр бериб уринганимиз етарли эмас. Бунинг учун яна Парвардигорнинг хоҳиши керак, акс ҳолда мақсадга эришиш учун қанча воситалар қўлласак ҳам барибир улар муваффақият келтирмайди. Охир-оқибатда ҳар қандай ишда муваффақият *даивага* - Худонинг хоҳишига боғлиқ. Махараж Юдҳиштхирага ўхшаган шоҳлар, шоҳ дегани – Парвардигорнинг ер юзидаги халқ фаровонлигини таъминлаш учун тайинлаб қўйган вакили эканини жуда яхши билардилар. Аслини олганда ҳокимият Парвардигорники. Дарёларни, океанларни, қир-адирларни, доривор гиёҳларни ва бошқа нарсаларни инсон яратгани йўқ. Буларнинг ҳаммасини Парвардигор яратиб қўйибди, тирик мавжудотлар эса, Парвардигорнинг мулкидан фойдаланиб, Унга хизмат қилиш рухсат этилган. Ҳозирги даврда ҳамма ишлар "ҳамма нарса халқ фаровонлиги учун" деган шиор остида амалга оширилади, шунинг учун ҳукумат ҳам халқ учун халқ томонидан тузилади. Лекин, ҳозирги даврда руҳий коммунизм – Худони англаш ва инсон ҳаётини мукамаллаштириш – янги инсонни яратиш учун яна Махараж Юдҳиштхира ва Махараж Парикшит сингари шоҳлардан ибрат олишимиз лозим. Худонинг амри билан ер юзида ҳамма нарса етарли, буларнинг ҳаммасидан оқилона фойдаланиб, шундай фаровон ҳаёт кечириш мумкинки, одамлар орасида ҳам, инсон ва ҳайвонот олами орасида ҳам, одамлар билан она табиат орасида ҳам ўзаро душманлик юзага келмайди. Парвардигор ҳаммани бошқариб туради, агар У мамнун бўлса, бутун табиат мамнун бўлади. Сув тўла дарёлар ерни озиқлантирадилар, океанлар етарлича минерал, марварид ва қимматбаҳо тошлар ишлаб чиқаради, ўрмонлар етарлича ўтин, ёғоч, илдиз ва доривор гиёҳлар етказиб беради. Йил мавсумлари ўз вақтида алмашиб, етарли миқдорда гул ва мевалар етиштириб беради. Фабрика ва станокларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларига асосланган сунъий ҳаёт бошқа миллионлаб одамларнинг бахтсизлиги эвазига фақат чекланган миқдордаги одамларгагина сохта бахт келтириши мумкин. Инсоннинг қуввати саноат ишлаб-чиқаришига сарфлангани сабабли, табиий маҳсулотларни

ишлаб чиқариш камайиб кетади, шу боис одамларнинг асосий қисми бахтсиз яшайдилар. Етарлича таълим тарбия ололмадан, оддий инсонлар бадавлат одамлардан ўрناق олиб, табиий бойликларни талон-тарож қиладилар. Натижада одамлар орасида ва давлатлар орасида келишмовчиликлар юзага келади. Буларнинг ҳаммасига ҳукмронлик қиладиган Парвардигорнинг махсус тайёргарликдан ўтган вакили йўқ. Инсонни поклаш ҳамда эскирган нарсаларни ташлаб юбориш учун биз замонавий маданиятнинг нуқсон ва камчиликларини мана шу шеърда таърифланган манзара билан таққослаб, синчиқлаб таҳлил қилишимиз ва Махараж Юдҳиштхиранинг изидан боришимиз лозим.

Текст 6

Шоҳнинг душмани бўлмагани учун ҳеч қачон тирик мавжудотларни ақл келтириб чиқарадиган мусибатлар, касалликлар, шунингдек жазирама иссиқ ёки изғирин совуқ безовта қилмас эди.

Изоҳ: Одамларга нисбатан зулм ишлатмаслик қондасига амал қилган ҳолда бечора ҳайвонларни ўлдириш ёки уларга душманлик қилиш – иблислар фалсафасидир. Ҳозирги даврда бахтиқаро ҳайвонларга душманлик қиладилар, шунинг учун бечора жониворлар ҳамиша кўрқув остида яшайдилар. Бахтиқаро ҳайвонларнинг таъсири одамлар жамиятига ўтади, шунинг учун жамиятда алоҳида одамлар, алоҳида гуруҳлар ёки давлатлар орасида ҳамиша бўлиб турадиган “совуқ” ёки “иссиқ” уруш кўринишида намоён бўладиган нотинч муҳит сақланиб туради. Махараж Юдҳиштхира даврида гарчи ҳар хил қарам давлатлар бўлса ҳам, миллатлар йўқ эди. Бутун олам бир миллат эди, унинг Махараж Юдҳиштхирадай муносиб тайёргарлик кўрган бош раҳбари бўлгани туфайли фуқаролар ташвиш, касаллик, жазирама иссиқ ва изғирин совуқ нималигини билмасдилар. Улар иқтисодий жиҳатдан гуллаб-яшнаб қолмасдан, жисмоний тарафдан ҳам соғлом, бақувват эдилар. Уларни табиий кучлар, бошқа тирик мавжудотларнинг душманлиги ҳамда тана ва ақлнинг мусибатлари безовта қилмасди. Бенгалияда шундай мақол бор: “Ярамас шоҳ салтанатни вайрон қилади, ярамас бека - хонадонни”. Бу ерда ҳам ана шу ҳақиқат ўринли. Шоҳ такводор бўлса ва Худога, донишмандларга итоаткор бўлгани, у ҳеч кимга душманлик қилмагани ва Парвардигорнинг ҳамма тан олган вакили бўлгани ва шу боис Унинг ҳимояси остида бўлгани учун шоҳ ҳимоя қилаётган барча фуқаролар ҳам бевосита Парвардигорнинг ва Унинг тўла ваколатли ҳақиқий вакилларининг ҳимояси остида эдилар. Агар инсон такводор, ҳалол бўлмаса ва уни Парвардигор тан олмаган бўлса, у қўл остидаги одамларни бахтиёр қила олмайди. Инсон ва Парвардигор, инсон ва табиат ҳар томонлама бир

бири билан ҳамкорлик қиладилар, Махараж Юдҳиштхира мисолида кўриб турибмизки, ана шундай онгли равишдаги ҳамкорлик оламга тинчлик, бахт, хотиржамлик ва фаровонлик келтиради.

Текст 7

Қариндошларини овутиш ва синглиси(Субхадра)ни мамнун қилиш учун Шри Хари, Парвардигор Шри Кришна Хастинапурда бир неча ой қолди.

Изоҳ: Курукшетрадаги жанг тамом бўлгандан ва Махараж Юдҳиштхирани тахтга ўтказгандан кейин, Кришна Дваракага – Ўзининг салтанатига кетиши лозим эди, лекин, Махараж Юдҳиштхиранинг илтимосини бажариш ҳамда Бхишмадевага алоҳида марҳамат кўрсатиш учун Парвардигор Шри Кришна Пандузодаларнинг пойтахти Хастинапурда қолди. Парвардигор атайлаб мусибатга тушган шоҳни овутиш ва синглиси Субхадрани мамнун қилиш учун қолганди. Субхадра ҳозир ана шундай ғамхўрликка айниқса мухтож эди, чунки у яқинда оила қурган ўғли Абҳиманюдан айрилган эди. Ундан унинг хотини Уттара, Махараж Парикшитнинг онаси қолган эди. Парвардигор ҳамиша турли йўллар билан Ўзининг содиқ хизматкорларини мамнун қилишга интилади. Фақат Унинг содиқларигина Унинг қариндошлари ролини ўйнай оладилар. Парвардигор мутлак табиатли Зотдир.

Текст 8

Кейин, шоҳдан кетишга ижозат сўраб, ундан рухсат олгандан кейин, Парвардигор Махараж Юдҳиштхира олдида бош эгиб, унга ҳурмат-эътиром кўрсатди, шоҳ эса уни бағрига босди. Кейин бошқаларни бағрига босиб, уларнинг таъзимларини қабул қилиб, Парвардигор Ўзининг жанг аравасига чиқди.

Изоҳ: Махараж Юдҳиштхира Парвардигор Шри Кришнанинг тоғаси эди, шунинг учун кетиш олдидан Парвардигор унинг олдида бош эгди. Гарчи Кришнанинг Худонинг Олий Шахси эканини яхши билса ҳам, шоҳ укаси сифатида Уни бағрига босди. Ўзининг баъзи бир содиқлари қаттиқ севганидан Уни ўзларига бўйсунган ҳолатда деб ҳисоблаганидан Парвардигор чуқур илоҳий лаззат олади. Ҳеч ким Парвардигордан устун ёки Унга тенг эмас, лекин содиқлари Уни ўзларидан кичик билиб, Унга шунга муносиб муносабат билдирганда Парвардигор лаззатланади. Буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг илоҳий эрмакларидир. Имперсоналистлар Худонинг содиқ хизматкори ижро этадиган ғайритабиий ролларни англаб етишга қодир эмас. Кейин Бхима ва Аржун Парвардигорни бағрига босдилар, чунки улар У билан тенгдош эдилар, Накула билан Сахадев эса,

Кришнанинг олдида бош эгдилар, чунки Ундан кичкина эдилар.

Текст 9-10

Шу пайт ҳамма: Субхадра, Драупади, Кунти, Утгара, Гандхари, Дхритараштра, Йуйутсу, Крипачарья, Накула, Сахадева, Бхимасена, Дхаумйа ва Сатйавати – хушидан кетишига оз қолдилар, чунки улар учун Парвардигор Шри Кришнадан айрилиб қолиш жуда оғир эди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна тирик мавжудотлар учун, айниқса Ўзининг содиқлари учун шунчалик мафтункор, ёқимлики, улар Кришнадан айрилиқ азобига чидай олмайдилар. Шартланган руҳ алдамчи қувватнинг жилваларига алданиб Парвардигорни эсдан чиқариб юборади, акс холда у Худони унутишга кодир бўлолмасди. Парвардигор билан бўладиган ҳижрон азоби пайтидаги ҳис-туйғуларни таърифлашнинг иложи йўқ, лекин Худонинг содиқлари бундан осонлик билан тасаввур қила оладилар. Парвардигор Вриндаванни, оддий қишлоқи подачиларни, кизларни, аёлларни ва у ердаги бошқа одамларни тарк этиб кетгандан кейин, улар бу мусибатдан бутун умри давомида қаддини ростлай олмадилар, подачи кизлар ичида Парвардигорнинг энг севимлиси Радхаранининг Кришнадан айрилиқ сабабли юзага келган ҳис-туйғуларини эса, таърифлашнинг умуман иложи йўқ. Шундан кейин улар фақат бир марта, кун тутилган пайтда Курукшетрада учрашдилар, шунда уларда юзага келган ҳис-туйғулардан кишининг юраги ёрилиб кетади. Албатта, Парвардигорнинг илоҳий содиқлари ҳар хил сифатларга эга, лекин, Парвардигор билан мулоқотда бўлиб ёки бошқа қандайдир йўл билан У билан бирор марта бевосита учрашган киши Ундан бир лаҳза ҳам ажрала олмайди. Асл содиқ хизматкорнинг Парвардигорга бўлган муносабати шундай бўлади.

Текст 11-12

Худонинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўлиш шарофати билан Парвардигорни англаб етган ҳамда дунёвий одамлар билан бўладиган бемаъни суҳбатларни тарк этган ақл-идрокли кишилар ҳатто уларни атиги бир марта тинглаган бўлсалар ҳам, Парвардигорнинг шуҳрати ҳақидаги хикояларсиз яшай олмайдилар. Шундай экан, Парвардигор билан қалбдан сирдош бўлиб юрган, Уни юзма-юз кўриб юрган, Уни ҳар қуни қучоқлаб, У билан суҳбатлашиб, бирга ухлаб, бирга ўтириб ва овқатланиб юрган Пандузодалар У билан айрилиқ азобига қандай бардош бера олардилар?

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг азалий табиий ҳолати – ўздан устун турган зотга хизмат қилишдан иборат. Уни зўрлик билан алдамчи

қувватнинг сезгиларни лаззатлантиришнинг турли кўринишидаги ҳукмига бўйсунушга мажбур қиладилар. Тирик мавжудот тиним билмасдан ўзининг сезгиларига хизмат қилади. Лекин, ҳатто у чарчаса ҳам, гарчи бу унга лаззат келтирмаса ҳам, алдамчи қувват барибир уни бу иш билан машғул бўлишга мажбур қилаверади. Сезгиларнинг талабини қондиришда чексиз давом этиш мумкин, шартланган руҳ бундан қутулишдан бутунлай умидини узиб, уларга хизмат қилишга ўралашиб қолади. Фақат Парвардигорнинг асл содиқлари билан учрашиш ёрдамида бундан халос бўлиш мумкин. Ана шундай учрашувлар шарофати билан инсон аста-секин илоҳий онгга эга бўла боради. Шу тариқа у ўзининг мангу машғулоти – ўзининг эҳтиросини, ғазабини, ҳукмронлик қилиш истагини қондириш ниятида булганган сезгиларига эмас, балки Худого хизмат қилиш эканини тушуна олади. Уй, ватан, оила, жамият, бойлик ва улар билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси инсонни уч турли азоб-укубатлар муқаррар бўлган моддий оламга боғлаб қўяди. Парвардигорнинг асл содиқлари билан ҳамсухбат бўладиган ва камтарин ҳолда уларнинг суҳбатини тинглайдиган кишида моддий лаззатларга боғланиш туйғуси сусайиб, Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги хикояларни тинглаш истаги ривожланади. Бир марта пайдо бўлгандан кейин ана шу истак ўт олган порох сингари бетиним кучая боради. Худо Шахси, Хари шунчалик илоҳий мафтункорки, ҳатто руҳий ўзликни англаш жараёнида руҳий ўзлигида мамнуният ҳосил қилган ва моддий олам тутқунлигидан амалда озодликка чиққан зотлар ҳам Худонинг содиқлари бўлиб қоладилар. Шуни эътиборга олган ҳолда, Парвардигорнинг ажралмас ҳамроҳлари бўлган Пандузодаларнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Улар ҳатто Парвардигор Шри Кришнадан айрилишни ҳатто хаёлига ҳам келтира олмасдилар, чунки уларнинг Кришнага бўлган боғланиши У билан узок вақт шахсий мулоқотда бўлиб юргани туфайли яна ҳам кучайган эди. Парвардигорни эслаб юриш ҳам асл содиқ хизматкор учун шунчалик мафтункорки, у моддий оламнинг барча шакл, сифат, ном, шуҳрат ва фаолиятини эсдан чиқариб юборади, Парвардигорнинг асл содиқлари билан қилган суҳбатлари шарофати билан Парвардигор билан бўлган алоқасини бир дақиқа ҳам йўқотмайди.

Текст 13

Парвардигорга интилиш илинжида уларнинг юраклари эриб кетарди. Улар киприк қокмасдан Парвардигорга қараб турар ва саросимага тушиб ўзларини қўярга жой тополмай турардилар.

Изоҳ: Кришна Ўзининг табиатига кўра барча тирик мавжудотлар учун ёқимли, чунки У – барча мангу зотлар ичида асосий мангу Зот. У бир Ўзи

бошқа мангу зотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради. Бу ҳақда "Катха-упанишад"да айтилган. Шундай қилиб, Парвардигор билан ўзларининг ҳозир майя, Худонинг алдамчи қуввати таъсири остида унутилиб кетган ўзаро мангу муносабатларини қайта тиклаб, мангу осойишталик ва фаровонликка эришиш мумкин. Ҳатто бу муносабатлар энди тиклана бошлагандаёқ, шартланган руҳ шу заҳоти моддий қувват алдовидан озодликка чиқади ва унда Парвардигор билан мулоқот қилишга кучли истак пайдо бўлади. Парвардигор билан бевосита шахсан учрашиш орқали эмас, балки Унинг номи, шон-шухрати, қиёфаси ҳамда сифатлари билан учрашганда ҳам У билан мулоқот қилиш мумкин. "Шримад Бхагаватам" шартланган руҳга Худонинг асл содиқ хизматкорининг гапларини камтарин ҳолда тинглаш орқали руҳий баркамолликнинг ана шу поғонасига қандай кўтарилиш кераклигини ўргатади.

Текст 14

Кришна учун хавотирланганидан кўзлари жикқа ёшга тўлиб, Унинг ҳамма қариндошлари саройдан ташқари чикдилар. Улар кўзларидан қуйилиб келаётган ёш томчиларини зўрға тутиб турардилар. Улар хайрлашув пайтида тўкилган кўз ёшлари бирор бахтсизликка сабаб бўлишидан кўрқардилар.

Изоҳ: Хастинапур саройида юзлаб аёллар яшардилар. Уларнинг ҳаммаси Кришнани жуда севардилар ва ҳаммаси У билан қариндош эдилар. Улар Кришнанинг саройни тарк этиб ватанига қайтиб кетаётганини кўрганларида, улар Кришна учун қаттиқ хавотирга тушдилар, шу боис шундай ҳолларда албатта бўлганидек, уларнинг кўзларидан ёш оқиб юзига тушарди. Лекин шу заҳотиёқ уларнинг эсига хайрлашув пайтида тўкилган кўз ёшлари кейин Кришна учун бирор бахтсизлик келтириши мумкинлиги тушди, шунинг учун улар кўз ёшларини тўхтатишга уринардилар. Бунга эришиш улар учун осон эмасди, чунки бундай ҳолларда кўз ёшларини тийиб туришнинг иложи йўқ. Шунинг учун улар кўз ёшларини артар, юраклари эса тез-тез ура бошлаган эди. Жангда ҳалок бўлган жангчиларнинг хотин ва келинлари ҳеч қачон Кришна билан шахсан мулоқотда бўлмаганлар. Лекин, уларнинг ҳаммаси Кришна ва Унинг буюк кароматлари ҳақида эшитган эдилар, шунинг учун улар Кришна ҳақида ўйлар, У ҳақида, Унинг номлари, шон-шухрати, У билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида ўзаро суҳбатлашар, шу боис Уни худди Кришна билан бевосита суҳбатлашиб юрган кишилардай севиб қолган эдилар. Демак, Кришна ҳақида ўйлаб юрган, Кришна ҳақида гапириб ёки Кришнага сиғиниб юрган ҳар бир инсон ўзининг қалбида бевосита ёки билвосита Унга боғланиш

туйғусини ривожлантиради. Кришна мутлақ Зот бўлгани туфайли, Унинг номи, қиёфаси, сифатлари ва бошқа нарсалари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаб, У ҳақида гапириб ёки эслаб, бизлар ажойиб тарзда У билан ўзаро яқин муносабатларимизни қайта тиклай оламиз. Бу руҳий қувват таъсири остида рўй беради.

Текст 15

Парвардигор Хастинапур саройини тарк этганида, бирданига Унинг шарафига турли барабанлар: мридангалар, дхолалар, награлар, дхундхурилар, дундубхалар гумбурлади, ҳар хил найлар, шунингдек вина, гомукха ва бхералар чалина бошлади.

Текст 16

Қалбларидаги Парвардигорни кўришга бўлган жўшқин истак таъсири остида шоҳона Курулар сулоласининг аёллари сарой томига кўтарилдилар ва ибo билан майин табассум қилиб, чуқур муҳаббат билан Парвардигорни гуллар ёмғирига кўмиб ташладилар.

Изоҳ: Аёллардаги ибo, тортинчоқлик, шарм-ҳаёнинг ўзига хос алоҳида ғайритабиий жозибадор кучи бўлади, мана шу эркакларда уларга нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотади. Ҳали "Маҳобҳорат" даврида, яъни беш минг йил аввал ҳам шундай эди. Фақат жаҳон тарихидан беҳабар бўлган калтафаҳм одамлар Ҳиндистонда эркак ва аёлларни бир биридан ажратиб қўйиш тартиби бу ерда мусулмонлар ҳукмронлиги даврида киритилган деб айтишлари мумкин. "Маҳобҳорат" даврига мансуб бўлган мазкур шеърда таърифланган ҳолат кўрсатиб турибдики, саройдаги аёллар эркаклар билан бевосита яқин алоқада бўлмаслик қоида(парда)га қатъий риоя қилганлар, шу боис саройдан чиқиб, Парвардигор Шри Кришна ва бошқа эркаклар турган жойга бориш ўрнига, улар сарой томига кўтарилиб, Унга гуллар отиш билан ўзларининг Кришнага бўлган муносабатини билдирганлар. Бу ерда аниқ айтилганки, сарой томидаги аёллар ибo билан қулиб турардилар. Ибo, уятчанлик гўзал аёлларга табиат ато этган бебаҳо неъмат. Бу неъмат уларни яна ҳам жозибадор қилади ва ҳатто улар унчалик гўзал ва олий табақадан чиқмаган бўлсалар ҳам, эркакларнинг уларга бўлган ҳурматини оширади. Биз бунинг ўзимизнинг ҳаёт тажрибамизда кўрганмиз: фаррош аёл шунчаки ўзининг аёлларга хос ибoси, ҳаёси, уятчанлиги билан кўплаб юқори мартабали эркакларнинг ҳурмат-эътиборига муяссар бўлган. Кўчада юрган ярим яланғоч аёллар ҳеч кимнинг ҳурмат-эътиборига эриша олмайдилар, лекин иболи, шарм-ҳаёли фаррош аёлни ҳамма ҳурмат қилади.

Ҳиндистонлик донишмандлар айтадиларки, маданият инсонларга алданиш чангалидан халос

бўлишга ёрдам бериши керак. Аёлнинг моддий, ташки гўзаллиги – шунчаки алданиш, чунки аслида тана ер, сув, олов, ҳаво ва бошқа унсурлардан яратилган. Лекин модданинг тирик учкун билан бирикиши натижасида у чиройли бўлиб кўринади. Хатто жуда чиройли бўлса ҳам, лойдан ясалган кўғирчоқ ҳеч кимнинг эътиборини ўзига жалб қила олмайди. Ўлик танада гўзаллик бўлмайди, ахир энг чиройли ҳисобланган аёлнинг жасади ҳеч кимни ўзига жалб этмайдику. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, рухий учкун гўзалликка эга, ташки тана эса бизни ана шу рухнинг гўзаллиги туфайли ўзига жалб этади. Шунинг учун ведавий донишмандлик илми бизни сохта гўзалликка боғланиб қолишдан эҳтиёт бўлишга чакиради. Лекин биз ғофиллик зулматида бўлганимиз сабабли, ведалар маданиятида жинсларнинг бирга бўлиш имконияти қатъий равишда чекланган. Аёл – олов, эркак эса – сариеғ деб айтадилар. Оловга яқинлашган сариеғ албатта эриб кетади, шунинг учун фақат энг зарур ҳолларда уларнинг бир бирига яқинлашишига йўл қўйилади. Уятчанлик жинсларни чекланмаган тартибда ўзаро яқинлашишдан тийиб туради. Бу аёлларга берилган инъом бўлиб, ундан фойдаланиш лозим.

Текст 17

Шунда Аржун, уйқусини енган буюк жангчи, суюкли Парвардигорнинг яқин дўсти, қимматбаҳо тошлардан нақш қўйилган дастали марварид ва ленталардан чиройли тўқилган соябонни юқори кўтарди.

Изоҳ: Шоҳларга хос тантанали маросимларда олтин, заргарлик тақинчоқлари, марварид ҳамда қимматбаҳо тошлардан фойдаланганлар. Буларнинг ҳаммаси – табиат инъомлари, агар инсон ўзининг бебаҳо вақтини ўзига керакдай бўлиб туюладиган кераксиз нарсалар яратиш учун сарфламаса, тоғлар ва океанлар Парвардигорнинг амри билан уларни етарли миқдорда ишлаб чиқарадилар. Ҳозирги бемаъни саноат ишлаб-чиқариши туфайли идиш-товокларни металлдан: олтин, кумуш, бронза ёки мисдан тайёрлаш ўрнига пластмассадан тайёрланади, сариеғ ўрнига маргарин ишлатилади, шаҳар аҳолисининг ярмисининг ўз бошпанаси йўқ.

Текст 18

Уддхава ва Сатйаки Парвардигорни нақшлар билан чиройли безатилган елпиғич ёрдамида елпий бошладилар, Мадхунинг ҳукмдори, Парвардигор гулларга кўмилиб ўтирар экан, жўнашга ишора қилди.

Текст 19

Кришнанинг шарафига у жой, бу жойда эшитилиб турган ҳамду-санолар, дуои-фотиҳалар ҳам ўринли, ҳам ўринсиз бўлиб

туюларди, чунки уларнинг ҳаммаси ҳозир инсон ролини бажариб юрган Мутлақ Ҳақиқатга қаратилган эди.

Изоҳ: У жой, бу жойда Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришнага аталган ведавий дуои-фотиҳалар эшитилиб турарди. Бу дуои-фотиҳалар Парвардигор ҳозир инсон ролини ўйнаётгани, Махараж Юдхитшхиранинг амаки-укаси вазифасини бажараётгани учун ўринли эди, лекин айна пайтда улар ўринсиз эди, чунки Парвардигор мутлақ табиатга эга ва моддий оламнинг зиддиятларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. У – ниргуна, яъни, ҳеч қандай моддий сифатларга эга эмас. Лекин У сон-саноксиз илоҳий сифатларга эга. Моддий оламда ҳар бир сифат, воқеа-ҳодисанинг зиддияти, қарама-қарши табиати бор, лекин рухий оламда зиддият йўқ. Моддий оламда оқнинг қарама-қарши табиати қора, лекин рухий оламда оқ билан қора бир биридан фарқ қилмайди. Шу боис ҳар жой, ҳар жойда брахманларнинг Мутлақ Шахсга айтаётган дуои-фотиҳалари бир бирига зиддиятлидай туюларди, лекин, улар Мутлақ Шахсга қаратилган бўлса, зиддиятини йўқотиб, илоҳий табиатли бўлиб қолади. Бу фикрни қуйидаги мисолда тушунтириш мумкин. Парвардигор Шри Кришнани баъзида ўғри деб таърифлайдилар. Ўзининг асл содиқлари орасида У *макхана-чора* деган ном билан машҳур. Вриндаванда ёш бола пайтида У қўшниларникига кириб қаймоқ ўғирларди. Шундан бери У ўғри деган ном билан машҳур. Гарчи Унинг ўғри эканини ҳамма билса ҳам, Унга ўғри сифатида сажда қиладилар, моддий оламда ўғирлик қилган кишини олқишламайдилар, аксинча жазолайдилар. У – Мутлақ табиатли Худо Шахси бўлгани сабабли, Унга ҳамма нарсани қўллаш мумкин, лекин барибир, шунча зиддиятларга қарамай, У Олий Шахс Худо бўлиб қолаверади.

Текст 20

Нодир ва ноёб шеърларда шарафлаб қуйиланадиган Парвардигорнинг илоҳий сифатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлган аёллар, Хастинапур уйларининг томларида У ҳақда ўзаро суҳбатлаша бошладилар. Уларнинг ўзаро суҳбатлари Ведавий мадҳиялардан ҳам жозибалироқ эди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганки, барча ведавий битикларнинг мақсади Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришна. Аслида Ведалар, "Рамайана", "Маҳобҳорат" сингари муқаддас китобларда ягона Парвардигорнинг шон-шухрати таърифланади. "Шримад Бхагаватам"да ҳам улар Парвардигор билан боғлиқ равишда эслаб ўтилади. Шунинг учун Курулар сулоласи шоҳларининг пойтахтидаги уйларнинг томларидаги аёллар Парвардигор ҳақида ўзаро суҳбатлаша бошлаганларида, уларнинг суҳбатларини тинглаш

Ведавий мадхиялардан ҳам ёқимлироқ эди. Парвардигорни шарафлаб куйланадиган ҳар қандай ҳамду-сано *шрути-мантра* ҳисобланади. Гауда-сампрадайнинг ачарьяларидан бири Нароттама дас Тхакуранинг қўшиқлари оддий бенгал тилида ёзилган. Аммо, ана шу сампрадайга мансуб бўлган жуда билимдон ачарья, Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура унинг қўшиқларини ведавий мантралар билан бир қаторда туради деб атаган. Асарнинг тили эмас, балки мазмуни муҳим аҳамиятга эга. Парвардигор ва Унинг кароматлари ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлган бу аёлларнинг ҳаммаси Худонинг марҳамати билан ведаларнинг донишмандлик илмини англаб етган эдилар. Шу боис, гарчи улар санскрит ёки бошқа соҳа бўйича билимдон бўлмасалар ҳам, уларнинг айтаётган ҳамма гаплари Ведавий мадхиялардан ҳам ёқимлироқ эди. Баъзан Упанишадаларда ведавий мадхиялар бевосита Парвардигорга аталган бўлмайди. Лекин аёллар бевосита Парвардигор ҳақида гапирардилар, шунинг учун уларнинг гаплари содиқларнинг қалбини кўпроқ қувонтирарди. Бу аёлларнинг нутқлари билимдон браҳманларнинг дуои-фотиҳаларидан кадрлироқ эди.

Текст 21

Улар дедилар: Ана, Худонинг азалий Шахси, биз Уни қандай эслаб юрган бўлсак, шундай холда турибди. Фақат Унинг Ўзи моддий табиат гуналари яратган олам намоён бўлишидан олдин ҳам мавжуд эди, барча тирик мавжудотлар худди уйқуга кетгандай, ўзининг тўхтаб қолган қувватини яна Унинг Ўзига олиб бориб қўшадилар.

Изоҳ: Намоён бўлган коинотнинг яқсон бўлишининг икки тури бор. Коинот яқсон бўлишининг бир тури ҳар 4.320.000.000 йилда, бу коинотнинг ҳукмдори маъбуд Браҳма уйқуга кетганида рўй беради. Маъбуд Браҳманинг умрининг охирида, унинг юз йиллик умри ниҳоясига етганида, яъни бизларнинг ҳисобимиз бўйича 8.640.000.000x30x100 куёш йилига тенг вақт ўтгандан кейин бутун коинот яқсон бўлади, бу икки ҳолатда ҳам моддий қувват, яъни махат-таттва ҳам, оралик қувват, жива-таттва ҳам Худо Шахсига қўшиладилар. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг танаси ичида моддий оламнинг кейинги яралиш циклигача уйқуга кетадилар. Намоён бўлган моддий олам шу тарзда яралиб, мавжуд бўлиб ва яқсон бўлиб туради.

Моддий олам моддий табиатнинг Парвардигор ҳаракатга келтирадиган уч гунасининг ўзаро фаолияти натижасида пайдо бўлади, шунинг учун бу ерда айтилганки, Парвардигор моддий табиатнинг уч гунаси ҳаракатга келишидан аввал мавжуд эди. Шрути-мантрада айтилганки, олам яралишидан аввал фақат Вишну, яъни ягона Парвардигор мавжуд эди, - на Браҳма, на Шива на

бошқа фаришталар мавжуд эмасди. Вишну деганда Сабаблар уммонида ястаниб ётадиган Маха-Вишну назарда тутилади. У ўзининг бир нафаси билан уруғлик шаклида барча коинотларни яратади, кейин улар ривожланиб баҳайбат ўлчамларга киради, уларнинг ҳар бирининг ичида сон-саноксиз сайёралар жойлашади. Коинотларнинг уруғлари ҳам баҳайбат ўлчамларга эга бўлиб, худди ривожланиб сон-саноксиз қантал дарахтларга айланадиган қантал дарахтининг уруғидай ривожланади.

Ана шу Маха-Вишну – Парвардигор Шри Кришнанинг тўлиқ намоён бўлган қисми, "Брахма-самхита"(5.58)да У шундай таърифланган: “Мен тўла намоён бўлган қисми Маха-Вишну бўлган азалий Худо Шахси, Говинда олдида бош эгаман. Коинотларнинг бош ҳукмдори бўлган барча Браҳмалар фақат Унинг бир нафас олиши давомида, Унинг илоҳий танасининг тешиқларидан сон-саноксиз коинотлар пайдо бўлгандан кейин яшайдилар”.

Шундай қилиб, Говинда, яъни Парвардигор Шри Кришна Маха-Вишнунинг ҳам сабабчисидир. Демак, мана шу ведавий ҳақиқат ҳақида гапирётган аёллар бу гапларни ишончли манбалардан тинглаганлар. Ишончли манба – илоҳий илмни англаб етишга имконини берадиган ягона йўлдир. Бунинг бошқа йўли йўқ.

Маъбуд Браҳма ҳаётининг юз йили ўтгандан кейин барча тирик мавжудотлар, буни истайдиларми, йўқми, Маха-Вишнунинг танаси ичига кирадилар. Лекин бу дегани тирик мавжудот ўзининг алоҳида мавжудлигини йўқотади дегани эмас. Улар алоҳида мавжуд бўлиб қолаверадилар, Парвардигорнинг олий амри билан олам яралиши яна бошланганида, уйқуда ҳаракатсиз ётган тирик мавжудотлар яна эркинликка чиқадилар ва ўзларининг аввалги ҳолатидаги соҳасида яна фаолият кўрсата бошлайдилар. Мана шу *суптоттхита-нийайа* – “ўз бурчини бажаришни давом эттириш учун уйқудан уйғониш” деб аталади. Тунда, одам ухлаб ётганида, у ўзининг ким эканини, унинг бурчи нимадан иборат эканини унутади, - ҳаётининг сергак пайти билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани эсдан чиқариб юборади. Лекин у уйқудан уйғонган захоти шу захотиёқ ўзининг қилиши лозим бўлган вазифаларини эслайди ва уларни амалга оширишга киришади. Худди шундай тирик мавжудотлар ҳам, олам яқсон бўлганда Маха-Вишнунинг танасига кирадилар, олам яралишининг янги цикли бошланган захоти, ўзларининг аввалги чала қолган фаолиятини давом эттириш учун улар уйқудан уйғонадилар. Бу "Бхагавад-гита"(8.18.20)да ҳам тасдиқланади.

Парвардигор яратиш қуввати ҳаракатга келмасдан аввал мавжуд эди. Парвардигор моддий қувват яратган Зот эмас. Унинг танаси бутунлай руҳий табиатга эга, Унинг Ўзи ва Унинг танаси бир биридан фарқ қилмайди. Олам яралишидан

аввал Парвардигор Ўзининг мутлақ ва ягона даргоҳида эди.

Текст 22

Ўзининг ажралмас заррачалари бўлган тирик мавжудотларга яна ном ва қиёфалар бериш учун Худо Шахси уларни моддий табиат ҳукмига ҳавола қилди. Унинг қуввати шарофати билан моддий табиат яна оламни яратиш кучига эга бўлади.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас заррачаларидир. Тирик мавжудотларнинг икки тоифаси бор: *нитйа-мукта* ва *нитйа-баддха*. *Нитйа-мукталар* – мангу эркин, озод руҳлар, улар Парвардигор билан ўзаро илоҳий муҳаббатга асосланган мангу муносабатларда Унинг намоён бўлган моддий оламдан ташқарида жойлашган мангу даргоҳида яшайдилар. *Нитйа-баддхи* – мангу шартланган руҳлар Унинг ташқи қуввати *майя* уларни тарбиялаб, олий отасига итоаткор қилиши учун, майянинг ҳукмига ҳавола қилинадилар. *Нитйа-баддхалар* – Парвардигорнинг ажралмас заррачаси эканини бутунлай унутиб юборган зотлар. Алдамчи қувват адаштириб қўйгани туфайли улар ўзларини модданинг яратган маҳсули деб биладилар, шу боис моддий оламда бахтга бахтга эришиш учун турли режалар тузиш билан машғул бўлиб юрадилар. Улар ишбилармонлик билан ҳар хил режалар тузадилар, лекин, аввал эслатиб ўтганимиздек, Худонинг амри билан маълум вақт ўтгандан кейин бу режалар барбод бўлади, режа тузган кишиларнинг ўзлари ҳалок бўладилар. "Бхагавад-гита"(9.7)да бу ҳақиқат қуйидаги сўзлар билан тасдиқланади: "Эй Кунтининг ўғли, ана шу давр охирида барча тирик мавжудотлар Менинг табиатимга ғарқ бўладилар, яна олам яралиш пайти келганида эса, ташқи қувватим ёрдамида Мен яна яратишни бошлайман".

Бхуйах ибораси "такрор ва такрор" деганни билдиради, яъни, Парвардигорнинг ташқи қуввати таъминлаб турадиган оламнинг яралиш, мавжудлик ва яксон бўлиш жараёни мангу давом этаверади. Парвардигор – ҳамма нарсанинг сабабчиси. Лекин, азалдан Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлган, лекин мана шу ширин муносабатларни унутиб юборадиган тирик мавжудотларга ташқи қувват чангалидан кутулиб кетиш имкони берилади. Тирик мавжудотнинг онгини қайта тиклаш учун Парвардигор муқаддас китобларни яратиш қўйган. Ведавий муқаддас китоблар – шартланган руҳларнинг моддий олам ва моддий танани яратиш ва яксон қилиш циклларида озодликка чиқишига ёрдам берадиган "қўлланма" ҳисобланади.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор шундай дейди: "Бу яралган олам ва моддий қувват Менга бўйсунди. *Пракрити* таъсири остида улар ўзидан

ўзи такрор ва такрор пайдо бўлади, Мен буни ташқи қувватим ёрдамида амалга ошираман".

Аслини олганда Парвардигорнинг руҳий заррачалари бўлган тирик мавжудотларнинг ҳеч қандай моддий номи ва қиёфалари йўқ. Лекин, уларни моддий қиёфа номларнинг моддий қуввати устидан ҳукмронлик қилиш истагини амалга ошириш учун уларга ана шу ўткинчи лаззатдан баҳраманд бўлишга имкон берилади, лекин айни пайтда уларга муқаддас китоблар орқали ўзларининг асл ҳолатини тушуниб етиш имкони берилади. Аҳмоқ ва унутувчан тирик мавжудот ҳаммаша алдамчи қиёфалар ва алдамчи номларга ғарқ бўлиб юради. Ана шундай фаолиятнинг энг юқори чўққиси – ҳозирги миллатчилик ғояси. Одамлар алдамчи ном ва қиёфалар деб ақлини йўқотганлар. Маълум бир шароитларда олинган тананинг шакли ҳақиқий тана деб қабул қилинади, бунда олинган ном эса шартланган руҳни ўзининг қувватини ҳар хил "изм"лар ғояси йўлида сарфлашга ундаб, йўлдан адаштириб қўяди. Муқаддас китоблар бизга асл ҳолатимизни англаш калитини беради, лекин одамлар Парвардигор турли замон ва макон учун яратиш қўйган муқаддас китоблардан сабоқ олишни истамайдилар. Масалан, "Бхагавад-гита" – барча одамлар учун қўлланма ҳисобланади, лекин моддий қувват адаштириб қўйгани сабабли улар ўзларининг ҳаётини "Бхагавад-гита" асосида куришни истамайдилар. "Шримад Бхагаватам" – "Бхагавад-гита"да берилган қонун-қоидаларни тўла ўзлаштириб, ҳаётга татбиқ қилиб бўлгандан кейин ўрганиш лозим бўлган муқаддас китоб. Афсуски, одамларда бу китобларни ўрганишга ихлос, интилиш йўқ, шунинг учун улар майя чангалида такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга маҳкум бўлиб яшайдилар.

Текст 23

У – илоҳий қиёфасини буюк содиқлар Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳамда ўзининг моддий онгдан бутунлай покланган ўзининг ҳаёти ва сезгиларини тўла назорат қилиш ёрдамида англаб етадиган ўша Худонинг Олий Шахсидир. Мана шу ўзининг ҳаётини поклашнинг ягона йўлидир.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганидек, Парвардигор ва Унинг табиатини фақат Унга соф садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида англаб етиш мумкин. Шунинг учун мазкур шеърда айтилганки, фақат Парвардигорнинг Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидаларига қатъий риоя қилиш орқали ақлини моддий иллатлардан поклашга кодир бўлган буюк содиқларигина Парвардигор аслида қандай бўлса шундайлигича англаб ета оладилар. Житендрийа – ўзининг сезгиларини тўла жиловлаб олган киши. Сезиш органлари – тананинг фаол қисмлари бўлиб,

уларнинг фаолиятини тўхтатишнинг иложи йўк. Сезгиларнинг фаолиятини тўхтатишга қаратилган йога усулларининг сунъий амаллари Вишвамित्रа Муни сингари буюк йог мисолида ҳам ўзларининг бутунлай яроқсиз эканини кўрсатдилар. Вишвамित्रа Муни жазавали йога ёрдамида сезгиларини назорат қилиб юрарди, лекин, жаннатий сайёрада яшайдиган фоҳиша Менакани учратиб қолиб, эҳтиросини бошқара олмай, унинг қурбони бўлди, сезгиларни сунъий бошқариш усуллари унга чап бердилар. Лекин Худонинг асл содиқ хизматкори сезгиларининг фаолиятини сунъий йўл билан тўхтатиб туришга уринмайди, аксинча, уларни ижобий фаолиятда машғул қилади. Сезгилар юқори поғонада турадиган фаолият билан машғул бўлганда пасткаш бирор фаолият уни ўзига жалб қила олмайди. "Бхагавад-гита"да айтилганки, сезгиларни фақат уларни яхшироқ фаолият билан машғул қилиш орқалигина назорат қилиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш сезгиларни поклашни, яъни бошқача қилиб айтганда, уларни Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятида машғул қилишни назарда тутати. Худога садоқат билан хизмат қилиш фаолиятсизлик эмас. Худога хизмат қилиш йўлидаги ҳар қандай амал шу заҳотиёқ ўзининг моддий табиатини йўқотади. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиш – мутлақо ғофиллик натижасидир. Васудевадан бошқа бирор нарса мавжуд эмас. Сезиш органларини такомиллаштиришнинг узоқ давом этадиган жараёни натижасида билимдон кишининг қалбида аста-секин Васудева ғояси шакллана боради. Аммо бу жараён Васудева ҳамма нарса эканини тан олиш ва тушуниш билан ниҳоясига етади. Худога садоқат билан хизмат қилишда эса бу ғоя биринчи навбатди, энг аввалида тан олинади, қалбида туриб йўл кўрсатадиган Худонинг марҳамати билан содиқнинг қалбида ҳақиқий илм ўзини намоён этади. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида сезгиларни назорат қилиш – Парвардигорни англаб етишнинг ягона ва энг оддий усулидир.

Текст 24

Эй дугоналар, мафтункор сирли эрмакларини буюк содиқлари Ведалар адабиётининг маҳфий бўлимларида таърифланган Худо Шахси ана шу бўлади. Унинг битта Ўзи моддий оламни яратади, мавжудлигини таъминлаб туради ва яқсон қилади, лекин шунда ҳам бу фаолият Унга заррача таъсир қилмайди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганидек, барча ведавий муқаддас китоблар Парвардигор Шри Кришнанинг улуғворлигини шарафлаб қуйлайдилар. Ана шу ҳақиқат мана шу ерда, "Шримад Бхагаватам"да ҳам тасдиқланган. Буюк содиқлар ҳамда Вйаса, Нарада, Шукадева Госвами, Кумарлар, Капила, Прахлада, Джанака, Бали ва

Йамараджа сингари Парвардигорнинг бу дунёда мужассам бўлган алоҳида ваколат юклатилган қиёфалари Ведаларни кўплаб бўлимларга бўлдилар ва уларни ишлаб чиқдилар, лекин Парвардигорнинг фаолиятининг илоҳий сирли жиҳатлари Унинг яқин содиқ хизматкори Шукадева томонидан асосан "Шримад Бхагаватам"да келтирилган. "Веданта-сутра" ва Упанишадаларда Унинг эрмакларининг сирли жойларига фақат ишора қилиб ўтилган. Упанишадалар сингари ведавий муқаддас китобларда Парвардигорнинг Худо ҳақидаги моддий тасаввурлардан бутунлай фарқ қилиши яққол кўрсатиб ўтилган. Унинг шахси бутунлай илоҳий табиатга эга, шунинг учун уларда Унинг қиёфаси, номи, сифатлари, атрофидагилар ва бошқа жиҳатлари моддадан бутунлай фарқ қилиши батафсил тушунтирилган. Бу шунга олиб келадикки, баъзан ақли саёз одамлар адашганидан Парвардигорни шахсиятсиз деб ҳисоблайдилар. Аслида эса У Олий Шахс, Бхагаван, Параматма ва шахсиятсиз Браҳман эса Унинг қисман намоён бўлган кўринишларидир.

Текст 25

Қачон ер юзида табиатнинг пастки гуналари таъсири остида худди ҳайвонлардай умр кечирадиган шоҳ ва ҳукмдорлар пайдо бўлса, Парвардигор Ўзининг илоҳий қиёфасида Ўзининг олий қудратини, Мутлақ Ҳақиқатни намоён этади, тақводор имонли инсонларга Ўзининг алоҳида марҳаматини кўрсатади, ғаройиб кароматлар кўрсатади ва замон ва давр талабига мос равишда Ўзининг турли илоҳий қиёфаларини кўрсатади.

Изоҳ: Аввал эслаб ўтганимиздек, бутун коинот Парвардигорнинг мулки ҳисобланади. Мана шу "Ишопанишад" фалсафасининг асосий ғояси: ҳамма нарса Олий Зотнинг мулки. Ягона Парвардигорнинг мулкига ҳеч ким кўз олайтирмаслиги керак. Фақат Унинг Ўзи марҳамат кўрсатиб бизга инъом этган нарсаларнигина қабул қилиш мумкин. Демак, Ер, бошқа ҳар қандай сайёра ёки коинот Парвардигорнинг мутлақ мулки. Албатта, тирик мавжудотлар – Унинг ажралмас заррачалари, Унинг ўғиллари, шу боис ўзига белгилаб қўйилган фаолият билан машғул бўлиш учун уларнинг ҳар бири Парвардигорнинг ҳомийлиги остида яшашга ҳақли. Демак, Парвардигорнинг рухсатисиз бошқа бир тирик мавжудотнинг, - хоҳ у инсон бўлсин, хоҳ ҳайвон бўлсин, - ҳуқуқини поймол қилмаслик керак. Шоҳ ёки ҳукмдор – Парвардигорнинг амри амалга ошишини назорат қилиш учун қўйилган Унинг вакили. Шунинг учун у Махараж Юдхистхира ёки Махараж Парикшит сингари ҳамма тан оладиган инсон бўлиши лозим. Ана шундай шоҳлар ишончли манбалардан оламни қандай бошқариш лозимлигини биладилар ва бунинг учун

бутун жавобгарликни ўз зиммасига оладилар. Лекин, моддий ғафлат гунаси таъсири остида ҳокимият тепасига маъсулиятсиз ва илмсиз шоҳ ва ҳукмдорлар келиб қолади. Ана шундай нодон ҳукмдорлар фақат ўзларининг шахсий мақсадлари учун худди ҳайвонларга ўхшаб яшайдилар. Натижада ҳамма жойни гуноҳ ва пала-партишлик босиб кетади. Инсонлар жамиятининг ҳамма жойида ???(протекционизм) порахўрлик, ёлғон, зулм кенг тарқалади, бунинг оқибатида эса, очарчилик, эпидемия, урушлар ва бошқа офатлар кела бошлайди, Худонинг содиқларини, яъни имонли кишиларни ҳар томонлама таъқиб қила бошлайдилар. Бу аломатларнинг ҳаммаси Парвардигор бу дунёда бирор қиёфада мужассам бўлиб, ёмон ҳукмдорларни яқсон қилиб, ҳақиқий дин қонунларини ўрнатадиган вақт келганини англатади. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади.

Шунда Парвардигор Ўзининг моддий сифатлардан заррача ҳам қўшилмаган илоҳий қиёфасида намоён бўлади. У Ўзи яратиб қўйган оламда нормал шароитларни таъминлаб туриш учун ташриф буюради. Нормал шароитларда ҳар бир сайёрада Худонинг амри билан унда яшайдиган тирик мавжудотларнинг ҳамма зарур эътиёжлари тўла таъминланган. Улар бахтиёр ҳаёт кечириши ҳамда охир оқибатда нажот топиш учун муқаддас китобларнинг қонун-қоидаларига риоя қилиб, ўзлари учун мўлжалланган фаолият билан машғул бўлишлари мумкин. Худди кулоксиз болаларни тинчитиш учун уларга ўйинчоқ бешикча бериб қўйганлари сингари, бу моддий олам *нитийа-баддха*, мангу шартланган руҳларнинг бемаъни талабларини қондириш учун яратилган. Акс ҳолда моддий оламга бирор зарурат йўқ. Лекин, улар моддий илм-фаннинг қудратига маҳлиё бўлиб, Парвардигорнинг руҳсатисиз, фақат ўзларининг нафсининг, сезгиларининг талабини қондириш учун ноқонуний равишда табиий бойликларни талон-тарож қила бошлаганларида, итоатсиз одамларни жазолайдиган, ҳамда итоаткор тақводор зотларни ҳимоя қиладиган Парвардигорнинг бирор қиёфада мужассам бўлишига зарурат пайдо бўлади.

Бу дунёга ташриф буюриб, У Ўзининг ҳукми албатта амалга ошишини исботлаш учун ғайритабиий кароматлар кўрсатади ҳамда Равана, Хираньякашипу ва Камса сингари дунёвий одамларни муносиб жазолайди. Унинг кўрсатган кароматларига тақлид қилишнинг иложи йўқ. Масалан, Рама қиёфасида келганда У Ҳинд океани орқали ўтадиган кўприк қурди. У Кришна қиёфасида ташриф буюрганида ёш болалик давридан бошлаб ғайриинсоний кароматлар кўрсата бошлади: Путаана, Агхасура, Шакатасура, Калия ва бошқа иблисларни, кейин эса Камсани, Ўзининг тоғасини ўлдирди. Дваракада У 16108 маликага уйланди, уларнинг ҳаммаси етарлича фарзандларга она бўлдилар. Одатда Йаду-вамша деб аталадиган Унинг оила аъзоларининг сони

тахминан 100.000 кишидан иборат эди. Лекин шунга қарамай, У ҳали Ўзининг бу дунёда бўлган давридаёқ уларнинг ҳаммасини яқсон қилишга улгурди. У яна Говардхана-дхари Хари деган ном билан ҳам машҳур, чунки атиги етти ёшида Говардхана тоғини кўтарди. Парвардигор ўша даврдаги кўплаган золим шоҳларни ўлдирди, кшатрий бўлган ҳолда У жанг майдонида жасорат кўрсатиб жанг қилди. Уни асамордхана, яъни "тенги бўлмаган Зот" деб ҳам атайдилар. Ундан устунроқ ёки Унга тенг ҳеч бир зот мавжуд эмас.

Текст 26

О, барча тирик мавжудотларнинг олий йўлбошчиси дунёга келган шоҳ Йаду сулоласининг шўхрати қанчалик буюк ва равнақ фариштасининг эри ёшлигида сайр қилиб юрган Матхура замини қанчалик шарофатли.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришна Ўзининг илоҳий табиатга эга бўлган келишини, кетишини ва кароматларини ёрқин таърифлаб берган. Парвардигор Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида маълум бир оилада ёки жойда дунёга келади. У шартланган руҳларга ўхшаб бир танани ташлаб иккинчи танада туғилмайди. Унинг туғилиши худди қуёшнинг келиб кетишига ўхшайди. Қуёш шарқдан чиқади, лекин бу шарқ тарафдаги уфқ қуёшни дунёга келтиришда бирор иш бажаради дегани эмас. Қуёш коинотнинг ҳар бир жойида иштирок этади, лекин маълум бир вақтда у бизнинг кўз олдимизда пайдо бўлади ва кейин яна кўзимиздан ғойиб бўлади. У ҳаммиса ва ҳамма жойда мавжуд, лекин Ўзининг бесабаб марҳамати билан Ўзини бизларга намоён этганида биз Унинг туғилиши ўз-ўзидан маълум деб биламиз. Мана шу ҳақиқат муқаддас китобларда қандай ёзилган бўлса, уни шундайлигича тушунишга қодир бўлган ҳар қандай инсон ўзининг ҳозирги танасини тарк этар экан, албатта руҳий озодликка эришади. Инсон жуда кўп туғилишлардан кейин, сабр-тоқат ва қатъият, илм ва боғланмаслик шарофати билан озодликка эришиши мумкин. Лекин унга осонлик билан бирданига эришиш ҳам мумкин, бунинг учун Парвардигорнинг туғилиши ва кароматлари илоҳий табиатга эга эканини билдирадиган ҳақиқатни тушуниб етишнинг ўзи кифоя. "Бхагавад-гита"нинг хулосаси шундай. Лекин, ғофиллик зулматида юрган одамлар Парвардигорнинг моддий оламда туғилиши ва кўрсатган кароматлари оддий тирик мавжудотнинг туғилиши ва кўрсатган фаолиятига ўхшайди деб ҳисоблайдилар. Ана шундай нотўғри хулосалар ҳеч кимни озодликка чиқара олмайди. Демак, Унинг шоҳ Йаду хонадонидида шоҳ Васудеваниннг ўғли сифатида туғилиши ва кейин Матхурадан Нанда Махараж хонадонига ўтиши - Унинг ички

куватининг илоҳий даражада намоён бўлишидир. Моддий нуктаи-назардан Матхура аҳолиси ва Йадавалар сулоласи тақдирига дуч келган омадни муносиб баҳолашнинг илоҳи йўқ. Агар Парвардигорнинг туғилиши ва кўрсатган кароматларининг илоҳий табиатга эга эканини билишнинг ўзиёқ озодликка эришиш учун кифоя бўлса, Парвардигор билан қўшни ёки оила аъзоси сифатида бирга ҳамсухбат бўлиб юришдан ҳақиқатан ҳам лаззатланиб юрган кишиларнинг тақдири нима бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Парвардигор – равнақ фариштасининг эри билан шахсан мулоқот қилиш бахтига муяссар бўлган кишиларнинг ҳаммаси, ҳеч шубҳа йўқки, шунчаки озодлик деб аталадиган мукофотдан буюкроқ нарсага эришганлар. Шу боис бу сулола ҳамда ана шу замин Парвардигорнинг марҳамати билан сўнмас шон-шухратга эга.

Текст 27

Ажабланарли эмасми, Дварака жаннатий сайёраларнинг шон-шухратини сўндириб, Ер сайёрасига шон-шухрат келтирди. Дварака аҳолиси ҳамиша кўз олдида уларга Ўзининг меҳрибон сиймоси билан қараб турган Кришнани, барча тирик мавжудотларнинг жонини кўриб юрадилар. У уларга Ўз нигоҳини ташлайди Уларни Ўзининг ширин табассумидан бахраманд қилади.

Изоҳ: Жаннатий сайёраларда Индра, Чандра, Варуна ва Вайу сингари фаришталар яшайдилар, бу сайёраларга Ер юзида кўплаб савоб ишлар қилган тақводор зотлар борадилар. Замоनावий олимлар олий сайёралар тизимида вақт бирлиги ердаги вақт бирлигидан фарқ қилишини тан оладилар. Муқаддас китоблардан биламизки, у жойда тирик мавжудотларнинг умри ўн минг йил давом этади. Ер сайёрасидаги олти ой жаннатий сайёралардаги бир кунга тенг. У жойда лаззатланиш имконияти ҳам шунчалик катта, у ердаги аҳолининг гўзаллиги эса афсонавий даражада. Ердаги одамлар жаннатга эришишга интиладилар, чунки улар у жойда роҳатбахш нарсалар ердагига қараганда анча кўп эканини эшитганлар. Ҳозир улар космик кемаларда Ойга боришга интиляптилар. Буларнинг ҳаммасини эътиборга олган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, жаннатий сайёралар ерга нисбатан кўпроқ шон-шухратга эга. Лекин, Парвардигор Шри Кришна шоҳ сифатида ҳукмронлик қилган Дварака шарофати билан Ер сайёрасининг шухрати жаннатий сайёраларнинг шон-шухратини сўндириб қўйди. Уч даргоҳ: Вриндаван, Матхура ва Дварака – коинотдаги барча машҳур сайёралардан устун туради. Бу даргоҳлар мангу муқаддас, чунки Парвардигор қачон Ер сайёрасига ташриф буюрса, У Ўзининг илоҳий фаолиятини айнан мана шу уч даргоҳда намоён этади. Улар ҳамиша Парвардигорнинг муқаддас даргоҳи бўлиб

қолади, шу жойда яшайдиган аҳоли ҳам, гарчи улар ҳозир Парвардигорни бевосита кўриш имкониятига эга бўлмасалар ҳам, барибир муқаддас даргоҳнинг барча афзалликларидан фойдаланаверадилар. Парвардигор – барча тирик мавжудотларнинг жони, шу боис У барча тирик мавжудотлар ўзларининг *сварупасида*, азалий ҳолатида У билан бирга илоҳий ҳаёт кечирешини истайди. Унинг мафтункор сиймоси ва ширин табассуми ҳар кимнинг қалбига чуқур ўрнашиб қолади, мана шундай ҳолат юз берган заҳоти тирик мавжудот боргандан кейин ҳеч қачон орқага қайтиб келмайдиган Парвардигорнинг салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Бу "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланади.

Жаннатий сайёралар шуниси билан машҳурки, моддий лаззатланиш учун кўпроқ имконият яратиб беради, лекин "Бхагавад-гита"(9.20-21)дан биламизки, қилган савоб ишлар заҳираси ниҳоясига етган заҳоти инсон яна Ерга қайтиб тушишга мажбур бўлади. Дварака, шубҳасиз, жаннатий сайёралардан муҳимроқ, чунки Парвардигорнинг нигоҳи ва табассумини кўриш бахтига муяссар бўлган ҳар бир киши ҳеч қачон Парвардигорнинг Ўзи мусибатлар макони деб атаган бу ачинарли Ер сайёрасига қайтиб келмайди. Нафақат бу Ер сайёраси, балки барча коинотлардаги ҳамма сайёралар – мусибатлар маконидир, чунки уларнинг бирортасида мангу ҳаёт, мангу лаззат ва мангу илм йўқ. Парвардигорга садоқат билан хизмат қилиб юрган ҳар бир кишига мана шу эслаб ўтилган уч даргоҳ - Дварака, Матхура ёки Вриндаваннинг бирортасида яшаш тавсия қилинади. Мана шу даргоҳларда Худога садоқат билан хизмат қилиш жуда катта самара бергани туфайли, муқаддас китобларнинг тавсияларини амалга ошириш учун шу жойларга йўл олган кишилар ҳам албатта Парвардигор Шри Кришнанинг ер юзида шахсан иштирок этиши берадиган натижага эришадилар. Унинг даргоҳи Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, Худонинг асл содиқ хизматкори бошқа бир тажрибали содиқ хизматкор раҳбарлиги остида ҳатто биз яшаётган даврда ҳам худди шундай натижаларга эриша олади.

Текст 28

Ҳой дугоналар, У уйланган аёллар ҳақида бир ўйлаб кўринглар. Ҳозир ҳамиша Унинг лабларининг нектаридан лаззатланиб юриш учун улар қандай муқаддас қасамларга риюя қилишлари, қандай қурбонлик маросимлари ўтказишлари, қайси муқаддас саждагоҳлардаги сувларда ювиниб покланишлари, олам Парвардигорига сажда қилишда қандай мукамалликка эришишлари керак эди. Враджабхуми қизлари бундай марҳаматга эришиш мумкинлиги ҳақида ўйлаган заҳоти кўпинча хушидан кетиб қолардилар.

Изоҳ: Муқаддас китобларда тавсия қилинадиган диний урф-одатлар шартланган руҳлар аста-секин Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш поғонасига кўтарила олишлари учун уларни моддий сифатлардан поклашдан иборат. Соф руҳий ҳаётнинг ана шу поғонасига – *сварупа*, яъни тирик мавжудотнинг ҳақиқий “мен” ҳолатига эришиш – баркамолликнинг олий чўққисидир. Озодликка эришиш ана шу *сварупа* ҳолатига қайтишни билдиради. Ана шу мукамал *сварупа* ҳолатида тирик мавжудот хизмат қилишнинг беш туридан бирида бўлади, улардан бири – *мадхурйа-раса*, яъни эр-хотинлардай ўзаро муҳаббат *расаси*. Парвардигор Ўзи билан Ўзи ҳамиша мукамал, шунинг учун У Ўзи учун ҳеч нарса истамайди. Лекин содиқ хизматкорининг кучли муҳаббатига жавоб бериш учун У унинг хўжайини, дўсти, ўғли ёки эри бўлади. Бу ерда Худонинг Парвардигор билан ўзаро эр-хотинларникидай муҳаббат муносабатида бўладиган содиқларининг икки тоифаси эслаб ўтилган: *свакийя* ва *паракийя*. Бу икки тоифа содиқлар ҳам Худо Шахси, Кришна билан ўзаро эр хотинлардай муносабатда бўладилар. Дваракадаги маликалар *свакийя*, Парвардигорнинг қонуний хотинлари эдилар, Враджалик подачи қизлар эса, - ҳали У уйланмаган пайтда Унинг ёш дугоналари эди. Парвардигор Вриндаванда ўн олти ёшгача қолган, Унинг қўшни қизлар билан бўлган ўзаро муносабатлари *паракийя* тоифасига киради. Бу қизлар ҳам, маликалар сингари руҳий қасамлар ичиб, қаттиқ риёзатларга берилганлар, муқаддас китобларда кўрсатилганидек муқаддас саждагоҳлардаги сувларда чўмилиб, қурбонлик маросимлари ўтказганлар. *Кармали* фаолият, илм ўрганиш ва сеҳр қудратига эришиш сингари ҳар хил диний маросимлар ҳам ўз ҳолича мақсад эмас. Буларнинг ҳаммаси – бизларнинг асл табиатимизга мос бўлган Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан шуғулланиш имкониятига эга бўлиш учун баркамолликнинг олий поғонаси бўлган *сварупа* ҳолатига эришиш воситаларидир. Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигор билан бўладиган ўзаро муносабатларнинг юқорида кўрсатилган беш туридан бирида ўзининг ажойиб ҳолатини эгаллаши мумкин, *сварупанинг* соф руҳий кўринишида ана шу муносабатлар моддий яқинликсиз намоён бўлади. Парвардигор ўзларининг эри бўлишини истайдиган Унинг хотинлари ёки ёш дугоналари Парвардигорни ўпганларида уларнинг бўсалари ҳар қандай бузилган моддий сифатлардан мутлақо пок. Агар бундай амаллар шунчаки дунёвий амаллар бўлганида, руҳий озодликка эришган зот, Шукадева Госвами, улар билан лаззатланишга интилмаган, дунёвий ҳаётни тарк этган Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабху эса, бу мавзуларни муҳокама қилишда иштирок этмаган бўларди. Бундай поғонага риёзатга берилган жуда кўп йиллардан кейин эришиш мумкин.

Текст 29

Бу аёлларнинг ўғиллари – Прадйумна, Самба, Амба ва бошқалар. Рукмини, Сатйабхама, Джамбавати ва бошқа аёлларни У Шишупала бошлиқ кўплаб қудратли шоҳлар устидан ғалаба қозониб, свайамвара маросимдан куч билан олиб кетди. Бошқа аёлларни ҳам У Бхаумасура ва унинг минглаб хизматкорларини ўлдирганида олган эди. Ана шу аёлларнинг ҳаммаси шухрат қозондилар.

Изоҳ: Қудратли шоҳнинг ноёб сифатларга эга бўлган кизларига, ўзларига очик кураш жараёнида куёв танлаш имкони берилган. Ана шундай маросимлар свайамвара – куёв танлаш маросими деб аталган. Свайамвара жасур номзод-шаҳзодаларнинг очик мусобақаси бўлгани учун келиннинг отаси уларни кураш майдонига таклиф қилган, одатда улар орасида ўзаро кураш мусобақалари бўлиб ўтган. Шундай ҳолатлар ҳам учраб турардики, жанговор шаҳзодалар ана шундай тўй маросимларида ҳалок бўлардилар, ғолиб шаҳзодага эса, мукофот-ўлжа сифатида кўплаб шаҳзодалар етиша олмай жон топширган маликанинг қўли насиб этарди. Парвардигор Шри Кришнанинг хотинлари ичида асосийси бўлган малика Рукмини шоҳ Видарбханинг кизи эди, у ўзининг чиройли ва ажойиб сифатларга эгаллиги учун Парвардигор Шри Кришнага эрга тегишини истарди. Лекин қизнинг акаси уни Кришнанинг амаки-оғаси бўлган шаҳзода Шишупалага беришни истарди. Очик кураш бошланади ва одатдагидай Парвардигор Шри Кришна бу курашда Ўзининг тенгсиз маҳорати билан Шишупала ва бошқа шаҳзодаларга кўп талафотлар келтириб, ғолиб чиқди. Рукминининг ўн нафар ўғли бор эди, улардан биттаси – Прадйумна. Парвардигор Шри Кришна бошқа маликаларга ҳам шу тарзда эришган эди. Парвардигор Шри Кришнанинг ана шу ажойиб ўлжаларни қандай қўлга киритгани "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғида батафсил келтирилади. Бхаумасура 16100 та ажойиб қизни – ҳар хил шоҳларнинг кизларини ўғирлаб, ўзининг шаҳвоний хирсини кондириш учун уларни қамаб қўйган эди. Бу қизлар Парвардигор Шри Кришнага ялиниб илтижо қилиб, уларни озодликка чиқаришини сўрадилар, уларнинг самимий илтижолари бориб етган меҳрибон Парвардигор, Бхаумасура билан жанг қилди ва уни ўлдирди. Кейин, гарчи жамиятдаги одамлар нуқтаи-назарида бу асира-маликалар пасткаш аёллар бўлса ҳам, Парвардигор уларни хотинликка олди. Ҳар нарсага қодир Парвардигор Шри Кришна ана шу қизларнинг камтарин илтижоларини ижобат қилди ва уларга уйланиб уларни малика даражасига кўтарди. Шундай қилиб, Дваракада Парвардигор Шри Кришнанинг 16108 маликаси бўлиб, уларнинг ҳар бири Унга

ўнтадан ўғил туғиб берди. Болалар вояга етиб, уларнинг ҳар бирида отасида қанча бўлса, шунчадан фарзанд бор эди. Парвардигорнинг хонадонининг умумий сони миллионлаб ҳисобланарди.

Текст 30

На алоҳида бир фазилатларга, на покликка, эга бўлмаса ҳам бу аёллар барибир яхши обрў-эътибор қозонган эдилар. Уларнинг эри, нилуфар кўзли Парвардигор ҳеч қачон уларни уйларида ёлғиз ташлаб кетмасди. У ҳамиша уларга қимматбаҳо совғалар келтириб, уларнинг қалбини қувончга тўлдириб юрарди.

Изоҳ: Худонинг содиқлари – покланган руҳлардир. Улар самимий ҳолда ўз ихтиёрини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига топширган заҳоти Парвардигор уларни қабул қилади, шунда улар шу заҳотиёқ барча моддий иллатлардан покланадилар. Ана шундай содиқлар моддий табиатнинг уч гунасида юқори кўтариладилар. Худди Ганга суви билан шу сув билан аралашган оқава сув орасида сифат жиҳатидан ҳеч қандай фарқ бўлмагани сингари, содиқ хизматкорнинг танаси билан боғлиқ бўлган камчилиги бўлмайди. Аёллар, савдогарлар ва қора ишчилар кучли ақл-идроққа эга эмас, шу боис уларнинг Худо ҳақидаги илми англаб етиши ёки Худога садоқат билан хизмат қилиши жуда қийин. Бундай ишлар учун улар жуда дунёвий. Кираталар, хуналар, андралар, пулиндалар, пулкашалар, абхиралар, канкалар, йаваналар, кхасалар ва бошқалар улардан ҳам пастрокда турадилар, лекин, агар Худога садоқат билан хизмат қила бошласалар, уларнинг ҳаммаси озодликка эриша оладилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан уларнинг ташқи нуқсонлари йўқолиб кетади ва худди пок руҳлар сингари уларга ҳам Парвардигорнинг салтанати эшиклари очилади.

Бхаумасуранинг қўли остидаги адашган қизлар озодликка чиқишга интилиб, Парвардигор Шри Кришнага самимий илтижо қилдилар, садоқати шарофати билан уларнинг самимий ниятлари шу заҳотиёқ уларнинг қалбини поклади. Шу боис Парвардигор уларни хотинликка олди ва бу билан уларни шон-шуҳратга эриштирди. Парвардигор уларнинг садоқатли эри вазифасини бажара бошлаганида эса, уларнинг шуҳрати яна ҳам ошиб кетди.

Парвардигор ҳамиша Ўзининг 16108 хотини билан бирга бўларди. У Ўзини ҳар бири азалий шахсдан фарқ қилмайдиган 16108 тўла намоён бўлган қисмларда кўпайтирди. Шрути-мантрада ҳам тасдиқланганки, Парвардигор Ўзини кўплаб мустақил шахсларда тарқата олади. Шунча хотиннинг эри бўлган ҳолда Парвардигор уларнинг ҳаммасини ҳар хил совғалар билан қувонтирарди. У жаннатдан париджата гулини

келтирди ва уни асосий маликалардан бири Сатйабхаманинг саройида ўтказди. Шундай қилиб, кимдир Парвардигор ўзининг эри бўлишини истаса, Парвардигор унинг истагини тўла амалга оширади.

Текст 31

Пойтахт Хастинапур аёллари Парвардигорни шундай қарши олиб, ўзаро суҳбатлашардилар. Парвардигор табассум билан уларнинг таъзимларини қабул қилди ва меҳр билан уларга Ўз нигоҳини ташлаб, шаҳарни тарк этди.

Текст 32

Гарчи Махараж Юдхитхира ҳеч кимга душманлик муносабатида бўлмаса ҳам, асур(иблис)лар душмани бўлган Парвардигор Шри Кришнани қўриқлаб бориш учун тўрт турли(отлик, филлар, жанг аравалари ва пиёдалар) қўшин жўнатди. Махараж душманлардан хавотир олгани ҳамда Худога бўлган чексиз муҳаббатидан шундай қилганди.

Изоҳ: Табиий ҳимоя воситалари – пиёда жангчилар ва жанг аравалари билан аралашган отлик ва филлардан иборат. Отлар ва филлар ҳар қандай жойда: тоғли, ўрмон ва текисликда ҳаракатлана оладилар. Жанг араваларидаги жангчилар яксон қилиш қудрати ҳатто *брахмастра* даражасига етадиган қудратли пайконлар ёрдамида кўплаб отлик ва филларга қарши жанг олиб борардилар. Кришна – ҳар кимнинг дўсти ва саодатманди эканини Махараж Юдхитхира яхши биларди, лекин шунга қарамай, ўзларининг табиатига кўра Парвардигорга душманлик қиладиган асурлар бор эди. Шундай қилиб, уларнинг ҳужум қилишидан хавотирланиб, шунингдек муҳаббат юзасидан у Парвардигор Шри Кришнани қўриқлаш учун қуролланган қўшин жўнатганди. Агар зарур бўлса, Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи Уни ўзига душман деб юрган зотларнинг ҳужумидан Ўзини бемалол ҳимоя қила оларди, лекин барибир У Махараж Юдхитхиранинг эҳтиёт юзасидан қўрган чораларига розилик билдирди, чунки Ўзининг холаваччаси бўлган шохнинг қарорига қарши чиқолмасди. Ўзининг илоҳий эрмаклариди Парвардигор бошқаларга итоат қилишни талаб қиладиган ролларни ҳам ижро этади, шунинг учун баъзан У ночор ёш бола ролини ўйнаб, Яшодаматага Уни ҳимоя қилиш имконини беради. Буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг лилалари, илоҳий эрмаклари. Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкорлари орасидаги ўзаро муносабатлардаги асосий қоида ҳеч нарсага, ҳатто брахманандага тенглаб бўлмайдиган илоҳий лаззатдан баҳраманд бўлишда намоён бўлади.

Текст 33

Парвардигор Шри Кришнага чуқур мухаббат юзасидан Кауравалар сулоласига мансуб Пандузодалар Уни кузатар экан, узоқ жойгача Унга эргашиб бордилар. Улар олдиларида турган хижрон хақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлган эдилар. Лекин Парвардигор уларни уйига қайтишга кўндирди ва Ўзининг яқин ҳамроҳлари билан биргаликда Дваракага қараб йўлини давом эттирди.

Текст 34-35

Эй Шаунака, кейин Парвардигор Куружангала, Панчала, Шурасена ерлари бўйлаб, Ямуна қирғоғида жойлашган Брахмаварта, Курукшетра, Матсйа, Сарасвати воҳалари, чўллар ва сувсиз адирлардан ўтди, Саувира ва Абхира вилоятига кириб келди. Шу ерда ғарбга бурилиб, ниҳоят Дваракага етиб келди.

36. Парвардигор ана шу вилоятлардан ўтаётганида, ерлик аҳоли Уни чуқур эҳтиром билан кутиб олар, Унга таъзим қилиб, ҳар хил совға-саломлар тақдим этарди. У қаерда бўлмасин, кун ботгандан кейин, кечки ибодат маросимини ўтказиш учун албатта тўхтарди".

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, Парвардигор ҳатто йўлда ҳам мунтазам равишда диний амалларни ўз вақтида бажариб юрди. Ҳатто Парвардигорга ҳам кармали фаолият мажбуриятларини юклаб кўядиган бутун бир фалсафий таълимот мавжуд. Лекин, аслида бундай эмас. Парвардигор ҳар қандай – яхши ёки ёмон фаолиятнинг оқибатларига боғланган эмас. Парвардигор мутлақ табиатга эга бўлгани учун, Унинг қилаётган ҳар бир иши ҳамма учун фақат яхшилик келтиради. Лекин, Ер сайёрасига ташриф буюрганида У содиқларни ҳимоя қилади ва имонсиз нопок одамларни яқсон қилади. Унинг ҳеч қандай вазифаси, бурчи бўлмагани учун У бошқаларга ўрناк кўрсатиш учун ҳаракат қилади. Мана шу бошқаларга таълим беришнинг ҳақиқий усули ҳисобланади: инсон ўзи тўғри амаллар қилиши ва шу амалларни бошқаларга ҳам ўргатиши лозим, акс ҳолда унинг иккиюзламачи ўғитларини ҳеч ким жиддий қабул қилмайди. Парвардигорнинг Ўзи бизларни қилган амалларимиз натижаси билан мукофотлайди. У Ўзига тўла бутун, шунга карамай, бизларга ўрнак кўрсатиш учун У муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда ҳаракат қилади. Агар У шундай қилмаса, оддий одамлар тўғри йўлдан адашиб кетган бўлардилар. Лекин, руҳий ўзлиқни англашнинг юқори, инсон Парвардигорнинг илоҳий табиатини англаб етган поғоналарида, у Парвардигорга тақлид қилишга уринмайди. Бунинг иложи йўқ.

Инсонлар жамиятида Парвардигор ҳар бир инсоннинг бурчи бўлган ишларни қилади, лекин баъзида У қандайдир ғайритабиий, тирик

мавжудот тақлид қилмаслиги лозим бўлган ишни амалга оширади. Тирик мавжудот мазкур шеърда таърифланганидек, кечқурунлари Худога илтижо қилиб, Ундан ўрнак олиши лозим, лекин у Парвардигорга ўхшаб тоғни кўтаришга ёки Унинг гопилар билан рақс тушганини такрорлашга кодир эмас. Ҳатто ифлос жойдан ҳам сувни ажратиб олишга кодир бўлган қуёшга тақлид қилиб бўлмайди. Энг қудратли зот ҳаммага бахт келтирадиган ишни қилиши мумкин, лекин агар биз Парвардигорнинг қилган ишларига тақлид қила бошласак, жуда қийин аҳволга тушиб қоламиз. Шунинг учун ҳамиша, нима иш қилсак ҳам, биз аввал тажрибали раҳбар, Худонинг марҳаматининг намоён бўлган кўриниши руҳий устоз билан маслаҳатлашишимиз лозим, шунда бизга руҳий баркамолликка эришиш йўллари очилган бўлади.

Бхактиведантанинг "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи кўшиқ, "Парвардигор Шри Кришнанинг Дваракага жўнаши" деб аталадиган ўнинчи бобига изоҳлари шундай яқунланади.

Ўн биринчи боб Парвардигор Кришнанинг Дваракага кириб келиши

1. Сута Госвами шундай деди: Анартлар давлати(Дварака) деб аталмиш Ўзининг гуллаб яшнаётган салтанати чегараларига етиб боргач, Ўзининг келганидан дарак бериш учун Парвардигор омад келтирувчи сурини чалиб юборди, унинг жарангдор овози аҳолининг ғам босган кўнгилларини сезиларли даражада қувончга тўлдирди.

Изоҳ: Курукшетрадаги уруш сабабли севимли Парвардигор анча узоқ вақт Ўзининг гуллаб-яшаётган пойтахти Дваракадан узоқда юрган, шаҳар аҳолиси Ундан айрилиқ азобида уни жуда соғиниб қолгандилар. Парвардигор Ер сайёрасига ташриф буюрганида, худди шохга ҳамроҳ бўлиб юрадиган сарой арбоблари сингари, Унинг мангу ҳамроҳлари ҳам У билан бирга келадилар. Парвардигорнинг ана шу ҳамроҳлари – мангу озод руҳлар бўлиб, Уни шунчалик қаттиқ севадиларки, ҳатто У билан бир лаҳзалик хижрон ҳам улар учун чидаб бўлмас мусибатга айланади. Шунинг учун Дварака аҳолиси қаттиқ изтиробда бўлиб, ҳар лаҳзада Парвардигорнинг келишини кутиб юрардилар. Шу боис Унинг келганидан хабар берган Унинг омад келтирувчи сурининг овози

уларни қувонтириб, мусибатларини сезиларли даражада тарқатиб юборган эди. Уларнинг Парвардигорни яна ўз шаҳарларида кўриш истаги яна ҳам кучайиб кетди ва улар Парвардигорни муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўра бошладилар. Худого бўлган табиий муҳаббатнинг аломатлари шундай бўлади.

2. Парвардигор Кришна ана шу оппоқ ва ямамоқ сурини қўлларига қисиб туриб пуфлаётганида, сур Унинг илоҳий лаблари текканидан гўё қизариб кетгандай туюларди. Унинг бу ҳолати худди қизил нилуфар гуллари орасида ўйнаётган оққушни эслатарди.

Изоҳ: Оппоқ сурнинг Парвардигорнинг лаблари тегишидан қизариши – руҳий маънога эга бўлган аломат. Парвардигор бутунлай руҳий табиатга эга, модда эса, ана шу руҳий мавжудликни билмасликдир. Руҳий онг мутлақо аксилмоддий бўлиб, бу онг кишига Парвардигор Шри Кришна билан учрашган заҳоти келади. Парвардигор бутун борлиқнинг ҳар бир заррачасида мавжуд ва Ўзининг мавжудлигини ҳар кимда намоён этишга кодир. Парвардигорга бўлган қайноқ муҳаббат ҳамда садоқат билан хизмат қилиш, яъни Парвардигор билан руҳий алоқа қилиш туфайли ҳамма нарса Парвардигорнинг қўлидаги сурга ўхшаб руҳий тусга киради, парамахамса, чуқур тафаккур соҳиби бўлган инсон эса, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи билан мангу безанган руҳий лаззат сувларига шўнғиётган оққуш ролини ўйнайди.

3. Моддий оламда ҳатто кўрқувнинг ўзи ҳам кўрқадиган бу товушни эшитган Дварака аҳолиси, ниҳоят барча содиқларнинг ҳимоячиси бўлган Парвардигорни кўриш учун ўша ёққа шошилди.

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, Парвардигор Кришна шу ерда бўлган пайтдаги Двараканинг бутун аҳолиси у ерга Парвардигор билан биргаликда Унинг ҳамроҳлари сифатида ташриф буюрган озод руҳлар эди. Гарчи ўзларининг У билан руҳий алоқаси туфайли улар ҳеч қачон Парвардигордан айрилмаган бўлсалар ҳам, ҳозир уларнинг ҳаммаси Парвардигорни кўриш иштиёқида ёнардилар. Кришна сигир боқиш учун қишлоқдан кетганида ҳаммиша Кришна ҳақида ўйлаб юрадиган Вриндаванлик гопилар сингари, Дварака аҳолиси ҳам Парвардигор Курукшетрадаги жангда иштирок этиб, улардан йироқда юрганида, Парвардигор ҳақидаги фикрларга ғарқ бўлиб юрганди. Бир бенгал ёзувчиси айтадики, Вриндавандаги Кришна, Матхуралик Кришна ҳамда Дваракадаги Кришна – бошқа бошқа шахслар. Тарихий нуқтаи-назардан бундай хулоса мутлақо ногўри. Курукшетрадаги Кришна билан Дваракадаги Кришна иккаласи бир шахс.

Шундай қилиб, худди инсон тунда куёш бўлмагани сабабли қайғуга чўмгани сингари, илоҳий шаҳарда Парвардигор бўлмагани туфайли, Дварака аҳолиси ҳам қайғуда эдилар. Парвардигор Шри Кришнанинг келганидан хабар берган товуш худди тонг ёришиши олдидаги хабарга ўхшарди. Кришна куёши чиққанида Дварака аҳолиси уйқудан уйғондилар ва У билан учрашувга шошилдилар. Худонинг содиқлари Ундан бошқа ҳимоячини билмайдилар.

Биз аввал Парвардигорнинг зиддиятсиз мутлақ табиатидан келиб чиққан ҳолда тушунтиришга уринганимиздек, Парвардигорнинг овози Унинг Ўзи билан бир. Бизнинг ҳозирги ҳолатимизда моддий ҳаёт кўрқув-хавотирга тўла. Моддий тирикчиликнинг тўрт муаммоси: овқатланиш, бошпана, кўрқув ва жинсий алоқа ичида инсон кўрқув туйғуси кўпроқ ташвиш келтиради. Бир лаҳзадан кейин қандай муаммо юзага келишини билмаганимиз сабабли биз ҳаммиша хавотирда юрамиз. Бутун моддий тирикчилик ҳар хил муаммоларга тўла, шунинг учун кўрқув муаммоси ҳаммиша биринчи ўринда туради. Бу биз Парвардигорнинг майя, деб аталадиган алдамчи, ташқи қуввати билан аралашганимиз натижасидир. Лекин, Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабху эълон қилган Худонинг муқаддас номлари шаклида Парвардигорнинг товуши иштирок этган жойда ҳамма кўрқув-хавотирлар ғойиб бўлади. Бу муқаддас номлар қуйидаги ўн олти сўздан иборат:

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре

Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре

Бизлар ана шу товушлардан фойдаланиб моддий ҳаётнинг бизга ҳаммиша таҳдид солиб турадиган барча муаммоларидан халос бўла оламиз.

4-5. Шаҳарликлар ҳаммиша Ўзидан мамнун ва Ўзига тўла-бутун, Ўзининг қуввати ёрдамида бошқаларни барча зарур нарсалар билан таъминлаб турадиган Парвардигор олдида ҳар хил тухфаю-эхсонлар билан пайдо бўлиб, уларни Унга тақдим этдилар. Уларнинг бу ҳадялари қуёшга шамчирок эхсон қилишдай кўринарди. Шаҳарликлар худди ғамхўр, меҳрибон оталарини кутиб олаётган болалардай жазавага тушиб Унга табрик сўзларини айта бошладилар.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна бу ерда атмарама ибораси билан таърифланган. У Ўзига тўла-бутун, Унинг Ўзидан ташқаридан бахт излаб юришига ҳеч қандай зарурат йўқ. У Ўзига тўла бутун, чунки Унинг илоҳий борлигининг ўзи лаззатга тўла. У мангу мавжуд. У ҳамма нарсани билади ва лаззатга тўла. Демак, У қанчалик қимматли бўлмасин, ҳеч қандай эхсонга муҳтож эмас. Лекин У ҳар кимга яхшилик истайди, шунинг учун У ҳар кимнинг Унга садоқат билан хизмат қилишда тақлиф этган ҳамма нарсасини

кабул қилади. У бундай нарсаларга умуман муҳтож эмас, чунки буларнинг ҳаммаси Унинг қувватидан пайдо бўлган. Худога эҳсон қилиш мазкур шеърда худди Қуёш фариштасига сиғинишдаги унга шамчиноқ тақдим этишга киёсланган. Олов ва ёруғлик табиатига эга бўлган нарсаларнинг ҳаммаси Қуёш қувватининг юзага келтирилганларидан бошқа нарса эмас, лекин шунга қарамай, Қуёш фариштасига сиғиниш маросим пайтида унга шамчиноқ тақдир этиш керак. Қуёш фариштасига сиғинаётган киши унга бирор илтимос билан мурожаат қилади, лекин Худога садоқат билан хизмат қилишда ҳар икки тарафнинг бирортасидан бирор илтимос ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси – Парвардигор билан Унинг содиқ хизматкори орасидаги қаттиқ боғланиш ва пок муҳаббатнинг намоён бўлишидир.

Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг олий отаси, шу боис Парвардигор билан бўлган мана шу аниқ муносабатларни англаб етган кишилар Унга худди фарзандай мурожаат қила олади, отаси эса, улар билан савдолашиб ўтирмасдан Ўзининг итоаткор ўғилларининг илтимосларини бажаришдан мамнун бўлади. Парвардигор худди истаклар дарахтига ўхшайди, Унинг бесабаб марҳамати билан ҳар ким Ундан ўзи истаган ҳамма нарсани олиши мумкин. Лекин, олий ота бўлган ҳолда Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкорига Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида тўсиқ бўладиган нарсаларни бермайди. Парвардигорнинг илоҳий мафтункорлиги шарофати билан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишилар Унга соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилла оладилар.

6. Шаҳарликлар шундай дедилар: "Эй Парвардигор, барча фаришталар, шу жумладан Брахма, тўрт Сан, ҳатто осмон фариштаси ҳам Сенга сиғинадилар. Ҳаётнинг энг олий саодатига эришишга интилиб юрган зотлар Сенга эришгандан кейин якуний хотиржамликка эришиб ором оладилар. Сен – илоҳий Парвардигорсан, Сенга енгилмас замона зайли ўз ҳукмини ўтказа олмайди.

Изоҳ: "Бхагавад-гита", "Брахма-самхита" ва бошқа ишончли ведавий муқаддас китобларда тасдиқланишига кўра ягона Парвардигор - Шри Кришна. Унга тенг ёки Ундан устун бўлган бошқа бирор Зот мавжуд эмас – барча муқаддас китобларнинг хулосаси мана шундан иборат. Замон ва макон ўз ҳукмини фақат Парвардигорнинг ажралмас заррачалари бўлган тобе тирик мавжудотларга ўтказа оладилар. Тирик мавжудотлар – тобе, қарам бўлган Брахман, Парвардигор эса – ҳукмдор Мутлақ Ҳақиқат. Мана шу оддий ҳақиқатни эсдан чиқарган заҳоти биз алданиш тузоғига тушиб қоламиз ва шу тарзда

худди қоронғи зулматга ўхшаган уч турли мусибатларга ғарқ бўламиз. Мукамал илмга эга бўлган тирик мавжудотнинг тиниқ онги – у ҳар қандай вазиятда ҳам Худонинг олдида бош эгишга ундайдиган онг, Кришна онгидир.

7. Эй бутун борлиқни яратган Зот, Сен - бизнинг онамиз, саодатмандимиз, Парвардигоримиз, отамиз, руҳий устозимиз ҳамда сиғинадиган Илоҳимизсан. Сенинг изингдан бориб, биз ҳар бир ишда муваффақиятга эришганмиз. Шу боис Ўз марҳаматингни бундан кейин ҳам биздан аямаслигингни Сендан илтижо қилиб сўраймиз.

Изоҳ: Барчага бирдай яхшилик келтирувчи Зот – Оламни яратган Зотдир, шу боис У барча эзгу ниятли тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун ҳам ғамхўрлик қилади. Парвардигор эзгу ниятли тирик мавжудотларга Унинг доно маслаҳатларига кулоқ солишни тақдир этади, шунда улар ҳаётнинг барча соҳаларида муваффақиятга эришадилар. Парвардигордан бошқа бирор илоҳларга сиғиниб юришга ҳеч қандай зарурат йўқ. Парвардигор ҳар нарсага қодир, агар У бизнинг Унинг нилуфар қадамлари пойига бош эгиб, Унга итоат қилиб юрганимиздан мамнун бўлса, У бизларга ҳаётда ҳам моддий, ҳам руҳий жиҳатдан муваффақиятга эриша олишимиз учун ҳамма дуои-фотиҳаларни бера олади. Инсон танасида яшаш– ҳар бир тирик мавжудот учун ўзининг Парвардигор билан бўлган ўзаро мангу муносабатларини англаб етиш ва руҳий ҳаётга эришиш учун берилган имкониятдир. Бизнинг Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатларимиз мангу, уларни узишнинг ҳам, биратўла яқсон қилишнинг ҳам иложи йўқ. Уларни фақат анча вақтгача эсдан чиқариб юриш мумкин, лекин Унинг марҳамати билан, агар биз Парвардигорнинг барча замон ва барча халқлар учун келган муқаддас китобларида нозил бўлган насиҳатларига амал қилиб яшасак, биз уларни қайта тиклай оламиз.

8. Биз қанчалик омадлимизки, бугундан бошлаб биз яна шахсан Сенинг иштирокинг билан ҳимояланганмиз, Сен ҳатто жаннатдаги сайёраларга ҳам камдан кам ҳолларда ташриф буюрасан. Энди бизлар Сенинг кулиб турган юзларингни ва меҳр билан нигоҳ ташлаётган кўзларингни кўра оламиз. Бизлар Сенинг марҳамат ёғилиб турган илоҳий дийдорингга яна махлиё бўла оламиз.

Изоҳ: Фақат Худонинг асл содиқ хизматкорлари Парвардигорнинг мангу шахсий сиймосини кўра оладилар. Парвардигор шахсиятсиз эмас. У – Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан У билан юзма-юз учрашиш мумкин, бунга ҳатто жаннатий

сайёраларда яшайдиган зотлар ҳам қодир эмаслар. Агар маъбуд Браҳма ва бошқа фаришталар маслаҳат сўраш учун Парвардигор Шри Кришнанинг тўла намоён бўлган кийёфаси Парвардигор Вишнуга мурожаат қилмоқчи бўлсалар, улар сут уммонининг қирғоғида кутиб туришлари лозим, Парвардигор Вишну уммон ўртасидаги оқ орол(Шветадваipa)да ястаниб ётади. Мана шу сут уммони ва Шветадваipa сайёраси – Ваикунтҳалоканинг бу коинотдаги аниқ нусхаси. На маъбуд Браҳма, на Индра сингари фаришталар Шветадваipa оролига қадам боса олмайдилар, лекин, сут уммонининг қирғоғида туриб, улар Кширодакашайи Вишну сифатида маълум бўлган Парвардигор Вишнуга ўзларининг илтимосларини айтишлари мумкин. Шунинг учун улар Парвардигорни камдан кам ҳолларда кўра оладилар, лекин Дварака аҳолиси, Худонинг кармали фаолиятнинг, дунёвий эмпирик фалсафанинг моддий иллатларидан бутунлай пок асл содиқлари сифатида, Худонинг марҳамати билан Уни юзма-юз кўра оладилар. Мана шу тирик мавжудотнинг азалий ҳолати бўлиб, бундай ҳолатга Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида очиш мумкин бўлган ўзининг мавжудлигининг бошланғич табиий ҳолатини қайта тиклаш орқали эришиш мумкин.

9. Эй нилуфар кўзли Парвардигор, ҳар гал ўзининг дўстларинг ва қариндошларинг билан учрашиш учун Сен Матхура, Вриндаван ёки Ҳастинапурга кетганингда, Сенсиз ўтган ҳар бир лаҳза бизларга миллион йилдай узок бўлиб туюлади. Эй бегуноҳ Зот, шунда кўзларимиз, худди уларни куёшдан ажратиб қўйгандек, бефойда бўлиб қолади.

Изоҳ: Бизлар ҳаммамиз Худонинг борлигини аниқлаш учун тажриба ўтказиш имкониятини берадиган сезгиларимиз билан фахрланамиз. Лекин биз уларнинг мутлақ ва мукамал эмаслигини унутиб қўямиз. Улар фақат маълум бир шароитлардагина ҳаракат қила оладилар. Масалан кўзларимизни олайлик. То куёш нури бор экан, кўзларимиз маълум даражагача бизга фойда беради. Агар куёш нури бўлмаса, улар мутлақо бефойда. Парвардигор Шри Кришна – азалий Парвардигор, Олий Ҳақиқат – куёшга ўхшайди. Усиз бизларнинг илмимиз сохта ёки тўлиқ эмас. Куёшнинг акси – зулмат, худди шундай, Кришнанинг акси – майя, алданиш. Худонинг содиқлари Парвардигор Шри Кришнадан таралиб турган ёруғлик шарофати билан ҳамма нарсани асл ҳолида кўра оладилар. Парвардигорнинг марҳамати билан асл содиқ хизматкор ғофиллик зулматида қолмайди. Шунинг учун биз ҳаммиша Парвардигор Шри Кришнанинг кўз олдида қолишимиз жуда муҳим – шунда биз ўзимизни ҳам, ҳар хил қувватлари билан бирга Парвардигорни ҳам кўра оламиз. Куёш йўқ

бўлганида бизлар ҳеч нарсани кўра олмаганимиз сингари, агар Парвардигор ҳақиқатан ҳам иштирок этмаса, бирор нарсани, шу жумладан ўзимизни ҳам кўришнинг иложи йўқ. Усиз бизнинг кўриш қобилиятимизни, кўзимизни алданиш пардаси қоплаб олган бўлади.

10. Эй ҳукмдор, агар Сен ҳаммиша уйингдан йирокда бўлсанг, биз Сенинг мафтункор дийдорингни ва бизларни барча азоб-уқубатлардан халос этувчи табассумингни кўра олмаймиз. Сени кўрмай биз қандай яшай оламиз?

Ўз фуқаролари ва содиқларига меҳрибон бўлган Парвардигор, уларнинг олқишларини тинглаб бўлиб Дваракага кирди ва уларга ўзининг илохий нигоҳини ташлаб, миннатдорчилигини билдирди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришнанинг мафтункорлиги, жозибадорлиги шу қадар буюкки, уни бир марта ҳис қилган киши Ундан яна айрилиб қолишга бардош бера олмай қолади. Нимага? Чунки худди куёш нурлари куёш билан боғлиқ бўлгани сингари, бизлар ҳаммамиз У билан мангу боғланганмиз. Куёш нурлари – куёшдан таралиб турган ёғдунинг кичик заррачалари, демак, куёш ва унинг нурларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Булут уларни сунъий равишда вақтинча ажратиб қўяди, лекин булут таркаган заҳоти осмонда куёш пайдо бўлганда куёш нурлари аввалгидай табиий ёруғлигини намоён эта бошлайдилар. Худди шундай тирик мавжудотлар, рухий тўла бутуннинг кичик заррачалари ҳам Парвардигордан майянинг, алдамчи қувватнинг сунъий пардаси билан вақтинча ажратиб қўйилган. Ана шу алдамчи қувватни, майя пардасини олиб ташлаган заҳоти тирик мавжудот яна Парвардигорни яққол кўра бошлайди ва унинг барча мусибатлари шу заҳотиёқ ғойиб бўлади. Бизлар ҳаммамиз мусибатлардан халос бўлишни истаймиз, лекин бунга қандай эришишни билмаймиз. Мазкур шеърда ана шунинг йўли кўрсатилган, бу йўлдан бориш ёки бормаслик фақат ўзимизга боғлиқ.

11. Нагалоканинг пойтахти Бхогаватини нагалар химоя қилаётгани сингари, Дваракани ҳам, Вришни авлодлари: Бҳоджа, Мадху, Дашарха, Арха, Кукура, Андхака ва куч-қудратда Парвардигор Шри Кришнадан қолишмайдиган бошқа жангчилар химоя қилишарди.

Изоҳ: Нагалока сайёраси Ердан пастда жойлашган, маълумки, куёш нурларининг у жойга етиб бориши қийин. Лекин бу сайёрадаги қоронғулик зулматини самовий илонларнинг бошларидаги гавхарлардан таралаётган ёғду ёритиб туради.

Айтилганки, илонлар лаззатланиб яшаши учун у жойда ажойиб боғлар, ирмоқлар ва бошқа шароитлар мавжуд. Мазкур шеърда маълумки, бу сайёра аҳолиси уни ишончли ҳимоя қилиб турадилар. Дваракани ҳам куч-қудратда Парвардигордан қолишмайдиган Вришни авлодлари ишончли ҳимоя қилиб турардилар.

12. Двараканпури шаҳри йилнинг турли фаслларида етиладиган меваларга тўла эди. Бу ерда роҳибларнинг кулбалари, боғлар, гулзорлар, усти нилуфар гуллари билан қопланган сув тўла ҳовузлар ва сўлим хиёбонлар бор эди.

Изоҳ: Агар табиат инъомларидан ўз ўрнида тўғри фойдалана олсаккина инсоният тараққиётининг мукамал поғонасига эришиш мумкин. Мазкур шеърда таърифланган Двараканинг бойликларидан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, шаҳар гулзор ва мевали боғлар, шунингдек гуллаб турган нилуфар гулларига бурканган ҳовузлар билан ўралган эди. Шаҳарни таърифлашда замонавий пойтахтларнинг таркибида албатта бўладиган кушхоналарнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган турли завод, фабрикалар эслатиб ўтилмаган. Лекин, ҳатто замонавий инсон ҳам табиат инъомларидан фойдаланиш қобилиятини йўқотгани йўқ. Ҳозирги ривожланган жамият раҳбарлари ўзлари ҳордиқ чиқарадиган резиденциялари учун сўлим боғлар ва ҳовузлар бор жойларни танлайдилар, оддий одамларга эса, боғ ва парклар етишмайдиган, аҳоли зич жойлашган тикилинч шаҳарларда яшаш имкониятини берадилар. Дварака эса, мазкур шеърда таърифланишига кўра, умуман бундай эмасди. Мазкур шеърдан билиб оламизки, бутун дхама, яъни одамлар яшайдиган жой, боғлар, парклар ва нилуфар гуллари билан қопланган сув ҳавзалари билан ўралган эди. Кўриниб турибдики, одамларнинг тирикчилиги ўша даврда табиат инъомларига боғлиқ эди: улар ифлос ва тор кулбаларни юзага келтирадиган саноат корхоналарисиз мева ва гуллар билан тирикчилик қилардилар. Маданиятнинг ривожланиш мезони инсонлардаги улуғвор ҳис-туйғу ва қобилиятларни яқсон қиладиган завод ва фабрикаларнинг кўпайиши билан эмас, балки одамларнинг руҳий қобилиятларининг ривожланиши ҳамда уларнинг Худога қайтиши учун яратилган имкониятлар билан ўлчанади. Фабрика ва заводларнинг кўпайиши *угра-карма*, жирканч фаолиятнинг кучайиши деб аталади. Бундай фаолият ер юзини иблислар учун зиндонга айлантириб инсонларда ва жамиятда улуғвор ҳис-туйғуларни яқсон қилади.

Мазкур шеърда йилнинг турли мавсумларида гул ва мевалар берадиган покдомон дарахтлар эслаб ўтилган. Нопок дарахтлар – мева бермайдиган, фақат ўтин бўлишга ярайдиган дарахтлардир. Ҳозирги даврда ана шундай

дарахтларни йўл чеккаларига ўтқаздилар. Инсон қуввати одамларда руҳий илмни англаб етиш учун зарур бўлган улуғвор ҳис-туйғуларни ривожлантириш учун ишлатилиши лозим, мана шу – тирикчиликнинг барча муаммоларни ҳал қилиш калити ҳисобланади. Мевалар, гуллар, ажойиб боғлар, парклар, нилуфар гуллари орасида сузиб юрган ўрдак ва оққушлар тўла ҳовузлар, етарлича сут ва сарийғ берадиган сигирлар инсон танасида нафис хужайраларни ривожлантириш учун зарур. Аксинча, шахталарнинг, завод-фабрика ва турли устахоналарнинг зиндонлари ишчиларда иблисларга хос сифатларни ривожлантиради. Хукумат тепасида турган кишилар ишчилар ҳисобидан гуллаб-яшнайдилар, шунинг учун улар орасида турли баҳоналар билан тез-тез қаттиқ тўкнашувлар бўлиб туради. *Дварака-дхама*, мазкур шеърда таърифланганидек, ривожланган инсонлар жамиятининг тараққиёт намунасиدير.

13. Парвардигорнинг келиши шарафига шаҳар дарвозалари, ҳовли эшиклари ва гулчамбарлар осилган кўча бўйидаги аркалар шодлик белгиси бўлган банан дарахтлари ва манго барглари билан безатилган эди. Кўчаларга осиб қўйилган байроқлару-гулчамбарлар, шиорлар-у ҳар хил белгилар қуёш нурини тўсиб, соя салқин муҳит яратган эди.

Изоҳ: Тантаналар учун қўлланиладиган рамзий безаклар ҳам, табиат инъомларидан: банан ва манго дарахтларидан, мевалар ва гуллардан олинарди. Манго ва банан дарахтлари, кокос пальмалари сингари, аввалгидай шарофатли белгилар ҳисобланади. Бу ерда айтилган байроқларнинг ҳаммаси Гаруда ва Хануман, Парвардигорнинг икки буюк хизматкори тасвири билан безатилган эди. Худонинг содиқлари ҳали ҳозиргача ана шундай тасвир ва безакларни эъзозлайдилар, хўжайинни мамнун қилиш учун Унинг хизматкорига кўпроқ ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозим.

14. Барча асосий йўллар, катта-кичик кўчалар, бозорлар ва истироҳат жойлари чиннидек тозаланиб, муаттар хид таратувчи сув сепилган эди. Парвардигор келиши шарафига ҳамма ерга мевалар, гуллар ва бошоқли донлар сочилган эди.

Изоҳ: Дваракадхаманинг йўл ва кўчаларига сепиш учун ишлатиладиган муаттар хид таратиб турадиган сувни атир ва кеора гулларида таяёрлардилар. Барча кўчалар, бозорча ва гузарлар яхшилаб тозаланган эди. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Дваракадхама анча катта шаҳар бўлган. Унда кўплаб йўллар, кўчалар, гузарлар, гул ва мевалар бегаб турган парк, боғлар ва ҳовузлар бўлган. Парвардигор келиши

шарафига барча жамоат жойларига гуллар, мевалар ва дон сочиб қўйилган. Дон ва энди униб чиқаётган уруғлар шарофатли белгилар ҳисобланган, индуслар халигача байрамларда уларни ишлатадилар.

15. Ҳар бир ховли эшиги олдида омад келтирадиган нарсалар: катик, бутун мевалар, шакарқамиш, сув тўла идишлар, сиғиниш анжомлари бўлган мушк-анбар ва шамчиروقлар териб қўйилган эди.

Изоҳ: Ведалар маданияти бўйича кутиб олиш маросими расмий равишда бўлмайди. Ўша пайтда мазкур шеърда таърифланганидек, шунчаки йўл ва кўчаларни безаб қўймаганлар, балки зарур анжомлардан: мушк-анбарлар, шамчиروقлар, гуллар, ширинликлар, мевалар ҳамда ҳар ким ўз имкониятига қараб бошқа ширин таомлар тақдим этиб Парвардигорга сажда қилганлар. Буларнинг ҳаммаси Парвардигорга тақдим этилган, шу ерга тўпланган шаҳарликларга тарқатилган. Шундай қилиб, бу тантаналар ҳозирги кундаги расмий кутиб олишларга ўхшамасди. Ҳар бир хонадонда одамлар Парвардигорни шундай кутиб олишга тайёр эдилар, шунинг учун йўл ва кўча бўйидаги ҳар бир уйда шаҳарликларга Парвардигорга таклиф этилган таом қолдиқлари тарқатилган, шундай экан байрам жуда ажойиб ўтди. Таом тарқатилмасдан бирор тантанали маросим ўтказилмасди – ведалар маданияти қоидалари шундай эди.

16-17. Ўзлари учун азиз бўлган Кришнанинг Дваракадҳамага яқинлашаётганини эшитган захоти, олийҳиммат Васудева, Акрура, Уграсена, Баларама, Прадйумна, Чарудешна, Жамбаватининг ўғли Самба, қалблари қувончга тўлиб, ким овқатини, ким уйқусини чала қолдириб, ўринларидан сакраб турдилар.

Изоҳ: Васудева: шоҳ Шурасенанинг ўғли, Девакининг эри, Парвардигор Шри Кришнанинг отаси. У Кунтининг акаси ва Субхадранинг отаси бўлади. Субхадра ўзининг амаки-оғаси Аржунга эрга чиқди, бундай урф-одатлар Ҳиндистоннинг баъзи районларида ҳозиргача сақланиб қолган. Васудева Уграсенага вазир қилиб тайинланган эди, кейин Уграсенанинг акаси Девакининг саккиз кизига уйланди, Деваки улардан биттаси эди. Камса унинг қайниси эди, Васудева Камсага Девакининг саккизинчи ўғлини беришга ваъда бериб, Камсанинг зиндонидида ётишга ўз хоҳиши билан рози бўлди. Лекин, Кришнанинг амри билан бу амалга ошмади. Пандузодаларнинг тоғаси сифатида Васудева Пандузодалар учун ўтказилган покланиш маросимларида фаол иштирок этди. У руҳоний Кашйапани олиб келиш учун Парватини Шатасрингага юборди, кейин у зарур бўлган маросимларни ўтказди. Камсанинг зиндони

панжараси ортида Кришна дунёга келганида Васудева Уни Гокулага, Кришнанинг тутинган отаси Нанда Махаражнинг уйига олиб борди. Кришна билан Балорам бу дунёни Васудевадан олдин тарк этдилар, шунинг учун Васудева танасини тарк этганида унинг танасини дафн этиш маросимларини Аржун ўтказди.

Акрура: Вришни сулоласининг бош саркардаси ва Парвардигор Шри Кришнанинг буюк содиқ хизматкори. Акрура Худога садоқат билан хизмат қилишда тўққиз жараёндан биттаси – илтижо қилиш билан шуғулланиб муваққият қозонди. У Ахукининг қизи Сутананинг эри эди. У Кришнанинг амри билан Субхадрани ўғирлаб кетганда Аржунни қўллаб-қувватлаган эди. Аржун Субхадрани ўғирлаб кетиб бўлгандан кейин Кришна билан Акрура уни кўргани бордилар. Улар Аржунга сеп олиб келгандилар. Акрура Субхадранинг ўғли Абхиманйу ва Махараж Парикшитнинг онаси Уттаранинг никоҳ тўйида иштирок этди. Ахука, Акруранинг қайнотаси у билан яхши муносабатда эмасди. Лекин улар иккаласи ҳам Худонинг содиқлари эдилар.

Уграсена: Вришни сулоласининг қудратли шоҳларидан бири, махараж Кунтибходжанинг амаки оғаси. Унинг яна бир исми – Ахука. Васудева унинг вазири эди, қудратли Камса эса, - ўғли эди. Камса ўз отасини зиндонга ташлаб, Матхуранинг шоҳи бўлди. Парвардигор Шри Кришнанинг ҳамда Унинг акаси Парвардигор Баладеванинг марҳамати билан Камса ўлдирилди ва Уграсена яна ўз тахтига қайта тикланди. Дваракага Шалва ҳужум қилганида Уграсена жасорат билан жанг қилди ва душман ҳужумини қайтарди. У Нарада Мунига Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳийлиги ҳақида саволлар берди. Ўйдавалар сулоласи ҳалокатга маҳкум бўлиш вақти келганда Уграсенага Самбанинг қорнидан пайдо бўлган бир парча темир тутқаздилар. У ўша темир парчасини бўлақларга бўлиб ташлади, янчиб, Дварака яқинидаги қирғоқда денгиз сувига аралаштирди. Кейин Дваракада ва бутун салтанатида спиртли ичимликлар ичишни қатъий таъқиқлаб қўйди. Ўлганидан кейин у озодликка эришди.

Баладева. Васудева ва унинг хотини Рохинининг илоҳий ўғли. Уни Рохини-нандана, Рохинининг суюкли ўғли деб ҳам атайдилар. Васудева Камса билан тузган шартномасига кўра зиндонда ётишга рози бўлганида Баладева ва Унинг онаси Рохини Нанда Махаражнинг қарамоғида бўлдилар. Парвардигор Шри Кришна ва Парвардигор Баладева ўғай ака-укалар бўлсалар ҳам, Улар ёшлигиданоқ бир биридан ажралмас эдилар. У – Олий Шахс Худонинг тўла намоён бўлган қиёфаси, шу боис қудрати амалда Парвардигор Шри Кришнаникидан қолишмайди. У вишну-таттва тоифасига мансуб. Шри Кришна билан бирга У Драупадининг *свайамвара* маросимида иштирок этди. Шри Кришна ўйлаган режа бўйича Аржун

Субхадрани ўғирлаб кетганида Баладева Аржундан қаттиқ ғазабланди ва шу заҳотиёқ уни ўлдирмоқчи эди. Аммо, Шри Кришна Ўзининг яқин дўстини ҳимоя қилиб, Парвардигор Баладеванинг оёғига йиқилиб, Ундан ғазабланмасликни илтимос қилди. Унинг бу ҳаракатлари Шри Баладеванинг қалбини юмшатди. Бир куни У Курулар сулоласидан ҳам қаттиқ ғазабланган ва уларнинг шаҳрини Йамуна сувларига ташлаб юбормоқчи бўлган эди. Аммо Курулар Унинг илоҳий нилуфар қадамлари пойига ўзларини топшириб, Уни мамнун қилдилар. Аслида У Девакининг Парвардигор Шри Кришнадан олдинги еттинчи ўғли эди, Парвардигорнинг амри билан Камсанинг ғазабидан қутулиш учун У Рохинининг қорнига ўтказилган эди. Шунинг учун Унинг яна бир номи – Санкаршана, Шунингдек У Шри Баладеванинг тўла бутун қисми. Парвардигор Шри Кришна сингари қудратли бўлгани ҳамда Худонинг содиқларига илоҳий куч ато эта олишга қодирлиги сабабли, Уни Баладева деб атайдилар. Ведаларда айтилганки, Баладеванинг марҳаматисиз Парвардигорни англаб етишнинг иложи йўқ. Бала дегани жисмоний эмас, балки руҳий кучни англатади. Баъзи бир калтафаҳм одамлар Бала ибораси жисмоний кучни билдиради деб ҳисоблайдилар. Лекин жисмоний куч ёрдамида руҳий ўзликни англашнинг иложи йўқ. Моддий тана яксон бўлганда жисмоний куч ҳам йўқолади, руҳий куч эса жон билан бирга навбатдаги танага киради. Демак, Баладевадан олинган илоҳий куч ҳеч қачон йўқолмайди. Бу куч мангу, шу боис Баладева – барча содиқларнинг бошланғич руҳий устози.

Сандипани Мунининг шогирди сифатида Шри Баладева Парвардигор Шри Кришнанинг мактабдош ўртоғи ҳам эди. Болалигида У Шри Кришна билан биргаликда кўплаб асурларни, шу жумладан Талаванадаги Дхенукасурани ўлдирди. Курукшетрадаги жангда У бетараф қолиб, бор кучи билан урушнинг олдини олишга ҳаракат қилди. У Дурйодханани ёқтирарди, лекин барибир бетараф қолган эди. У Бхимасена билан Дурйодхоннинг яккама-якка гурзи жангига гувоҳ бўлди. Бхимасена гурзиси билан Дурйодхоннинг тиззасига, яъни белидан пастига зарба берганида Баладеванинг ундан қаттиқ жаҳли чиқди ва бу ноҳақ ҳаракати учун ундан ўч олмоқчи бўлди. Парвардигор Шри Кришна Бхимасенани Унинг ғазабидан қутқариб қолди. Лекин, Бхимасенадан нафратланганидан У шу заҳотиёқ жанг бўлиб турган жойни тарк этди, У кетгандан кейин Дурйодхон ерга қулади ва шу тарзда жон топширди. Аржуннинг ўғлининг онаси тарафдан тоғаси сифатида У Абхиманьунинг дафн маросимини ўтказди. Чуқур қайғуга ботган Пандузодалардан бирортаси бу маросимни ўтказишга қодир эмасди. Бу дунёни тарк этар экан,

Баладева оғзидан катта илон Шешанагани чиқарди, ана шу илон Уни олиб кетди.

Прадйумна. Камадеванинг тимсоли, бошқа бир манбалар бўйича Санат-кумаранинг тимсоли. У Олий Шахс Худо Парвардигор Шри Кришна билан Дваракадаги бош малика Лакшмидеви Шримати Рукминининг ўғли бўлиб дунёга келди. У Субхадрага уйлангани учун Аржунни табриклашга борганларнинг биттаси эди. У Шалва билан жанг қилган буюк саркардалардан бири. Жанг майдонида у ҳушидан кетиб қолди. Унинг жиловдори уни жанг майдонидан олиб чиқди ва лагерга олиб келди, унинг бу ҳаракатидан норози бўлган Прадйумна жиловдорини қаттиқ койиди. Лекин, кейин яна жанг майдонига бориб, Шалва билан жанг қилиб ғалаба қозонди. Нарада Мунидан у ҳар хил фаришталар ҳақида маълумотлар олди. У учинчи экспансия сифатида Парвардигор Шри Кришнанинг тўрт тўлиқ экспансиясидан бири. У отаси Шри Кришнага савол бериб, брахманларнинг улуғворлиги ҳақида билиб олди. Йадавалар орасида ўзаро қирғинбарот уруш пайтида Вришна сулоласининг яна бир шоҳи Бходжа қўлидан ҳалок бўлди. Ўлгандан кейин у ўзининг бошланғич ҳолатини эгаллади.

Чарудешна. Парвардигор Шри Кришна билан Рукминидевининг яна бир ўғли. У ҳам Драупадининг свайамвара маросимида иштирок этган эди. Унинг отаси ва акалари сингари, у ҳам буюк жангчи эди. Вивинидхака билан жанг қилиб уни ўлдирди.

Самба. Йадавалар сулоласининг буюк қахрамонларидан бири, Парвардигор Шри Кришна ва Унинг хотини Джамбаватининг ўғли. Камондан ўқ отиш санъатини Аржундан ўрганди, Махараж Юдхиштхира ҳукуматининг парламент аъзоси эди. У Махараж Юдхиштхира ўтказган *Раджасуйя-йаджна* маросимида иштирок этди, Барча Варшнеялар бирга тўпланган *Прабхаса-йаджна* маросимида Парвардигор Баладева иштирокида Сатяки Самбанинг шавкатли кароматлари ҳақида гапириб берди. Отаси Парвардигор Шри Кришна билан биргаликда у Махараж Юдхиштхира ўтказган *ашвамедха-йаджна* маросимида иштирок этди. Ўзининг ака-укалари билан биргаликда худди ҳомиладор аёл сингари ясаниб олиб, у бир неча риши олдида пайдо бўлди ва ҳазиллашиб улардан унинг фарзанди ким бўлиб туғилишини айтиб беришни илтимос қилди. Улар жавоб бериб айтдиларки, ундан бир парча темир туғилади ва Йадавалар хонадонидан ўзаро қирғинбарот жангга сабабчи бўлади. Эртаси куни эрталаб Самба катта темир парчасини туғди. Бу темир парчасини, фалокатнинг олдини олиш учун бирор чора ўйлаб топиши учун Уграсенага бердилар. Кейинчалик, ҳақиқатан ҳам ришилар башорат қилган қирғинбарот уруш бошланди, Самба ана шу урушда ҳалок бўлди.

Шундай қилиб, Парвардигор Шри Кришнанинг мана шу ўғилларининг ҳаммаси қилаётган

ишларини, овқатларини ва дам олишларини ташлаб, саройдан чиқиб, буюк оталарини кутиб олишга шошилдилар.

18. Гул олиб кетаётган брахманлар билан биргаликда улар Ўз араваларида Парвардигорга пешвоз чиқишга шошилдилар. Улардан олдинда омад нишонаси бўлган филлар борарди. Ҳар тарафдан ведавий мадҳиялар, сур ва шохларнинг овози эшитиларди. Улар меҳр тўла хурмат-эҳтиромини шундай изҳор этардилар.

Изоҳ: Ведалар маданияти бўйича бирор буюк зотни кутиб олиш қоидалари меҳр-муҳаббат ва хурмат-эҳтиром тўла муҳитни юзага келтиради. Бундай кутиб олиш маросимининг ёкимли муҳити юқорида кўрсатилган анжомларга, шу жумладан сур, гуллар, мушк-анбар, безатилган филлар ҳамда ведавий муқаддас китоблардан шеърлар тиловат қиладиган тажрибали брахманларга боғлиқ. Бундай учрашув кутиб олаётганлар томонидан ҳам, кутиб олинаётган киши томонидан ҳам самимийлик туйғусига тўла бўлади.

19. Айни пайтда юзлаб машҳур фоҳишалар ҳам ўз фойтунларида шу ёққа шошилдилар. Улар Парвардигор дийдорини кўриш иштиёқида ёнар, уларнинг чиройли юзлари уларнинг гўзаллигини кўз-кўз қилиб турган ажойиб сирғалар билан безатилган эди.

Изоҳ: Агар Худонинг содиқлари бўлсалар, ҳатто фоҳишаларга ҳам сабр-тоқат қилиш мумкин. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистоннинг катта шаҳарларидаги кўплаб фоҳишалар Парвардигорнинг самимий содиқларидирлар. Тақдир тақозоси билан инсон жамиятда хурматга лойиқ бўлмаган иш билан машғул бўлиши мумкин, лекин бу Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида тўсиқ бўла олмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнини ҳеч нарса тўхтата олмайди. Мазкур шеърдан маълум бўладикки, ҳатто ўша даврда, беш минг йил аввал, Парвардигор Шри Кришна яшаган Дваракадай шаҳарда ҳам фоҳишалар бор эди. Бу шундан далолат берадики, демак, жамият тартибини сақлаб туриш учун фоҳишалар бўлиши керак. Ҳукумат вино магазинларини очиб қўйган, лекин бу ҳукумат ароқ ичишни қўллаб қувватлайди дегани эмас. Гап шундаки, баъзи бир одамлар ҳар қандай вазиятда ҳам иложини топиб ароқ ичадилар, тажриба шуни кўрсатадики, катта шаҳарларда ароқ ичишни таъқиқлаш фақат спиртли ичимликлар билан ноқонуний савдо-сотик қилишни кучайтиради, холос. Бундай ёнбосишлар ўз оиласида қаноат ҳосил қила олмаганлар учун ҳам зарур, чунки агар фоҳишалар бўлмаса, шундай пасткаш одамлар бошқаларни фоҳишаларга торта бошлайдилар. Ундан кўра фоҳишалар очик фаолият кўрсатгани

маъқул, шу тарзда жамиятнинг поклиги таъминланиб туради, бутун жамиятда фоҳишабозлик ривожланганидан кўра етарли миқдорда фоҳишалар касби бўлишига рухсат берилгани маъқул. Гофил одамларни фақат улар ҳақиқий илм ўрганиб, Худонинг содиқ хизматкорлари бўлиб етишганида йўлга солиш мумкин. Мана шу чора инсон ҳаётини бузадиган барча иллатларни бартараф қилади.

Шри Билвамангала Тхакур, Вишнусвами мактабига мансуб буюк ачарья оилали турмуш кечирган пайтида Худонинг содиқ хизматкори бўлган бир фоҳиша аёлга қаттиқ боғланиб қолган эди. Бир куни тунда қаттиқ жала қуйиб турганда Тхакур фоҳиша аёл Чинтаманининг уйига келди. Шундай даҳшатли тунда тошган дарё сувидан ўтиб келгани фоҳиша аёлни ҳайратга солган эди. У Билвамангала Тхакурга айтдики, ундаги фоҳишадай бир арзимас аёлнинг танасига бўлган боғланиш туйғуси агар Парвардигорнинг илохий гўзаллиги уни маҳлиё қилиши учун Худога садоқат билан хизмат қилишга қаратилса, тўғри ишлатилган бўларди.

Мана шу гаплар Тхакурнинг ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Фоҳишанинг гаплари таъсири остида у руҳий ўзликни англаш йўлига кирди. Кейинчалик Тхакур уни ўзининг руҳий устози деб қабул қилди ва ўзининг асарларида бир неча жойда ўзига ҳақиқат йўлини кўрсатган фоҳиша аёл Чинтаманини олқишлади.

"Бхагавад-гита"(9.32)да Парвардигор шундай дейди: Эй Притханинг ўғли, агар Менга садоқат билан хизмат қилишдан паноҳ топсалар, ҳатто пасткаш хонадонда туғилган чандаллар, имонсиз одамлар оиласида туғилганлар, ҳатто фоҳишалар ҳам руҳий баркамолликка эришадилар, чунки на ижтимоий паст табақадан чиқиш, на одамнинг касби Худога садоқат билан хизмат қилишга тўсқинлик қила олмайди. Бу йўл, ундан боришга рози бўлган ҳаммага баробар".

Аниқки, Парвардигорни кутиб олишга шошилаётган Дваракалик фоҳишалар Унинг бенуксон соф содиқлари эдилар, шу боис улар, "Бхагавад-гита"нинг мазкур шеърида айтилганидек, руҳий озодликка чиқиш йўлидан борардилар. Демак, жамиятда амалга ошириш лозим бўлган ягона ўзгариш – ҳамма кучни фуқароларни Худонинг содиқлари қилишга ишлатишдан иборат, бунинг шарофати билан уларда ўзидан ўзи жаннатдаги фаришталарнинг эзгу фазилатлари намоён бўла бошлайди. Худога ишонмайдиган имонсизлар эса, қанчалик моддий, дунёвий ютуқларга эришмасин, умуман ижобий фазилатларга эга эмаслар. Улар орасидаги фарқ шундаки, Худонинг содиқлари руҳий озодликка чиқиш йўлидан борадилар, имонсизлар эса, - моддий олам тутқунлигига тобора ботиб борадиган йўлдан борадилар. Жамият таракқиётининг мезони – одамларнинг қанчалик илмлилиги ва уларнинг нажот йўлидан бораётгани.

20. Драматурглар, хонандаю раққосалар, тарихчилар, генеалогия??? олимлари ва билимдон воизларнинг барчаси Парвардигорнинг ғайринсоний ишларидан илҳомланиб, Унинг шарафлаб кўйлашга ўз хиссаларини кўшдилар. Бу олқишларнинг ниҳояси кўринмасди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, беш минг йил аввал ҳам жамиятда драматурглар, артистлар, раққослар, ашулачилар, тарихчилар, генеалогия бўйича мутахассислар, воизлар ва бошқа санъат ходимлари хизматиға эҳтиёж бор эди. Раққослар, ашулачилар ва театр артистлари одатда шудралар табақасига мансуб одамлар бўлган, тарихчи олимлар, генеалог олимлар ва воизлар – браҳманлар табақасига мансуб бўлган. Уларнинг ҳаммаси маълум бир табақаға мансуб бўлиб, ўз оилаларида зарур тайёргарликдан ўтганлар. Ана шу драматурглар, раққослар, ашулачилар, тарихчилар, генеалогия мутахассислари ва воизлар оддий воқеаларни эмас, балки Парвардигорнинг турли даврларда кўрсатган ғайритабиий кароматларини таърифлаганлар. Улар хронологик тартибда сақланмаган. Барча Пураналарда фақат Парвардигор билан боғлиқ бўлган тарихий воқеалар таърифланган. Бу воқеалар ҳар хил даврларда турли сайёраларда бўлиб ўтган. Шунинг учун улар хронологик тартибга тўғри келмайди. Шу боис замонавий тарихчилар уларнинг ҳаммасини бирлаштириб турган ғояни кўра олмагани сабабли, асосиз равишда: Пураналар одамлар ўйлаб топган афсоналар деб эълон қиладилар.

Ҳали юз йил аввал Ҳиндистонда барча театр сахналарининг асосий мавзуси Парвардигорнинг ғайритабиий кароматлари эди. Оддий одамлар театр сахналаридаги асарлардан ҳақиқий лаззат олардилар, йатра труппалари эса, Парвардигорнинг ғайритабиий кароматлари ҳақида ажойиб пьесалар кўярдиларки, ҳатто, саводсиз деҳқон ҳам, ҳеч қандай маълумоти йўқлигига қарамасдан ведавий муқаддас китоблар билан танишарди. Демак, театр артистлари, раққослар, ашулачилар, воизлар ва бошқа санъат ходимлари оддий инсонларни руҳий илм билан таништириш учун мўлжалланган. Генеалогия мутахассислари ҳар бир оила аъзоси ҳақида аниқ маълумотлар берганлар. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам Ҳиндистондаги муқаддас саждагоҳларда олим(гид)лар янги келган кишига унинг бутун авлод-аждодини айтиб бера оладилар. Бу мўъжиза одатда бундай муҳим ахборот олишни истаган жуда кўп кишиларни жалб этади.

21. Худо Шахси Шри Кришна уларга яқинлашди ва Уни кутиб олишга келган дўстлари, қариндошлари, ҳамшаҳарларининг

барчасига мартабаларига яраша хурмат-эҳтиром кўрсатди.

Изоҳ: Худо Шахси, Парвардигор шахсиятсиз эмас ва У Ўз содиқларининг хис-туйғуларига муносиб жавоб беришга қодир бўлмаган суёт зот эмас. Бу ерда йатха-видхи, яъни “муносиб” деган иборани алоҳида айтиб ўтиш лозим. У Ўзининг издошларига ва турли тоифадаги содиқларига муносиб жавоб беради. Албатта, асл содиқларнинг ҳаммаси бир тоифаға мансуб, чунки улар Парвардигордан бошқа бирор зотға хизмат қилмайдилар, шунинг учун Парвардигор ана шундай асл содиқларға муносиб жавоб беради, бошқача қилиб айтганда, ҳамиша Ўз содиқларининг фаолияти билан қизиқади. Лекин, Уни шахсиятсиз деб ҳисоблайдиган одамлар бор, шу боис Парвардигор ҳам уларнинг тақдирида ҳеч қандай шахсий иштирок этмайди. Парвардигор ҳар кимни ўзининг руҳий онгининг қандай поғонасида туришиға мос равишда мамнун қилади, бу ерда Уни кутиб олишға чиққан турли тоифадаги одамларнинг ҳар бириға Унинг муносиб равишда муносабат билдиргани келтирилган.

22. Ҳар нарсаға қодир Парвардигор тўпланганларнинг барчасига бош эгиб, табрик сўзлари алмашиб, кучоқлашиб, қўл қисишиб, нигоҳ ташлаб, табассум қилиб, ваъдалар бериб, ҳатто одамлар ичида энг пасткаш инсонларни ҳам Ўз марҳаматидан бахраманд этиб, уларнинг ҳар бири билан салом-алик қилиб чиқди.

Изоҳ: Васудева, Уграсена ва Гаргамуни – Кришнаниннг отаси, бобоси ва руҳий устозидан бошлаб то фоҳиша ва гўшт ейишға одати бор чандалларғача, аҳолининг барча табақа вакиллари Парвардигор Шри Кришнани кутиб олиш учун чиқдилар. Уларнинг ҳар бирини Парвардигор уларнинг эгаллаб турган мартабасига муносиб равишда қарши олди. Соф тирик мавжудотлар сифатида ҳамма Парвардигорнинг алоҳида ажралмас заррачаларидир, шундай қилиб, У билан ўзаро мангу муносабати бўлгани туфайли Парвардигор учун ҳеч ким бегона эмасди. Ана шундай тирик мавжудотлар моддий табиат гуналари билан булғаниш даражасига қараб, ҳар хил тоифаларға мансубдирлар, лекин Парвардигор уларнинг моддий ҳолати орасидаги фарққа эътибор бермасдан Ўзининг барча ажралмас заррачаларини бир хилда севади. У фақат ана шу дунёвий тирик мавжудотларни Ўзининг салтанатиға қайтариш учун бу дунёға ташриф буюради, ақл-идрокли кишилар Худо Шахсининг барча тирик мавжудотлар учун яратиб берган ана шу имкониятдан фойдаланадилар. Парвардигор ҳеч ким учун Парвардигорнинг салтанатиға бориш

йўлини бекитиб кўймайди, унга кириш ёки кирмаслик – тирик мавжудотнинг ўзига боғлиқ.

23. Кейин Парвардигор кекса қариндошлари, мадорсиз брахманлар ва уларнинг аёллари ҳамроҳлигида шаҳарга кирди. Уларнинг ҳаммаси Уни дуои-фотиҳа қилиб, Унинг шон-шуҳратини олқишладилар. Бошқалар ҳам Парвардигорни олқишладилар.

Изоҳ: Брахманлар ҳеч қачон ишга яроқсиз бўлиб қолганда ишлатиш мақсадида ўзларининг келажиги учун маблағ тўплаш ҳақида қайғурмаганлар. Улар кексайиб, ишга яроқсиз бўлиб қолганарида одатда шохнинг мажлисига келганлар ва уларнинг шавкатли ишларини олқишлаб куйлаганлар, натижада шох брахманларнинг ўзларини ҳам, уларнинг хотинларини ҳам, тирикчилик учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаган. Ана шундай брахманлар шохни бекорга мактаб-олқишлайдиган лаганбардорлар бўлмаган, чунки шохлар ҳақиқатан ҳам ўзларининг эзгу ишлари билан шуҳрат қозонганлар, брахманлар эса ўзларининг улуғвор нутқлари билан уларни яна ҳам кўпроқ савоб ишлар қилишга илҳомлантирганлар. Парвардигор Шри Кришна ҳар қандай олқишга сазовор, Унга илтижо қилаётган брахманлар ҳам, Парвардигорни олқишлайётганларнинг бошқа кишиларнинг барчаси ҳам шон-шуҳрат қозондилар.

24. Парвардигор Шри Кришна шаҳарнинг бош кўчаларидан ўтди, Двараканинг обрўли хонадонларидан чиққан аёллар Парвардигорни кўриш учун ўзларининг саройлари томига кўтарилдилар. Мана шунинг ўзи улар учун энг катта шодиёна эди.

Изоҳ: Албатта, Парвардигорга нигоҳ ташлаш пойтахт Дварака шаҳрининг аёллари учун катта байрам эди. Ҳиндистондаги художўй аёллар хали ҳозиргача уларнинг изидан борадилар. Айниқса Жхулана ва Жанмаштами байрамларида кўплаб ҳинд аёллари Парвардигорнинг мангу илоҳий қиёфасига сиғиниш маросими ўтказиладиган эҳромда тўпланадилар. Парвардигорнинг эҳромда ўрнатилган илоҳий қиёфаси Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг ана шундай қиёфаси арча-виграҳа, яъни арча мужассам бўлган қиёфа деб аталади. Парвардигор Ўзининг моддий оламдаги сон-саноксиз содиқ хизматкорларига Худога садоқат билан хизмат қилишни осонлаштириш учун бу қиёфага Ўзининг ички қуввати ёрдамида қиради. Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини моддий сезгилар ёрдамида қабул қилишнинг илоҳи йўқ, шунинг учун Парвардигор, худди моддий унсурлардан – масалан, лойдан, ёғочдан ва тошдан - қилингандай бўлиб кўринадиган, лекин аслида моддий иллатга

ботмаган арча-виграҳа қиёфасига қиради. Парвардигор – каивалйя(ягона) бўлгани учун, Унда моддийликдан асар ҳам йўқ. У бир ва ягона, шунинг учун ҳар нарсага қодир Парвардигор моддий тасаввур билан булганмасдан ҳар қандай қиёфада пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун Парвардигорнинг эҳромдаги байрамлар ҳозир ҳам одатда худди бундан беш минг йил аввал Парвардигор шахсан иштирок этганда ўтказилганидай ўтказилади. Бу илмни белгиланган қонун-қоидалар асосида чуқур ўрганган ишончли ачарьялар оддий одамларга ёрдам бериш учун ана шундай эҳромларни курадилар. Лекин, бу илмдан беҳабар калтафаҳм одамлар уларнинг ана шу улуғвор ташаббусларини бутпарастлик деб ҳисоблайдилар ва ўзлари билмаган ишларга бурнини суқадилар. Шунинг учун фақат Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига бир марта нигоҳ ташлаш учун Парвардигорнинг эҳромда ўтказиладиган байрамларда иштирок этадиган эркак ва аёллар Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси борлигига ишонмайдиган имонсиз одамлардан минг марта муносиб инсонлардир.

Мазкур шеърдан кўришиб турибдики, Двараканинг бутун аҳолиси катта-катта саройларга эга бўлганлар. Бу эса шаҳарнинг гуллаб-яшнаган, бой-бадавлат эканини кўрсатади. Аёллар Парвардигорнинг ўтиб бораётганини кўриш учун томга чиққанлар. Улар кўчадаги одамлар тўдасига қўшилиб кетмаганлар, мана шу ўзларининг обрўсини сақлаб қолишнинг энг тўғри йўли бўлган. Уша даврларда аёллар ҳозиргидай эркаклар билан “тенг ҳуқуқли” бўлмаган. Агар аёллар эркаклардан ажралган бўлсаларгина аёлларга нисбатан ҳурмат-эътиборни сақлаб қолиш мумкин. Қарама-қарши жинслар бир бири билан чекланмаган микдорда бетартиб аралашиб юрмаслиги керак.

25. Дварака аҳолиси, барча гўзалликлар манбаи бўлган бегуноҳ Парвардигорни ҳамиша кўриб юришга ўрганиб қолганлар, аммо, барибир улар ҳеч қачон Унинг дийдорига қараб тўймасдилар.

Изоҳ: Ўзларининг сарой томларига кўтарилар экан, Дваракалик аёллар бегуноҳ Парвардигорнинг ажойиб танасини аввал ҳам кўп марта кўрганмиз деб ўйламаганлар. Бу шундан далолат берадики, улар ҳеч қачон Парвардигорнинг дийдорига тўймаганлар. Одатда бу дунёдаги ҳамма моддий нарсалар кўп марта кўрилаверса, табиат қонунлари асосида ўзининг мафтункорлигини йўкотади. Бу қонун фақат моддий оламда амал қилади, лекин руҳий оламда у амал қилмайди. Мазкур шеърда бегуноҳ ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга, чунки гарчи Парвардигор Ўз марҳамати билан Ер сайёрасига ташриф буюрган бўлса ҳам, У барибир бегуноҳ, яъни ҳеч қачон адашмайдиган бўлиб қолаверади. Тирик мавжудотлар адашишга

мойилдирлар, чунки моддий олам билан аралашиб, улар ўзларининг рухий табиатини унутадилар, уларнинг моддий оламда оладиган таналари табиат қонунларига кўра туғилиш, ўсиш, ўзгариш, мувозанатда бўлиш, бузила бориш ва ниҳоят яқсон бўлиш чархпалаги ичида жойлашган бўлади. Аммо Парвардигорнинг танаси бошқача табиатга эга. У Ўзининг асл ҳолатида келади ва моддий табиат гуналари Унга таъсир қилмайди. Унинг танаси – бутун борлиқнинг манбаи, бизнинг сезиш имкониятимиз чегарасида бўлган бутун гўзаллик манбаи. Ҳеч ким ҳеч қачон Парвардигорнинг илоҳий танасини томоша қилишдан тўймайди, чунки Унинг гўзаллиги ҳамиша янгилашиб туради. Парвардигорнинг илоҳий номлари, Унинг қиёфаси, сифатлари, ҳамроҳлари ва Парвардигор билан боғлиқ бўлган бошқа нарсаларнинг ҳаммаси рухий қувватнинг намоён бўлишидир. Худди Парвардигорнинг илоҳий сифатларини муҳокама қилиш сингари Парвардигорнинг муқаддас номларини такрорлаш ҳам ҳеч қачон кишининг жонига тегиб кетмайди. У – бутун борлиқнинг манбаи ва У чексиз.

26. Парвардигорнинг кўкси - омад фариштасининг макони. Унинг ойга ўхшаган юзи - ҳамиша гўзаллик изловчи нигоҳлар ичиши учун шарбат тўла пиёла. Унинг қўллари - ҳукмрон фаришталарнинг дам олиш жойи, Унинг нилуфар қадамлари пойи эса, - Парвардигорнинг Ўзидан бошқа ҳеч кимни, ҳеч қачон олқишламайдиган, шарафлаб қўйламайдиган соф содиқ хизматкорлар нажот топадиган даргоҳдир.

Изоҳ: Ҳар хил нарсалардан лаззат излайдиган турли тоифадаги одамлар мавжуд. Равнақ фариштасининг марҳаматига эришишга интилиб юрган одамлар бор. Улар учун ведавий муқаддас китоблар хабар берадики, минг-минглаган равнақ фаришталари ҳамиша чуқур эҳтиром билан *чинтамани-дхаманда* - Унинг дарахтлар – истақлар дарахти бўлган, иморатлар – фалсафа тошларидан қурилган илоҳий даргоҳида Унга хизмат қиладилар. Парвардигор Говинда у жойда *субрабхи* сигирларини боқиб юради, бу Унинг табиий иши. Агар бизни Парвардигорнинг юзи, сиймоси ўзига мафтун этса, биз ортиқча бирор ҳаракат қилмасданок равнақ фаришталарини ҳам кўра оламиз. Қуруқ фалсафий фикр-мулоҳазаларга ўрганиб қолгани сабабли имперсоналистлар ана шу равнақ фаришталарини кўришга қодир эмаслар. Яралган оламнинг гўзаллигига маҳлиё бўлган рассомлар ўз нигоҳларини Парвардигорнинг ажойиб сиймосига қаратиб, тўла мамнуният ҳосил қилсалар яхши бўларди. Парвардигорнинг сиймоси – гўзаллик тимсолидир. Табиат гўзаллиги деб аталадиган манзара – Унинг шунчаки табассумидир, кушларнинг ёқимли сайрашлари эса – Парвардигорнинг шивирлашидир.

Оламнинг турли соҳаларининг фаолиятини бошқаришга бошқарувчи фаришталар маъсул, ҳукуматнинг давлатни бошқарув ишларини эса арзимаган кичик бошлиқлар амалга оширадилар. Улар ҳамиша ўзларининг рақиблари олдида хавотирга тушиб юрадилар, лекин агар улар Парвардигорнинг қўллари паноҳига кирсалар, Парвардигор уларни барча душманларидан ишончли ҳимоя қилади. Парвардигорнинг амри билан бошқарув ишларини бажариб юрган Унинг содиқ хизматкори – ижройи ҳокимиятнинг намунали бошлиғидир. У барча одамларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қила олади. Бошқа “бошлиқлар” эса, - ўтмиш қолдиқларининг тимсолидир. Улар ўзлари бошқараётган кишиларни чексиз бахтсиз қиладилар. Ҳукмдорлар фақат Парвардигорнинг қўллари уларни ҳимоя қилсагина ўзларини хавфсиз ҳис қила оладилар. Бутун борлиқнинг моҳияти – Парвардигор; Уни сарам деб атайдилар. Парвардигор ҳақида гапирадиган ва қўйлайдиган кишилар эса саранга, асл содиқлар деб аталадилар. Асл содиқлар ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига интиладилар. Ана шу нилуфар гулида асал бор бўлиб, Худонинг содиқлари ундан илоҳий лаззат оладилар. Улар худди асал излаб юрган асалариларга ўхшайди. Буюк содиқ ва Гаудия-Вайшнава-сампрадаянинг ачарьяси Шрила Рупа Госвами ана шу нилуфар гулининг асали ҳақида шеър ёзган, бунда у ўзини асаларига қиёслайди: “Эй Парвардигор Шри Кришна, Сенга илтижо қилишимга рухсат бер. Менинг ақлим асаларига ўхшайди: у ҳамиша асал излаб юради. Шунинг учун менга раҳм қил, асалари-ақлимга Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойидан – илоҳий асалнинг ягона манбаидан паноҳ бер. Биламанки, гарчи узок йиллар мувоқабатга берилиб юрган бўлсалар ҳам, ҳатто маъбуд Браҳма сингари буюк фаришталар ҳам Сенинг нилуфар қадамларинг пойидаги тирноқларнинг ёғдусини кўра олмайдилар. Лекин шунга қарамай, эй бегуноҳ зот, мен шунга интиламан, чунки Сен ўзини Сенга топширган руҳларга жуда меҳрибонсан. О Мадхава, биламанки, менда Сенинг нилуфар қадамларинг пойига хизмат қилиш учун ҳақиқий садоқат йўқ, лекин Сен англаб бўлмас даражада қудратли бўлганинг учун Сен иложи бўлмаган ишни ҳам амалга ошира оласан. Сенинг нилуфар пойи қадамларинг ҳатто самовий салтанатнинг ширин нектари таъмини ҳам сўндира олади, шунинг учун улар мени ўзига шунчалик мафтун этадилар. Эй мангу олий Зот, Сенга илоҳий хизмат қилишдан мангу лаззатлана олишим учун менинг ақлимга Сенинг нилуфар қадамларинг пойида мустаҳкам ўрнашиб олишга рухсат бер!” Худонинг содиқларини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида жойлашиш мутлақо қониқтиради, улар Парвардигорнинг ажойиб сиймосини томоша қилишга ҳам интилмайдилар, Парвардигорнинг кучли қўллари уларни ҳимоя

килишини ҳам талаб қилмайдилар. Улар табиатан камтар, мискин, Парвардигор ҳам ана шундай камтар содиқларга ҳамиша меҳрибонлик қилади.

27. Парвардигор Дварака йўлларида ўтиб бораркан, оқ соябон Унинг бошини қуёшнинг иссиқ нурларидан химоя қиларди. Уни елиб турган оппоқ харир елпиғичлар ҳавода ёй шаклини чизар, йўл устига эса гуллар ёмғири ёғиларди. Сарик либослар ва гулчамбарлар орасида Парвардигор худди, бир вақтнинг ўзида қуёш, ой, яшин ва камалак ўраб олган қора булутни эслатарди.

Изоҳ: Қуёш, ой, камалак ва яшин бир вақтнинг ўзида осмонда пайдо бўлмайди. Осмонда қуёш порлаб турганида ой нури деярли йўқолиб кетади, булут ва камалак бор вақтда эса, яшин бўлмаслиги мумкин. Парвардигорнинг танасининг ранги худди ёмғир палласида энди тўпланган булутларнинг рангини эслатади. Мазкур шеърда Уни қора булутларга, Унинг боши устидаги оқ соябонни – қуёшга, қуйруқ ёлларидан ясалган елпиғичларни эса – ойга ўхшатганлар. Унинг сарик либосларини камалакка, гуллар оқимини эса – юлдузларга қиёслаганлар. Лекин, осмондаги мана шу нарсаларни бир вақтнинг ўзида кўришнинг иложи йўқ, уларни ўхшатишда ҳам бирлаштириб бўлмайди. Бундай ҳодисаларнинг бирлиги фақат биз ҳар нарсага қодир бўлган кудратли Парвардигорнинг имкониятлари ҳақида ўйласаккина бўлиши мумкин. Парвардигор ҳар нарсага қодир, У бор жойда иложи бўлмаган ҳар қандай ишлар ҳам Унинг англаб бўлмас қувватининг ҳаракати туфайли амалга ошаверади. Лекин Унинг Дварака йўлларида ўтиб бориши шунчалик ажойиб эдики, уни ана шу табиат ҳодисаларидан бошқа бирор нарсага қиёслаб бўлмасди.

28. Парвардигор отасининг уйига кирганида Унинг шу ердаги оналарининг ҳаммаси Уни бағирларига босдилар, Кришна эса уларнинг қадамлари пойига бош эгиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Кришнанинг оналарига Деваки бош эди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўришиб турибдики, Кришнанинг отаси Васудеванинг алоҳида уйи бўлган ва у шу ерда ўзининг ўн саккиз хотини, шу жумладан Парвардигор Шри Кришнанинг тукқан онаси Шримати Деваки билан бирга яшаган. Шунга қарамай, кейинги шеърдан маълум бўладики, қолган оналари ҳам Уни онасидан кам яхши кўрмаган. Парвардигор Шри Кришна ҳам ўзининг тукқан онаси билан ўғай оналарини бир биридан ажратмасдан Васудеванинг шу ерда иштирок этаётган барча хотинларига бир хилда ҳурмат-эҳтиром кўрсатган. Муқаддас китобларга асосан ҳар бир инсоннинг етти онаси бўлади:

1) тукқан онаси, 2) руҳий устозининг хотини, 3) браҳманнинг хотини, 4) шохнинг хотини, 5) сигир, 6) энага, 7) она ер. Уларнинг ҳар бири бизга она ҳисобланади. Ҳатто шастраларнинг мана шу кўрсатмасидан кўришиб турибдики, отасининг хотини бўлган ҳолда ўғай она кишининг ўз онасидан фарқ қилмайди, чунки ота ҳам, руҳий устозларнинг бири ҳисобланади. Бутун борлиқнинг ҳукмдори Парвардигор Шри Кришна, фақат бошқаларга ўзларининг ўғай оналарига қандай муносабатда бўлишни ўргатиш мақсадида бу ерда намунали ўғил ролини ўйнапти.

29. Оналар ўзларининг ўғлини бағрига босиб, Уни тиззаларига ўтқаздилар. Унга бўлган пок меҳр-муҳаббати туфайли уларнинг кўкси сутга тўлиб кетди. Уларнинг қалби қувончга тўлиб, кўзларидан оқаётган ёшлари Парвардигорга томарди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна Вриндаванда бўлган пайтида ҳатто сигирларнинг ҳам Унга бўлган меҳр-муҳаббатдан елинлари сутга тўлиб кетарди. Парвардигор бирор жихатдан ўзининг тукқан онасидан фарқ қилмайдиган ўғай оналари нари турсин, Уни севадиган ҳар қандай тирик мавжудотнинг кўксидан сут оқизишга қодир.

30. Кейин Парвардигор ўзининг гўзалликда тенги йўқ, мукамаллик чўққиси бўлган саройларига кирди. Уларда Унинг ўн олти мингдан кўпроқ хотинлари яшарди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришнанинг 16108 хотини бор эди, уларнинг ҳар бирининг алоҳида саройи бўлиб, уларнинг ичида яшаш учун ҳамма нарса, шу жумладан ҳовли ва боғлар ҳам бор эди. Ана шу саройларнинг батафсил таърифи ўнинчи кўшиқда келтирилган. Саройларнинг ҳаммаси нодир мармар тошлардан қурилган эди. Уларни қимабатбахо гавҳар тошлар ёритиб турар, бархат ва ипақдан тўқилган, ажойиб нақшлардан гул қўйилган олтин тасма тақилган парда ва гиламлар билан безатилган эди. Худо Шахси ибораси бутун ҳокимият, бутун қувват, барча бойликлар, бутун гўзаллик, тўлиқ илм ва тўла боғланмаслик соҳиби бўлган Зотни билдиради. Шунинг учун Парвардигорнинг саройларида Унинг истакларини қондириш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар мавжуд эди. Парвардигор чексиз, шунинг учун Унинг истаклари ҳам, уларни амалга ошириш имконияти ҳам чексиз. Парвардигор билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси чексиз бўлгани учун мазкур шеърда улар қисқача қилиб сарва-камам, яъни “истаган ҳамма нарса мавжуд” ибораси билан ифодаланган.

31. Парвардигор Шри Кришнанинг маликалари узоқ жудоликдан сўнг эрини яна уйларида кўриб, қалблари қувончга тўлди.

Улар мууроқабдан тўхтаб, ўтирган ўринларидан сапчиб турдилар. Урф-одатга кўра улар юзларини бекитиб, уялганларидан ён-атрофга аланглаб қарадилар.

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, Парвардигор Ўзининг 16.108 хотини яшайдиган саройларига кириб борди. Демак, Парвардигор қанча маликаси ва қанча саройи бўлса, дарров Ўзини шунча тўлиқ экспансияларда кўпайтирган ва бир вақтнинг ўзида уларнинг ҳаммасига кирган. Унинг ички қувватининг яна бир намоён бўлиши шундай. У бир ва ягона, лекин У Ўзини қанча истаса шунча рухий жиҳатдан Ўзидан фарқ қилмайдиган киёфаларда кўпайтира олади. Шрути-мантрада ҳам бу ҳақиқат тасдиқланиб айтилганки, Мутлақ Ҳақиқат битта ва ягона, лекин барибир, агар У истаган заҳоти кўп бўлади. Парвардигорнинг ана шу кўп киёфалари Унинг тўлиқ ва қисман намоён бўлган қисмлари сифатида намоён бўлади. Ажралган қисмлари Унинг қуввати, тўлиқ қисмлари эса – Унинг шахсининг намоён бўлишидир. Шундай қилиб, Худо Шахси Парвардигор Шри Кришна Ўзини 16108 тўлиқ экспансия кўринишида намоён этди ва бир вақтнинг ўзида ҳар бир саройга кириб борди. Мана шу ваибхава, Парвардигорнинг илоҳий қудрати деб аталади. Шундай қобилятга эга бўлгани туфайли Уни Йогешвара деб ҳам атайдилар. Оддий йог ўзини ошиб борса ўз танасининг ўнта экспансиясида кўпайтириши мумкин, лекин Парвардигор Ўзини минглаб ёки Ўзи истаганча, чекланмаган сон-саноксиз киёфаларда намоён этишга қодир. Имонсиз кишилар Парвардигор Шри Кришнанинг ўн олти минг маликага уйланганини эшитиб, ҳайратга тушадилар, чунки улар Парвардигор Шри Кришнани худди ўзларига ўхшаган оддий инсон деб ҳисоблайдилар. Ўзлари чекланган имкониятга эга бўлгани учун улар Парвардигорнинг имконияти ҳам уларникидай чекланган деб ўйлайдилар. Шуни яхши билиш лозимки, Парвардигор шунчаки Унинг оралик қувватининг намоён бўлиши бўлган бошқа тирик мавжудотлар билан бир қаторда турмайди. Гарчи сифат жиҳатидан қувват манбаи билан қувватнинг ўзи орасидаги фарқ жуда кичик бўлса ҳам, ҳеч қачон қувватни қувват манбаига тенглаштириб бўлмайди. Маликалар ҳам Унинг ички қувватининг экспансиялари, шу боис қувват ва унинг манбаи бир бирига Парвардигорнинг эрмаклари кўринишида мангу илоҳий лаззат бағишлаб туради. Шунинг учун Парвардигорнинг шунча хотини бўлганидан ҳайратга тушмаслик керак. Аксинча, ҳатто Парвардигорнинг ўн олти минг миллион хотини бўлса ҳам, барибир Унинг чексиз ва туганмас қуввати тўла намоён бўлмаган бўларди. Унинг атиги 16000 хотини бор эди, У фақат Ер сайёрасининг тарихида қанчалик қудратли бўлмасин, одамлардан бирортаси Парвардигор

билан тенглаша олмаслигини кўрсатиб қўйиш учунгина бир вақтнинг ўзида барча саройларга кирди. Демак, ҳеч ким Парвардигордан устун эмас, ҳеч ким Унга тенглаша олмайди. Парвардигор ҳамиша ва ҳар бир ишда буюк. “Парвардигор буюк” – бу мангу ҳақиқат.

Шундай қилиб, Курукшетрадаги жанг сабабли узоқ вақтдан бери уйдан йироқда бўлган эри келаётганини узоқдан кўрган маликалар мууроқабат уйкусидан уйғондилар ва ўзларининг севимли эрларини кутиб олишга тайёрландилар. Йаджнавалка диний қоидаларига кўра, эри уйдан йироқда бўлган аёл киши ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам бирор тантаналарда иштирок этиши, танасини безаши, кулиши ёки қариндошлариникига меҳмонга бориши мумкин эмас. Эри уйдан йироқда бўлган аёлнинг риёзати ана шундай бўлади. Айни пайтда айтилганки, аёл киши ўзининг эрига нопок ҳолда кўринмаслиги керак. У тақинчоқларини тақиши ва чиройли кўйлақларини кийиб олиши лозим. Эрининг ёнида аёл киши ҳамиша ўзини бахтиёр ва қувноқ ҳис қилиб юриши лозим. Парвардигор Шри Кришнанинг хотинлари эри билан ҳижрон азобларини ўйлаб ҳамиша мууроқабатга берилиб юрардилар. Худонинг содиқлари Парвардигорга мууроқабат қилмасдан бир лаҳза ҳам яшай олмайдилар, айниқса бу гаплар мана шу маликаларга тааллуқли эди, чунки уларнинг ҳаммаси аслида Парвардигорнинг Дваракадаги эрмакларида иштирок этиш учун малика киёфасига кирган равнақ фаришталари эдилар. Улар ҳеч қачон ажралмасдан, ё Парвардигорнинг Ўзининг иштирок этиши билан, ё транс, мууроқабат ёрдамида ҳамиша Парвардигор билан бирга юрардилар. Вриндаванлик гопилар Парвардигор Шри Кришна ўрмонга сигир бокқани кетганида Уни бир лаҳза ҳам унута олмасдилар. Кичкина Кришна, Парвардигор қишлоқда йўқ бўлган пайтларда, уйларида қолган гопилар хавотирга тушиб, Кришна Ўзининг нозик оёқлари билан қандай қилиб қаттиқ ерларни босиб юрганини ўйлаб юрардилар. Шу ҳақда ўйлар экан улар баъзида жазавага тушиб қолар, баъзида эса, уларнинг юраклари тўхтаб қоларди. Парвардигорнинг асл ҳамроҳларининг ҳолати шундай бўлади. Улар ҳамиша жазава ҳолатида бўладилар, шунинг учун Парвардигор уйида бўлмаган пайтларда маликалар ҳам жазава ҳолатида юрардилар. Энди эса, Парвардигорни узоқдан кўришлари билан, улар ўзларининг ҳамма ишларини ташладилар ва юқорида кўрсатилган барча риёзатларни бутунлай унутиб юбордилар. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура айтадики, бу – ана шундай воқеага кўрсатиладиган табиий таъсир ҳисобланади. Гарчи улар ўзларининг эрини кўришга интизор бўлиб, ўринларидан сакраб турган бўлсалар ҳам, уларни аёлларга хос ҳаё, ибодат тўхтатиб қолганди. Лекин чуқур жазава уларга ана шу ожизликни енгишга ёрдам берди, улар

Парвардигорни қандай қилиб бағрига босишни тасаввур қила бошладилар. Шу ҳақда ўйлар экан, улар теварак-атрофга бутунлай эътибор бермай кўйдилар. Жазаванинг мана шу бошланғич поғонаси уларни ҳар қандай расмиятчилик ва ижтимоий шартларни бутунлай эсдан чиқариб юборишга мажбур қилди. Бу билан улар Парвардигорга эришиш йўлидаги барча тўсиқларни енгиб ўтган эдилар. Алоҳида руҳнинг Парвардигори Шри Кришна билан мукамал учрашиши шундай бўлади.

32. Уларнинг қалбидаги енгиб бўлмас туғёнлари шу қадар кучли эдики, уялчан маликалар Парвардигорни аввало қалбларининг тўрида бағрига босдилар. Кейин улар Уни нигоҳлари билан кучдилар, сўнгра Уни кучиш учун фарзандларини юбордилар (фарзандларининг кучгани уларнинг ўзлари кучган билан баробар эди). Лекин, эй Бхригунинг устози, гарчи улар ўз туйғуларини жиловлашга шунча уринсалар ҳам, уларнинг кўзларидан севинч ёшлари тинмай оқарди.

Изоҳ: Гарчи аёлларга хос уятчанлик уларга ўзларининг севимли эрлари Парвардигор Шри Кришнани кучиб бағрига босишга тўсқинлик қилса ҳам, маликалар Унга нигоҳларини ташлаб, Уни қалбининг энг тўрига жойлаб, кейин ўзларининг ўғилларини Уни кучишга юбориш билан бунга эришдилар. Лекин барибир уларнинг амаллари охирига етказилмай қолганди, шу боис улар йиғламасликка қанчалик уринмасинлар, кўз ёшлари уларнинг юзларидан оқиб турарди. Ўғлини отасини кучишга юбориш билан хотин билвосита эрини кучган бўлади, чунки фарзанд онасининг танасининг бир қисми сифатида ривожланади. Жинсий алоқа нуқтаи-назаридан ўғил фарзанднинг кучоқлаши – эр билан хотиннинг кучоқлашидан бутунлай фарқ қилади, лекин меҳр-муҳаббат нуқтаи-назаридан бу тўла мамнуният келтиради. Эр-хотинларнинг ўзаро муносабатларида нигоҳ билан кучоқлаш анча муҳимроқ, шу боис, Шрила Жива Госвамиининг фикрига кўра, эр билан хотиннинг ўзаро ҳис-туйғуларнинг бундай намоён бўлиши гуноҳ ҳисобланмайди.

33. Гарчи Парвардигор Шри Кришна ҳамиша уларнинг ёнида ва уларнинг олдида бошқа ҳеч ким бўлмаса ҳам, уларга Унинг пойи қадамлари ҳамиша ўзгариб тургандек туюларди. Омад фариштаси табиатан жуда тинимсиз ва ўзгарувчан, лекин ҳатто у ҳам Парвардигорнинг пойи қадамларидан ажралгиси келмайди. Шундай экан, шу қадамлар пойидан бир марта паноҳ топган қайси бир аёл уни тарк эта оларди?

Изоҳ: Гарчи омад фариштаси ўзининг табиатига кўра ҳамиша бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрса ҳам, шартланган тирик мавжудотлар ҳамиша равнақ фариштасининг дуои-фотиҳасини олишга интилиб юрадилар. Инсон қанчалик эпчил бўлмасин, моддий оламда унга ҳамиша омад кулиб боқавермайди. Дунёнинг турли жойларида шунча буюк империялар бор эди, жаҳонда кўплаб қудратли шоҳлар бор эди, лекин уларнинг ҳаммаси аста-секин ер юзидан ғойиб бўлдилар. Моддий табиат қонунлари шундай. Лекин руҳий оламда ҳамма нарса бошқача. "Брахма-самхита"да айтилганидек, Парвардигорга юзлаб ва минглаб омад фаришталари ҳурмат-эҳтиром билан хизмат қиладилар. Улар ҳамиша Парвардигор билан бирга юрадилар, лекин шунга қарамай, У билан учрашиш ҳар гал уларга янгидай туюлади, ва бу уларни шунчалик илҳомлантириб юборадики, улар табиатан жуда тинимсиз, ҳамиша бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юришга одатланган бўлсалар ҳам, Парвардигорни бир лаҳза ҳам ташлаб кета олмайдилар. Парвардигор билан руҳий муносабатлар шунчалик илҳомбахш ва ранг-барангки, бир марта Унинг паноҳига киргандан кейин ҳеч ким Унинг ёнидан кета олмай қолади.

Тирик мавжудотлар аёл тоифасига мансубдирлар. Эркак, яъни лаззатланувчи - Парвардигор, Унинг турли қувватларининг намоён бўлган барча кўринишлари аёл табиатига эга. "Бхагавад-гита"да тирик мавжудотлар пара-пракроти, яъни олий қувват деб аталган. Моддий унсурлар – апара-пракроти, қуйи қувват. Мана шу қувватлар ҳамиша ўзларининг хўжайинининг яъни, бошқача қилиб айтганда, лаззатланувчининг истагини қондириш билан машғул. "Бхагавад-гита"(5.29)да айтилганидек, олий лаззатланувчи Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади. Шунинг учун, бевосита Парвардигорга хизмат қилишда машғул қувватлар ўзларининг табиий ҳолатини қайта-тиклайдилар, шунинг учун қувват ва қувват манбаи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Одатда бирор хизмат билан машғул бўлиб юрган одамлар давлатда олий лаззатланувчи бўлган ҳукуматдан бирор мансаб олишга интиладилар. Парвардигор бутун коинот ичида ва ундан ташқарида мавжуд бўлган ҳамма нарсдан олий лаззатланувчи бўлгани сабабли Унга хизмат қилиш – ҳақиқий бахтдир. Бир марта Парвардигорга хизмат қилиш имкониятига эга бўлган бирор тирик мавжудот ана шу фаолиятни тарк этишни истамайди. Инсон ҳаётининг энг юқори поғонаси – Парвардигорга олий хизмат қилишда бирор фаолият излашдан иборат. Мана шу инсонни бахтли қилади. Ҳамиша кўлдан чиқиб кетадиган омад фариштасини Парвардигор билан бўладиган ўзаро муносабатлардан ташқарида изламаслик керак.

34. Ерга кулфат келтириб турган хукмдорларни яксон қилгандан кейин Парвардигорнинг қалби таскин топган эди. Ана шу хукмдорлар ўзларининг ҳарбий кучлари, от ва филлари, жанг аравалари ва пиёда қўшинлари билан гердаишарди. Парвардигорнинг шахсан Ўзи жангда иштирок этмади. У қудратли шоҳлар орасига шунчаки низо солиб қўйди холос, ва улар ўзаро тўқнашдилар. У худди ўрмондаги бамбукларни бир-бирига ишқалаб, ёнғин чиқишига сабаб бўладиган шамолга ўхшарди.

Изоҳ: Юқорида айтилганидек, тирик мавжудотлар Парвардигорнинг яратиб қўйгани сифатида намоеън бўлган нарсалардан ҳақиқий лаззатлана олмайдилар. Ўзининг яратиб қўйган оламидаги ҳамма нарсанинг ҳақиқий хукмдори ва улардан лаззатланувчи ягона Зот – Парвардигор. Афсуски, адаштирувчи қувват таъсири остига тушиб, тирик мавжудот моддий табиат гуналари хукми остида сохта лаззатланувчи бўлиб қоладилар. Ўзларини гўё Худо деб фараз қилишдан олган алдамчи туйғудан сармаст бўлган тирик мавжудотлар Ер сайёраси учун оғир бир кулфат бўлиб ўзларининг моддий қувватини ҳар хил воситалар ёрдамида шунчалик кўпайтирадиларки, Ер тирик мавжудотларнинг нормал ҳаёт кечириши учун умуман ярқисиз ҳолга келиб қолади. Мана шу *дхармасйа гланих*, яъни инсон зотининг қувватидан нотўғри фойдаланиш деб аталади. Инсон қувватидан ана шундай нотўғри фойдаланиш ҳамма жойга кенг тарқалганида Ер сайёраси учун бир дард бўлган нопок хукмдорлар юзага келтирган ҳалокатли вазият ақл-идрокли тирик мавжудотларга турли хил ташвишлар келтиради. Шунда, инсониятнинг соғлом фикрлироқ қисмини ҳалокатдан қутқариб олиш ҳамда жаҳоннинг турли жойларида хукмдорлар юзага келтирган кулфатни енгиллатиш учун Парвардигор ўзининг ички қуввати ёрдамида бу ерга келади. У ана шу номаъкул хукмдорларнинг бирортасига ёрдам бермайди, лекин худди шамол бамбук таёқларини бир бирига ишқаланишга мажбур қилиб, ёнғин чиқишига сабабчи бўлгани сингари, Ўзининг амру-иродаси билан улар орасига низо солиб қўяди. Ўрмонда ҳаво кучининг таъсири ёрдамида ўзидан ўзи ёнғин пайдо бўлади, худди шундай, Парвардигорнинг кўринмас режаси бўйича сиёсатчиларнинг турли гуруҳлари орасида низо пайдо бўлади. Шу тариқа ўзларининг алдамчи ҳокимияти ва ҳарбий қудратидан гердаиш юрган хукмдорлар гоъвий келишмовчилик сабабли бир бири билан жанг қиладилар ва ўзларининг бор куч-қудратидан айриладилар. Парвардигорнинг амрининг шундай намоеън бўлиш ҳоллари инсоният тарихида сақланиб қолган, то тирик мавжудотлар Худога хизмат қилишга боғланмагунларича шундай бўлаверди. Бу "Бхагавад-гита"(7.14)да жуда

ёркин таърифланган: “Алдамчи қувват – Менинг қувватимдир, шунинг учун тобе тирик мавжудотлар моддий гуналарнинг кучини енгилга кодир эмаслар, аммо Менинг паноҳим остидан нажот топган кишилар моддий қувватнинг чексиз уммонини кечиб ўта оладилар”. Бу шуни билдирадики, на кармали фаолият ёрдамида, на дунёвий фалсафа ёки идеология ёрдамида бутун жаҳонда тинчлик ва фаровонликка эришиб бўлмайди. Ягона йўл – Парвардигорга ўзини топшириш ва шу билан алдамчи қувват таъсири остида юзага келган алданишдан ҳалос бўлиш.

Афсуски, бузғунчилик фаолияти билан машғул кишилар ўзларини Худо Шахсига топширишга кодир эмаслар. Улар ҳаммаси мутлақо нодон одамлар; улар – инсон шаклидаги ҳаёт турлари орасида энг пасткаши; гарчи дунёвий жиҳатдан олий маълумотли бўлсалар ҳам, улар ҳақиқий илмдан бутунлай маҳрум. Уларнинг ҳаммасининг ақли иблис табиатли бўлиб, ҳаммиша Парвардигорнинг олий ҳокимиятига қарши чиқиб юрадилар. Дунёвий ҳаётга берилган, моддий куч-қудратга ва ҳокимиятга интилиб юрган кишилар, шубҳасиз, аҳмоқларнинг биринчисидирлар, чунки улар ҳаёт қуввати ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, ана шу олий руҳий илмдан беҳабар ҳолда моддий тананинг ўлими билан йўққа чиқадиган моддий илм-фанга ғарқ бўлганлар. Улар – одамлар орасида энг пасткашлари, чунки инсон ҳаёти атайлаб Парвардигор билан ўзаро йўқолиб кетган муносабатларни қайта-тиклаш учун мўлжалланган, моддий фаолиятга ғарқ бўлгани сабабли улар ана шу саодатли нодир имкониятни бой берадилар. Улар илмдан маҳрум, чунки ҳатто шунча узоқ фикр-мулоҳаза юритгандан кейин ҳам бутун борлиқнинг суммум бонуми бўлган Худо Шахсини англаб етиш поғонасига кўтарила олмайдилар. Улар иблисларга хос қонун-қоидаларга амал қиладилар ва бунинг оқибатида Равана, Хираньякашипу, Камса ва бошқалар сингари, дунёвий қаҳрамонларга ўхшаб азоб-укубатга дучор бўладилар.

35. Худонинг Олий Шахси, Шри Кришна Ўзининг бесабаб марҳамати билан ички қуввати ёрдамида бу сайёрада пайдо бўлди ва муносиб аёллар даврасида, улар билан худди дунёвий оддий одамлардай муносабатда бўлиб роҳатланиб яшарди.

Изоҳ: Парвардигор худди уйланиб худди оилали одамлардай яшади. Албатта, бу худди дунёвий ишқий муносабатларга ўхшаб кетади, лекин биз Унинг 16108 маликага уйланганини ва уларнинг ҳар бири билан алоҳида бир саройда яшаганини билганимизда, албатта, бу шунчаки дунёвий фаолият эмаслигини тушунамиз. Демак, Парвардигорнинг Ўзининг муносиб хотинлари билан бирга яшаши ҳечам дунёвий ҳаёт бўлмаган, Унинг Ўз хотинлари билан бўлган ўзаро

муносабатларини дунёвий жинсий муносабатлар деб ҳисоблаш мумкин эмас. Парвардигорнинг хотинлари бўлган аёллар - ҳеч шубҳа йўқки, ғайритабиий аёллар, чунки фақат кўп миллион умрлар давомида риёзатга берилган зотларгина Парвардигорни ўзларига эр қила оладилар. Парвардигор ҳар хил локаларга келганида ёки одамлар яшайдиган мана шу сайёрага келганида, У Ўзининг илоҳий эрмакларини намоён этади, У буни фақат шартланган руҳларни Ўзига жалб қилиш ва уларни Парвардигор ҳамиша уларнинг қилган хизматларига муносиб жавоб берадиган руҳий оламда Ўзининг мангу хизматкорлари, дўстлари, ота-оналари ва ошиқлари бўлишга чақириш учун қилади. Моддий оламда хизмат бузилган тарзда акс этади, вақти келмасдан олдин тўхтаб, аччиқ доғ бўлиб фақат ҳафсалани пир қилади. Алданиш домига тушган, моддий табиат билан шартланган тирик мавжудот ғофиллиги сабабли бу ерда, яъни моддий оламда бизларнинг ҳамма муносабатларимиз ўткинчи ва иллатга булганган нопок эканини тушуна олмайди. Бундай муносабатлар бизларга мангу бахт келтира олмайди, лекин, агар ана шундай муносабатларни биз Парвардигор билан ўрнатсак, моддий танани тарк этгандан кейин биз руҳий оламга эришамиз ва Парвардигор билан ўзимиз истаган муносабат тури воситасида мангу алоқа ўрнатамиз. Шунинг учун Парвардигорнинг хотини бўлиб яшаган аёллар моддий оламга мансуб зотлар эмас, балки У билан илоҳий эр-хотин муносабатлари орқали мангу боғланган бўлиб, улар Худога комил садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида эришган мартабасини эгаллаб турадилар. Уларнинг улуғворлиги ҳам мана шунда. Парвардигор парам браҳма, яъни Худонинг Олий Шахси. Шартланган руҳлар ҳамма жойда – фақат Ер сайёрасида эмас, балки бутун коинот бўйлаб бошқа сайёраларда ҳам мангу бахт излаб юрадилар, чунки руҳий заррача ўзининг табиатига кўра Парвардигорнинг бутун борлиги бўйлаб саёҳат қилиб юриш қобилятига эга. Аммо, моддий гуналар билан шартланган ҳолатида, у коинот бўйлаб космик кемаларда сайр қилишга интилади, шунинг учун ўзининг ҳақиқий манзилига эриша олмайди. Бутун олам тортишиш қонуни уни худди маҳбуснинг кишанлари сингари чеклаб қўяди. Бошқа усуллар ёрдамида у истаган жойига бориши мумкин, лекин ҳатто энг юқори сайёрага кўтарилиб ҳам у умрлар оша излаб юрган мангу бахтга эриша олмайди. Лекин, ақлини танигандан кейин у ўзи излаб юрган чексиз бахтини моддий оламдан топа олмаслигини аниқ билиб, Браҳман бахтини излай бошлайди. Албатта, Олий Зот, Парабраҳман ҳам Ўзининг бахтини моддий оламнинг бирор жойидан изламайди. Бунинг устига бахтга эришиш учун Унга керак бўлган нарса моддий оламда мавжуд эмас. У шахсиятсиз эмас. У – сон-саноксиз тирик мавжудотлар ичида Олий Зот ва йўлбошчи бўлгани учун У шахсиятсиз бўлиши

мумкин эмас. У ҳам худди бизлар сингари тирик мавжудотларнинг барча хусусиятларига тўлалигича эга. У ҳам бизларга ўхшаб уйланади, лекин Унинг никоҳи дунёвий никоҳга ўхшамайди ва биз шартланган ҳолатда эга бўладиган тажрибамиз билан чекланиб қолган эмас. Демак, Унинг хотинлари фақат дунёвий хотинларга ўхшаб кўринадилар, холос, аслида эса улар – илоҳий, озод руҳлар, Парвардигорнинг ички қувватининг мукаммал равишда намоён бўлиши.

36. Маликаларнинг иболи табассумлари ва яширин ташлаган сирли нигоҳлари пок ва ҳаяжонли эди. Улар севги фариштаси Купидонни ҳам ром қилиб, алам билан камонини улоқтириб ташлатишга қодир, ҳатто қатъиятли Шива ҳам уларнинг мафтункор латофатининг қурбони бўлиши мумкин эди. Лекин, ўзларининг ана шундай сеҳрли нигоҳларию мафтункор гўзаллигига қарамай, барибир улар Парвардигорнинг ҳистуйғуларини кўзгата олмасдилар.

Изоҳ: Нажот йўли, яъни Худога қайтиш йўли аёллар билан алоқа қилишни бутунлай таъқиқлаб қўйган, санатана-дхарма, яъни варнашрама-дхарма йўли инсонга аёллар билан учрашишни чеклаб ёки умуман таъқиқлаб қўяди. Шундай экан, қандай қилиб ўн олти мингдан ортиқ аёлга боғланиб қолган Худонинг Олий Шахсини тан олиш мумкин? Қизиқувчан, Парвардигорнинг илоҳий табиатини англаб етишга жиддий интилиб юрган одамларда мана шундай ўринли савол албатта пайдо бўлиши мумкин. Бундай саволларга жавоб бериш учун Наимишараньядаги донишмандлар мана шу ва кейинги шеърларда Парвардигорнинг илоҳий сифатларини муҳокама қиладилар. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, бу аёллар ўзларининг мафтункорлиги билан Купидонни ёки ҳатто қатъиятли зотлар ичида энг қатъиятлиси бўлган маъбуд Шивани йўлдан уришлари мумкин эдилар, лекин улар Парвардигорнинг ҳистуйғуларини эгаллай олмадилар. Купидоннинг қиладиган иши – моддий эҳтиросни уйғотиш. Купидоннинг пайконларидан уйғониб бутун олам ҳаракатга келади. Бутун оламнинг фаолияти, эркак билан аёлнинг бир бирига интилиши атрофида айланади. Эркак киши ўзининг талабларига жавоб берадиган аёлни излайди, аёл киши эса ўзига мос келадиган эркак кишини излайди. Мана шу ҳар қандай фаолиятни юзага келтирувчи бошланғич сабаб бўлади. Эркак билан аёл бирга кўшилган заҳоти жинсий алоқа тирик мавжудотдаги кишанларни мустаҳкам боғлаб қўяди. Натижада эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз уйига, ватанига, бола-чақасига, жамиятга, дўстликка ва бойлик тўплашга бўлган боғланиши натижасида сохта фаолият майдони юзага келади, шундай қилиб, сохта, лекин мусибатларга тўла ўткинчи моддий тирикчиликка нисбатан тобора кучайиб борадиган

боғланиш туйғуси юзага келади. Шунинг учун нажот йўлидан бораётган ва ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтишни истайдиган кишиларга барча муқаддас китоблар айниқса моддий боғланишнинг мана шу муқаррар таркибий қисмидан албатта халос бўлишни тавсия қиладилар. Бунга эса фақат махатма деб аталадиган Худонинг содиклари билан учрашиш орқали эришиш мумкин. Купидон тирик мавжудотга ўзининг пайконларини юбориб уни ҳақиқатан ҳам мафтункор гўзал ёки ундай эмаслигидан қатъий назар бошқа жинс вакили изидан чопиб ақлдан озишга мажбур қилади. Купидоннинг қилмишлари, ҳатто маданиятли инсонлар нуқтаи-назаридан, одамлар ҳайвонларга ўхшаб яшайдиган ва башараси жирканч кўринадиган зотлар жамиятида ҳам тўхтамайди. Шундай қилиб, Купидоннинг таъсири муқаммал ва ажойиб ҳаёт турларига эмас, ҳатто энг жирканч ҳаёт турларига ҳам ўз кучини кўрсатади. Энг қатъиятли зот ҳисобланадиган маъбуд Шива ҳам унинг пайкони қурбони бўлган ва ўзининг таслим бўлганини тан олиб, Парвардигор мужассам бўлган аёл Мохинига мафтун бўлиб қолган эди. Лекин Купидоннинг ўзи равнақ фаришталарининг босиқ ва хаяжонли хулқ-атворида маҳлиё бўлиб, саросимага тушганидан ўзининг камон ва пайконларини ташлаб юборгани – Парвардигор Шри Кришнанинг хотинлари ана шундай гўзал ва жозибатор эдилар. Лекин шунга қарамай, улар Парвардигорнинг илоҳий ҳис-туйғуларини кўзгата олмасдилар. Бунинг сабаби шундаки, Парвардигор – ҳар жиҳатдан муқаммал *атмарама*, Ўзига тўла бутун. Унинг лаззатланиши учун Унга ташқаридан бирор ёрдамнинг кераги йўқ. Демак, маликалар Парвардигорни ўзларининг аёлларга хос жозибаторлиги билан мамнун қила олмасдилар, лекин улар Парвардигорни ўзларининг самимий муҳаббати ва хизмати билан мамнун қилардилар. Улар Парвардигорни фақат ўзларининг бенуксон илоҳий муҳаббатга тўла хизмати билан мамнун қила олардилар, Парвардигор эса, бунга жавобан уларга худди Ўзининг хотинларидай муносабатда бўларди. Шундай қилиб, фақат уларнинг холис фидойи хизмат қилишларидан мамнун бўлиб, Парвардигор бунга садоқатли эр сифатида жавоб берарди. Парвардигорнинг шунча аёлларнинг эри бўлишига бундан бошқа бирор сабаб йўқ эди. У – ҳамманинг эри, лекин Уни ўзларининг эри деб билган кишиларга У муносиб жавоб беради. Парвардигорга нисбатан бўлган ана шу бенуксон пок муҳаббатни дунёвий эҳтиросга тенглаштириб бўлмайди. Бу муҳаббат бутунлай илоҳий табиатга эга. Маликаларнинг аёлларга хос равишда намоён этаётган уятчанлиги ҳам илоҳий табиатга эга, чунки уларнинг ҳис-туйғулари илоҳий жазаванинг намоён бўлиши эди. Бундан олдинги шеърда айтилган эдики, Парвардигор оддий эрларга ўхшарди, лекин аслида Унинг Ўз хотинлари билан

бўлган муносабатлари илоҳий табиатли, пок ва моддий табиат гуналари билан шартланмаган эди.

37. Моддий дунё ботқоғига ботиб қолган ғофил одамлар Парвардигорни ўзларига ўхшаган одамлардан бири деб ҳисоблайдилар. Аслида Парвардигор бу моддий дунёга мутлақо боғланмаган, лекин, ғофилликлари сабабли улар бу дунёнинг ишлари Парвардигорга таъсир қилади, деб ўйлайдилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда *абудхаҳ* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Фақат ўзларининг ғофиллиги сабабли баҳс-мунозарани яхши кўрадиган дунёвий одамлар Парвардигорни нотўғри тушунадилар ва ахборот воситалари ёрдамида ўзларининг аҳмокона ғояларини содда одамлар орасида кенг таркатадилар. Парвардигор Шри Кришна азалий, мангу Худо Шахси ҳамма Уни кўра оладиган пайда У Ўзининг илоҳий қудратини фаолиятнинг барча соҳаларида намоён этган. "Шримад Бхагаватам"нинг биринчи кўшиғида тушунтирганимиздек, У мутлақо эркин, мустақил, Ўзи истаганча ҳаракат қилиши мумкин, лекин Унинг барча ҳаракатлари илм, лаззатга тўла ва мангу. Фақат ғофил одамлар Унинг "Бхагавад-гита" ва Упанишадаларда тасдиқланган илм ва лаззатга тўла мангу киёфаси борлигидан беҳабар бўлгани туфайли бу ҳақда адашиб юрибдилар. Унинг турли қувватлари муқаммал режа асосида табиий равишда босқичма-босқич ҳаракат қилади, У эса, барча ҳаракатларни Ўзининг ҳар хил қувватлари ёрдамида амалга ошириб, олий мустақил Зот бўлиб мангу қолаверади. У тирик мавжудотларга Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатиб моддий оламга келганида, буни У Ўзининг қуввати ёрдамида амалга оширади. У моддий табиат гуналари билан мутлақо шартланмаган ва бу ерга азалдан қандай бўлса шундай ҳолида келади. Дунёвий мутафаккирлар У – Худонинг Олий Шахси эканини тушунмайдилар ва тушунтириб бўлмайдиган Брахманнинг шахсиятсиз аспектдан устун турадиган ҳеч нарса йўқ деб ҳисоблайдилар. Ана шундай тасаввурлар ҳам шартланган ҳаёт маҳсулидир, чунки ана шу хаёлпарастлар ўзларининг имконият чегараларидан ташқари чиқа олмайдилар. Демак, Парвардигорни ҳам худди ўзиники сингари чекланган имкониятларга эга деб ҳисоблайдиган киши ҳам шунчаки дунёвий ғофил одамларнинг бири. Ана шундай кишини моддий табиат гуналари Худо Шахсига таъсир қилмаслигига ишонтириб бўлмайди. У булганган модда куёшга ўз таъсирини ўтказа олмаслигини сира тушуна олмайди. Дунёвий донишмандлар ҳар қандай воқеа-ҳодисани ўзларининг дунёвий тажрибаси нуқтаи-назаридан баҳолаб таҳлил қиладилар. Шундай қилиб, Парвардигор никоҳ курганида худди оддий одамларга ўхшайди деб ўйлаганда улар, Парвардигор бирданига ўн олти

мингдан ортиқ аёлга уйланиши мумкинлигин эсдан чиқариб, Уни ўзларига ўхшаган оддий инсонларнинг биттаси деб ҳисоблайдилар. Ўзларининг илми йўқлиги сабабли улар танганинг иккинчи томонига ишонмасдан, унинг фақат бир томонини кўрадилар, холос. Демак, улар фақат ўзларининг ғофиллиги сабабли Парвардигор Шри Кришна ҳам ўзларига ўхшаган оддий одам деб ҳисоблайдилар ва бундан "Шримад Бхагаватам" нуктаи назарига мос келмайдиган аҳмоқона хулосалар чиқарадилар.

38. Парвардигорнинг илоҳийлиги ҳам мана шунда: ҳатто бу дунёда аралашиб юрса ҳам, Унга моддий табиат сифатлари таъсир қилмайди. Парвардигорнинг паноҳидан нажот топган содиқлар ҳам моддий табиат сифатлари таъсирига тушиб қолмайдилар.

Изоҳ: Ведаларда ва ведавий муқаддас китоб(шрути ва смрити)ларда айтилганки, Парвардигорда ҳеч қандай моддийлик йўқ. У – олий онгли Зот бўлгани туфайли У бутунлай илоҳий табиатга эга(ниргуна). Хари, Худо Шахси, - модданинг таъсир кўрсатиш чегарасидан ташқарида жойлашган олий илоҳий шахс. Буни ҳатто Ачарйа Шанкара ҳам тасдиқлайди. Кимдир эътироз билдириши мумкин: “Майли Парвардигорнинг равнақ фариштаси билан бўлган ўзаро муносабатлари илоҳий табиатга эга бўла қолсин, лекин Унинг Йадавалар сулоласига мансуб зотлар билан бўлган муносабатлари, Унинг ана шу хонадонда туғилиши, Жарасандха ва бошқа иблисларни ўлдириши ҳақида нима дея оламиз, ахир буларнинг ҳаммаси моддий табиат гуналари билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошганку?” Бунга шундай жавоб бериш мумкин: Худо Шахсининг илоҳий табиати ҳеч қачон ва ҳеч қандай вазиятда моддий табиат сифатлари билан аралашмайди, кўшилмайди. Бу сифатлар ҳақиқатан ҳам У билан боғланган, чунки У – бутун борлиқнинг бошланғич манбаи, лекин У ана шу сифатларнинг таъсирига берилмайди. Шунинг учун Уни Йогешвара, яъни сеҳр кучларининг эгаси, деб атайдилар, бошқача қилиб айтганда, У ҳар нарсага қодир Зот. Ҳатто Унинг билимдон содиқлари ҳам моддий табиат гуналари таъсирига берилмайдилар. Вриндавандаги олти Госвамнинг ҳаммаси жуда бадавлат ва обрўли хонадонлардан чиққан зотлар эди, лекин улар Вриндаванда таркидунё қилган гадоиларнинг турмуш тарзини қабул қилганларида улар жуда ачинарли аҳволда турмуш кечирадиган одамлардай бўлиб туюларди. Аслида эса, руҳий кадриятлар нуктаи-назаридан қараганда улардан бадавлат инсон йўқ эди. Обрў-эътибор ва шармандалиқ, очлик ва тўқлик, уйку ёки сергаклик сингари моддий табиат гуналари таъсирининг намоён бўлишлари, гарчи улар одамлар орасида юрсалар ҳам, бундай махабхагаваталарга ўз таъсирини ўткази олмайди.

Баъзан уларнинг баъзилари дунёвий фаолият билан машғул бўлиши мумкин, лекин бу уларга таъсир қилмайди. Токи инсон ана шундай боғланмаслик даражасига етмас экан, уни илоҳий поғонага кўтарилган зот деб ҳисоблаб бўлмайди. Парвардигор ва Унинг ҳамроҳлари бир илоҳий поғонада турадилар ва уларнинг улуғворлигини ҳамиша Парвардигорнинг ички қуввати бўлган *йогомайя*нинг ҳаракатлари ёритиб туради. Гарчи баъзан йўлдан адашсалар ҳам, Худонинг содиқлари ҳамиша илоҳий ҳолатда юрадилар. Парвардигор "Бхагавад-гита"(9.30)да таъкидлаб айтганки, беғубор пок содиқ хизматкор ҳатто ўзининг аввалги моддий иллатлари сабабли йўлдан адашса ҳам, уни барибир бутунлай илоҳий поғонадаги зот деб ҳисоблаш лозим, чунки у ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлган. Парвардигор ҳамиша уни ҳимоя қилиб юради, чунки у Унга хизмат қилади, унинг бундай адашишларини тасодифий ва вақтинчалик ҳолат деб ҳисоблаш керак. Бундай ҳолат жуда тез ўнгланиб кетади.

39. Ана шу соддадил ва ожиза аёллар ҳақиқатан севимли эрлари, Парвардигор Шри Кришна, уларга бўйсунди ва уларнинг изидан юради деб ўйлардилар. Худди худобехабар атеистлар У олий ҳукмдор эканини тушуна олмагани сингари, улар ҳам эрларининг улуғворлигини тўлиқ тасаввур қила олмасдилар.

Изоҳ: Ҳатто Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий табиатли хотинлари ҳам Парвардигорнинг чексиз улуғворлигини англаб ета олмасдилар. Лекин бундай илмсизликни дунёвий ғофилликка тенглаштириб бўлмайди, чунки бу Парвардигорнинг ички қувватининг ҳаракатларининг Парвардигор билан Унинг мангу ҳамроҳлари орасидаги ўзаро ҳис-туйғу алмашишида намоён бўлиши ҳисобланади. Ўзаро илоҳий муносабатларда Парвардигор беш роль ўйнаши мумкин: ҳукмдор (эга), хўжайин, дўст, ўғил ва ошиқ – ана шу эрмакларнинг ҳар бирида У Ўзининг ички қуввати *йогомайя* ёрдамида Ўз ролини бутунлай берилиб ижро этади. Подачи болалар билан, ҳатто Аржун сингари дўстлари билан бўлган муносабатларда У уларга тенг дўст ролини бенуқсон ижро этади. Йашода онанинг ёнида У унинг ўғли ролини, подачи қизлар ёнида – уларнинг севгилиси ролини, Дварака маликалари олдида эса – уларнинг эри ролини мукамал ижро этади. Парвардигорнинг ана шу содиқлари ҳеч қачон Уни Худо деб ҳисобламайдилар, улар Уни ўзларининг оддий дўсти, севимли фарзанди, севгилиси ёки қалбига яқин эри деб ҳисоблайди. Парвардигор билан сон-саноксиз Вайкунтха сайёралари жойлашган руҳий оламда Унинг мангу ҳамроҳлари бўлган илоҳий содиқлари орасидаги муносабатлар ана шундай. Парвардигор моддий оламга ташриф буюрганида, Унинг яратган

оламига хукмронлик қилишга интилиш истагидан асар ҳам бўлмаган соф садоқат ва муҳаббат ҳукм сурадиган илоҳий олам муҳитини тўла намойиш этиш учун У билан бирга Унинг ёнидаги ҳамроҳлари ҳам ташриф буюради. Парвардигорнинг ана шу содиқ хизматкорларининг ҳаммаси – оралиқ яъни ички қувватнинг мукамал даражада намоён бўлиши, ташқи қувват таъсиридан тўла халос бўлган озод руҳлардир. Ўзаро муносабатларида ҳеч қандай сохталик бўлмаслиги учун Парвардигор Шри Кришнанинг ички қуввати Унинг хотинларини Парвардигорнинг чексиз улуғворлигини бутунлай унутиб юборишга мажбур қилди, шу боис улар Парвардигор – ўзларининг ёлғиз қолган пайтларида ҳамиша уларга бўйсунадиган итоаткор эри экани ўзидан ўзи маълум деб ҳисоблардилар. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари Уни мукамал билмайдилар, шундай экан, Унинг илоҳий улуғворлиги ҳақида дунёвий файласуфлар ёки диссертация ёзиб юрганлар нимани ҳам билишлари мумкин? Дунёвий файласуфлар Парвардигор оламнинг яралишига сабаб бўлади, оламнинг таркибий қисми бўлади ёки оламнинг моддий ёки амалий сабабчиси бўлади ва ҳоказо деган ғояларни тасдиқлаб, ҳар хил таълимотларни ҳимоя қиладилар, лекин буларнинг ҳаммаси – шунчаки Парвардигорни қисман билишдир. Аслида, улар ҳам худди дунёвий оддий одамлар сингари ғофил зотлардир. Парвардигорни фақат Унинг марҳамати билан англаб етиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ. Лекин, Парвардигорнинг Ўз хотинлари билан бўлган ўзаро муносабатлари соф илоҳий муҳаббат ва садоқатга асослангани сабабли Унинг барча хотинлари моддий иллат булғай олмайдиган илоҳий поғонада турган зотлар ҳисобланади.

Бхактиведантанинг "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ, "Парвардигор Шри Кришнанинг Дваракага кириб келиши" деб аталадиган ўн биринчи бобида изоҳлари шундай яқунланади.

Ўн иккинчи боб

Император Парикшитнинг туғилиши

1. Донишманд Шаунака деди: Махараж Парикшитнинг онаси Утгаранинг қорнидаги хомила Ашваттхама юборган даҳшатли ва енгилмас қурол -брахмастранинг домига тушиб қолган эди. Аммо, Парвардигорнинг Ўзи Махараж Парикшитни қутқариб қолган эди.

Изоҳ: Наимишаранйя ўрмонига тўпланган донишмандлар Сута Госвамидан Махараж Парикшитнинг туғилиши ҳақида савол бердилар,

лекин улар айна пайтда бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилдилар: Дронанинг ўғли қандай қилиб брахмастрани ишлатгани, Аржуннинг уни қандай жазолагани, малика Кунтидевининг илтижолари, Пандузодаларнинг Бхишма ётган жойга боргани, унинг илтижолари, кейин Парвардигор Шри Кришнанинг Дваракага қайтиб кетиши. Унинг Дваракага кириб келиши ҳам, У Ўзининг ўн олти минг маликаси билан қандай яшагани ва бошқа воқеалар ҳақида гапирилганди. Донишмандлар ана шу ҳикояларни тинглашга ғарқ бўлдилар, лекин кейин яна бош мавзуга қайтишни истадилар, шунинг учун Шаунака Риши навбатдаги саволни берди ва биз яна брахмастра – Ашваттхама ишлатган қурол мавзусига қайтдик.

2. Буюк император, чуқур тафаккур соҳиби ва Худонинг буюк содиқ хизматкори Парикшит қандай дунёга келди? У бу дунёни қандай тарқ этди ва кейинги ҳаётида нимага эришди?

Изоҳ: Қадимда Хастинапур шоҳи бутун оламга император бўлган. Император Парикшитнинг ўғли хукмронлик қилган даврда шундай бўлган. Парвардигор, онасининг қорнида ётган Махараж Парикшитни ҳалокатдан қутқариб қолган. Шубҳа йўқки, уни брахманнинг ўғлининг ёвуз нияти сабабли маҳкум бўлган бевақт ўлимдан ҳам қутқариб олган бўларди. Махараж Парикшит салтанат тахтига ўтиргандан кейин дарров Калиюга даври бошлангани туфайли, келажакда рўй берадиган бахтсизликларнинг биринчи аломати, Махараж Парикшит сингари чуқур тафаккур эгаси ва Худонинг содиқ хизматкори бўлган шоҳнинг дуои-бад қилиниши эди. Шоҳ ҳимоясиз фуқароларнинг ҳимоячиси ҳисобланади, уларнинг осойишталиги, тинчлиги ва фаровонлиги унинг қўлида бўлади. Бахтга қарши Кали юга, таназзул даврининг таъсири остида брахманнинг омадсиз ўғли бегуноҳ Махараж Парикшитни дуои-бад қилди ва шоҳ етти кун ичида ўз ажалини кутиб олишга тайёрланиши лозим эди. Махараж Парикшит шуниси билан машҳур эдики, уни Парвардигор Вишну ҳимоя қилиб юрарди, брахманнинг ўғли уни ноҳақ равишда дуои-бад қилганида, у нажот излаб Худога илтижо қилиши мумкин эди, лекин у бундай қилишни истамади, чунки у Худонинг асл содиқ хизматкори эди. Худонинг асл содиқ хизматкори ҳеч қачон Парвардигордан ўзига бирор енгиллик қилишини тилаб илтижо қилмайди. Бошқалар сингари Махараж Парикшит ҳам брахманзоданинг қарғиши ноҳақ эканини биларди, лекин унга қарши бирор чора кўришни истамасди, чунки Кали юга бошланганини биларди, бу даврнинг биринчи аломати юксак қобилят ато этилган брахманлар табақасининг тубанликка юз тутиши эди. У замона зайлининг ишларига халақит беришни истамади, лекин ўз ажалини шодлик билан муносиб кутиб олишга тайёрланди. Унинг

омади келган эди: ўз ажалини муносиб кутиб олиш учун етти кун вақти бор эди ва у буюк авлиё ва Худонинг содиқ хизматкори Шукадева Госвами билан ҳамсухбат бўлиб мана шу вақтдан унумли фойдаланди.

3. Бизлар ҳаммамиз Шукадева Госвами илоҳий илм сирларини ўргатган шу зот (Махараж Парикшит)ни жуда ҳурмат қиламиз ва у ҳақидаги ҳикояларни кўпроқ тинглашни истаймиз. Марҳамат қилиб, бизларга у ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Махараж Парикшитнинг қолган охири етти куни давомида Шукадева Госвами унга илоҳий илм сирларини ўргатди, Махараж Парикшит эса, одобли шогирд сифатида унинг гапларини тинглади. "Шримад Бхагаватам"ни ана шундай тинглаш ва такрорлаш уни тинглаётган кишига ҳам, гапириб бераётган кишига ҳам баробар саодат келтиради. "Шримад Бхагаватам"да Худога садоқат билан хизмат қилишнинг илоҳий тўққиз тури ҳақида айтилади, агар уларнинг ҳаммасини, бир нечасини, ёки атиги биттасини рисоладагидай бажариб юрса, бу инсонга бир хил саодат келтиради. Махараж Парикшит ва Шукадева Госвами Худога садоқат билан хизмат қилишнинг биринчи икки қондасига – такрорлаш ва тинглаш жараёнига жиддий амал қилдилар, шу боис ҳар иккаласининг ҳам олқишга сазовор уринишлари уларга муваффақият келтирди. Илоҳий ўзликни фақат ана шундай жиддий тинглаш ва такрорлаш жараёнида англаб етиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ. Ҳозирги Кали даврида устоз ва шогирднинг маълум бир бемаъни турлари кенг тарғибот қилиняпти. Айтадиларки, устоз ўзида ишлаб чиқадиган электр токи орқали шогирдига руҳий қувват берармиш, шогирд эса бунда электр шок олармиш. Шогирд хушидан кетади, устоз эса, тўплаган руҳий қуввати камайганидан қайғу чекармиш. Ҳозирги даврда бундай сохта тарғиботларни ҳар ерда эшитиб қолиш мумкин, бахтиқаро содда ғофил одамлар ана шундай тарғибот курбони бўлиб юраверадилар. Биз Шукадева Госвами ва унинг буюк шогирди Махараж Парикшитнинг ўзаро муносабатлари ҳақида бундай чўпчакларни тингламаймиз. Донишманд "Шримад Бхагаватам"ни чуқур имон билан гапириб берган, буюк шоҳ эса уни диққат билан тинглаган. Шоҳ ўзининг устозидан қандайдир электр токи олмаган, ундан илм олгандан кейин хушидан кетиб қолмаган. Шундай экан, ведалар илмининг сохта билимдонлари ўтказиб юрган бундай бемаъни реклама кампанияларининг тузоғига илиниб қолмаслик керак. Наимишаранйя ўрмонидаги донишмандлар Махараж Парикшит ҳақидаги ҳикояларни чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тингладилар, чунки у Шукадева Госвамининг гапларини диққат билан тинглаб, ундан илм ўрганган. Ҳақиқий руҳий

устознинг гапларини диққат билан тинглаш – илоҳий илм ўрганишнинг ягона йўли, қандайдир ўткинчи мўъжизавий таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган врачлик қилишнинг ёки сеҳр-жоду ишлатишнинг мутлақо ҳожати йўқ. Илм ўрганиш усули осон, лекин фақат унга жиддий амал қилиб юрган кишилар интилган натижаларига эриша оладилар.

4. Шри Сута Госвами деди: Салтанатни бошқариб турган пайтда Махараж Юдхистхира ҳаммага бир хил олийжаноб муносабатда бўларди. У ҳар жиҳатдан отасига ўхшарди. У ҳеч нарсага даъвогарлик қилмас, ҳиссиёти талабларини қондиришга интилиш истагидан озод инсон эди, чунки ҳамиша Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қиларди.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"га ёзилган кириш қисмида шундай деб ёзилган: "Мусибат чекаётган инсониятга Кришна ҳақидаги илм керак, биз барча давлатларнинг раҳбарларини ўзларининг бахт-саодати учун, жамиятнинг ва бутун инсониятнинг бахти учун Кришна ҳақидаги илмдан фойдаланишни илтимос қиламиз". Мазкур шеърда бу эзгулик тимсоли бўлган Махараж Юдхистхира мисолида тасдиқланади. Ҳиндистон халқи Рама-раджйани соғиниб тилга оладилар, чунки Парвардигор намунали шоҳ бўлган эди, Ҳиндистоннинг қолган барча шоҳлари ва императорлари ер юзида дунёга келган барча тирик мавжудотларнинг фаровонлигини ўйлаб, оламнинг тақдирини ҳал қилардилар. Бу ерда праджа иборасига эътибор бериш керак. Унинг этимологик аҳамияти "туғилган зот". Ер юзида сувда яшайдиганлардан тортиб, то мукамал инсон зотларигача ҳаёт турлари жуда кўп, уларнинг ҳаммаси праджа деб аталади. Мана шу коинотнинг яратувчиси Маъбуд Браҳмани праджапати деб атайдилар, чунки у – барча туғилган зотларнинг бобокалони. Шундай қилиб, мазкур шеърда праджа ибораси ҳозир ишлатилаётганига қараганда анча чуқурроқ маънода келтирилган. Шоҳ барча тирик мавжудотларнинг вакили ҳисобланади: сувда яшайдиганлар, ўсимликлар, дарахтлар, ҳашаротлар, қушлар, ҳайвонлар ва одамлар. Уларнинг ҳар бири – Парвардигорнинг ажралмас заррачаси ("Бхагавад-гита".14.4) шу боис шоҳ Парвардигорнинг вакили сифатида уларнинг ҳар бирини ҳимоя қилиши лозим. Қуйи ҳаёт шаклидаги тирик мавжудотлар умуман ҳимоя қилинмайдиган, юқори турдагилар гўё ҳимоя қилинадиган ҳозирги ахлоқсиз бошқарув тизимининг президент ва диктаторлари бундан беҳабар. Бу ҳам буюк илм, уни фақат Кришна ҳақидаги илмни англаб етган киши англай олади. Кришна ҳақидаги илмни англаб етган киши жаҳондаги энг комил инсон бўлиш мумкин, лекин

ана шу илм бўлмаса, кишининг дунёвий илм-фан бўйича билимдонликдан далолат берадиган барча касбий сифатлар ва докторлик унвонлари мутлақо бефойда. Махараж Юдхитхира Кришна ҳақидаги мана шу илмни мукамал биларди, чунки бу ерда айтилганки, у бу илм бобида ўзининг билимини узлуксиз ошириб, яъни ҳамиша Кришнага хизмат қилиб, давлатни бошқариш учун зарур бўлган ҳамма сифатларга эга бўлган эди. Баъзан ота ўзининг ўғлига нисбатан жуда қаттиққўлдай бўлиб кўриниши мумкин, лекин бу ота деган қандай бўлиши лозимлигини унутди дегани эмас. Ота – барибир ота, чунки у ўзининг қалбида ўғлига ҳамиша фақат яхшилик қилишни истайди. Ота ўзининг ўғилларининг ҳар бири унинг ўзидан яхши бўлишини истайди. Шунинг учун эзгулик тимсоли бўлган Махараж Юдхитхирадай шох, истардики, унинг барча фуқаролари – айниқса юксак даражада ривожланган онга эга бўлган инсонлар – Парвардигор Шри Кришнанинг содиқ хизматкорлари бўлишини ва бемаъни моддий тирикчилик тутқунлигидан халос бўлишини истарди. “Ҳамма нарса фуқаролар бахт-саодати учун!” – давлатни бошқариш тизимининг шиори шундай эди, эзгулик тимсоли сифатида шох улар учун ҳақиқий бахт-саодат нима эканини мукамал биларди. У давлатни рақшасиларнинг, яъни иблисларга хос ҳиссиётнинг талабини қондириш қоидаси асосида эмас, балки мана шу қоида асосида бошқарарди. Намунали шох бўлган ҳолда унинг ўзи ҳеч нарсага даъво қилмас ва ҳиссиётининг талабларини қондиришга интилмас эди, чунки сезгилари ҳамиша тўла бутуннинг ажралмас қисмларига – маълум даражада тирик мавжудотларга хизмат қилишни ҳам назарда тутадиган Парвардигорга муҳаббат билан хизмат қилишда банд эди. Ажралмас қисмларга хизмат қилишга бутунлай фарқ бўлган лекин тўла бутунни эсдан чиқариб кўядиган киши, худди сувни дарахтнинг илдизига қуймасдан, унинг шоха ва баргларини ювиб юрган одам сингари фақат ўзининг вақтини ва қувватини бекорга сарфлайди. Агар дарахтнинг илдизи суғорилса, барглари ўзидан ўзи жонланиб кетади, лекин фақат баргларга сув қуйиш – ўзининг қувватини бекорга сарфлашдан бошқа иш эмас. Шунинг учун Махараж Юдхитхира ҳамиша Худога хизмат қиларди, бунинг шарофати билан Парвардигорнинг ажралмас зарралари, у ғамхўрлик билан ҳукмронлик қилаётган тирик мавжудотлар учун ҳаётда қулай шароитлар ҳамда кейинги ҳаётида юқори поғонага кўтарилиш учун барча имкониятлар яратилган эди. Давлатни бошқаришнинг мукамал усули шундан иборат.

5. Махараж Юдхитхиранинг бу дунёдаги бойлигининг, унинг ўтказган, унга энг яхши тақдир ато этган қурбонлик маросимларининг, унинг маликасининг, қатъиятли укаларининг, бутун Ер юзига таралган салтанатининг,

қилган эзгу ишларининг доврўғи ҳатто жаннатий сайёраларга ҳам бориб етганди.

Изоҳ: Фақат бой ва буюк инсон бутун жаҳонга машҳур бўлади, Махараж Юдхитхиранинг шон-шухрати эса, унинг эзгулик билан давлатни бошқариши, дунёвий бойликлари, Драупадидай шарафли хотини, Бхима ва Аржундай укаларининг куч-қудрати ҳамда *Жамбудвина* деган ном билан машҳур бутун ер юзига ҳукмрон бўлган шоҳона ҳокимияти билан ҳатто олий сайёраларга ҳам бориб етган эди. Мазкур шеърда локах иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Моддий олам бўйлаб ҳам, руҳий олам бўйлаб ҳам турли локалар, яъни олий сайёралар жойлашган. "Бхагавад-гита"(9.25)да айтилганидек, инсон уларга ўзининг ҳозирги ҳаётидаги фаолияти шарофати билан эриша олади. Уларга куч билан эришишнинг иложи йўқ. К коинот бўйлаб бир неча минг километрга саёҳат қилиш имкониятини берадиган восита ўйлаб топган кўримсиз дунёвий олим ва мухандислар у сайёраларга эриша олмайдилар. Яхшироқ сайёраларга эришиш йўли бундай эмас. Инсон ана шу бахтиёр сайёраларга эришиш ҳуқуқини қурбонлик маросимлари ўтказиш ва хизмат қилиш орқали қўлга киритиши лозим. Ҳар қадамда гуноҳ иш қилиб юрган киши фақат то ҳайвон шаклидаги ҳаётгача тубанликка юз тутиш ҳамда моддий оламда тирикчилик қилишнинг бетиним мусибатлари кутиб туради. Бу ҳақда "Бхагавад-гита"(16.19)да ҳам айтилган. Махараж Юдхитхиранинг ижобий сифатлари ва ўтказган қурбонлик маросимлари шу қадар улуғвор ва олижаноб эдики, ҳатто олий сайёраларнинг аҳолиси ҳам уни худди ўзлари билан тенг зот сифатида қабул қилишга тайёр эдилар.

6. Эй браҳманлар, шохнинг мол-дунёси шу қадар мафтункор эдики, ҳатто жаннатдагилар ҳам унга ҳавас қилишарди. Аммо, у ҳамиша Парвардигорга ҳолис хизмат қилиш билан машғул бўлгани туфайли, ана шу хизматдан бошқа нарса унга мамнуният келтира олмасди.

Изоҳ: Тирик мавжудотни икки нарса қаноатлантириши мумкин. Моддий онга фарқ бўлган киши фақат ҳиссий лаззатдан мамнуният ҳосил қилади, лекин моддий гуналар билан шартланганлик ҳолатидан озодликка чиққандан кейин тирик мавжудот фақат Парвардигорни мамнун қилиш учун Унга муҳаббат билан хизмат қилишдан мамнуният ҳосил қилади. Бу шуни билдирадики, демак, тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра – бировнинг хизматини қабул қиладиган зот эмас, балки хизматкордир. Ташқи қувват таъсири остида адашиб юргани сабабли у бошқалар унга хизмат қилиши лозим деб ўйлайди, лекин аслида унга хизмат қилмайдилар, аксинча, у ўзининг сезгиларининг: эҳтиросининг, истакларининг, ғазабининг, очкўзлигининг,

манманлигининг, ақлсизлигининг ва чидамсизлигининг хизматкори бўлиб қолади. Рухий илм ўрганиб ақли кирган киши ўзининг моддий оламнинг хўжайини эмаслигини ва ўз сезгиларининг хизматкори эканини англаб етади. Шунда у Худога хизмат қилишга рухсат беришини сўраб Унга илтижо қила бошлайди ва “моддий бахт”га интилиб алданиб юришдан халос бўлиб, ҳақиқий бахтга эришади. Махараж Юдхитшхара озодликка эришган руҳлардан бири эди, шунинг учун у катта бойликка эга бўлишдан, покдомон хотини борлигидан, укаларининг итоаткорлигидан, фуқароларининг бахтиёрлигидан ва оламнинг фаровонлигидан мамнуният ҳосил қила олмасди. Ҳатто у бунга интилмаса ҳам, бундай бахт-саодатлар Худонинг асл содиқ хизматкорига ўздан-ўзи келади. Бу ерда келтирилган мисол жуда ўринли. Оч одамни фақат овқатланиш қаноатлантира олади, деган гап бор.

Моддий олам оч юрган тирик мавжудотларга тўла. Лекин бу очлик яхши озик-овқат етишмаслиги сабабли юзага келмаган. Улар ҳиссий лаззат етишмагани ёки бошпанаси йўқлиги сабабли ўз ҳаётидан мамнуният ҳосил қилолмай юрганлари йўқ, аслида бу ташналик руҳий муҳит етишмаслигидан. Фақат ғофиллиги сабабли одамлар фақат озик-овқат, бошпана, химоя, ёки ҳиссий лаззат келтирадиган нарсалар етишмаслиги сабабли бутун жаҳон аҳли яшашдан қаноат ҳосил қилолмай юрибди деб ўйлайдилар. Мана шу алданиш ҳисобланади. Тирик мавжудот адашганидан ўзининг руҳий ташналигини моддий ташналик деб ҳисоблайди. Лекин жамиятнинг нодон раҳбарлари ҳатто моддий жиҳатдан ҳамма нарсага эга бўлган одамлар ҳам аввалгидай оч, ҳаётдан норози эканини кўришга қодир эмаслар. Бу қандай очлик, бу қандай қашшоқлик? Аслида мана шу руҳий озуқага, руҳий бошпанага, руҳий химояга ва руҳий лаззатга бўлган интилишдир. Мана шуларнинг ҳаммасига Олий Рух, Парвардигор Шри Кришна билан боғланиш орқали эришиш мумкин, шу боис бунга эришган кишини ҳатто жаннат аҳолиси ҳам лаззатланиб юрган бўлишига қарамай бу дунёдаги озик-овқат, бошпана, хавфсизлик, моддий оламнинг ҳиссий лаззатлари қизиқтирмайди. Шунинг учун Парвардигор "Бхагавад-гита"(8.16)да айтадики, ҳатто инсон умри ердагига қараганда миллион марта узун бўлган коинотнинг энг олий сайёраси Брахмолокада ҳам тирик мавжудот ўзининг ташналигини қондира олмайди. Тирик мавжудот бунга фақат Брахмолокадан таърифлаб бўлмас даражада юқори турадиган руҳий оламда Парвардигор Муқунда билан, Ўзининг содиқ хизматкорларига озодликнинг илоҳий лаззати билан мукофотлайдиган Парвардигор билан мангу мулоқот қилиб юргандагина эриша олади.

7. Эй Бхригунинг ўғли (Шаунака), бўлғуси буюк жангчи Парикшит, хали ҳомила сифатида

онаси Уттаранинг қорнида ётар экан, (Ашваттхама юборган) брахмастранинг бардош бериб бўлмайдиган иссиғидан қаттиқ изтироб чекарди, шунда у ўзига яқинлашиб келаётган Парвардигорга кўзи тушди.

Изоҳ: Одатда, танасини тарк этгандан кейин тирик мавжудот егти ой давомида транс ҳолатида бўлади. Ҳозирги ҳаётида кўрсатган фаолиятига қараб тирик мавжудотга отанинг уруғлиги билан она қорнига кириш имкони берилади, бунинг натижасида унинг ўзи истаган тана ривожлана бошлайди. Ўзининг аввал қилган ишларига қараб маълум бир танада туғилиш қонуни мана шундан иборат. Транс ҳолатидан чиққандан кейин тирик мавжудот она қорнида бўлиш билан боғлиқ ноқулайликларни ҳис қила бошлайди, бу ҳолатдан чиқишга ҳаракат қилади, баъзида эса, бахти келиб, озодликка чиқаришни тилаб Худога илтижо қила бошлайди. Махараж Парикшит онасининг ичида бўлган пайтда Ашваттхама юборган брахмастра уни жароҳатлаган, шунда у чидаб бўлмас иссиқлик азобидан қийнала бошлаган эди. Лекин, у Худонинг содиқ хизматкори бўлгани учун, Парвардигор шу заҳотиёқ Ўзининг ҳар нарсага қодир қуввати ёрдамида унинг онасининг қорнида пайдо бўлди ва жажжи Махараж Парикшит кимдир уни қутқаргани ёрдамга келганини кўрди. Ҳатто ана шундай ночор аҳволда ҳам Махараж Парикшит чидаб бўлмас иссиқликка бардош берган эди, чунки у ўзининг табиатига кўра буюк жангчи эди. Шунинг учун мазкур шеърда вирах ибораси ишлатилган.

8. Худо Шахсининг бўйи атиги бош бармоқчалик эди, аммо, У бутунлай илоҳий эди. Бегуноҳ Парвардигорнинг қорамтир гўзал танасини яшин рангидаги сариқ либос бекитиб турар, бошидаги тожи эса олтиндек ярқирарди. Чақалоқ Уни шу қиёфада эслаб қолди.

9. Парвардигор жуда гўзал эди: Унинг тўрт қўли, эриган олтин рангидаги сирғалари бор бўлиб, кўзлари ғазабдан қондек қизарган эди. У тобора яқинлашар, Унинг метеорга ўхшаган гурзиси эса атрофида тинмай айланиб турарди.

Изоҳ: "Брахма-самхита"(5)да айтилганки, Парвардигор Говинда Ўзининг тўла намоён бўлган қисмларининг бирида коинот ичига қиради ва Ўзини Параматма, Олий Рух сифатида тарқатиб нафақат ҳар бир тирик мавжудот қалбига, балки моддий унсурларнинг ҳар бир атоми ичига қиради. Шундай қилиб, Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида Парвардигор ҳамма жойда мавжуд бўла олади, Ўзининг яқин содиғи Махараж Парикшитни қутқариш учун У Уттаранинг ичига кирди. "Бхагавад-гита"(9.31)да айтилганки, Унинг содиқлари ҳеч қачон ҳалокатга учрамайдилар. Худонинг содиқ хизматкорини ҳеч ким ўлдир

олмайди, чунки уни Парвардигорнинг Ўзи ҳимоя қилиб юради, Парвардигор ўлдиришни истаган кишини эса, ҳеч ким қутқара олмайди. Парвардигор ҳар нарсага қодир, У Ўзининг истаги билан ўлдириши ҳам, қутқариши ҳам мумкин. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкори, Махараж Парикшит олдига ҳатто у ана шундай ноқулай ҳолатда бўлган пайтда ҳам айнан у кўра оладиган қиёфада келди. Парвардигор бир вақтнинг ўзида минглаб коинотлардан ҳам катта ва атомдан ҳам кичкина бўла олади. Ўз марҳамати билан У чекланган тирик мавжудот қабул қила оладиган қиёфага қиради. Парвардигор чексиз. Уни ўзимизнинг чекланган ақлимиз билан қабул қилиб бўлмайди. У тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада катта бўлиши, англаб бўлмас даражада кичик бўлиши мумкин. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам У барибир ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор бўлиб қолаверади. Уттаранинг қорнида пайдо бўлган, ўлчами катта бармоқчалик Парвардигор билан Парвардигорнинг салтанати Ваикунтҳа-дхамадаги Парвардигор Нарайананинг тўла намоён бўлган қиёфаси орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. У фақат Парвардигорни бошқача кўришга қодир бўлмаган содиқларининг хизматларини қабул қилиш учунгина арча-виграҳа қиёфасига қиради. Гарчи Парвардигор моддий ҳис-туйғулар ёрдамида англаб етишнинг иложи бўлмаса ҳам, арча-виграҳанинг марҳамати билан моддий оламда яшаб юрган Худонинг содиқлари осонлик билан Парвардигорга яқинлаша оладилар. Шундай қилиб, арча-виграҳа – Парвардигорнинг дунёвий содиқ хизматкорлар қабул қила оладиган, бутунлай рухий табиатга эга бўлган қиёфасидир. Парвардигорнинг арча-виграҳа қиёфасини ҳеч қачон моддий деб ҳисобламаслик керак. Шартланган тирик мавжудот учун модда билан руҳ орасида осмон билан ерча фарқ бор, лекин Парвардигор учун улар орасида фарқ йўқ. Парвардигор учун рухий мавжудликдан бошқа ҳеч нарса йўқ, худди шундай У билан яқин муносабатларда бўлган Худонинг асл содиқ хизматкори учун ҳам рухий борликдан бошқа нарса мавжуд эмас.

10. Худди шабнам томчисини қуритадиган қуёш сингари, Парвардигор брахмастрадан таралаётган ёғдуни тарқатиб юборди. Чақалоқ Парвардигорнинг кимлигини тушунишга ҳаракат қилиб, Уни зимдан кузатиб турди.

11. Чақалоқ Уни кўздан кечириб турар экан Парвардигор, ҳар кимнинг қалбидаги Олий Руҳи, такводорларнинг ҳимоячиси, ҳар тарафдан бутун борлиқни қамраб олган ва на замон, на макон билан чекланмаган Худо Шахси бирдан ғойиб бўлди.

Изоҳ: Чақалоқ Парикшит замон ва макон билан чекланган оддий тирик мавжудотни томоша қилиб

тургани йўқ эди. Парвардигор билан алоҳида тирик мавжудот орасида катта фарқ бор. Парвардигор бу ерда на замон, на макон билан чекланмаган олий тирик мавжудот деб аталган. Ҳар бир тирик мавжудот замон ва макон билан чеклаб қўйилган. Парвардигор билан тирик мавжудот сифат жиҳатидан бир бирига ўхшашлигига қарамай, миқдор жиҳатидан алоҳида тирик мавжудот билан Олий Руҳ бир биридан чексиз фарқ қилади. "Бхагавад-гита"да айтилганки, тирик мавжудот ҳам, Олий Зот ҳам ҳамма жойда мавжуд бўла олади (*йена сарвам идам татам*), шунга қарамай, уларнинг ҳамма жойга синга олиш қобиляти ҳар хил. Оддий тирик мавжудот, яъни жон, фақат ўзининг чекланган танаси чегарасидагина мавжуд бўла олади, лекин олий тирик мавжудот ҳамма жойда мавжуд. Тирик мавжудот ҳамма жойда мавжуд бўлиб, бу билан ўзига ўхшаган тирик мавжудотларга таъсир қила олмайди, лекин Олий Руҳ, Худо Шахси Ўзининг таъсирини ҳаммиша ва ҳамма жойда чекланмаган миқдорда кўпайтиришга, кенгайтиришга ҳамда барча тирик мавжудотларга таъсир қилишга қодир. Парвардигор ҳамма жойни қамраб олган ҳамда замон ва макон билан чекланмагани сабабли У ҳатто чақалоқ Парикшит онасининг қорнида бўлган пайтда ҳам унинг олдида пайдо бўла олди. Парвардигор мазкур шеърда такводорларнинг ҳимоячиси деб аталган. Ўзини Парвардигорга топширган ҳар бир жон такводор зот ҳисобланади, ва Парвардигор унга ҳар қандай вазиятда ҳам алоҳида ғамхўрлик қилади. Парвардигор имонсизларни ҳам Ўзининг ташқи қуввати ёрдамида гуноҳлардан поклаб билвосита ҳимоя қилади. Мазкур шеърда айтилганки, Парвардигор оламнинг ўн тарафидан ўралган. Демак, Парвардигор либослар билан ўн тарафдан, шу жумладан юқори ва пастдан ҳам либослар билан ўралган. У ҳамма жойда мавжуд, У Ўз хоҳиши билан ҳар ердан пайдо бўлиши ва истаган жойига ғойиб бўлиши мумкин. Унинг чақалоқ Махараж Парикшит кўзидан ғойиб бўлгани Парвардигор бу ерга қаердандир бошқа бир жойдан келганини билдирмайди. У шу ерда эди, ҳатто У ғойиб бўлиб, чақалоқнинг кўзига кўринмай қолган бўлса ҳам барибир У шу ерда қолди. Порлаб турган осмоннинг моддий қобиғи ҳам она табиатнинг қорнига ўхшайди, бизларни мана шу қоринга барча тирик мавжудотларнинг отаси бўлган Парвардигор киритиб қўйган. У ҳамма жойда, ҳатто она Дурганинг мана шу моддий қорнида ҳам мавжуд, бунга муносиб бўлган кишилар Уни албатта кўра оладилар.

12. Кейин, осмону-фалакда юлдузлар бирин-кетин шарофатли жойларни эгаллаб, шарофат келтирувчи ҳар хил аломатлар пайдо бўлиб, жасорат кўрсатишда Пандунинг ўзига тенглашадиган меросхўри Парикшит дунёга келди.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам"да тасдиқланганидек, астрономлар ҳисоб-китоб қиладиган юлдузларнинг тирик мавжудотга таъсири шунчаки хом-хаёл эмас, балки аниқ ҳақиқатдир. Моддий табиат қонунлари ҳам худди давлат қонунлари сингари ҳамиша тирик мавжудотларни бошқариб туради. Давлат қонунларининг ҳаракатларини моддий кўз билан кўриш мумкин, аммо табиат қонунлари анча нафис, шунинг учун биз уларни ўзимизнинг кўп қисми моддий кўзларимиз билан кўра олмаймиз. "Бхагавад-гита"(3.9)да айтилганидек, инсоннинг ҳаётда қилган ҳар бир ҳаракатининг албатта бирор оқибати бўлади ва уни бу дунёга боғлаб қўяди, фақат Йаджна(Вишну) учун ҳаракат қилиб юрган кишилар ўз фаолиятининг оқибатлари билан боғланиб қолмайдилар. Ишончли олий зотлар, Парвардигорнинг вакиллари бизларнинг ҳар бир амалимизни баҳолаб турадилар ва уларга мос равишда бизларга моддий тана беради. Моддий табиат қонунлари шу қадар нозикки, танамизнинг ҳар бир қисмига маълум юлдузлар таъсир қилади ва тирик мавжудот ана шу танада унга ҳар хил астрономик таъсир кўрсатилиши натижасида ўзига берилган жазони ўташ имконига эга бўлади. Шунинг учун, тажрибали астролог ишончли гороскоп тузганида, инсон тақдирини у туғилган пайтда осмондаги юлдузларнинг ҳолатига қараб аниқлаш мумкин. Бу буюк илм, ҳозирги одамларнинг ундан ногўгри фойдаланиб юриши бу илмни фойдасиз деб ҳисоблашга асос бўлолмайди. Махараж Парикшит, ёки ҳатто Худо Шахси ҳам осмонда юлдузларнинг маълум бир тартибда шарофатли жойлашган пайтда бу дунёга келади, улар шу пайтда дунёга келган танага таъсир қиладилар. Айниқса Парвардигор бу дунёга келганида юлдузлар осмонда жуда шарофатли ҳолатда жойлашадилар, юлдузларнинг ана шундай жойлашишини ифодалайдиган махсус ибора бўлиб, у *жайанти* деб аталади ва бу ибора бошқа ҳолларда ишлатилмайди. Махараж Парикшит фақат буюк император-кшатрий эмас, балки Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори ҳам эди, шунинг учун у юлдузларнинг шарофатли бўлмаган ҳолатида дунёга келиши мумкин эмасди.

Худди юқори мартабали кишини кутиб олиш учун муносиб жой ва вақт танлаганлари сингари, Парвардигор алоҳида ғамхўрлик қилиб юрган Махараж Парикшитни кутиб олиш учун ҳам муносиб вақт танланган эди. Шунда барча шарофатли юлдузлар шоҳга ўз таъсирини ўтказиш учун осмонда бирга тўпландилар. Шундай қилиб, у фақат "Шримад Бхагаватам"нинг буюк қахрамони сифатида шуҳрат қозониш учун бу дунёга ташриф буюрди. Юлдузларнинг осмонда алоҳида шарофатли жойлашиши инсоннинг истагига боғлиқ эмас, - бу жараёни Парвардигорнинг вакиллари бошқарадилар. Албатта, буларнинг ҳаммаси тирик мавжудотнинг

аввалги ҳаётида амалга оширган яхши ва ёмон ишлари асосида қилинади. Айнан шунинг учун тирик мавжудот ҳамиша яхши, савоб ишлар қилиб яшаши лозим. Инсон фақат ўзининг қилган савоб ишлари шарофати билангина бой-бадавлат, илмли ва чиройли танага эга бўлиш ҳуқуқига эга бўла олади. *Санатана-дхарма* мактабининг *самскара* (савоб иш)лари юлдузларнинг шарофатли таъсирдан фойдаланиш имкониятини берадиган муҳит яратишга ёрдам беради. Демак, *гарбхадхана-самскара*, олий табақа вакиллари учун мўлжалланган, ота-онанинг зурёд қолдириш пайтида ўтказиладиган биринчи покланиш маросими – жамиятда эзгу ниятли, олийжаноб ва ақл-идрокли кишиларни дунёга келтиришга қаратилган эзгу фаолиятнинг бошланиши ҳисобланади. Фақат соғлом фикрли ва эзгу ниятли аҳоли шарофати билан бутун оламда тинчлик, фаровонлик ўрнатиш мумкин. Номаъқул, пала-партиш жинсий алоқага ружу қўйган ақлсиз аҳоли оламни дўзахга айлантиради.

13. Махараж Парикшитнинг дунёга келганидан қувониб, у туғилгандан кейин шоҳ Юдхитхира поклаш маросимини ўтказди. Дхаумйа ва Крипа бошчилигидаги билимдон брахманлар шарофат келтирадиган мадҳиялар тиловат қилдилар.

Изоҳ: Жамиятда варнашрама-дхарма тизими талаб қилганидек покланиш маросимларини ўтказишни биладиган эзгу ниятли ва ақл-идрокли брахманлар табақасига эҳтиёж бор. Ана шундай покланиш маросимларини ўтказмай туриб, аҳоли эзгу ниятли бўла олмайди, Кали-юга даврида ана шу маросимлар ўтказилмагани сабабли бутун олам аҳолиси *шудралар*нинг сифатларига эга ёки ундан ҳам пасткаш одамлардан иборат бўлади. Лекин, бу даврда Ведаларга хос покланиш усулини қайта тиклашнинг иложи йўқ, чунки бунинг учун зарур шароит ҳам, ҳақиқий брахманлар ҳам йўқ, шунинг учун биз яшаётган давр учун *панчаратрика* тизими ҳам тавсия қилинган. *Панчаратрика* тизими *Кали-юга* даврининг бутун аҳолисини ташкил этадиган шудралар табақаси учун мўлжалланган. Мана шу бизнинг давримиз учун белгиланган покланиш усули ҳисобланади. Бу усулдан бошқа мақсадда эмас, фақат руҳий юксалиш мақсадида фойдаланадилар. Руҳий юксалиш инсоннинг юқори ёки куйи табақага мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши билан шартланмайди.

Гарбхадхана покланиш маросимидан кейин ҳомиладорлик даврида ўтказиладиган бошқа самскаралар келади: *симантоннайана*, *садха-бхақшанам* ва ҳоказо. Бола дунёга келгандан кейин ўтказиладиган биринчи поклаш маросими *джата-карма* деб аталади. Махараж Юдхитхира уни шоҳнинг руҳонийси Дхаумйа, нафақат руҳоний, балки буюк саркарда бўлган Крипачарйа

бошлиқ эзгу ниятли ва билимдон брахманлар ёрдамида барча қоидалар асосида ўтказди. Маросимни ўтказиш учун Махараж Юдхитхира ана шу билимдон ва бенуксон брахманларни таклиф қилди, уларга бошқа муносиб брахманлар ҳам ёрдам бердилар. Демак, барча *самскаралар* шунчаки оддий расмийчилик ёки ижтимоий вазифалар эмас. Уларнинг ҳаммаси фақат бир мақсадга қаратилган бўлиб, уларни фақат Дхаумйя ва Крипа сингари тажрибали брахманлар ўтказа олардилар. Ана шундай *брахманлар* жуда нодир бўлиб қолмасдан, ҳозирги даврда умуман мавжуд эмас, шу боис биз яшаётган таназзул даври учун рухий юксалиш учун ведавий маросимлардан кўра *панчаратрика* қоидалари бўйича ўтказиладиган покланиш маросимлари маъқул ҳисобланади.

Крипачарйя – Гаутаманинг оиласида туғилган буюк Риши Сардбананинг ўғли. Айтишларига қараганда унинг дунёга келиши тасодифан рўй берган. Буюк Риши Сардбан тасодифан жаннатий фоҳиша Джанападини учратиб қолган ва беихтиёр икки марта уруғлик оқизиб юборган. Ана шу уруғликдан шу заҳотиёқ эгизак болалар – қиз ва ўғил бола дунёга келган. Кейинчалик ўғил болани Крипа, қиз болани эса – Крипи деб атаганлар. Ўрмонда ов қилиб юриб, Махараж Шантану ана шу болаларни учратиб, саройга олиб келган, зарур бўлган покланиш маросимларини ўтказиб, уларни брахманлар даражасига кўтарган. Кейинчалик Крипачарйя, Дроначарйя сингари буюк саркарда бўлиб етишган, унинг синглиси эса, Дроначарйяга эрга чиққан. Кейин Крипачарйя Дурйодхоннинг тарафини олиб, Курукшетрадаги жангда иштирок этган. У Махараж Парикшитнинг отаси Абхиманйуни ўлдиришга ёрдам берган, лекин Пандулар хонадони унга аввалгидай ҳурмат-эҳтиром кўрсатардилар, чунки у ҳам Дроначарйя сингари буюк брахман эди. Қимор ўйинида Дурйодхондан мағлуб бўлган Пандузодаларни ўрмонга сургун қилганларида Дхритараштра Крипачарйяга уларнинг насихатчи устози бўлишни топширди. Урушдан кейин Крипачарйя яна шоҳона мажлис аъзоси бўлди, Махараж Парикшит туғилганда эса, покланиш маросими муваффақиятли тугаши учун уни бундай маросимларда ўқиш керак бўлган шарофат келтирадиган ведавий мадҳияларни тиловат қилиш учун таклиф этдилар. Ҳимолай тоғларига бутунлай кетишидан олдин Махараж Юдхитхира саройни тарк этар экан, Махараж Парикшитни Крипачарйяга шогирдликка берди ва Крипачарйя Махараж Парикшитга ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олганига ишонч ҳосил қилиб, хотиржам ўз йўлига кетди. Буюк ҳукмдорлар, шоҳлар ва императорлар ҳамиша билимдон брахманлар раҳбарлиги остида иш кўрганлар, шундай брахманлар орасида Крипачарйяни ҳам тилга олиш мумкин, шунинг учун улар ўзларининг

маъсулиятли сиёсий вазифаларини муносиб бажариб юрганлар.

14. Қаерда, қачон ва қандай хайр-эҳсон қилиш кераклигини яхши биладиган шоҳ, фарзанд туғилиши муносабати билан брахманларга олтин, қишлоқлар, филлар, ерлар, отлар ва сифатли ғаллалар эҳсон қилди.

Изоҳ: Оилали кишилардан садақа олиш фақат брахманларга ва санньясиларга рухсат этилган. Ҳар хил *самскара* маросимлари пайтида, айникса туғилганда, ўлганда ва никоҳ тўйларида брахманларга турли бойликлар тарқатадилар, чунки одамларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириб, улар энг муҳим хизмат билан машғул бўлиб юрадилар. Уларга бериладиган эҳсонлар зарур бўлган барча идишларни тайёрлаш учун керак бўлган нарсалардан ташқари олтин, ер майдони, қишлоқ, отлар, филлар ва ғалладан иборат бўлган. Демак, брахманлар том маънода қашшоқ бўлмаганлар. Аксинча, уларда олтин, ер майдони, қишлоқлар, филлар, отлар ва етарли миқдорда ғалла бўлган, шу боис улар ўзларининг тирикчилиги ҳақида ўйламаганлар. Шунинг учун улар ўз ҳаётини бутунлай бутун жамиятнинг бахт-саодати учун бағишлаганлар.

Мазкур шеърда шоҳнинг қаерда ва қачон эҳсон бериш кераклигини билишини англатадиган *тиртхавит* ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Бериладиган эҳсон бемаъни бўлмаслиги керак ҳамда уларни дуч келган кишига беравермайдилар. *Шастралар*да айтилганки, эҳсонни фақат ўзининг рухий илми билан эҳсон олишга муносиб бўлган кишига бериш лозим. Шастраларнинг бирор жойида инсонпарварлик ёрдами сифатида эҳсонларни ишончсиз одамлар ўйлаб чиқарган Парвардигорнинг сохта аспекти бўлган *даридра-нарайаналарга*, қашшоқ одамларга бериш кўрсатилмаган. Ачинарли қашшоқ кишининг ҳам, эҳсон сифатида отлар, филлар, ер майдони ва қишлоқлар қабул қилиб олишга ҳаққи йўқ. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрган ақл-идрокли кишилар, яъни брахманлар танасининг эҳтиёжини қондириш ҳақида ташвишланмасликлари учун уларни тирикчилик қилиш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб турганлар, шоҳ ва бошқа оилали кишилар уларнинг яшаши учун қулай шароит яратиб бериш учун уларга ғамхўрлик қилганлар.

Шастраларда айтилганки, токи чақалоқ онаси билан киндиги орқали боғланган экан, улар бир тана ҳисобланадилар, аммо киндигини кесган заҳоти бола онадан ажралади ва джата-карма покланиш маросими ўтказилади. Ҳукмдор фаришталар ва ана шу оиланинг ўтган аждодлари янги туғилган чақалоқни кўриш учун келадилар, ана шундай шароит эса, жамиятнинг рухий юксалиши учун ўзининг бойлигини муносиб

одамларга эҳсон сифатида тарқатиш учун айниқса шарофат келтирадиган имконият ҳисобланади.

15. Шохнинг кўрсатган саховатидан мамнун бўлган билимдон брахманлар унга Пуру сулоласининг бошлиғи сифатида мурожаат қилдилар ва бу фарзанд шубҳасиз Пурулар хонадонининг асл меросхўри бўлишини айтдилар.

16. Брахманлар шундай дедилар: Ҳар нарсага қодир ва ҳамма жойни қамраб олган Худо Шахси Парвардигор Вишну сенга хизмат қилиш учун бу бегуноҳ фарзанднинг ҳаётини сақлаб қолди. Чақалоқ энгиб бўлмас ғайритабиий қурол дастидан ҳалокатга учрашга маҳкум бўлган пайтда Парвардигор уни қутқариб қолди.

Изоҳ: Ҳар нарсага қодир ва ҳамма жойни қамраб олган Парвардигор Вишну чақалоқ Парикшитни икки сабабга кўра қутқариб қолган эди. Биринчи сабаб шундан иборатки, она қорнидаги фарзанд бегуноҳ зот эди, чунки у Парвардигорнинг асл содиғи эди. Иккинчи сабаб шундан иборатки, бу бола эзгу ниятли шох Юдхитхиранинг ота тарафдан бобокалони бўлган Пурунинг тирик қолган ягона авлоди эди. Парвардигор олийжаноб шохлар сулоласи Унинг номидан оламни бошқаришни давом эттиришини, инсоният гуллаб-яшнаб, тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришини истаган эди. Курукшетрадаги жангда ҳамма, то Махараж Юдхитхирадан кейинги авлодгача ҳалок бўлган ва буюк шох авлодига ҳеч ким муносиб меросхўр бера олмасди. Абхиманьюнинг ўғли Махараж Парикшит бу сулолада тирик қолган ягона меросхўр эди, лекин у ҳам Ашваттхаманинг энгилмас ғайритабиий қуроли, брахмастра дастидан ҳалок бўлиши керак эди. Парвардигор Шри Кришнани бу ерда Парвардигор Вишну деб атаганлар, бу жуда тўғри. Агар кимдир яқсон қилиш ёки ҳимоя қилиш зарур бўлса, Парвардигор Шри Кришна, азалий Худо Шахси бунга Ўзининг Вишну кўринишида қилади. Парвардигор Вишну – Парвардигор Шри Кришнанинг тўлиқ экспансияси. Парвардигор Вишну киёфасида У Ўзининг ҳамма жойни қамраб олиш қобилияти намоён бўладиган фаолиятни амалга оширади. Чақалоқ Парикшит бу ерда бегуноҳ деб аталган, чунки у Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори эди. Парвардигорнинг ана шундай асл содиқ хизматкорлари ер юзига фақат Унинг вазифасини бажариш учун келадилар. Парвардигор моддий оламда адашиб юрган шартланган руҳларни ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига чақириш учун келади, шу боис Ведалар сингари илоҳий муқаддас китобларни яратиб, авлиё ва донишманд миссионерларни юбориб, шунингдек Ўзининг вакили бўлган руҳий устоз юбориб уларга ҳар томонлама ёрдам беради. Мана

шу илоҳий муқаддас китоблар, миссионерлар ва Парвардигорнинг вакиллари бенуқсон пок зотлардир, чунки уларга моддий сифатлар иллати яқинлаша олмайди. Агар уларга бирор фалокат хавф солса, Парвардигор ҳамиша уларни ҳимоя қилади. Ана шундай аҳмоқона хавф-хатарларни имонсиз дунёвий одамлар уюштирадилар. Ашваттхаманинг чақалоқ Парикшитга юборган *брахмастра* қуроли албатта, ғайритабиий равишда қудратли бўлиб моддий оламда ҳеч нарса унинг ҳамма жойга кириб боришига қаршилик қила олмасди. Лекин, Ўзининг ҳақиқий хизматкорини ҳамда Ўзининг чексиз марҳамати билан Парвардигор ҳамиша хизмат қилиб юрган бошқа бир содиқ хизматкори бўлган Махараж Юдхитхиранинг авлодини қутқариш учун ҳамма жойда – ҳам ичда, ҳам ташқарида мавжуд бўлган ҳар нарсага қодир Парвардигор ана шу қуролнинг таъсирини Ўзининг ҳар нарсага қодир қуввати билан қайтарди.

17. Шу боис, бу фарзанд бутун дунёга "Парвардигорнинг Ўзи ҳимоя қилган инсон" сифатида танилади. Эй инсонларнинг энг бахтлиси, шубҳа йўқки, бу фарзанд барча яхши сифатларга эга бўлган баркамол содиқ бўлиб етишади.

Изоҳ: Парвардигор барча тирик мавжудотларни ҳимоя қилади, чунки У – уларнинг олий йўлбошчиси. Ведавий мадҳияларда тасдиқланганки, Парвардигор – бошқа шахслар орасида Олий Шахс. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, ана шу тирик мавжудотлардан биттаси, Худо Шахси қолган бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаммасининг ҳаёт учун зарур бўлган барча эҳтиёжларини кондириб туради, Уни тушунган киши мангу тинчликка эришади (“Катхупанишад”). У ҳар хил тирик мавжудотларни Ўзининг турли қувватлари ёрдамида ҳимоя қилиб, мавжудлигини таъминлаб туради. Унинг бегуноҳ асл содиқларини эса, шахсан Унинг Ўзи ҳимоя қилади. Демак, Махараж Парикшит онасининг қорнига тушган вақтдан бошлаб шахсан Унинг ҳимояси остида бўлган. Парвардигорнинг Ўзи уни алоҳида ҳимоя қилгани эътирозсиз равишда кўрсатиб турибдики, бу бола Парвардигорнинг барча эзгу фазилатларга эга бўлган энг буюк содиқ хизматкори бўлиб етишади. Худонинг содиқлари уч тоифа бўлади: *маха-бхагавата*, *мадхйама-адхикари* ва *канишитха-адхикари*. Парвардигорнинг эҳромига келиб, Илоҳлар олдида чуқур эҳтиром билан сиғинадиган, лекин Худо ҳақида етарлича илмга эга бўлмаган ва шу боис Худонинг содиқларини муносиб ҳурмат қила олмайдиган кишилар дунёвий содиқлар, яъни *канишитха-адхикари* деб аталадилар. Қалбида Парвардигорга ҳақиқатан ҳам хизмат қилиш истагини ривожлантирган, фақат ўзи билан бир поғонада турган содиқлар билан дўстлашадиган,

тажрибасиз содиқларга ўз марҳаматини кўрсатадиган, имонсиз атеистлардан узоқ юрадиган содиқлар иккинчи тоифага мансуб содиқлар деб аталади. Ҳамма нарсани Худодан деб билладиган, ҳамма нарсада Парвардигорни кўрадиган, ҳамма нарсани Парвардигор билан боғлиқ деб билладиган, натижада кўз олдида ҳамиша турли кўринишдаги ягона Парвардигордан бошқа нарсани кўрмайдиган содиқлар маха-бхагавата, биринчи синф содиқлар деб аталадилар. Парвардигорнинг ана шундай биринчи синф содиқлари ҳар жиҳатдан комил зотлардир. Ана шу тоифаларнинг истаган бирига мансуб содиқлар табиий равишда барча яхши сифатларга эга бўладилар, демак, Махараж Парикшитдай маха-бхагавата ҳам албатта, ҳар жиҳатдан мукамал зот бўлган. Махараж Парикшит Махараж Юдхитхира хонадониди дунёга келгани туфайли унга мазкур шеърда маха-бхага, яъни одамлар орасида энг бахтиёри деб мурожаат қиляптилар. Маха-бхагавата, биринчи синф содиқ дунёга келган оила жуда омадли оиладир, чунки унинг шарофати билан хонадоннинг аввал ўтиб кетган, ҳозирги ва кейинги авлодлари то юзинчи авлодгача, Ўзининг севимли содиқ хизматкорини жуда эъзозлайдиган Худонинг марҳамати билан руҳий озодликка эришадилар. Шундай қилиб, Худонинг асл содиқ хизматкори бўлиш билан инсон ўзининг оиласига энг буюк бахт келтиради.

18. Покдомон шоҳ (Юдхитхира) савол берди: Эй буюк зотлар, мана шу буюк шоҳлар авлодининг бошқа намоёндалари сингари, бу фарзанд ҳам авлиё-шоҳлардан бўладими? Унинг номи ҳам уларники сингари саховатли бўладими, ўзининг ишлари билан у эришган шон-шухрат ҳам бошқа шоҳларникидай буюк бўладими?

Изоҳ: Шоҳ Юдхитхиранинг барча аждодлари буюк авлиё зотлар ва ўзларининг буюк кароматлари билан шухрат қозонган покдомон шоҳлар эди. Уларнинг ҳаммаси шоҳона тахтда ўтирган авлиё зотлар эди. Шунинг учун салтанатдаги одамларнинг ҳаммаси бахтиёр, эзгу ниятли, яхши таълим-тарбия олган, яхши таъминланган ва руҳий илмга эга зотлар эдилар. Ана шундай буюк авлиё шоҳлар таълим олиш учун буюк зотларга топширилар, улар эса бу шахзодаларни муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида тарбиялардилар, натижада мамлакатда кўплаб авлиё зотлар бўлиб, бутун мамлакат ҳамма жойда руҳий ҳаёт ҳукм сураётган бахтиёр салтанатга айланганди. Махараж Юдхитхира ҳар жиҳатдан ўзининг аждодларига ўхшарди, шу боис ўздан кейинги шоҳ ҳам унинг буюк аждодларига ўхшаган бўлишини истарди. Билимдон брахманлардан астрологик ҳисоб-китобларга кўра Парвардигорнинг биринчи синф

содиқ хизматкори дунёга келишини эшитиб, у ўзини жуда бахтиёр ҳис қилди ва чақалоқнинг буюк аждодлари изидан боришига ишонч ҳосил қилмоқчи эди. Ҳукумат ана шундай бўлиши лозим. Ҳукмдор шоҳ Парвардигорнинг покдомон ва жасур содиқ хизматкори, исёнчилар учун кўркув тимсоли бўлиши лозим. У ўздан кейин салтанатдаги бегуноҳ фуқароларга худди шундай ҳукмронлик қилишга қодир бўлган ҳақиқий меросхўрни қолдириб кетиши лозим. Ҳозирги демократик давлатларда ҳамма одамлар шудралар, ёки улардан ҳам пасткаш одамлар қаторига тушиб қолган, уларга эса худди уларнинг ўзига ўхшаган, муқаддас китобларнинг ҳукмдорга қўядиган талабларидан мутлақо беҳабар бўлган инсон ҳукмронлик қилади. Шунинг учун жамиятдаги муҳит эҳтирос ва очкўзликда намоён бўладиган шудраларга хос сифатлар билан заҳарланган. Ана шундай ҳукмдорлар ҳамиша бир бирига душманлик қилиб юрадилар. Партия ва гуруҳларнинг фақат ўз манфаатини ўйлашлари сабабли вазирлар маҳкамаси тез-тез ўзгариб туради. Ҳамма то ўлгунча давлат таъминотидан фойдаланиб қолишга интилади. Агар бунга мажбур қилмасалар, ҳеч ким сиёсий фаолиятдан ўз хоҳиши билан кетишни истамайди. Наҳотки, ана шундай пасткаш одамлар халққа бахт-саодат келтира олсалар? Шунинг учун ҳамма жойда коррупция, иккиюзламачилик ва ҳар хил сиёсий маккорлик авж олган. Ҳукумат таркибида қандайдир лавозимни эгаллашдан аввал инсон "Шримад Бхагаватам"дан намунали ҳукмдор қандай бўлиши лозимлигини билиб олишлари лозим.

19. Билимдон брахманлар жавоб бердилар: Эй Притхининг ўғли, бу фарзанд Манунинг ўғли Икшвакуга ўхшаган бўлади, унга ўхшаб бу дунёга келган бутун мавжудотни қўллаб-қувватлайди. Брахманларнинг қондаларига риоя қилиш, айниқса ўзининг ваъдасига вафо қилишда у Махараж Дашаратханиннг ўғли - Худо Шахси Рамага ўхшаган бўлади.

Изоҳ: праджа ибораси “моддий оламда туғилган тирик мавжудот” деган маънони англатади. Аслида тирик мавжудот туғилмайди ва ўлмайди, лекин у Худого хизмат қилишни тарк этгани ҳамда моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишни истагани учун унга ўзининг моддий истакларини амалга оширишга имкон берадиган тана берилади. Ўзининг истакларини амалга ошириб тирик мавжудот моддий табиат қонунлари билан шартланиб қолади, кейин унинг танаси унинг бу дунёда кўрсатган фаолиятига қараб ўзгариб бораверади. Шу тарзда тирик мавжудот 8.400.000 турли ҳаёт шаклларида бир танадан иккинчи танага кўчиб юраверади. Лекин у Парвардигорнинг ажралмас заррачаси бўлгани туфайли Парвардигор унга бу дунёда тирикчилик

килиш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб қолмасдан, уни ҳам шахсан, ҳам Ўзининг вакиллари, авлиё шоҳлар орқали ҳимоя қилиб юради. Ана шундай авлиё шоҳлар барча *праджалар* яшай олишлари ва бу дунёда қамок жазосини тўла ўтай олишлари учун уларнинг барчасига, яъни барча тирик мавжудотларга бирдай ғамхўрлик қиладилар. Махараж Парикшит ҳақиқатан намунали шоҳ эди: бир куни ўзининг салтанатини айланиб юриб, у *Кали* тимсоли бўлган бир киши бахтиқаро сигирни ўлдирмоқчи бўлиб турганини кўриб қолди. Шоҳ шу заҳотиёқ уни ҳибсга олиб, унга қотиллик қилишда айблади. Бу шуни билдирадики, авлиё ҳукмдорлар ҳатто ҳайвонларни ҳам ҳимоя қилганлар. Улар буни шунчаки ҳис-ғуйғуга берилганидан эмас, балки моддий оламда дунёга келган ҳар бир тирик мавжудотга Парвардигор яшаш ҳуқуқини бериб қўйгани учун қилганлар. Қуёш шоҳидан то Ер сайёрасининг шоҳигача бўлган барча авлиё ҳукмдорлар ведавий муқаддас китоблар таъсири остида худди шундай ҳаракат қилишга интиладилар.

"Бхагавад-гита"(4.1)да кўрсатилганидек, ведавий муқаддас китобларни олий сайёраларда ҳам ўрганадилар. Унда айтилганки, Парвардигор қуёш фариштаси(Вивасван)га илм ўргатган, Парвардигорнинг ана шу насихатлари шогирдлар силсиласи орқали берилади: Қуёш фариштасидан Мануга, Манудан Махараж Икшвакуга. Маъбуд Браҳманинг бир куни давомида ўн тўрт Ману келиб кетади. Бу ерда эслатиб ўтилади Ману – еттинчи Ману, праджапати(авлод қолдирадиган зот)ларнинг бири, Қуёш фариштасининг ўғли. У Вайвасвата Ману деган ном билан машҳур. Унинг ўн ўғли бўлган, улардан бири Махараж Икшваку. "Бхагавад-гита"да ёзилганидек, Махараж Икшваку бхакти-йога илмини отаси Манудан ўрганган, ўз навбатида Ману бу илми отаси Қуёш фариштасидан ўрганган. Кейин "Бхагавад-гита" илми Махараж Икшвакуга бориб тақаладиган шогирдлар силсиласи орқали авлоддан авлодга ўтиб келган. Лекин вақт ўтиши билан маъсулиятсиз одамлар сабабли ана шу шогирдлар силсиласи занжири узилиб қолган, шу боис бу илм Курукшетра жанг майдонида Аржунга такрор айтиб берилган. Шундай қилиб, ведавий муқаддас китобларнинг ҳаммаси моддий олам яратилгандан бери мавжуд, шунинг учун улар апаурушейа("инсон яратмаган") деб аталади. Ведалар илмини Парвардигорнинг Ўзи нозил қилган, уни биринчи бўлиб коинотдаги биринчи дунёга келган тирик мавжудот - маъбуд Браҳма тинглаган.

Махараж Икшваку. Ваивасвата Манунинг ўғилларидан бири. Унинг юз ўғли бўлган. У одамларга гўшт истеъмол қилишни таъқиқлаб қўйган. У ўлгандан кейин унинг ўғли Шашада тахтга ўтирган.

Ману. Мазкур шеърда Икшвакунинг отаси сифатида эслаб ўтилади. Бу – Ваивасвата Ману деб аталадиган еттинчи Ману. У – Парвардигор Аржунга ўргатишдан аввал "Бхагавад-гита" илмини ўргатган Қуёш фариштаси Вивасваннинг ўғли. Одамларнинг ҳаммаси Манунинг авлодларидир. Ваивасвата Манунинг ўн ўғли бор эди, уларнинг исмлари Икшваку, Набхага, Дхришта, Шарйати, Нарийанта, Набхага, Дишта, Каруша, Пришадхра ва Васуман. Парвардигорнинг Матсья(бахайбат балиқ) қиёфасида мужассам бўлиб Ваивасвата Ману ҳукмронлик қила бошлаган даврда келган. У "Бхагавад-гита" қонун-қоидаларини ўзининг отаси Вивасвандан ўрганган ва бу илми ўғли Махараж Икшвакуга ўргатган. Трета-юганинг бошида Қуёш фариштаси Мануга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ўргатган, ўз навбатида Ману бутун инсоният бахт-саодатини ўйлаб бу илми Икшвакуга ўргатган.

Парвардигор Рама. Шри Рама қиёфасида мужассам бўлган Худонинг Олий Шаҳси. У Ўзининг асл содиқ хизматкори, Айодхйа шоҳи Махараж Дашаратханинг ўғли бўлиб дунёга келган. Парвардигор Рама Ўзининг тўла намоён бўлган қисмлари билан бирга келган, уларнинг ҳаммаси Унинг укалари қиёфасида келганлар. Трета-юга даврида, Чаитра ойида, тўлишаётган ойнинг тўққизинчи кунида Парвардигор одатдагидек, дин қонунларини ўрнатиш ҳамда халқнинг тинчлигини бузиб юрганларни яқсон қилиш учун бу дунёга ташриф буюрди. Ҳали ўспиринлик даврида У Субахани ўлдириб ва донишмандларга кундалик бурчларини бажаришга халақит бериб юрган Маричани мағлуб қилиб, буюк донишманд Вишвамित्रага ёрдам берди. Барча одамларнинг бахт-саодати учун браҳман ва кшатрийлар бир бири билан ҳамкорлик қилишлари лозим. Донишманд браҳманлар одамларга мукамал илм ўргатиб, уларга таълим беришга интиладилар, кшатрийлар эса уларни ҳимоя қилишлари лозим. Парвардигор Рамачандра – инсониятнинг энг юксак маданияти – браҳманйя-дхармага амал қиладиган ва уни ҳимоя қилувчи намунали шоҳ. Парвардигор ҳаммадан кўпроқ браҳманлар ва сигирларга ғамхўрлик қилади, бу билан У оламнинг гуллаб-яшнашига ёрдам беради. Вишвамित्रа орқали У оламни бошқариб турган фаришталарга иблисларни мағлуб қилишга қодир бўлган қудратли қурол етказиб берди. У шоҳ Жанака ташкил этган қурбонлик маросимида иштирок этди, шу ерга Шиванинг енгилмас камони кўргазмага қўйилган эди. У ана шу камонни синдириб, У Махараж Джанаканинг қизи Ситадевиға уйланди.

Никоҳ маросимидан кейин У отаси Махараж Дашаратханинг амри билан ўн тўрт йилга ўрмонга сургунга кетди. Фаришталарнинг оламни бошқаришларига ёрдам бериш учун, У ўн тўрт минг иблисни ўлдирди, аммо Равана маккорлик

билан Унинг хотини Ситадевини ўғирлаб кетди. Парвардигор Сугрива билан дўстлашди ва унинг акаси Валини Парвардигор Раманинг ёрдами билан Сугрива ванар(горилла маймуни)ларининг шоҳи бўлди. Парвардигор тошлардан фойдаланиб, Ҳинд океани орқали кўприк қурди ва Ситани ўғирлаб кетган Равананинг салтанати Ланкага бориб етди. У Раванани ўлдирди ва Ланка тахтига Равананинг укаси Вибхишанини ўтказди. Равананинг укаларидан бири Вибхишана ҳам иблис эди, лекин Ўзининг дуои-фотиҳаси билан Парвардигор Рама уни мангу барҳаёт қилди. Ўн тўрт йил ўтгандан кейин Ланкадаги ишларини тугатиб, гуллардан ясалган самовий кемада Парвардигор Ўзининг салтанати Айодхйага келди. У укаси Шатруханага Матхурага ҳукмронлик қилиб турган Лаванасурага хужум қилишни буюрди, иблис шу жангда ҳалок бўлди. Ўн марта ашвамедха қурбонлик маросими ўтказиб, У Шарайа дарёсида ювиниб покланиб бу дунёни тарк этди. Буюк эпос “Рамайана” – Парвардигор Рамачандранинг бу дунёда кўрсатган кароматлари ҳақида ҳикоя қиладиган тарихий асар. Ҳақиқий “Рамайана”нинг муаллифи – буюк шоир Валмики.

20. Бу бола саховат билан кўплаб хайр-эҳсонлар тарқатади ва Ушинари давлатидаги донғи кетган шоҳ Шиби сингари, ундан нажот излаб келган одамларнинг барчасини ўз ҳимоясига олади. Махараж Душантанинг ўғли Бхарата сингари у ўз хонадонининг шухратига шухрат кўшади.

Изоҳ: Шоҳ ўзининг саховатли хайр-эҳсонлари, ўтказган қурбонлик маросимлари, шунингдек унга ишониб ўзини топширган зотларни ҳимоя қилиши ва шу сингари эзгу ишлари билан шон-шухрат қозонади. Шоҳ-*киштрий* ўзининг паноҳига кирган кишиларни ҳимоя қилиши билан фахрланади. Шоҳнинг ана шундай муносабати *ишвара-бхава* – “ҳимоя қилиш лозим бўлган зотларни ҳимоя қилиш қобилияти” деб аталади. "Бхагавад-гита"да Парвардигор ҳар жиҳатдан ҳимоя қилишни ваъда бериб, тирик мавжудотларни ўз ихтиёрини Унга топширишга чақиради. Парвардигор ҳар нарсага қодир ва Ўзининг ваъдасида туради, шунинг учун У ҳамиша Ўзининг содиқ хизматкорини ҳимоя қилиб юради. Шоҳ – Парвардигорнинг вакили, шунинг учун у ҳам ҳеч нарсадан тап тортмасдан ўзини унга топширган кишини албатта ҳимоя қилиши лозим. Ушинари вилоятининг шоҳи Махараж Шиби махараж Яятининг яқин дўсти эди, улар иккиси бирга жаннатий сайёраларга кўтарилишга муваффақ бўлдилар. Махараж Шиби танасини тарк этгандан кейин жаннатий сайёраларнинг қайси бирига боришини олдиндан биларди, ана шу сайёранинг таърифи "Маҳобҳорат"(Ади.96.6-9)да келтирилган. Махараж Шиби шу қадар сахий эдики, у шоҳ Яятига ҳатто ўзининг жаннатдаги ўрнини

бермоқчи эди, лекин у бу эҳсонни олишдан бош тортди. Йайати жаннатий сайёраларга Аштака ва бошқалар сингари буюк ришилар билан бирга йўл олди. Улар жаннатга бораётганларида ришиларнинг илтимоси билан шоҳ Яяти Шибининг қилган савоб ишлари ҳақида гапириб берди. Махараж Шиби ўзи сиғиниб юрган фаришта Йамаражнинг мажлиси аъзоси бўлди. "Бхагавад-гита"да тасдиқланганидек, фаришталарга сиғиниб юрган одамлар ўша фаришталарнинг сайёраларига эришадилар, шунинг учун Махараж Шиби вайшнавлар учун буюк мартабали зот, Йамаражнинг сайёрасида унинг яқин ҳамроҳларидан бири бўлди. Ер юзида яшаган пайтида у ўзини унга топширган зотлари ишончли ҳимоя қилиш ҳамда саховат билан хайр-эҳсон тарқатишда шон-шухрат қозонди. Бир куни осмон шоҳи каптарларни овлаб юрган куш, бургут қиёфасига, олов фариштаси Агни – каптар қиёфасига кириб олдилар. Каптар бургутнинг хужумидан қочиб Махараж Шибининг тиззаларига бориб ундан паноҳ сўради, бургут эса шоҳдан каптарни беришни талаб қилди. Шоҳ унга бошқа бир гўшт парчасини беришни ваъда бериб, каптарни ўлдирмасликни илтимос қилди. Бургут шоҳнинг таклифини рад этди, кейин улар шундай шартга келишиб олдилар: шоҳ бургутга ўзининг танасидан каптарнинг вазнига тенг гўшт парчасини кесиб беради. Тарозининг бир палласини каптар ўтирган иккинчи томонига тенглаштириш учун шоҳ ўзининг танасидан парчалаб гўшт кесиб ташлай бошлади, лекин сирли каптар ҳар гал оғир келаверарди. Шунда тарозининг палласини тенглаштириш учун тарозига шоҳнинг ўзи чикди. Шоҳнинг бу ҳаракатидан фаришталар жуда мамнун бўлдилар. Осмон шоҳи ва олов фариштаси шоҳга ўзларининг асл қиёфасини намоён этдилар ва уни дуои-фотиҳа қилдилар. Девариши Нарада Муни ҳам кўрсатган буюк кароматлари учун, айниқса саховат билан хайр-эҳсон улашгани ва барчани бирдай ҳимоя қилгани учун Махараж Шибини олқишлаб кўйлайди. Ўзининг салтанатидаги фуқароларнинг бахт-саодати учун Махараж Шиби ҳатто ўзининг ўғлини қурбон қилган. Шундай қилиб, чақалоқ Парикшит сахийлиги ва ҳаммани ҳимоя қилиши билан иккинчи Шиби бўлиши лозим эди.

Даушйанти Бхарата. Инсоният тарихида жуда кўп Бхараталар бор. Улар орасида энг буюқлари Парвардигор Раманинг укаси, шоҳ Ришабханинг ўғли ҳамда МАхараж Душйантанинг ўғли. Ана шу Бхараталарнинг ҳаммаси коинот тарихи ҳақидаги ҳикояларда эслаб ўтилади. Шоҳ Ришабханинг ўғли Бхарата шарафига мана шу Ер сайёраси ҳам Бхарата-варша деб аталади. Лекин баъзи бировлар у Душйантанинг ўғли шарафига шундай аталган деб ҳисоблайдилар. Биз ҳам шоҳ Ришабханинг ўғли Бхарата ҳукмронлик қилгандан бери Ер сайёрасининг номи “Бхарата-варша” бўлиб келганига аниқ ишонамиз. Унгача Ер сайёраси

Илаврита-варша деб аталарди, лекин Ришабханинг ўгли тахтга ўтиргандан бошлаб Бхарата-варша деб атала бошлади.

Лекин барибир Махараж Душйантанинг ўгли Бхарат ҳам ундан кам машхур зот эмасди. У машхур гўзал Шакунталанинг ўгли эди. Махараж Душйанта ўрмонда Шакунталага ошиқ бўлиб қолди. Бхарата шу тарзда дунёга келган эди. Шундан кейин Канва Мунининг қарғишига учраган шоҳ ўзининг хотини Шакунталани унутиб юборди, шу боис онаси Бхаратани ўрмонда вояга етказишга мажбур бўлди. У ҳали ёш бола пайтидаёқ шунчалик кудратли эдики, худди ёш боланинг ит ва мушқлар билан ўйнаганидай, у ўрмондаги йўлбарс ва филлар билан жанг қилиб юрарди. Болакай шундай кучли – замонавий Тарзандан анча кучли бўлгани учун, ўрмонда яшайдиган ришилар уни Сарвадамана, яъни “ҳар қандай зотни ўзига бўйсундиришга қодир зот” деб атадилар. Махараж Бхаратанинг тарихи "Маҳобҳорат"нинг “Ади-парва”сида келтирилган. Пандузода ва Курузодаларни ҳам баъзан Бхаратлар деб атайдилар, чунки улар шоҳ Душйантанинг ўгли, машхур Махараж Бхарата сулоласида дунёга келганлар.

21. Буюк камонбозлар ичида у Аржундан қолишмайдиган бўлади, у олов каби тутқич бермас, уммон сингари енгилмас бўлади.

Изоҳ: Инсоният тарихида икки Аржун тилга олинади. Биттаси – Картавирья Аржуна, Хаихайя шоҳи, иккинчиси – чақалоқнинг бобоси Аржун. Икки Аржун ҳам машхур камонбоз, башорат қилинганки, чақалоқ Парикшит айниқса ҳарбий санъатни эгаллашда уларнинг иккаласига ҳам тенг бўлади. Пандузода Аржуннинг қисқача умр баёни куйида келтирилган:

Аржуна-пандав. "Бхагавад-гита"нинг буюк қахрамони. У Махараж Пандунинг кшатрий ўгли эди. Малика Кунти фаришталардан истаган бирини олдига чақирди. Ундан Аржун дунёга келди. Шундай қилиб, Аржун осмон шоҳи Индранинг тўла намоён бўлган қисми ҳисобланади. У Пхалгуни (февраль-март) ойида туғилган, шунинг учун уни баъзан Пхалгуни деб ҳам чақирадилар. У Кунтининг ўгли сифатида дунёга келганида унинг келажакдаги улуғворлиги осмонда намоён бўлган аломатлар башорат қилинганди. Унинг дунёга келиши муносабати билан ўтказилган маросимда коинотдаги барча обрўли зотлар иштирок этдилар: фаришталар, гандхарвалар, адитьялар, рудралар, васулар, нагалар, ҳар хил машхур риши(донишманд)лар ва апсарлар. Апсарлар иштирок этаётганларнинг ҳаммасини ўзларининг самовий рақс ва қўшиқлари билан хурсанд қилдилар. Парвардигор Шри Кришнанинг отаси, Аржуннинг тоғаси Васудева мукаддас китобларда кўрсатилган барча

самскара (поклаш маросимлари)ни ўтказиб, Аржунни поклаши учун ўзининг вакилини – руҳоний Кашьяпани юборди. Исм қўйиш маросимини ришилар – Шаташринга аҳолиси иштирокида ўтказдилар. Унинг тўрт хотини бўлган: Драупади, Субхадра, Читрангада ва Улупи ва мос равишда улар унга тўрт ўғил туғиб берган: Шрутакирти, Абхиманйу, Бабхрувахану ва Иравана.

Таълим олиш даврида уни бошқа Пандузода ва Курузодалар билан бирга буюк устоз Дроначарйага топширдилар. Ўзининг тиришқоқлиги билан у ҳаммадан устун турарди, Дроначарйага ҳаммадан кўпроқ унинг тартиб-интизом билан иш кўришга интилиши ёқарди. Дроначарйа уни ўзининг энг яхши шогирди деб ҳисобларди ва шу боис қалби қувончга тўлиб Аржун ҳарбий санъатни мукамал эгаллаши учун ўзининг барча дуои-фотиҳаларини ундан аямади. Аржун шунчалик тиришқоқ шогирд эдики, камондан ўк отиш машқларини хатто қоронғи кечаларда ҳам давом эттирарди, шунинг учун Дроначарйа уни жаҳондаги энг буюк камонбоз қилиб етиштиришга қарор қилди. У нишонга ўк отиш имтиҳонидан муваффақият билан ўтди, Дроначарйа ундан жуда мамнун бўлди. Манипур ва Трипурадаги шоҳлар – Аржуннинг ўгли Бабхруваханнинг авлодлари бўлади. Аржун Дроначарйани тимсоҳнинг ҳамласидан қутқариб қолди, бундан жуда мамнун бўлган Ачарйа унга *брахмаширас* қуролини инъом этди. Махараж Друпادا билан Дроначарйа орасида низо бор эди, у Ачарйага ҳужум қилганида Аржун уни ҳибсга олиб, Дроначарйанинг олдига олиб келди. Аржун Махараж Друпаданинг шаҳри Ахичхатрани қамал қилиб, шоҳни ҳибсга олиб, Дроначарйага топширди. Ачарйа Аржунга брахмаширас қуролини бошқариш сирларини ўргатди ва Аржунга бу қуролдан фақат Дроначарйанинг ўзи унга душман бўлиб ҳужум қилсагина ишлатишга қасам ичирди. Бу билан Ачарйа Курукшетрада бўлиб ўтадиган жангни, унда ўзи Аржунга қарши қўшин сафида жанг қилишини башорат қилган эди. Гарчи Аржун ўзининг рухий устози учун жанг қилиб Махараж Друпадани мағлуб қилган бўлса ҳам, у кизи Драупадини ўзининг ёш рақибига беришга қарор қилди. Шунинг учун Дурйодхон похолдан қурган саройга ўт кетганда Аржун ҳам ҳалок бўлган деган миш-миш тарқалганда у жуда қаттиқ хафа бўлган эди. Шунда у Драупади учун куёв танлаш маросими уюштирди. Бўлғуси куёв шипга осилган баликнинг полда қўйилган идишдаги сувда акс этган тасвирига қараб, унинг кўзини нишонга олиши лозим эди. Бу маккорлик атайлаб режалаштирилган эди, чунки бундай шартни фақат Аржун бажаришга қодир эди. Шу тарихида шоҳ ўзининг ниятига етишга, ўзининг шунга муносиб қизини эрга беришга муваффақ бўлди. Дурйодхон билан тузилган шартномага кўра Аржуннинг ака-укалари ўша пайтда узлатда,

одамларга ўзини танитмасдан яшардилар, улар Драупадининг куёв танлаш маросимида брахманларнинг либосини кийиб иштирок этдилар. Маросимга тўпланган шоҳлар Драупадининг гулчамбарни гадоё брахман бўйнига осганини ва шу билан уни ўзининг ҳукмдори деб тан олганини кўрганларида Шри Кришна Балорамга бор ҳақиқатни гапириб берди.

Аржун Хардварда Улупини учратиб қолди, Нагалокадан келган бу қиз уни ўзига мафтун қилди, уларнинг бирга қўшилиши натижасида Ираван дунёга келди. Яна бир гал у Манипурнинг шоҳи Читрангадининг қизи билан учрашди ва бунинг натижасида Бабхрувахан дунёга келди. Парвардигор Шри Кришна Ўзининг синглиси Субхадрани Аржун қандай қилиб ўғирлаб кетишига ёрдам беришни режалаштирди, чунки Баладева уни Дурйодханага бермоқчи эди. Юдхитхира ҳам Шри Кришнанинг режасини маъқуллади, шунда Аржун Субхадрани ўғирлаб кетиб, унга уйланди. Субхадранинг ўғли Абхиманью бўлиб, у отаси дунёдан ўтгандан кейин дунёга келган Махараж Парикшитнинг отаси эди. Аржун Кхандава ўрмонида ёнғин уюштириб, олов фариштасини мамнун қилди, бунинг эвазига олов фариштаси унга қурол совға қилди. Кхандаван ўрмонига ёнғин кетганида Индра Аржундан қаттиқ ғазабланди ва унинг бу таклифини қабул қилиб, бошқа фаришталар билан бирга унга қарши жанг қилди. Аржун уларни мағлуб қилди, Индра ўзининг самовий салтанатига равона бўлди. Аржун Майясура деган бир иблисга ҳам ёрдам берди, кейин иблис унга Девадатта деган ном билан машҳур сур совға қилди. Аржуннинг жасоратидан мамнун бўлган Индрадева ҳам унга бошқа кўплаб қуроллар совға қилди.

Махараж Юдхитхира Магадхи шоҳи Джарасандха устидан ғалаба қилишдан умидини узган бир пайтди фақат Аржун уни Джарасандха устидан албатта ғалаба қилишига ишонтира олди ва Джарасандхани ўлдириш учун Шри Кришна ва Бхима билан бирга Магадхига йўл олди. Кейинчалик, тахтга янги шоҳ ўтирганда амал қилинадиган урф-одатга кўра, у оламнинг бошқа шоҳларини Пандузодалар ҳукмига бўйсундириш учун йўл олди ва шоҳ Бхагадаттани мағлуб қилиб, Келинда давлатини забт қилди. Кейин у Антагири, Улукапура ва Модапура давлатларидан ўтди.

Бир уни у қаттиқ риёзатга берилди, бунинг учун Индрадева уни муносиб мукофотлади. Маъбуд Шива ҳам Аржуннинг кучини синаб кўришга аҳд қилди ва бир ёввойи одам қиёфасига кириб у билан учрашди. Улар орасида жанг бўлиб ўтди, Аржундан мамнун бўлган Шива унга ўзининг асл қиёфасини кўрсатди. Аржун ҳукмдор олдида камтарин ҳолда таъзим қилиб илтижо қилди, Шива ундан мамнун бўлиб, ўзининг пашупата қуролини совға қилди. Ҳар хил фаришталар унга турли хил қудратли қуроллар

совға қилдилар. Йамараджа унга Дандастра, Варуна – пашастра, жаннат хазинабони Кувера эса – антардханастра қуролини совға қилди. Индра унинг жаннатга – Ойдан юқорида жойлашган Индралока сайёрасига меҳмонга боришини истарди. Бу сайёра аҳолиси уни шод-хуррамлик билан кутиб олдилар, у Индранинг мажлисида иштирок этишга муваффақ бўлди. Шу ерда у Индрадева билан учрашди. Индра унга ўзининг қудратли ваджа қуролини совға қилиб қолмасдан, унга мана шу жаннатий сайёрада машҳур бўлган ракс ва жанг санъатини ўргатди. Маълум бир маънода Индра Аржуннинг ҳақиқий отасидай эди, шунинг учун у жаннатдаги машҳур раққоса гўзал Урваши Аржуннинг кўнглини овлашини истарди. Жаннатдаги раққосалар ҳамиша кучли эҳтиросга берилган бўладилар, Урваши ҳам инсонлар ичида энг кучлиси бўлган Аржун билан жинсий алоқа қилишни истади. У Аржуннинг хонасида у билан учрашиб унга ўзининг истагини билдирди, лекин Аржун бу ерда ҳам ўзининг бенуксон хулқ-атворини намойиш этди: у кўзларини юмиб олган ҳолда раққосага Курулар авлодининг онаси сифатида қабул қилиб, унга ўзининг оналари Кунти, Мадри ва Индранинг хотини Шачидевилар қаторида ҳурмат-эҳтиром билан мурожаат қилди. Бундан ҳафсаласи пир бўлган Урваши уни дуоибад қилиб, жаҳл билан чиқиб кетди. Жаннатий сайёрада у машҳур риёзатчи Ломашани ҳам учратиб, ундан Махараж Юдхитхирани ҳимоя қилишни илтижо қилди.

Душманлик қилиб юрган амаки оғаси Дурйодхон гандхарвалар кўлига асир тушиб қолганида у оғасини қутқармоқчи бўлди ва улардан Дурйодхонни озод қилишни илтимос қилди. Гандхарвалар унинг илтимосини рад этдилар, шундан кейин у улар билан жанг қилиб Дурйодхонни озод қилди. Пандузодалар узлатда юрганларида у Вират шоҳи саройида ўзини кўса??(евнух) деб таништирди ва ўзининг бўлғуси келини Уттаргага ракс санъатини ўргата бошлади. Вират саройида уни Бриханнал деб чакирардилар. Бриханнал сифатида у Вират шоҳининг ўғли Уттар учун жанг қилди ва ўзини танитмасдан Курулар кўшинини мағлуб қилди. Унинг сирли қуроллари сома дарахти шоҳалари орасига яшириб қўйилган эди, у Уттарга ана шу қуролларни олиб тушишни буюрди. Кейинчалик Аржун унга ўзининг ва ака-укаларининг асл исмлари билан таништирди. Дроначарйага Курулар билан Виратлар орасида бўлиб ўтган жангда Аржун ҳам иштирок этганини айтдилар. Кейинчалик, Курукшетрадаги жангда Аржун кўплаб буюк саркардаларни ўлдирди, улар орасида Карна ва бошқалар бор эди. Курукшетрадаги жангдан кейин у Драупадининг бешала ўғлини ўлдирган Ашваттхамани жазолади.

Фақат Аржуннинг шарофати билан буюк "Бхагавад-гита" фалсафаси диалог сифатида Курукшетра жанг майдонида яна такрорланган эди.

Унинг Курукшетра жанг майдонидаги ғаройиб жасоратлари "Маҳобҳорат"да батафсил таърифланган. Лекин, Манипура ёнидаги жангда Аржун ўзининг ўғли Бабхрувахан билан бўлган жангда мағлубиятга учради. У ҳушидан кетди, лекин уни Улупи кутқариб қолди. Парвардигор Шри Кришна бу оламни тарк этганида бу хабарни Махараж Юдхистхирага Аржун олиб келди. У Дваракага борганида Парвардигор Шри Кришнанинг барча бевалари унга ўзларининг ғам-андуҳларини изҳор этдилар. Васудеванинг иштирокида Аржун уларнинг ҳаммасини ўз ҳимояси остига олиб овутиди. Кейинчалик, Васудева оламдан ўтганда, Кришна бўлмагани учун Аржун унинг дафн маросимини ўтказди. Аржун Кришнанинг беваларини Индрапрастхага олиб кетаётганида йўлда унга қароқчилар ҳужум уюштирдилар, шунда у ўзига топширилган аёлларни ҳимоя қила олмади. Кейин Вйасадеванинг маслаҳати билан ака-укаларнинг ҳаммаси Махапрастханага йўл олдилар. Йўлда акасининг илтимоси билан у ўзининг энди фойдасиз бўлиб қолган қудратли қуролидан воз кечди ва уни сувга улоқтирди.

22. Бу фарзанд арслондек қучли, Ҳимолай тоғидек ишончли паноҳ макони бўлиб етишади. У она Ер каби сабр-тоқатли, ота-оналари сингари чидамли бўлади.

Изоҳ: Душманини таъқиб қилишда катта куч намойиш этадиган кишини арслонга ўхшатадилар. Уйда кўзичокдай, овга чиққанда арслондай бўлиш керак. Агар арслон бирор ҳайвон изига тушса, ундан қочиб кутулишнинг иложи йўқ. Худди шундай, ҳукумат бошлиғи ҳам душманини таъқиб қилишда мағлубият нималигини билмаслиги керак. Ҳимолай тоғлари ўзининг табиий бойликлари билан машҳур. У жойда яшаш учун яроқли бўлган сон-саноксиз ғорлар, мевали дарахтлар, ичимлик сувли булоқлар ҳамда касалликлардан даволаш учун ишлатиладиган шифобахш гиёҳлар ва минераллар бор. Бойлиги бўлмаган ҳар қандай инсон ана шу буюк тоғларда паноҳ топиши мумкин – бу ерда унга тирикчилик учун зарур бўлган ҳамма нарса етарли бўлади. Буюк Ҳимолай тоғлари имонсиз дунёвий одамга ҳам, имонли тақводорга ҳам бошпана беради. Ер сайёрасининг аҳолиси унинг юзида жуда кўп ташвишларни юзага келтириб уни безовта қилади. Ҳозирги даврда одамлар ер юзида атом бомба портлата бошладилар, лекин Ер сайёраси, худди бебош боласининг қилиқларига сабр қиладиган она сингари, ўзининг аҳолисининг ташвишларига аввалгидай сабр қилиб келяпти. Фарзандлари қанчалик ташвиш келтирмасин, ота-оналар ҳаммиша уларга сабр қиладилар. Намунали шохда ана шу эзгу фазилатларнинг ҳаммаси бўлиши лозим, ва мазкур шеърда башорат қилинганки,

Махараж Парикшитда ана шу сифатлар мукамал ривожланган бўлади.

23. Ўзини тута билишда у бобоси Йудхистхира ва Браҳмага ўхшаган бўлади. У Кайлас тоғининг ҳумдори Шива сингари сахий бўлади, кўксига ҳатто омад фаришталари паноҳ топган Худонинг Олий Шахси Нарайана сингари, ҳаммага ҳомийлик қилади.

Изоҳ: Ўзини тута билиш қобилияти Махараж Юдхистхирада, барча тирик мавжудотларнинг бобоси Браҳмада мукамал даражада ривожланган. Шридхара Свамининг фикрига кўра бу ерда “бобо” ибораси маъбуд Браҳмага тааллуқли, Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура эса, бу ерда Махараж Юдхистхиранинг ўзи “бобо” деб ҳисоблайди. Ҳар иккала фикр ҳам ўринли, чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам Парвардигорнинг барча тан олган вакиллари, шу боис тирик мавжудотларнинг бахт-саодати учун фаолият кўрсатар экан, улар иккови ҳам совуққонлик билан ҳаракат қилишлари лозим эди. Ҳукуматни бошқариб турган ҳар бир маъсул шахс ўзи ғамхўрлик қилиб юрган одамларнинг кўплаб ҳар хил тана-дашномларига сабр қилишга мажбур бўлади. Браҳмаджини ҳатто гопилар, Парвардигорнинг энг комил содиқлари ҳам танқид қилгандилар. Гопилар Браҳманинг қилган ишидан норози эдилар, чунки бу коинотни яратган маъбуд Браҳма Парвардигор Шри Кришнани узлуксиз томоша қилишга халақит берадиган қовоқларни яратган. Улар ҳатто кўзларнинг бир зумга юмилишига ҳам чидай олмасдилар, чунки бунда қовоқлари уларга севгилисини, Парвардигор Шри Кришнани уларнинг кўзидан тўсиб кўярдилар. Шундай экан, маъсул шахсининг ҳар бир ҳаракатини танқид қилишни ёқтирадиган кишилар ҳақида нима дейиш мумкин? Махараж Юдхистхира ҳам душманлари томонидан уюштирилган ҳар хил қийин вазиятларга дуч келиб қолган, лекин у ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳам совуққонлик сақлаб қолишга қодир эканини исботлади. Шунинг учун иккала бобо ҳам ўзини тута билишда бошқаларга ўрناк бўла оладилар.

Маъбуд Шива – унга илтимос билан мурожаат қилган ҳар бир зотнинг илтимосини албатта бажарадиган машҳур фаришта. Шунинг учун уни Ашутоша, яъни “марҳаматига эришиш осон бўлган зот” деб атайдилар. Унинг яна бир номи Бхутанатха – асосан, ҳатто бу қандай оқибатларга олиб келишига ҳам эътибор бермасдан саховат билан совға улашгани учун унга қаттиқ боғланиб қоладиган оддий инсонларнинг ҳукмдори. Равана маъбуд Шивага жуда қаттиқ боғланиб қолган эди, осонлик билан уни мамнун қилиб, шундай қудратга эга бўлдики, мағрурлигидан Парвардигор Рамага қарши чиқишга журъат қилди. Албатта, У - Парвардигор Рама, Худонинг Олий Шахси,

Шиванинг Парвардигори билан жанг қилганида маъбуд Шива Раванага ёрдам бермади. Маъбуд Шиванинг Врикасурага берган дуои-фотиҳаси нафақат кераксиз бўлиб қолмасдан, ҳатто жуда хатарли эди. Маъбуд Шиванинг марҳамати билан Врикасура шунчаки қўлини теккизиши билан ҳар қандай зотнинг бошини танасидан жуда қила олиш қудратига эга бўлди. Гарчи унга бундай қудратни маъбуд Шива берган бўлса ҳам, бу фирибгар қаллоб унинг кучини маъбуд Шиванинг ўзида синаб кўрмоқчи бўлди. Шу боис бу хатардан кутулиш учун маъбуд Шива Парвардигор Вишнуга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Парвардигор Вишну Ўзининг алдамчи қуввати ёрдамида Врикасурани алдаб, унинг бу қудратининг кучини иблиснинг ўзининг бошида синаб кўришга мажбур қилди. Бечора иблис шу билан қудратидан ҳам, бошидан ҳам жудо бўлди. Шу тарзда олам аҳли фаришталарга ялиниб тиланчилик қилиб юрадиган ана шундай иблис келтириши мумкин бўлган бало-қазолардан озод бўлди. Маъбуд Шиванинг ҳеч кимдан ҳеч қачон ҳеч нарсани қизғанмаслиги жуда ажойиб. Шунинг учун, гарчи баъзида ана шундай хатоликларга йўл қўйса ҳам, у – энг сахий зот ҳисобланади.

Рама ибораси равнақ фариштасини билдиради. Унинг нажоткори – Парвардигор Вишну. Парвардигор Вишну барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради. Фақат бу сайёрада эмас, балки юзлаб бошқа сайёраларда ҳам сон-саноксиз тирик мавжудотлар бор. Уларнинг ҳар бири руҳий ўзлигини англаб етишда баркамолликка эришиш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан етарли таъминланган. Лекин ўзларининг ҳиссиётининг талабларини қондириш йўлида улар майя, алдамчи қувват яратадиган қийинчиликларга дуч келадилар, шу боис улар адашиб, нотўғри, иқтисодий ривожланиш йўлига бурилиб кетадилар. Иқтисодни ривожлантириш ҳеч қачон инсониятга муваффақият келтирмайди, чунки у алдамчи, сароб. Ана шундай одамлар, равнақ фариштаси фақат Парвардигор Вишнунинг ҳимояси остида эканини билмасдан ҳаммиша унинг алдамчи марҳаматига интилиб юрадилар. Парвардигор Вишнусиз равнақ фариштаси – шунчаки алданиш, сароб, холос. Шунинг учун равнақ фариштасининг марҳаматига интилишдан кўра, Парвардигор Вишнунинг паноҳини излаган маъкул. Фақат Парвардигор Вишну ёки Вишнунинг содиқ хизматкорлари ҳар кимни ҳимоя қила оладилар. Ўзини ҳаммиша Парвардигор Вишнунинг Ўзи ҳимоя қилиб юргани учун Махараж Парикшит ўзининг ҳукми остида яшашни истаган ҳар қандай зотни ишончли ҳимоя қила оларди.

24. У Парвардигор Шри Кришна изидан бориб, деярли Унинг Ўзига тенглашади. Олижанобликда у шоҳ Рантидевага тенг бўлади,

такводорликда эса Махараж Яятига ўхшаган бўлади.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"нинг якуний кўрсатмасида Парвардигор Шри Кришна айтадики, инсон ҳамма нарсани тарк этиб, фақат Унинг изидан бориши лозим. Ўзларининг бахтига қарши етарли ақд-идроққа эга бўлмаган кишилар Парвардигорнинг мана шу буюк насиҳатини жиддий қабул қилмайдилар, лекин, ҳақиқатан ҳам чуқур тафаккурга эга кишилар бу улуғвор насиҳатни англаб етадилар ва шу заҳотиёқ катта бахт-саодатга эришадилар. Нодон одамлар яхши фазилатларга фақат шундай одамлар билан ҳамсухбат бўлиш орқали эришиш мумкинлигини тушунмайдилар. Бу қонун ҳатто дунёвий жиҳатдан ҳам тўғри: оловга яқин турган нарса иссиқ бўлади. Демак, Худонинг Олий Шаҳси билан мулоқот қилиш инсонга Унинг сифатларига эга бўлиш имконини беради. Аввал айтганимиздек, Парвардигор билан яқиндан мулоқот қилиш шарофати билан Унинг ижобий сифатларининг етмиш саккиз фоизигача ўзлаштириб олиш мумкин. Парвардигорнинг насиҳатларига амал қилиш – ҳаммиша Парвардигор билан бирга бўлиш демакдир. Парвардигор – алоқа ўрнатиш учун албатта унинг ўзини сезиш керак бўлган моддий жисм эмас. Парвардигор ҳаммиша ҳамма жойда мавжуд. У билан шунчаки Унинг кўрсатмаларига амал қилиш билан алоқа ўрнатиш мумкин, чунки, худди Парвардигор билан Унинг номи, шон-шуҳрати, сифатлари ва атрофидагилар мутлақ илм бўлган ҳолда бир биридан фарқ қилмагани сингари, Парвардигор билан Унинг насиҳатлари орасида ҳам ҳеч қандай фарқ йўқ. Махараж Парикшит ҳали онасининг қорнида ётган пайтда ҳам Парвардигор билан мулоқотда бўлган эди, У билан бўлган узлуксиз муносабатини ўзининг буюк умрининг то охиригача давом эттирди. Шунинг учун у том маънода Парвардигорнинг барча асосий сифатларига эга эди.

Рантидева. "Махобҳорат"да таърифланган даврда яшаб ўтган шоҳ. "Махобҳорат"(Дрона-парва 67) Нарада Муни Санджаяга насиҳат берганда уни эслаиб ўтгани ёзилган. У буюк шоҳ бўлиб, меҳмондўстлиги ҳамда саховат билан таом тарқатиши билан машҳур бўлган. Ҳатто Парвардигор Шри Кришна унинг саховат билан қилган эҳсонларини ва меҳмондўстлигини олқишлаган. Буюк Васиштха Муни уни бир стакан совуқ сув бергани учун дуои-фотиҳа қилган ва шу тарзда шоҳ жаннатга эришган. У ришиларни мевалар, илдизлар ва барглар билан таъминлаб турган, буниг учун донишмандлар унинг барча истаклари амалга ошишини тилаб дуои-фотиҳа қилганлар. Гарчи келиб чиқишига кўра қшатрий бўлса ҳам, у умрида бирор марта гўшт емаган. У Васиштха Мунига алоҳида меҳмондўстлик қилган ва унинг битта дуоси шарофати билан жаннатга эришган. У – такводор зотлар ҳар куни эрталаб ва

кечкурун номларини тилга оладиган уч кишининг биттаси ҳисобланади.

Яти. Бутун жаҳон императори ҳамда арийлар ва ҳинд-европа оиласига мансуб барча буюк халқларнинг бобокалони. У Махараж Нахушининг ўғли, акаси руҳий озодликка эришган авлиё сеҳргар бўлиб етишгани шарофати билан бутун жаҳон императори бўлди. Гарчи ёшлигида эҳтиросга берилган ва бир неча ишқий саргузаштлар қахрамони бўлса ҳам, у бир неча минг йил давомида оламга ҳукмронлик қилиб турди ва инсоният тарихига кирган жуда кўп эзгу ишлар қилди, қурбонлик маросимлар ўтказди. У Шукрачарйанинг суюкли қизи Девайанини севиб қолади. Девайани унга эрга чиқмоқчи бўлади, лекин аввалига уни рад қилади, чунки у брахманнинг қизи эди. Шастраларда келтирилган қонунга кўра брахманнинг қизига фақат брахман уйланиши мумкин. Ўша даврларда одамлар *варна-санкара*, яъни “асл насаби номаълум бўлган номаъкул инсонлар”нинг дунёга келишининг олдини олиш учун қаттиқ курашганлар. Шукрачарйа ана шундай никоҳларни таъқиқлайдиган қонунга ўзгартириш киритди ва император Ятини Девайанини хотин қилиб олишга кўндирди. Девайанининг Шармиштха деган дугонаси ҳам императорни севиб қолган эди, шунинг учун у ҳам Девайани билан бирга императорни кетди. Шукрачарйа, император Ятига Шармиштхани ўзининг ётоқхонасига таклиф қилишни таъқиқлаб қўйди, лекин император унинг бу кўрсатмасига амал қила олмади. У Шармиштхага пинҳона уйланди, ва ундан бир неча фарзанд кўрди. Бу сир Девайанига ошкор бўлганида у эрини ташлаб, отасиникига бориб унинг устидан арз қилди. Яти Девайанига қаттиқ боғланиб қолган эди, шунинг учун хотинининг изидан қайнотасининг саройига борди. Шукрачарйа ғазаби келиб уни дуои-бад қилди, натижада Яти бепушт бўлиб қолди. Яти қайнотасидан бу қарғишини қайтариб олишини илтимос қила бошлади, лекин донишманд унга шундай шарт қўйди: у фақат ўз фарзандларининг ёшлигини ва жинсий қувватини улардан талаб олиши мумкин. Ятининг беш ўғли бор эди: иккиси Девайанидан, учтаси Шармиштхадан. Улар Ёаду, Турвасу, Друхйу, Ану ва Пуру бўлиб, улар бутун оламга тарқалган инсониятнинг беш машҳур сулоласини бошлаб бердилар: 1) Ядавлар сулоласи, 2) Ёаван (туркий қабила)лар, 3) Бходжалар, 4) млеччха (грек, юнон)лар, 5) Пауравлар. Ўзининг эзгу ишлари шарофати билан у жаннатий сайёраларга эришди, лекин ўзининг қилган ишларини мақтаниб, бошқа буюк зотларни танқид қила бошлагани учун жаннатдан қувилди. У жаннатдан қулагандан кейин унинг қизи ва невараси унга ўзларининг савоб ишларининг натижаларини бердилар, шунда у ўзининг дўсти Шиби ва невараси ёрдамида яна жаннатга кўтарилди. Ҳозир ҳам у жаннатда Ёамаражнинг

мажлис аъзоси ва унинг содиқ хизматкори бўлиб яшайди. У мингдан кўп ҳар хил қурбонлик маросимлари ўтказди, саховат билан хайр-эҳсон улашди ва жуда обрўли шаҳаншоҳ эди. Унинг шоҳона ҳукмига бутун оламда амал қилардилар. Уни шаҳвоний эҳтиросга берилиб яшаш истаги безовта қилганида унинг ўғилларининг кенжаси унга минг йил давомида ўзининг ёшлигини унга бериб туришга рози бўлди. Вақти келиб у дунёвий ҳаётни тарк этди ва ўғли Пуруга ёшлигини қайтариб берди. У салтанат тахтини Пуруга беришга қарор қилган эди, лекин унинг фуқаролари ва маслаҳатчилари унинг бу қарорини маъқулламадилар. Кейин, шоҳ уларга Пурунинг улуғворлигини таърифлаб берганида улар Пуруни шоҳ сифатида тан олишга рози бўлдилар. Шундан кейин император Яти оилавий ҳаётни тарк этиб ўрмонга кетди.

25. Бу фарзанд Бали Махараж сингари чидамли ва Прахлада Махараж сингари, Парвардигор Кришнанинг ўзгармас содиқларидан бўлади, кўп марта *ашвамедҳа* қурбонлик маросими ўтказди ва барча ишларида кекса ва тажрибали инсонлардан ўрнак олиб юради.

Изоҳ: Бали Махараж. Худога садоқат билан хизмат қилишда ўн икки ишонарли мўътабар зотдан бири. Бали Махараж – Худога садоқат билан хизмат қилишда буюк ишонарли устоз, чунки у Худони мамнун қилиш учун бутун дунёсидан воз кечди, ҳатто бунинг учун унга Худони мамнун қилиш учун бор дунёсидан айрилишга таваккал қилишга тўсқинлик қилган ўзининг руҳий устозидан ҳам юз ўгирди. Тақводор ҳаётнинг энг юксак поғонаси Парвардигорга ҳеч қандай дунёвий мажбуриятлар халақит бера олмайдиган сўзсиз ва бесабаб хизмат қилиш поғонасига кўтарилишдан иборат. Бали Махараж Парвардигорни мамнун қилиш учун ҳамма нарсасидан воз кечишга қатъий қарор қилди, бунинг учун унга ҳеч қандай тўсиқ қаршилиқ қила олмади. У – Худога садоқат билан хизмат қилишда яна бир ишонарли мўътабар зот бўлган Прахлада Махаражнинг невараси. Бали Махараж ва унинг Вишну-Ваманадева билан ўзаро муносабатлари "Шримад Бхагаватам"нинг саккизинчи кўшиғида таърифланган(11-24боб).

Прахлада Махараж. Парвардигор Шри Кришнанинг комил содиқ хизматкори. У атиги беш ёшга тўлганида Худонинг асл содиқ хизматкори бўлгани учун отаси Хираньякашипу уни қаттиқ жазолади. У Хираньякашипунинг биринчи ўғли, онасининг исми эса Кайадху эди. Прахлад Махараж Худога садоқат билан хизмат қилишда ишонарли мўътабар зот, чунки унинг отасини Парвардигор Нрисимхадева ўлдирган эди. Бу билан Парвардигор: “Агар Худога садоқат билан хизмат қилишга қаршилиқ кўрсатадиган бўлса, содиқ ҳатто отасидан ҳам воз кечиши

керак” деган. Унинг тўрт ўгли бор эди, уларнинг тўнғичи Вирочана – юқорида эслаб ўтилган Бали Махаражнинг отаси. Прахлад Махараж тарихи "Шримад Бхагаватам"нинг еттинчи кўшиғида келтирилган.

26. Бу чақалоқ донишмандларга ўхшаган шахзодаларга ота бўлади. Бутун олам аҳлининг осойишталиги ва дин қонунларини ҳимоя қилиш учун у бузғунчи ва ғаламисларнинг таъзирини беради.

Изоҳ: Жаҳонда энг доно киши – Худонинг содик хизматкори. Чуқур тафаккурга эга бўлган кишини донишманд деб атайдилар, илм-фаннинг ҳар бир соҳасида ўз донишмандлари бор. Шунинг учун агар шох ёки ҳукумат бошлиғи донишмандлар донишманди бўлмаса, у ўзининг салтанатидаги доно кишиларга раҳбарлик қила олмайди. Махараж Юдхитхира мансуб бўлган шохлар сулоласидаги шохларнинг ҳаммаси ўз замонасининг энг доно инсонлари эдилар. Махараж Парикшит ва унинг ҳали келажакда туғилиши керак бўлган Жанамеджая ҳақида ҳам шундай башорат қилинган эди. Ана шундай донишманд шохлар бузғунчиларни жазолашга ва Кали асоратларини йўқотишга, яъни одамлар орасига низо соладиган кишиларни яқсон қилишга қодир эдилар. Кейинги боблардан билиб оламизки, Махараж Парикшит тинчлик ва дин тимсоли бўлган сигирни ўлдиришга шайланиб турган Калининг тимсолини жазоламоқчи бўлади. Калининг аломатлари куйидагилар: 1) арок, 2) аёллар, 3) кимор ва фириб ўйинлари, 4) куш(қассоб)хоналар. Барча давлатларнинг доно раҳбарлари Махараж Парикшитдан мастликка, кимор ўйинларига, кушхоналарнинг тинмасдан ишлашини таъминлаб гўшт ейишга ҳамда аёллар билан ноқонуний жинсий алоқа – зинога берилиб кетган ғаламис ва бузғунчиларнинг адабини бериш билан жамиятда тинчлик ва осойишталик ўрнатишни ўргансалар яхши бўларди. Ҳозирги Кали даврида эса халқнинг тинчлигини бузадиган ана шу иллатлар манбаини ҳимоя қиладиган қонунлар чиқариб кўйилган. Шундай экан жамиятда тинчлик ва осойишталик, одамларда одоб-ахлоқ қаердан бўлсин? Шунинг учун ҳукумат оталари ўзларини Худога топшириб, тартиб бузадиганларни жазолаб ҳамда низоларнинг юқорида кўрсатилган манбаларини бартараф қилиб донорок бўлишга интилишлари лозим. Агар биз кучли олов ёкишни истасак, қуруқ ўтинлар топишимиз лозим. Хўл ўтинлар ва кучли олов бирга бўлолмайди. Тинчлик ва одоб-ахлоқ фақат Махараж Парикшит ва унинг издошларининг қонунларига риоя қилинадиган жойда ҳукм суриши мумкин.

27. Браҳманнинг ўгли уни дуои-бад қилгани, тез кунда браҳманзода юборган учар илон

чақишидан ҳалок бўлишини эшитган захоти, у барча моддий боғланишлардан ҳалос бўлади ва ихтиёрини Худога бутунлай топшириб, Ундан нажот топади.

Изоҳ: Моддий нарсаларга бўлган боғланиш туйғусини сақлаб қолган ҳолда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан нажот топишнинг иложи йўқ. Моддий боғланиш дегани Парвардигорнинг паноҳи остидаги илоҳий бахтдан беҳабарликни билдиради. Моддий оламда Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга Парвардигор билан ўзаро илоҳий муносабатларини амалда қайта тиклашга ёрдам берадиган восита ҳисобланади, ана шу муносабатлар комил даражага етганида инсон барча моддий боғланишлардан озод бўлади ва ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга муносиб зот бўлиб етишади. Махараж Парикшит онасининг қорнига тушгандан бошлаб Парвардигорга қаттиқ боғланиб қолгани туфайли Парвардигор ҳамиша Уни ҳимоя қилиб юрди, браҳманнинг ўгли дуои-бад қилганидан етти кундан кейин ҳалок бўлиши ҳақидаги хабар унинг учун буюк бахт эди, чунки бу хабар унга ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига кетиш имконини берарди. Парвардигор ҳамиша уни ҳимоя қилиб юрарди, у Худонинг марҳамати билан бу қарғиш оқибатидан қутулиб қолиши мумкин эди, лекин у ўзининг ана шу имкониятини бекорга ишлатишни истамасди, аксинча бу ноқулай вазиятдан аъло даражада фойдаланиб қолди. У етти кун давомида ишонарли манбадан "Шримад Бхагаватам" тинглади ва шу тарзда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топди.

28. Вйасадеванинг ўгли бўлган буюк донишманддан ўзликни англаш илмини ўрганиб, у барча дунёвий боғланишлардан ҳалос бўлади ва қўрқмас, бежавотир ҳолатга эришади.

Изоҳ: Дунёвий илм – ўзининг ҳақиқий “мен”ини билмасликдир. Фалсафа - ўзининг ҳақиқий “мен”ини, яъни ҳақиқий ўзлигини англаш илмини излашдир. Ўзликни англаш илмидан беҳабар фалсафа – қуруқ сафсата, бошқача қилиб айтганда, вақти ва кучини бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас. Инсоннинг ҳақиқий “мен”ининг табиати ҳақидаги илм "Шримад Бхагаватам"да берилган, "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш ёрдамида моддий боғланишлардан ҳалос бўлиш ва жасорат, қўрқмаслик салтанатига кириш мумкин. Бу моддий олам – қўрқув салтанатидир. Унда қамалиб ётган зотлар, худди қамоқхонадаги маҳбуслар сингари, ҳамиша қўрқув остида яшайдилар. Маҳбуслар қамоқхона қонун-қоидаларини бузмаслиги керак. Бу қонунларни бузиш қамоқхонада қолиш вақти узайтирилишига олиб келади. Худди шундай, биз ҳам моддий

оламда ҳамиша кўркув хавотир остида яшаймиз. Ана шу ҳолат ташвиш деб аталади. Моддий ҳаётнинг барча кўринишларида, табиат қонунларини бузгани ёки бузмаганидан қатъий назар ҳар ким ҳамиша ташвиш, хавотирда яшайди. Озодлик(мукти) – ана шу мангу ташвишлардан ҳалос бўлиш демакдир. Фақат мана шу ташвиш, хавотирларни Худога садоқат билан хизмат қилишга алмаштириш орқали озодликка эришиш мумкин. "Шримад Бхагаватам" бизга моддий ташвишларни руҳий ташвишларга алмаштиришни тавсия қилади. Бунга Шри Вйасадеванинг ўғли, ҳақиқий ўзлигини англаб етган буюк зот Шукадева Госвами сингари донишманд файласуфлар билан ҳамсухбат бўлиш орқали эришиш мумкин. Тез орада ажали етишини билган заҳоти Махараж Парикшит Шукадева Госвами билан учрашиш имкониятидан фойдаланди ва кўзлаган мақсадига эришди.

"Шримад Бхагаватам"нинг мана шу жойига ёзилган бир пародия ҳам бор, унда тирикчилик қилиш учун "Шримад Бхагаватам"ни ўқишни ўзларига касб қилиб олган кишилар "Шримад Бхагаватам"ни чиройли тиловат қиладилар, уларнинг калтафаҳм издошлари эса, барча моддий боғланишлар чангалидан ҳалос бўламин, қалбимиздан барча ташвиш-хавотирлар ўзидан ўзи кетади деб ўйлайдилар. "Шримад Бхагаватам"ни тинглашга бундай аҳволда тақлид қилиш – шунчаки кулгили ҳол. Моддий лаззатларга берилиб яшашда давом этиш учун ачинарли, кулгили *бхагаватам саптахи*ларнинг бундай ўйинларига эътибор бериб ўтирмаслик керак.

29. Фарзанд туғилиши муносабати билан ўтказиладиган маросимларни яхши биладиган мунажжим ва башоратчилар шох Йудҳиштҳирага боланинг келажаги ҳақида шундай башорат қилдилар. Кейин олган қимматбаҳо совғаларидан хурсанд бўлиб, улар ўз уйларига кетдилар.

Изоҳ: Ведалар – ҳам моддий, ҳам руҳий илмлар ҳазинасидир. Лекин бу илмнинг мақсади – ўзликни англаш йўлида баркамолликка эришишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, маданиятли киши учун Ведалар ҳаётнинг барча соҳаларида йўл кўрсатувчи қўлланма ҳисобланади. Инсон ҳаёти – барча моддий мусибатлардан ҳалос бўлиш учун берилган имконият бўлгани учун ведаларнинг донишмандлик илми инсонга ҳаётда ҳам моддий эҳтиёжларини қондириш бобида, ҳам руҳий озодликка эришиш бобида тўғри йўл кўрсатиб туради. Ўз умрини фақат Ведалар илмини эгаллашга бағишлаган кишилар табақасига мансуб одамларни *випра*, яъни ведалар илмини биладиган кишилар деб атайдилар. Ведалар илм-фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, улар орасида икки соҳа - астрология ва касалликларни даволаш илми - оддий одамлар

учун зарур ва жуда муҳим ҳисобланади. Жамиятни бошқариш учун браҳманлар деб аталадиган доно кишилар ведалар илмининг барча соҳаларини ўрганадилар. Улар ҳатто ҳарбий санъат (*дханур-веда*)ни ўрганадилар, Дроначарйа ва Крипачарйа сингари *випралар* илмнинг ана шу соҳасида устозлик қилардилар.

Мазкур шеърда ишлатилган *випра* ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. *Випра* ва браҳманлар орасида озгина фарқ бор. *Випралар* – карма-канда, яъни кармали фаолиятни яхши биладилар, улар жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга раҳбарлик қиладилар, браҳманлар эса – илоҳийлик ҳақидаги руҳий илм билимдонларидир. Илмнинг мана шу бўлими *джнана-канда* деб аталади. Ундан устун турадиган илм соҳаси *упасана-канда* деб аталади. *Упасана-канданинг* энг юқори поғонаси Парвардигор Вишнуга садоқат билан хизмат қилиш бўлиб, бу соҳада баркамолликка эришган браҳманларни *вайшнавлар* деб атайдилар. Парвардигор Вишнуга сиғиниш – Худога сиғинишнинг олий шакли. Комил браҳманлар – Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган вайшнавлардир, шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш илми бўлган "Шримад Бхагаватам" вайшнавлар учун жуда азиз. "Шримад Бхагаватам"нинг бошида айтилганидек, бу асар Ведалар илмининг барча уч *канда: карма-, джнана-* ва *упасана-кандадан* ҳам устун турадиган етилиб пишган меваси ҳисобланади.

Карма-канда билимдонлари орасида астрологияни яхши биладиган ва чакалокнинг келажақдаги ҳаётини шунчаки юлдуз(*лагна*)нинг ҳолатини ҳисоб-китоб қилиш ёрдамида олдиндан айтиб беришга қодир бўлган тажрибали *джатака-випралар* ҳам бор эди. Махараж Парикшит туғилганда ана шундай *джатака-випралар* иштирок этдилар, унинг бобоси Махараж Юдҳиштҳира саховат билан уларга олтин, ер майдони, қишлоқлар, ғалла ҳамда ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса, шу жумладан сигирлар ҳам совға қилди. Жамият ана шундай *випраларга* муҳтож, Ведалар маданиятидаги сингари ҳукумат уларни тирикчилик қилиш учун зарур бўлган ҳамма шароитлар билан таъминлаши лозим. Ана шундай тажрибали *випралар* ҳукуматдан етарли миқдорда пул таъминотини олиб, одамларга бепул хизмат қилганлар, шунинг учун ведалар илмининг мана шу бўлиmidан ҳамма бирдай фойдаланганлар.

30. Шундай қилиб, бу фарзанд оламга Парикшит("Синовчи") номи билан донг таратиши башорат қилинган эди. Туғилиш олдида кўрган ўзининг қутқарувчисини излаб, у учраган ҳар бир одамни синчиклаб кўздан кечирарди. Шу тарзда у бутун умри давомида У(Кришна)ни эслаб, излаб юради.

Изоҳ: Нодир учрайдиган омад кулиб боққан Махараж Парикшит Парвардигорнинг қиёфасини ҳали онасининг қорнида пайтида томоша қилган эди, шунинг учун у ҳамиша Худо ҳақида ўйлаб юрарди. Агар Парвардигорнинг илоҳий қиёфаси инсоннинг ақлига муҳрланиб қолган бўлса, у Уни ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятда ҳам унута олмайди. Дунёга келгандан кейин жажжи Парикшит онасининг қорнида пайтида кўрган Зот шуми, бошқами, аниқлаш учун ўзига учраган ҳар бир кишини синчиклаб кузатарди. Лекин у Парвардигор сингари мафтункор ёки Ундан ҳам жозибалироқ бўлган бирор зотни учрата олмади, шунинг учун ҳаммани инкор этарди. Лекин, унинг изланишларида Парвардигор ҳамиша у билан бирга эди, яъни Махараж Парикшит Худони эслаб, ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўлиб юрарди.

Бу ҳақда Шрила Жива Госвами шундай дейди: “Ёшлигида Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини томоша қилган ҳар қандай чақалоқ Махараж Парикшит сингари албатта Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб етишади. Махараж Парикшитнинг тақдирида кулиб боққан омад – онасининг қорнида Парвардигорни кўриш - балки чақалоққа насиб қилмас, лекин у Махараж Парикшит сингари омадли бўлмаса ҳам агар истасалар, унинг ота-онаси уни шундай бахтга муяссар қилишлари мумкин.

Бунга ўзимнинг ҳаётимдан мисол келтириш мумкин. Отам Худонинг асл содиқ хизматкори эди, мен беш ёшга тўлган пайтимда у менга икки кўғирчоқ – Радха ва Кришна олиб берди. Мен синглим билан ўйнаб, қўшни Радха-Говинда эҳромида ўтказиладиган сиғиниш маросимларига тақлид қилиб илоҳларга сиғинардим. Ҳамиша ана шу эҳромга қатнаб юриб, ўзимнинг Илоҳларим билан ўйнаганда шу ерда ўтказиладиган маросимларни такрорлаб, мен табиий равишда қалбимда Парвардигорга боғланиш туйғусини ривожлантирдим. Отам менинг ёшимга мос келадиган барча покланиш маросимларни ўтказди. Кейинчалик, мактаб ва коллежда ўқиган пайтларимда, атрофимдагиларнинг таъсири остида бу машғулотларни тарк этиб, уларни бутунлай эсдан чиқариб юбордим. Лекин, ёш йигит пайтимда руҳий устозим, Шри Шримад Бхатисиддханта Сарасвати Госвами Махаражни учратганимда аввалги одатларим эсимга тушди, шундан кейин мен болалигимда ўйнаб юрган Илоҳларга барча қонун-қоидалар асосида сиғина бошладим. Бу амалларим то мен оиламни тарк этиб кетгунга қадар давом этди. Олижаноб отам менга Парвардигор ҳақидаги биринчи таассуротларни берганидан мен жуда бахтиёрман, бу таассуротлар кейинчалик Илоҳий Ҳазрат таъсири остида ривожланиб, Худога қонун-қоидаларга асосланган ҳолда хизмат қилиш поғонасига кўтарилди. Махараж Прахлада ҳам болаларга ёшлигидан уларнинг Парвардигор

билан ўзаро муносабатлари ҳақида таассурот олиш имконини беришни маслаҳат беради, чунки акс ҳолда, бу дунёдаги ҳамма нарса сингари ўткинчи бўлган, лекин шунга қарамай жуда қимматли бўлган инсон танасидаги ҳаёт берадиган нодир имкониятни қўлдан бой бериш мумкин.

31. Меҳрибон ва ғамхўр боболари ва бошқа оила аъзолари даврасида барча қулайликларга эга бўлган шахзода Парикшит янги туғилган ойдек кун сайин ўсиб-улғая борди.

32. Шу пайтларда шох Юдхитхира, қариндошлари билан бўлган жангда содир қилган гуноҳларидан покланиш ниятида ашвамедҳа маросимини ўтказишга қарор қилди. Аммо, хазинасида тушаётган солиқ ва тўловлардан бошқа даромади бўлмаганидан, маросим учун етарли маблағ йўқ эди.

Изоҳ: Худди брахман ва випралар ҳукумат томонидан бериладиган моддий ёрдамга муҳтож бўлгани сингари, ҳукуматнинг ҳам фуқаролардан солиқ тўплаш ва жарима ундириш ҳуқуқи бор. Курукшетрада бўлиб ўтган жангдан кейин давлат хазинаси бўшаб қолган эди, шунинг учун фуқаролардан ундириладиган солиқ ва жарималардан бошқа бирор даромад йўқ эди. Бу даромадлар фақат давлат бюджетини қоплашга етарди, холос, ортиқча маблағ бўлмагани учун Махараж Юдхитхира бошқа бирор йўл билан от курбонлик қилиш маросимини ўтказишга маблағ топишни истарди. У бу маросимни бобоси Бхишманинг кўрсатмасини бажариш учун ўтказмоқчи эди.

33. Шохнинг эзгу ниятини тушунган укалари, беғуноҳ Парвардигор Шри Кришнанинг маслаҳати билан шимол тарафга бориб(шох Марутга қолдирган хазинадан), етарли маблағ топиб келдилар.

Изоҳ: Махараж Марутга. Бутун жаҳонга Махараж Юдхитхирадан анча олдин ҳукмронлик қилган буюк императорлардан бири. У Махараж Авикшитанинг ўғли ва Қуёш фариштасининг ўғли Йамаражнинг буюк содиқ хизматкори эди. Унинг акаси Самварта фаришталарнинг билимдон руҳонийси буюк Брихаспатидан қолишмайдиган руҳоний эди. У санкара-йаджна деб аталадиган битта курбонлик маросими ўтказди, Парвардигор ундан шунчалик мамнун эдики, шохнинг ҳукмига фақат олтидан иборат катта тоғ инъом этди. Бу тоғ Ҳимолайнинг қаеридадир жойлашган, ҳар хил саргузаштларга қизиқадиган кишилар уни излаб топишга уриниб кўришлари мумкин. У шу қадар қудратли император эдики, у курбонлик маросими ўтказиб бўлган куни унинг саройига коинотнинг турли чеккаларидан фаришталар келдилар, улар орасида Индра, Чандра ва Брихаспати ҳам бор эди.

У олтин тоғ эгаси бўлгани учун ҳеч қачон олтинга мухтож бўлмаган. Унинг қурбонлик маросими эҳроми устидаги соябон бутунлай олтиндан ясалган эди. Унинг ҳар куни ўтказадиган маросимларига зарур бўлган таомларни тез тайёрлаш учун Вайулокадан баъзи бир фаришталар тақлиф этилган эди, шу маросимдаги мажлисни эса Вишвадева бошқариб борарди.

Ўзининг мунтазам тақводорлиги билан у ўзининг бутун салтанатида барча касалликларни бартараф қилишга эришди. Девалока ва Питрилока сингари жаннатий сайёраларнинг барча аҳолиси унинг ўтказган буюк қурбонлик маросимларидан жуда мамнун эдилар. Ҳар куни у билимдон брахманларга эҳсон сифатида ўтиргичлар, кўрпа, паланкин ҳамда анча миқдорда олтин улашарди. Осмон шоҳи Индра унинг бундай саховатидан ва ўтказётган сон-саноксиз қурбонлик маросимларидан жуда мамнун бўлди ва уни ҳамиша бахт-саодатли бўлишини тилаб дуо қилди. Ўзининг тақводор ҳаёти шарофати билан у бутун умри давомида ёш йигит бўлиб қолди ва ўзининг бахтиёр фуқаролари, вазирлари, қонуний хотини, ўғиллари ва ака-укалари даврасида минг йил давомида ҳукмронлик қилди. Унинг тақводорлик билан кечирган ҳаётини ҳатто Парвардигор Шри Кришна ҳам олқишлаган эди. Махараж Марутта ўзининг ёлғиз қизини Махариши Ангирага берди, шу донишманднинг дуоси билан жаннатга кўтарилди. Аввалига у ўзининг қурбонлик маросимларида руҳонийлик қилишни билимдон Брихаспатига топширмоқчи бўлди, лекин бу фаришта унинг бу тақлифига рози бўлмади, чунки у фаришта, шоҳ эса, инсон танасида эди. Шоҳ бундан қаттиқ хафа бўлди, лекин Нарада Мунининг маслаҳати билан у бу лавозимга Самвартани тайинлади ва у ўзининг ишини бенуқсон бажарди.

Ҳар бир қурбонлик маросимининг муваффақият билан тугаши, бутунлай уни ўтказётган руҳонийга боғлиқ бўлади. Ҳозирги даврда қурбонлик маросимларининг барча турлари таъқиқланган, чунки брахманнинг ўғли брахман сифатларига эга бўлмаса ҳам брахман ҳисобланади деб ўйлайдиган чала-брахманлар орасида бирор билимдон руҳоний қолмаган. Шунинг учун Кали-йуга даврида қурбонлик маросимининг фақат бир тури – Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабху киритган санкиртана-йаджна ўтказиш руҳсат этилади.

34. Ана шу хазинадан фойдаланиб, шоҳ уч марта ашвамедҳа маросимини ўтказиш учун етарли маблағга эга бўлди. Шундай қилиб, Курукшетра жангидан кейин қалбини хавотир босиб юрган шоҳ Юдҳиштҳира, қурбонлик маросими ўтказиб Худо Шахси, Парвардигор Харини мамнун қилди.

Изоҳ: Махараж Юдҳиштҳира – бутун жаҳонга ҳукмронлик қилган, ўзининг эзгу ишлари билан шухрат қозонган намунали шоҳ, шунга қарамай Курукшетрада бўлиб ўтган қирғинбарот урушдан кейин, фақат биргина мақсад – уни салатанат тахтига ўтказиш учун бўлиб ўтган жангда шунча одам қирилиб кетгани сабабли унинг қалбини хавотир босиб юрарди. Шунинг учун у мана шу жангда йўл қўйилган барча гуноҳларни ўз бўйнига олди, ана шу гуноҳлар оқибатидан халос бўлиш учун у муқаддас қурбонлик оловига от эҳсон қилинадиган учта қурбонлик маросими ўтказишга қарор қилди. Бундай қурбонлик маросимларига жуда кўп харажат сарфланади. Бундай қурбонлик маросими ўтказиш учун ҳатто Махараж Юдҳиштҳира ҳам Махараж Маруттадан қолган ҳамда у эҳсон қилгандан кейин брахманлар ташлаб кетган олтинларни тўплаб, қўшимча маблағ йиғишга мажбур бўлди. Билимдон брахманлар уларга Махараж Марутта эҳсон қилган олтинларнинг ҳаммасини ўзлари билан олиб кетишга қодир эмасдилар, шу боис улар бу эҳсонларнинг катта қисмини ташлаб кетгандилар. Махараж Марутта ҳам садақа қилинган бу олтинларни қайтадан йиғиб олмади. Бундан ташқари қурбонлик маросими пайтида ишлатилган барча олтин идиш ва бошқа анжомларни ҳам ташлаб юборгандилар, мана шу олтинларнинг ҳаммаси то уларни Махараж Юдҳиштҳира йиғиб олгунча ҳеч кимга кераксиз бўлиб ётарди. Парвардигор Шри Кришна Махараж Юдҳиштҳиранинг укаларига ана шу “ташландик” олтинларни йиғиб келишни маслаҳат берди, чунки бу олтинлар, шоҳнинг мулки ҳисобланарди. Бунинг энг ҳайратланарли томони шундаки, мана шу ташландик олтинни фуқаролардан бирортаси олиб саноат корхоналари қуриш ёки бошқа бирор мақсадда ишлатишни ўйламаганлар. Бу шуни билдирадики, салтанатдаги одамлар тирикчилик қилиш учун зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлиб, ўзларининг ҳаётидан тўла мамнун яшаганлар ва ўзларининг ҳиссиётининг талабларини қондириш учун бемаъни саноат моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланмаганлар. Махараж Юдҳиштҳира ҳам бу олтинларни Худо Шахсини, Парвардигорни мамнун қилиш мақсадида ўтказиладиган қурбонлик маросимида ишлатиш учун олдирган. У бу олтинларни хазинасига олдиришдан бошқа бирор мақсад кўзламаган.

Махараж Юдҳиштҳиранинг бу шу иши бошқалар ибрат олса арзийдиган муносиб амалдир. У жанг майдонида содир этилган гуноҳ ишлар оқибатидан қўрқарди, шунинг учун олий ҳукуматни мамнун қилишга интиларди. Бу шуни кўрсатадики, кундалик турмушда бизлар ҳам ўзимиз билмаган ҳолда кўплаб гуноҳ ишлар қилиб қўямиз, уларнинг ўзимиз истамаган оқибатларидан халос бўлиш учун биз ҳам муқаддас китобларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиб туришимиз лозим.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, рухсат этилмаган ёки ўзимиз билмаган ҳолда, туғма табиатимизга кўра билмасдан содир қилиб қўйган гуноҳ ишларимиз оқибатидан халос бўлиш учун муқаддас китобларда тавсия қилинган қурбонлик маросимларини ўтказиб туришимиз лозим. Шу тарзда инсон барча гуноҳлари оқибатидан поклана олади. Қурбонлик маросими ўтказмайдиган, лекин ҳамиша фақат ўзининг шахсий манфаатини ўйлаб иш қиладиган, яъни ўз ҳиссиёт(нафс)ининг талабини қондириш учун ҳаракат қиладиган одамлар эса, ўзлари содир қилган ана шу гуноҳлари оқибатида мусибат чекишга мажбур бўладилар. Демак, қурбонлик маросими ўтказишдан асосий мақсад – Олий Шахс, Харини мамнун қилишдан иборат. Қурбонлик маросимлари ўтказиш усуллари, замон, макон ва уни ўтказиётган шахснинг хусусиятларига қараб ҳар хил бўлиши мумкин, лекин, ҳамиша ва ҳар қандай вазиятда ҳам улардан кўзланадиган мақсад битта – Парвардигор Харини мамнун қилиш. Оламнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонликка, тинчликка олиб борадиган тақводорлик йўли шундан иборат. Махараж Юдҳиштҳира ҳам намунали шоҳ сифатида ана шу қоидага риоя қилиб яшарди.

Ҳатто, баъзи ҳолларда одамларни ва ҳайвонларни ўлдириш рухсат этиладиган салтанатни бошқариш вазифасини бажариб юрган Махараж Юдҳиштҳира гуноҳ ишлар содир қилган бўлса, Кали-югада яшаётган, Парвардигорни мамнун қилиш учун қандай қилиб қурбонлик маросими ўтказиш кераклигини билмайдиган ғофил одамлар онгли ва онгсиз равишда қанча гуноҳлар қилиб юрганини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"да айтилганки, инсоннинг ҳаётдаги энг биринчи бурчи – ўз касбининг барча вазифаларини ҳалол бажариш орқали Худони рози қилишдан иборат("Шримад Бхагаватам".1.2.13).

Ҳар қандай давлатда яшайдиган, бирор жамоага, динга, табақага мансуб кишилар ҳар хил вазифаларни бажариб юрган бўлиши мумкин, лекин у ана шу муайян макон, замон ва шахс учун муқаддас китоблар тавсия қилганидай қандайдир қурбонлик маросими ўтказиши керак эканини тан олиши лозим. Муқаддас китобларда Кали-югада Кришнанинг муқаддас номларини ҳақоратсиз шарафлаб куйлаш орқали Парвардигорни олқишлаш буюрилган (*киртанат эва кришнасийа мукта-сангаҳ парам враджет*). Бундай фаолият шарофати билан инсон барча гуноҳлари оқибатидан халос бўлади ва ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб, руҳий баркамолликка эришади. Мазкур буюк асарда биз турли бобларда, айниқса асарнинг кириш қисмида – Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабхунинг ҳаёти ҳақидаги қисқача очеркда бу мавзуларни муҳокама қилдик, жамиятни тинчлик-фаровонлик ва осойишталик

йўлига ундаш мақсадида бу гапларни яна бир бор такрорляймиз.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор биз Уни қандай қилиб мамнун қилишимиз мумкинлигини аниқ айтиб қўйган, буни кундалик ҳаётда қандай бўлиши Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабхунинг ҳаёти ва тарғиботчилик фаолиятида яққол намоён бўлган. Ҳозирги ўзаро низо ва душманликларга тўла ташвишли даврда Парвардигор Хари(бизни кундалик ҳаётда учрайдиган барча мусибатлардан халос этувчи Худо Шахси)ни мамнун қилиш учун ўтказиладиган қурбонлик маросимларининг энг яхши усули – Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабху изидан бориш.

Ҳатто ўша фаровонлик йилларида ҳам Махараж Юдҳиштҳира от қурбонлик маросими ўтказиш учун зарур бўлган маблағ тўплаш учун Махараж Юдҳиштҳира анча олтин тўплашга мажбур бўлганди. Шунинг учун ҳозирги қашшоқлик ва олтин танқислиги даврида биз бундай қурбонлик маросимлари ўтказиш ҳақида ҳатто ўйлай олмаймиз. Ҳозир бизнинг кўлимизда бир даста қоғоз(пул) ва иқтисодий тараққиёт шарофати билан бу қоғозлар албатта олтин билан таъминланади деган ваъда бор, холос. Лекин биз ёлғиз ҳолда ўзимиз ҳам, ҳаммамиз биргаликда бўлиб ҳам, ҳатто ҳукумат ҳомийлиги остида ҳам Махараж Юдҳиштҳира сингари сарф-харажат қилишга қодир эмасмиз. Шунинг учун биз яшаётган давр учун Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабхунинг шастралар асосланиб тавсия қилган усули қулай келади. Бу усул ҳеч қандай маблағ талаб қилмайди, шунга қарамай, шунча сарф-харажат талаб қиладиган бошқа қурбонлик маросимларидан катта фойда келтиради. Ведавий муқаддас китоблар асосида от ёки сигир қурбонлик қилиш – ҳайвонларни ўлдириш усули деб ўйламаслик керак. Аксинча, тиловат қилинадиган ведавий мадҳияларнинг илоҳий қудрати билан ана шу қурбон қилинган ҳайвонлар янги тана оладилар. Бу мадҳиялар дунёвий имонсиз одамларнинг улар ҳақидаги нотўғри тасаввурларидан бутунлай фарқ қиладди. Барча ведавий мантралар илоҳий таъсир кучига эга бўлиб, уларнинг қудрати қурбонлик сифатида эҳсон қилинган ҳайвонларнинг танаси ёшариши билан исботланади.

Ҳозирги даврдаги чала брахманлар ёки руҳонийлар ведавий мантраларни тўғри тиловат қилишга қодир эмаслар. Иккибор туғилган зотлар хонадониди дунёга келган кишилар ўзларининг аждодларига муносиб зотлар эмас, шунинг учун уларни шудраларга, яъни бир марта туғилган зотларга тенглаштирадилар. Бир марта туғилган киши ведавий мантраларни кироат қилишга қодир эмас, шунинг учун Ведаларда берилган мантраларни тиловат қилиш амалда бирор фойда бермайди.

Ана шундай ғофил одамларни озодликка чиқариш учун Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабху бутун жаҳонга *санкиртана*, яъни барча амалий мақсадларга эриштирадиган қурбонлик маросими ўтказиш ҳаракатини тарқатди, шу боис ҳозирги даврда яшаётган одамларга мана шу тан олинган ва ишончли йўлдан бориш тавсия қилинади.

35. Махараж Юдхитхира ўтказган қурбонлик маросимига таклиф қилинган Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришна маросимни ҳақиқий тажрибали брахманлар ўтказишини назорат қилди. Шундан кейин, Ўзининг қариндошларини мамнун қилиш учун Парвардигор бу ерда яна бир неча ой қолиб кетди.

Изоҳ: Махараж Юдхитхира Парвардигор Шри Кришнани *йаджна* ўтказишни назорат қилиб туриш учун таклиф қилди, Парвардигор Ўзининг амаки оғасининг амрига бўйсуниб, *йаджнани* ҳақиқий билимдон, иккибор туғилган брахманлар ўтказишини ташкил этди. Шунчаки брахман хонадонидан туғилиш билан инсон *йаджна* ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб қолмайди. Бунинг инсон ҳақиқий ачарьядан махсус маълумот ва фотиҳа олиб, иккинчи бор туғилиши лозим. Брахманлар хонадонидан чиққан, лекин бир марта туғилган кишилар бир марта туғилган шудралар билан бир қаторда туради, ана шундай брахма-бандхулар – брахманларнинг бир марта туғилган болаларига бирор диний ёки ведавий қурбонлик маросимини ўтказишни ишониб топширмаслик керак. Парвардигор Шри Кришнага қурбонлик маросими ўтказишни назорат қилиб туриш вазифаси юклатилган эди ва У Ўзига хос бўлган мукамаллик билан қурбонлик маросимини ҳақиқий иккибор туғилган брахманлар ўтказишини ташкил қилди, шу боис қурбонлик маросими муваффақият билан ўтказилди.

36. Эй Шаунака, кейин шоҳ Юдхитхира, Драупади ва бошқа қариндошлари билан хайрлашиб, Аржун ва Йадулар хонадонининг бошқа аъзолари ҳамроҳлигида Парвардигор Дваракага йўл олди.

Бхактиведантанинг "Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ, "Император Парикиштининг туғилиши" деб аталадиган ўн иккинчи бобида изоҳлари шундай яқунланади.

Ўн учинчи боб.

Дхритараштранинг таркидунё қилиши

Текст 1

1. Шри Сута Госвами деди: Видура, муқаддас зиёратгоҳларни айланиб юрар экан, донишманд Майтреядан рух(жон)нинг (инсон ўлгандан кейин) қаерга бориши ҳақидаги илмни ўрганди, кейин Ҳастинапурга қайтиб келди. У бу илм сирларини ўзи истаган даражада эгаллаб олган эди.

Изоҳ: Видура. "Маҳобҳорат" тарихий эпосининг асосий қаҳрамонларидан бири. У Вйасадеванинг зурёди бўлиб, Махараж Пандунинг онаси Амбиканинг канизагидан дунёга келган эди. У – Йамаражнинг бу дунёда мужассам бўлган қиёфаси. Мандуки Мунининг қарғиши билан у *шудра* бўлиб туғилган эди. Бу воқеа шундай рўй берган эди. Бир куни қўриқчилар Мандуки Мунининг кулбасида яшириниб ётган бир неча ўғрини қўлга олдилар. Одатдагидай қўриқчилар у жойдан фақат ўғриларни эмас, балки Мандуки Мунини ҳам ҳибсга олдилар. Қози бу жинойт учун Мунига ҳам ўлим жазосини белгилади: уни найза санчиб ўлдиришлари лозим эди. Донишмандни ўлдиришларига оз қолган эди, бу ҳақдаги хабар шоҳга бориб етди, шоҳ унинг буюк *Муни* эканини эътиборга олиб, шу заҳотиёқ қатлни бекор қилди. Ўзининг хизматкорлари йўл қўйган хатолик учун шоҳнинг ўзи Мунидан кечирим сўради, донишманд эса тирик мавжудотларнинг тақдирини белгилайдиган фаришта Йамаражнинг олдига йўл олди. Мунининг саволига жавоб бериб Йамараж айтдики, у ҳали болалик пайтида чумолини, учи ўткир майса билан санчиб қийнаган, ана шу қилган гуноҳи учун у ҳозир мана шу жазога маҳкум бўлган. Муни Йамаражнинг болалиқда онгсиз равишда қилган гуноҳи учун уни бундай жазолашини адолатсизлик деб топди ва уни *шудра* бўлиб туғиласан деб дуои-бад қилди. Йамаражнинг *шудра* танасида мужассам бўлган қиёфаси ана шу Видура, Махараж Панду билан Дхритараштранинг *шудра*-укаси эди. Аммо Бхишмадева Курулар сулоласининг зурёди бўлган ана шу шудрани ўзининг бошқа жиянлари билан бир хил ҳурмат қиларди. У вояга етиб, уйланадиган вақти келганида шудра аёлдан туғилган, лекин брахман зурёди бўлган қизга уйланди. Гарчи Видура отасининг мулкига меросхўр бўлмаса ҳам, барибир унинг акаси Дхритараштра унга етарлича мол-дунё берганди. Видура акаси Дхритараштрага жуда қаттиқ боғланган бўлиб, ҳамиша уни ҳақиқат йўлидан юришга ундашга ҳаракат қиларди. Курукшетрада қирғинбарот жанг кетаётган пайтда у акасидан Пандузодаларга нисбатан адолатли бўлишни бир неча бор илтимос қилди, аммо амакисининг бу ишларга аралашishi Дурйодхонга ёқмасди,

шунинг учун у Видурани қаттиқ ҳақорат қилди, шу сабабли Видура зиёратгоҳларни айланиш ва Майтреядан насихатлар олиш учун саройни тарк этиб кетган эди.

Текст 2

Видура Майтрея Мунига ҳар турли саволлар бериб, Худо Шахси Кришнага муҳаббат билан илоҳий хизмат қилишда барқарорликка эришгандан сўнг, унга савол беришдан тўхтади.

Изоҳ: Видура *суммум бонум*, яъни инсон ҳаётининг энг олий маъноси Говинда – “Ўзининг содиқ хизматкорларини ҳамиша ва ҳар жиҳатдан мамнун қилиб юрадиган Зот” деб аталадиган Парвардигор Шри Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат эканига тўла ишонч ҳосил қилгандан кейин Майтрея Мунига савол беришдан тўхтади. Шартланган руҳ, моддий оламда яшайдиган тирик мавжудот ўзининг сезгиларини турли кўринишдаги моддий фаолият билан машғул қилиб ўзига бахт излаб юради, лекин унинг бу амали унга мамнуният олиб келмайди, шундан кейин у ҳар хил дунёвий фалсафий йўллар ва ақлий фикр-мулоҳазаларга мурожаат қилиб Олий Ҳақиқатни излашга тушади. Лекин, бу йўллар билан ҳам у олий мақсадга эриша олмасалар, яна дунёвий моддий фаолият поғонасига тушадилар ва ҳар хил эзгу ва инсонпарварлик фаолияти билан машғул бўла бошлайдилар, лекин булар ҳам барибир уларга тўла мамнуният келтира олмайди. Шундай қилиб, на кармали фаолият, на қуруқ фалсафий фикр-мулоҳазалар руҳга мамнуният келтиришга қодир эмас, чунки ўзининг асл табиатига кўра тирик мавжудот Парвардигор Шри Кришнанинг мангу хизматкори, барча ведавий муқаддас китоблар уни ана шу олий мақсадга йўналтирадилар. Бу ҳақиқат "Бхагавад-гита"(15.15)да тасдиқланган.

Изланувчан шартланган руҳ худди Видурага ўхшаб Майтрея сингари ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиши лозим, унга чуқур маъноли саволлар бериб, карма(натижасидан лаззатланиш учун кўрсатиладиган фаолият) ҳақида, джнана(Олий Ҳақиқатни фалсафий жиҳатдан излаш) ҳақида, йога(руҳий илмга боғланиш жараёни) ҳақида ҳамма нарсани билиб олиши лозим. Руҳий устозга саволлар беришга жиддий интилаётган киши ўзига сохта гуру танлаши керак эмас, гарчи ўзи шогирдини Парвардигор Шри Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул қила олмайдиган бўлса ҳам, бошқалар уни руҳий устоз деб қабул қиладиган киши ўзини бошқаларга руҳий устоз деб таништирмаслиги керак. Видура Майтрея сингари ҳақиқий руҳий устозни учратиш бахтига муяссар бўлди ва у инсон ҳаётининг олий мақсадига – Говиндага бхакти(садоқат)га эришди. Шундай қилиб у руҳий юксалиш жараёнида билиш лозим бўлган нарсаларнинг ҳаммасини эгаллаб олди.

3-4. Видуранинг қайтиб келаётганини эшитган бутун сарой аҳли - Маҳараж Юдхистхира, унинг укалари, Дхритараштра, Сатйаки, Санджайа, Крипачарйа, Кунти, Гандхари, Драупади, Субҳадра, Уттара, Крипи ва Кауравларнинг бошқа аёллари, ўғиллари билан бирга, жуда хурсанд бўлиб унга пешвоз чиқдилар. Улар худди узоқ уйқудан уйғонгандай бўлиб, сергак тортдилар.

Изоҳ: Гандхари. Инсоният тарихидаги покдомон намунали аёл тимсоли. Гандхара(ҳозирги Афғонистондаги Кандагар вилояти)нинг шоҳи Маҳараж Субаланинг қизи. Одатда ҳинд қизлари ўзларига яхши куёв насиб қилиши учун маъбуд Шивага сиғинадилар. Гандхари ҳам ўзининг илтижолари билан Шивани мамнун қилди ва унинг марҳамати билан уни кўзи туғма кўр бўлишига қарамай Дхритараштрага унаштирдилар. Шиванинг дуоси билан у юз ўғилга она бўлиши лозим эди. Бўлғуси эрининг кўзи кўр эканини эшитиб, у ўзининг умр йўлдоши изидан боришга ва ўз ихтиёри билан кўр бўлишга қарор қилди. У кўзларини бир неча қават ипак парда билан боғлаб олди, акаси Шакуни уни Дхритараштрага эрга берди. У ўз даврининг энг гўзал аёлларидан бири, бунинг устига ажойиб фазилатлар соҳибаси эди, шу боис у бутун Курулар саройининг муҳаббатига сазовор бўлди. Лекин, шунча ажойиб фазилатларга эга бўлса ҳам, унда барибир табиий равишда аёлларга хос бўлган ожизлик бор эди, шу боис у Кунтининг ўғил фарзанди туғилганда унга ҳасад қила бошлади. Икки малика ҳам ҳомиладор эди, аммо Кунти биринчи бўлиб ўғил фарзанд кўрди. Шунинг учун Гандхарининг бундан қаттиқ ғазаби қайнаб, жаҳли билан қорнини муштлай бошлади. Натижада ундан бир парча гўшт туғилди холос. У Вйасадеванинг содиқ хизматкори бўлгани учун, унинг кўрсатмаси билан ана шу гўшт парчасини юз қисмга бўлдилар, шу бўлақлар вақт ўтиши билан эркак жинсидаги болалар бўлиб ривожлана бошладилар. Шу тарзда унинг юз фарзанднинг онаси бўлиш истаги рўёбга чиқди, ва у ўз фарзандларини ўзининг юксак мартабасига мос равишда тарбиялади. Курукшетрада жанг бошланишидан олдин саройда бўлиб ўтган сиёсий машмашаларда у Пандузодаларга қарши жанг қилишга қарши эди, аксинча, ана шу қирғинбарот уруш бошланишида у ўзини эри Дхритараштрани айблади. У салтанатни икки қисмга бўлишларини – бир қисмини Пандузодаларга, бошқасини унинг ўғилларига беришини истаганди. Курукшетрадаги жанг майдонида барча ўғилларининг ҳалок бўлиши уни қаттиқ қайғуга солди, шу боис у Бхимасена ва Юдхистхирани дуои-бад қилмоқчи бўлди, аммо Вйасадева уни бундай қилишдан тўхтатиб қолди. Дурйодхон ва Духшасан ҳалок бўлгандан кейин у ўзининг қалбини тимдалаётган мусибатини Парвардигор

Шри Кришнага гапириб берди, Кришна унга илохий илм бериб, овутди. Карнанинг ҳалок бўлиши ҳам уни каттиқ қайғуга солди, у Карнанинг бева хотинининг чекаётган изтиробларини Кришнага таърифлаб берди. Шрила Вйасадева унинг ҳалок бўлган ўғилларининг жаннатга кўтарилиб бораётганини кўрсатиб уни овутди. У ўзининг эри билан бирга Ганга бошланадиган жойларда Ҳимолай тоғларида ўрмонга кетган ёнғинда ҳалок бўлди. Уларнинг дафн маросимларини Махараж Юдхйиштхира ўтказди.

Притха. Махараж Шурасенанинг қизи, Парвардигор Кришнанинг отаси Васудеванинг синглиси. Кейинчалик уни Махараж Кунтибходжа асраб олди, шундан бошлаб уни Кунти деб атай бошладилар. У – Худо Шахсининг омад келтирувчи қуввати мужассам бўлган зот. Шоҳ Кунтибходжанинг саройига самовий зотлар келиб турардилар, Кунти уларни муносиб кутиб олиш билан машғул эди. Бундан ташқари у буюк донишманд-сеҳргар Дурваса Мунига хизмат қиларди; унинг хизматидан мамнун бўлган сеҳргар унга бир мантра совға қилди, бу мантра ёрдамида у истаган фариштасини олдига чақира оларди. Қизиққанидан у шу заҳотиёқ олдига Қуёш фариштасини чақирди, фаришта у билан қовушишни истаб қолди, лекин у бунга рози бўлмади. Лекин Қуёш фариштаси у ўзининг бокиралигини сақлаб қолишига ишонтирди, шундан кейин Кунти унинг таклифига рози бўлди. Натижада у ҳомиладор бўлиб, Карнани туғди. Қуёш фариштасининг марҳамати билан у яна бокира қиз бўлиб олди, лекин ота-онасининг ғазабидан қўрқиб, янги туғилган Карнани дарёга оқизиб юборди. Кейинчалик у ўзига Пандуни қуёв қилиб танлади. Вақт ўтиб, Панду оилавий ҳаётни тарк этиб, таркидунёлик қилиб яшашга қарор қилди. Кунти эрининг таркидунё қилишига қаршилиқ қилди, ниҳоят Махараж Панду унга бошқа бир муносиб зотлардан фарзандлар кўришни таклиф қилди. Аввалига Кунти эрининг бу таклифини қабул қилмади, аммо Панду бунга ишончли мисоллар келтириб уни ишонтиргандан кейин у рози бўлди. Дурваса Муни берган мантрадан фойдаланиб, у Дхармараджани олдига чақирди, Кунти ундан Юдхйиштхирани туғди. Кейин у шамол фариштаси Вайуни чақирди, ундан Бхимасена туғилди, осмон шоҳи Индрани чақириб, ундан Аржунни туғди. **Унинг бошқа икки фарзанди - Накула ва Сахадевани – Пандунинг ўзидан Мадри туғди.** Махараж Пандунинг бевакт ўлими Кунтининг шу қадар оғир мусибатга солдики, у ҳушидан кетиб қолди. Шоҳнинг хотинлари Кунти билан Мадри шундай қарорга келдилар: беш фарзандни вояга етказиш учун Кунти тирик қолади, Мадри эса сати маросими ўтказиб, ўз ихтиёри билан эри билан биргаликда дафн гулханига қиради. Уларнинг бу қарорини шу

ерда иштирок этаётган буюк донишмандлар, шу жумладан Шатасринга ҳам маъқуладилар.

Кейинчалик Дурйодхоннинг маккорликлари билан Пандузодаларни салтанатдан чиқариб юборганларида Кунти фарзандлари билан бирга кетди ва улар билан бирга барча машаққатларга сабр билан бардош берди. Улар ўрмонда яшаганида иблис қиз Хидимба Бхиманинг уни ўзига хотин қилиб олишини истаб қолди. Бхима унинг бу илтимосини рад этди, кейин қиз бу илтимосини Кунти билан Юдхйиштхирага айтганда, улар Бхимага унинг таклифини қабул қилишни ва унга ўғил фарзанд совға қилишни буюрдилар. Ана шу никоҳ натижасида Гхатоткач дунёга келди, кейинчалик у отаси билан бирга Куруларга қарши жасорат билан жанг қилди. Ўрмонда улар бир брахманнинг оиласи билан қўшни яшадилар, уларнинг оиласига Бакасура деган иблис каттиқ ташвиш келтирарди, Кунти Бхимага ана шу иблис Бакасурани ўлдиришни ва брахманнинг оиласини бу ташвишлардан халос этишни буюрди. Юдхйиштхирага Панчаладешага йўл олишни айнан Кунти таклиф этган эди. Шу ерда Аржун Драупадининг қўлини ютиб олган эди, аммо Кунтининг амри билан Пандузодаларнинг ҳаммаси Панчали(Драупади)нинг тенг ҳуқуқли эри бўлдилар. Драупадининг беш Пандузода билан никоҳдан ўтиш маросимида Вйасадева ҳам иштирок этди. Кунтидеви ўзининг тўнғич фарзанди Карнани сира унута олмасди, Курукшетрадаги жанг майдонида у ҳалок бўлганида у ўғлининг жасади устида мотам тутар экан, қолган ўғилларига очиқ ҳақиқатни – Карна унинг ҳали Махараж Пандуга эрга чиқишдан олдин тукқан биринчи фарзанди эканини гапириб берди. Курукшетрадаги жанг тугагандан кейин унинг Парвардигор Шри Кришна уйига жўнаб кетишидан олдин Унга қилган илтижолари батафсил таърифланган. Кейинчалик у Гандхари билан бирга каттиқ риёзатга берилиш учун ўрмонга йўл олди. У ҳар ўттиз кунда бир марта овқатланарди, кейин Парвардигор ҳақида чуқур мулоқабатга ғарқ бўлиб, ўрмонга кетган ёнғин ичида ҳалок бўлди.

Драупади. Махараж Друпадининг покдомон қизи, Индранинг хотини фавриштанинг Шачининг қисман мужассам бўлган тимсоли. Донишманд Йаджа раҳбарлиги остида Махараж Друпада буюк қурбонлик маросими ўтказди. Биринчи марта гулханга эҳсон қилинганда Дхриштадйумна дунёга келди, иккинчи марта эҳсон қилинганда – Драупади. Шу тарзда у Дхриштадйумнанинг синглиси бўлди, унинг бошқа бир исми – Панчали. У Пандузодаларнинг умумий хотини эди, уларнинг ҳар бирига у биттадан ўғил туғиб берди. Махараж Юдхйиштхирада у Пратибхитани туғди, Бхимасенадан – Сутасомани, Аржундан – Шрутакиртини, Накуладан – Шатаникани, Сахадевадан – Шрутакармани туғди. Уни гўзалликда ўзининг қайнонаси Кунтига тенг

бўлган соҳибжамол аёл деб таърифлайдилар. У дунёга келганда самодан овоз келиб, у кўплаб кшатрийларни яксон қилиш учун дунёга келганини башорат қилди. Шанкаранинг дуоси билан у ўзларининг фазилатлари билан бир бирига тенг бўлган беш эркакнинг хотини бўлди. У ўзига эр танламоқчи бўлганида саройга дунёнинг ҳамма чеккасидан шоҳ ва шаҳзодалар тўпландилар. У Пандузодаларга ҳали улар ўрмонда қувғинда юрган пайтида эрга чиққан эди, улар уйларига қайтиб келгандан кейин шоҳ Друпادا уларга кизининг сепи сифатида катта бойлик совға қилди. Дхритараштранинг барча келинлари уни яхши қабул қилиб олдилар. Қимор ўйинида гаровга тикилиб, ютқазилгандан кейин уни ўйин бўлиб турган мажлислар залига куч билан зўрлаб олиб чиқдилар, шу ерда Бхишма ва Дрона сингари кекса зотлар иштирок этаётганига қарамай Духшасана уни ечинтирмоқчи бўлди. Драупади Парвардигор Шри Кришнанинг буюк содиғи эди, унинг илтижоларини инобатга олиб, Парвардигор уни бундай ҳақоратдан қутқариб қолиш учун Ўзи унинг чексиз узун сарисига айланди. Уни иблис Жатасура ўғирлаб кетди, аммо унинг иккинчи эри Бхимасена иблисни ўлдириб уни қутқариб олди. Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати билан у Пандузодаларни Махариши Дурвасанинг ғазабидан қутқариб қолди. Пандузодалар Вират саройида яширин ҳолда яшаб юрганларида унинг тенгсиз гўзаллиги Кичакани ўзига мафтун қилди, аммо Бхима ташкил этган режа бўйича ярамас Кичак Бхиманинг кўлидан ҳалок бўлиб, Драупади қутулиб қолди. Ашваттхама унинг беш ўғлини ўлдирганида у чуқур мусибатга тушиб, каттиқ изтироб чекди. Умрининг охирида у Юдхиштҳира ва бошқа эрлари билан бирга эди, аммо тубанликка қулади. Юдхиштҳира унинг қулашининг сабабини тушунтириб берди, лекин жаннатга кўтарилганда у Драупадини шу ерда равақ фариштаси мартабасида улғувор ҳолатда ўтирганини кўрди.

Субхадра. Васудеванинг қизи ва Парвардигор Шри Кришнанинг синглиси. У нафақат Васудеванинг суюкли қизи бўлиб қолмасдан, Кришна билан Баладеванинг суюкли сингиллари эди. Икки ака-ука ва Уларнинг синглиси Пуридаги машҳур эҳромда Илоҳ сифатида тасвирланган, шу ерга ҳали ҳозиргача ҳар куни минглаб зиёратчилар борадилар. Бу эҳром Парвардигорнинг қуёш тутилганда Курукшетрага бориши ва шу ерда Унинг Вриндаван аҳолиси билан учрашиши шарафига қурилган. Ана шу жойда Радха билан Кришнанинг энг ҳаяжонли учрашуви бўлиб ўтган, Радхаранининг жазавали ҳолатига тушиб қолган Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабҳу хамиша Жаганнатха Пуридаги Кришнани соғиниб юрарди. Аржун Дваракага борганида Субхадра унинг хотини бўлишини истаб қолган ва бу истагини Парвардигор Шри Кришнага айтганди. Парвардигор Шри Кришна акаси Баладева

Субхадрани бошқа бировга унаштирмоқчи бўлаётганидан хабардор эди, Баладеванинг истагига қарши чиқишни Ўзига эп кўрмай, Кришна Аржунга Субхадрани ўғирлаб кетишни таклиф қилди. Қизлар Раивата тепалигида сайр қилиб юрганида Кришнанинг режаси бўйича Аржун Субхадрани ўғирлаб кетди. Шри Баладева Аржундан каттиқ ғазабланиб, уни ўлдирмоқчи бўлди, аммо Парвардигор Шри Кришна акасига ялиниб, Аржунни кечиришни илтимос қилди. Шундан кейин Субхадра барча қонун-қоидалар асосида Аржунга эрга чиқди ва Абхиманйуни туғди. Абхиманйунинг бевакт ўлими уни каттиқ қайғуга солди, аммо кейинчалик у Парикшитнинг дунёга келишидан овуниб, жуда хурсанд бўлди.

5. Улар қалблари қувончга тўлиб, худди ҳаётга қайта келгандек бўлиб уни шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Улар бир-бирларига таъзим қилиб, қучоқлашиб кўришдилар.

Изоҳ: Инсон ҳушидан кетган онгсиз ҳолатида унинг танасининг барча аъзолари ҳаракатдан тўхтайдди, у ўзига келиб, онги қайта тикланганда барча сезгилари фаол ҳаракат қила бошлайди, унинг ҳаёти ҳам қувончга тўлади. Курулар хонадонига Видура шунчалик кадрдон эдики, унинг узоқ вақт улар билан бирга бўлмаганлиги бу ерда худди сезгиларнинг ҳаракатдан тўхтаб қолиши билан тенглаштирилган. Уларнинг ҳаммаси Видура билан бўлган ҳижрон азобини ўзларида чуқур ҳис қилардилар, шунинг учун унинг қайтиб келиши саройдагиларнинг ҳаммасини жуда қувонтирди.

6. Шунча ташвишларни ва узоқ ҳижрон азобини бошидан кечиргандан кейин, уларнинг қалби шодликка тўлиб, кўзларидан меҳр ёшлари оқарди. Шоҳ Юдхиштҳира Видурани барча қоидаларга риоя қилиб муносиб кутиб олди.

7. Ажойиб меҳмондорчиликдан сўнг Видура дам олди, кейин шоҳ уни қулай ўриндиққа ўтқазиб, унга мурожаат қилди, қолганлар ҳам уларнинг суҳбатини диққат билан тингларди.

Изоҳ: Шоҳ Юдхиштҳира ҳар қандай меҳмонларни, ҳатто улар ўзининг қариндошлари бўлса ҳам, кутиб олишга жуда уста эди. Оиланинг барча аъзолари Видурани шодлик билан кутиб олдилар, у билан қучоқлашиб кўришдилар, бир-бирларига таъзим қилдилар. Шундан сўнг у ювиниб покланди, уни ширин таомлар билан меҳмон қилдилар, кейин унинг дам олишига имкон бердилар. Кейин унга қулай ўриндиқ таклиф қилиб, шоҳ у билан оилада ва дунёда бўлиб ўтган ишлар ҳақида суҳбатлаша бошлади. Севимли дўстни, ҳатто душманларни ҳам кутиб олиш тартиби шундай. Ҳиндистон ҳалқи амал қиладиган

маданият қонунлари бўйича инсон ўзининг уйида ҳатто душманини ҳам шундай яхши кутиб олиши лозимки, у ҳеч қандай хавотирга тушмасин. Аслида душман ҳамиша ўзининг душманидан кўриб, хавотирга тушиб юради, аммо душманининг уйида меҳмон бўлганида бундай бўлмаслиги керак. Демак, маданиятли инсон уйига меҳмон сифатида кутиб олган ҳар бир инсонга худди ўзининг қариндошидай муносабатда бўлиши лозим. Албатта, ҳамиша бу хонадонга фақат яхшилиқни раво кўриб юрган оиланинг Видурадай аъзоси ҳам шундай кутиб олишга муносиб зот эди. Шундай қилиб, оиланинг барча аъзолари иштирокида Махараж Юдҳиштҳира унга мурожаат қилди.

8. Махараж Юдҳиштҳира шундай деди: Амакижон, сен ҳамиша онамиз билан бизларни ҳар хил офатлардан қутқариб юрганинг эсингдами? Худди, полапонларини ўзининг қаноти остида асрайдиган қушдай сенинг кўрсатган алоҳида меҳрибонлигинг бизларни захарланишдан, ёнғинда қолиб кетишдан қутқариб қолганди.

Изоҳ: Панду ёшлигида оламдан ўтгани сабабли оиланинг барча ёши катта аъзолари, айниқса Бхишмадева ва Махатма Видура унинг ёш етим қолган болаларига ва унинг беваасига алоҳида ғамхўрлик қилардилар. Видура Пандузодаларга жуда меҳрибонлик қиларди, чунки улар сиёсий жиҳатдан алоҳида мавқега эга эдилар. Гарчи Дхритараштра Махараж Пандунинг ёш болаларига ҳам бир хилда ғамхўрлик қилаётган бўлишига қарамай, барибир у қандайдир сиёсий хийла-найранглар ёрдамида Пандунинг авлодларини яқсон қилишни ва ўз ўғилларини салтанат ҳукмдорлари сифатида тарбиялаб, Пандузодаларнинг ўрнига ўзининг ўғилларини кўйишга интилиб юрган кишилар тарафида эди. Махатма Видура Дхритараштра ва унинг ҳамтовоқларининг хийла-найрангларини яхши биларди, гарчи у ақаси Дхритараштрага садокат билан хизмат қилса ҳам, Дхритараштранинг фақат ўз ўғилларининг манфаатини кўзлаб қилаётган худбинларга хос сиёсий найранглари унга сира ёқмасди. Шунинг учун у ҳамиша Пандузодаларни ҳамда уларнинг бева қолган онасини ҳимоя қилишга интиларди. Шундай қилиб, гарчи ўзи уларга бўлган муносабатлари орасидаги фарқни сезмаса ҳам, у гўё Дхритараштранинг ўғилларидан кўра кўпроқ Пандузодаларга боғланиб қолгандай эди. У ўзининг жиянларининг ҳар икки гуруҳига ҳам бирдай меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўларди, шунинг учун амакиларига қарши уюштираётган сиёсий найранглари учун ҳамиша Дурйодханни койирди. У ақасини ҳамиша танқид қилиб, уни ўз ўғилларининг хийла-найрангларини қўллаб қувватлашда айбларди, унинг ўзи эса ҳамиша Пандузодаларга ёрдам беришга тайёр

бўлиб юрарди. Саройдаги ана шу машмашаларда Видура ўзини қандай тутишидан унинг ҳамиша Пандузодаларга ён босиши яққол кўриниб турарди. Махараж Юдҳиштҳира аввал, ҳали Видура уйни тарк этиб узоқ давом этган зиёратга кетмасдан олдин бўлиб ўтган воқеаларни эслади. Махараж Юдҳиштҳира унга у ўзининг жиянларига ҳатто оиланинг бошига тушган оғир мусибат – Курукшетардаги қирғинбарот урушдан кейин ҳам жуда меҳрибонлик билан ғамхўрлик қилганини эслатиб кўйди.

Курукшетрадаги жангдан олдин Дхритараштра ўзининг жиянларини тинчлик йўли билан йўқ қилиш сиёсатини олиб борди, бунинг учун Пурочанага Варанаватада бир иморат қуришни буюрди. Бино қурилиши тугаганида Дхритараштра унга бироз вақтга уқасининг оиласини жойлаштириш истагини билдирди. Шох хонадонининг барча аъзолари иштирокида Пандузодалар шу уйга йўл олаётганларида Видура усталик билан уларга Дхритараштранинг найрангларини ошкор этди. Бу "Маҳобҳорат"(Ади-парва 114)да ёзилган. Видура уларни огоҳлантириб шундай деди: "Темирдан ёки бошқа бирор моддий унсурдан қилинган қурол душманни ўлдириш учун етарлича ўткир бўлиши мумкин. Аммо, буни билган кишини бу қурол билан ўлдириб бўлмайди". Бу билан у аслида Пандузодаларни ўлимга маҳкум этиш учун Варанаватага юбораётганларини, шу боис Юдҳиштҳира ўзининг янги саройида жуда эҳтиёт бўлиши кераклигини билдириб кўйди. У яна ёнғиндан ҳам хабар берган эди: олов руҳни ёндира олмайди, лекин моддий танани яқсон қилиши мумкин. Руҳини эҳтиёт қилган киши тирик қолиши мумкин. Махараж Юдҳиштҳира билан Видура орасида бўлиб ўтган бу ғалати гап алмашишларни Кунти тушунмасди, шунинг учун у ўғлидан бу савол жавобнинг мазмунини тушунтириб беришни илтимос қилди. Юдҳиштҳира айтдики, Видуранинг гапларида улар яшагани кетаётган уйда ёнғин содир бўлиши мумкинлигини билдирадиган маъно бор. Кейинчалик, ташқи кўринишини ўзгартириб, Видура Пандузодаларнинг олдига келди ва уларга саройбон ой тўлишган кундан кейин ўн тўртинчи кунда уйга ўт беришни режалаштирганини билдирди. Дхритараштра шу тарзда Пандузодаларни ва уларнинг онасини ўлдиришни ўйлаб кўйган эди. Аммо, Видуранинг берган хабари билан Пандузодалар ер ости орқали уйдан кетиб, ҳалокатдан қутулиб қолдилар, Дхритараштра ҳатто уларнинг кетганини билмай ҳам қолди. Шунинг учун уйга ёнғин кетгандан кейин Курулар Пандузодаларнинг ҳалок бўлганига шунчалик ишончлари комил эдики, Дхритараштра қалби қувончга тўлиб уларнинг дафн маросимларини ўтказди. Мотам кунлари саройда Пандузодаларнинг ёнғиндан қутулиб, соғ-саломат яшириниб юрганини биладиган Видурадан бошқа

хамма қаттиқ изтироб чекарди. Бундай бахтсизликлар жуда кўп эди, ҳар гал Видура бир томондан Пандузодаларни ҳимоя қилар, иккинчи томондан ўзининг акаси Дхритараштрани бундай найранглардан тўхтатиб қолишга уринарди. Шундай қилиб, у худди ўзининг полапонларини қаноти билан қўриқлаб юрадиган она қуш сингари, Пандузодаларнинг тақдирида ҳамиша алоҳида муҳим ўрин эгаллаб юрарди.

9. Узоқ жойларда саёҳат қилиб нималарни бошингдан кечирдинг, қандай тирикчилик қилдинг? Қайси муқаддас жойларда, қайси зиёратгоҳларда ва қаерларда Худога хизмат қилдинг?

Изоҳ: Видура оила ташвишларидан узоқлашиш, айниқса сиёсий ҳийла-найранглардан узоқ юриш учун саройни тарк этиб кетган эди. Аввал айтганимиздек, гарчи неvara ўзининг бувисига эркаланиб уни ҳар хил номлар билан айтишига йўл қўйилса ҳам, Дурйодхана уни шудранининг ўғли деб аташ билан уни ҳақорат қилган эди. Видуранинг онаси шудрани бўлса ҳам, у Дурйодхана учун буви бўларди, буви билан неvara орасида бундай ҳазилларга баъзида йўл қўйилади. Аммо Дурйодхананинг бу гаплари аниқ фактларга асосланган бўлгани учун унинг гаплари Видурага оғир ботди, шу боис у буни очик ҳақорат деб билди. Шунинг учун у отасининг уйини тарк этишга ва таркидунёлик қилишга тайёрланишга қарор қилди. Мана шундай тайёрланиш даври ванапрастха-ашрам, яъни оилавий ишларни тарк этиш ва бу дунёдаги муқаддас зиёратларга боришга бағишланган ҳаёт деб аталади. Ҳиндистоннинг муқаддас зиёратгоҳлари: Вриндаван, Хардвар, Жаганнатха Пури ва Праягда Худонинг жуда кўп содиқлари яшайдилар, руҳий юксалишга интилиб юрганлар учун бу жойларда ҳозир ҳам бепул ошхоналар мавжуд. Махараж Юдхистхира Видурадан ана шундай ошхона(чхатр)лардан овқатланиб юрган-юрмаганини билиб олмоқчи бўляпти.

10. Эй ҳукмдорим, Парвардигорнинг сенга ўхшаган содиқ хизматкорлари аслида муқаддас жойлар тимсолидирлар. Сен Худо шахсини ҳамиша ўз қалбингда олиб юрасан, шу боис, сен қадаминг етган жойнинг ҳаммасини саждагоҳга айлантirasан.

Изоҳ: Бутун фазо бўйлаб тарқалган электр қуввати сингари ўзининг ҳамма жойга тарқалган турли хил қувватлари ёрдамида Худо Шахси ҳамма жойга сингиб кетган. Парвардигорнинг Видурага ўхшаган асл содиқлари Парвардигорнинг иштирокини ҳамма жойда ҳис қилиб юрадилар, худди электр қуввати лампада намоён бўлганидай, Парвардигор ҳам ўзининг содиқларида намоён бўлади. Видура сингари Худонинг асл содиқ

хизматкори Парвардигорни ҳамиша, ҳамма нарсада ҳис қилади. У ҳамма нарсани Парвардигорнинг қувватида, Парвардигорнинг ўзини ҳамма нарсада кўриб юради. Бутун дунёдаги барча муқаддас зиёратгоҳлар Худонинг беғубор пок содиқ хизматкорларининг иштирокидан қувват олиб одамларнинг булганган онгини поклаш учун мўлжалланган. Муқаддас зиёратгоҳга келган киши шу ерда Худонинг асл содиқ хизматкорларини излаб топиши, улардан насихатлар олиши, ўзининг кундалик ҳаётида уларга амал қилишга интилиши ва шу билан бутунлай озодликка эришишга – Худонинг даргоҳига қайтишга тайёрланиши лозим. Муқаддас зиёратгоҳларга бориш шунчаки фақат Ганга ёки Йамунада чўмилиш ва шу ерда жойлашган эҳромларга киришдан иборат эмас. Шу жойларда Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа бирор мақсади бўлмаган Видура сингари Худонинг содиқларининг вакиллари излаб топиш керак. Ана шундай содиқларнинг кармали фаолият ва фалсафий изланишлардан асар ҳам бўлмаган соф садоқат билан хизмат қилиши шарофати билан Худо Шахси ҳамиша уларнинг қалбидан жой олган бўлади. Улар ҳақиқатан ҳам, масалан, тинглаш ва такрорлаш орқали ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрадиган зотлардир. Худонинг асл содиқ хизматкорлари ишончли зотларнинг гапларини тинглайдилар ва улардан Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақида эшитганларини такрорлаб, Худони шарафлаб куйлаб ва таърифлаб юрадилар. Махамуни Вйасадева Нарада Мунининг гапларини тинглади, кейин унинг гапларини ўзининг асарларида такрорлади, Шукадева Госвами эса уларни ўзининг отасидан эшитиб, Махараж Парикшитга гапириб берди. "Шримад Бхагаватам" шу тариқа авлоддан авлодга ўтиб келган. Шундай қилиб, Парвардигорнинг асл содиқлари ўзларининг иштироки билан ҳар қандай жойни муқаддас зиёратгоҳга айлантира оладилар, фақат уларнинг шарофати билан муқаддас зиёратгоҳлар муқаддас даргоҳ деб аталишга муносибдирлар. Парвардигорнинг ана шундай асл содиқлари, муқаддас саждагоҳнинг обрўсидан фойдаланиб, ўзларига мол-дунё тўплаб олишга интилиб юрган баъзи бир имонсиз таъмагирларнинг бемаъни ҳатти-ҳаракатларидан нопок бўлган эски саждагоҳлар нари турсин, бошқа ҳар қандай жойнинг муҳитини ҳам поклашга кодирдирлар.

11. Эй тоға, сен албатта Дваракага ҳам кирган бўлсанг керак. Бу муқаддас жойда бизнинг дўстларимиз, биродарларимиз ва ҳамиша Парвардигор Шри Кришнага хизмат қилиш билан машғул бўлган Йаду хонадонининг авлодлари яшайди. Балки сен уларни кўргандирсан ёки улар ҳақида эшитгандирсан. Улар ўзларининг уйларида яхши юрибдиларми?

Изоҳ: Мазкур шеърда кришна-деватаҳ, яъни “ҳамиша Парвардигор Шри Кришнага хизмат қилиш билан банд бўлиб юрган киши” иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Йадавалар ва Пандузодаларнинг ҳаммаси ҳамиша Парвардигор Шри Кришна ва Унинг ҳар турли илоҳий фаолияти ҳақидаги фикр мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юрганлари учун, улар ҳам Видура сингари Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорлари эдилар. Видура ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай бағишлаш учун уйини тарк этган эди, аммо Пандузодалар ва Йадавалар ҳамиша Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрардилар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг ана шундай содиқ хизматкорлари бир хил сифатларга эга бўладилар. Худонинг асл содиқ хизматкори уйда қоладими, ёки уни тарк этадими, у ҳамиша Кришна ҳақида ижобий равишда, яъни У – Худонинг Мутлақ Шахси эканини назарда тутган ҳолда эҳтиром билан ўйлаб юради. Камса, Жарасандха, Шишупала ва уларга ўхшаган иблислар ҳам ҳамиша Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юргандилар, аммо улар Кришна ҳақида бошқача тарзда, ҳурматсизлик билан, яъни уни фақат қандайдир қудратли инсон деб ўйлаб юрарди. Демак, Камса билан Шишупала Видура, Пандузодалар ва Йадавалар сингари Парвардигорнинг асл содиқлари билан бир поғонада эмаслар.

Махараж Юдхитхира ҳам Парвардигор Шри Кришна ҳамда Унинг Дваракадаги ҳамроҳлари ҳақидаги ўйларга ҳамиша ғарқ бўлиб юрарди. Акс ҳолда у улар ҳақида Видурадан сўраб ўтирмасди. Демак, гарчи бутун жаҳон империясининг ҳукумат ишлари билан банд бўлиб юришига қарамай Махараж Юдхитхира ҳам Худога садоқат билан хизмат қилишда Видура билан бир хил поғонада турган зот эди.

12. Махараж Юдхитхиранинг саволларига жавобан Махатма Видура ўзининг бошидан ўтган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасини биринкетин гапириб берди, аммо, Ядулар хонадонининг яксон бўлгани ҳақида индамади.

13. Бошқаларнинг дардига ҳамдард бўлган Махатма Видура учун Пандузодаларнинг мусибатга тушишини кўриш жуда оғир эди. У чидаб бўлмас даражада нохуш бўлган бу маъшум хабарни уларга айтмади, бинобарин, мусибатлар ҳақидаги хабар ўз - ўзидан етиб келаверади.

Изоҳ: “Нити-шастра”(фуқаролик қонунлари)га кўра бошқаларга мусибат келтириш ниятида аччиқ ҳақиқатни гапирмаслик керак. Табиат қонунларига асосан бизларга мусибат ўзидан ўзи келаверади, шундай экан, ҳар хил маъшум хабарларни тарқатиш билан унинг келишини қўллаб-

қувватламаслик керак. Видура бошқаларга, айниқса ўз жиянларига нисбатан жуда ҳамдард, меҳрибон инсон эди, шунинг учун уларга Йадавалар хонадонининг ҳалок бўлиши сингари аччиқ ҳақиқатни гапириш унинг учун жуда оғир эди, шу боис у атайлаб бу ҳақда гапирмади.

14. Шундай қилиб, барча қариндошлари авлиё инсон сифатида ҳурмат қиладиган Махатма Видура фақат ўз оғаси (Дхритараштра)нинг ҳаёт ҳақидаги фикрларига таъсир қилиш ва шу билан бирга қолганларни ҳам қувонтириш ниятида бироз вақтга шу ерда қолди.

Изоҳ: Видура сингари авлиё инсонларни худди жаннатий зотлар сингари ҳурмат қилиш лозим. Ўша даврларда жаннатдан келган фаришталар Махараж Юдхитхира сингари тақводор инсонларнинг уйларига келиб турганлар, баъзи одамлар эса, масалан Аржун, жаннатга вақти-вақти билан кўтарилиб турганлар. Нарада Муни – нафақат моддий, ҳатто руҳий сайёраларга ҳам бемалол саёҳат қилишга кодир бўлган космонавт ҳисобланади. Махараж Юдхитхира саройига жаннатдаги бошқа фаришталардан ташқари ҳатто Нарада Муни ҳам ташриф буюрган. Фақат руҳий маданият қонунлари асосида турмуш кечириш инсонга ҳатто ўзининг ҳозирги танасида ҳам сайёраларо саёҳат қила олиш имконини беради. Шунинг учун Махараж Юдхитхира Видурани худди жаннатдан келган фаришталардай ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди.

Махатма Видура таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилган эди, шу боис у саройга моддий қулайликлардан фойдаланиб яшаш учун келмаганди. У камтарин ҳолда Махараж Юдхитхира таклиф қилган нарсаларни қабул қилди, лекин унинг саройда бўлишидан кўзлаган асосий мақсади дунёвий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолган акаси Дхритараштрани озодликка чиқариш эди. Дхритараштра Махараж Юдхитхира билан бўлган жангда бутун салтанатидан ҳамда барча авлодларидан айрилган эди, лекин ўзини ночор аҳволга тушиб қолган ҳис қилиб, ундан садақа олишдан ва Юдхитхиранинг меҳмондўстлигидан фойдаланишдан уялмасди. Махараж Юдхитхира учун ўзининг тоғасига ҳамхўрлик қилиш табиий ҳол эди, аммо Дхритараштра унинг олижаноблик билан кўрсатаётган меҳмондўстлигидан фойдаланмаслиги керак эди. У бундан бошқа йўли йўқ деб ҳисоблаб, шунга рози бўлган эди. Видура фақат Дхритараштрага руҳий илм бериш ҳамда уни руҳий юксалишнинг юқорироқ поғонасига кўтариш учун келган эди. Илмли кишиларнинг бурчи – адашган одамларни озодликка чиқариш; Видура шунинг учун келган эди. Аммо руҳий мавзудаги суҳбатлар шунчалик поклаш қудратига эгаки, Видуранинг Дхритараштрага берган насихатлари оиланинг барча аъзоларининг диққатини ўзига жалб этди, уларнинг ҳаммаси

унинг гапларини узлуксиз тинглаб илоҳий лаззат олардилар. Рухий илм ўрганишнинг йўли шундай. Рухий хабарларни диққат билан тинглаш лозим, **агар бу хабарлар рухий ўзлигини англаб етган кишидан чиқаётган бўлса**, шартланган рухнинг ухлаб ётган қалбига албатта таъсир кўрсатади. Бундай насихатларни мунтазам тинглаб юриш инсонга рухий ўзликни англашнинг мукаммал поғонасига кўтарилиш имконини беради.

15. Мандукйа Муни қарғишига учраган Видура ер юзида шудра ролини ижро этиб юрар экан, Арйама унинг Ямараж(Азроил)лик вазифасини бажариб, гуноҳкорларни жазолаб турарди.

Изоҳ: Акалари Дхритараштра ва Пандудан фаркли равишда, шудра аёл қорнидан дунёга келган Видурага шоҳона мероснинг бирор қисми етишмасди. Шундай экан, қандай қилиб у Дхритараштра ва Махараж Юдҳиштҳира сингари шоҳ ва кшатрийларга насихат бера оладиган тарғиботчи мартабасига эга бўлган? Биринчидан, гарчи Видура шудрадан туғилган деб ҳисобланса ҳам, Майтрея Ришидан рухий илм эгаллаш ниятида таркидунё қилиб, илоҳий илмни мукаммал даражада эгаллади, шунинг учун у энди бемалол рухий устоз, ачарйа бўлиши мумкин эди. Шри Чайтаня Махапрабху айтганидек, илоҳий илмни, яъни Худо ҳақидаги илмни эгаллаган ҳар қандай инсон – хоҳ у браҳман ёки шудра, оилали ёки саннийаси бўлсин, - рухий устоз бўлишга муносиб зот ҳисобланади. Ҳатто(буюк сиёсатчи ва одоб-ахлоқ билимдони Чанакя Пандит ўрнатган) дунёвий ахлоқ қонунида айтилганки, агар фойдаси тегса, ҳатто шудрадан ҳам пастроқ табақадан чиққан кишининг насихатидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу жавобнинг биринчи томони. Иккинчи томони шундан иборатки, аслида Видура шудра эмасди. Мандукйа Муни қарғишига учрагани учун у юз йил давомида шудра ролини ижро этиши лозим эди. У ўн икки махажандан биттаси ҳисобландиган Йамаражнинг мужассам бўлган тимсоли, шу боис маъбуд Браҳма, Нарада Муни, Шива, Капила, Бхишма, Прахлада сингари улуғвор шахслар билан бир хил поғонада турадиган зот эди. Аммо Йамараж ўзининг салтанатида ҳамиша гуноҳкорларни жазолаш билан банд. Парвардигор Йамаражга гуноҳкор зотларни ўлиmidан кейин Ер сайёрасидан бир неча минг километр узокда жойлашган алоҳида сайёрасига олиб кетишни ва шу ерда уларни қилган гуноҳлари учун жазолашни буюриб қўйган. Шунинг учун гуноҳкорларни жазолашдай маъсулиятли иш билан банд бўлган Йамаражнинг ўз хизматини ташлашга ҳеч қандай имконияти йўқ. Бу дунёда гуноҳкорлар такводорларга қараганда кўпчиликини ташкил этадилар. Шунинг учун Парвардигорнинг вакиллари бўлган бошқа фаришталарга қараганда Йамаражнинг ишлари кўпроқ. Лекин Йамараж ҳам Парвардигорнинг шон-шухратини олқишлаб

тарғибот қилишни истарди, шунинг учун Парвардигорнинг амри билан Мандукйа Муни уни дуои-бад қилди, натижада бу дунёда Видура киёфасида намоён бўлиб, у буюк содиқ хизматкор сифатида тинмасдан хизмат қилди. Ана шундай содиқ хизматкор ҳеч қандай *шудра*, ҳеч қандай *браҳман* бўлмайди. Худди тўнғиз киёфасида мужассам бўлиб келадиган аммо, аслида тўнғиз ҳам, маъбуд Браҳма ҳам бўлмаган Парвардигор сингари, у инсонлар жамиятининг ҳар қандай табақаларига нисбатан илоҳий поғонада бўлади. У ер юзидаги барча тирик мавжудотлардан устун туради. Баъзан, шартланган рухларни Ўзининг даргоҳига чақириш учун Парвардигор ва Унинг ваколатини олган содиқлар ҳар хил пасткаш тирик мавжудотларнинг ролини ижро этадилар, аммо Парвардигорнинг ва Унинг асл содиқ хизматкорларининг мартабаси(ҳолати) ҳамиша илоҳий даражада бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, Йамараж Видура киёфасида мужассам бўлди, унинг лавозимини эса вақтинча Кашяпа ва Адитининг сон-саноксиз ўғилларидан бири Арйама эгаллаб турди. Ўн икки Адитйалар – Адитининг ўғиллари. Арйама – улардан бири, шунинг учун у Видура киёфасига кирган Йамаражнинг ер сайёрасига юз йиллик сафари пайтида бемалол унинг ўрнини эгаллаб тура оларди. Бошқача қилиб айтганда, Видура ҳеч қачон шудра бўлган эмас, балки у ҳамиша ҳатто энг пок браҳмандан ҳам устун эди.

16. Жангда ғалаба қозониб, ўзининг салтанатини қўлга киритиб олгандан кейин, хонадоннинг ананъавий урф-одатларини давом эттиришга қодир бўлган невараси туғилганининг гувоҳи бўлган Махараж Юдҳиштҳира ўзининг укалари - оддий халқнинг тажрибали ҳукмдорлари билан бирга тенгсиз бойликдан лаззатланиб турмуш кечирарди.

Изоҳ: Махараж Юдҳиштҳира ҳам, Аржун ҳам Курукшетрадаги жанг бошлангандан кейин ўзларини жуда бахтсиз ҳис қилардилар. Лекин, улар жангда ўзларининг яқинларини ўлдиришни истамаганига қарамай, шундай қилиш улар учун Парвардигор Шри Кришна белгилаб қўйган муқаддас бурч эди. Урушда сон-саноксиз одамлар ҳалок бўлгани учун Махараж Юдҳиштҳира қаттиқ изтироб чекарди. Аслида Пандузодалардан кейин Курулар сулоласини давом эттирадиган зот йўқ эди. Ўша пайтда унинг келини Уттаранинг қорнидаги ҳомиласи бўлган чақалоқ уларнинг ягона умиди эди, лекин у ҳам Ашваттхаманинг ҳамласига дучор бўлганди. Аммо Парвардигорнинг марҳамати билан чақалоқнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шундай қилиб, ташвиш келтириб турган сабабларнинг ҳаммасини бартараф қилиб, салтанатда тинчлик ва тартиб ўрнатиб ҳамда Парикшитнинг тирик қолганини

кўриб, қалбида тўла мамнуният ҳосил қилган Махараж Юдхитхира, гарчи бу алдамчи ва ўткинчи моддий бахтга боғланмаган бўлса ҳам, ҳақиқий инсонларга ўхшаб анча енгил тортди.

17. Фикру-хаёли ҳамиша оила ташвишларига ғарқ бўлиб, уларга қаттиқ боғланиб қолган одамларни ғафлатда қолдириб, бешафқат, мангу замон билдирмасдан уларнинг умрини хазон қилади.

Изоҳ: “Ҳозир мен бахтиёрман; ҳамма ишим жойида; банкда анча пулим бор; болаларимга қолдирадиган кўчмас мулким бор; ҳаётда муваффақият қозондим; бахтиқаро саньясилар Худога таваккал қиладилар, лекин садақа сўраб менинг олдимга келадилар, демак, мен Худодан ҳам буюкман”. Оиласига қаттиқ боғланиб қолган, мангу замоннинг бетиним ўтиб бораётганини сезишга қодир бўлмаган калтафаҳм дунёвий одамнинг миясини ана шундай ўй-фикрлар чулғаб олади. Ҳар биримизнинг умримиз олдиндан аниқ белгиланган, Парвардигорнинг олий амри билан берилган ана шу умримизни атиги бир лаҳзага узайтириш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Мана шу, айниқса инсон учун жуда қадрли бўлган вақтни ақл билан сарфлаш керак, чунки бекорга кетган биргина лаҳза вақтни ҳам ҳатто оғир меҳнат билан топилган минглаб олтин тангалар ҳисобига ҳам қайтариб бўлмайди. Умрининг ҳар бир лаҳза вақтини инсон ўз ҳаётининг асосий муаммоларини ҳал қилишга, яъни 8.400.000 турли ҳаёт шаклидан иборат чархпалакка яна қайтиб тушмаслик учун бетакрор туғилиш ва ўлишларга биратўла чек қўйиш учун сарфлаши лозим. Тирик мавжудотнинг барча мусибатларининг асосий сабаби – туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексайишга маҳкум бўлган соддий тана ҳисобланади, аммо тирик мавжудотнинг ўзи мангу; у ҳеч қачон туғилмайди ва ҳеч қачон ўлмайди. Нодон одамлар мана шу муаммонинг мавжудлигини эсдан чиқариб юборадилар. Мана шу асосий ҳаёт муаммосини ҳал қилиш ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган ҳолда, мангу замон сезилмасдан бетиним ўтиб бораётганини, инсон ҳаётининг асосий муаммоси: такрор ва такрор келаверадиган туғилиш, ўлиш, касаллик ва кесайишлар муаммоси ҳал бўлмасдан ўзларининг аниқ белгилаб қўйилган умри ҳар секунд сайин тобора қисқариб бораётганидан беҳабар ҳолда улар оиласининг ўткинчи ташвишларига ғарқ бўлиб юрадилар. Мана шу алданиш, сароб деб аталади.

Аммо, ғафлат уйқусидан уйғониб, Худога садоқат билан хизмат қилишга киришган кишилар ана шу алданиш домига тушмайдилар. Махараж Юдхитхира ва унинг укалари Парвардигор Шри Кришнага хизмат қилиш билан машғул эдилар, шу боис бу моддий оламнинг алдамчи бахти уларни заррача қизиқтирмасди. Аввал айтганимиздек,

Махараж Юдхитхира Парвардигор Муқундага хизмат қилишга ғарқ бўлган эди, шунинг учун уни ҳатто жаннатий салтанатдаги ҳашаматли ҳаёт ҳам қизиқтирмасди, чунки ҳатто Браҳмалокада ҳам ҳаёт алдамчи ва ўткинчи. Тирик мавжудот мангу бўлгани туфайли у фақат эришган одам ҳеч қачон туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик такрорланиб турадиган бу оламга қайтиб келмайдиган Парвардигорнинг илоҳий салтанатининг мангу даргоҳи(*паравйома*)да бахтиёр бўла олади. Шунинг учун мангу тирик мавжудот учун ҳаётнинг қулайликлари, мангу ҳаётга кафолат бермайдиган ҳар қандай моддий бахт - шунчаки алданиш, сароб ҳисобланади. Мана шуни ҳақиқатан ҳам тушуниб етган киши – ҳақиқий илмли инсон, ана шундай билимдон киши ўзи интилаётган мақсадга – браҳма-сукхам, мутлақ бахтга эришиш учун ҳар қандай моддий бахтдан воз кеча олади. Ҳақиқий илоҳиёт кишилари ана шундай бахтга интилиб яшайдилар. Худди агар овқат бўлмаса қорни оч одамни ҳеч қандай қулайликлар бахтли қилолмагани сингари, мангу мутлақ бахтга ташна кишини ҳам ҳеч қандай моддий бахт қаноатлантира олмайди. Демак, мазкур шеърда баён этилган насиҳатлар Махараж Юдхитхира ҳамда унинг онаси ва укалари учун мўлжалланмаган. Улар Дхритараштра сингари одамларга қаратилган, Видура эса фақат унга мана шу насиҳатларни бериш учун келган.

18. Маҳатма Видура буларнинг ҳаммасини яхши биларди, шу боис у Дхритараштрага шундай гаплар билан мурожаат қилди: Эй шох, сен тезда бу ердан кетишинг керак! Бу ишни ортга суриб ўтирма! Кўряпсанми, қалбингни кўрқув туйғуси қамраб олган.

Изоҳ: Бешафқат ўлим ҳеч кимга раҳм қилмайди, хоҳ у Дхритараштра ёки ҳатто Махараж Юдхитхира бўлсин, шунинг учун кекса Дхритараштра учун айтилган бу руҳий насиҳатлар айни пайтда ҳали анча ёш бўлган Махараж Юдхитхирага ҳам тааллуқли эди. Аслида саройдаги ҳамма, шу жумладан шохнинг ўзи, унинг укалари ва онаси ҳам бу насиҳатларга диққат билан қулоқ соларди. Лекин Видура ўзининг бу насиҳатлари асосан дунёвий ҳаётга қаттиқ боғланиб қолган Дхритараштрага қаратилган эканини биларди. Айнан Дхритараштрани ифодалайдиган раджан ибораси алоҳида муҳим аҳамиятга эга. У отасининг тўнғич фарзанди эди, қонун бўйича Ҳастинапур тахтининг меросхўри у бўлиши лозим эди. Аммо туғма кўр бўлгани унга ўзининг қонуний ҳуқуқига эга бўлишига тўсқинлик қилганди. У бунга рози бўлолмасди, унинг укаси Пандунинг бевақт ўлими унинг ана шу норозилигини бироз қамайтирган эди. Укасидан бир неча кичик фарзандлар қолди, албатта Дхритараштра уларга ғамхўрлик қилди. Аммо қалбининг тўрида у ҳақиқий шох бўлишни

ва салтанат Дурйодхана бошлиқ ўзининг ўғилларига мерос қолишини истарди. Шоҳларга хос бўлган ана шу истаклар уни тахтни эгаллашга ундаганди. Дхритараштра қайниси Шакуни билан бирга ҳар хил найранглар уюштирдилар. Аммо Парвардигорнинг амри билан уларнинг ҳаммаси чиппакка чиқади. Лекин, ҳатто умрининг охирида ҳам, - ҳамма нарсасидан – одамларидан, бойлигидан айрилгандан кейин ҳам, у Махараж Юдхитхиранинг катта амакиси сифатида барибир шоҳ бўлиб қолишни истарди. Махараж Юдхитхира бурчи юзасидан Дхритараштрага шоҳона иззат-икром кўрсатарди, у эса ўзининг оз қолган умрини ўзини шоҳ деб, ёки шоҳ Юдхитхиранинг шоҳона амакиси деб ҳисоблаб алданиш домига берилиб ўтказарди. Видура, авлиё инсон ва Дхритараштранинг суюкли укаси сифатида ўзининг бурчи юзасидан уни касаллик ва кексалик уйқусидан уйғотишни истарди, шунинг учун, гарчи у шоҳ бўлмаса ҳам, унга киноя билан шоҳ деб мурожаат қилди. Бизлар ҳаммамиз мангу замон хизматкорларимиз, шунинг учун ҳеч ким бу моддий оламда шоҳ бўла олмайди. Шоҳ – ўз ҳукмини ўтказа оладиган зот. Машхур инглиз кироли вақтни ўзига бўйсундиришга уринган эди, аммо вақт унга бўйсунидан бош тортди. Шундай экан, моддий оламда инсон алдамчи шоҳ, шу боис Видура Дхритараштрага унинг мана шу алдамчи ҳолати ва айни пайтда унга тобора яқинлашиб келаётган аниқ фалокатни эслатиб қўйяпти. Видура ундан, агар у яқин келажакда жуда хатарли вазиятга тушиб қолишни истамаса, ҳозироқ бу ердан кетишни илтимос қиляпти. У бундай илтимос билан Махараж Юдхитхирага мурожаат қилаётгани йўқ, чунки у билардики, Махараж Юдхитхира сингари шоҳ бу ўткинчи қалтис дунёда бизларни кутиб турган барча хавф-хатарлардан хабардор, шу боис вақти келганда бу ҳақда ҳатто Видура уни огоҳлантирмаса ҳам, у ўзини хавф-хатардан қутқара олади.

19. Бу даҳшатли вазиятни ўзгартиришга моддий оламда ҳеч ким қодир эмас. Эй ҳукмдорим, мангу Замон(кала) қиёфасида мужассам бўлган Худонинг Олий Шахси барчамизга яқинлашиб келяпти.

Изоҳ: Бешафқат ажалнинг қўлини тўхтатиб қолишга қодир бўлган олий куч мавжуд эмас. Тана қанчалик изтироб чекмасин, ҳеч ким ўлишни истамайди. Ҳатто ҳозирги илмий тараққиёт даврида ҳам на кексаликка қарши, на ўлимга қарши бирор дори мавжуд эмас. Кексалик – яқинлашиб келаётган, бешафқат замон бошқариб турган ажалнинг белгиси, савол-жавобдан ҳам, мангу замоннинг олий ҳукмидан ҳам ҳеч ким бош торта олмайди. Дхритараштрага мана шу аччиқ ҳақиқат батафсил тушунтириляпти, чунки акс ҳолда у авваллари кўп марта қилганидай, Видурадан яқинлашиб келаётган бу хавф-

хатарнинг олдини олиш учун бирор чора ўйлаб топишни илтимос қила бошларди. Лекин, унинг илтимосини кутиб ўтирмасдан, Видура Дхритараштрага айтдики, моддий оламда ҳеч кимда ва ҳеч қаерда бунинг чораси йўқ. Моддий оламда ундан қутулишнинг бирор воситаси бўлмагани учун ўлим, ажал – Худонинг Олий Шахсининг ўзи, "Бхагавад-гита"(10.34)да Парвардигорнинг ўзи ҳам буни тасдиқлайди.

Бу моддий оламда ҳеч ким ва ҳеч нарса ажални тўхтатишга қодир эмас. Мангуликка, ўлмасликка эришиш учун Хиранйакашипу бутун оламни ларзага соладиган даражада қаттиқ риёзатларга берилди, уни риёзат чекишдан тўхтатишга кўндириш учун унинг олдига маъбуд Браҳманинг ўзи келди. Хиранйакашипу маъбуд Браҳмадан унга мангу ҳаёт ато этишни илтимос қилди, аммо Браҳман унга ҳатто энг олий сайёрада яшашига қарамай, унинг ўзи ҳам ўлимга маҳкум эканини ва шу боис унга мангу ҳаёт инъом эта олмаслигини айтди. Шундай қилиб, Браҳманинг сайёраси Браҳмалокадан сифат жиҳатидан анча паст турадиган сайёралар нари турсин, ҳатто Коинотнинг энг олий сайёрасида ҳам ўлим бор. Мангу замон ҳукмрон бўлган ҳамма жойда ўша мусибатлар тўплами албатта мавжуд: туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлиш – уларнинг бартараф қилишнинг иложи йўқ.

20. Ана шу олий замон, кала ҳукми остида бўлган зотларнинг ҳаммаси мол-дунёси, обрўси, уйи, оиласи, бола-чақаси каби бойликлари билан бирга ўзлари учун энг азиз ва қадрли бўлган ҳаётларидан жудо бўлишга мажбурдирлар.

Изоҳ: Ҳиндистонлик бир буюк олимни, ҳар хил режалар тузишга жуда уста бўлган киши режалаштириш кўмитасининг бир муҳим мажлисига шошилиб бораётганида энгилмас мангу замон уни бехосдан олдига чакириб қолди, натижада у зудлик билан хотини, бола-чақаси, уйи, ери, мол-дунёси ва бошқа нарсалари билан бирга ҳаёти билан видолашишга мажбур бўлди. Ҳиндистондаги сиёсий кўтарилиш даврида, у Покистон ва Ҳиндистонга бўлинган пайтда кўплаб обрўли ва бадавлат ҳиндлар замона зайли билан ўзларининг мол-дунёсидан, обрў-эътиборидан ва ҳаётидан маҳрум бўлдилар. Бу оламда, бутун коинот бўйлаб мангу замоннинг таъсири қандай намоён бўлишига юзлаб ва минглаб мисоллар келтириш мумкин. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, қанчалик қудратли бўлмасин, коинотдаги бирор тирик мавжудот мангу замон ҳукми остидан чиқишга қодир эмас. Кўплаб шоирлар ўзларининг асарларида замона зайлининг бешафқатлигидан зорланадилар. Замон таъсири остида коинотда жуда кўп офатлар рўй берди, аммо ҳеч ким, ҳеч қандай куч билан уларни бартараф қила олмади. Ҳатто бизнинг кундалик

турмушимизда ҳам биз ўз ҳукмимизни ўтказа олмайдиган шунча воқеа-ҳодисалар рўй беради, бунга қарши бирор чора топа олмасдан биз улардан изтироб чекишга ёки чидам билан сабр қилишга мажбур бўламиз. Замона зайли шундай.

21. Сенинг отанг, ошна-оғайнилариңг ва фарзандлариңг ҳаммаси ўлиб кетдилар. Ўз умриниңг катта қисми ортда қолган, тананг яроқсиз ҳолга келган, ўзинг бировниңг уйида яшайсан.

Изоҳ: Шоҳга унинг ҳозирги, бешафқат замон билан шартланган ҳолати жуда қалтис экани эслатиб қўйилапти. Бошидан ўтган воқеа-ҳодисаларниңг ҳаммаси унинг ақлини киритиб қўйиши, у ўзини келажакда нималар кутиб турганини тушуниши керак эди. Унинг отаси Вичитравирья, у ва унинг укалари ҳали ёш бола пайтида ўлиб кетди, улар фақат Бхишмадеванинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлиги остида муносиб таълим-тарбия олдилар. Кейин унинг укаси Панду ҳалок бўлди. Кейинчалик, Курукшетрадаги жангда унинг юз ўғлиниңг ҳамда неваралариниңг ҳаммаси, шунингдек Бхишмадева, Дроначарья, Карна сингари ошналари ва бошқа кўплаб шоҳлар ва дўстлари ҳалок бўлдилар. Шундай қилиб, у мол-дунёсидан ҳам, одамларидан ҳам жудо бўлди, ўзи эса ҳозир аввал ўзи шунча ёмонлик қилган жияниниңг берадиган садақасига қарам бўлиб кун кечирарди. Шунча нохушликларга қарамай, у ўзиниңг ҳаёти чексиз давом этаверади деб ўйларди. Видура Дхритараштрага кўрсатмоқчи эдики, ҳар ким ўзини ўзиниңг қилган амаллари ва Худонинг марҳамати ёрдамида ҳимоя қилиши лозим. Инсон бу дунёда ўзиниңг бурчини ҳалол бажариб яшаши лозим, ҳаётиниңг натижаси эса олий ҳукмдорниңг амрига боғлиқ бўлади. Агар Парвардигорниңг Ўзи ҳимоя қилмаса, инсонни ҳеч ким ҳимоя қила олмайди: на дўсти, на болалари, на отаси, на акаси, на ҳукумат. Шунинг учун инсон фақат Парвардигордан паноҳ излаши лозим, чунки инсон танасидаги ҳаёт фақат шунинг учун мўлжалланган. Кейинги шеърларда Видура Дхритараштрага унинг ҳозирги ҳолати жуда қалтис эканлигини такрор ва такрор эслатади.

22. Сен туғма кўр эдинг, энди эса қулоғиңг ҳам чала эшитади. Хотираниг сусайиб кетган, ақлиг ҳам хотиржам эмас. Тишлариңг тушай деб қолган, жигариңг касал, ўзинг тинмай йўталайсан.

Изоҳ: Бу ерда Дхритараштрани ажали етишига оз қолганидан огоҳлантириш учун унда кексаликниңг яққол намён бўлган аломатлари санаб ўтилган, у эса худди нодон одамлардай ўзиниңг келажаги ҳақида қайғурмайди. Видура санаб ўтган Дхритараштраниңг танасида намён бўлган аломатлар – *апакишайя* аломатлари, яъни

моддий тананиңг сўлишиниңг охири чегараси бўлиб, ундан кейин уни муқаррар ажал кутади. Тана туғилади, ривожланади, бироз вақт сақланиб туради, бошқа таналарни юзага келтиради, кейин сўла бошлайди ва ўлади. Аммо аҳмоқ одамлар, уларни тўплаган мол-дунёси, бола-чақаси, жамият ва бошқа нарсалар ҳимоя қилишига ишониб, мана шу ўткинчи танада мангу яшашни истайдилар. Ана шундай аҳмоқона ғояларга алданиб, улар ўткинчи фаолиятга ғарқ бўладилар ва яна бошқа бир тана олиш, бошқа жамият, дўстлик ва муҳаббат шароитларига мослашиш, оқибат натижада яна ўлиш учун бу ўткинчи танани тарк этишга мажбур эканини бутунлай эсдан чиқариб қўядилар. Улар ўзлариниңг мангу моҳиятини унутиб қўйганлар ва нодонлиги сабабли ўзлариниңг асосий бурчини эсдан чиқариб, ҳаётини ўткинчи фаолиятга бағишлаб яшайдилар. Видура сингари авлиё зотлар ва донишмандлар уларни ҳақиқий ҳаётга уйғотиш учун ана шундай нодон одамларга мурожаат қиладилар. Лекин улар ана шундай садху ва авлиё зотларни жамиятниңг зарарқунанда(паразит)лари деб ҳисоблайдилар ва деярли ҳамиша уларниңг гапларини тинглашдан бош тортадилар. Аксинча, улар ўзлариниңг ҳиссиётиниңг талабларини қондирадиган сохта садху ва авлиё зотларни чуқур иззат-икром билан кутиб оладилар. Видура Дхритараштраниңг ана шундай ҳалокатли ҳис-туйғулариниңг талабларини тинглаб ўтирадиган ундай сохта авлиёлардан эмасди. У Дхритараштрага аччиқ ҳақиқатни очик баён қилиб берди ва бундай хавф-хатардан қутулиб қолиш йўлини кўрсатди.

23. Э-воҳ, тирик жонзотниңг ҳали ажали етмаслигига бўлган ишончи, ҳаёти давом этишидан ўмиди нақадар кучли! Аслида сен бу ерда худди итдай кун кечириб, Бҳима берган ювинди билан тирикчилик қилиб юрибсан.

Изоҳ: Садху ҳеч қачон шоҳ ва бой-бадавлат одамлар ҳисобидан ўзига қулай шароит яратиш учун уларга тилёғламалик қилмаслиги керак. Оилали кишилар бу дунёдаги алдамчи ҳаётниңг ўткинчи эканини англаб етишлари учун садху уларга ҳақиқатни яширмасдан очик айтиши лозим. Дхритараштра - оиласига қаттиқ боғланиб қолган дунёвий одамниңг типик мисоли. У том маънода қашшоқ-гадой бўлиб қолган, лекин шунга қарамай Пандузодаларниңг уйида барча қулайликлар билан яшашни истайди. Улар орасида мазкур шеърда Бҳима алоҳида таъкидлаб кўрсатилган, чунки у Дхритараштраниңг икки машхур ўғли – Дурйодхана ва Духшасанани ўлдирган эди. Бу ўғиллар ўзлариниңг маъшум найранглари билан отаси учун жуда азиз эди, бу ерда Бҳима унинг ана шу икки сеvimли ўғлини ўлдиргани учун атайлаб унга эслатилапти. Шунда нима сабабдан Дхритараштра Пандузодаларниңг уйида яшайпти? Чунки у ҳатто ўзиниңг ор-номусини ерга уриб

бўлса ҳам бу дунёда барча қулайликлар билан яшашни истарди. Ундаги ўзининг ҳаётини давом эттириш истагининг бунчалик кучли эканидан Видура ҳайратга тушяпти. Мангу яшашга интилиш туйғуси шундан далолат берадики, ўзининг табиатига кўра тирик моҳият мангу ва у ўзининг тана ичидаги даргоҳини алмаштиришни истамайди. Аҳмоқ одам унинг мана шу тана ичида бўладиган вақти(умри) – унга белгиланган, у албатта ўташи лозим бўлган қамоқ даври эканини билмайди. Инсон танаси унга сон-саноксиз туғилиб ўлишлардан кейин, руҳий ўзлигини англаб етишга ва ўзининг ҳақиқий уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш учун имконият сифатида берилади. Лекин, Дхритараштра сингари одамлар, ана шу ҳақиқатни тушунмасдан, мана шу ҳаётда қулайроқ жойлашиб олишга интиладилар ва фақат бирор фойда кўриш ҳақида ўйлайдилар. Дхритараштранинг кўзи кўр, шунга қарамай у аввалгидай бу дунёдаги ҳаётнинг барча азоб-укубатлари орасида қулайроқ ўрнашиб олишдан умид қилади. Видура сингари садхуларнинг вазифаси ана шундай кўр одамларнинг кўзларини очиш ва шу билан уларнинг мангу ҳаёт ҳукм сурадиган Худонинг даргоҳига қайтишларига ёрдам беришдан иборат. Худонинг даргоҳига эришгандан кейин ҳеч ким мусибатларга тўла моддий оламга қайтиб келишни истамайди. Махатма Видура сингари садхуларга қанчалик маъсулиятли вазифа юклатилганини ҳатто тасаввур қилиш ҳам қийин.

24. Бир пайтлар ўзинг захар бериб, ўтда ёқиб ўлдирмоқчи бўлган одамлар бераётган садақага зор бўлиб яшаш учун инсон қанчалик тубанликка юз тутиши керак? Бундан ташқари сен уларнинг хотинини ҳақорат қилгандинг, салтанатини ва бойлигини тортиб олган эдинг.

Изоҳ: Варнашрама қоидаларига кўра инсон умрининг маълум бир даври фақат руҳий ўзликни англашга ва инсон танасидаги ҳаётдан нажот топишга бағишланган бўлиши лозим. Бу одатдаги ҳаёт тажрибаси, аммо Дхритараштрага ўхшаган одамлар ҳатто кексайганидан кейин ҳам, ҳатто бунинг учун ўзларининг душманлари қўлидан садақа олиб яшашга рози бўлишдай тубанлик, пасткашлик талаб қилинса ҳам барибир уйда қолишни истайдилар. Видура Дхритараштрага шуни кўрсатмоқчи ва уни бундай шармандаликка боргандан кўра ўзининг ўғилларига ўхшаб душман қўлида ҳалок бўлиш афзал эканини ҳис қилишга мажбур қилмоқчи эди. Беш минг йил аввал бундай пасткаш Дхритараштра фақат битта эди, ҳозирги даврда эса, Дхритараштрага ўхшаган одамлар ҳар бир хонадонда топилади. Айниқса сиёсий арбоблар, то бешафқат ажал қўлига тушмагунча ёки рақиблари ўлдирмагунча ўзларининг сиёсий фаолиятини тарк этишни истамайдилар. Умрининг охиригача оиласига боғланиб қолиш – инсоннинг

пасткашлигининг, тубанликнинг энг паст поғонасидир, шунинг учун ҳатто ҳозирги даврда ҳам ана шундай Дхритараштраларнинг кўзларини очиш учун Видуралар жуда зарур.

25. Сен ўлишни истамаётган ва ҳатто орномусингни ерга уриб бўлса ҳам яшашни давом эттиришга қанчалик уринсанг ҳам, сендай хасис одамнинг бу танаси барибир албатта кексайди ва худди эскирган кийимдай титилиб кетади.

Изоҳ: Мазкур шеърда *крипанасйя джидживишоҳ* иборасига эътибор бериш керак. Одамлар икки тоифа бўлади: бир тоифа одамлар *крипана*, иккинчи тоифа – *браҳманлар* деб аталади. *Крипана*, яъни хасис одам моддий тана ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмас. Аммо браҳман моддий тана нима, унинг ўзи нима эканини тўғри тушунади. Ўзининг моддий танаси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмаган *крипана*, бор кучи билан ўзининг сезгиларини лаззатлантиришга интилади ва ҳатто кексайиб қолганида ҳам тиббиёт ва бошқа воситалардан фойдаланиб ёш бўлишга ҳаракат қилади. Бу ерда Видура Дхритараштрага *крипана* деб мурожаат қиляпти, чунки у моддий танасининг табиати қандай эканидан беҳабар ҳолда нима қилиб бўлса ҳам яшашда давом этишга интиларди. Видура унинг кўзларини очмоқчи, унга ўзи учун тақдир белгилаб қўйган умрдан бир дақиқа ҳам ортиқча яшай олмаслигини, шу боис у ўз ажалини кутиб олишга ҳозирлик кўриши лозимлигини тушунтирмоқчи бўляпти. Барибир ажал муқаррар экан, ана шундай шарманда бўлиб яшашнинг нима кераги бор? Бундай яшагандан кўра ҳатто ўзининг ҳаётини хавф-хатарга қўйиб бўлса ҳам Ҳақиқат(мангу ҳаётга эришиш) йўлига кирган маъқул. Ҳаёт инсонга моддий оламдаги ҳаётга хос бўлган барча мусибатлардан халос бўлиш учун берилган, инсон ўз ҳаётини ана шу мақсадга эришиш учун яшаши лозим. Ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлгани сабабли Дхритараштра олган ҳаёт қувватининг саксон фоизини сарфлаб бўлган эди, у энди хасис умрининг қолган кунларини олий бахтга эришишга бағишлаши лозим эди. Ана шундай кишининг умри хасис одамнинг умри ҳисобланади, чунки у инсон ҳаёти берадиган нодир имкониятдан тўла фойдаланишга қодир эмас. Фақат бахтли тасодиф ана шундай хасис одамларни Видура сингари руҳий ўзлигини англаб етган зотлар билан учраштириши мумкин. Шунда унинг насихатларига амал қилиб, улар ҳам моддий оламнинг ғафлат уммонидан озодликка эриша оладилар.

26. Номаълум, хилват жойга кетиб, шу ерда бу дунёдаги барча вазифаларидан халос бўлиб, ўзининг кексайиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган

моддий танасини тарк этган киши буюк донишманд, хотиржам инсон ҳисобланади.

Изоҳ: Гаудийа-вайшнавлар мактабининг ачарйаси ва Худонинг буюк содиқ хизматкори Нароттама дас Тхакур шундай куйлаган: “Эй Парвардигор, мен бутун умримни хазон қилдим. Инсон танасига эга бўлиб, мен Сенга сиғинмадим, шунинг учун ўз ихтиёрим билан заҳар ичиб юрдим”. Бошқача қилиб айтганда, инсон танаси фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини чуқур эгаллаш учун берилган, акс ҳолда инсон ҳаёти ҳар хил ташвиш ва мусибатларга тўла бўлади. Ўзининг ана шу бурчини инкор этиб, умрини хазон қилган кишига ўзининг қариндошлари ва дўстларини эсдан чиқариб, оиласи, жамият, ватан олдидаги ва бошқа мажбуриятларидан халос бўлиб, бирор хилват жойда танасини тарк этиш тавсия қилинади, токи у ўзининг ажалини қаерда ва қандай кутиб олганини ҳеч ким билмасин. Дхира – жаҳлини чиқаришга қанчалик уринсалар ҳам, ҳеч қачон ўзини йўқотмайдиган вазмин, қатъиятли, хотиржам киши. Хотини ва болалари билан мулойим, ширин муносабатда бўлгани туфайли инсон оиласини тарк этиб кета олмайди. Оилага ана шундай боғланиб қолиш руҳий ўзликни англаб етишга тўсқинлик қилади, шунга қарамай ана шу боғланиш ришталарини узишга эришган кишини дхира, қатъиятли, иродали киши деб атайдилар. Бу йўл – бу дунёдаги ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлган кишилар учун мўлжалланган, лекин ана шундай таркидунёликда инсон фақат ҳақиқий авлиё, руҳий ўзлигини англаб етган, инсонни Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишда машғул қила оладиган зотлар билан ҳамсуҳбат бўлиб юрсагина мустаҳкам қола оладилар. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига самимий садоқат туйғуси фақат инсон қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга илоҳий интилиш туйғуси уйғонгандагина юзага келади, бунга эса фақат Парвардигорнинг асл содиқлари билан бирга бўлиш орқали эришиш мумкин. Дхритраштранинг омади келган инсон эди – унинг шундай укаси бор эди, у билан бир марта учрашишнинг ўзиёқ бу адашган руҳга руҳий озодликка эришиш имконини беради.

27. Гафлат уйқусидан уйғониб, бу дунёнинг ўткинчи ва арзимас мато эканини ўзи ёки бошқаларнинг ёрдами билан англаб етган ҳамда шунинг учун ўзининг қалбида мавжуд бўлган Худо Шахсига ихтиёрини бутунлай топшириб, уйини тарк этган киши, ҳеч шубҳа йўқки, инсонларнинг орасида энг буюк зотдир.

Изоҳ: Илоҳиёт кишилари уч тоифа бўлади: 1) дхира – оиласини тарк этгандан кейин ташвишланмасдан хотиржам қоладиган киши; 2) бу дунёдаги ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлгандан

кейин таркидунё қилиб, саннийаси бўлган киши; 3) Худо ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва такрорлаш орқали қалбида Кришна онгини уйғотган ва ўзининг қалбида мавжуд бўлган Парвардигорга бутунлай таваккал қилган ҳолда уйини тарк этган Худонинг самимий содиқ хизматкори. Бошқача қилиб айтганда, моддий оламда ҳиссий лаззатларга берилиб яшашдан ҳафсаласи пир бўлгандан кейин таркидунёлик қилиш ҳам руҳий ўзликни англаш зинапоясининг маълум бир поғонаси бўлиши мумкин, лекин, руҳий озодликка эришиш йўлидаги ҳақиқий баркамолликка фақат инсон ҳамиша ва ҳар жиҳатдан ҳар кимнинг қалбида Параматма сифатида мавжуд бўлган фақат Худонинг Олий Шахсига боғлиқ бўлиб қолганда эришиш мумкин. Инсон уйдан йироқда, энг қалин ўрмон ичида ёлғиз яшаши мумкин, лекин ҳақиқий содиқ биладик, у ёлғиз эмас. Унинг ёнида ҳамиша Парвардигор, Худонинг Олий Шахси бор, У Ўзининг самимий содиқ хизматкорини ҳамиша, ҳар қандай, энг қалтис вазиятда ҳам ҳимоя қилишга кодир. Шунинг учун инсон ўзининг уйида Парвардигорнинг муқаддас номларини, Унинг сифатларини, қиёфасини, эрмакларини ва бошқа жиҳатларини шарафлаб куйлаб, Худога садоқат билан хизмат қилиши лозим. Ана шундай амалиёт билан шуғулланиш инсон қалбида унинг **ниятларининг самимийлигига мос равишда** Худонинг онгини уйғотишга ёрдам беради. Гарчи Парвардигор ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилишдан моддий манфаат излаб юрган киши ҳеч қачон ўз ихтиёрини Худонинг Олий Шахсига ишониб топшира олмайди. **Худога бирор моддий манфаат кўзлаб хизмат қилиб юрган кишига Парвардигор ҳам ҳеч қандай насихат бермайди.** Парвардигор шундай дунёвий содиқларга моддий бойлик ато этиши мумкин, лекин улар юқорида айтилгандек, ҳеч қачон одамлар орасидаги энг буюк зотлар бўла олмайдилар. Инсоният тарихида, айниқса Ҳиндистон тарихида ана шундай самимий содиқлар жуда кўп, ана шундай буюк зотлар руҳий ўзликни англаш йўлида бизлар учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилдилар. Махатма Видура – Парвардигорнинг ана шундай буюк содиқ хизматкорларидан бири, биз унинг нилуфар қадамлари пойи изидан эргашиб руҳий ўзликни англаш йўлидан боришга интилишимиз лозим.

28. Шунинг учун, сен ҳозирок шимол тарафга жўна, қариндошларингга ҳеч нарса дема, чунки сал ўтмасдан одамларни барча яхши фазилатларидан махрум қиладиган маъшум замонлар келади.

Изоҳ: Ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлганлик ўрнини *дхира* бўлиш, яъни қариндошларга билдирмасдан уйни биратўла тарк этиб кетиш билан босиш мумкин. Видура акасига ҳозирок ана шу усулдан

фойдаланишни маслаҳат беряпти, чунки Кали даври шиддат билан яқинлашиб келаётган эди. Шартланган рух модда билан аралашгани туфайли аллақачон тубанликка юз туган, Кали-юга даврида эса, инсоннинг барча яхши фазилатлари йўққа чиқади. Дхритараштрага Кали-юга кириб келишидан олдин уйини тарк этиб кетиш маслаҳат берилган эди, чунки Видура ўзининг бебаҳо насиҳатлари билан юзага келтирган шарофатли мухит шиддат билан яқинлашиб келаётган Кали-юга даври таъсири остида бузилиб кетиши керак эди. Оддий инсон *нароттама*, яъни инсонлар ичида аълоси, Парвардигор Шри Кришнага бутунлай ўзини топширган зот бўла олмайди. "Бхагавад-гита"(7.28)да айтилганки, қилган гуноҳ ишларининг барча оқибатларидан бутунлай халос бўлган кишигина ўз ихтиёрини бутунлай Худо Шахсига, Парвардигор Шри Кришнага топшира олади. Видура Дхритараштрага, агар у *саннийаси* ёки *нароттама* бўлолмаса, ҳеч бўлмаса *дхира* бўлишни маслаҳат беряпти. Инсоннинг руҳий ўзликни англаш йўлидаги самимий интилишлари унинг *дхира* поғонасидан *нароттама* поғонасига кўтарилишига ёрдам беради. Одатда, инсон йога билан узоқ вақт шуғуллангандан кейин *дхира* поғонасига эришади, аммо, агар *саннийаси* йўлидаги бошланғич поғона бўлган *дхира* босқичининг усулларидан фойдаланишни истаса, Видуранинг марҳамати билан инсон бу поғонага бирданига кўтарила олади. *Саннийаса* эса – *парамахамса*, яъни Парвардигорнинг биринчи синф содиғи даражасига эришишга тайёргарлик босқичидир.

29. Шундай қилиб, Ажамидҳа авлоди бўлган Маҳараж Дхритараштра, ҳақиқий илм(*пражня*) таъсири остида фикрини ўзгартириб, оилавий боғланиш ришталарини кескин узиб ташладида, укаси Видура кўрсатган, руҳий озодликка чиқиш йўлидан бориш учун, қатъий қарор билан уйини тарк этди.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам" таълимотининг буюк тарғиботчиси, Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабху садхулар, Парвардигорнинг асл содиқлари билан бирга бўлишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди. У айтгандики. Худонинг асл содиқ хизматкори билан ҳатто бир лаҳза бирга бўлиш ҳам инсонни руҳий баркамолликка эриштириши мумкин. Агар Илоҳий Ҳазрат Шримад Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Маҳаражнинг иродаси билан атиги бир неча дақиқа давом этган бизларнинг биринчи учрашувимиз бўлмаганда, биз ҳеч қачон "Шримад Бхагаватам"ни инглиз тилига таржима қилишдай оғир юкни ўз зиммамизга ололмаган бўлардик. Агар мен ўша бахтли дақиқаларда у билан учрашмасам, балки бирор бадавлат саноатчи бўлишим мумкин эди, лекин ҳеч қачон руҳий озодликка чиқиш йўлидан бормас, Илоҳий

Ҳазратнинг кўрсатмаларига амал қилиб Парвардигорга амалий хизмат қилиш билан машғул бўлмаган бўлардим. Мазкур шеърда Дхритараштрага Видура билан учрашиш орқали кучли таъсир кўрсатган яна бир амалий мисол келтирилган. Дхритараштранинг оёқ-қўллари моддий боғланишнинг сиёсат, иқтисод ва оилавий ришталари орқали чамбарчас боғланиб қолган эди, у ўзи тузган режаларнинг амалга ошиши учун қўлидан келганча ҳаракат қилган, лекин у ўзининг барча дунёвий ишларида бошидан охиригача бутунлай мағлубиятга учраган эди. Шунга қарамай, у ўзининг дунёвий ҳаёти барбод бўлганига қарамасдан, *садху*нинг эзгу сифатлари тимсоли, Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорларидан бирининг чуқур таъсир кўрсатган насиҳатлари ёрдамида у руҳий ўзликни англашда тўла муваффақият қозонди. Шунинг учун муқаддас китобларда айтилганки, бошқа ҳар қандай суҳбатларни тарк этиб, инсон фақат садхулар билан учрашиши лозим, шунда инсонда ўзининг моддий оламга бўлган алдамчи боғланиш ришталарини узиб ташлашга қодир бўлган *садху*нинг гапларини тинглаш имкониятига эга бўлади. Моддий олам – буюк сароб экани – аниқ факт, чунки ундаги нарсаларнинг ҳаммаси бир қараганда аниқ мавжуддай бўлиб кўринади, лекин орадан сал вақт ўтмасдан улар худди осмондаги булут ёки сув устидаги кўпиклар сингари ғойиб бўлади. Осмондаги булутлар албатта, аниқ мавжуддай бўлиб кўринади, чунки ундан ёмғир ёғади, ёмғир шарофати билан теварак-атроф анча вақтгача ям-яшил кўкатлар билан қопланади, лекин охир-оқибатда вақти келиб буларнинг ҳаммаси ғойиб бўлади: булут ҳам, ёмғир ҳам, ям-яшил ўсимликлар ҳам. Лекин сон-саноксиз юлдузлар тўла осмон мангу қолаверади. Худди шундай, осмонга қиёсланадиган Мутлақ Ҳақиқат мангу мавжуд, булутга қиёсланадиган ўткинчи сароб эса, келиб кетаверади. Ғофил тирик мавжудотларни ана шу ўткинчи булутлар ўзига жалб этади, чуқур фикр-мулоҳазали кишиларни эса – ранг-баранг осмоннинг ўзи қизиқтиради.

30. Эри худди ракибидан яхши зарба еган жангчидек сергак тортиб, таркидунё қилиб қўлига *саннийасилар*нинг ҳассасини олган зотларнинг қалбига қувонч бағишлайдиган Ҳимолай тарафга йўл олаётганини кўриб, Кандагар шоҳи Субаланинг қизи, покдомон ва фаросатли аёл Гандхари ҳам унга эргашди.

Изоҳ: Саубалини, яъни Гандхари, Субала шоҳининг қизи ва шоҳ Дхритараштранинг хотини ўзининг эрига садоқатли намунали аёл эди. Ведалар маданиятида покдомон ва садоқатли хотинлар тарбиясига алоҳида эътибор берилади, Гандхари – инсоният тарихида қолган ана шундай буюк аёллардан бири. Лакшмиджи Ситадеви ҳам буюк шоҳнинг қизи эди, шунга қарамай у ҳам эри

Парвардигор Рамачандранинг изидан ўрмонга йўл олди. Гандхари аёл эди, шунинг учун у уйда ёки отасининг уйда қолиши ҳам мумкин эди, лекин у покдомон ва олийнасаб хотин эди, шу боис ҳеч иккиланмасдан эрининг изидан йўл олди. Видура Дхритараштрага таркидунёлик турмуш тарзи ҳақида насиҳат берди, Гандхари ҳам ўша пайтда эрининг ёнида эди. Лекин, худди хатарли жангга кираётган жангчи сингари ўзгармас қатъий қарор қабул қилган шоҳ ундан у билан бирга кетишни илтимос қилмади. Уни энди хотин ва кариндошлар сингари ўткинчи нарсалар кизиқтирмасди, шунинг учун у ёлғиз кетишга қарор қилганди. Лекин, покдомон аёл сифатида Гандхари умрининг охиригача эрининг изидан боришга қарор қилди. Махараж Дхритараштра *вананпратха* турмуш тарзини қабул қилганди, рухий юксалишнинг бу поғонасида хотин эри билан бирга қолиб, унга ўз хоҳиши билан хизмат қилишига рухсат этилади, лекин *санньяси* поғонасида ҳеч бир хотин ўзининг эри билан бирга қолиши мумкин эмас. *Санньяси* жамият учун ўлган одам ҳисобланади, шунинг учун унинг хотини эри билан ҳар қандай алоқани тарк этиб, расман бева бўлиб қолади. Махараж Дхритараштра ўзининг садоқатли хотинини рад қилмади, шунинг учун хотини ўзининг ҳаётини хавф-хатарга қўйиб, унинг изидан борди.

Санньяси таркидунё қилганининг тимсоли сифатида ҳасса қабул қилади. Санньясиларнинг икки тоифаси мавжуд. Шрипада Шанкарачарья бошлиқ майявадилар таълимотининг издошлари битта *ҳасса(эка-данда)*, вайшнавлар фалсафасининг издошлари эса, битта қилиб бирлаштирилган *уч ҳасса(три-данда)* қабул қиладилар. *Санньяси* майявадиларни – *экаданда-свами*, *вайшнав санньясиларни* эса – *триданда-свами* ёки, аниқроғи, уларнинг майявади файласуфларидан фарқ қилишини алоҳида таъкидлаш учун *триданда-госвами* деб атайдилар. *Экаданда-свадиларни* асосан Ҳимолай тоғлари ўзига жалб этади, *санньяси-вайшнавларни* эса – Вриндаван ва Пури. *Санньяси-вайшнавлар* – *нароттамалардир*, *санньяси-майявадилар* эса – *дхиралар*. Махараж Дхритараштрага *дхиралар* йўлидан бориш маслаҳат берилганди, чунки у ўзининг ҳозирги турган поғонасида *нароттама* бўлиши мушкул эди.

31. Душмани ҳали бу дунёга келмаган Махараж Юдхитхира Худога илтижо қилиб, муқаддас гулхан ёқиб Қуёш фариштасига эҳсон қилиш, брахманларга эҳтиром кўрсатиш ҳамда уларга дон, сигир, ер ва олтин эҳсон қилиш каби ўзининг эрталабки вазифаларини бажариб бўлиб, оиланинг ёши улуғларига ҳурмат билдириш учун саройга кирди. Аммо у ердан на амакиси (Дхритараштра)ни, на холаси(Субала кизи)ни топа олмади.

Изоҳ: Махараж Юдхитхира энг юксак даражада олийжаноб шоҳ эди, чунки у тақводор оилали киши бажариши лозим бўлган кундалик амалларни шахсан ўзи бажарарди. Оилали киши эрталаб эрта туриши, ювиниб поклангандан кейин уйдаги Илоҳларга сиғиниш маросими ўтказиши лозим: Уларга илтижо қилиши, муқаддас гулханга сариёғ таклиф қилиши, брахманларга садақа сифатида ер майдони, сигир, ғалла, олтин ва бошқа нарсалар тарқатиши керак. Кейин у оиланинг ёши катта аъзоларига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим. Муқаддас китобларда кўрсатилган қонун-қоидаларга кундалик турмушда амал қилишга тайёр бўлмаган киши фақат китобдан ўқиган илми билан яхши инсон бўлиб етиша олмади. Ҳозирги оилали кишилар бошқача турмуш-тарзига ўрганиб кетганлар: уйқудун кеч турадилар, ювиниб-покланиш нималигини билмасдан, юқорида кўрсатилган покланиш маросимларини ўтказмасдан каравотда ётган жойида чой ёки қаҳва ичадилар. Уларнинг фарзандлари ҳам ота-оналарининг қилган ишларига кўникиб қоладилар, шунинг учун улар билан бирга қолган авлодларининг ҳаммаси дўзахга равона бўладилар. Агар *садхулар* билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлиб юрмасалар улардан бирор яхшилик кутиб бўлмайди. Дхритараштра сингари дунёвий киши Видура сингари *садху*дан насиҳат олиши ва бунинг натижасида замонавий турмуш-тарзи таъсиридан покланиши мумкин.

Лекин Махараж Юдхитхира саройга кириб, у ердан ўзининг амакиларини: Дхритараштрани, Видурани, Субала шоҳининг қизи Гандхарини тополмади. У уларни жуда кўргиси келганди, шунинг учун Дхритараштранинг шахсий котиби бўлган Санжайга мурожаат қилди.

32. Қаттиқ хавотирга тушган Махараж Юдхитхира шу ерда турган Санджайдан сўради: Ҳой Санджай, бизнинг кўзи ожиз, кекса амакимиз қаерда?

33. Мехрибон амаким Видура, ўғилларига аза тутиб кўздан ёши тинмай юрган онажоним Гандхари қани? амаким Дхритараштра ҳам ўғиллари ва невараларининг ҳалок бўлганидан чуқур қайғуда эди. Мен ҳақиқатан ҳам жуда кўрнамак, яхшиликни билмайдиган одамман. У менинг ҳақоратларимни ўзига оғир олиб, хотини билан бирга Гангада чўкиб ўлган бўлса ҳам ажаб эмас?

Изоҳ: Пандузодалар, айниқса Махараж Юдхитхира ва Аржун Курукшетрадаги жангнинг оқибатлари қандай бўлишини олдиндан билардилар, шунинг учун Аржун бу жангда иштирок этишдан бош тортганди. Жанг Парвардигорнинг амри билан бўлиб ўтганди, аммо, улар тахмин қилганидек, бу жанг бутун оилага ғам-ғусса келтирди. Махараж Юдхитхира

амакиси Дхритараштра ва **холаси** Гандхарининг бундай буюк йўқотишлардан қанчалик чуқур ғам-ғуссада эканини ҳамиша эсида сақларди, шунинг учун уларга ҳар томонлама ғамхўрлик қиларди, чунки улар кексайиб қолган ва ҳамиша оғир мусибатга ботиб юрардилар. Шунинг учун уларни саройдан тополмаган заҳоти унинг қалбида табиий равишда улар Гангада чўкиб ўлган бўлсалар керак деган гумон пайдо бўлди. У ўзини яхшилиқни билмайдиган киши деб ҳисобларди, чунки Пандузодалар отасиз қолганида Махараж Дхритараштра уларни шоҳона тўкин-сочинлик билан тарбия қилди, бунга жавобан эса, Махараж Юдхитхира унинг ҳамма ўғилларини Курукшетрадаги жангда ўлдирди. Тақводор инсон сифатида Махараж Юдхитхира ҳамиша ўзининг қилган гуноҳ ва жиноятларини эслаб юрар, лекин ҳеч қачон амакиси ва унинг ҳамтовоқларининг уларга кўрсатган душманликлари ҳақида ўйламасди. Парвардигорнинг амри билан Дхритараштра ўзининг аввал қилган қилмишлари учун жазоланаётган эди, аммо Махараж Юдхитхира ҳамиша ўзининг аввал қилган, оқибатидан қочиб қутулиб бўлмайдиган жиноятларини ўйлаб юрарди. Яхши инсон ва Худонинг содиқ хизматкорининг табиати шундай бўлади. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон бошқаларнинг камчилигини қидирмайди, бунинг ўрнига у ўзининг камчиликларини топишга ва иложи борича улардан халос бўлишга ҳаракат қилади.

34. Отам Панду ўлгандан сўнг, бизлар ҳали кичкина болалар бўлган пайтимизда ана шу икки амаким бизларни ҳар турли офатлардан ҳимоя қилиб юрардилар. Улар ҳамиша бизларга меҳрибонлик билан яхшилиқ қилар эдилар. Лекин улар бу ердан қаерга кетишлари мумкин?

35. Сута Госвами шундай деди: Хўжайинини йўқотганидан қалбини уларга нисбатан ҳамдардлик ва чуқур ҳам қамраб олган Санжайа қаттиқ хаяжонланганидан Махараж Юдхитхирага бирор аниқ жавоб бера олмади.

Изоҳ: Санжай узоқ вақт Махараж Дхритараштранинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилган ва унинг ҳаётини ўрганиш имкониятига эга бўлган эди. Дхритараштра ҳатто унга ҳам билдирмасдан уйни тарк этиб кетганини кўриб, ҳозир у чексиз ғуссага ботиб турарди. У Дхритараштранинг аҳволига қаттиқ ачиниб турарди, чунки Курукшетрадаги жангда ҳамма нарсасидан – одамларидан ҳам, мол-дунёсидан ҳам маҳрум бўлганди. Энди эса, бутунлай тушкунликка тушиб, шоҳ ва малика уйини ҳам тарк этишга мажбур бўлгандилар. Видура ўзининг доно насихатлари билан Дхритараштранинг қалб кўзини очганини, шунинг учун Дхритараштра

оилавий турмушнинг қоронғу чуқуридан чиқиб, яхши ҳаётга эришишдан умидвор бўлган ҳолда қалби қувончга тўлиб уйини тарк этганидан беҳабар ҳолда у бу вазиятга ўзининг нуқтаи-назаридан қарарди. Агар инсон ҳозирги турмуш тарзини тарк этгандан кейин бундан яхшироқ яшашига ишончи комил бўлмаса, у шунчаки уйдан кетиш ва либосини ўзгартириш билан узоқ вақт таркидунёлик қилиб яшай олмайди.

36. Аввалига у ўз тафаккурининг кучи мисоллари билан ақлини бироз хотиржам қилиб олди, кейин, кўз ёшларини артиб, ўзининг ҳукмдори Дхритараштранинг қадамлари пойини ўйлаган ҳолда у Махараж Юдхитхирага жавоб бера бошлади.

37. Санжайа деди: Эй азиз Курулар сулоласининг авлоди, мен амакинг ва Гандхарининг қароридан беҳабарман. Эй шоҳ, бу буюк зотлар мени алдадилар.

Изоҳ: Буюк зотларнинг бошқаларни алдаши умуман мумкин эмасдай бўлиб туюлиши мумкин, лекин улар буюк мақсад йўлида ҳақиқатан ҳам шундай қиладилар. Маълумки, Парвардигор Шри Кришна ҳам Махараж Юдхитхирага Дронаचारйани алдашни маслаҳат берган, бу ҳам буюк мақсад йўлида қилинган эди. Парвардигорнинг Ўзи шундай бўлишини истаганиди, демак, бу буюк мақсад эди. Инсоннинг самимийлиги – унинг Худони мамнун қилишга интилиши билан ўлчанади, инсон ҳаётининг энг юксак баркамоллиги эса – ўз бурчини бажариш билан Худони мамнун қилиш. "Бхагавад-гита"(18.45) ва "Шримад Бхагаватам"нинг хулосаси шундан иборат. Дхритараштра ва Видура, уларга эргашган Гандхари гарчи Санжай шахсий котиб сифатида ҳамиша улар билан бирга юрган бўлса ҳам, ўз қарорларини Санжайга айтмадилар. Дхритараштра у билан маслаҳатлашмасдан бирор иш қилиши мумкинлиги Санжайнинг ҳаёлига ҳам келмасди. Аммо Дхритараштранинг уйдан кетиши сир эди, бу ҳақда ҳатто Санжайга ҳам айтиш мумкин эмасди. Санатана Госвами ҳам, Чайтаня Махапрабху билан учрашиш учун кетганида қамқоҳона кўриқчисини алдаганиди. Худди шундай, Рагхунатха дас Госвами ўзининг руҳонийсини алдаб, Парвардигорни мамнун қилиш учун уйини тиратўла тарк этган эди. Парвардигорни мамнун қилиш учун ҳар қандай ҳийладан фойдаланиш мумкин, чунки бу Мутлак Ҳақиқат билан боғлиқ. Биз ҳам "Шримад Бхагаватам"га хизмат қилиш ниятида уйни тарк этиш учун оила аъзоларимизни алдаш имкониятига эга бўлгандик. Бундай алдаш буюк мақсад йўлида зарур эди, бундай илоҳий маккорликдан икки томон ҳам ҳеч нарса ютқазмайди.

38. Санжайа шу гапларни айтаётганида, тамбурини қўлига олиб Худонинг қудратли содиғи Нарада пайдо бўлди. Маҳараж Юдхитхира ва унинг укалари ўринларидан туриб, одоб билан бош эгиб уни муносиб кутиб олишди.

Изоҳ: Девариши Нарада бу ерда *бхагаван* деб аталган, чунки У, Парвардигор билан жуда яқин муносабатда туради. Ҳақиқатан ҳам Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган киши Парвардигорга ҳам, Унинг энг яқин содиқ хизматкорига ҳам бир хил ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Ана шундай содиқ хизматкорлар Парвардигор учун жуда азиз, чунки улар ҳамма жойда сайр қилиб, имкониятлари борича Парвардигорни олқишлаб юрадилар ҳамда имонсиз кишиларни Худонинг содиқларига айлантириш ва уларнинг ҳаётини тўғри йўлга солиш учун бор кучини ишга соладилар. Аслини олганда тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра имонсиз бўла олмайди, лекин барибир у имонсиз ёки Худонинг содиғи бўлмаса, бу унинг касалга чалинганини, яъни носоғлом эканини билдиради. Парвардигорнинг яқин содиқ хизматкорлари ана шундай алданиш домига тушиб қолган тирик мавжудотларни даволайдилар, шунинг учун улар Парвардигор учун жуда азиз ҳисобланадилар. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, Унинг учун бу дунёда имонсиз одамларни Худонинг содиқлари қилиш мақсадида ҳақиқатан ҳам Худонинг шон-шуҳратини тарғибот қилиб юрган кишидан ҳам азизроқ зот йўқ. Нарада Муни сингари шахсларга худди Худо Шахсининг Ўзи сифатида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозим. Маҳараж Юдхитхира ва унинг олижаноб укалари Парвардигорнинг Нарада Муни сингари, Парвардигорнинг шон-шуҳратини вина асбоби жўрлигида шарафлаб куйлашдан бошқа иши бўлмаган яқин содиқларини қандай кутиб олиш кераклигини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатдилар.

39. Маҳараж Юдхитхира деди: Эй табаррук авлиё инсон, амакиларим қаерга кетганини билмайман. Барча фарзандларидан айрилганидан қаттиқ изтироб чекаётган холамни ҳам тополмаяпман.

Изоҳ: Меҳрибон зот ва Худонинг содиқ хизматкори сифатида Маҳараж Юдхитхира холасининг қанчалик буюк жудоликка учраганини ва у бундан изтироб чекиб, Худо йўлида қахрамонлик кўрсатаётганини ҳамиша эсида сақларди. Худо йўлида риёзат чекаётган кишини ҳеч қандай жудолик безовта қила олмайди, жудоликлар унга куч бағишлайди ва унга руҳий юксалиш йўлидан шиддат билан боришга илҳом бағишлайди. Малика Гандхари – риёзатчи аёлнинг яққол тимсолидир, чунки у жуда кўп мушкул вазиятларда ўзининг ажойиб хулқ-атворини

намоён этди. У намунали аёл, намунали хотин ва намунали риёзатчи эди. Инсоният тарихида унга ўхшаган бошқа бир аёлни топиш қийин.

40. Сен худди чексиз денгиздаги катта кема дарғасига ўхшайсан ва бизларни кўзлаган мақсадимизга етказа оласан.

Бу гапларни тинглаб туриб, Худонинг файласуф содиқлари ичида энг буюги бўлган авлиё инсон Девариши Нарада уларга гапира бошлади.

Изоҳ: Ҳар хил тоифадаги файласуфлар бор, уларнинг ичида энг буюклари Худо Шахсини кўрган ва ҳаётини Худога садоқат билан илоҳий хизмат қилишга бағишлаган зотлар ҳисобланади. Девариши Нарада Муни – Парвардигорнинг ана шундай асл содиқ хизматкорларидан бири, шунинг учун мазкур шеърда у барча файласуф-содиқлар орасида энг буюги деб аталган. Токи инсон ҳақиқий руҳий устоздан веданта фалсафасини ўрганиб етарлича илмга эга бўлган билимдон файласуф бўлиб етишмагунча уни файласуф-содиқ деб бўлмайди. Инсон чуқур имонга, мукамал илмга ва таркидунёликка эга бўлиши лозим, акс ҳолда у Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори бўла олмайди. Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори бизга ғофиллик зулматидан қандай қилиб ёруғликка чиқиш йўлини кўрсата олади. Девариши Нарада Муни Маҳараж Юдхитхиранинг саройига ташриф буюрди, чунки барча Пандузодалар Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорлари эди, Девариши Нарада Муни зарур бўлган пайтда уларга яхши насихатлар беришдан хурсанд бўларди.

41. Шри Нарада деди: Эй саховатли шох, ҳеч ким учун ғам-ғуссага ботиб юрма, чунки, ҳамма нарса Худонинг ҳукми остида. Шундай экан, ишончли ҳимоя остида бўлиш учун барча тирик мавжудотлар ва уларнинг йўлбошчилари Худога сиғиниб яшайдилар. Фақат Худонинг Ўзи тирик мавжудотларни бир-бири билан учраштиради ёки уларни бир биридан ажратади.

Изоҳ: Бу дунёда ҳам, руҳий оламда ҳам ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг, Худо Шахсининг ҳукми остида бўлади. Коинот ҳукмдори маъбуд Брахмадан бошлаб то энг кичик чумолигача – ҳамма тирик мавжудотлар Худонинг амрига бўйсундилар. Шунинг учун тирик мавжудотнинг табиий ҳолати – Худонинг амрига бўйсуниб яшашдан иборат. Нодон тирик мавжудот, айниқса инсон, ҳеч қандай сабабсиз Худонинг қонунларига қарши чиқади, шунинг учун уни асура, яъни “қонунбузар” деб қоралайдилар. Худонинг амру-иродаси билан тирик мавжудот маълум бир вазиятга тушиб қолиши мумкин,

кейин эса Худонинг ёки Унинг ишончли вакилининг амри билан бошқа бир вазиятга тушиб қолади. Маъбуд Браҳма Шива, Индра, Чандра, Махараж Юдхитхира ҳозирги даврда Наполеон, Акбаршоҳ, Александр, Ганди, Шубхаш ва Неру – уларнинг ҳаммаси Худонинг содиқ хизматкорлари бўлиб, Худонинг амри билан у ёки бу лавозимни эгаллаб турадилар. Уларнинг бирортаси ўзлари мустақил ҳаракат қиламан деб айтолмайдилар. Гарчи ана шундай одамлар, жамият бошлиқлари Парвардигорнинг олий ҳукмини тан олишни истамай баъзан Унга қаршилик қилсалар ҳам, улар моддий оламнинг қаттиқроқ қонунлари исканжасига тушиб қоладилар ва ҳар хил қийинчиликларни бошидан кечирадилар. Шунинг учун фақат нодон одамлар Худо йўқ деб айтишлари мумкин. Мана шу очик ҳақиқатни Махараж Юдхитхирага кўрсатиш лозим эди, чунки у ўзининг кекса амакиси ва **холаси** йўқолиб қолганидан қаттиқ изтироб чекаётган эди. Махараж Дхритараштра ўзининг аввал қилган ишлари оқибатида мана шундай ҳолатга тушиб қолган эди. У ўзининг тақдирига ёзилган шодлик ва мусибатларни аввал етарлича бошидан кечирган эди, лекин, унинг бахтига Видурадай яхши укаси бор эди, унинг насиҳатларига қулоқ солиб, у моддий оламдаги ўзининг барча қарзларини узиб, нажот топиш учун уйини тарк этиб кетган эди.

Одатда инсон қанча уринмасин, ўзининг тақдирига ёзилган бахт ва бахтсизликларга таъсир кўрсата олмайди. Улар енгилмас замон, каланинг англаб бўлмас қонунлари бўйича ўзидан ўзи келиб кетаверадилар, инсон уларни қабул қилиб олишга мажбур. Шунинг учун яхшиси – нажот топишга интилиш лозим, бундай имконият ривожланган ақл ва тафаккурини инобатга олиб, фақат инсонга берилган. Ведавий муқаддас китобларда берилган инсон танасида озодликка эришиш ҳақидаги насиҳатларнинг ҳаммаси фақат инсонлар учун мўлжалланган. Ўзининг ривожланган ақл-идрокининг имкониятларидан нотўғри фойдаланиб юрган киши, шубҳа йўқки, тубанликка юз тутаяди, у ўзининг ҳозирги ҳаётида ёки кейинги ҳаётида турли бахтсизликларга дучор бўлади. Парвардигор шу тарзда ҳар биримизни бошқариб туради.

42. Худди бурнига боғланган узун ип орқали сигир бошқа бировнинг ҳукми остида бўлгани сингари, одамлар ҳам, Ведавий муқаддас китобларнинг ҳар хил қонун-қоидалари орқали Парвардигорнинг кўрсатмаларига бўйсунишга мажбурдирлар.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот, хоҳ у инсон бўлсин, хоҳ ҳайвон ёки куш бўлсин, ўзини эркин деб ўйлайди, лекин аслида ҳеч ким Парвардигорнинг муқаррар қонунларидан озод эмас. Парвардигорнинг қонунлари муқаррар,

чунки уларга бўйсунмасликнинг ҳеч қандай иложи йўқ. Маккор одамлар одамлар яратган давлат қонунларини четлаб ўтишлари мумкин, аммо қонун яратувчи олий ҳукмдорнинг қонунларига бўйсунмасликнинг иложи йўқ. Худонинг яратиб қўйган қонунларидан салгина четга чиқишнинг ўзиёқ жинойятчига оғир мусибат келтириши мумкин. Парвардигорнинг ана шундай қонунларини одатда ҳар хил шароитларга мосланган диний қоидалар тўплами деб атайдилар, лекин диннинг асосий қонунлари ҳамма жойда бир хил – ягона Парвардигорнинг амрига, яъни дин қонунларига бўйсунуш. Моддий оламда тирикчилик қилиш қонуни шундан иборат. Моддий оламдаги барча тирик мавжудотларнинг ҳаммаси ўз ихтиёри билан шартланган ҳаёт билан яшашга уришиб кўришга таваккал қилганлар ва шу тарзда моддий табиат қонунларининг тўрига илиниб қолганлар. Ана шу кишанлардан озодликка чиқишнинг ягона йўли – ўз ихтиёри билан Парвардигорга бўйсунушга рози бўлиш. Лекин, майя(алданиш) исканжасидан озодликка чиқиш ўрнига аҳмоқ одамлар браҳманлар, кшатрий, вайшья, шудралар, индуслар, мусулмонлар, индуслар, европаликлар, америкаликлар, хитойликлар сингари турли номлар ва белгилар билан ўзларини боғлаб қўядилар, шунинг учун улар Парвардигорнинг амрини бажаришни ҳам шу номларга мос келадиган китоб ва қонунлар билан чеклаб қўядилар. Давлатнинг ёзилган қонунлари – дин қонунларини номукамал равишда ўзгартиришдир. Дунёвий, яъни атеистик ҳукумат ўзининг фуқароларига Худонинг қонунларини бузишга рухсат беради, лекин давлат қонунларидан четга чиқишни таъқиқлаб қўяди, бунинг натижасида эса фуқаролар инсон яратган номукамал қонунларга бўйсуниб яшаганидан кўра кўпроқ Худонинг қонунларини бузаётгани сабабли азоб чекадилар. Моддий тирикчилик шароитида яшар экан, ўзининг табиатига кўра ҳар бир инсон номукамал, шунинг учун ҳатто энг юксак ривожланган киши ҳам мукамал қонун яратишга қодир эмас. Аммо, Худонинг қонунлари мукамал. Агар йўлбошчилар Худонинг қонунларини яхши билсалар қўлидан бирор иш келмайдиган ярамас одамларни вақтинчалик қонунларни яратиш учун тўплаб юришга ҳожат қолмайди. Одамлар яратган вақтинчалик қонунларни ҳамиша ўзгариб туриши керак, аммо Парвардигор яратиб қўйган қонунлар ўзгармас, чунки ҳар томонлама мукамал Худо Шахси уларни мукамал қилиб яратган. Дин қонунлари, муқаддас китоблардаги насиҳатлар Парвардигорнинг руҳий озодликка эришган вакиллари томонидан ҳаётнинг турли шароитларини ҳисобга олган ҳолда яратилган, Парвардигорнинг кўрсатмаларини бажарар экан, шартланган тирик мавжудотлар аста-секин моддий тирикчилик исканжасидан озодликка

чиқадилар. Лекин, тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати – Парвардигорнинг мангу хизматкори ҳолатидир. Озодликка чиққан ҳолатида у Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилади ва шу тарзда баъзан Парвардигор билан бир хил, тўла эркинликда, баъзан эса ҳатто Парвардигордан ҳам кўпроқ эркинликда лаззатланиб яшайди. Аммо шартланган моддий оламда ҳар бир тирик мавжудот бошқа шартланган тирик мавжудотлар учун Худо бўлишга интилади, шунинг учун майянинг алдаши таъсири остида ана шу ҳукмронлик қилиш истаги шартланган ҳаётнинг узайишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, то ўзининг бошланғич, мангу хизматкор ҳолатини қайта-тиклаб, ўз ихтиёрини Худога топширмагунча тирик мавжудот моддий оламда тобора кўпроқ шартланган ҳолатга тушиб бораверади. "Бхагавад-гита"нинг ва бошқа ҳамма тан олган муқаддас китобларнинг якуний насихати шундан иборат.

43. Худди ўйинчоқлар билан ўйнаб ўтирган бола уларни ўз хоҳиши билан бир жойга тўплагани ёки ҳар тарафга сочиб ташлагани сингари, Парвардигорнинг Олий ҳукми ҳам одамларни бир-бири билан учратади ёки ажратиб юборади.

Изоҳ: Биз шуни яхши билишимиз лозимки, ҳозир биз тушиб қолган вазиятни ўзимизнинг аввал қилган ишларимиз асосида олий ҳукмдорнинг ўзи биз учун яратиб қўйган. "Бхагавад-гита"(13.23)да айтилганки, Парвардигор ҳар жойга мужассам бўлган Параматма қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд, шунинг учун бизларнинг умримизнинг ҳар бир поғонасидаги ҳар бир амалимиздан У хабардор. У бизларни у ёки бу вазиятга солиб қўйиш билан ўзимизнинг аввал қилган ишларимизнинг оқибатини бошимиздан кечириш имкониятини беради. Бадавлат кишининг фарзанди ҳар томондан ҳимояланган бўлиб дунёга келади, лекин, бой хонадонда туғилган бола аввалги ҳаётида шунга муносиб ишлар қилган, шунинг учун Худонинг амри билан бадавлат хонадонда туғилади. Вақти келиб бола шундай уйни ташлаб кетишга мажбур бўлса, бу ҳам, ҳатто у ёки унинг отаси ўзларининг ширин муносабатларини узгиси келмасалар ҳам, Худонинг амри билан бўлади. Камбағал одам билан ҳам шундай бўлади. Бой ҳам, камбағал ҳам тирик мавжудотларнинг бундай бирлашиши ва ажралиб кетишларига ўз ҳукмини ўтказа олмайдилар. Ўйинчоқларни ўйнаб ўтирган бола мисолини тўғри тушуниш керак. Баъзилар бунга эътироз билдириши мумкин: Парвардигор бизларга ўз меҳнатларимизнинг натижасини бериши шарт бўлгани учун, бу ерда ўйинчоқлар билан ўйнаб ўтирган бола мисоли ўринли эмас. Лекин аслида бундай эмас. Биз ҳамиша шуни эсда тутишимиз лозим: Парвардигор – олий, мутлақо

эркин ирода, У ҳеч қандай қонунга бўйсунмайди. Одатда инсон карма қонуни асосида ўз фаолиятининг натижаларига эга бўлади, лекин алоҳида ҳолларда Худонинг амри билан бу натижалар ҳам ўзгартириб юборилади. Лекин бу фақат Худонинг амри билан амалга ошиши мумкин, бунга бошқа сабаб умуман бўлиши мумкин эмас. Демак, бу ерда келтирилган ўйинчоқлар билан ўйнаб ўтирган бола мисоли ўринли, чунки Олий Ҳукмдор Ўзи истаган ишини қилишга қодир, Парвардигор мукаммал бўлгани учун Унинг бирор ҳаракатида ёки уларнинг оқибатларида бирор хато бўлиши мумкин эмас. У асосан Ўзининг асл содиқ хизматкорининг фаолиятининг натижаларини ўзгартиради. "Бхагавад-гита"(9.30-31)да Парвардигор айтадики, ўз ихтиёрини бутунлай Унга топшириб қўйган содиқ хизматкорини У барча гуноҳлари оқибатидан қутқариб қолади, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Инсоният тарихидан Парвардигор ўз содиқларининг аввалги қилган ишлари оқибатини ўзгартириб юборганига юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Агар Парвардигор кимнингдир аввалги қилган ишлари оқибатини ўзгартиришга қодир бўлса, ҳеч шубҳа йўқки, Унинг Ўзи Ўзининг фаолиятига ва унинг оқибатларига мутлақо боғланган эмас. У мукаммал Зот ва ҳар қандай қонунларга нисбатан илоҳий ҳолатда.

44. Эй шох, сен рух(жон)ни мангу, моддий танани эса ўткинчи деб ҳисобласанг ҳам, ёки, уларнинг барчаси шахсиятсиз Мутлақ Ҳақиқат ичида жойлашган деб ҳисобласанг ҳам, ёки буларнинг ҳаммаси модда ва рухнинг тушунтириб бўлмайдиган бирикмаси деб ўйласанг ҳам, хижрон дегани – шунчаки ўткинчи, алдамчи боғланиш туйғусининг оқибати, холос.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг алоҳида ажралмас заррачасидир, унинг азалий бошланғич ҳолати – ўз ихтиёри билан Унинг хизматкори бўлишдир. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас. Ўзининг шартланган ҳолатида ҳам, мукаммал илмга эга бўлган мангу озодликка эришган ҳолатида ҳам тирик мавжудот ҳамиша Парвардигорнинг ҳукми остида бўлади, аммо ҳақиқий илмга эга бўлмаган кишилар тирик мавжудотнинг ҳақиқий ҳолати борасида ҳар хил тахминларни ўртага ташлайдилар. Лекин, фалсафа мактабларининг ҳаммаси тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра мангу эканини ва уни қоплаб турган, беш моддий унсурдан таркиб топган моддий тана ўткинчи ва йўқолиб кетишини тан оладилар. Мангу тирик мавжудот карма қонуни асосида бир танадан иккинчи танага ўтиб юради, моддий таналар эса ўзларининг табиатига кўра емирилиб кетиш хусусиятига эга. Шунинг учун тирик мавжудот бир танадан иккинчи танага

ўтганида ёки моддий тана мажудлигининг маълум бир поғонасида яксон бўлганида, бунинг учун ғам-ғуссага берилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Моддий тана қамокхонасидан озодликка чиққандан кейин рухнинг Олий Рух билан кўшилиб кетишига ишонадиган одамлар бор, шунингдек, рухнинг мавжудлигига умуман ишонмайдиган лекин фақат кўриб, ушлаб бўладиган танага ишонадиган одамлар ҳам бор. Ўзимизнинг ҳаёт тажрибамиздан биламизки, модда бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтиб, ўзгариб туради, биз бунинг учун ғам-ғуссага ботмаймиз. Юқорида келтирилган ҳолатларнинг бирортасида илоҳий қудратнинг таъсир кучини тўхтатишнинг иложи йўқ – бунга биз қодир эмасмиз, демак, бундан қайғу чекишга ҳам ҳеч қандай сабаб йўқ.

45. Шундай экан, ҳақиқий ўзлигини билмаслигининг сабабли юзага келаётган барча хавотирларининг ҳаёлингдан чиқариб ташла! Сен, энди у ачинарли, ночор зотлар сенсиз қандай кун кечирадилар, деб ўйлаётган бўлсанг керак?

Изоҳ: Қариндошларимиз, яқинларимиз ночор, ачинарли аҳволда шунинг учун улар бутунлай бизларга қарам деб ўйласак, бу бизнинг ғофиллигимиз бўлади. Худонинг амри билан ҳар бир тирик мавжудот ўзининг бу дунёда эгаллаб турган ҳолатига мос равишда ҳар жиҳатдан химояланган бўлади. Парвардигор *бхута-бхрит*, яъни “барча тирик мавжудотларни химоя қиладиган Зот” сифатида машҳур. Инсон шунчаки ўз бурчини бажариши лозим, чунки Парвардигорнинг Ўзидан бошқа ҳеч ким ҳеч кимни химоя қилишга қодир эмас. Бу кейинги шеърда батафсилроқ тушунтирилган.

46. Беш моддий ўнсурдан таркиб топган моддий танани мангу замон(кала), фаолият(карма) ва моддий табиатнинг сифат(гуна)лари бошқариб туради. Ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзи шундай аждарнинг оғзида турган бўлса, қандай қилиб у бошқаларни химоя қилиши мумкин?

Изоҳ: Бутун жаҳонда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда тарғибот олиб бораётган турли озодлик ҳаракатлари ҳеч кимга бирор фойда келтира олмайдилар, чунки уларнинг ўзлари олий қудрат ҳукми остидалар. Шартланган тирик мавжудот бутунлай моддий табиатнинг ҳукми остида, моддий табиат эса мангу замон ва табиат гуналари таъсири остида кўрсатиладиган фаолиятда намоён бўлади. Моддий табиатнинг уч гунаси мавжуд: эзулик, эҳтирос ва ғафлат. Токин инсон эзулик гунаси таъсири остида бўлмас экан, у ҳақиқий илмга эга бўла олмайди. Эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида юрган киши атроф-муҳитни асл ҳолида кўришга қодир эмас. Демак, ғофил ва эҳтирос таъсиридаги киши ўзининг

фаолиятини тўғри йўналишга ўзгартира олмайди. Фақат эзулик гунаси таъсиридаги киши маълум даражада бунга қодир бўлади. Одамларнинг аксарият кўпчилигига ғафлат ва эҳтирос таъсир қилади, шунинг учун уларнинг тузган ҳар хил режа ва лойиҳалари кимгадир бирор манфаат келтириши амри маҳол. Табиат гуналаридан кала деб аталадиган мангу замон устун туради, чунки у моддий оламдаги ҳамма нарсанинг шаклини ўзгартиради. Ҳатто биз вақтинча фойда берадиган бирор иш қилишга эришсак ҳам, замона зайли вақти келиб бизнинг тузган яхши режаларимизни чиппакка чиқаради. Биз қила олишимиз мумкин бўлган ягона амал – *кала-сарпа*, агар чакса захари инсонни муқаррар ўлдирадиган кобра илонига ўхшайдиган мангу замон(кала)дан халос бўлиш. Унинг чақишидан ҳеч кимни қутқаришнинг иложи йўқ. Кобрага ўхшаган каланинг оғзидан ёки, у билан чамбарчас боғлиқ бўлган табиат гуналарининг чангалидан қутулишнинг энг ишончли воситаси – “Бхагавад-гита”(14.26)да тавсия қилинган бхакти-йога усулидир. Энг яхши эзу фаолиятнинг мукамал лойиҳаси – бутун жаҳондаги ҳамма одамларни *бхакти-йогани* тарғибот қилиш билан машғул қилишдир, чунки фақат мана шу тадбир одамларни юқорида келтирилган *кала, карма* ва *гуналар*да намоён бўладиган *майя* ҳукмидан озодликка чиқаришга қодир. “Бхагавад-гита”(14.26)да бу аниқ тасдиқланган.

47. Қўлларидан маҳрум зот қўллари борнинг ўлжаси, оёғидан маҳрум зот – тўрт оёқли зотнинг ўлжаси. Ожизлар кучлиларга озуқа бўлади. Умумий қонун шундай: ҳар бир тирик мавжудот бошқа бир тирик мавжудотга емиш бўлади.

Изоҳ: Тирикчилик учун кураш жараёнида тирик қолиш қонуни Худонинг амри билан ўрнатилган, қанчалик тиришмасин, ҳеч ким уни четлаб ўтолмайди. Олий Зотнинг хоҳишига қарши бу моддий оламга келган тирик мавжудотларга майя-шакти деб аталадиган олий ҳукмдор, Парвардигорнинг вакили ҳукмронлик қилади, ана шу даиви майя шартланган руҳларни уч турли азоб-уқубатга дучор қилиш учун яратилган. Шу азоблардан бири мазкур шеърда таърифланган: ожизлар кучлиларга озуқа бўлади. Ҳеч ким ўзидан кучлироқ бўлган зотнинг ҳамласига бардош бера олмайди. Худонинг амри билан бу дунёдаги тирик мавжудотлар ожизларга, кучлиларга ва энг кучлиларга бўлинади. Йўлбарс оғзига тушган ожиз тирик мавжудотларни қайғуриб ғам-ғуссага берилишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ, чунки Худонинг қонуни шундай. Лекин, инсон бошқа тирик мавжудотларнинг ҳисобидан тирикчилик қилиши лозим деган қонун мавжуд бўлгани билан, айни пайтда соғлом фикрга асосланган мантиқий қонуни ҳам бор, унга асосан инсон муқаддас

китобларда берилган қонунларга риоя қилиб яшаши лозим. Бошқа тирик мавжудотларга муқаддас китоблар берилмаган. Инсоннинг вазифаси – ўзлигини англаб етиш, шунинг учун у аввал Парвардигорга таклиф этилмаган бирор нарса билан озиқланмаслиги керак. Парвардигор Ўзининг содиқ хизматкоридан сабзавот, мева, кўкат ва ғалладан тайёрланган турли хил таомларни қабул қилади. Парвардигорга мева, барг, ва сут маҳсулотларини турли кўринишларда таклиф қилиш мумкин, Парвардигор таомни қабул қилгандан кейин содиқ хизматкор уни ўзи истеъмол қилиши мумкин. Бунинг натижасида вақт ўтиши билан унинг бу дунёда тирикчилик учун курашдаги барча азоб-уқубатлари енгиллашади. "Бхагавад-гита"(9.26) ҳам буни тасдиқлайди. Ҳатто ҳайвонларни ейишга одатланиб қолган кишилар ҳам ўз емишларини аввал Худога таклиф қилишлари мумкин, лекин бунда улар уни Парвардигорнинг Ўзига эмас, балки маълум диний қоидалар асосида Унинг вакиллари билан бирига таклиф этадилар. Муқаддас китобларнинг кўрсатмалари бошқа тирик мавжудотларни еб юрганларнинг амалларини қўллаб-қувватлаш учун эмас, балки уларнинг бу амалларини маълум қоидалар билан чеклаш учун мўлжалланган.

Тирик мавжудот – ўздан кучлироқ тирик мавжудотларнинг озуқаси. Озиқ-овқат учун ортиқча ташвишга тушишнинг ҳожати йўқ, чунки тирик мавжудотлар ҳамма жойда мавжуд, ҳеч қаерда бирор тирик мавжудот озиқ-овқат танқислигидан қийналиб юргани йўқ. Нарада Муни Махараж Юдхитхарага маслаҳат бериб айтяптики, тоғасининг озиқ-овқат етишмаслигидан қийналишини ўйлаб, ташвишга тушишнинг ҳожати йўқ: улар Парвардигорнинг марҳамати сифатида қалин ўрмонда ўсиб ётган сабзавот ва мевалар билан овқатланиб кун кечиришлари ва шу билан инсонни озодликка олиб чиқадиган йўлга киришлари мумкин.

Кучли тирик мавжудотнинг ўздан ожиз тирик мавжудотга зулм ўтказиши – бу дунёда тирикчилик қилишнинг табиий қонуни. Ўздан ожиз зотларни ютиб юборишга уриниш ҳолларини тирик мавжудотларнинг турли салтанатларида кузатиш мумкин. Моддий шароитларда бунга интилишни ҳеч қандай сунъий йўллар билан тўхтатишнинг иложи йўқ. Бунга фақат руҳий кўрсатмалар асосида инсон қалбида руҳий онгни қайта тиклаш орқали эришиш мумкин. Лекин, муқаддас китобларда берилган руҳий қонун-қоидалар инсонга ўзи ожиз тирик мавжудотларга қирғин келтириш билан бир вақтда бошқаларни тинч-осойишта яшашга ўргатишга руҳсат бермаган. Агар инсон ўзи ҳайвонлар билан тинч-тотув яшамаса, қандай қилиб у инсонлар жамиятида тинчлик-тотувлик ўрната олишидан умидвор бўлиши мумкин. Шунинг учун кўзлари кўр йўлбошчилар аввал Олий Зотни англаб

етишлари, кейин эса Парвардигорнинг салтанати ғоясини ҳаётга татбиқ қилишлари лозим. Токи бутун жаҳондаги барча одамларнинг қалбида Худонинг онги қайта-тикланмас экан, ер юзида Парвардигорнинг салтанатини, яъни Рама-раджйани қайта-тиклашнинг иложи йўқ.

48. Шунинг учун эй шоҳ, сен назарингни Парвардигорга қаратишинг лозим. У - бир ва ягона. У Ўзини ҳар хил қувватлари ёрдамида намоён этиб, ҳамманинг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуд бўлиб туради.

Изоҳ. Ягона Парвардигор, Худонинг Олий Шахси - ҳамма учун бир ва ягона, лекин У Ўзини турли қувватлар ёрдамида намоён этади, чунки Ўзининг табиатига кўра У лаззатга тўла. Тирик мавжудотлар ҳам Унинг сифат жиҳатидан Ўзи билан бир хилда бўлган оралиқ қувватларининг намоён бўлишидир. Сон-саноксиз тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ҳам ташқи, ҳам ички қувватининг ҳам ичида, ҳам ташқарисида мавжуддирлар. Руҳий олам - Парвардигорнинг намоён бўлган ички қуввати бўлгани учун ана шу қувват ичида мавжуд бўлган тирик мавжудотлар ташқи қувват билан булганмаган ва Парвардигор билан сифат жиҳатидан бир хилдирлар. Гарчи тирик мавжудот сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир бўлса ҳам, моддий олам билан булгангани сабабли у бузилган кўринишда намоён бўлади ва шу боис моддий оламда бахт ва мусибатларга дучор бўлиб юради. Бундай кечинмалар аслида ўткинчи бўлиб руҳий табиатга эга бўлган жонга таъсир қилмайди. У фақат Парвардигорнинг сифатлари билан бир хил бўлган ўзининг илохий сифатларини эсдан чиқаргани сабабли ана шу алдамчи бахт ва мусибатларни ҳис қилади. Лекин Парвардигорнинг Ўзи адашган руҳга йўл кўрсатиб, тирик мавжудотга ҳам ичдан, ҳам сиртдан ҳамиша таъсир қилиб туради. Параматма сифатида Парвардигор ўзи интилаётган тирик мавжудотга ичдан йўл кўрсатиб туради, ташқаридан эса У тирик мавжудотга муқаддас китоблар ва ҳақиқий руҳий устоз кўринишида намоён бўлиб йўл кўрсатади. Биз ўз нигоҳимизни Парвардигорга тикишимиз лозим; ўткинчи ва алдамчи бахт ёки мусибатнинг намоён бўлишидан ташвишга тушмаслигимиз керак, лекин ҳамиша Парвардигор билан Унинг бу дунёда адашиб юрган руҳларга тўғри йўл кўрсатишга қаратилган ташқи фаолиятида ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилиш лозим. ("Худо урган кишини пайғамбар ҳассаси билан туртади"). Шахсий манфаат ёки қандайдир моддий бойлик кўзлаб, ёки шу йўл билан тирикчилик қилиш ниятида эмас балки фақат Худонинг амри ва хоҳиш иродаси билан руҳий устоз бўлиб Парвардигор билан ҳамкорлик қилиш мумкин. Парвардигор билан ҳамкорлик қилиш учун ўз нигоҳини Парвардигорга тиккан ҳақиқий руҳий

устозлар ҳақиқатан ҳам сифат жиҳатидан Парвардигордан фарқ қилмайдилар, шуни эсдан чиқарадиган сохта руҳий устозлар эса - уларнинг бузилган оксидирлар. Шунинг учун Нарада Муни Махараж Юдхитхирага бу ўткинчи бахт ва мусибатларга эътибор бермасдан Парвардигорнинг бу дунёга келишдан мақсадини амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун ўз нигоҳини Парвардигорга қаратишни маслаҳат беради. Махараж Юдхитхиранинг биринчи вазифаси шундан иборат эди.

Текст 49

Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришна ҳасадгўй зотларни яксон қилиш учун ҳозир Ер сайёрасига ҳамма нарсани ютиб юборадиган замон(кала-рупа) киёфасида таширф буюрган.

Изоҳ. Одамларнинг икки тоифаси мавжуд: ҳасадгўй одамлар ва итоаткор инсонлар. Парвардигор ягона ва У барча тирик мавжудотларнинг отаси бўлгани учун ҳасадгўй одамлар ҳам Унинг фарзандлари ҳисобланади, лекин улар асурлар деб аталадилар. Олий отанинг амрига итоат қиладиган тирик мавжудотлар *деваталар*, яъни фаришталар деб аталадилар, чунки улар ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлар билан булганмаганлар. Асурлар Парвардигорнинг мавжудлигини инкор қилиш билан фақат Парвардигорга эмас, балки бошқа тирик мавжудотларга ҳам ҳасад қиладилар. Парвардигор вақти вақти билан асурларни яксон қилиб, уларнинг ўрнига Пандузодалар сингари фаришталар ҳукмронлигини ўрнатиб оламни асурларнинг ҳукмронлигидан тозалаб туради. Мазкур шеърда Парвардигор *кала* киёфасига кирган Зот деб аталишига эътибор бериш лозим. У мутлақо даҳшатли эмас, чунки У мангулик, лаззат ва имлнинг илоҳий киёфасидир. Унинг ҳақиқий киёфаси фақат Худонинг содиқларига очилади, имонсизларга эса У сабаблар кўринишидаги *кала-рупа* киёфасида намоён бўлади. Парвардигорнинг ана шу сабаблар киёфаси асурларга даҳшатли бўлиб кўринади, улар Парвардигор уларни яксон қилмаслигига ўзларини ишонтириш учун улар Парвардигорнинг киёфаси йўқ деб ҳисоблайдилар.

Текст 50.

Парвардигор фаришталарга ёрдам бериш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўриб қўйди, энди эса бошқаларни кутиб турибди. Сиз Пандузодалар эса, токи Парвардигор мана шу Ер сайёрасида юрган вақтгача кутиб туришларингиз мумкин.

Изоҳ: Фақат Парвардигорга эмас, балки Унинг содиқларига ҳам ҳасад қиладиган асурлар бу моддий оламни бошқариб турган фаришталарга каттиқ қийинчиликлар олиб кела бошлаганида

фаришталарга ёрдам бериш учун Парвардигор Ўзининг даргоҳидан, руҳий оламнинг энг олий сайёраси(Кришналока)дан тушиб келади. Юкорида айтилганидек, шартланган тирик мавжудотлар моддий оламнинг бойликларидан лаззатланиш ҳамда ўзларини кўзлари илғаган жойдаги ҳамма нарсанинг ҳукмдори деб ҳисоблаш истагининг кучли таъсири остида ўз хоҳиши билан модда билан бирлашадилар. Бу дунёда ҳар ким Худога тақлид қилишга интилади. Ана шу сохта худолар орасида ҳаммаша ўзаро қаттиқ рақобат бўлиб туради, ана шундай рақобатчиларни асурлар деб атайдилар. Ер юзида ана шундай асурлар жуда кўпайиб кетганида, Худонинг содиқлари учун бу дунё дўзахга айланади. Асурлар тобора кўпайиб бораётгани сабабли, аксарият кўпчилиги ўзининг асл табиатига кўра Худонинг содиқлари бўлган одамлар, Худонинг асл содиқ хизматкорлари, шу жумладан олий сайёралардаги фаришталар ёрдам сўраб Парвардигорга илтижо қиладилар, шунда, таназзулга юз тутиб адашган, аниқроғи ҳайвонсифат бўлиб кетган одамлар жамиятидаги аҳволни яхшилаш учун Парвардигор Ўзининг даргоҳидан Шахсан Ўзи тушиб келади ёки Ўзининг содиқ хизматкорларидан бирини юборади. Жамиятнинг ана шундай тубанликка юз тутиши фақат инсонлар жамиятида эмас, балки ҳайвонларда, қушларда ва бошқа тирик мавжудотларда, шу жумладан ҳатто олий сайёралардаги фаришталарда ҳам бўлиб туради. Камса, Джарасандха, Шишупала сингари кўплаб асурларни яксон қилиш учун Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи тушиб келди ва Махараж Юдхитхиранинг ҳукмронлик даврида деярли ҳамма асурларни яксон қилди. Энди У Ўз хонадонининг - бу дунёга Унинг амри билан келган Йаду *вамишанинг* ҳалокатини кутиб турган эди. Парвардигор уларни бу ердан Ўзи бу дунёни тарк этишидан олдин олиб кетмоқчи эди. Худди Видура сингари Нарада Муни ҳам Йадавалар хонадонининг яқинда ҳалокатга учраб қирилиб кетиши ҳақида ҳеч нарса демади, шоҳ ва унинг укалари ана шу ҳалокат юз беришини ва Парвардигорнинг бу дунёни тарк этишини кутиб туришлари лозимлигини эслатиб қўйди.

Текст 51

Эй шоҳ, тоғанг Дхритараштра, унинг укаси Видура ва хотини Гандхари Ҳимолай тоғининг буюк донишмандларнинг кулбалари жойлашган жанубий этақларига йўл олдилар.

Изоҳ: Қайғуга ботган Махараж Юдхитхирани юпатар экан, Нарада Муни аввал унга фалсафани тушунтирди, кейин эса ўзининг келажакни кўра билиш қудрати асосида унинг тоғаси келажакда қандай ишлар билан машғул бўлишини айтиб берди. У тоғасининг келажакини шундай таърифлаб берди.

Текст 52

Ана шу жой Саптасрота("етти қисмга бўлинган") деб аталади, чунки ана шу жойда муқаддас Ганганинг сувлари етти ирмоққа бўлинган. Бу етти буюк донишманднинг истагини амалга ошириш учун шундай бўлган эди.

Текст 53

Энди, Саптасрота соҳилида жойлашиб, Дхритараштра *аштанга-йога* билан шуғуллана бошлади: у ҳар куни уч марта - эрталаб, кун ўртасида ва кечқурун ювиниб покланади, *Агни-хотра* қурбонлик маросими ўтказади, овқат ўрнига фақат сув ичади. Бу инсонга ўзининг ақлини ва сезгиларини жиловлаб олишга ёрдам беради ҳамда уни оилавий боғланишлар ҳақидаги фикрлардан бутунлай халос этади.

Изоҳ: Йога тизими - сезгилар ва ақлини жиловлаш ва уларнинг фаолиятини моддадан руҳга олиб ўтишнинг механик(жисмоний) усули. Бунга тайёрланиш жараёни танани ҳар хил ҳолатларда ушлаб ўтириш, муроқабани қилиш, руҳий мавзуларда фикр юритиш, танадаги ҳаво оқимларини бошқариш ва аста-секин транс ҳолатига ғарқ бўлишни ўз ичига олади. Бу жараён Мутлақ Шахс Параматмани бевосита кўриш имконини беради. Руҳий поғонага кўтарилишининг ана шундай механик усули маълум бир қонун-қоидаларга амал қилишни талаб қилади: кунига уч марта ювиниб покланиш; иложи борича оч юриб рўза тутиш; ақлини руҳий мавзуларга ғарқ қилиб ўтириш ва ҳоказо. Шундай қилиб, аста-секин *вишайа*, моддий интилишлардан халос бўлиш мумкин. Моддий тирикчилик инсонни аслида алдамчи нарсалар бўлган моддий нарсаларга интилиш туйғуси қамраб олиши билан белгиланади. Уй, ватан, оила, жамият, бола-чақа, бойлик ва бизнес - *атма*, руҳни қоплаб оладиган моддий қобиклардан баъзилари мана шулар ҳисобланади, йога тизими инсонга мана шу алдамчи қобиклардан покланишга ва вақти келиб Мутлақ Шахсга, *Параматма*га мурожаат қилишга ёрдам беради. Дунёвий суҳбатлар ва дунёвий таълим-тарбия бизларга фақат бир нарсани - алдамчи нарсаларга боғланиб қолишни ўргатади, *йога* тизими эса - уларни бутунлай эсдан чиқариш имконини берадиган усул. Ҳозирги *йоглар* ва *йога* тизимлари баъзи бир сеҳр қудратларини намоиш этадилар, ана шундай мўъжизалар ғофил одамларни жалб этади, ёки улар *йога* тизимини кўпол тананинг касалликларини даволашнинг осон йўли деб биладилар. Лекин аслида *йога* тизими - тирикчилик учун кураш олиб борган узок умримиз давомида эришган нарсаларнинг ҳаммасини эсдан чиқаришни ўрганишга ёрдам берадиган усулдир. Дхритараштра бутун умри давомида ўз фарзандларининг турмушини яхшилаб ва шу ният билан Пандузодаларнинг

мулкани ҳам ўзлаштириб, оиласининг фаровонлигини ошириш билан шуғулланиб келган эди. Бундай ишлар руҳий илм ва руҳий қудрат ҳақида ҳеч нарса билмайдиган дунёвий одамлар машғул бўладиган одатдаги ишлардир. Ундай киши ўзининг бу фаолияти уни жаннатдан дўзахга тортиб кетишини тушунмайди. Лекин, Дхритараштра укаси Видуранинг марҳамати билан руҳий илмга эга бўлган ва ана шу илм шарофати билан ўзининг бутун моддий фаолиятининг алдамчи эканини кўриб, руҳий юксалиш йўлига кириш учун уйини тарк этишга қодир бўлди. Шри Нарада Муни мазкур шеърда унинг самовий Ганга сувлари поклаган мана шу жойда қандай руҳий юксалишга эришишини башорат қилади. Бошқа бирор нарса истемол қилмасдан фақат сув ичиб юриш ҳам рўза, риёзат ҳисобланади. Бундай риёзат руҳий илм эгаллашда юксалишга эришиш учун зарур. Аҳмоқ одамлар ҳеч қандай қонун-қоидаларга амал қилмасдан *йог* бўлишга интиладилар. Аммо ҳатто ўзининг нафсини, тили(овқатланиш истаги)ни жиловлай олмаган киши қандай қилиб *йог* бўла олади? *Йога* ва *бхога*(лаззат) - бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлган тушунчалар. *Бхоги*, яъни еб ичишдан бошқа нарсани билмайдиган, қорнини тўйғазишдан бошқа дарди бўлмаган беташвиш киши *йог* бўла олмайди, чунки *йогларга* керагидан ортикча еб-ичиш таъқиқланган. Дхритараштра қандай қилиб *йог* тизими билан шуғуллана бошлаганига эътибор бериш лозим: руҳий муҳит ҳукм сурган жойда жойлашиб олиб, фақат сув ичиш билан кифояланиб, у Парвардигор Хари, Худо Шахси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлди.

Текст 54

Тана маълум тартибда тутиб ўтириш ҳолатлари(*йога асаналари*)ни ўзлаштириб олган ва нафас олиш жараёнини бошқара оладиган киши ўзининг ҳиссиётини Мутлақ Худо Шахсига қарата олишга ва шу билан эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гуналаридан иборат моддий табиат таъсирига берилмасликка қодир бўла олади.

Изоҳ: *асана*, *пранайама*, *пратйахара*, *дхйана*, *дхарана* ва ҳоказолар - *йоганинг* бошланғич поғоналаридир. Махараж Дхритараштра уларни муваффақият билан босиб ўтиши лозим эди, чунки у муқаддас пок жойда жойлашган ва фикрини ягона мақсад - Худонинг Олий Шахси(Хари)да мужассам қилган эди. Шундай қилиб, унинг барча сезги аъзолари Худого хизмат қилишда машғул эди. Бу усул содиқ хизматкорга моддий табиат гуналари иллатидан бирданига халос бўлишга ёрдам беради. Бошқа икки қуйи *гуналар* - эҳтирос ва ғафлат *гунаси* нари турсин, ҳатто олий моддий *гуна*, эзгулик *гунаси* ҳам инсоннинг моддий оламда тутқун бўлиб қолишига сабабчи бўлади.

Эҳтирос ва ғафлат гуналари дунёвий орзу-истакларни, яъни моддий лаззатланишга интилиш истагини кучайтиради, кучли эҳтирос туйғуси эса инсонни бойлик орттиришга ва ҳокимиятга интилишга ундайди. Лекин, ҳатто ақлнинг ана шу пасткаш интилишларини енгиб ўтган ҳамда одоб-ахлоқ ва илмга интилишда намоён бўладиган эзгулик гунасига кўтарилган киши ҳам ўзининг сезгиларини - кўзларини, тилини, бурнини, кулоқларини ва тери сезишини жиловлай олмайди. Лекин, аввал айтганимиздек, Парвардигор Харининг нилуфар қадамлари пойига ўзини топширган киши моддий табиат гуналари таъсири остидан чиқишга ва Худога хизмат қилишда мустаҳкам ўрнашиб қолишга қодир бўла олади. Шундай қилиб, *бхакти-йога* усули сезгиларни бевосита Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилади. Бу билан инсон моддий фаолият билан шуғулланиш имкониятидан маҳрум бўлади. Сезгиларни улар боғланиб қоладиган моддий нарсалардан чеглатиш ҳамда уларни Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда машғул қилиш *пратйахара* деб аталади, *пранайама* деб аталадиган усулнинг ўзи эса, охир-оқибатда инсонни *самадхига* - бор кучини ишга солиб фақат Парвардигор Харини мамнун қилиш билан машғул бўладиган ҳолатга олиб келади.

Текст 55

Дхритараштра ўзининг пок ўзлиги - "мен"ни тафаккури билан бирлаштириши, кейин тирик мавжудотнинг сифат жиҳатидан Олий Браҳман билан бирлигини билган ҳолда Олий Зот билан бирлашиши керак бўлади. Чекланган осмондан ташқари чиқиб, у руҳий оламга эришади.

Изоҳ: Моддий оламга ҳукмронлик қилиш ниятида ва Парвардигор билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиб, тирик мавжудот моддий оламнинг бирлашган куввати- *махат-таттва* билан бирлашади, бунинг натижасида унда ўзини моддий оламга, тафаккурга, ақл ва сезгиларга қиёслаш туйғуси ривожланади. Ана шундай сохта қиёслашлар унинг соф руҳий "мен"ни қоплаб олади. Руҳий ўзлигини англаш жараёнида тирик мавжудот ўзининг соф "мен"ни англаб етганида, у йога билан шуғулланиш ёрдамида беш кўпол унсурни, шунингдек нафис ақли ва тафаккурини *махат-таттва*га кўшиб, ўзининг бошланғич ҳолатини қайта-тиклаши керак бўлади. Шу тарзда *махат-таттва* чангалидан халос бўлиб, у Олий Рухга кўшилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, у ўзининг сифат жиҳатидан Олий Рухдан фарқ қилмаслигини англаб етиши лозим. Ўзининг соф тафаккури ёрдамида моддий осмондан юқори кўтарилиб, ўзини Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишлаши лозим. Руҳий ўзлик, ҳақиқий "мен"ни ривожлантиришда баркамолликнинг олий поғонаси ана шундай, Дхритараштра Видуранинг ҳамда

Парвардигорнинг марҳамати билан ана шу поғонага эришган эди. Унга Видура билан учрашиш имкониятини бериб Парвардигор унга Ўз марҳаматин кўрсатган эди, у Видуранинг насихатларига амал қила бошлаганида эса, Парвардигор унинг руҳий баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилишига ёрдам берди.

Худонинг асл содиқ хизматкори моддий олам сайёраларида яшамайди ва у моддий унсурлар билан аралаштиш таъсирига берилмайди. Унинг бу алдамчи моддий танаси гўё мавжуд эмасдай бўлади, чунки унинг бутун вужудини ўзининг шахсий хошиш-иродасидан фарқ қилмайдиган Парвардигорнинг хошиш-иродасининг оқими қамраб олган бўлади, шу боис у *махат-таттва*нинг ҳар қандай иллатидан мангу пок бўлади. У ҳамиша етти қават моддий қатламга нисбатан илоҳий бўлган ҳолда ўзининг садоқатли хизмати билан эришган руҳий оламда юрган бўлади. Шартланган руҳлар мана шу қатламларга ўралиб қолганлар, озодликка эришган зотлар эса улардан тенгсиз юқори бўладилар.

Текст 56

У сезгиларининг бутун фаолиятини, ҳатто ташқи фаолиятини ҳам тўхтатиб қўйиши ва моддий табиат гуналари таъсири остидаги сезгиларнинг ўзаро ҳаракатларига эътибор бермайдиган бўлиши лозим. Ўзининг барча моддий мажбуриятларидан воз кечиб, бу йўлдаги барча тўсиқларни енгиб ўтиб, у руҳий юксалиш йўлида ўзгармас қатъиятга эришади.

Изоҳ: Йога машғулотини ёрдамида Дхритараштра моддий фаолиятнинг барча оқибатлари яксон бўладиган поғонага эришиди. Моддий табиат гуналари ўзининг ўлжасига таъсир қилиб, унда моддий нарсалардан лаззатланиш истақлари оқимини юзага келтиради, лекин йога усули ёрдамида ана шу сохта лаззатланиш истақларидан халос бўлиш мумкин. Ҳар бир сезги ҳамиша ўзига лаззат берадиган озуқа излаб юради, улар ҳаммаси ҳар тарафдан шартланган руҳга хужум қилади, натижада руҳ қатъиятини йўқотиб, бирор фаолиятда мустаҳкам машғул бўла олмай қолади. Нарада Муни Махараж Юдхитхарага тоғасини безовта қилиб, уйига қайтаришга уринмасликни маслаҳат берди. Уни энди бирор моддий нарса кизиқтирмасди. Моддий табиат гуналари ўзининг таъсир доирасига эга, лекин, моддий табиат гуналаридан юқорида мутлақ руҳий *гуна* бор. *Ниргуна* ибораси "оқибатсиз" деганни билдиради. Руҳий *гуна* ва ундаги фаолиятнинг оқибати бир биридан фарқ қилмайди, шунинг учун руҳий сифатни унинг моддий аксидан ажратиш учун *ниргуна* деб атайдилар. Моддий табиат гуналаридан бутунлай халос бўлгандан кейин инсон руҳий оламга кириш имкониятига эга бўлади, руҳий *гуналар* бошқариб турган фаолият эса, Худога садоқат билан хизмат қилиш, яъни

бхакти деб аталади. Демак, *бхакти* - *ниргуна* ҳолати бўлиб, бу ҳолатга Мутлақ Ҳақиқат билан бевосита алоқа қилиш натижасида эришилади.

Текст 57

Эй шох, эҳтимол у танасини беш кундан кейин тарк этар, шунда унинг танаси кулга айланади.

Изоҳ: Ўзининг бу башорати билан Нарада Муни Махараж Юдхиштхиранинг тоғаси жойлашган ерга уни излаб бориш ниятидан қайтарди, чунки танасини ўзининг сеҳр қудрати ёрдамида тарк этиши лозим бўлган Дхритараштрага ҳеч қандай дафн маросими ўтказишнинг ҳожати йўқ эди; Нарада Муни унга билдириб қўйдики, унинг танаси ўздан ўзи кулга айланади. Сеҳр қудрати инсонга йогада баркамолликка эришиш имконини беради. Шундай йог ўзининг танасини ўзи истаган пайтда тарк этиши ва уни ўзида юзага келтирган олов кучи билан танасини кулга айлантириб, ўзи истаган сайёрага эриша олади.

Текст 58

Эрининг қамишдан ясалган кулба билан бирга сеҳр қудратининг оловида ёниб кетаётганини ташқарида кўриб турган унинг покдомон хотини ҳам чуқур қатъият билан ана шу олов ичига киради.

Изоҳ: Гандхари намунали покдомон аёл, эрининг умр йўлдоши эди, шунинг учун эрининг сеҳрли *йога* оловида қамишдан ясалган кулба билан бирга ёниб кетаётганини кўриб, у қаттиқ саросимага тушди. У ўзининг юз фарзандидан айрилиб, уйини тарк этган эди, энди эса, ўрмонда сеvimли эрининг олов ичида қолганини кўриб турибди. Шунда у ўзининг бутунлай ёлғиз бўлиб қолганини ҳис қилди ва ўлимга ҳам эри билан бирга кетиш учун оловга ўзини урди. Покдомон аёл ўзининг марҳум эрининг жасади ёнаётган оловга кириши *сати* маросими деб аталади, *сати* маросимини адо этган аёл руҳий баркамолликка эришган ҳисобланади. Кейинчалик бу маросим жирканч тусга кириб кетди, чунки одамлар уни куч ишлатиб, аёлнинг истагига қарши зўрлик билан уни оловга ташлаб ўтказиш бошладилар. Одамлар маънавий тубанликка юз тутган ҳозирги даврда бирорта аёл бу маросимни покдомон Гандхари ва бошқа қадимги аёллар сингари ўз хоҳиши билан ўтказишга қодир эмаслар. Гандхари сингари аёлни эридан айрилишдан юзага келган ҳижрон азоби оловдан кўра кўпроқ ёндиради. Ана шундай аёл *сати* маросимини ўз хоҳиши билан ўтказишга қодир бўлади, бунинг учун бошқа бировнинг жиноий равишда зўравонлик қилишининг ҳожати йўқ. Бу маросим шунчаки расмиятчиликка айланиб, уни ўтказишга аёлларни зўрлик билан мажбурлай бошлаганида, у ҳақиқатан ҳам жиноятга айланиб кетди, шу боис бу маросим конун томонидан таъқиқлаб қўйилди. Нарада

Мунининг башорати Махараж Юдхиштхирани ўзининг бева қолган холасини излашга тушишдан тўхтатди.

Текст 59

Видура, бир вақтнинг ўзида қалби ҳам шодлик, ҳам мусибатга тўлиб, бу муқаддас зиёратгоҳни тарк этади.

Изоҳ: Акаси Дхритараштра, гарчи бугун умри давомида дунёвий инсондай яшаган бўлса ҳам, бу дунёни худди озодликка эришган йоглар сингари шундай ғаройиб тарзда тақр этгани Видурани ҳайратга солган эди. Албатта, фақат Видуранинг шарофати билан унинг акаси инсон ҳаётининг олий мақсадига эришган эди, Видура буни билишдан хурсанд эди. Лекин у акасини Парвардигорнинг асл содиқ хизматкорига айлантира олмаганидан афсусланарди. Дхритараштранинг Худонинг содиқлари бўлган Пандузодаларга душманлик кўзи билан қарагани сабабли унинг бу нияти амалга ошмаганди. Ваишнавнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиш Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилишдан ҳам оғирроқ гуноҳ ҳисобланади. Албатта, Видура ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга ботиб кетган акасидан ўз марҳаматини аямаганди. Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, унинг кўрсатган марҳаматининг натижаси барибир Парвардигорнинг хоҳиш-иродасига, Унинг бу ҳаётда Дхритараштрага кўрсатган марҳаматига боғлиқ эди. Шунинг учун Дхритараштра фақат руҳий озодликка эришди. Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эса, фақат ана шу озодлик поғонасига кўплаб марта эришган зотларгина кўтарила оладилар. Албатта, акаси ва унинг хотинининг вафоти туфайли Видура қаттиқ изтироб чекарди, унинг мусибатларини камайтирадиган ягона йўл - яна зиёратга йўл олиш эди. Шунинг учун Махараж Юдхиштхира ўзининг тирик қолган яккаю-ягона тоғасини ҳам саройга қайтара олмасди.

Текст 60

Шу гапларни айтиб, буюк донишманд Нарада Муни ўзининг вина асбоби билан самога кўтарилди. Юдхиштхира эса, унинг насихатларини қалбига жойлаб, мусибатдан халос бўлди.

Изоҳ: Шри Нарададжи - Парвардигорнинг марҳамати билан руҳий танага эга бўлган мангу "космонавт". У барча моддий ва руҳий оламлар бўйлаб фазода бемалол сайр қилиб юради ва кўз очиб юмгунча чексиз фазонинг истаган сайёрасига боришга қодир. Биз унинг аввалги, у чўри аёлнинг ўғли бўлган ҳаётини таърифлаб берган эдик. Худонинг асл содиқлари билан бирга бўлиш шарофати билан у мангу "космонавт" бўлиш ҳамда эркин ҳаракат қилиш даражасига эришди.

Демак, бошқа сайёраларга механик курилмалар ёрдамида эришишга уриниб бекорга вақт сарфламасдан, Нарада Мунининг изидан боришга интилиш лозим. Махараж Юдхиштхира эзгу ниятли шоҳ эди, шу боис у баъзан Нарада Муни билан учраша оларди. Нарада Муни билан учрашишни истаган ҳар қандай инсон аввало эзгу ниятли бўлиши ва Нарада Мунининг изидан бориши лозим.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиқ
"Дхритарашистра уйини тарк этади" деб
аталадиган ўн учинчи бобида Бхактиведантининг
изоҳлари шундай яқунланади.*

14-Боб. Парвардигор Кришнанинг бу дунёни тарк этиши

Текст 1

**Шри Сута Госвами шундай деди:
"Парвардигор Шри Кришна ва бошқа
дўстлари билан учрашиш ҳамда
Парвардигордан Унинг бундай кейинги
режалари ҳақида билиб олиш учун Аржун
Дваракага йўл олди.**

Изоҳ: "Бхагавад-гита"да айтилганидек, Парвардигор Ер сайёрасига тақводор инсонларни ҳимоя қилиш ҳамда имонсиз нопок одамларни яқсон қилиш учун келган. Шунинг учун Курукшетрадаги уруш тугаб, Махараж Юдхиштхирани салатанат тахтига ўтказгандан кейин Парвардигорнинг бу дунёдаги миссияси ниҳоясига етган эди. Пандузодалар, айниқса Аржун, Парвардигорнинг мангу ҳамроҳлари эдилар, шу боис Аржун Парвардигордан Унинг бундан кейинги режалари ҳақида билиб олиш ниятида Дваракага йўл олди.

Текст 2

Орадан бир неча ой ўтди, лекин Аржун сира қайтиб келмасди. Айни пайтда Махараж Юдхиштхира теварак-атрофидаги воқеа-ходисаларда ёмонлик аломатлари бўлган нохуш касофатли белгиларни сеза бошлади.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри Кришна Қуёшдан - биз билладиган нарсалар ичида энг қудратли бўлган Қуёшга қараганда *ад инфинитум*(чексиз) қудратлироқ. У Ўзининг бир нафас олиши давомида миллион ва миллиард қуёшларни яратиб, яна яқсон қилади. Моддий оламда Қуёш дунёга келадиган ҳамма нарсанинг, шунингдек бутун моддий қувватнинг манбаи ҳисобланади, фақат Қуёшнинг шарофати билан бизларда ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса

етарли. Шунинг учун Парвардигорнинг Ўзи Ер юзида бўлган даврда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма нарса, айниқса дин ва илм, худди қуёш порлаб турганида ҳамма нарса нурга тўлгани сингари, Парвардигорнинг Ўзи иштирок этаётгани туфайли тўла намоён бўлган эди. Махараж Юдхиштхира ўзининг салтанатида ҳар хил касофатли воқеа-ходисаларни сеза бошлади, шу боис Аржуннинг узок вақтдан бери қайтиб келмаётганидан хавотирга туша бошлади, бунинг устига у Дваракада аҳвол қандайлигидан беҳабар эди. У Парвардигор Кришна бу дунёни тарк этиб кетган деб тахмин қила бошлади, акс ҳолда бундай кўркинчали аломатлар рўй бермасди.

Текст 3

У мангу замон ўз йўналишини ўзгартирганини сезди, бу жуда даҳшатли эди. Йил фаслларининг алмашиш тартиби ўзгариб кетди. Одамлар қизганч, ёвуз ва ёлғончи бўлиб кетдилар. Яна у сездики, улар тирикчилик қилиш учун нопок йўллар билан пул ишлаб топа бошладилар.

Изоҳ: Жамиятда одамлар Худонинг Олий Шахси билан ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатларини узганларида йил фаслларининг тартиби ўзгариши, тирикчилик қилиш учун нопок йўллар билан пул топиш, қизганиш, очкўзлик, ёвузлик, ёлғон ва бошқа салбий аломатларни ҳар жойда учратиш мумкин. Йил фаслларининг тартиби бузилиши деганда бир фаслга хос бўлган сифатлар бошқа бир фаслда пайдо бўла бошлайди: масалан ёмғир палласи кузда келади, бир фаслда очиладиган гуллар ва мевалар бошқа бир фаслда етиладилар. Имонсиз киши албатта кизганчиқ, золим ва ёлғончи бўлади. Шундай одам тирикчилик қилиш учун ҳар хил - ҳаром-ҳалол, пок-нопок йўллар билан пул ишлаб топади. Махараж Юдхиштхира ҳукмрон бўлган даврда бундай аломатлар умуман бўлмаган. Ўзининг салтанатидаги диний муҳитда озгина ўзгаришлар рўй берганини кўриб, Махараж Юдхиштхира ҳайратга тушган ва дарров Парвардигор бу дунёни тарк этиб кетган бўлса керак деб тахмин қила бошлаган эди. Нопок йўллар билан пул ишлаб топиш ўзининг табиатига кўра белгиланган вазибаларни бажаришдан бош тортишни билдиради. Ҳамманинг - *браҳманларнинг, кшатрийларнинг, вайшья* ва *шудраларнинг* ўзларига белгиланган бурчлари бор, лекин агар кимдир ўз бурчини тарк этиб, бошқа бировнинг бурчини бажара бошласа, у нопок ва ҳаром йўлдан бораётган бўлади. Ҳаётда шундан юксакроқ мақсади бўлмагани сабабли инсон, атиги бир неча йил давом этадиган бу ўткинчи дунёда ҳамма нарса тамом бўлади деб ўйлаб, бойлик орттиришга ва ҳокимиятга интилишга муккасидан кета бошлайди. Инсонлар жамиятидаги бундай

адашишларнинг асосий сабабчиси - ғофиллик, уни бартараф қилиш учун, айниқса ҳозирги тубанлик даврида "Шримад Бхагаватам" худди қудратли куёшдай ўзининг порлоқ илм нуруни таратиб турибди.

Текст 4

Ёлғон сабабли одамлар, ҳатто яқин дўстлар орасидаги ҳамма ишлар, улар орасидаги ўзаро муносабатлар ҳам бузилиб кета бошлади. Оилаларда ота, она, ўғиллар, ака-укалар ва ошналар бир бирини тушуна олмай қолдилар. Ҳатто эр билан хотиннинг ўзаро муносабатлари ҳам чигаллашиб, жанжаллар кўпайиб кетди.

Изоҳ: Шартланган тирик мавжудот ўзининг фаолиятини захарлайдиган тўрт нуқсонга эга: хатолашишга мойиллик, адашишга, алданишга мойиллик, бошқаларни алдашга мойиллик ҳамда сезилари номукамал. Буларнинг ҳаммаси номукамаллик белгиларидир, уларнинг ичида энг сезиларлиси - алдашга мойиллик. Моддий оламдаги тирик мавжудотлар асосан ўзлари учун ғайритабиий бўлган истакка - ҳукмронлик қилиш истагига муккасидан кетганлар, шунинг учун унда алдашга мойиллик пайдо бўлади. Тирик мавжудот ўзининг пок ҳолатида бундай қонунлар билан шартланмаган, чунки Олий Зотнинг мангу ҳукми остида эканини англаб юрадилар, ва шу боис Парвардигорнинг мулкига сохта эгалик қилишга урингандан кўра, ҳамиша тобе ҳолатда бўлиш ўзи учун яхши эканини тушунадилар. Тирик мавжудот шартланган ҳолатида ҳатто кўзи кўриб турган ҳамма нарсанинг эгаси бўлса ҳам қалбида мамнуният ҳосил қила олмайди, шунинг учун ҳатто ўзининг яқин қариндошлари билан бўлган муносабатларда ҳам ёлғон гапнинг қурбони бўлади. Ҳамма шу тарзда ҳаётдан норози бўлиб юрганида, ҳатто ота билан ўғиллар ёки эр билан хотин орасида тотувлик бўлмайди. Лекин, мана шу зиддиятли қийинчиликларнинг ҳаммасидан битта йўл билан - Худога садоқат билан хизмат қилиш билан биратўла қутулиш мумкин. Бу дунёдаги одамлар орасидаги иккиюзламачилик иллатини Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа йўл билан бартараф қилишнинг иложи йўқ. Ана шу салбий аломатларни кўриб, Махараж Йудхитхира Парвардигор Ер сайёрасини тарк этиб кетган бўлса керак деб тахмин қилди.

Текст 5

Вақт ўтиши билан одамлар қизганиш, очкўзлик, золимлик, манманлик ва бошқа иллатларга кўникиб қолдилар. Бу касофатли белгиларни сезган Махараж Йудхитхира ўзининг укасига мурожаат қилди.

Изоҳ: Махараж Йудхитхира покдомон, такводор шоҳ эди, шу боис жамиятда очкўзлик, ғазаб, имонсизлик ва иккиюзламачилик сингари

иллатлар кенг тарқала бошлаганини кўриб у қаттиқ ташвишга туша бошлади. Бу шеърдан кўриниб турибдики, ўша даврда яшаган кишилар учун тубанликка юз тутган жамиятнинг шундай салбий аломатлари бутунлай бегона эди, шу боис ўзаро жанжаллар даври бўлган Кали-юганинг кириб келиши билан бундай иллатларнинг пайдо бўлиши одамларни ҳайратга солганди.

Текст 6

Махараж Йудхитхира укаси Бхимасенага шундай деди: Мен Аржун дўстлари билан учрашсин, ҳамда Худо Шахси Кришнадан Унинг бундан кейинги режаларини билиб келсин деган ният билан уни Дваракага жўнатган эдим.

Текст 7

У кетгандан бери орадан етти ой вақт ўтди, лекин у ҳалигача қайтиб келмаяпти, мен у ерда нималар содир бўлаётганини билмайман.

Текст 8

Девариши Нарада Муни айтганидек, Парвардигор ўзининг бу ердаги эрмакларини тамомлашга ҳозирлик қўмаётганмикан? Нахотки шу вақт етиб келган бўлса?

Изоҳ: Аввал бир неча марта айтилганидек, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Шри Кришнанинг кўплаб тўлиқ экспансиялари бор, гарчи ҳаммаси бир хил қудратга эга бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири турли вазифаларни бажаради. Парвардигорнинг "Бхагавад-гита"да айтган гапларининг кўплари Парвардигорнинг ҳар хил тўлиқ қисмларига ёки тўлиқ қисмининг қисмларига тааллуқли. Масалан, Парвардигор Шри Кришна, "Бхагавад-гита"да шундай дейди: "Қаерда ва қачон дин таназулга учраса ва имонсизлик авж олса, Мен Ўзим келаман, эй Бхарат авлоди"(4.7).

"Такводорларни ҳимоя қилиш ва имонсизларни яқсон қилиш ҳамда дин қонунларини қайта тиклаш учун ҳар замонда Мен Ўзим келиб тураман"(4.8).

"Агар Мен ҳаракат қилишдан тўхтасам, одамлар йўлдан адашиб кетган бўлардилар. Мен бу дунёга ҳар хил бемаъни, ёқимсиз авлодларнинг келишига сабабчи бўлардим, шу тариқа барча онгли тирик мавжудотларнинг тинчини бузган бўлардим"(3.24). "Буюк инсон нима иш билан машғул бўлса, оддий одамлар унинг изидан боради. У ўз мисолида қандай тартиб ўрнатса, бутун олам аҳли шуларга амал -киладилар"(3.21).

Парвардигорнинг юқорида келтирилган гаплари Унинг тўлиқ қисмларига, Унинг Санкаршана, Васудева, Прадйумна, Анируддха ва Нарайана сингари экспансияларига тегишли. Буларнинг ҳаммаси - аслида ҳар хил илохий экспансияларда намоён бўлиб турган Унинг

Ўзидир, лекин барибир, Шри Кришна сифатида Парвардигор бошқа поғонада - ҳар хил тоифадаги содиқлар билан бўладиган ўзаро илоҳий муносабатлар поғонасида ҳаракат қилади. Парвардигор Кришна Ўзининг бошланғич киёфасида Браҳманинг ҳисоби бўйича ҳар бир суткаси - 24 соатида (яъни, ҳар 8.640.000.000 йилда) бир марта ҳар бир коинотда пайдо бўлади, Унинг илоҳий эрмаклари ҳамма жойда маълум тартибда бўлиб ўтади. Лекин дунёвий одамлар учун, Парвардигор Кришна, Васудева ва бошқалар Ўзининг ана шу эрмаклари давомида бажарадиган ишлар ечиб бўлмас жумбоқ бўлиб қолаверади. Парвардигорнинг Ўзи ва Унинг илоҳий танаси бир-биридан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг экспансиялари ҳар хил фаолият билан шуғулланадилар. Аммо Парвардигорнинг шахсан Ўзи худди Парвардигор Шри Кришна киёфасида пайдо бўлганида, Унинг барча Тўлиқ киёфалари Унинг англаб бўлмас илоҳий йога-маиа куввати ёрдамида Унга кўшиладилар, шунинг учун Вриндавандаги Парвардигор Кришна Матхурадаги Парвардигор Кришнадан ва Дваракадаги Парвардигор Кришнадан фарқ қилади. Парвардигор Кришнанинг англаб бўлмас куввати Унинг *вират-рупасини* ҳам Ундан фарқ қилмайдиган қилади. Курукшетрада намоён бўлган *вират-рупа* - Унинг киёфасининг моддий кўринишидир. Демак, биз шуни яхши тушуниб олишимиз лозимки, Парвардигор Кришна овчининг пайконидан ўлди деганда, У бу моддий оламда Ўзининг сохта моддий танасини ташлаб кетади. Парвардигор *каивалйя*, Унинг учун модда билан руҳнинг фарқи йўқ, чунки уларнинг ҳаммасини Ўзи яратган. Демак, у бир танани ташлаб иккинчи танани олганида, бу - У ҳам буни худди оддий одамлардай қилади, дегани эмас. Унинг англаб бўлмас куввати бу ҳаракатларнинг ҳаммасини бир вақтнинг ўзида ҳам бир бирига ўхшаш, ҳам бир биридан фарқли қилади. Махараж Йудхистхира Парвардигорнинг кетишини олдиндан сезиб чуқур қайғуга тушганида, у шунчаки урф-одатга амал қилиб, ўзини худди яқин дўсти кетганида қайғуга ботадиган оддий инсонлардай тутди, аслида эса, калтафаҳм одамларнинг фикрига қарши, Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг илоҳий танасини тарқ этмайди. "Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи *мудха* деб аталадиган ана шундай калтафаҳм одамларни коралайди. Парвардигор Ўз танасини ташлади деганда шуни тушуниш керакки, худди *вират-рупа* киёфасини моддий оламда қолдиргани сингари, У яна Ўзининг тўла қисмларини маълум *дхамма* (илоҳий даргоҳ)ларда қолдириб кетади.

Текст 9

Фақат Унинг шарофати билан бизлар ўзларимизнинг барча шоҳона бойликларимизга, яхши хотинларга, фаровон ҳаётга, наслимизга, фуқаролар устидан ҳукмронлик қилишга

эришишига муяссар бўлдик, душманларимиз устидан ғалаба қозонишга ва келгуси ҳаётимиз учун олий сайёралардан жой ҳозирлашга эришдик. Буларнинг ҳаммасига биз Унинг бизларга кўрсатган бесабаб марҳамати туфайли эришдик.

Изоҳ: Моддий жиҳатдан гуллаб-яшнаш - яхши хотинга, яхши уйга, етарлича экин майдонига, яхши фарзандларга эга бўлиш, обрўли хонадонда туғилишга, рақиблар устидан ғалаба қозонишга ҳамда савоб ишлар қилиб яшаш шарофати билан кейинги ҳаётида олий самовий сайёраларда яхши шароитларда яшаш имкониятига эришиш демакдир. Инсон бундай саодатларга оғир жисмоний меҳнати ёки бировларни алдаш туфайли эриша олмайди, уларга фақат Худонинг марҳамати билан эришиш мумкин. Инсон ўз меҳнати билан эришадиган фаровонлик ҳам Худонинг марҳаматига боғлиқ бўлади. Инсоннинг шахсий интилишлари унга Худонинг кўрсатаётган марҳаматига кўшилиб, уни тўлдириб туриши лозим, аммо агар Худонинг хоҳиши бўлмаса, инсон фақат ўз уринишлари билан ҳеч нарсага эриша олмайди. Кали-юганинг одамлари, яъни ҳозирги замонда яшаётган кишилар Худонинг марҳаматини инкор этиб, фақат ўз кучига ишонадилар. Ҳатто Ҳиндистонлик бир буюк *саннийаси* Чикагода гапирган нутқида Парвардигорнинг марҳаматига эришиш зарурлигини инкор этганди. Лекин, агар биз ведавий шастраларга эътибор берадиган бўлсак, "Шримад Бхагаватам" саҳифаларида "ҳар қандай муваффақият охир-оқибатда Худонинг хоҳиши билан бўлади" деган гапларни учратамиз. Ўзининг ҳаётда эришган муваффақияти ҳақида гапирар экан, Махараж Йудхистхира ана шу ҳақиқатни тан олади. Ҳаётда муваффақиятга эришиш учун ҳар бир фаросатли инсон ана шу буюк шоҳ ва Худонинг буюк содиқ хизматкорининг изидан бориши лозим. Агар Худонинг хоҳишисиз муваффақиятга эришиш мумкин бўлса, врачлар ҳамиша ўз беморларини даволай олган бўлардилар. Лекин, баъзан шундай бўладики, ҳатто энг замонавий врач энг илғор даволаш усулларни қўлласа ҳам бемор ҳалок бўлади, айна пайтда, ҳатто соғайишига ҳеч қандай умид қолмаган энг оғир касаллар ҳам, ҳатто ҳеч қандай давосиз касаллар ҳам кишини ҳайратга солиб оёққа туриб кетади. Шундай қилиб, хулоса шуки, бўлиб турган барча - яхши-ю ёмон воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасига бевосита сабабчи Худонинг хоҳишидир. Шундай экан, ҳаётда ҳар қандай муваффақиятга эришган ҳар бир инсон эришган барча ютуқлари учун Парвардигор олдида ўзини қарздор ҳис қилиб яшаши лозим.

Текст 10

Эй, арслон кучига эга бўлган мард ўғлон, қара, ақлимизни чалкаштириб, яқин келажақда

бизларни осмондаги юлдузларнинг, ернинг таъсиридан юзага келадиган ва танамиз келтирадиган азоблардан иборат қандай мусибатлар ва ҳалокат келтирадиган мудҳиш воқеалар кутиб турибди.

Изоҳ: Моддий оламда ривожланиш жараёни моддий фаолиятнинг оқибатларини - осмондаги зотларнинг таъсири, ернинг таъсири ҳамда ақл ва танамиз орқали келадиган уч турли мусибатларни тўплашдан иборат. Осмондаги сайёраларнинг таъсири кўплаб табиий офатларга сабаб бўлади - жазирама иссиқ, қаҳратон совуқ, кучли жала ёки курғоқчилик; булар натижасида эса очарчилик, турли касалликлар ва эпидемиялар юзага келади. Буларнинг ҳаммаси тана ва ақлнинг азоб-укубатларига олиб келади. Инсон яратган дунёвий илм-фан ана шу уч турли азоб-укубатларга қарши ҳеч қандай илож топа олмайди. Улар - Парвардигорнинг амри билан Унинг олий қуввати - *май*нинг одамларга юбориб турган жазосидир. Шунинг учун фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали ҳамиша Парвардигор билан боғланиб туришгина бизларга енгиллик олиб келиши мумкин, лекин бу бизнинг инсон сифатида бу дунёда ўз бурчимизни бажаришиб яшашимизга тўсқинлик қилмайди. Лекин, *асур*лар, Худонинг борлигини инкор қилиб, ана шу уч турли азоб-укубатларга қарши курашишга уриниб, ўзларича турли режалар тузадилар, шу боис улар ҳар гал табиат кучларидан мағлубиятга учрайдилар. "Бхагавад-гита"(7.14)да очикдан очик аниқ айтилганки, моддий қувватнинг таъсирини енгиллигини иложи йўқ, чунки моддий табиатнинг уч гунаси бизларнинг оёқ кўлимизни боғлаб олган. Фақат ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган кишигина уларни енгил ўтишга қодир бўлади.

Текст 11

Танамнинг чап томони, сонларим, қўлларим ва кўзим такрор ва такрор титраб кетяпти. Кўрқувдан юрагим қаттиқ уряпти. Буларнинг ҳаммаси қандайдир мудҳиш воқеа содир бўлишидан дарак берапти.

Изоҳ: Бу дунёда яшаш умуман ёқимсиз нарсалардан иборат. Биз истамаган нарсаларни олий кучлар бизга зўрлаб тикиштирадилар, бизлар эса, ҳамма ёқимсиз нарсалар моддий табиатнинг уч гунасининг ҳукми остида эканини тушунмаймиз. Одамнинг қобоклари, қўллари ва сонлари тинмай титрай бошласа, бу қандайдир ёқимсиз воқеа бўлишидан дарак беради. Ана шундай ёқимсиз воқеаларни ўрмонга кетган ёнғинга ўхшатадилар. Ҳеч ким атайлаб ўт қўйиш учун ўрмонга бормайди - ўрмонда ёнғин ўзидан ўзи юзага келади ва унда яшаб юрган жониворларга тасаввур қилиш қийин бўлган азоб-укубатлар келтиради. Одамлар қанчалик уринмасин, бундай ёнғинни ўчиришнинг иложи

йўқ. Ўрмонга кетган ёнғин фақат ўрмонга кучли ёмғир ёғдирадиган булутларни юборадиган Парвардигорнинг марҳамати билан ўчиши мумкин. Худди шундай, инсон қанча режа тузмасин, у тақдирга ёзилган ёқимсиз воқеа-ҳодисаларни бартараф қилишга қодир эмас. Бу мусибатлар фақат, одамларга ҳақиқат илмини ўргатадиган ва шу билан уларни барча мусибатлардан қутқарадиган Ўзининг ҳақиқий вакиллари юборадиган Парвардигорнинг марҳамати билан арийди.

Текст 12

О Бхима, урғочи шоқолнинг чиқаётган қуёшга қараб увиллашига ва оғзидан ўт пуркашига қара, ит ҳам ҳеч тап тортмасдан менга ақилляпти.

Изоҳ: Яқин келажакда ёқимсиз воқеалар бўлишидан дарак берадиган аломатларнинг баъзилар шулардир.

Текст 13

О Бхимасена, эй одамлар ичида арслони, энди сигирлар сингари фойдали ҳайвонлар менинг чап томонимдан ўтяптилар, эшак сингари пасткаш ҳайвонлар эса, мени айланиб ўтяптилар. Отларим эса, мени кўрганда худди йиғлаётгандай бўляптилар.

Текст 14

Қара! Мана бу каптар - ажал хабарчисига ўхшайди. Тўти ва уларнинг рақиблари бўлган қарғаларнинг уларнинг ёқимсиз қичқирик овозлари юрагимни қаттиқ сиқиб юборяпти. Гўёки, улар бутун коинотни яқсон қилиб юборишни истаётгандай туюляпти.

Текст 15

Қара, тутун осмонни қамраб олган. Ер ва тоғлар титраётгандай бўляпти. Кўряпсанми, булутсиз осмонда момоқалдирак гумбурляпти, кўм-кўк осмонда яшин чакнапти.

Текст 16

Ҳамма жойда чанг кўтариб ва зулмат қоплаб шиддат билан шамол эсяпти. Булутлар ҳамма жойга қонли мусибат ёғдирыптилар.

Текст 17

Қуёш сўниб боряпти, юлдузлар гўё бир бири билан жанг қилаётгандай бўляпти. Саросимага тушган тирик мавжудотлар гўё ёнғин ичида қолиб, хўнграб йиғлаётгандай бўляптилар.

Текст 18

Дарёлар, уларнинг ирмоқлари, ариқлар, сув ҳавзалари ва одамларнинг ақли нотинч. Ёғ ҳам гулхан оловини кучайтирмапти. Бу қандай

дахшатли замон? Қандай фалокат рўй бериши керак?

Текст 19

Сигирлар сут бермай, бузоқлар онасини эммай кўйганлар. Улар турган жойида йиғлаб турибдилар, кўзлари жиққа ёшга тўлган. Хўкизлар энди яйловни кўрганда қувонмаяптилар.

Текст 20

Эҳромдаги Илохлар йиғлаётгандай, зорланиб уларни тер босиб кетгандай туюляпти. Улар гўё кетишга интилаётгандай кўринадилар. Шахарлар, қишлоқлар, боғлар, конлар ва зоҳидларнинг кулбалари ўзларининг аввалги чиройини йўқотгандай, улардан бахт юз ўгиргандай бўляпти. Бизларнинг бошимизга қандай мудҳиш бахтсизлик тушишини мен билмаяпман.

Текст 21

Ўйлайманки, Ер юзидаги бу касофатли аломатларнинг ҳаммаси бутун олам учун қандайдир буюк бир жудоликдан, йўқотишдан дарак берапти. Ер сайёраси ўзида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойининг изларини олиб юриш бахтига эришган эди. Лекин бу аломатлар бундай бахтнинг энди ўтмишга айланганидан дарак берапти.

Текст 22

Эй брахман Шаунака, Махараж Йудхистхира ўша пайтда Ер юзида пайдо бўлган ёвузлик аломатларини сезиб қолиб, чуқур ўйга толиб турган пайтда Йадавалар шахри(Дварака)дан Аржун ҳам қайтиб келди.

Текст 23

У келиб шохнинг оёқларига бош кўйганида, шох Аржуннинг қаттиқ изтироб чекаётганини сездди. Унинг боши ҳам, нилуфар кўзларидан ёш томчиларди.

Текст 24

Қалбини тимдалаётган изтироблардан ранги оқариб кетган Аржунни кўрган шох донишманд Нарада Мунининг гапларини эслади ва дўстлари олдида Аржунга мурожаат қилди.

Текст 25

Махараж Йудхистхира шундай деди: Эй азиз укажон, айтчи, дўстларимиз ва қариндошларимиз: Мадху, Бходжа, Дашарха, Арха, Сатватлар, Андхакалар ҳамда Йадавалар хонадолидагилар бахтиёр кун кечириб юрибдиларми?

Текст 25

Менинг ҳурматли бобом Шурасена бахтиёрми? Тоғам Васудева ҳамда унинг укалари яхши юрибдиларми?

Текст 27

Унинг Деваки бошлиқ етти хотини бир бирига опа-сингиллардир. Уларнинг барчаси, уларнинг ўғиллари ва келинлари бахтиёрмилар?

Текст 28-29

Ёвуз Камсанинг отаси Уграсена ва унинг укаси ҳали тирикми? Хридика ҳамда унинг ўғли Критаварма яхши юрибдиларми? Акрура, Джайанта, Гада, Сарана ҳамда Шатруджитлар яхши юришибми. Худонинг содиқларининг ҳомийси, Худо Шахси Балорам қандай яшаяпти?

Изоҳ: Пандузодаларнинг пройтахт шахри Хастинапур ҳозирги Нью-Дехлига яқин жойда жойлашган эди, Уграсенанинг салтанати эса, Матхурада жойлашган. Дваракадан Дехлига қайтиб келаётган Аржун албатта Матхурага кириб ўтиши лозим эди, шунинг учун Махараж Йудхистхира ундан Матхура шохининг аҳволини сўраяпти. Парвардигор Кришнанинг акасининг исми Рама(Балорам) "Худо Шахси" ибораси кўшилиб тилга олинган, чунки Парвардигор Балорам *вишну-таттванинг* бевосита экспансияси, Парвардигор Кришнанинг *пракаша-виграҳаси* ҳисобланади. Гарчи Парвардигор бир ва ягона бўлса ҳам, У Ўзини кўплаб тирик мавжудотлар сифатида кўпайтиради. Вишну-таттва тоифасига кирадиган тирик мавжудотлар - сифат жиҳатидан ҳам, миқдор жиҳатидан ҳам Унга тенг бўлган тирик мавжудотлардир. Аммо Парвардигорнинг жива-шакти экспансиялари, оддий тирик мавжудотлар тоифага мансуб бўлиб, улар Парвардигорга тенг эмаслар. Жива-шакти билан вишну-таттва бир поғонада турадиган тирик мавжудотлар деб ҳисоблайдиган киши бу дунёда тубанликка юз тутган кишидир. Шри Рама(Балорам), Худонинг содиқларига ҳомийлик қилади. Балорам Худонинг содиқларининг руҳий устози сифатида ҳаракат қилади, адашган руҳлар Унинг бесабаб марҳамати билан озодликка эришадилар. Парвардигор Чаитанья бу дунёга ташриф буюрганида Парвардигор Балорам буюк Парвардигор Нитьянанда бўлиб келди ва энг тубан икки жон - Жагай ва Мадхайни озодликка чиқариб, Ўзининг бесабаб марҳаматини намоён этди. Шунинг учун бу ерда Парвардигор Балорам Худонинг содиқларининг ҳомийси экани алоҳида таъкидлаб ўтилган. Фақат Унинг илоҳий марҳамати билан Парвардигор Шри Кришнага яқинлашиш мумкин. Шундай қилиб, Шри Балорама - асл содиқларни қутқарувчи руҳий устоз киёфасида намоён бўладиган

Парвардигорнинг маҳматининг тимсоли хисобланади.

Текст 30

Вришнилар хонадонининг буюк саркардаси Прадйумна яхши юрибдими? У бахтлими? Худо Шахсининг экспансияси Анируддха бахтли юрибдими?

Изоҳ: Прадйумна билан Анируддха - Худо Шахсининг экспансиялари, шунинг учун Улар ҳам *вишну-таттва* тоифасига киради. Парвардигор Васудева Дравакада Ўзининг тўлиқ экспансиялари - Санкаршана, Прадйумна ва Анируддхалар билан биргаликда ҳар хил илоҳий эрмаклар билан машғул бўлиб юради, худди мазкур шеърда Анируддха айтилгани сингари уларнинг ҳар бирини Худо Шахси деб аташ мумкин.

Текст 31

Парвардигор Кришнанинг асосий ўғиллари: Сушена, Чарудешна, Жамбаватининг ўғли Самба, Ришабха ва уларнинг ўғиллари яхши юрибдиларми?

Изоҳ: Аввал айтганимиздек, Парвардигор Кришнанинг 16.108 хотини бўлиб, уларнинг ҳар бирининг ўнтадан ўғли бор эди. Демак, Парвардигор Кришнанинг $16108 \times 10 = 161080$ ўғли бўлган. Уларнинг ҳаммаси улғайиб, ҳар бири отаси сингари ўнтадан ўғил кўрган. Парвардигор Кришнанинг авлодининг умумий сони 1 610 800 кишидан иборат бўлган. Парвардигор - барча тирик мавжудотларнинг отаси, уларнинг сони чексиз, шунинг учун улардан фақат бир қисмигина Унинг Ер сайёрасидаги илоҳий эрмакларида, У Дварака шоҳи бўлган даврда Парвардигор билан бевосита мулоқот қила оладилар. Парвардигор шунча аъзолардан иборат бўлган кўзга кўринадиган оиласини боқиши хайратланарли нарса эмас. Биз Парвардигорнинг ҳолатини ўзимизнинг ҳолатимизга тенглаштирмаслигимиз керак. Агар биз Парвардигорнинг илоҳий ҳолатини қисман англаб етсак ҳам бу ҳақиқатни тушуниш қийин бўлмайди. Махараж Йудхитхира Парвардигорнинг Дваракадаги ўғиллари ва неваралари ҳақида сўраб суриштирар экан, у фақат уларнинг энг асосийларини эслаб ўтди, холос, чунки у Парвардигорнинг оиласининг ҳамма аъзоларининг исмини эслаб олмасди.

Текст 32-33

Парвардигор Балорам ва Кришна Парвардигорнинг мангу ҳамроҳлари бўлган бошқа озод руҳларга ҳам ҳомийлик қиладилар: Шрутадевага, Удхвага, Нандага, Сунандага ва бошқаларга. Уларнинг аҳволи қалай? Бизлар билан мангу дўстлик ришталари билан боғланган шу дўстларимиз бизларнинг аҳволимиз билан қизиқадиларми?

Изоҳ: Парвардигор Кришнанинг Удхвава сингари мангу ҳамроҳлари - озод руҳлардир, улар бу моддий оламга Парвардигор Кришнанинг бу дунёдаги ишларини (миссиясини) бажаришга ёрдамлашиш учун У билан бирга келганлар. Пандузодалар ҳам Парвардигор Кришнанинг Ер сайёрасидаги илоҳий эрмакларида Унга хизмат қилиш учун Парвардигор Кришна билан бирга келган озод руҳлардир. "Бхагавад-гита"(4.8)да айтилганидек, Парвардигор худди Ўзи сингари озод руҳлар бўлган мангу ҳамроҳлари билан бирга Ер юзига маълум вақтдан кейин такрор ва такрор келиб туради. Парвардигор буни эсида сақлайди, аммо Унинг мангу ҳамроҳлари гарчи озод руҳлар бўлса ҳам, буни эсан чикариб юборадилар, чунки улар Парвардигорнинг оралик қуввати - *таттастха-шактига* мансуб зотлардир. *Вишну-таттва* билан *жива-таттва* орасидаги фарқ шундан иборат. Жива-таттвалар Парвардигорнинг қувватининг чексиз кичик заррачалари, шунинг учун улар ҳамиша Парвардигорнинг ҳимоясига муҳтождирлар. Парвардигор эса Ўзининг мангу ҳамроҳларини ҳимоя қилишдан ҳамиша хурсанд бўлади. Демак, озодликка эришган руҳ ҳеч қачон ўзини Парвардигор сингари озод ёки шундай қудратли деб ҳисобламайди, аксинча, ҳамиша, ҳар қандай вазиятда - руҳий оламда ҳам, моддий оламда ҳам - Парвардигордан ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш излаб юради. Озодликка эришган руҳнинг Парвардигорга мана шундай боғликлиги, қарамлиги, тобелиги азалий, чунки озод руҳ худди оловнинг ўзи мустақил нур тарата олмайдиган, фақат олов билан бирга нур тарата оладиган учкунларига ўхшайди. Агар улар оловдан ажралган, мустақил ҳолда нур таратсалар, оловнинг сифатларига эга бўлгани ва оловдай нур таратиб турганига қарамай, улар сўниб қоладилар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг ҳимоясидан юз ўгирадиган ва ўзини худо деб биладиган зотлар ўзларининг руҳий ғофиллиги сабабли, ҳатто узок вақт шунча қаттиқ *тапаси*, риёзатларга берилиб яшагандан кейин ҳам яна моддий оламга қайтадилар. Барча ведавий муқаддас китоблар буни тасдиқлайдилар.

Текст 34

Худонинг Олий Шахси, сигирларни қувонтирадиган, хиссиётларга ва браҳманларга лаззат бағишлайдиган, Ўзининг содиқларига алоҳида меҳрибонлик қиладиган Парвардигор Кришна Дварака-пурида Ўзининг яқин дўстлари билан бирга эзгу ниятли кишилар даврасида лаззатланиб яшаб юрибдими?

Изоҳ: Мазкур шеърда Парвардигор *бхагаван*, *говинда*, *браҳманья* ва *бхакта-ватсала* деб аталган. У - *бхагаван свайам*, яъни бутун бойликка, қудратга, илмга, гўзалликка, шон-шухратга ва боғланмасликка муқаммал эга бўлган Худонинг

азалий Олий Шахси. Унга тенг ёки Ундан устун бўлган бошқа бирор зот йўқ. У - *Говинда*, чунки сигирларга ва сезгиларга шодлик келтиради. Худого садоқат билан хизмат қилиб сезгиларини поклаган киши Унга ҳақиқатан ҳам хизмат қилиб, бундан ўзининг покланган сезгилари ёрдамида илоҳий лаззат оладилар. Фақат шартланган нопок тирик мавжудот ўзининг сезгилари билан лаззатлана олмайди, сохта ҳиссий лаззатларга алданиб, ўз ҳиссиётининг қули бўлиб қолади. Шунинг учун биз ўз манфаатимиз учун Парвардигорнинг паноҳини излашимиз лозим. Парвардигор - сигирларнинг ва брахманлар маданиятининг ҳимоячиси. Қамокхонадаги маҳбуслар шохнинг ҳимояси остида бўлмайдилар, улар шохнинг қаттиққўл вакили назорати остида бўладилар. Худди шундай сигирларни ва брахманлар маданиятини ҳимоя қилмайдиган жамият ҳам, Парвардигорнинг бевосита ҳимояси остида бўлмайди. Сигирларга ғамхўрлик қилмайдиган, одамлар орасида (қисман бўлса ҳам) брахманлар маданиятини қўллаб-қувватламайдиган инсонлар жамияти ҳеч қачон гуллаб-яшнамай олмайди. Брахманлар маданиятининг шарофати билан, қалбида табиий равишда шу маданиятга хос бўлган: ростгўйлик, боғланмаслик, ҳиссиёт(нафс)ини жиловлай билиш, сабр-тоқат, соддалик, умумий таълим, илоҳий илм ҳамда ведавий донишмандлик илмига чуқур ишонч сингари фазилатларни ривожлантириб, инсон брахман даражасига эришади, шунда у Парвардигорни асл ҳолида кўра олади. Инсон брахманлик мажаниятида руҳий баркамолликка эришгандан кейин Худонинг содиқ хизматкори бўлиши лозим. Шунда инсон илоҳий(сирли) равишда Парвардигорнинг меҳр-муҳаббатига эришади. Бунда Парвардигор қайси ролни танлаганига мос равишда Унинг марҳамати турлича намоён бўлади: ҳукмдор, хўжайин, дўст, ўғил ёки маъшук. Агар инсон ўзида юкорида кўрсатилган фазилатларни ривожлантирмаса, у Парвардигорнинг илоҳий диққатини жалб этиш мумкин бўлган садоқат поғонасига кўтарила олмайди. Брахман Парвардигорни сохта обрўси билан эмас, балки ўзининг шахсий сифатлари билан жалб этади. Худди, гарчи ўтин билан ер бир бирига боғлиқ бўлса ҳам, ўтинсиз, қуруқ ердан ёнғин чиқаришнинг иложи бўлмагани сингари, шахсий сифатларига кўра брахмандан пастда турган киши Парвардигор билан ўзаро қандайдир муносабат ўрната олмайди. Парвардигор Ўзига тўла бутун, мукамал бўлгани сабабли, Унинг фаровонлиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, шунинг учун Махараж Йудхитхира У ҳақда сўраб-суриштирмади. У фақат Парвардигорнинг пойтахти - такводор зотлар яшайдиган Дваракапури ҳақида сўради. Парвардигор фақат такводор зотлар яшайдиган жойда яшайди ва уларнинг Олий Ҳақиқатни олқишлашидан лаззатланади. Махараж Йудхитхирани Дваракадаги эзгу

ниятли кишилар ва уларнинг эзгу ишлари ҳақида тинглашни истарди.

Текст 35-36

Бутун коинот аҳлининг бахт-саодатини ва фаровонлигини ўйлаб, уларни ҳимоя қилиш учун ягона лаззатланувчи азалий Худо Шахси ҳамда бошланғич Парвардигор Ананта Йадавалар сулоласи уммонида яшайдилар. Парвардигорнинг ишончли қўллари ҳимояси остида Йадавалар сулоласининг аъзолари худди самовий салтанат аҳолисидай ҳаётдан лаззатланиб яшайдилар.

Изоҳ: Аввал бир неча марта айтилганидай, Худо Шахси, Вишну, ҳар бир коинотда икки кўринишда мавжуд бўлади - Гарбходакашайи Вишну ва Кширодакашайи Вишну. Коинотнинг шимолий қутбида Кширодакашайи Вишнунинг Ўз сайёраси бўлиб, ана шу сайёрада чексиз сут уммони бор, Парвардигор ана шу уммон ўртасида Баладева мужассам бўлган қиёфа - Ананта тўшаги устида ястаниб ётади. Шундай қилиб, Махараж Йудхитхира Йадавалар сулоласини сут уммонида, Шри Балорамни - Парвардигор Кришна ётадиган Анантага қиёслапти. Дварака аҳолисини у Вайкунтхалокада яшайдиган озод руҳларга тенглаштиряпти. Моддий осмондан ташқарида, бизнинг кўзимиз илғай олмайдиган жойда, коинотнинг етти қобигининг сиртида Сабаблар уммони бор, ана шу уммон устида худди шарларга ўхшаб барча коинотлар сузиб юради, ана шу Сабаблар уммонидан ташқарида эса, одатда Брахман нури, брахмажйоти деб аталадиган чексиз руҳий осмон ястаниб ётади. Ана шу нурда Вайкунтха деб аталадиган сон-саноксиз руҳий сайёралар жойлашган. Ҳар бир Вайкунтха сайёраси моддий оламдаги энг катта коинотдан ҳам бир неча марта катта, шу сайёраларнинг ҳар бирида ташқи кўриниши ҳар жиҳатдан Парвардигор Вишнуга ўхшаган сон-саноксиз озод руҳлар яшайди. Ана шу зотлар маха-паурушикалар, яъни "Парвардигорга бевосита хизмат қилиб юрган зотлар" деб аталдилар. Ана шу сайёраларда улар бахтиёр, мусибат нималигини билмасдан мангу яшайдилар. Улар ҳамиша ёш, илм ва лаззатга тўла, шунингдек уларда туғилиш, кексайиш, касаллик ва ўлимдан кўркув туйғуси йўқ, *кала*(мангу замон) уларга таъсир қилмайди. Махараж Йудхитхира Дварака аҳолисини Вайкунтхадаги *маха-паурушикаларга* қиёслади, чунки улар ҳам Парвардигор билан бирга бахтиёр ҳаёт кечирадилар. "Бхагавад-гита"да *мад-дхама* - "Парвардигорнинг салтанати" деган ибора билан ифодаланиб, Вайкунтхалокалар бир неча марта эслаб ўтилган.

Текст 37

Шунчаки Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини силаб, яъни энг муҳим

хизмат билан машғул бўлиб, Двараканинг Сатйабхама бошлиқ маликалари Парвардигорни фаришталар устидан ғалаба қилишга ундадилар. Шунинг учун бу маликалар шу пайтгача фақат яшинлар ҳукмдорининг аёлларига насиб қилиб келган нарса билан лаззатланиб яшайдилар.

Изоҳ: Сатйабхама. Парвардигор Шри Кришнанинг хотини, Дваракадаги асосий маликалардан биттаси. Кришна Наракасурани ўлдириб, унинг саройига кириб борганида Сатйабхама Кришна билан бирга эди. Кришна Сатйабхама билан бирга Индралокага ҳам борганди, шу ерда уни Шачидеви кутиб олди ва фаришталарнинг онаси Адити билан таништирди. Адити Сатйабхамадан жуда мамнун бўлди ва унга "Парвардигор Кришна Ер юзида юрган вақтнинг ҳаммасида ёш қиз бўлиб қоласан" деб дуоифотиҳа қилди. Шунингдек, Адити уни жаннатдаги фаришталар фойдаланадиган алоҳида имкониятлар билан таништирди. Шу ерда Париджата гул дарахтини кўриб, Сатйабхама бу гулдан Дваракадаги ўзининг саройида ҳам ўсиб туришини истаб қолди. Эри билан Дваракага қайтиб келгандан кейин у эрига ўзининг ана шу истагини изхор этди. Сатйабхаманинг саройи ғайритабиий қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди, ҳатто ёзнинг жазирама иссиғида ҳам сарой ичи салқин бўларди. У ўзининг буюк эри шу ерда эканини билдириб, саройини турли байроқчалар билан безарди. Бир куни у эри билан бирга Драупади билан учрашдилар, Сатйабхама ундан қандай қилиб эрининг кўнглини олиш сирларини ўргатишни илтимос қилди. Драупади бу соҳада жуда тажрибали эди, чунки унинг бешта Пандузода эри бор бўлиб, уларнинг ҳаммаси ундан мамнун эди. Драупадининг насиҳатларини тинглаб, у жуда хурсанд бўлди, унга миннатдорчилик билдириб Дваракага қайтиб келди. У Сатраджитнинг қизи эди. Парвардигор Кришна кетгандан кейин Аржун Дваракага келганида Сатйабхама ва Рукмини билан бирга ҳамма маликалар Парвардигордан айрилганидан қаттиқ изтироб чекардилар. Умрининг охирида Сатйабхама қаттиқ риёзатга берилиш учун ўрмонга кетди.

Сатйабхама эридан жаннатдан париджата гулини олиб келишни қаттиқ туриб илтимос қилди. Шунда Парвардигор худди хотинининг кўнглини олиш учун унинг истаган нарсасини топиб берадиган оддий эркакларга ўхшаб, бунинг учун ҳатто куч ишлатишдан ҳам қайтмасдан фаришталардан париджата гулини олиб келди. Аввал тушунтирганимиздек, оддий эркаклар сингари уларнинг истаган нарсасини олиб келиб бериш учун Парвардигор Ўзининг сон-саноксиз хотинларига қаттиқ боғланиб қолган эмасди. Лекин, маликалар Парвардигорга барча қулайликларни яратиб бериб, садоқат билан

хизмат қилиб юрганлари учун У садоқатли ва комил эр ролини ўйнаган эди. Ерда яшайдиган бирор тирик мавжудот жаннатий салтанатдан бирор нарса, айниқса фақат фаришталарга тегишли бўлган париджата гулини олишга умидвор бўлолмайди, аммо маликалар, Парвардигорнинг садоқатли хотинлари бўлиб, фаришталарнинг буюк хотинлари сингари ана шундай буюк имтиёзларга эга бўлган эдилар. Бошқача қилиб айтганда, Дваракалик маликаларнинг коинотнинг узоқ жойларидан келтирилган ана шундай нодир қимматли нарсаларга эга бўлиши хайратланарли нарса эмасди, чунки бутун борлиқдаги ҳамма нарса Парвардигорнинг мулки ҳисобланади.

Текст 38

Парвардигор Шри Кришнанинг химояси остида юрган Йадавалар сулоласининг буюк қаҳрамонлари ҳеч қачон ҳеч нарсдан кўрқмайдилар. Шунинг учун улар энг яхши фаришталарга муносиб бўлган, лекин улардан тортиб олинган Судхарма мажлислар саройида бемалол қадам ташлаб юрадилар.

Изоҳ: Парвардигорга бевосита хизмат қилиб юрган кишиларни Парвардигор ҳар қандай кўрқувлардан химоя қилиб юради ва гарчи улар бу нарсаларни куч ишлатиб топишлари керак бўлса ҳам, уларга энг яхши нарсалардан лаззатланиш имкониятини беради. Парвардигор барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўлади, лекин У Ўзининг асл содиқ хизматкорларига алоҳида меҳр билан қаттиқ боғланиб қолган. Дварака шаҳри моддий оламда мавжуд бўлган энг яхши нарсалар билан безатилган эди. Ҳукумат саройи ҳукумат эгаллаб турган юксак мартабага мос равишда курилади. Жаннатий сайёралардаги мажлислар саройи- Судхарма, энг яхши фаришталарнинг улуғворлигига мос эди. Бундай мажлислар саройи ер юзидаги бирорта давлат учун мўлжалланмаган эди, чунки ҳар қандай давлат моддий жиҳатдан қанчалик ривожланган бўлмасин, Ер сайёрасидаги одамлар ундай саройни қуришга қодир эмаслар. Лекин, Парвардигор Кришна Ер сайёрасида бўлган пайтда Йадавалар хонадони аъзолари ана шу саройни куч билан фаришталардан тортиб олиб, уни Ерга олиб келиб, Дваракада ўрнатдилар. Улар ана шундай куч ишлатишга қодир эдилар, чунки Парвардигор Кришна уларнинг бу ишига қаршилик қилмаслигига ва албатта уларни химоя қилишига аниқ ишонардилар. Шундай қилиб, Парвардигорнинг асл содиқлари Унга коинотдаги энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини келтириб тақлиф этадилар. Йадавалар сулоласи аъзолари Парвардигорга барча қулайликларни яратиб қўйган ҳамда коинотда бор бўлган ҳар қандай нарсанинг энг яхшисини олиб келардилар, Парвардигор эса, Ўз навбатида Ўзининг

хизматкорларини ҳамиша ҳимоя қилиб юрарди, шу боис улар кўрқув нималигини билмасдилар.

Унутувчан шартланган руҳ ҳамиша кўрқув остида юради. Аммо озодликка эришган руҳ худди ўзини бутунлай отасининг марҳаматига топширган ёш бола сингари, ҳеч қачон ҳеч нарсадан кўрқмайди. Кўрқув - алданишнинг бир тури бўлиб, у уйқуда юрган ва Парвардигор билан ўзининг ўзаро муносабатини эсдан чиқарган тирик мавжудотда пайдо бўлади. Агар тирик мавжудот "Бхагавад-гита"(2.20)да айтилганидек, ўзининг табиатига кўра мангу ўлмас бўлса, у нимадан кўрқиши керак? Инсон тушида йўлбарсдан кўрқиши мумкин, аммо унинг ёнида ухламай ўтирган киши ҳеч нарсадан кўрқмайди. Йўлбарс - ухлаб ётган кишига ҳам, уйғоқ кишига ҳам - алданиш, сароб, чунки аслида ҳеч қандай йўлбарс йўқ. Лекин, уйқудуги киши аслида уйғоқ ҳолатда ҳаёт қандай эканини унутгани сабабли йўлбарсдан кўрқади. Ўзининг асл ҳолатини билган уйғоқ киши эса, ҳеч нарсадан кўрқмайди. Шундай қилиб, Йадавалар сулоласининг аъзолари Парвардигорга хизмат қилиб, ҳамиша уйғоқ эдилар, шунинг учун ҳеч қачон ҳеч нарсадан кўрқмасдилар. Ҳатто ҳақиқий йўлбарс пайдо бўлса ҳам, Парвардигор ҳамиша улар бирга бўлгани учун уларни албатта ҳимоя қилган бўларди.

Текст 39

Эй, укажоним Аржун, менга айтчи, ўзинг саломатмисан? Сенинг тананг аввалги нурафшонлигини йўқотгандай кўриняпти. Нимага бундай бўлди, ёки узоқ вақт Дваракада бўлганинда сени писанд қилмасдан, сенга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатмадиларми?

Изоҳ: Махараж Йудхиштхира Дваракадаги одамлар ҳаётининг барча соҳалари билан қизиқарди, охир-оқибатда у шундай хулосага келдики, токи у жойда Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи бор экан, ҳеч қандай нохуш воқеа содир бўлиши мумкин эмас. Лекин, айна пайтда Аржуннинг танаси олдингидай нур таратиб турмасди, шунинг учун шоҳ унинг ўзининг аҳволини сўраб-суриштира бошлади.

Текст 40

Балки кимдир сенга душманлик қилган ёки тажовуз қилмоқчи бўлгандир? Балки сен садақа сўраган кишига эҳсон бера олмагандирсан ёки бировга берган ваъдангнинг устидан чиқолмагандирсан?

Изоҳ: Бадавлат кишининг ёки кшатрийларнинг хонадонига баъзан муҳтож одамлар келиб садақа ёки ёрдам сўрайдилар. Бадавлат кишидан садақа сўраганларида, садақа сўраган кишининг шахсини, макон ва замонни эътиборга олган ҳолда унга маълум миқдорда садақа эҳсон қилиш - унинг бурчидир. Агар бадавлат киши ёки кшатрий ўз

бурчини бажармаса, у албатта бу қилган ишидан пушаймон бўлади. Худди шундай, кимгадир аввал эҳсон қилишни ваъда бергандан кейин уни бузмаслик керак. Ана шундай амаллар қилган киши баъзан тушқунликка тушади, ҳақиқий инсонлар ундай бевафо кишини албатта қоралайдилар. Ана шундай ҳолат ҳам Аржуннинг ҳозирги тушқун аҳволига сабаб бўлиши мумкин эди.

Текст 41

Сен ҳамиша ҳимояга муҳтож бўлган тирик мавжудотларни - браҳманларни, болаларни, сигирларни, аёлларни ва бемор одамларни ҳимоя қиласан. Балки, улар сендан паноҳ излаганида сен уларни ҳимоя қила олмай қолгандирсан?

Изоҳ: Бутун жамиятнинг бахт-саодати, одамларнинг ҳам моддий, ҳам руҳий жиҳатдан фаровонлиги йўлида ҳамиша илм излаб юрган браҳманлар, албатта, ҳар томонлама шоҳнинг ҳимояси остида бўлишлари лозим. Худди шундай болалар, сигирлар, бемор кишилар, аёллар ва кексалар ҳукуматнинг, яъни *кшатрий*ларнинг, шоҳнинг алоҳида ҳимоясига муҳтож зотлар ҳисобланади. Ана шу тирик мавжудотларни муносиб ҳимоя қилишни эплай олмаган ҳукумат ёки шоҳлар хонадонига мансуб *кшатрий* ўзининг нотавонлигидан уялиши керак. Махараж Йудхиштхира Аржун ҳам шундай ўзига нолойиқ бўлган ишни қилиб қўймаганмикин деб савол беряпти.

Текст 42

Балки сен ўзингга муносиб бўлмаган аёл билан қўшилгандирсан ёки муносиб аёлнинг илтимосини бажара олмагандирсан? Ёки, йўлда сен билан тенг мартабада бўлган ёки сендан паст бўлган киши сени мағлуб қилгандир?

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўришиб турибдики, Пандузодалар яшаган даврда эркак ва аёллар орасидаги эркин муносабатлар маълум бир шартлар асосида тартибга солинган. Олий табақага мансуб эркаклар - *браҳман*лар ва *кшатрий*лар *вайиш*алар ёки *шудралар* табақасига мансуб аёлларга уйланиши мумкин бўлган, лекин куйи табақага мансуб киши олий табақага мансуб аёл билан алоқа қилиши мумкин эмасди. Ҳатто *кшатрий* ҳам *браҳман*лар табақасидаги аёл билан алоқа қилиши мумкин эмасди. Маданиятли инсонлар жамиятида *браҳман*нинг хотини етти онадан бири ҳисобланади(ҳақиқий она, руҳий устознинг онаси, *браҳман*нинг хотини, шоҳнинг хотини, сигир, энага ва ер). Эркаклар ва аёллар орасидаги ана шундай алоқалар *уттама* ва *адхама* деб аталади. *Браҳман*нинг *кшатрий* аёл билан алоқаси - *уттама*, *кшатрий*нинг *браҳман* аёл

билан алоқаси - *адхама*, шу боис *адхама* алоқа қораланади. Эркак киши ҳеч қачон жинсий алоқа қилишни илтимос қилиб мурожаат қилган аёлнинг илтимосини рад этмаслиги керак, лекин мана шу фарқни эътиборга олиш лозим. Бхимага ҳатто *шудралардан* ҳам паст табақага мансуб бўлган аёл - Хидимби шундай илтимос билан мурожаат қилганди, Йайати эса, Шукрачарйанинг қизига уйланишдан бош тортганди, чунки Шукрачаря *браҳман* эди. *Браҳман* Вйасадевани Панду билан Дхритараштрани дунёга келтириш учун таклиф қилишди. Сатйавати балиқчилар табақасига мансуб эди, лекин буюк *браҳман* Парашара у билан жинсий алоқа қилиб Вйасадевани дунёга келтирди. Аёллар билан ана шундай алоқа қилишни тасдиқлайдиган жуда кўп мисоллар бор, лекин ана шу мисолларнинг ҳаммасида бундай алоқалар шунчаки жирканч шахвоний эҳтирос бўлмаган, балки муносиб натижа(фарзанд)лар келтирган алоқалар бўлган. Эркак билан аёлнинг ўзаро жинсий алоқаси табиий нарса, лекин жамиятдаги муқаддас кадрятлар таназзулга учрамаслиги ҳамда ёқимсиз, бемаъни, оламга фақат нотинчлик елтирадиган бадахлоқ ва нотавон кишилар сони кўпайиб кетмаслиги учун бундай алоқалар маълум қонун-қоидалар билан чекланган бўлиши лозим.

Кшатрий учун ўзидан кучсизроқ бўлган ёки ўзига тенг кишидан мағлуб бўлиш шармандалик ҳисобланади. Барибир мағлуб бўлиш керак бўлса, *кшатрий* ўзидан кучлироқ рақибдан мағлуб бўлгани маъқул. Бҳишмадева Аржунни мағлуб қилаётган эди, фақат Парвардигор Кришна уни ҳатарли вазиятдан қутқариб қолди. Лекин бу мағлубият Аржун учун шармандалик эмасди, чунки Бҳишмадева ҳар жиҳатдан ундан устун эди - ёши ҳам катта, кучи ҳам кўп, обрўси ҳам катта. Лекин Карна Аржун билан тенг эди, шунинг учун Карна билан жанг қилганда Аржун жуда қийин аҳволга тушиб қолган эди. Аржун буни яхши англаб етган эди, шу боис ҳатто бунинг учун номуносиб усул қўллашга мажбур бўлса ҳам, у Карнани ўлдирган эди. *Кшатрий*ларнинг қиладиган ишлари шундай, шу боис Махараж Йудхитхирани уйига қайтиб келган укасидан унга шунга ўхшаган бирор қор ҳол рўй берган - бермаганини билмоқчи эди.

Текст 43

Балки сен билан бирга овқатланишга муносиб бўлган қария ва болаларга ғамхўрлик қила олмай қолгандирсан? Сен уларни ташлаб қўйиб, ўзинг овқатланмадингми? Бирор жирканч иш қилиб қўйиб билан кечириб бўлмас хатога йўл қўймадингми?

Изоҳ: Оилали кишининг бурчи - аввалига болаларнинг, ёши катталарнинг, *браҳман*ларнинг ва беморларнинг қорнини тўйғазишдан иборат. Бундан ташқари намунали уй эгаси овқатланишга

ўтиришдан олдин истаган бир қорни оч нотаниш кишини овқатга таклиф қилиши лозим. У йўлга чиқиб, баланд овозда қорни оч одамларни уйига кириб овқатланишга уч марта таклиф қилиши лозим. Оилали киши учун ўзига юклатилган мана шу, айниқса кексалар ва болаларга нисбатан бурчни эсдан чиқариш кечирилмас хато ҳисобланади.

Текст 44

Ёки сен энг яқин дўстинг Парвардигор Кришнани йўқотганингдан қаттиқ изтироб чекяпсанми? Эй укажоним Аржун, мен сенинг бундай оғир изтиробга тушишингга бошқа бирор сабаб тополмаяпман.

Изоҳ: Махараж Йудхитхирани Парвардигор Кришна аллақачон бу дунёни тарк этган деб тахмин қилган ҳолда бу дунёда нималар бўлаётгани ҳақида сўраб суриштираётганди, энди эса, Аржуннинг қаттиқ изтироб чекаётганини кўриб, бунга бошқа бирор сабаб бўлиши мумкин эмас, деб, ўз тахминларини унга очик айтди. Шунинг учун, гарчи у бунга ҳали тўлиқ ишонч ҳосил қилмай турган бўлса ҳам, Шри Нарада Мунининг айтган гапларини эслаб, бу ҳақда Аржунга очик савол беришга мажбур бўлганди.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Қўшиқ
"Парвардигор Кришнанинг кетиши" деб
аталадиган ўн тўртинчи бобида
Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

15-боб.

Пандузодаларнинг ўз вақтида бу дунёни тарк этишлари

Текст 1

Сута Госвами шундай деди: Парвардигор Кришнанинг машхур дўсти Аржун Кришнадан айрилгани сабабли аччиқ хижрон азобидан қаттиқ мусибат чекарди, шу боис ҳозир Махараж Йудхитхиранинг тахминлари унинг кўнглига сиғмасди.

Изоҳ: Қаттиқ мусибатга тушган Аржун деярли гапира олмай қолганди, шу боис у Махараж Йудхитхиранинг айтган гапларини на тасдиқлаб, ё на инкор этиб бирор нарса деёлмасди.

Текст 2

Бу оғир мусибат дастидан Аржуннинг оғзи ҳам, нилуфарсимон қалби ҳам қуриб қолган,

шунинг учун унинг танаси ўзининг аввалги жилвасини йўқотган эди. Шунда у Парвардигорни эслаб, зўрға гапириб жавоб бера бошлади.

Текст 3

У кўзларини куйдириб бораётган мусибат ёшларини зўрға тўхтатиб турарди. У қаттиқ изтироб чекарди, чунки энди Парвардигор Кришнани кўра олмас, қалбида Унга нисбатан тобора кучайиб бораётган чуқур муҳаббат ҳис қиларди.

Текст 4

Парвардигор Кришнани, Унинг ўзига кўрсатган шунча меҳрибонлигини, эзгу ишларини, яқин оилавий муносабатларини, У ўзининг жанг аравасини қандай бошқарганини эслаб, ана шундай ширин хотираларга ғарқ бўлиб, оғир-оғир хўрсинганча Аржун гапира бошлади.

Изоҳ: Олий тирик мавжудотнинг ўзининг асл содиқ хизматкори билан бўладиган ўзаро муносабатлари мукаммал бўлади. Шри Аржуна - Парвардигорнинг жуда яқин муносабатларда турган намунали асл содиқ хизматкори, шу боис Парвардигорнинг Аржун билан ўзаро суҳбати - энг комил дўстлик намунасиدير. Кришна Аржуннинг фақат эзгу ниятли дўсти бўлиб қолмасдан, унинг ҳақиқий саодатманди эди, ана шу муносабатлар яна ҳам мукаммалроқ бўлиши учун У Аржуннинг Субҳадрага уйланишини уюштириб, у билан қариндош ҳам бўлиб олди. Бундан ташқари, ўзининг содиқ хизматкори ва яқин дўстини жанг майдонида хавф-хатардан химоя қилиш учун Парвардигор Аржуннинг жиловодори бўлишга ҳам рози бўлди, Пандузодаларни бутун жаҳонга ҳукмрон қилишдан Парвардигор ҳақиқатан ҳам бахтиёр эди. Аржун бирин-кетин мана шу воқеаларни эсларди, булар ҳақидаги хотиралар унинг ақлини бутунлай эгаллаб олди.

Текст 5

Аржун шундай деди: Эй шох! Мени ўзининг энг яқин дўсти деб юрган Худонинг Олий Шахси Хари мени тарк этди. Шунинг учун мен ўзимнинг ҳатто фаришталарни ҳам лол қолдирган ҳайратланарли қудратимдан маҳрум бўлдим.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(10.34)да Парвардигор шундай дейди: "Алоҳида қудрат ва бойликка - пулларга, гўзалликка, куч-қудратга, илмга ва моддий оламда орзу қилиш мумкин бўлган ҳамма нарсага эришган кишини шунчаки Менинг тўла бутун қувватимнинг арзимас зарраси юзага келтирган зот деб ҳисоблаш лозим". Демак, агар Парвардигор буюрмаган бўлса, ҳеч ким ўзидан ўзи

ҳеч қандай қудратга эга бўла олмайди. Парвардигор ўзининг содиқ ва мангу эркин ҳамроҳлари билан бирга ер юзига келганида, У шунчаки ўзининг илоҳий қудратини намоён қилиб қолмасдан, ўзининг ҳамроҳ-содиқларига ҳам Унинг мужассам бўлган қиёфаси бажариши лозим бўлган вазифани адо этиш учун етарли бўлган микдорда қудрат ато этади. "Бхагавад-гита"(4.5)да ҳам айтилганки, Парвардигор ўзининг мангу ҳамроҳлари билан бирга кўп марта Ер юзига ташриф буюради, лекин У ўзининг ана шу қиёфалари бажарган ҳамма ролларни эсида сақлайди, Унинг ҳамроҳлари эса, Унинг олий амру-иродаси билан уларни эсдан чиқариб юборади. Худди шундай Парвардигор ер юзини тарк этганида, У ўзи билан барча яқин ҳамроҳларини олиб кетади. Аржунга ато этилган куч ва қувват унга Парвардигорнинг вазифасини бажариш учун керак эди, Парвардигорнинг вазифаси ниҳоясига етганида, Аржун ҳам ўзининг ғайритабиий қудратидан маҳрум бўлди, чунки энди унинг ҳатто жаннатдаги фаришталарни ҳам лол қолдирган куч-қудратининг кераги йўқ эди, ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиш учун ундай куч-қудратнинг ҳожати йўқ эди. Агар Парвардигор ҳатто Аржун сингари буюк содиққа ҳам, ҳатто фаришталарга ҳам истаса куч ато этиши, истаса ундан маҳрум қилиши мумкин бўлса, ана шундай буюк зотларга нисбатан арзимас зарра ҳисобланган оддий тирик мавжудотлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, инсон Парвардигордан вақтинча қарзга олиб турган ўзининг юксак куч-қудрати билан фахрланиб мағрурланиб кетмаслиги керак. Аксинча, соғлом фикрли киши ана шундай буюк имкониятлар учун ҳаммиша ўзини Парвардигор олдида қарздор деб билиши ва ўзининг бутун куч-қудратини Унга хизмат қилишга сарфлаши лозим. Парвардигор истаган пайтида бериб кўйган нарсаларини қайтариб олиши мумкин, шунинг учун куч-қудрат ва бойликни ишлатишнинг энг яхши йўли - уларни Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлида сарфлашдан иборат.

Текст 6

Мен ҳозиргина Парвардигордан жудо бўлдим. Ундан жудо бўлиш, ҳатто бу жудолик атиги бир лаҳза давом этса ҳам, худди жон чиқиб кетган тана сингари бутун оламни бўм-бўш ва ёқимсиз қилиб кўяди.

Изоҳ: Аслини олганда тирик мавжудот учун Парвардигордан азизроқ ҳеч ким йўқ. Парвардигор ўзини сон-саноксиз ажралмас заррачаларга кўпайтиради: *свамша ва вибхиннамша*. *Параматма* - Парвардигорнинг *свамша* деб аталадиган қисми, Унинг *вибхиннамша* деб аталадиган қисми эса - тирик мавжудотлар. Худди, агар тирик мавжудот

бўлмаса моддий тананинг ҳеч қандай кадри бўлмагани сабабли тирик мавжудот тана учун энг муҳим зот бўлгани сингари, *Параматмасиз* ҳам тирик мавжудотнинг ҳеч қандай маъно(*статус-кво*)си бўлмайди. Парвардигор Кришнасиз Браҳманнинг ҳам, Параматманинг ҳам локус станди - таянч нуктаси бўлмайди. Бу "Бхагавад-гита"да батафсил тушунтирилган. Уларнинг ҳаммаси - бир бирига чамбарчас боғлиқ, ўзаро бирлашган факторлардир. Шундай қилиб, охиروқибатда Парвардигор *суммум-бонум*, демак, бутун борлиқнинг хаёт қонунидир.

Текст 7

Фақат Унинг кучи ва марҳамати билан мен шоҳ Друпаданинг саройида куёв танлаш маросимига тўпланган, қалби эҳтиросга тўла шахзодалар устидан ғалаба қозона олдим, камондан отган пйконим билан нишонга қўйилган балиқнинг кўзини уриб, Драупадини кўлини олган эдим.

Изоҳ: Драупади шоҳ Друпаданинг соҳибжамол кизи эди, у ҳали ёш пайтида деярли барча шахзодалар унинг қўлини олишга интилардилар. Аммо, Драпада Махараж унинг қўлини фақат Аржунга беришни истарди, ана шу ниятини амалга ошириш учун шоҳ бир хийла ўйлаб топган эди. Саройнинг шипига ғилдирак билан тўсилган балиқ осиб қўйилган эди. Мусабақа шартига кўра, шахзодалардан кимдир ғилдирак ортида яширинган балиқнинг кўзини нишонга олиши, бунда у шипдаги балиққа қарамаслиги керак эди. Полда турган сув тўла идишда нишон ҳам, ғилдирак ҳам кўришиб турарди, ишқибоз шахзода идишдаги тўлқинланиб турган сув юзидаги нишоннинг аксидан фойдаланиши мумкин эди. Махараж Драпада билардики, бундай қийин шартни фақат Аржун ёки Карна бажара олади. Лекин у ўзининг кизи фақат Аржунга эрга чиқишини истарди. Шахзодалар тўпланган маросимда, Драупадини акаси Дхриштадюмна уларни сингласига таништирганида, мусобақада иштирок этишга қарор қилган Карна ҳам бор эди. Лекин Драупади акаси Дхриштадюмна орқали *киштрий*лардан паст табақада бўлган зотларни қабул қила олмаслигини айтиб, усталик билан Аржунга муносиб рақиб бўлиши мумкин бўлган Карнанинг номзодини рад этди. *Вайшья* ва *шудралар киштрий*ларга нисбатан паст табақа ҳисобланади. Карна дурадгорнинг, яъни *шудранинг* ўғли эди, шу баҳона билан Драупади Карнанинг номзодини рад этди. Браҳман либосини кийиб олган Аржун нишонни уриб, шартни бажарганида ҳамма хайратга тушди, кейин шахзодалар, айниқса Карна, унга қарши қаттиқ жанг қилди, лекин, одатдагидай, Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан ана шу жангда Аржун ғолиб чиқди ва яна бир исми Кришна бўлган соҳибжамол Драупадини бебаҳо қўлини

олди. Энди эса, ўзига шунча куч-қудрат ато этиб қўйган Парвардигор кетгандан кейин, қалбида чуқур қайғу билан у ана шу воқеани эслаётган эди.

Текст 8

У ёнимда бўлгани учун мен ҳеч қийналмасдан қудратли осмон шоҳи Индрадева ва унинг атрофидаги фаришталар устидан ғалаба қозониб, олов фариштасига Кхандава ўрмонини яксон қилиш имконини бердим. Фақат Унинг марҳамати билан иблис Майа Кхандава ўрмонига кетган ёнғинда ҳалок бўлишдан қутулиб қолган эди, бунинг шарофати билан бизлар меъморилик санъатининг мўъжизаси бўлган мажлислар саройини қуришга муваффақ бўлдик, барча шоҳлар шу ерга келиб сенга товон тўлаган эдилар.

Изоҳ: Иблис Майа Данава Кхандава ўрмонида яшарди, ўрмонга ёнғин кетганида у Аржундан ҳимоя қилишни илтимос қилди. Аржун унинг хаётини кутқариб қолди, бунинг учун иблис унинг олдида қарздор бўлиб қолди. У ўз миннатдорчилигини Пандузодаларга ажойиб бир мажлислар саройини қуриб бериш билан изҳор қилди, ана шу сарой бутун салтанатдаги шахзодаларнинг уларга ҳасад қилишига сабаб бўлганди. Улар Пандузодаларнинг ғайритабиий қудратга эга эканини билар ва ҳеч қандай эътироз билдирмасдан императорга товон тўлаб, уларга бўйсунардилар. Иблислар кишини хайратга соладиган моддий мўъжизалар яратишга қодир бўлган ғайритабиий қудратга эга бўладилар. Лекин улар ҳамиша жамият учун турли ташвишлар манбаи бўладилар. Ҳозирги иблислар - жаҳонни ҳалокат ёқасига олиб келган дунёвий олимлардир, улар яратган моддий мўъжизалар жамиятга фақат ташвиш келтиради. Масалан, ядровий бомбанинг яратилиши тинчликсевар кишиларни даҳшатга солди. *Майа* ҳам шундай дунёвий зот бўлиб, у ҳам шундай мўъжизалар ярата оларди. Барибир Парвардигор Кришна уни ўлдирмоқчи эди. Олов ва Парвардигор Кришнанинг халқаси уни таъқиб қила бошлаганида у Худонинг содиқ хизматкоридан, яъни Аржундан ҳимоя тилаб нажот сўради, шунда Аржун уни Парвардигор Шри Кришнанинг ғазаб оловидан кутқариб қолди. Шундай қилиб, Худонинг содиқлари Парвардигорнинг Ўзидан ҳам марҳаматлироқ, Худога садоқат билан хизмат қилишда содиқ хизматкорнинг марҳамати Парвардигорнинг марҳаматидан қимматроқ туради. Иблис Аржундай содиқ хизматкорнинг ҳимояси остида турганини кўриб, олов ҳам, Парвардигор ҳам уни таъқиб қилишдан тўхтадилар. Ўзини қарздор ҳис қилган иблис миннатдорчилик юзасидан Аржунга бирор хизмат қилмоқчи эди, лекин у иблисдан бирор нарса қабул қилишни истамасди. Лекин Парвардигор

Шри Кришна, иблис Ўзининг содиқ хизматкоридан нажот сўраганидан мамнун бўлиб, ундан Махараж Йудхитхирага хизмат қилиб, унинг учун ажойиб бир мажлислар саройи қуриб беришни илтимос қилди. Шундай қилиб, содиқ хизматкорнинг марҳамати билан Парвардигорнинг марҳаматига эришиш мумкин, Парвардигорнинг марҳамати билан эса - Унинг содиқ хизматкорига хизмат қилиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бхимасенанинг гурзиси ҳам Майа Данаванинг совғаси эди.

Текст 9

Унинг марҳамати билан сенинг ўн минг фил кучига эга бўлган ҳурматли уканг, кўплаб шоҳлар оёғига йиқилиб юрган Жарасандхани ўлдирган эди. Бу шоҳларни Жарасандха ўзи ўтказишни режалаштирган Махабхаирава-йаджна қурбонлик маросимида қурбон қилиш учун олиб келган эди, аммо уканг уларни озодликка чиқарди. Кейин уларнинг ҳаммаси сенга товон тўладилар.

Изоҳ: Жарасандха Магадха салтанатининг жуда қудратли шоҳи эди, унинг бу дунёга келиши ва фаолиятининг тарихи ҳам жуда қизиқ. Унинг отаси Брихадратха ҳам Магадханинг қудратли ва омадли шоҳи эди, лекин, гарчи Каши шоҳининг икки қизига уйланиб қўйган бўлса ҳам, унинг ўғли йўқ эди. Маликалардан бирортаси унга ўғил туғиб бера олмагани, бундан ҳафсаласи пир бўлган шоҳ қаттиқ риёзатга берилиш учун улар билан бирга ўрмонга йўл олди. Ўрмонда бир буюк донишманд риши унга битта манго мевасини бериб, шу мевани еган малика сенга ўғил туғиб беради деб дуо-фотиҳа қилди. Маликалар манго мевасини бўлишиб едилар ва ҳақиқатан ҳам тез орада ҳомиладор бўлдилар. Шоҳ маликалар ўғил туғишидан умидвор бўлиб қувониб кетди, аммо туғиш вақти келганда маликаларнинг ҳар бири яримтадан бола туғдилар. Бу ярим болаларни улар ўрмондаги буюк бир иблис яшайдиган жойга ташладилар. Иблис майин одам гўшти ва конига тўйишдан қувониб кетди. У шунчаки қизиққанидан бу икки ярим болани бир бирига бирлаштирди, икки яримтадан бутун бўлган болага бирдан жон кирди. Иблисининг исми Жара эди, у бефарзанд шоҳга раҳми келганидан ана шу ғаройиб болани обориб шоҳга совға қилди. Шоҳ унинг бу совғасидан жуда қувонди ва миннатдорчилик юзасидан унинг ҳар қандай истагини бажаришга ваъда берди. Иблис шоҳдан бу болага унинг исмини шарафлаб от қўйишни илтимос қилди, шу тариқа боланинг исми Жарасандха, яъни "Жара бирлаштирган зот" бўлди. Аслида Жарасандха иблис Випрачиттанинг ажралмас бир қисми бўлиб дунёга келган эди. Маликалар фарзанд кўришини дуо қилган авлиё зот Чандра Каушика эди; у Брихадратхага ўғил фарзанд кўришини башорат қилганди.

Жарасандха туғилганидан иблисларга хос сифатларга эга бўлгани туфайли, табиий равишда у арвоҳ ва иблиссифат одамларнинг ҳукмдори бўлган Тангри Шиванинг буюк содиқ хизматкори бўлди. Равана ҳам Тангри Шиванинг буюк содиқ хизматкори эди, Жарасандха ҳам шундай бўлди. У ўзи забт этган шоҳларнинг ҳаммасини Парвардигор Махабхаирава(Шива)га қурбонлик сифатида эҳсон қиларди. У ўзининг ҳарбий қудрати ёрдамида кўплаб майда шоҳларни босиб олган ва уларнинг ҳаммасини Махабхаирава олдида қурбон қилиш учун асир олган эди. Аввал Магадха деб аталиб келган Бихар вилоятида ҳозир ҳам Тангри Махабхаирава, яъни Калабхаираванинг кўплаб содиқлари бор. Жарасандха Кришнанинг тоғаси бўлган Камсанинг қариндоши эди, шу боис Камса ўлгандан кейин Жарасандха Кришнанинг ашаддий душманига айланди, шу боис у билан Кришна орасида жуда кўп жанг бўлиб ўтди. Парвардигор Кришна уни ўлдирмоқчи бўлганди, лекин унинг жангчиларини ўлдиришни истамасди. Шунинг учун фақат унинг ўзини ўлдириш учун махсус режа тузилган эди. Гадоё брахманлар либосини кийиб олиб, Аржун ва Бҳима билан бирга Кришна Жарасандханинг олдида бордилар ва ундан садақа сўрадилар. Жарасандха ҳеч қачон ундан садақа сўраган брахманларнинг бирор илтимосини рад этмасди, бунинг устига жуда кўп қурбонлик маросими ўтказарди, лекин барибир бу ишларнинг бирортаси Худога садоқат билан хизмат қилишга тенглаша олмасди. Парвардигор Кришна, Аржун ва Бҳима Жарасандхадан улар билан жанг қилишни илтимос қилдилар, натижада улар Жарасандха билан фақат Бҳима жанг қилишига келишиб олдилар. Шундай қилиб, улар ҳам Жарасандханинг меҳмони, ҳам унинг рақиби бўлдилар. Бҳима Жарасандха билан бир неча кун яккама-якка жанг қилди. Бҳима қаттиқ саросимага тушиб қолди, шунда Кришна унга имо билан Жарасандха икки бўлақдан бирлаштирилганини тушунтириб қўйди, шундан кейин Бҳима уни икки бўлаққа бўлиб ташлаб ўлдирди. Бҳима унинг зиндонида ўзларининг Махабхаирава меҳробидида қурбон бўлишини кутиб ётган шоҳларнинг ҳаммасини озодликка чиқарди. Бунинг учун Пандузодаларга ўз миннатдорчилигини билдириш учун улар Махараж Йудхитхирага товон тўлагандилар.

Текст 10

Сенинг хотинингнинг буюк Раджасуя қурбонлик маросими учун покланиб чиройли ўрилиб турган сочларини тўзғитишга журъат қилган золимларнинг ҳамма хотинларининг сочларини тўзғитиб юборган ҳам Унинг Ўзи эди. Ана шунда у кўзлари тўла ёш билан Парвардигор Кришнанинг пойи қадамларига илтижо қилган эди.

Изоҳ: Малика Драупадининг Раджасуйа-йаджнада покланган ажойиб ўрилган узун сочлари бор эди. Лекин, Драупади кимор ўйинида ютқазиб қўйилган эди, шунда уни ҳақорат қилиш учун унинг афсонавий сочларига қўлини урганди. Шунда Драупади Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига илтижо қилган ва Парвардигор Кришна Духшасана ва унинг барча ҳамтовоқларининг хотинларининг ҳаммаси Курукшетрада бўлиб ўтган жангдан кейин сочларини ёйишга мажбур бўлади деган қарорга келгандилар. Шунинг учун Курукшетрадаги жангда Дхритараштранинг барча ўғил ва неваралари ҳалок бўлгандан кейин бу хонадоннинг бева бўлиб қолган барча аёллари сочларини ёйиб юришга мажбур бўлгандилар. Бошқача қилиб айтганда, Духшасана Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкорини ҳақорат қилгани сабабли Курулар салтанатининг барча аёллари бева қолгандилар. Худди ўғлининг барча гуноҳларини кечирадиган ота сингари Парвардигор Ўзини ҳақорат қилган ҳар қандай золимни кечириб юбориши мумкин. Лекин У Ўзининг содиқ хизматкорини ҳақорат қилган кишини ҳеч қачон кечирмайди. Буюк зотни ҳақорат қилиш билан инсон муқаррар равишда ўзининг барча қилган савоб ишларининг ва олган барча дуои-фотиҳаларининг натижаларидан махрум бўлади.

Текст 11

Бизлар сургунда юрган пайтимизда ҳамиша ўзининг ўн минг сонли шогирди билан бирга овқатланадиган Дурваса Муни душманларимиз билан бирга тил бириктириб, бизларни қийин аҳволга солиб қўйишни режалаштирган эди. Шунда У(Парвардигор Кришна), шунчаки қозонда қолган овқат қолдиғини еб, бизларни кутқариб қолган эди. У овқатлангани туфайли шу пайтда дарёда чўмилиб юрган донишмандларнинг ҳаммаси ўзларини жуда тўйиб кетган ҳис қилдилар. Шунда бутун уч олам аҳли қаноат ҳосил қилган эди.

Изоҳ: Дурваса Муни. Қудратли сеҳргар-браҳман, қаттиқ риёзатларга берилиб, муқаддас қасамлар ичиб, дин қонунларига қатъй риоя қилади. Унинг номи жуда кўп тарихий воқеалар билан боғлиқ. Маълумки, бу буюк сеҳргарни ҳам худди Тангри Шива сингари осонлик билан мамнун қилиш ва осонлик билан ғазабини келтириш мумкин. Агар кимнингдир қилган хизматидан мамнун бўлса, у ўша кишига катта бахт-саодат ато этарди, лекин агар кимнингдир хизматидан норози бўлса, унинг бошига оғир мусибат келтирарди. Отасининг уйида яшаб юрган пайтида Кумари Кунти барча буюк браҳманларга хизмат қиларди. Унинг кўрсатган меҳмондорчилигидан жуда мамнун бўлган Дурваса Муни уни дуо қилиб, унга истаган фариштасини олдига чақира оладиган мантрани

ўргатди. Айтишларига қараганда у Тангри Шиванинг тўла мужассам бўлган қиёфаси, шунинг учун ҳам уни осонлик билан мамнун қилиш ва осонлик билан ғазабини келтириш мумкин. У Тангри Шиванинг буюк содиқ хизматкори эди ва унинг амри билан шоҳ Шветакетуниг руҳонийси бўлди, чунки шоҳ ўшанда юз йиллик қурбонлик маросими ўтказган эди. Баъзан у Индранинг самовий салтанатидаги ҳукумат мажлисида иштирок этарди. Буюк сеҳр қудратига эга бўлган ҳолда, у космик фазо бўйлаб саёҳат қила оларди. Маълумки, у коинот бўйлаб жуда катта масофаларга саёҳат қилган ва ҳатто моддий олам чегарасидан ташқаридаги Ваикунтха сайёраларига борган. У бу катта масофани Парвардигорнинг буюк содиғи, бутун олам императори шоҳ Амбариша билан жанжаллашиб юрган бир йил давомида босиб ўтган.

Унинг ўн мингга яқин шогирлари бўлган, у қаерга борса ҳам, қаерда уни буюк шоҳ-қшатрийлар меҳмон қилсалар ҳам, у ўзининг кўп сонли издошлари билан бирга борарди. Бир куни у Махараж Йудхитхиранинг амаки укаси ва душмани бўлган Дурйодхананинг уйида меҳмон бўлди. Дурйодхана қўлидан келганча хизмат қилиб бу буюк браҳманни мамнун қилишга ҳаракат қилди, ундан мамнун бўлган буюк риши уни дуо қилмоқчи бўлди. Дурйодхана унинг сеҳр қудратига эга эканини, шунингдек, агар бу сеҳргар-браҳман кимдан норози бўлса, шу кишининг бошига оғир кулфат сола олишини ҳам яхши биларди. Шу боис у бу браҳманнинг ҳалокат келтирадиган ғазабини ўша пайтда ўзи билан душманлик қилиб юрган амаки укалари - Пандузодаларга қаратишни режалаштирди. Риши Дурйодханани дуо қилишни истаганида у донишманддан амакиларининг ичида каттаси бўлган Махараж Йудхитхиранинг уйида ҳам меҳмон бўлишни илтимос қилди. Лекин сеҳргар муни уларнинг уйига тушдан кейин, Пандузодалар малика Драупади билан бирга овқатланиб бўлгандан кейин меҳмонга бориши лозим эди. Драупади овқатланиб бўлгандан кейин Махараж Йудхитхира шунча браҳманларни меҳмон қила олмаслигини яхши биларди, шунинг учун у ўйлардики, риши ундан норози бўлиб қаттиқ ғазабланади ва унинг бошига оғир кулфат солади. Дурйодхананинг режаси шундай эди. Дурваса Муни унинг бу таклифини қабул қилди ва сургунда юрган шоҳнинг кулбасига, Дурйодхана режалаштиргандай, айнан шоҳ билан Драупади овқатланиб бўлган пайтда кириб борди.

У Махараж Йудхитхиранинг эшиги олдида пайдо бўлганида Пандузодалар браҳманни шодлик билан кутиб олдилар, кейин Махараж Йудхитхира ундан дарёда чўмилиб кундузги сиғиниш маросимларини ўтказиб келишни илтимос қилди, шунгача уларга овқат тайёрлашга улгуриш мумкин эди. Дурваса Муни ва унга ҳамроҳ бўлган кўплаб шогирдлари ювиниш учун

дарёга йўл олдилар, Махараж Йудхиштхира эса шунча меҳмон келганидан қаттиқ ташвишга тушган эди. То Драупади овқатланмагунча, истаганча кишини меҳмон қилиш учун етарли таом тайёрлаш мумкин эди, аммо Дурйодхананинг режаси бўйича, донишманд бу ерда Драупади овқатланиб бўлгандан кейин пайдо бўлганди.

Қийин аҳволга тушиб қолганда Худонинг содиқлари бутун қалби билан Парвардигорга самимий илтижо қилиш имкониятига эга бўладилар. Ана шундай қийин аҳволга тушиб қолиб, Драупади ҳам Парвардигор Кришна ҳақида ўйлай бошлади, ҳамма жойда мавжуд бўлган Парвардигор Ўзининг азиз содиқ хизматкорлари қандай қийин вазиятга тушиб қолганини дарров сезди. Шунинг учун Парвардигор уларнинг олдида пайдо бўлиб, Драупадидан қандай бўлса ҳам бирор егулик олиб келишни илтимос қилди. Парвардигорнинг илтимоси Драупадини қийин аҳволга солиб кўйди - Парвардигор ундан иложи йўқ нарсани илтимос қилганди. Драупади Парвардигор Кришнага айтдики, унга Қуёш фариштаси совға қилган қозон то унинг ўзи овқатланмагунча истаган миқдорда овқат чиқариб бера олади. Лекин, бугун у овқатланиб бўлган. Шунинг учун ҳозир улар қийин аҳволга тушиб қолгандилар. Ўзининг аҳволини тушунтириб бўлиб, у ўзининг қанчалик ожизлигидан Парвардигорнинг олдида хўнграб йиғлаб юборди - ҳар қандай имонли аёл ҳам шундай қилган бўларди. Шунда Парвардигор ундан Ўзи текшириб кўриши учун ошхонадаги идишларни келтиришни илтимос қилди - балки бирортасининг тагида озгина овқат қолгандир. У идишларни келтирганида Парвардигор Кришна ҳақиқатан ҳам улардан биттасининг тагига бироз сабзаёт ёпишиб қолганини аниқлади. Парвардигор шу овқат қолдиғини олиб еди ва Драупадидан Дурвасани ва унинг ҳамроҳларини чақириб келишни илтимос қилди.

Бхимани меҳмонларни чақириб келиш учун дарё соҳилига жўнатишди. У донишмандлар олдига бориб шундай деди: "Эй ҳурматли зотлар, нимага бунча имилляпсизлар? Юринглар, овқат тайёр бўлди". Лекин, Парвардигор Кришна бир парча овқат егани учун брахманларнинг ҳаммаси, гарчи ҳали улар ҳаммаси сув ичида бўлсалар ҳам, ўзларини ғайритабiiй равишда тўқ ҳис қила бошладилар. Улар ўйладиларки, Махараж Йудхиштхира улар учун жуда кўп тансиқ, ширин таомлар тайёрлаб қўйгандир, агар улар бориб қоринлари тўқлиги сабабли унинг тайёрлаган таомини емасалар, шоҳ улардан қаттиқ хафа бўлиши мумкин, шунинг учун яхшиси уникига умуман бормаслик керак. Шунинг учун улар шу ердан қайтиб кетишга қарор қилдилар.

Бу воқеа шуни кўрсатадики, Парвардигор - энг буюк сеҳргар, шунинг учун Уни Йогешвара деб атайдилар. Бу воқеадан олиш керак бўлган яна бир сабоқ шундан иборатки, ҳар бир оилали киши

Парвардигорга таом таклиф қилиши лозим, шунда барча меҳмонлар, ҳатто улар ўн минг кишидан кўп бўлсалар ҳам мамнун бўладилар, чунки Парвардигор ундан мамнун бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли шундай.

Текст 12

Фақат Унинг таъсири билан мен жангда худо шахси Тангри Шивани ҳамда унинг хотинини - Ҳимолай қизини ҳайратга солишга қодир бўлдим. Шунда у(Тангри Шива) мендан мамнун бўлди ва менга ўзининг қуролини совға қилди. Бошқа фаришталар ҳам менга ўзларининг қуролларини бердилар, бунинг устига мен мана шу танамда жаннатга бордим, у жойда менга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатдилар.

Изоҳ: Худонинг Олий Шахси Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати билан барча фаришталар, шу жумладан Тангри Шива ҳам, Аржундан мамнун эдилар. Маълумки, Тангри Шива ёки бошқа ҳар қандай фаришталар мамнун бўлган киши албатта Парвардигор Шри Кришнанинг ҳам марҳаматига эришавермайди. Шубҳа йўқки, Равана Тангри Шиванинг буюк содиғи эди, лекин бу уни Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Рамачандранинг қазабидан қутқариб қололмади. Пураналарда ёзилган тарихий ҳикояларда бунга ўхшаган жуда кўп мисоллар бор. Бу ерда эса биз Тангри Шива ҳатто Аржун билан жанг қилиб ундан мамнун бўлганини кўриб турибмиз. Худонинг содиқлари фаришталарга қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш лозимлигини биладилар, лекин фаришталарнинг содиқлари баъзан нодонлиги сабабли Худонинг Олий Шахси ҳам фаришталар билан бир поғонада туради деб ҳисоблайдилар. Ана шундай тасаввурга эга бўлган киши Худони ҳақорат қилган бўлади, оқибат-натихада уни ҳам Равана ва бошқаларнинг қисмати кутиб туради. Аржуннинг Парвардигор Кришна билан ўзаро дўстлигидан келтирган мисоллари ҳамма учун ибрат бўла олади: Парвардигор Шри Кришнани мамнун қилиш билан инсон барча бахт-саодатларга эришади, айни пайтда фаришталарнинг содиқлари, яъни уларга сиғиниб юрган кишилар эришадиган саодатлар эса, худди фаришталарнинг ўзлари сингари ўткинчи ва тўлик эмас.

Мазкур шеърнинг яна бир аҳамияти шундан иборатки, Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати билан Аржун ўзининг ҳозирги танасида Жаннатий сайёрага кўтарилишга муваффақ бўлди, осмон шоҳи Индрадева уни эҳтиром билан кутиб олиб, унга ёнидан, ўзининг тахтидан салгина пастроқ бўлган ўриндиқдан жой бериб катта ҳурмат иззат кўрсатди. Жаннатий сайёраларга шастраларнинг кармали фаолиятга бағишланган бўлимида кўрсатилган савоб ишларни амалга ошириш шарофати билан эришиш мумкин.

"Бхагавад-гита"(9.21)да айтилганидек, ана шу савоб ишларининг натижаси тугганида, жаннатда лаззатланиб юрган киши яна мана шу ер сайёрасига қайтиб тушади. Ой ҳам жаннатий сайёралар тоифасига киради. Фақат савоб ишлар қилиб юрган - кўплаб қурбонлик маросими ўтказган, қаттиқ риёзатларга берилган, кшплаб хайр-эҳсон тарқатган кишилар ҳозирги танасидаги умри тугагандан кейин жаннатий сайёраларга кўтарилиш имкониятига эга бўладилар. Фақат Парвардигорнинг марҳамати билан Аржунга ҳозирги танасининг ўзидаёқ жаннатий сайёраларга кириш имкони берилган эди, акс ҳолда бунинг ҳеч қандай иложи бўлмасди. Ҳозирги олимларнинг космик ракеталар ёрдамида жаннатий сайёраларга(мас. Ойга) эришишга уринишлари, албатта, ҳеч қандай натижа бермайди, чунки бундай олимларнинг баркамолликда Аржун турган поғонага эришишлари амри маҳол. Улар ҳеч қандай қурбонлик маросими ўтказмаган, бирор риёзат чекмаган ва ҳеч қандай хайр-эҳсон тарқатмаган оддий дунёвин инсонлардир. Моддий тана ҳамиша моддий табиатнинг уч гунаси - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида бўлади. Ҳозирги даврда яшайтган кишилар асосан эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида яшайдилар, бунинг аломатлари шунда намоён бўладики, улар жуда очкўз, қизғанчиқ ва эҳтиросга берилган бўладилар. Ана шундай пасткаш одамлар қандай қилиб олий сайёралар тизимига яқинлашишлари мумкин. Жаннатий сайёралардан юкорида эса фақат эзгулик гунаси таъсири остида яшайдиган кишилар кўтарила оладиган жуда кўп олий сайёралар бор. Жаннатий сайёраларда ва коинотнинг бошқа сайёраларида яшайдиган зотларнинг ақл-заковати жуда кчли ривожланган, улар одамларга нисбатан бир неча марта ақлироқ. Уларнинг ҳаммаси такводор зотлар бўлиб, олий ва юксак эзгулик гунаси таъсири остида яшайдилар. Уларнинг ҳаммаси - Худонинг содиқлари, гарчи улар яшаб юрган эзгулик гунаси мукамал пок бўлмаса ҳам, барибир улар тирик мавжудот моддий оламда эга бўлиши мумкин бўлган энг кўп эзгу фазилатларга эга бўлган фаришталар ҳисобланадилар.

Текст 13

Мен ана шу жаннатий сайёраларда бир неча кун меҳмон бўлганимда барча самовий фаришталар, шу жумладан осмон шоҳи Индрадеванинг ўзи ҳам, мендан иблис Ниватакавача деган иблисни ўлдиришимни илтимос қилиб, Гандива камонини ушлаган қўлларим паноҳи остига киргандилар. Эй шоҳ, эй Аджамидхи авлоди, мен ҳозир ана шу Парвардигордан, менга шунчалик буюк қудрат ато этиб қўйган Худо Шахсидан маҳрум бўлдим.

Изоҳ: Албатта, жаннатдаги фаришталар инсонларга кўра ақлироқ, қудратлироқ ва

чиройлироқ бўладилар, лекин шунга қарамай, барибир улар Аржундан ёрдам сўраганлар, чунки унда Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати билан алоҳида қудрат ато этилган Гандива деган камони бор эди. Парвардигор ҳар нарсага қодир, Унинг марҳамати билан Унинг асл содиқ хизматкори Парвардигор истаганча қудратга эга бўлиши мумкин, бу қудратнинг ҳеч қандай чегараси йўқ. Парвардигор Ўзининг қудратидан маҳрум қилиб қўйган киши эса, Унинг амри билан кўримсиз, кучсиз бўлиб қолади.

Текст 14

Куруларнинг ҳарбий қудрати худди енгилмас зотлар яшайдиган уммонга ўхшарди, шу боис бу қўшинни мағлуб қилишнинг иложи йўқ эди. Лекин, Парвардигорнинг дўстлиги шарофати билан жанг аравамда ўтириб, мен ана шу уммонни кечиб ўтишга муваффақ бўлдим. Фақат Унинг марҳамати билан мен сигирларни қайтариб олишга ва куч ишлатиб кўплаб шоҳларнинг ярқираган гавҳартошлар билан безатилган тожларини ўлжа қилиб олгандим.

Изоҳ: Курулар қўшини таркибида кўплаб жасур саркардалар жанг қилдилар, улар орасида Бҳишма, Дрона, Крипа ва Карналар бор эди, ҳақиқатан ҳам худди чексиз уммонга ўхшаган уларнинг бу қўшини енгилмас қудратга эга эди. Лекин шунга қарамай, Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Аржуннинг бир ўзи, жанг аравасида ўтирган ҳолда уларнинг ҳаммасини бирма-бир яксон қилишга эришди. Рақиблар қўшинида бош саркардалар бир неча марта алмашдилар, аммо Пандузодалар томонида Парвардигор Кришна жиловдорлик қилаётган жанг аравада ўтирган битта Аржуннинг ўзи бу буюк урушда бутун маъсулиятни ўз зиммасига олган эди. Худди шундай, Пандузодалар шоҳ Виратанинг саройида яширин ҳолда яшаб юрганларида, Курулар уларга душманлик қилиб, шоҳ Виратанинг кўплаб сигирларини ўғирлаб кетишга қарор қилдилар. Улар сигирларни олиб кетаётганларида, Аржун уларга ўзини танитмаган ҳолда улар билан жангга киришди. Уларни мағлуб қилиб сигирларни қайтариб олди ва жуда кўп ўлжалар - шоҳ хонадонининг аъзолари бошидаги тожларни безаб турган кўплаб қимматбаҳо гавҳартошларни қўлга киритди. Аржун буларнинг ҳаммасига у фақат Парвардигорнинг марҳамати билан эришганини эслапти.

Текст 15

Айнан Унинг Ўзи жанг майдонида Куруларнинг Бҳишма, Карна, Дрона, Шалйа ва бошқалар раҳбарлигида жанговор тартибда тизилган катта қўшинлар сафида турган жангчиларни жанговор руҳдан ва фикрлаш қобилиятидан маҳрум қилиб, умрини қисқартирган эди. Бу жангчилар ҳаммаси

харбий санъатнинг барча қондалари асосида сафга тизилган бўлиб, фақат шунинг ўзиёқ душман устидан ғалаба қилиш учун кифоя эди, лекин, аравада олға интилиб, У ана шу ишларни амалга оширди.

Изоҳ: Мутлақ Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришна Ўзининг тўла намоён бўлган қисми - ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма ёрдамида Ўзини кўпайтиради ва шу тарзда ҳар кимга хотира, унутиш, илм бериб ёки ақлини олиб бутун ақлий фаолиятини назорат қилиш билан унинг ҳаракатини бошқариб туради(Бг.15.15). Парвардигор сифатида У тирик мавжудотнинг умрини узайтириши ҳам, камайитириши ҳам мумкин. Шундай қилиб, Парвардигор Курукшетрадаги жанг тафсилотларини Ўзининг режаси бўйича ўзгартириб турганди. Махараж Йудхистхирани мана шу сайёранинг императори қилиб тахтга ўтқазиб учун Курукшетрадаги бу уруш Парвардигор учун зарур эди, ана шу илоҳий вазифани амалга оширишни осонлаштириш учун У Ўзининг ҳар нарсага қодир қудрати билан душман кўшинида турган жангчиларнинг ҳаммасининг умрини қисқартириб, ҳалок этган эди. Бҳишма, Дрона ва Шалйя сингари буюк саркардалар қўллаб турган душман кўшини катта ҳарбий қудратга эга эди, агар Парвардигорнинг Ўзи турли ҳарбий усуллар билан ёрдамлашиб турмаса, Аржун бу жангда ғалаба қозона олмас эди. Ҳатто ҳозирги урушларда ҳам ана шундай ҳарбий усуллардан деярли ҳар бир давлат арбоби фойдаланади, лекин уларнинг ҳаммаси айғоқчиларни кучайтириш, ҳарбий маккорлик ва дипломатик хийлалар ёрдамида моддий поғонада амалга оширилади. Лекин Аржун Парвардигорнинг асл содиқ хизматкори эди, шунинг учун Парвардигорнинг Ўзи буларнинг ҳаммасини амалга оширган, шу боис Аржуннинг ўзи ҳеч нарсадан ташвишланмаганди. Худоба садоқат билан хизмат қилиш йўли шундай.

Текст 16

Барча буюк саркардалар шу жумладан Бҳишма, Дрона, Карна, Бхуришрава, Сушарма, Шалйя, Жайадратха ва Бахликалар менга ўзларининг енгилмас қуролини йўлладилар. Лекин, У (Парвардигор Кришна)нинг марҳамати билан ҳатто менинг бошимдан бир тола соч ҳам тушмади. Худди шундай, Парвардигор Нрисимхадеванинг буюк содиғи Прахлад Махаражга ҳам иблисларнинг унга қарши ишлатган қуроллари бирор зарар етказмаган эди.

Изоҳ: Парвардигор Нрисимхадеванинг буюк содиқ хизматкори Прахлад Махараж ҳақида "Шримад Бхагаватам"нинг Еттинчи Кўшиғида ҳикоя қилинади. Прахлад Махараж энди беш ёшга тўлганида у Парвардигорнинг асл содиқ

хизматкори бўлгани учун буюк иблис отаси Хиранйакашипу ундан қаттиқ нафратлана бошлади. Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлган ўз ўғлини - Прахлад Махаражни ўлдириш учун иблис отаси ўзида мавжуд бўлган қуролларнинг ҳаммасини ишлатиб кўрди, аммо Парвардигорнинг марҳамати билан Прахлад отаси юзага келтирган барча хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилинган эди. Уни ёниб турган оловга ташладилар, қайнаб турган ёғга туширдилар, кутурган филнинг оёқ остига ташладилар, тоғнинг баланд чўққисидан пастга улоқтирдилар, кучли захар ичирдилар. Ниҳоят унинг отаси кўлига қилич олиб, ўғлининг бошини танасидан жудо қилишга ҳозирланди, лекин шу пайт Парвардигор Нрисимхадева пайдо бўлди ва ўғлининг кўзи олдида унинг ярамас отасини тилка-пора қилиб ўлдирди. Шундай қилиб, Худонинг содиқ хизматкорини ҳеч ким ўлдиришга қодир эмас. Гарчи унга Бҳишма сингари буюк рақиблари ҳар хил қудратли қурол ишлатган бўлса ҳам, Парвардигор Аржунни ҳам барча хавф-хатарлардан қутқариб қолган эди.

Карна. Кунтининг Махараж Пандуга турмушга чиқмасдан олдин Қуёш фариштасидан кўрган ўғли. Карна онасидан билагузук, совут, сирғалар ва жасур жангчига хос туғма белгилар билан туғилди. Аввалига уни Васусена деб атадилар, у ўсиб-улғайгач эса, ўзининг туғма анжомларини Индрага эҳсон қилди, шундан кейин уни Ваикартана деб атаиб бошладилар. Бу болани туғиб, ҳали қиз бола бўлган Кунти уни Гангага оқизиб юборди. Чақалоқ Карнани Адхиратха дарёдан чиқариб олди ва хотини Радха билан бирга уни худди ўз ўғлидай парваришлади. Карна саховатли, айниқса браҳманларга нисбатан жуда саҳий эди. У браҳмандан ҳеч нарсагини қизғанмасди. Ўзининг ана шу саҳийлиги сабабли у туғма совути, сирғаси ва билагузуқларини Индрадевага эҳсон қилиб юборганди, унинг бундай саховатидан жуда мамнун бўлган фаришта унга Шакти деб аталадиган буюк қудратли қурол совға қилди. У Дроначарйанинг шогирдлари сафига қабул қилинган эди, аввал бошдан у билан Аржун ўртасида рақобат юзага келганди. Унинг ҳаммиша Аржун билан рақобат қилиб юрганини кўрган Дурйодхана уни ўзига яқинлаштириб, ўзининг ишонган яқин кишиларидан бири қилиб олди. Аста-секин уларнинг бу яқин муносабатлари қалин дўстликка айланди. Карна ҳам Драупадининг Свайамвара маросимида иштирок этганди. Шу ерда у ҳам ўзининг маҳоратини намойиш қилмоқчи бўлганида, Драупадининг акаси, у дурадгор-шудранинг ўғли бўлгани учун бундай мусобақада иштирок этишга ҳаққи йўқлигини айтиб, бунга йўл қўймади. Гарчи у мусобақадорлар сафидан четлатилган бўлса ҳам, Аржун шипга осилган балиқ-нишонни уриб туширгандан кейин Драупади гулчамбарни унинг бўйнига осгандан сўнг, бошқа мағлуб шахзодалар

билан биргаликда Карна ҳам Драупадини олиб кетаётган Аржуннинг йўлини тўсди. Айниқса у Аржун билан бор кучини ишга солиб жанг қилди, аммо Аржун уларнинг барчасини мағлуб қилди. Карнанинг ҳамиша Аржун билан рақобат қилиб юрганидан Дурйодхана жуда мамнун эди, шу боис салтанат тахтига ўтирган заҳоти у Карнани Анга вилоятининг ҳоқими қилиб тайинлади. Драупадининг қўлини эгаллашда мағлубиятга учраган Карна Дурйодханага шох Друпاداга қарши уруш эълон қилишни таклиф қилди, чунки шунда Друпадани енгиб, улар Аржунни ҳам, Драупадини ҳам қўлга туширган бўлардилар. Аммо, Дронаचार्या уларнинг бу хийласини қоралади, кейин улар бу хийласини амалга оширишга журъат қилмадилар. Карна фақат Аржундан эмас, балки Бхимасенадан ҳам бир неча марта мағлуб бўлди. У бирлашган Бенгалия, Орисса ва Мадрас вилоятларининг шоҳи эди. Кейинроқ у Махараж Йудхистхира уюштирган буюк Раджасуя курбонлик маросимида фаол иштирок этди, амаки-оғайни рақиблар орасида Шакуни хийла билан уюштирган кимор ўйини бошланганида эса, Карна ҳам иштирок этди ва киморга Драупади ҳам тикилганидан жуда хурсанд бўлди. Бу унинг қалбида уларга нисбатан аввалдан сақланиб келаётган ғазабини кўзитган эди. Драупади киморга тикилганда бу янгиликни айнан Карна эълон қилган, улар киморни бой берганида айнан у Духшасанга Пандузодаларнинг ҳам, Драупадининг устидан ҳам шоҳона либосларини ечиб ташлашни буюрган эди. У Драупадига юзланиб, Пандузодалар уни ютқазгандан кейин у Куруларнинг чўрисига айланганини айтиб, шу боис энди ўзига бошқа эр танлашни буюрганди. У ҳамиша Пандузодаларнинг душмани бўлиб келганди, шу боис иложи бўлди дегунча шарманда қилиб уларнинг устидан кулишга ҳаракат қиларди. У Курукшетрадаги жанг натижасини олдиндан билган ва Парвардигор Кришна жиловдори бўлгани учун Аржун бу жангда ғолиб чиқишини тахмин қилган эди. У ҳамиша Бхишмага қарши гапириб юрарди, бир куни шунчалик ҳаддидан ошиб кетдики, агар унинг режаларига Бхишма ҳалакит бермаса Пандузодаларни беш кунда яксон қилишини айтди. Лекин Бхишма ўлганида у оғир мусибат чекди. Индрадевадан олган Шакти курули билан у Гхатоткачни ўлдирди. Карнанинг ўғли Вришасенани Аржун ўлдирди. Пандузодаларнинг жангчиларининг энг кўпини Карна кириб ташлади. Охир-оқибатда Карна билан Аржун ўртасида даҳшатли яккама-якка жанг бўлиб ўтди, Аржуннинг бошидан тожни уриб туширган яккаю-ягона рақиб ҳам Карна эди. Лекин, тасодифан Карнанинг аравасининг ғилдираги жанг майдонидаги чуқурга тушиб қолди, уни чиқариш учун Карна аравадан тушган пайтда, бу қулай имкониятдан фойдаланиб, унинг шафқат сўрашига

ҳам эътибор бермасдан Аржун уни ўлдириб ташлади.

Напта ёки Бхуришрава. Сомадаттанинг ўғли, Курулар сулоласининг аъзоси. Шалйа унинг акаси эди. Ака-укалар ва уларнинг отаси Драупадининг свайамвара маросимида иштирок этганлар. Уларнинг ҳаммаси Парвардигор Кришнанинг содиқ дўсти бўлгани учун Аржуннинг кишини ҳайратга соладиган жисмоний кучини кўриб лол қолган эдилар, шунинг учун Бхуришрама Дхритараштранинг ўғилларига Пандузодалар билан жанжаллашмаслики, уларга қарши жанг қилмасликни маслаҳат берди. Уларнинг ҳаммаси Махараж Йудхистхиранинг Раджасуя-йаджна маросимида иштирок этдилар. Унда пиёда, отлик, филлар ва жанг араваларидан иборат бир акшахина қўшин бор бўлиб, уларнинг ҳаммаси Курукшетрадаги жангда Дурйодхана тарафида туриб жанг қилдилар. Бхима уни йутхатилардан бири деб ҳисобларди. Курукшетрадаги жангда у асосан Сатйакига қарши жанг қилган ва унинг ўнта ўғлини ўлдирган эди. Кейинроқ Аржун унинг қўлини чопиб ташлади, оқибатда Сатйаки уни ўлдирди. Танасини тарк этиб у Вишвадеванинг борлиғига кўшилиб кетди.

Тригарга, ёки Сушарма. Махараж Вриддхакшетранинг ўғли. Тригартадешанинг шоҳи эди, у ҳам Драупадининг свайамвара маросимида иштирок этган. У ҳам Дурйодхананинг иттифоқчиларидан бири бўлиб, унга Матсйадеша(Дарбханга)га қарши уруш эълон қилишни маслаҳат берганди. Вират-нагарада сигирларни ўғирлаб кетаётган у Махараж Виратани асир олганди, аммо Бхима уни озод қилди. Курукшетрадаги жангда у ҳам қаттиқ жасорат билан жанг қилди, ниҳоят Аржун қўлидан ҳалок бўлди.

Жайадратха. Махараж Вриддхакшетранинг яна бир ўғли. Синдхудеша(ҳозирги Покистондаги Синд вилояти)нинг шоҳи. Унинг хотини - Духшала. У ҳам Драупадининг свайамвара маросимида иштирок этган ва унинг қўлини олишни жуда истаган эди, лекин мусобақада мағлубиятга учради. Шундан бери у Драупади билан учрашишни орзиқиб кутиб юрарди. У уйланиш ниятида Шалйадешага бораётганида Камйаван йўлида яна Драупадини учратиб қолди, унинг хусни-жамолини кўриб у яна ақлини йўқотиб қўйди. Салтанатини кимор ўйинида бой бериб, Пандузодалар Драупади билан бирга сургунда юрган эдилар. Жайадратха бу учрашувни Драупадига ўзининг яқин ҳамроҳи Котишашья орқали ўзининг истаги битилган номани бериш учун қулай имконият деб билди. Драупади, албатта, ҳайрон бўлиб, Жайадратханинг бу аҳмоқона истагини рад этди, аммо Драупадининг жамолига мафтун бўлган Жайадратха такрор ва такрор унинг йўлини тўсаверди. Ҳар гал Драупади унга рад жавобини берарди. Шунда у Драупадини куч ишлатиб жанг аравасида олиб кетишга уриниб

кўрди, аммо Драупадининг чаккасига урган зарбидан худди илдизи қирқилган дарахтдай ерга кулади. Лекин, ҳатто бу ҳам унинг шахвоний эхтиросини боса олмади, у Драупадини куч билан аравага ўтқазилган эришди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Жайадратхани бундай кабиҳ ишдан тўхтатиб қолишга шунча уринган Дхаумйа Мунининг кўз олдида рўй берганди. У жанг аравасини таъқиб қила бошлади ва айни пайтда Дхатрейикадан бу ҳақда Махараж Йудхитхирарага хабар берди. Шунда Пандузодалар Жайадратханинг жангчиларига ҳужум қилиб уларни қириб ташладилар, кейин Бхима Жайадратхани ушлаб олди ва уни ўласи қилиб дўппослади. Кейин уни сазойи қилиб, унинг бошида беш кокил қолдириб, сочини қириб ташладилар ва барча шоҳларга у энди Махараж Йудхитхиранинг қули деб эъло қилинди. Барча шоҳлар олдида уни Махараж Йудхитхиранинг қули эканини тан олишга мажбур қилдилар, уни шундай аҳволда Махараж Йудхитхиранинг олдига олиб келдилар. Махараж Йудхитхира эса, шунчалик меҳрибон эдики, уни озод қилиб юборишни буюрди, у ўзининг Махараж Йудхитхиранинг қўл остидаги шоҳ эканини тан олганда, Драупади уни бу қарамликдан ҳам озод қилишни истади. Ана шундай шармандалиқлардан кейин унинг ўз салтанатига қайтиб кетишига рухсат бердилар. У шарманда бўлиб ҳақоратланган ҳолда Ҳимолай тоғидаги Ганганасинга йўл олди ва Тангри Шивани мамнун қилиш учун қаттиқ риёзатларга берилиб ибодат қила бошлади. У Тангри Шивадан ҳеч бўлмаса Пандузодаларни бир марта бирма-бир мағлуб қилиш имкониятини тилаб илтижо қилди. Кейин Курукшетрада жанг бошланди, у албатта Дурйодхана томонида эди. Биринчи кун у Махараж Друпادا билан жанг қилди, иккинчи кун Вирата билан, кейин Абхиманйу билан жанг қилди. Етти буюк саркарда Абхиманйуни ўраб олиб уни шафқатсизларча ўлдирганида Пандузодалар унга ёрдамга шошилдилар, лекин, Тангри Шиванинг марҳамати билан Жайадратха жасорат билан уларнинг йўлини тўсиб туришга муваффақ бўлди. Шунда Аржун уни ўлдиришга қасам ичди. Бу ҳақда хабар топган Жайадратха кўрқанидан жанг майдонини ташлаб кетмоқчи бўлди ва бунга Курулардан рухсат сўради. Лекин улар бунга рухсат бермадилар. У Аржун билан жанг қилишга мажбур бўлди, жанг пайтида Парвардигор Кришна Аржунга Жайадратханинг Тангри Шивадан олган дуои-фотиҳасига кўра, унинг калласини ерга ташлаган кишининг ўзи шу заҳотиёқ ўлишини эслатиб қўйди. Шунинг учун У Аржунга Жайадратханинг калласин тўппа-тўғри унинг Саманта-панчака деган жойда риёзатга берилиб ўтирган отасининг тиззасига ташлашни маслаҳат берди. Аржун шундай қилди. Жайадратханинг отаси тиззасига келиб тушган одам калласини кўриб ҳайрон бўлди. У каллани

шу заҳотиёқ ерга улоқтирди ва ўзи ҳам ҳалок бўлди, унинг пешонаси етти жойидан ёрилиб кетган эди.

Текст 17

Фақат Унинг марҳамати билан мен жанг майдонида чанқаган отларим учун сув излаш ниятида жанг аравамдан тушганимда менинг душманларим мени ўлдириш имкониятини қўлдан бой бердилар. Фақат Уни муносиб ҳурмат қилмаганим учун мен Уни ўзимнинг жиловдорим қилиб олгандим, чунки энг аъло инсонлар нажот топиш учун Унга сажда қилиб хизмат қиладилар.

Изоҳ: Парвардигор, Худо Шахси, Шри Кришна - имперсоналистлар ҳам, Худонинг содиқлари ҳам сиғинадиган ягона Парвардигор. Имперсоналистлар Унинг илм ва лаззатга тўла мангу кўринишдаги илоҳий танасидан таралиб турадиган кучли ёғдуга сиғинадилар, Худонинг содиқлари эса, Унга Худонинг Олий Шахси сифатида сиғинадилар. Рухий юксалиш йўлида ҳатто имперсоналистлардан ҳам пастда турадиган кишилар ҳам Уни буюк тарихий шахслардан бири деб биладилар. Лекин Парвардигор бу дунёга ўзининг ғайритабиий кароматлари билан ҳаммани ўзига жалб қилиш учун келади, шунинг учун намунали дўст, намунали ўғил ва намунали маъшуқа ролини ўйнайди. Унинг Аржун билан ўзаро илоҳий муносабатлари дўстона муносабатлар эди, Парвардигор худди ўз ота-оналари, ошқлари ва хотинлари билан бўлганидек, бу ерда ҳам ўз ролини мукамал ўйнади. Ана шундай мукамал илоҳий муносабатларда ўз ролини ўйнар экан, гарчи Парвардигорнинг баъзи бир ҳатти-ҳаракатлари уни ҳайратга солса ҳам, Парвардигорнинг ички қуввати таъсири остида содиқ хизматкор унинг дўсти ёки ўғли - аслида Худонинг Олий Шахси эканини бутунлай унутиб қўяди. Парвардигор бу оламни тарк этиб кетгандан кейин Аржун ўзининг буюк дўсти аслида ким эканини англаб етганди, у аввал ҳам бунга ҳеч шубҳа қилмасди, унинг Парвардигор Кришнага нисбатан бўлган муносабатларида ҳеч қандай ноўрин иш йўқ эди. Оқил кишиларни Парвардигорнинг Аржун - Худонинг қалби пок, асл содиқ хизматкори билан бўлган ўзаро илоҳий муносабатлари жалб этади.

Маълумки, жанг майдонида ҳеч қачон етарли миқдорда сув бўлмайди. Бундай жойларда сув - танқис бўлади, лекин жанг майдонида зўр бериб жанг қилаётган жангчилар ҳам, ҳайвонлар ҳам чанқоқ азоби қийнаб, чанқоғини босиш учун улар ҳаммиша сув излайдилар. Айниқса жон топираётган жангчи ва саркардалар чанқоғини босиш учун сувга жуда муҳтож бўладилар, баъзан шундай бўладик, ярадор бўлган жангчи фақат сув етишмаганидан ҳалок бўлади. Курукшетра жанг майдонида сув танқислиги муаммоси ерни қазиш

билан ҳал қилинган эди. Худонинг марҳамати билан истаган жойни қазиб сув чиқариш мумкин эди - қазिश учун бирор асбоб топилса бас. Ҳозирги даврда ҳам ерни қазиб сув чиқарилади, лекин замонавий мухандислар ҳали истаган жойни дарров қазиб сув чиқара олмайдилар. Лекин тарихдан биламизки, Пандузодалар яшаган даврда, Аржун сингари буюк саркардалар истаган жойни пайкон билан қазिश, яъни ҳозир ҳам кенг қўлланиладиган ковлаш усули билан кўплаб жангчилар нари турсин, ҳатто отларни ҳам дарров сув билан таъминлай олганлар.

Текст 18

Эй шох! Унинг ҳазиллари ва самимий суҳбатлари ҳамиша ёқимли ва Унинг ширин табассуми билан безанган бўларди. У менга: "Ҳой Притхининг ўғли, ҳой дўстим, ҳой Курулар авлодининг ўғли!" деб мурожаат қиларди. Мен Унинг менга кўрсатган чин кўнгилдан самимий муносабатларини эслайман ва бу хотиралардан қалбим тўлиб кетади.

Текст 19

Бизлар билан тез-тез бирга яшар, бирга ухлар, бирга ўтирар ва бирга сайр қилардик. Баъзан У кўрсатган қахрамонлиги билан мақтанмоқчи бўлганида, Унинг гапларидаги бирор хатоликни кўриб мен: "Ҳой дўстим, Сен жуда ростгўйсан-да!" деб Унга киноя қилардим. Ҳатто, Унинг улуғворлиги камситилган ана шундай пайтларда ҳам У, Олий Рух бўлган ҳолда, худди ҳақиқий дўст ўз дўстини, ота - ўғлини кечиргани сингари, У менинг шундай киноя гапларимни кўтарарди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна ҳар жиҳатдан мукамал бўлгани учун Унинг Ўзининг асл содиқ хизматкорлари билан бирга бўладиган илоҳий эрмакларидан У қандай рол - дўст, ўғил ёки маъшуқа ролини ижро этса ҳам, ҳеч қачон бирор нарсада етишмовчилик бўлмайди. Дўстларининг, ота-онасининг ёки ошиқларининг киноялари Парвардигорга бую олим ва руҳонийларнинг тантана билан ўқиган ведавий мадҳияларидан кўра кўпроқ лаззат бағишлайди.

Текст 20

О Император, ҳозир мен ўзимнинг энг яқин дўстим ва қадрдон ошнамдан жудо бўлдим, Ундан - Худонинг Олий Шахсидан ҳам яқинроқ ҳеч кимим йўқ эди. Шунинг учун ҳозир менинг қалбим худди бўм-бўшдай хувиллаб қолган. Кришна ёнимда бўлмагани учун, Унинг хотинларини кўриқлаб келаётганимда мени бир тўда имонсиз-чўпонлар мағлуб қилдилар.

Изоҳ: Мазкур шеърда жуда муҳим маъно бор: қандай қилиб Аржун бир тўда пасткаш чўпонлардан мағлуб бўлиб юрибди, қандай қилиб ана шу пасткаш чўпонлар Парвардигор Кришнанинг Аржун химоя қилиб келаётган хотинларига қўл теккизишга журъат қилдилар? Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур "Вишну-пурана" ҳамда "Брахма-пурана"ни ўрганиб чиқиб бу зиддиятни тушунтириб берган. Ана шу Пураналарда айтилганки, бир куни жаннатдаги аёллар ўзларининг хизмати билан Аштавакра Мунини мамнун қилдилар, шунда Муни уларни дуо қилиб айтдики, улар Парвардигорнинг хотини бўла оладилар. Аштавакра Мунининг танаси саккиз бўғинида қийшайган эди, шунинг учун у қийшайиб-қийналиб ҳаракат қилганида жуда ғалати, кулгили кўринарди. Унинг ҳаракат қилишни кўриб, фаришталарнинг кизлари ўзларини кулгидан тўхтата олмай қолдилар, бундан ғазабланган Муни уларни дуои-бад қилиб айтдики, ҳатто уларнинг эри Парвардигорнинг Ўзи бўлса ҳам, бир куни уларни қароқчилар босиб оладилар. Кейинчалик бу қизлар яна уни мамнун қилдилар ва донишманд уларни яна дуо қилиб айтдики, ҳатто қароқчилар босиб олса ҳам, улар яна ўзларининг эрига қайтадилар. Шунинг учун, буюк мунининг айтганлари амалга оишиш учун Парвардигорнинг Ўзи чўпонлар қиёфасига кириб, Ўзининг Аржун кўриқлаб келаётган хотинларини ўғирлаб кетгани, акс ҳолда, агар ҳақиқий қароқчилар уларга қўл теккизган бўлса, улар шу заҳотиёқ ғойиб бўлган бўлардилар. Бундан ташқари, Парвардигорнинг хотини бўлишни илтижо қилган баъзи гопилар ўзларининг ниятига етиб, яна ўзларининг аввалги ҳолатига қайтдилар. Парвардигор Кришна Ўзи бу дунёни тарк этгандан кейин Ўзининг барча яқин ҳамроҳларини яна Ўз даргоҳига қайтаришни истаган эди, шу боис уларнинг ҳаммаси турли йўллар билан яна аввалги ҳолатига, Худонинг даргоҳига қайтиб бордилар.

Текст 21

Қўлларимда ўша Гандива камони ва ўша пайконлар, ўша отлар қўшилган ўша жанг аравам, мен ҳам улардан барча шоҳлар олдида бош эгадиган аввалги Аржун сифатида фойдаланяпман. Лекин, агар Парвардигор Кришна бўлмагани туфайли буларнинг ҳаммаси шу заҳотиёқ ўз кучини йўқотиб юборди. Ҳозир улардан фойдаланиш - худди кул устига ёғ қуйишдай, сеҳрли таёқча билан пул топишдай ёки шўр ерга уруғ қадашдай фойдасиз иш.

Изоҳ: Аввал бир неча бор айтганимиздек, қарзга олган товус пати билан фахрланмаслик керак. Куч-қувватнинг ҳаммаси олий манбадан, Парвардигор Кришнадан чиқади, Унинг хоҳиши билан ҳаракат қилади, У истаган пайтда улар ўз фаолиятини тамомлайди. Электр қувватининг

хаммаси бизга электростанциядан келади, электростанция кувват беришдан тўхтаган захоти лампочкалар бефойда бўлиб қолади. Бу кувватларнинг хаммаси фақат Парвардигорнинг олий амри ва хошиши билан бир зумда пайдо бўлиши ёки Унга қайтиши мумкин. Худонинг хошиши бўлмаса бутун моддиқ тараққиёт - шунчаки болаларнинг эрмаги бўлиб қолади. Токи ота-онаси боласига ўйнашга рухсат бериб қўйган экан, хаммаси жойида, аммо ота-онаси истаган пайтда бир марта чақириши билан у ўйинни тарк этиши лозим бўлади. Демак, инсониятнинг бутун тараққиётини ва унинг бутун фаолиятини Парвардигорнинг олий амри билан боғлаш лозим. Парвардигорнинг ана шундай амру-иродасисиз инсоният тараққиёти худди мурдани безашдай бемаъни иш. Мазкур шеърда айтилганки, ўлик инсониятнинг тараққиёти ва унинг фаолияти худди кулга ёғ қуйиш, сеҳрли таёқча билан пул топиш ёки шўр ерга уруғ қадашдай фойдасиз иш.

Текст 23

Эй шох, сенинг саволингга жавобан Дваракадаги дўстларимиз ва қариндошларимиз ҳақида айтишим мумкинки, уларнинг хаммаси брахманлар қарғишига учрадилар, бунинг оқибатида, ачиган гуручдан қилинган вино ичиб маст бўлиб, бир бирларини танимай қўлларига калтак олиб ўзаро яккама-якка жангга кирдилар. Нажижада, тўрт ёки беш кишидан бошқа уларнинг хаммаси ҳалок бўлдилар.

Текст 24

Аслини олганда буларнинг хаммаси Худо Шахсининг, Парвардигорнинг олий амри билан рўй берди. Баъзан одамлар бир бирларини ўлдирадилар, баъзан эса - ҳимоя қиладилар.

Изоҳ: Антропологларнинг асдиклашига кўра табиатда ҳамиша қонун асосида ҳаёт учун кураш бўлиб туради ва шароитга энг мослашувчан турлар тирик қоладилар. Лекин олимлар бу қонун ортида Худонинг Олий Шахсининг олий иродаси турганини билмайдилар. "Бхагавад-гита"да айтилганки, табиатнинг ана шу қонуни Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қилади. Шунинг учун агар жамятда тинчлик, хотиржамлик бўлса, тушуниш лозимки, бу Парвардигорнинг иродаси билан бўлиб турибди. Агар қандайдир тартибсизликлар юзага келса ҳам, Парвардигорнинг истаги билан бўлади. Худо хоҳламаса ҳатто дарахтнинг япроғи ҳам кимираммайди. Шунинг учун одамлар Парвардигорнинг улар учун ўрнатиб қўйган қонун-қоидаларга риоя қилмай қўйганида улар орасида ёки давлатлар орасида урушлар бошланади. Демак, тинчликка олиб борувчи энг ишончли йўл - жамятдаги ҳамма ишларни

Парвардигор яратиб қўйган қонун-қоидалар асосида амалга оширишдан иборат. Парвардигор ўрнатиб қўйган қоида шундай: нима иш қилсак ҳам, нима есак ҳам, нима қурбон қилсак ҳам, нима эҳсон қилсак ҳам, фақат Худони мамнун қилиш ниятида қилиш лозим. Худонинг амрига қарши ҳеч иш қилмаслик, ҳеч нарса емаслик, бирор қурбон қилмаслик ёки эҳсон бермаслик керак. Сақланганни Худо сақлайди, шунинг учун биз биринчи навбатда Худони мамнун қиладиган ишларни, Худо хуш кўрмайдиган ишларни билиб олишимиз лозим. Шундай қилиб, қилаётган ишимизнинг ҳар бир ундан Парвардигор қанчалик мамнун бўлиши билан баҳоланади. Бу ерда шахсий манфаатга ҳеч қандай ўрин йўқ. Биз ҳамиша Парвардигорни мамнун қилишга интилишимиз лозим. Ана шундай амаллар *йогоҳ кармасу каушалам*, яъни Парвардигор билан боғлиқ ишлар деб аталади. Мукамал фаолият билан шуғулланиш санъати шундан иборат.

Текст 25-26

Эй шох, худди океанда каттароқ ва кучлироқ балиқлар кичик ва ожиз балиқларни ютиб юборгани сингари, Худонинг Олий Шахси, Парвардигор ҳам, Ер сайёрасининг оғирини енгил қилиш учун кучлироқ ва каттароқ Йадаваланни ожизроқ ва кичикроқ Йадаваланни ўлдиришга ундади.

Изоҳ: Моддий табиат бойликларига ҳукмронлик қилиш истаги сабабли моддий оламдаги шартланган руҳлар орасида ҳамиша адолатсизлик, тенгсизлик мавжуд бўлади, шу боис тирикчилик ҳамда мослашувчанроқ бўлган турларнинг тирик қолиш учун ўзаро кураш - бу оламнинг ҳаёт қонуни ҳисобланади. Ана шу моддий табиатга ҳукмронлик қилиш истаги - шартланган ҳаётнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. Худога тақлиб қилиб юрган ана шу зотларга тўла имконият яратиб бериш учун Парвардигорнинг алдамчи куввати ҳар бир тур ичида кучли ва ожизларини яратиб, шартланган тирик мавжудотлар орасида тенгсизликни юзага келтириб қўйибди. Моддий табиат ва борлиқ устидан ҳукмронлик қилишга интилиш табиий равишда тенгсизликни, ўзаро рақобатни, демак, тирикчилик учун кураш қонунини юзага келтирди. Руҳий оламда бундай тенгсизлик ҳам, тирикчилик учун кураш ҳам йўқ. У жойда тирикчилик учун кураш йўқ, чунки ҳамма Худога садоқат билан хизмат қилишга интилади, ҳеч ким Парвардигорга тақлид қилиб лаззатланишга интилмайди. Парвардигор - бутун борликни, шу жумладан тирик мавжудотларни ҳам яратган Зот бўлгани учун У - ҳақиқий лаззатланувчи ва бутун борликнинг эгаси, аммо моддий оламнинг майа(алданиш) жилвалари Парвардигор билан бўлган ана шу мангу муносабатларни унутишга мажбур қилади, нажижада тирик мавжудот тирикчилик учун ҳамда

мосланувчан зотларнинг тирик қолиши учун кураш қонуни ҳукми остига тушиб қолади.

Текст 27

Ҳозир мен учун Худо Шахси(Говинда)нинг берган насиҳатлари жуда муҳим бўлиб қолди, чунки Унинг насиҳатларида ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам ловуллаб ёниб турган юракни совитишга қодир бўлган маслаҳатлар жуда кўп.

Изоҳ: Мазкур шеърда Аржун Парвардигорнинг унга Курукшетра жанг майдонида берган насиҳатлари, яъни "Бхагавад-гита" ҳақида гапиряпти. Парвардигор Ўзидан кейин "Бхагавад-гита"нинг насиҳатларини фақат Аржуннинг бахт-саодати учун эмас, балки барча замон ва халқлар учун қолдириб кетган. Худонинг Олий Шахсининг Ўзи айтиб кетган "Бхагавад-гита" - бутун ведавий донишмандлик илмининг маъзи ҳисобланади. Упанишадалар, Пураналар ва "Веданта-сутра"дан таркиб топган бутун Ведалар илмини ўрганишга вақт тополмайдиган кишилар учун Парвардигорнинг Ўзи уни ажойиб равишда қисқача баён қилиб берган. "Бхагавад-гита" юксак ақл-заковатга эга бўлмаган кишилар, яъни аёллар, ишчилар ва браҳманларнинг номуносиб авлодлари, кшатрийлар ва вайшийаларга мўлжалланиб махсус равишда ёзилган буюк тарихий эпос - "Маҳобҳорат" таркибига киритилган. Курукшетра жанг майдонида Аржуннинг қалбида пайдо бўлган муаммолар "Бхагавад-гита"нинг насиҳатлари ёрдамида ҳал бўлган эди. Мана, бутун инсониятга ҳар қандай қийин вазиятга тушиб қолганда, шунчаки ақлда пайдо бўладиган ҳар хил қийинчиликларни бартараф қилиш учун эмас, балки қийин вазиятда инсонни боши берк кўчага киритиб қўядиган қийинчиликлардан чиқиб кетиш йўлини топиш учун ҳам "Бхагавад-гита"га мурожаат қилиш лозим эканини кўрсатиш учун, Парвардигор ер юзидаги одамлар кўзидан ғойиб бўлгандан кейин, ўзининг кучи ва юксак обрўси биратўла йўқолгандан кейин Аржун "Бхагавад-гита"нинг буюк насиҳатларини эслашни истаб қолди.

Бизга ҳатто Парвардигор одамлар кўзига кўринмайдиган пайтда ҳам Унинг насиҳатларини олиш имкониятини бериш учун меҳрибон Парвардигор "Бхагавад-гита"нинг буюк таълимотини қолдириб кетган. Моддий сезгиларимиз Парвардигорни кўришга қодир эмас, лекин Парвардигор Ўзининг англаб бўлмас кудрати ёрдамида, Парвардигорнинг қувватининг бир кўриниши бўлган моддадан фойдаланиб, шартланган руҳлар Уни ўзларининг моддий сезгилари ёрдамида қабул қиладиган кўринишда намоён бўла олади. Шундай қилиб, "Бхагавад-гита" ёки Парвардигорнинг ҳақиқий муқаддас китобларда намоён бўлган бошқа ҳар қандай товуш шаклидаги киёфаси ҳам Парвардигорнинг

Ўзи ҳисобланади. Парвардигорнинг товуш шаклидаги кўриниши билан Унинг Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Аржун Парвардигор Кришна билан бевосита мулоқотда бўлиб қандай бахт-саодатга эришган бўлса, "Бхагавад-гита"дан ҳам худди шундай бахт-саодатга эришиш мумкин.

Моддий оламда тирикчилик қилиш исканжасидан қутулишга интилиб юрган киши осонлик билан "Бхагавад-гита"дан фойдаланиши мумкин, ана шуни назарда тутган ҳолда Парвардигор Аржунни худди у шундай насиҳатларга муҳтождай қилиб кўрсатиб, унга шу насиҳатларни берган. "Бхагавад-гита"да ҳақиқий илмининг асосий таркибий қисмлари бўлган беш мавзу ҳақидаги илм баён этилган: 1) Парвардигор; 2) тирик мавжудот; 3) табиат; 4) замон ва макон; 5) фаолият жараёни. Улардан тирик мавжудот билан Парвардигор сфат жиҳатидан бир хил. Улар орасидаги фарқ бутун билан унинг таркибий қисми орасидаги фарқ сифатида таърифланади. Табиат - уч гунанинг ўзаро фаолиятини намоён этадиган ўлик материя, мангу замон ва чексиз макон эса, моддий табиат ташқарида мавжуд бўлган зотлар ҳисобланади. Тирик мавжудотнинг фаолияти унинг ҳар хил мойиллиги билан аниқланади ва у тирик мавжудотни ё моддий табиат боғлаб қўйиши, ё унинг чангалидан озодликка чиқариши мумкин. "Бхагавад-гита"да бу мавзулар қисқача баён этилган. Улар ҳақида "Шримад Бхагаватам"да батафсил баён этилган. Ана шу беш мавзудан Парвардигор, тирик мавжудот, табиат, замон ва макон мангу, аммо тирик мавжудот, табиат ва замон - мутлақ ва ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўла мустақил бўлган Парвардигорнинг назорати остида. Парвардигор Олий ҳукмдор ҳисобланади. Тирик мавжудотнинг моддий фаолиятининг бошланиши йўқ, аммо лекин унинг сифатини ўзгартириб, руҳий фаолиятга айлантириш мумкин. Шу тарзда бу фаолиятнинг моддий табиатга эга оқибатларини йўққа чиқариш мумкин. Парвардигорнинг ҳам, тирик мавжудотнинг ҳам онги бор, уларнинг ҳар иккисидан ҳам алоҳида мавжудлик ҳисси - ўзини ҳаёт кучи, тирик зот, жон деб ҳис қилиш туйғуси бор. Аммо, маҳат-таттва деб аталадиган моддий табиат шартлаб қўйган ҳолатда тирик мавжудот адашиб ўзини Парвардигордан ажралган, фарқ қиладиган деб билади. Бутун ведалар таълимоти ҳаёт ҳақидаги ана шу нотўғри тушунчани тўғрилашга ва тирик мавжудотни ўзини тана деб билиш иллатидан озодликка чиқаришга қаратилган. Илм ва таркидунёлик шарофати билан ана шу алданиш туйғуси тарқалиб кетганида, тирик мавжудотлар ўзларининг лаззатланиш ва қилган амалларига жавоб берадиган даражага кўтариладилар. Парвардигор ҳис қиладиган лаззатланиш туйғуси ҳақиқий, лекин тирик мавжудотда у шунчаки эришиб бўлмас орзуга ўхшайди. Онгдаги мана шу фарқ бу икки мавжудотни - Парвардигор ва

алоҳида тирик мавжудотни бир биридан ажратиб туради. Тирик мавжудот билан Парвардигор орасида бошқа фарқ йўқ. Демак, тирик мавжудот бир вақтнинг ўзида ҳаммиша Парвардигор билан бир хил ва Ундан фарқ қилади. "Бхагавад-гита"нинг бутун таълимоти ана шу қоидага асосланган.

"Бхагавад-гита"да Парвардигор ва тирик мавжудотлар санатана(мангу) деб таърифланган, моддий оламдан ташқарида жойлашган Худонинг даргоҳи ҳам санатана деб аталган. Тирик мавжудот учун Худонинг санатана даргоҳига йўл очик, уни руҳнинг эркин фаолияти намоён бўладиган Худонинг даргоҳига олиб борадиган усул санатана-дхарма деб аталади. Лекин, ҳаёт ҳақидаги ўзини тана деб билишдай нотўғри тасаввурдан покланмай туриб, Парвардигорнинг мангу даргоҳига эришиб бўлмайди, "Бхагавад-гита" руҳий баркамолликнинг ана шу поғонасига эришиш калитини беради. Ҳаёт ҳақидаги нотўғри моддий тасаввурдан халос бўлиш жараёни ҳар хил босқичларда турлича аталади: кармали фаолият, эмпирик фалсафий изланишлар ва Худога садоқат билан хизмат қилиш, то руҳий ўзлигини англаб етишгача. Руҳий ўзликни англашнинг ана шундай илоҳий поғонасига агар юқоридаги фаолиятларнинг ҳаммасини Парвардигор билан боғлиқ равишда амалга оширилсагина кўтарилиш мумкин. Ведаларда белгиланган бурчни бажариш билан шартланган руҳ аста-секин гуноҳкор ақлини поклаши ва илм даражасига кўтарилиши мумкин. Илмга эга бўлишнинг ана шу поч поғонаси Худога садоқат билан хизмат қилиш учун асос бўлади. Агар инсон ҳаёт муаммоларига ечим излаб юрган бўлса, унинг илми джнана, яъни покланган илм деб аталади. Ана шу муаммоларнинг ҳақиқий ечимини топгандан кейин у Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига эришади. "Бхагавад-гита"нинг аввал бошидан руҳнинг моддий унсурлардан фарқ қилишини таърифлаб, ҳаёт муаммоларига мурожаат қилади, ишончли ва асосли равишда ҳар қандай вазиятда ҳам руҳ ўзгармай қолаверишни исботлаб беради. Руҳнинг ташки қобиклари - ақл ва тана эса, мусибатларга тўла моддий тирикликнинг янги цикли(тури)нинг бошидан ўзгариб бошлайди. Демак, "Бхагавад-гита" барча мусибатларни бартараф қилиш учун нозил бўлган, шу боис Аржун унга Курукшетрадаги жанг пайтида берилган ана шу буюк илмдан паноҳ топди.

Текст 28

Сута Госвами шундай деди: Шундай қилиб, Парвардигор билан яқин дўстлик муносабатида бўлган туфайли Парвардигорнинг берган насихатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб, Унинг нилуфар қадамлари пойи ҳақида ўйлар экан, Аржуннинг ақли барча дунёвий

иллатлардан покланиб бутунлай покланиб хотиржам ҳолатга эришди.

Изоҳ: Парвардигор мутлақ Зот бўлгани учун Унга чуқур муруқаба қилиш - йогада транс(жазавали лаззат) ҳолатига кириш билан бир хил бўлади. Парвардигор Ўзининг номидан, қиёфасидан, сифатларидан, эрмакларидан, атрофидагилардан ва алоҳида амалларидан фарқ қилмайди. Аржун Парвардигорнинг унга Курукшетра жанг майдонида берган насихатлари ҳақида ўйлай бошлади. Фақат ана шу насихатлар Аржуннинг ақлидан моддий иллатлар изини ўчириб ташлай бошлади. Парвардигор худди қуёшга ўхшайди: худди қуёшнинг пайдо бўлиши бир зумда зулматнинг, яъни ғофиллик, жаҳолатнинг ғойиб бўлишини англагани сингари, содиқнинг ақлида Парвардигорнинг пайдо бўлиши ҳам уни мусибат келтираётган моддий таъсирдан халос этади. Шунинг учун ўзларини моддий оламнинг салбий таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш учун Парвардигор Чаитанья одамларга ҳаммиша Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юришни тавсия қилган. Албатта, Парвардигор билан айрилиқ, ҳижрон азоби содиқ хизматкор учун жуда оғир, лекин, у Парвардигор ғибилан боғланган бўлгани учун унинг қалбига хотиржамлик келтирадиган алоҳида илоҳий таъсир кучига эга. Ана шу ҳижрон туйғуси ҳам илоҳий лаззат манбаи, унинг моддий оламдаги бузилган кўринишдаги ҳижрон туйғусига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Текст 29

Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳаммиша эслаб юриш дарров унинг садоқатини мустаҳкамлади, натижада унинг фикр-мулоҳазаларидан барча моддий иллатлар ғойиб бўлди.

Изоҳ: Ақлда пайдо бўладиган дунёвий истаклар - моддий булғаниш сабабли юзага келадиган иллатлардир. Булғанган тирик мавжудот ҳаётда керак ва кераксиз бўлган, ўзининг руҳ эканини англаш туйғусининг юзага келишига тўсқинлик жуда кўп нарсаларга дуч келади. Шартланган руҳ умрлар оша кўплаб ёқимли ва ёқимсиз бўлган алдамчи ва ўткинчи нарсаларнинг алдовига учиб келяпти. Улар бизларнинг ақлимизда пайдо бўладиган истакларга берган эътибор ва жавоб беришимиз сабабли хотирамизда тўпланиб келяпти, лекин биз Парвардигорнинг турли қувватлари орқали Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида илоҳий Парвардигор билан алоқа ўрнатганимизда барча моддий истаклар кўз олдимизда ўзининг асл ҳолатида - кўримсиз, жирканч, аримас ҳолатида намоён бўлади, шунда тирик мавжудотнинг тафаккури ўзининг табиий ҳолатига қайтиб хотиржам бўлади. Аржун Парвардигорнинг "Бхагавад-гита"да баён этилган

насихатларига мурожаат қилган заҳоти ўзининг Парвардигор билан мангу мулоқотда бўлган табиий ҳолати намоён бўлди, шунинг учун у ўзини ҳар қандай моддий иллатлардан озод, эркин ҳис қила бошлади.

Текст 30

Парвардигорнинг эрмак ва ўйинлари ҳамда Унинг шахсан иштирок этмаётгани сабабли Аржун гўё Худо Шахсининг берган насихатларини эсдан чиқаргандай эди. Лекин аслида бундай эмасди, шу боис у яна ўзининг ҳиссиётини жиловлаб олди.

Изоҳ: Мангу замоннинг кучи шартланган руҳни кармали фаолиятга фарқ қилади. Аммо Парвардигор Ер юзида пайдо бўлиб, каланинг, яъни дунёвий ўтмиш, ҳозир ва келажак тушунчалари таъсирига берилиб кетмайди. Парвардигорнинг барча ҳаракатлари мангу ва Унинг атма-майя, яъни ички қувватининг намоён бўлиши ҳисобланади. Парвардигорнинг барча эрмак ва амаллари руҳий табиатга эга, аммо ғофил одамлар учун улар худди моддий фаолиятга ўхшаб кўринади. Гўё Парвардигор билан Аржун ҳам, худди уларнинг ракиблари сингари Курукшетрадаги жангда иштирок этгандай бўлиб кўринади, лекин аслида Парвардигор Ўзининг Ер юзида пайдо бўлишдан олдига қўйган мақсадини амалга ошираётган, айни пайтда Ўзининг мангу дўсти Аржун билан суҳбатлашаётган эди. Шунинг учун, Аржуннинг бир қараганда дунёвий ишлардай бўлиб кўринган амаллари уни ўзининг илоҳий ҳолатидан маҳрум қилмаган, аксинча, унинг онгида Парвардигорнинг Ўзи қуйлаган мангу қўшиқ онгини қайта тиклаган эди. Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад-гита"да ишонтириб шундай дейди(18.65):

*ман-мана бхава мад-бхакто мад-йаджй мам
намаскуру*

мам эваиййаси сатйам те пратиджане прийо "си ме
Ҳамиша Парвардигор ҳақида ўйлаб юриш керак; ақл ҳеч қачон Уни эсдан чиқармаслиги лозим. Парвардигорнинг содиқ хизматкори бўлиш ва Унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш керак. Ҳаётда ана шундай яшаб юрган киши албатта Парвардигорнинг нилуфар кадамлари пойидан паноҳ топиб, Унинг марҳаматига эришади. Мана шу мангу ҳақиқатга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Аржун Ўзининг яқин дўсти бўлгани учун Парвардигор унга мана шу энг махфий сирни ошкор этган эди.

Аржун ўзининг қариндошларига қарши жанг қилишни истамаган эди, аммо У Парвардигорнинг вазифасини амалга ошириш учун жанг қилди. У ҳамиша Парвардигорнинг вазифасини бажариш билан машғул эди, шу боис Парвардигор кетгандан кейин ҳам, гарчи "Бхагавад-гита"нинг барча насихатларини эсдан чиқаргандай бшўлиб кўринса ҳам, у ўзининг ана шу ҳолатида қолганди. Шунинг учун биз ўзимизнинг бутун

фаолиятимизни Худога хизмат қилишга қаратишимиз лозим, шу тариқа инсон албатта ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб боради. Инсон ҳаётининг энг комил ҳолати, руҳий баркамолликнинг олий поғонаси шундан иборат.

Текст 31

Ўзида мавжуд бўлган руҳий бойлиги шарофати билан бу дунёнинг зиддиятлари(нисбийлиги)га хос бўлган барча шубҳаю-гумонлар унинг учун мутлақо бегона бўлиб қолди. Шу тарзда у моддий табиатнинг уч гунаси таъсирдан озод бўлди ва илоҳий поғонада мустаҳкам жойлашиб олди. Туғилиш ва ўлишлар чангали энди унинг учун кўрқинчли эмасди, чунки у моддий киёфадан озодликка чиққан эди.

Изоҳ: Нисбий(зиддиятли) моддий оламга хос бўлган шубҳаю-гумонлар калтафаҳм одамлар ўзларини қиёслаб юрадиган моддий тана ҳақидаги нотўғри тасаввур сабабли юзга келади. Ғофиллигимиз сабабли танамиз билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини бизлар ўзимизники деб ҳисоблаймиз. "Мен" ва "меники" деган нотўғри тушунча сабабли юзга келадиган нотўғри гумонлар: "менинг танам", "менинг қариндошларим", "менинг мулким", "менинг хотиним", "менинг фарзандларим", "менинг бойлигим", "менинг ватаним", "менинг жамоам" ва бунга ўхшаган юзлаб ва минглаб сохта тасаввурлар шартланган руҳнинг аклини адаштириб қўяди. Лекин, агар инсон "Бхагавад-гита" таълимотини ўзлаштириб олса, унинг бу боши берк кўчадан албатта чиқиб кетишига шубҳа қолмайди, чунки ҳақиқий илм - инсоннинг "аслида ҳамма нарса, шу жумладан унинг ўзи ҳам - Худонинг Олий Шахси, Васудева, Парвардигор Кришна" эканини англаб етишидир. Бизни ўраб турган ҳамма нарса Парвардигорнинг қувватининг таркибий қисмларининг намоён бўлишидир. Қувват ва қувватнинг манбаи бир биридан фарқ қилмайди, шунинг учун инсон мукамал илмга эга бўлган заҳоти нисбийлик тушунчасининг унга бўлган таъсири сусайиб кетади. Аржун "Бхагавад-гита" насихатини тинглаган заҳоти катта тажрибага эга бўлган ҳолда шу заҳотиёқ ўзининг мангу дўсти, Парвардигор Кришна ҳақидаги моддий тасаввурлардан халос бўлди. У Парвардигор худди аввалгидай Ўзининг насихатлари, киёфалари, эрмаклари, сифатлари ва Ўзи билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса орқали у билан бирга эканини тушуна олди. У ўзининг дўсти, Парвардигор Кришна худди аввалгидай ўзининг ёнида эканини, У Ўзидан фарқ қилмайдиган қувватларида мавжуд бўлиб илоҳий равишда иштирок этаётганини, Парвардигор билан бевосита суҳбатлашиш учун у замон ва макон таъсири остида яна бир бор танасини алмашлаб юришининг ҳожати йўқ эканини англаб етди. Мутлақ илмга эга бўлган киши ҳатто

Ўзининг ҳозирги ҳаётида ҳам Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаш, Унинг шон-шуҳратини куйлаш, У ҳақида ўйлаш ва Унга сажда қилиш орқали ҳамини Парвардигор билан суҳбатлашиб юра олади. Ҳатто ҳозирги ҳаётда ҳам Уни кўриш ва Унинг шу ерда иштирок этаётганини ҳис қилиш мумкин, бунинг учун Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан бошланадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Парвардигорнинг адвайа-джнана, яъни Мутлақ Парвардигор эканини тушуниб етишнинг ўзи кифоя. Парвардигор Чаитанья айтадики, Парвардигорнинг муқаддас номини зикр қилишнинг ўзи кифоя, шунда пок онг ойнасидан барча моддий иллатлар ювилиб кетади. Бу иш амалга ошган заҳотиёқ инсон барча моддий шартланганликлардан озодликка чиқади. Моддий шароитлардан озодликка чиқиш - руҳни озодликка чиқариш демакдир. Демак, инсон мутлақ илмга эга бўлган заҳоти унинг ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлари ғойиб бўлади, яъни у ҳаёт ҳақидаги нотўғри тушунча асирлигидан озодликка чиқади. Шундай қилиб, руҳий ўзликни англаш жараёнида пок руҳнинг мангу ҳолати қайта тикланади. Тирик мавжудот моддий табиат уч гунаси - эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунасининг таъсиридан халос бўлгандан кейин ўзининг руҳ эканини англаб етиб, буни амалда ҳис қилиш имкониятига эга бўлади. Парвардигорнинг марҳамати билан Унинг асл содиқ хизматкори бир зумда Мутлақ поғонага кўтарилади ва унга яна шартланган моддий ҳаётга араллашиб қолиш хавфи таҳдид сололмайди. Токи инсон муқаддас китобларда кўрсатилган Худога садоқат билан хизмат қилиш йўли орқали бунинг учун зарур бўлган илоҳий нуқтаи-назарга эга бўлмас экан, у ҳар қандай вазиятда ҳам Парвардигор ўзининг ёнида иштирок этаётганини ҳис қилиш қобилиятига эга бўлолмайди. Аржун бундай поғонага Курукшетрадаги жанг бошланишидан анча авал эришган эди, унга Парвардигор ёнида иштирок этаётганини ҳис қилмай кўйгандай туюлаётган заҳоти у "Бхагавад-гита"нинг насиҳатларига мурожаат қилди ва шу тарзда ўзининг азалий ҳолатини қайта тиклаб олди. Ана шу ҳолат вишока, яъни "барча ташвиш ва мусибатлардан озод бўлиш" деб аталади.

Текст 32

Парвардигор Кришна Ўзининг даргоҳига қайтиб кетганини эшитиб, Йадавалар сулоласининг Ер юзида намоён бўлиши ниҳоясига етганини англаб, Махараж Йудхистхира ўзининг мангу уйига Худонинг даргоҳига қайтишга қарор қилди.

Изоҳ: Парвардигор Ер юзидаги одамлар кўзидан ғойиб бўлгани ҳақидаги хабарни эшитиб, Махараж Йудхистхира ҳам ўзининг диққат-этиборини "Бхагавад-гита"нинг насиҳатларида жамлади. У Парвардигорнинг бу дунёга келиши ва кетиши

ҳақида фикр юрита бошлади. Парвардигорнинг бу ўткинчи оламда пайдо бўлиши ва кетиши бутунлай Унинг олий иродасига боғлиқ. Моддий табиат қонунларининг ҳукмига бўйсуниб бу дунёга келиб кетадиган тирик мавжудотлардан фаркли равишда бирор олий қувват Парвардигорни бу дунёга келишга ва кетишга мажбур қила олмайди. Парвардигор истаган пайтда истаган жойида, истаган тарафдан пайдо бўла олади, Унинг маълум бир жойда ана шундай пайдо бўлиши Унинг бошқа жойларда ҳам пайдо бўлиши ёки ғойиб бўлишига халақит бермайди. У худди қуёшга ўхшайди. Қуёш истаган жойда ўзидан ўзи пайдо бўлади, бу унинг бошқа жойларда ҳам мавжуд бўлишига халақит беролмайди. Эрталаб қуёш Ҳиндистонда пайдо бўлади, лекин бунда у ғарбий ярим шардан бутунлай йўқолиб кетмайди. Қуёш коинотдаги сайёралар тизимининг ҳамма жойида мавжуд, лекин у гўё маълум вақтда эрталаб бир жойда пайдо бўлиб, кечқурун ғойиб бўладигандай туюлади. Замон, қуёшни яратган ва унинг ҳукмдори бўлган Парвардигор нари турсин, ҳатто қуёшнинг ҳаракатини ҳам чеклаб қўя олмайди. Шунинг учун "Бхагавад-гита"да айтилганки, Парвардигорнинг Ўзининг англаб бўлмас қуввати ёрдамида бу дунёда пайдо бўлиши ва ғойиб бўлишининг илоҳий табиатини англаб етган киши туғилиш ва ўлишлар қонуни ҳукмига бўйсунмайди, у Ваикунтха сайёралари жойлашган мангу руҳий осмонга кўтарилади. Шу жойда ана шу озод руҳлар туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлиш сабабли юзага келадиган мусибатлардан мутлақо озод бўлган ҳолда мангу яшайдилар. Руҳий оламда Парвардигор ҳам, Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга ғарқ бўлган кишилар ҳам мангу ёш руҳий таналарда яшайдилар, чунки у жойда касаллик, кексалик ва ўлим мавжуд эмас. Ўлим бўлмагани учун туғилиш ҳам йўқ. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, мангу ҳаётнинг мукамал поғонасига кўтарилиш учун Парвардигорнинг бу дунёга келиши ва кетишининг илоҳий табиатини тўғри тушуниб етишнинг ўзи кифоя. Шунинг учун Махараж Йудхистхира ҳам Худонинг даргоҳига қайтиш ҳақида ўйлай бошлади. Парвардигор Ер ёки бошқа ҳар қандай ўткинчи сайёрага у билан бирга мангу яшайдиган Ўзининг мангу ҳамроҳлари билан бирга келади, Махараж Йудхистхира ва унинг укалари ва онаси сингари, Парвардигорнинг эрмаклариди ёрдам берган Йадавалар сулоласининг аъзолари ҳам Унинг мангу ҳамроҳлари эдилар. Парвардигорнинг ва Унинг мангу ҳамроҳларининг бу дунёга келиши ва кетиши илоҳий табиатга эга бўлгани учун уларнинг келиб-кегишларининг ташқи кўринишига алданиб қолмаслик керак.

Текст 33

Аржунинг Йадавалар сулоласининг ҳамда Парвардигор Кришнанинг бу дунёни тарк этгани ҳақидаги гапларини тасодифан эшитиб қолган Кунти ўзининг бутун диққат-эътиборини жамлаб Худонинг илоҳий Шахсига садоқат билан хизмат қилишга ғарқ бўлди ва шу тарзда моддий оламдаги тирикчиликдан озодликка чиқди.

Изоҳ: Ботган куёш йўқолиб кетмайди. Куёшнинг ботиши шунчаки у бизнинг кўзимизга кўринмай қолганини билдиради. Худди шундай Парвардигор маълум бир сайёрада ёки коинотда Ўзининг вазифаларини тугатиши фақат шуни билдирадики, У шунчаки бизларнинг кўзимиздан ғойиб бўлди. Йадақалар сулоласининг бу дунёни тарк этиши ҳам уларнинг ҳалок бўлганини билдирмайди. Улар ҳам Парвардигор билан бирга бизларнинг кўзимиздан ғойиб бўлади. Махараж Йудхистхира сингари Кунти ҳам Худонинг даргоҳига қайтишга қарор қилди, шунинг учун у ҳозирги танасини тарк этгандан кейин инсоннинг Худонинг даргоҳига қайтиб боришига имкон берадиган Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш жараёнига бутунлай ғарқ бўлди. Худога садоқат билан хизмат қилишни бошлаш - ҳозирги танани руҳий даражага кўтаришга киришиш демакдир. Шундай қилиб, Худонинг асл содиқ хизматкори ҳозирги танасининг ўзидаёқ модда билан бўладиган барча алоқаларини уза бошлайди. Парвардигорнинг даргоҳи - ғофил ва имонсиз одамлар ўйлаганидек шунчаки афсона эмас, лекин у даргоҳга ер йўлдоши ёки космик кема сингари қандайдир моддий воситалар ёрдамида эришиб бўлмайди. Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, инсон ҳозирги танасини тарк этгандан кейин шу даргоҳга эриша олади, шу боис у Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида Худонинг даргоҳига қайтишга ҳозирлик кўриб юриши лозим. Бу унинг албатта Худонинг даргоҳига қайтиб боришига қафолат беради, Кунти ҳам Худонинг даргоҳига эришиш учун ана шу усулдан фойдаланди.

Текст 34

Туғилмаган Олий Зот, Шри Кришна Йадавалар сулоласининг аъзоларини ўз таналарини тарк этишга мажбур қилиш билан оламнинг оғирини енгил қилди. Бу худди бир тиконни иккинчи тикон билан чиқариб олиш сингари бўлиб, бу ишни амалга ошириб турган киши учун икки тикон ҳам бир.

Изоҳ: Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур тахмин қиладики, Шаунака ва Наимишаранья ўрмонида Сута Госвамидан "Шримад Бхагаватам"ни тинглаган бошқалар сингари ришилар Йадаваларнинг мастликдан ақлини йўқотганлари сабабли ҳалокатга учраганини эшитиб хафа бўлдилар. Уларни ана шундай

кечинмалардан ҳалос этиш учун Сута Госвами уларни ишонтириб айтдики, Йадавалар сулоласининг аъзоларини таналарини тарк этишга ва шу билан оламнинг оғирлигини енгиллатишга Парвардигорнинг Ўзи ундаган. Парвардигор ва Унинг мангу ҳамроҳлари Ер юзига уни бошқариб турган фаришталарга оламнинг мушкулани осон қилишда ёрдам бериш учун келганлар. Шунинг учун У Ўзига яқин фаришталарнинг баъзиларига Йадавалар хонадонида дунёга келишни ва Унинг буюк мақсадини амалга ошириш йўлида хизмат қилишни буюрган. Парвардигорнинг мақсади амалга ошгандан кейин Худонинг амри билан фаришталар мастликдан ақлдан озиб бир бирларини қалтаклаб ўзларининг моддий таналарини тарк этдилар. Фаришталар жаннатда сома-раса шарбатини ичишга одатланиб қолганлар, шунинг учун улар вино нима ва мастлик нима эканини яхши билдилар. Баъзан улар маст қилувчи нарсаларга боғланиб қолгани туфайли мушкул аҳволга тушиб қоладилар. Бир куни Куверанинг фарзандлари маст бўлиб юрганида улардан Нарада Муни қаттиқ ғазабланиб дуои-бад қилган, лекин кейинчалик Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан улар ўзларининг аввалги ҳолатига қайтганлар. Бу воқеа тафсилоти Ўнинчи кўшиқда келтирилган. Парвардигор асурларга ҳам, фаришталарга ҳам бир хил назар билан қарайди, аммо фаришталар Парвардигорга итоат қиладилар, асурлар эса бўйсунмайдилар. Шунинг учун бу ерда бир тиконни иккинчи тикон билан чиқариб олиш жуда ўринли мисол келтирилган. Парвардигорнинг оёғига кирган бир тикон албатта, Унга озор беради, ана шу озор бериб турган тиконни чиқаришда ишлатиладиган иккинчи тикон эса, албатта, Парвардигорга хизмат қилади. Шундай қилиб, ҳар бир тирик мавжудот Парвардигорнинг таркибий заррачаси бўлса ҳам, худди оёққа кирган тикондай Парвардигорга озор берадиган тирик мавжудот асур деб аталади, ўз ихтиёри билан Худога хизмат қиладиган зотлар эса - девата, яъни фаришта деб аталади. Моддий оламда девата ва асурлар ҳаминиша бир бирига душманлик қилиб юрадилар, Парвардигор эса ҳаминиша деваталарни асурларнинг қўлидан қутқариб юради. Лекин, барибир, улар ҳам, булар ҳам Парвардигорнинг ҳукми остида ҳаракат қиладилар. Бу олам икки тоифа тирик мавжудотларга тўла, Парвардигорнинг вазифаси - ҳаминиша, қачон бунга зарурат пайдо бўлса, ҳар икки тоифанинг бахт-саодати учун деваталарни ҳимоя қилиш ҳамда асурларни яқсон қилишдан иборат.

Текст 35

Парвардигор Ернинг мушкулани осон қилиш ниятида Ўзи намоеън қилган танани тарк этди. У бир танани тарк этади ва бошқа таналарни қабул қилади, масалан, балиқ қиёфасидаги танаси ва ҳоказо.

Изоҳ: Худо Шахси, Парвардигор шахсиятсиз ҳамда қиёфа(тана)сиз эмас, лекин Унинг танаси Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, шунинг учун Уни мангулик, илм ва лаззат мужассам бўлган Зот деб атайдилар. "Брихад-ваишнава-тантра"да аниқ айтилганки, Парвардигор Кришнанинг танаси моддий кувватдан таркиб топган деб ҳисоблайдиган ҳар қандай кишини шу заҳотиёқ қандай йўл билан бўлса ҳам инсонлар жамиятидан ҳайдаб чиқариш лозим. Агар инсон тасодифан ана шундай имонсиз иблиснинг юзига қараб қўйса, у шу заҳотиёқ кийимларини ҳам ечмасдан дарёда чўмилиб покланиши лозим. Моддий танаси бўлмагани сабабли Парвардигорни амрита(ўлмас, мангу барҳаёт) деб атайдилар. Шу боис Парвардигорнинг "ҳалок бўлиши", яъни танасини тарк этиши худди сеҳргарнинг кўрсатган мўъжизасига ўхшайди. Сеҳргар одамларга худди уни бўлақларга бўлиб ташлагандай, ёкиб кул қилиб юборгандай қилиб кўрсатади ёки гипноз ёрдамида ҳушидан кетишга мажбур қилади, аммо буларнинг ҳаммаси алдаш, сароб. Аслида бу мўъжизаларни кўрсатаётганда уни ёқмайдилар, бўлақларга бўлмайдилар, у ўлмайди ёки ҳушидан кетиб қолмайди. Худди шундай Парвардигор ҳам ҳар хил мангу қиёфаларга эга, шулардан биттаси - мана шу коинотда намоён бўлган балиқ қиёфаси. Коинотлар сон-саноксиз бўлгани учун Парвардигорнинг Балиқ қиёфасидаги инкарнацияси албатта уларнинг бирортасида Ўзининг мангу эрмакларини намоён этаётган бўлади. Мазкур шеърда дхитва("вақтинча қабул қилинадиган") ибораси эмас, балки алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган дхатте("мангу қабул қилинадиган") - ибораси ишлатилган. Бунинг маъноси шундаки, Парвардигор балиқ қиёфасидаги аватарани яратмайди - Унинг бу қиёфаси мангу, унинг келиши ва кетишининг аниқ мақсади бор. "Бхагавад-гита"(7.24-25)да Парвардигор шундай дейди: "Имперсоналистлар Мени қиёфаси йўқ, шакл-шамойилсиз Зот, ҳозир маълум бир мақсадда қиёфага кирган ва ҳозир намоён бўлган деб ҳисоблайдилар. Лекин, аслида ана шундай сафсатабоз файласуфлар етарли ақл-фаросатга эга эмас. Гарчи улар ведавий муқаддас китобларни яхши биладиган олим бўлсалар ҳам, улар Менинг англаб бўлмас кувватларим ва мангу қиёфаларим ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Бунга сабаб шуки, Мен Ўзимни сеҳрли парда билан тўсиб, имонсизлар олдида Ўзимни намоён этмайман. Шу боис фаросатсиз нодонлар Менинг ўзгармас ва туғилмаган мангу қиёфамни билмайдилар". "Падма пурана"да айтилганки, ҳасадгўй ва ҳамиша Парвардигордан ғазабланиб юрадиган кишилар Унинг ҳақиқий ва мангу қиёфасини англаб етишга муносиб эмаслар. "Шримад Бхагаватам"да ҳам айтилганки, полвонларга Парвардигор худди яшинга ўхшаб кўринди. Парвардигор Шишупалани ўлдирганида

у брахмажйотидан кўзи қамашиб, Парвардигорни Кришна сифатида кўролмай қолди. Демак, Парвардигорнинг Камса чақирган полвонлар олдида яшин кўринишида ёки Шишупала олдида брахмажйоти кўринишида пайдо бўлган вақтинчалик қиёфалари ғойиб бўлди, лекин худди сеҳргар сингари У мангу мавжуд ва ҳеч қачон ҳалок бўлмайди. Бундай қиёфалар фақат асурларга вақтинча кўринадилар, худди калтафаҳм томошабинлар саҳнадаги сеҳргар ёниб кул бўлди ёки бўлақларга бўлиниб кетди, деб ўйлагани сингари, ана шу қиёфалар ғойиб бўлганида, асурлар энди Парвардигор йўқ деб ўйлайдилар. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Парвардигорнинг моддий танаси йўқ, шунинг учун Уни ўлдиришнинг ёки Ўзининг илоҳий танасини алмаштиришга мажбур қилишнинг иложи йўқ.

Текст 36

Шу пайтгача ўзини қисман намоён этиб келган Кали, Худо Шахси, Парвардигор Кришна Ўзининг қиёфасида қолган ҳолда Ер сайёрасини тарк этиб кетган кундан бошлаб, илмсиз одамлар учун қийин шароит яратиш учун ўзини тўла намоён эта бошлади.

Изоҳ: Фақат қалбида Худо онгини тўлик ривожлантирмаган кишилар Кали даври таъсирига берилдилар. Агар инсон ўзини бугунлай Худо Шахсига топширса, Калининг таъсирини умуман сезмаслик мумкин. Кали-юга даври Курукшетрада уруш тамом бўлгандан кейин бошланганди, лекин Парвардигорнинг Ўзи иштирок этиб юргани учун у ўз таъсирини тўла ўтказа олмай юрганди. Лекин Парвардигор Ўзининг илоҳий танасида Ер сайёрасини тарк этди, шунда, У кетган заҳоти Кали-юга аломатлари намоён бўла бошлади. Аржуннинг Дваракадан қайтиб келиши олдида Махараж Йудхистхира шу аломатларни сезган эди ва Парвардигор бу сайёрани тарк этди деб тахмин қилганида у ҳақ эди. Аввал тушунтирганимиздек, Парвардигор ҳам худди ботгандан кейин кўзга кўринмай қоладиган қуёш сингари кўзимиздан ғойиб бўлади.

Текст 37

Махараж Йудхистхира пойтахтларда, давлатларда, хонадонларда ва айрим одамлар орасида очкўзлик, ёлгон, қаллоблик ва зўравонлик кенг тарқаладиган Кали йуганинг одамларга қандай таъсир кўрсатишини тушуниб етишга қодир бўлган даражада зийрак зот эди. Шунинг учун у онгли равишда уйини тарк этишга ҳозирланди ва шунга мос равишда қийиниб олди.

Изоҳ: Ҳозирги давр Кали-йугага хос бўлган сифатлар таъсири остида ўтяпти. Кали йуганинг таъсири тахминан беш минг йил аввал,

Курукшетрада бўлиб ўтган урушдан кейин намоён бўлиб тарқала бошлади. Ишончли муқаддас китоблардан биз биламизки, Кали-йуга даври яна 427000 йил давом этади. Кали-йуганинг юқорида кўрсатилган аломатлари - очкўзлик, ёлғон, маккорлик, иккиюзламачилик, зўравонлик ва бошқа салбий хислатларни ҳамма жойда учратиш мумкин, Кали йуганинг таъсири қиёмат кунигача кучайиб борганида инсонлар жамиятидаги аҳвол қанчалик даҳшатли бўлишини ҳатто тасаввур қилиш қийин. Биз биламизки, Кали-йуганинг салбий асоратлари фақат ҳозирги ўзларини "маданиятли" деб ҳисоблаб юрган имонсиз худобехабар одамларгагина таъсир қилади. Чуқур имон билан Худого хизмат қилиб, Парвардигорнинг паноҳи остида юрган кишилар бу даҳшатли йуга таъсиридан қўрқмасалар ҳам бўлади. Махараж Йудхитхира Парвардигорнинг буюк содиғи эди, шу боис у Кали йуга таъсиридан қўрқмасди, лекин у оилавий кишининг фаол моддий фаолиятдан четлашиб, ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга тайёрланишни маъқул кўрди. Пандузодалар - Парвардигорнинг мангу ҳамроҳлари, шу боис Парвардигор билан бирга бўлиш улар учун бошқа ҳар қандай нарсадан қадрлироқ. Бундан ташқари, Махараж Йудхитхира намунали шоҳ бўлгани боис у бошқаларга ўрнак кўрсатиш учун салтанат ишларидан узоқлашмоқчи эди. Оқил киши руҳий ўзликни англаб етиш поғонасига кўтарилиш учун, хонадонидagi ёш авлодлардан бирортаси оилавий ишларни бошқаришга қодир бўлган заҳоти оила ташвишларидан четлашиши лозим. Инсон то Азроилнинг ҳукми билан уни олиб кетмагунча ғофиллиги сабабли ўзи тушиб қолган оилавий ҳаётнинг қоронғу қудуғида сасиб-чириб ётавермаслиги керак. Ҳозирги сиёсат арбоблари Махараж Йудхитхиранинг онгли равишда фаол моддий фаолиятни тарк этишидан ўзларига хулоса чиқарсалар ва ундан ўрнак олиб ўринларини муносиб ёш авлодга бўшатиб берсалар ўзларига ҳам яхши бўларди. Оилавий ташвишларни тарк этган кексалар ҳам Махараж Йудхитхиранинг қилган амалларидан ўрнак олиб, уларни зўрлик билан уйларида олиб чиқиб ажалга қарши оборишларини кутиб ўтирмасдан ўзлари онгли равишда руҳий ўзлигини англаш мақсадида уйлари тарк этишлари лозим.

Текст 38

Кейин у пойтахт Хастинапурда етарлича таълим-тарбия олган, император ва денгизлар билан ўралган бутун Ер юзининг ҳукмдори сифатида ҳар жиҳатдан ўзига тенг бўлган неварасини тахтга ўтказди.

Изоҳ: Ўша даврда денгизлар билан ўралган бутун ер шари Хастинапур ҳукми остида эди. Махараж Йудхитхира ўзининг барча зарур сифатларга эга бўлган невараси Махараж Парикшитга шоҳ

сифатида фуқаролар олдидаги ўз бурчини ҳалол бажариб, салтанатни қандай бошқариш лозимлигини ўргатди. Шундай қилиб, Махараж Йудхитхира Худонинг даргоҳига қайтиб кетишидан олдин унинг ўрнига Махараж Парикшит салтанат тахтига ўтирган эди. Махараж Парикшитнинг сифатлари ва хулқ-атворини таърифлашда *винайинам* ибораси муҳим аҳамиятга эга. Нима сабабдан Хастинапур шоҳини Махараж Парикшит тахтга ўтиргунча бутун олам императори деб ҳисоблаганлар? Бунинг ягона сабаби шундаки, император салтанатни яхши бошқараётгани туфайли Ер юзидаги одамлар бу дунёда бахтиёр яшардилар. Одамларнинг бахти табиат инъомларининг мўл-кўллиги билан белгиланади: ғалла, мевалар, сут, доривор гиёҳлар, қимматбаҳо тошлар, минераллар - яъни инсонларнинг фаровон ҳаёти учун зарур бўлган ҳамма нарсалар. Улар ҳатто тана ва ақл келтирадиган ташвишлардан ҳам, табиий офатлар ва бошқа тирик мавжудотлар келтирадиган ташвишлардан ҳам холи эдилар. Ҳар бир исон ҳаётда бахтиёр яшагани учун уруш-жанжал ҳам йўқ эди, лекин шоҳлар орасида ўзаро сиёсий манфаатлар ва устиворлик учун кураш сабабли урушлар бўлиб турарди. Жамиятда ҳар бир инсонни ҳаётда олий мақсадга эришишга тайёрлардилар, шу боис етарли ақл-фаросатга эга бўлган илмли кишилар арзимаган нарсалар учун ўзаро жанжаллашиб бекорга вақтини кетказиб, нодир умрини хазон қилмасдилар. Кали йуганинг зарарли асоратлари аста-секин шоҳларнинг ҳам, оддий одамларнинг ҳам эзгу фазилатларига ҳам ўз таъсирини ўтказа бошлади, бунинг оқибатида ҳукмдорлар ва фуқаролар орасидаги ўзаро муносабатлар бузилиб кетди. Лекин ҳукмдорлар ва фуқаролар орасидаги муносабатларда адолатсизлик ва зўравонлик ҳукм сурган ҳозирги даврда ҳам руҳий манфаатга эришиш, Худони англаб етиш мумкин. Бу *йуганинг* алоҳида фазилати шундан иборат.

Текст 39

Кейин у (Парвардигор Кришнанинг невараси) Анируддханинг ўғли Ваджрани Матхурада Шурасена салтанатининг тахтига ўтказди. Шундан сўнг Махараж Йудхитхира Праджапатйа қурбонлик маросими ўтказди ва оилавий турмушни тарк этиш ниятида ўзини оловга жойлади.

Изоҳ: Махараж Парикшитни Хастинапурнинг тахтига, Ваджрани Матхура тахтига ўтказгандан кейин Махараж Йудхитхира таркидунёлик турмуш тарзини қабул қилди. Ҳар бир инсоннинг фаолият тури(қасби) ва шахсий сифатларига мос равишда одамларни тўрт табақа(варна) ва тўрт хил турмуш тарзи(ашрам)га ажратишни назарда тутадиган *варнашрама-дхарма* деб аталадиган ижтимоий тизим қоидаларига амал қилиб яшаш

хаётда ҳақиқий инсон бўлиб яшашни бошлаш демакдир, жамиятдаги инсонлар фаолиятининг ана шу тизимининг ҳомийси бўлган Махараж Йудхиштхира ўз вақтида ҳукуматни бошқариш ишларини етарлича таълим-тарбия олган шахзодага топшириб, *саннийаси* турмуш-тарзини қабул қилган ҳолда фаол моддий ҳаётни тарк этди. Илмий асосланган *варнашрама-дхарма* тизими жамиятни одамларнинг фаолият турига қараб тўрт табақага ҳамда турмуш тарзига қараб тўрт ашрамга бўлади. Қандай фаолият билан шуғулланиб юришидан қатъий назар инсон ҳаётининг тўрт турмуш тарзига, яъни браҳмачари, грихастха, ванапрастха ва саннийаси турмуш тарзига ҳамма амал қилиши шарт. Ҳозирги сиёсат арбоблари ҳатто кексайиб қолганда ҳам фаол сиёсатдан кетишни истамайдилар, аммо Махараж Йудхиштхира намунали шоҳ сифатида ўзининг кейинги ҳаётига тайёрланиш учун фаол ҳукмдорлик фаолиятини ўз хоҳиши билан тарк этди. Ҳар бир инсон ўз умрини шундай тақсимланиши лозимки, унинг охири даври, ҳеч бўлмаса, охири ўнбеш-йигирма йили руҳий баркамолликнинг олий поғонасига кўтарилиш мақсадида Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишланган бўлиши керак. Ҳақиқатан ҳам, ўзининг нодир инсон умрини моддий лаззатларга ва кармали фаолиятга сарфлаш ғирт нодонликдир, чунки токи инсон ақли моддий лаззатланиш ниятида кармали фаолият кўрсатиш ҳақидаги ўйларга ғарк бўлиб юрар экан, бу шартланган ҳаёт чангалидан, яъни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқишнинг ҳеч қандай имкони йўқ. Ҳеч ким ҳаётда ўзининг олий мақсади - руҳий баркамолликнинг олий поғонасига - ўзининг мангууйига, Худонинг даргоҳига эришишни эсидан чиқариб, ўзини ўзи ҳалок қиладиган ана шундай ҳалокатли тасаввур билан яшамаслиги лозим.

Текст 40

Махараж Йудхиштхира либосларини, камарини ва шоҳона безакларини ечиб ташлади ва бу дунёдаги ҳар қандай нарсага бўлган қизиқиш ва боғланишлардан бутунлай халос бўлди.

Изоҳ: Парвардигорнинг ҳамроҳларидан бири бўлиш учун инсон албатта барча моддий иллатлардан бутунлай покланиши лозим. Ана шундай покланиш жараёнидан ўтмай туриб Парвардигорнинг ҳамроҳи бўлишнинг яъни Худонинг даргоҳига қайтишнинг иложи йўқ. Шунинг учун руҳий покланиш мақсадида Махараж Йудхиштхира шу заҳотиёқ шоҳона либосларини ечиб ташлаб, ўзининг шоҳона бойлигини тарк этди. Кашайа саннийасиларнинг белига ташлаб юрадиган сариқ рангли мато унинг бу дунёнинг чиройли либосларига бўлган боғланишлардан озод эканини билдиради, шунинг

учун шоҳ шу тарзда кийимларини алмаштирган эди. У ўзининг салтанатига ва оиласига бўлган қизиқишини тарк этган ва бу билан моддий иллатлардан, яъни бошқача қилиб айтганда, ўзини моддага қиёслаш иллатидан покланган эди. Одатда одамлар ҳар хил ташқи атамаларга - оиласи, жамият, ватан, касби, бойлиги, мартабаси ва бошқа кўплаб ташқи нарсалар билан боғлиқ бўлган атамаларга боғланиб қолганлар. Токи инсон ана шу атамаларга боғланган экан, у моддий иллатга ботган ҳисобланади. Ҳозирги даврда миллий қаҳрамонлар, миллат йўлбошчилари, бундай сохта ўзлик - моддий шартланган руҳнинг навбатдаги адашиши эканидан беҳабар ҳолда. ўз миллатига боғланиб қолганлар. Худонинг даргоҳига боришга муносиб бўлиш учун инсон ана шундай сохта боғланишлардан бутунлай пок бўлиши лозим. Аҳмоқ одамлар ўзининг қайси миллатга мансуб эканини англаган ҳолда, миллати учун курашиб ҳалок бўлган кишиларни олқишлайдилар, лекин бу ерда бу дунёни ана шундай миллий онгдан пок бўлган ҳолда тарк этишга ҳозирлик кўраётган Махараж Йудхиштхира мисол келтирилади. Шунга қарамай, у ҳали ҳозиргача халқ хотирасида сақланиб қолган, чунки у Худо Шаҳси, Парвардигор Рамачандра билан деярли бир поғонада турган такводор ҳукмдор эди. Оламни ана шундай эзгу ниятли такводор шоҳлар бошқаргани учун бутун олам аҳли ҳар жиҳатдан бахтиёр яшардилар, бу буюк императорлар эса, осонлик билан уларга ҳукмронлик қилардилар.

Текст 41

Кейин у барча сезги аъзоларини ақли билан бирлаштирди, ақлини - ҳаёти билан, ҳаётини - нафаси билан, ўзининг бутун борлигини - беш унсурдан таркиб топган танаси билан, танасини эса - ўлим билан бирлаштирди. Шунда у, пок руҳ сифатида ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурдан бутунлай халос бўлди.

Изоҳ: Укаси Аржун сингари, Махараж Йудхиштхира ақлини бир жойга жамлади ва аста-секин ҳар қандай моддий тутқунликдан халос бўлди. Аввалига у ўзининг барча сезгиларининг фаолиятини бир жойга жамлади ва уларни ақли билан бирлаштирди, яъни, бошқача қилиб айтганда, бутун ақлини Парвардигорга садоқат билан хизмат қилишга қаратди. Бутун моддий фаолият моддий сезгиларнинг фаолияти ва уларнинг оқибатлари сифатида ақл билан амалга оширилгани туфайли, у эса, Худонинг даргоҳига йўл олаётгани учун ақли моддий фаолиятни бутунлай тарк этишини ва Худога садоқат билан хизмат қилишга киришишини тилаб илтижо қилди. Энди моддий фаолиятга ҳеч қандай зарурат қолмаган эди. Аслида ақли фаолият кўрсатишдан тўхтатишнинг иложи йўқ, чунки у ўзида мангу фаол руҳни акс эттириб туради, лекин, ана шу

фаолиятнинг йўналишини ўзгартириб, уни моддага хизмат қилишдан Худога хизмат қилишга ўзгартириб, унинг сифатини ўзгартириш мумкин. Инсон ўзининг ақлини ҳаёт нафаси билан булғанишдан поклаш билан уни такрор ва такрор туғилиш ва ўлиш иллатидан халос этиб, уни соф рухий борлиғига жойлаганида ақлнинг моддий бўёғи ўзгариб кетади. Бутун ҳаётимиз ўткинчи нарсаларда - ажал етган пайтдаги ақл юзага келтирган моддий танада намоён бўлади, агар ақл Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида покланган бўлса, у ажал етганда яна янги моддий тана яратишга қодир бўлмайди. Бу эса ақлни аввалги моддий иллатларидан поклайди. Пок рух эса, ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиши мумкин.

Текст 42

Шундай қилиб, беш унсурдан таркиб топган кўпол танасини моддий табиатнинг уч гунасида эритиб, уларни ягона ғофилликка жойлади, ана шу ғофилликни эса - ўзининг "мен"ига, ҳар қандай вазиятда ҳам йўқолмайдиган Браҳманга жойлади.

Изоҳ: Моддий оламда намоён бўлган ҳамма нарса - махат-таттва-авйактанинг маҳсулидир, биз ўз кўзимиз билан кўриб турган ҳамма нарса модданинг ана шу турли-туман маҳсулининг ҳар хил кўринишлари ва бирикмалари, холос. Аммо тирик мавжудот модданинг ана шу барча махулотларидан бутунлай фарқ қилади. Тирик мавжудот фақат ўзи аслида, асл табиатига кўра Худонинг мангу хизматкори эканини эсидан чиқаргани, ўзини моддий табиатнинг ҳукмдори деб нотўғри тасаввур қилиб юргани сабабли у алдамчи ҳиссий лаззатланишдан иборат ҳаётни қабул қилишга мажбур бўлиб юрибди. Моддий қувватларнинг ана шу ҳаётга мос равишда юзага келтирган маҳсулотлари сабабли ақл модданинг таъсири остига тушиб қолади. Шу тариқа беш унсурдан иборат моддий тана юзага келади. Махараж Йудхиштхира ана шу жараёни тескари буриб юборди ва тананинг беш унсурини моддий табиатнинг уч гунасига жойлади. Тананинг сифат белгилари - яхши, ёмон ва улар орасидаги ҳолат яксон бўлди, сифатларнинг намоён бўлиши эса, ўз навбатида пок тирик мавжудотнинг сохта туйғуси юзага келтирган моддий қувват билан бирикди. Шундай қилиб, рухий оламнинг сон-саноксиз сайёраларидан бирида, айниқса Голока-Вриндаванда Парвардигор, Худо Шахси билан бевосита суҳбатлашиб юриш имкониятига эга бўлишни истаган киши ҳамиша ўзи аслида моддий қувватдан фарқ қилишини ўйлаб юриши лозим. Унинг моддий қувватга ҳеч қандай алоқаси йўқ, у ўзини пок рух, сифат жиҳатидан Олий Браҳман(Парамешвара)га тенг бўлган Браҳман деб билиши лозим. Салтанатни Махараж Парикшит билан Ваджрага бўлиб бергандан кейин Махараж

Йудхиштхира ўзини бутун олам императори ва Курулар сулоласининг сардори деб ҳисобламай кўйди. Кўпол ва нафис таналардан озод бўлиш сингари дунёвий муносабатлардан ўзини ҳам ана шундай озод, эркин ҳис қилиш туйғуси инсонга ҳатто бу моддий оламда ҳам Худонинг содик хизматкори сифатида эркин ҳаракат қилиш имконини беради. Рухий юксалишнинг ана шу босқичи живан-мукта, яъни ҳали моддий оламда бўла туриб рухий озодликка эришиш деб аталади. Моддий тирикчиликка барҳам бериш имконини берадиган усул шундан иборат. Инсон ўзини шунчаки Браҳман деб ҳисобламасдан, ҳақиқий Браҳман сифатида ҳаракат қилиш лозим. Шунчаки ўзини Браҳман деб ҳисоблайдиган киши - имперсоналист, лекин Браҳман сифатида ҳаракат қилиб яшайдиган киши - Худонинг асл содик хизматкоридир.

Текст 43

Шундан сўнг Махараж Йудхиштхира жулдур кийимларни кийиб олиб, овқатнинг қаттиқ туридан воз кечди, ўз хоҳиши билан гунг бўлиб, сочларини тўзғитиб юрди. Натижада у ишининг тайини бўлмаган девона-гадойга ёки ақлдан озган телбага ўхшаб қолди. У ўзининг укаларига қарам бўлишдан қутулиб, қар кишидай ҳеч нарса эшитмай қолди.

Изоҳ: Шу тарзда ташқи фаолиятдан озодликка чиқиб, у шоҳона ҳаёт ва оилавий турмуш билан боғлаб турган барча ришталарни узиб ташлади. У худди ақлдан озган телбага ўхшаб қолди ва дунёвий мавзуларда ҳеч ким билан суҳбатлашмай кўйди. У энди ўзининг аввал ёрдам бериб юрган укаларига қарам эмасди. Рухий юксалиш йўлидаги мана шу тўла мустақиллик, эркинлик поғонаси бошқача тил билан "покланган жасорат босқичи" деб аталади.

Текст 44

Кейин у ўзининг аждодлари ва буюк зотлар изидан бориб, ҳаётини бутунлай Худонинг Олий Шахси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга бағишлаш учун шимолга қараб йўл олди. Қарга борса ҳам у шу тарзда кун кечириб юрди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Махараж Йудхиштхира ўзининг аждодлари ва буюк зотлар Парвардигорнинг буюк содиқлари изидан борган. Биз кўп марта таъкидлаганмизки, жамиятнинг бутун оламда, айниқса Арийаварта вилоятида ҳамма қатъий риоя қилиб келган варнашрама-дхарма тизими инсон ўз умрининг маълум бир босқичида оилавий ришталарни узиши жуда муҳим эканини алоҳида таъкидлайди. Ана шундай тушунча инсонда уни тарбиялаш ва таълим бериш жараёнида шакллантирилган, шу боис Махараж Йудхиштхира сингари ҳурматли

зотлар рухий ўзлигини англаб етиш ҳамда Худонинг даргоҳига қайтиш учун ўз оилаларини тарк этиб кетишлари лозим эди. Бирор шоҳ ёки хурматли инсон умрининг охиригача ўз оиласи даврасида яшаган эмас, чунки бу ўзини ўзи ўлдириш билан тенг ҳисобланган ва инсон ҳаётининг олий мақсадига, рухий баркамолликка эришиш йўлида катта тўсиқ бўлган. Оила ташвишларидан халос бўлишга ва ўзини бутунлай Парвардигор Кришнага садоқат билан хизмат қилишга бағишлашга интилиб юрган кишиларга ҳамиша мана шу тизим тавсия қилинади, чунки бу йўл - ишончли зотлар кўрсатиб кетган йўлдир. "Бхагавад-гита"(18-62)да Парвардигор айтадики, инсон ҳеч бўлмаса умрининг охирида Худонинг содиқ хизматкори бўлиши лозим. Аслида ўз Парвардигорники бўлган самимий пок руҳ Махараж Йудхитхирадан ўрнак олиб, ўз манфаати учун Парвардигорнинг ана шу насихатига кулоқ солиши лозим.

Брахма парам ибораси Парвардигор Шри Кришнани билдиради. Буни "Бхагавад-гита"(10.13)да буюк ишончли зотларга - Асита, Девала, Нарада, Вйаса ва бошқаларга таянган ҳолда Аржун ҳам тасдиқлайди. Шундай қилиб, Махараж Йудхитхира уйини тарк этиб, шимолга йўл олиб, ўзининг аждодлари ва барча даврлардаги Худонинг буюк содиқлари изидан бориб, ҳамиша Парвардигор Шри Кришна хотирасида сақлаб юрди.

Текст 45

Махараж Йудхитхиранинг укалари бутун жаҳон бўйлаб Кали йуга даври кириб келганини, салтанатдаги одамлар аллақачон ўзларида имонсиз одамлар фаолиятининг салбий таъсирини сеза бошлаган эдилар. Шу боис улар ҳам акасининг изидан боришга қарор қилдилар.

Изоҳ: Махараж Йудхитхиранинг укалари ҳамиша ва ҳар бир ишда итоаткорли билан буюк император изидан борардилар, улар инсон ҳаётининг олий мақсади нимадан иборат эканини тушуниш учун етарли ақл-заковатга эга эдилар. Шу боис улар ўзгармас қатъий қарор билан акасининг изидан эргашиб, Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш йўлидан бордилар. *Санатана-дхарма* қонун-қоидаларига кўра ўз умрининг ярмисини яшагандан кейин, инсон оиласини тарк этиши ва қолган умрини рухий ўзлигини англашга бағишлаши лозим. Лекин, бунда инсон нима билан машғул бўлиши керак деган саволга аниқ жавоб берилмаган. Баъзан оиласини тарк этган кишилар ўз умрини нима билан машғул бўлиб ўтказишни билмай қийналиб қоладилар. Бу ерда биз Пандузодалар сингари буюк зотлар бу масалани қандай ҳал қилганини кўриб турибмиз. Уларнинг ҳаммаси Худонинг Олий Шахси, Парвардигор Шри

Кришна илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш билан машғул бўлдилар. Шридхара Свами айтадики, баъзибир сафсатабозларнинг фикрига қарши равишда, дхарма, артха, кама ва мокша, яъни кармали фаолият, фалсафий изланиш ва озодликка чиқиш инсон ҳаётининг олий мақсади бўлмайди. Инсон ҳаётининг олий мақсадини Парвардигорнинг ўзи "Бхагавад-гита"(18.64)да айтиб қўйган, ҳеч иккиланмасдан ана шу йўлга кириш учун Пандузодаларнинг ақли етарли эди.

Текст 46

Улар барча дин қоидаларига қатъий риоя қилдилар, бунинг натижасида ҳаққоний равишда Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи - инсон ҳаётининг олий мақсадидир, деган қарорга келдилар. Шунинг учун улар узлуксиз равишда Унинг нилуфар қадамлари пойига мууроқабат қила бошладилар.

Изоҳ: "Бхагавад-гита"(7.28)да Парвардигор айтадики, фақат аввалги ҳаётларида кўплаб савоб ишлар қилган ҳамда барча гуноҳ ишлари оқибатидан озод бўлган кишиларгина ақлини Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамлай оладилар. Пандузодалар фақат ҳозирги ҳаётида эмас, балки аввалги ҳаётларида ҳам ҳамиша эзгу ишлар билан шуғулланиб келганлар, шу боис улар ҳар қандай гуноҳ ишлар оқибатидан ҳамиша пок эдилар. Шундай қилиб, уларнинг ўз ақлини Худонинг Олий Шахси Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойида жамлай олиши табиий эди. Шри Вишванатха Чакравартининг фикрига кўра, дхарма, артха, кама ва мокша қонун-қоидаларига гуноҳ ишлари оқибатидан покланмаган кишилар амал қиладилар. Ана шу тўрт қоида иллати таъсири остида юрган кишилар бирданига рухий оламда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эриша олмайдилар. Ваикунтха олами моддий оламдан ташқарида жойлашган. Моддий олам Дурга Девининг, Парвардигорнинг моддий қувватининг ҳукмига топширилган, аммо Ваикунтха оламини Парвардигорнинг шахсий қуввати бошқаради.

Текст 47-48

Шундай қилиб, Парвардигор ҳақида ҳамиша садоқат билан эслаб, улар онгини поклдилар ва Олий Нарайана, Парвардигор Кришна ҳукмронлик қилаётган рухий оламга эришдилар. Бунга фақат бошқа бирор нарсага чалғимасдан фақат Парвардигорга мууроқабат қилиб юрган кишилар эриша оладилар. Парвардигор Шри Кришнанинг Голока-Вриндаван деб аталадиган ана шу даргоҳига ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлган кишилар эриша олмайдилар. Аммо Пандузодалар, қалбидан барча моддий

иллатларни бутунлай ювиб ташлаб, ўзларининг таналарида қолган ҳолда ана шу даргоҳга эришдилар.

Изоҳ: Шрила Жива Госвами айтадики, илоҳий поғонада турган ва уч моддий сифатларнинг уч гунаси: эзгулик, эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсиридан озод киши ўзининг танасини алмаштирмасданок руҳий баркамолликка эриша олади. Шрила Санатана Госвами "Хари-бхактивиласа" асарида ёзганки, худди мисга ишлов бериб кимёгар уни олтинга айлантира олгани сингари, ким бўлишидан қатъий назар, инсон агар ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида руҳий таълим-тарбия олса, иккибор туғилган браҳман поғонасига кўтарила олади. Шундай қилиб, ўзининг ҳозирги танасини ўзгартирмасдан браҳман поғонасига кўтарилиш, яъни ҳозирги танада Худонинг даргоҳига эришиш учун ҳақиқий руҳий раҳбарлик керак экан. Шрила Жива Госвами айтадики, бу ердаги хи ибораси ана шу ҳақиқатни алоҳида таъкидлайди ва бунга ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмайди. Шрила Жива Госвамининг гапларини "Бхагавад-гита"(14.26) ҳам Парвардигорнинг "мунтазам равишда, ҳеч нарсага чалғимасдан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши моддий табиатнинг уч гунаси иллатидан покланиб Браҳман поғонасига кўтарилади" деган гаплари билан тасдиқлайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида инсоннинг Браҳман поғонасидаги баркамоллиги ривожланишда давом этиб, унга ўзининг ҳозирги танасида руҳий оламнинг олий сайёраси Голока-Вриндаванга эришишига қафолат беради. Биз бу мавзунинг Парвардигорнинг Ўз даргоҳига Ўзининг танасида қайтиб кетишини изоҳлаганда муҳокама қилган эдик.

Текст 49

Видура муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб юриб, ўзининг танасини Прабхасада қолдирди. У Кришна ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юргани учун уни Питрилока аҳолиси кутиб олди ва у яна ўзининг аввалги лавозимини эгаллади.

Изоҳ: Пандузодалар ва Видура орасидаги фарқ шундан иборатки, Пандузодалар - Худо Шахсининг, Парвардигорнинг мангу ҳамроҳлари, Видура эса - бу оламни бошқариб турган фаришталардан биттаси, Питрилока сайёрасини бошқарадиган, Йамараж(Азроил) лавозимини эгаллаб турган зот. Одамлар Азроилдан кўрқадилар, чунки айнан у моддий оламдаги гуноҳ ишлар учун жазо турини белгилайди, аммо Худонинг содиқларининг ундан кўркишининг мутлақо ҳожати йўқ. Худонинг содиқлари учун у яқин дўст, имонсизлар учун эса у - дахшат тимсоли. Аввал айтганимиздай, маълумки, Мандуки Мунининг қарғиши сабабли Йамараж

тубанликка қулаб, ер юзида шудра бўлиб туғилиши лозим эди; шундай қилиб, Видура Азроил мужассам бўлган зот эди. Парвардигорнинг мангу хизматкори сифатида у Худога садоқат билан хизмат қилишда жиддий машғул бўлиб, шу қадар пок, тақволи ҳаёт кечирдики, ҳатто Дхритараштра сингари имонсиз, дунёвий киши ҳам унинг насихатларини тинглаб руҳий озодликка эришди. Шундай қилиб, ўзининг такводор ҳаёти шарофати билан, Худога садоқат билан хизмат қилиб у ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юришга ва шу билан шудра ҳаёти билан боғлиқ бўлган барча иллатлардан покланишга эришди. Умрининг охирида уни яна Питрилока аҳолиси кутиб олди ва у ўзининг аввалги лавозимини эгаллади. Фаришталар ҳам Парвардигорнинг ҳамроҳлари, лекин улар Парвардигор билан шахсан алоқа қилмайдилар, аммо Парвардигорнинг бевосита ҳамроҳлари ҳамиша У билан шахсий алоқада бўладилар. Парвардигор ўзининг шахсий ҳамроҳлари билан биргаликда ҳамиша кўплаб коинотларда мужассам бўлиб туради. У Ўзининг барча мужассам бўлган қиёфаларини эслайди, Унинг ҳамроҳлари эса, буни эсдан чиқариб қўядилар, чунки улар Парвардигорнинг арзимас кичик заррачаларидирлар. Улар чексиз кичик заррача бўлгани сабабли бундай воқеаларни унутиб юборадилар. Бу "Бхагавад-гита"(4.5)да тасдиқланади.

Текст 50

Драупади ҳам эрларининг уни эсдан чиқариб уйларини тарк этаётганини кўрди. У Худо Шахси, Парвардигор Васудевани, Шри Кришнани яхши биларди. У ҳам, Субҳадра ҳам Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлдилар ва улар ҳам эрлари эришган натижага эришдилар.

Изоҳ: Бир самолетда учиб бораётиб, бошқа самолетда ўтирган одамларга ёрдам беришнинг иложи йўқ. Ҳар ким ўз самолети ҳақида ўйлаши керак, агар бирор хавф-хатар юзага келса, бошқа самолет бунга ёрдам беролмайди. Худди шундай, умрининг охирида, инсон ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиши лозим бўлган пайтда ҳар ким ташқаридан бирор кишининг ёрдамидан умидвор бўлмасдан ўзи ҳақида ўзи ўйлаши керак бўлади. Лекин, самолет ерда пайтида, учишдан олдин унга ёрдам кўрсатилади. Худди шундай, руҳий устоз, ота, она, қариндошлар, эр ва бошқалар инсоннинг бутун умри давомида ёрдам беришлари мумкин, лекин, моддий олам денгизини кечиб ўтаётганда ҳар ким ўзига ўзи ғамхўрлик қилиши ва аввал эшитган насихатларидан фойдаланиши лозим. Драупадининг беш эри бор эди, уларнинг бирортаси ундан бирга кетишни илтимос қилмади; у ўзининг буюк эрларидан ёрдам кутиб

ўтирмасдан ўзи ҳақида ўзи ўйлаши лозим эди. У бунга аввалдан тайёр бўлгани учун шу заҳотиёқ бутун ақлини Худо Шахсининг, Парвардигор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига жамлади. Хотинлари ҳам эрлари эришган натижага эришдилар, яъни таналарини алмаштириб ўтирмасдан олий мақсадга - Худонинг даргоҳига эришдилар. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур тахмин қиладики, Драупади ҳам, Субҳадра ҳам бир хил натижага эришганлар. Уларнинг бирортаси ҳам танасини ташламади.

Текст 51

Пандунинг ўғилларининг олий мақсад - Худонинг даргоҳига қайтиш йўлида бу дунёни тарк этиши ҳақидаги ҳикоя пок ва шарофатли, шу боис бу ҳикояни чуқур имон ва садоқат билан тинглаган ҳар бир инсон албатта Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлади, яъни инсон ҳаётининг энг мукаммал поғонасига эришади.

Изоҳ: "Шримад Бхагаватам" - Худо Шахси ва Парвардигорнинг Пандузодалар сингари буюк содиқлари ҳақида ҳикоя қиладиган асар. Худо Шахси ва Худонинг содиқлари ҳақида ҳикоялар мутлақ поғонада бўлади, шундай қилиб, уларни садоқат билан тинглаш - Парвардигор ва Унинг мангу ҳамроҳлари билан мулоқот қилиш демакдир. "Шримад Бхагаватам"ни тинглаш орқали инсон рухий баркамолликнинг энг юксак поғонасига эришиши, яъни ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиши мумкин.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиқ
"Пандузодаларнинг ўз вақтида бу дунёни тарк
этишлари" деб аталадиган ўн бешинчи бобига
Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

16-боб.

Махараж Парикшит Кали даврини қандай кутиб олди

Текст 1

Сута Госвами деди: Эй билимдон брахманлар, кейин Махараж Парикшит Худонинг буюк содиқ хизматкори сифатида иккибор туғилган брахманларнинг энг яхшиларининг насихатларига амал қилган ҳолда адолат билан оламни бошқара бошлади. У тажрибали мунажжимлар у туғилганда башорат қилган ажойиб фазилатларни намоеън этиб салтанатга ҳукмронлик қила бошлади.

Изоҳ: Махараж Парикшит туғилган пайтда тажрибали мунажжим-брахманлар унинг ажойиб

эзгу фазилатларидан бир нечасини башорат қилган эдилар. Махараж Парикшит Худонинг буюк содиқ хизматкори бўлиб, ўзида ана шу эзгу сифатларнинг барчасини ривожлантирди. Инсонга ҳақиқатан ҳам зарур бўлган ягона сифат - Худога садоқатдир. Қалбида Худога чуқур иймон ва садоқат бўлган кишида аста-секин орзу қилиш мумкин бўлган эзгу фазилатларнинг барчаси ривожлана боради. Махараж Парикшит махабхагавата - Парвардигорнинг биринчи нав содиғи эди. У Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини мукаммал билиб қолмасдан ўзининг илоҳий насихатлари билан бошқаларни ҳам Худонинг содиғи қилишга қодир эди. Шундай қилиб, Махараж Парикшит биринчи нав содиқ эди, шунинг учун у шастраларнинг кўрсатмалари асосида салтанатни бошқариш бўйича тўғри маслаҳатлашишга қодир бўлган буюк донишмандлар ва билимдон брахманлар билан маслаҳатлашарди. Шундай буюк шохлар ҳозирги сайланган ҳукумат раҳбарларига караганда ўта маъсулиятли зотлар эдилар, чунки улар ишончли буюк зотларнинг ведавий муқаддас китобларга асосланган кўрсатмаларига амал қилиш билан уларга хизмат қилардилар. Ўша даврда кўлидан бирор иш келмайдиган, ҳар куни янги қонун ўйлаб чиқадиган, кейин эса, ўз манфаатини ўйлаб уларни такрор ва такрор ўзгартираверадиган калтафаҳм сиёсатчиларнинг умуман кераги йўқ эди. Одамларнинг бу дунёда амал қилиб яшаши лозим бўлган қонун-қоидаларни Ману, Йаджнавалкья, Парашара ва бошқалар сингари буюк донишмандлар ўрнатиб кетганлар, ана шу қонун-қоидалар ҳамиша ва ҳар қандай шароитда амал қилганлар. Шунинг учун бу қонун ва қоидалар ҳаммабоп бўлиб, ҳеч қандай нуқсонга эга эмас, мукаммал. Махараж Парикшитга ўхшаган шохнинг маслаҳатчилари ҳам буюк донишманд ёки биринчи нав брахманлар бўлган. Улар бунинг учун ҳукуматдан ҳеч қандай маош олмаганлар, бунга зарурат ҳам сезмаганлар. Ҳукумат раҳбари брахманлардан энг яхши маслаҳатларни бепул олган. Бу донишмандларнинг ўзлари эса самаларши, яъни барчага - одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам бир хил муносабатда бўладиган зотлар эдилар. Улар шохга ҳеч қачон одамларни ҳимоя қилиб, ҳайвонларни ўлдиришни маслаҳат бермаганлар. Шохнинг мажлис аъзолари калтафаҳм ёки қандайдир сохта ҳукуматнинг сайланган вакиллари эмасдилар. Уларнинг ҳаммаси рухий ўзлигини англаб етган зотлар бўлиб, қандай қилиб салтанатдаги барча тирик мавжудотларга ҳозирги ва кейинги ҳаётида ҳақиқий бахт келтиришни билганлар. Уларни "еб-ичиб, хурсандчилик қилиб лаззатланиб қол!" деган гедоник (дунёвий) фалсафа кизиктирмасди. Улар том манодаги ҳақиқий файласуфлар бўлиб, инсоннинг ҳаётда яшашдан вазифаси ва интиладиган олий мақсади нимадан иборат эканини яхши билардилар. Шунга асосланган ҳолда мажлис шохга тўғри

маслаҳатлар берган, шоҳ эса, шоҳ ёки ҳукумат раҳбари эса, ўзи Худонинг содик хизматкори бўлган ҳолда салтанат гуллаб-яшнаши учун уларнинг барча насиҳатларига амал қилган. Махараж Йудхитхира ёки Махараж Парикшит давридаги давлат ҳамма фаровон яшайдиган ҳақиқий давлат эди, чунки бу давлатда ҳамма - одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам бахтиёр эдилар. Махараж Парикшит ҳамма бахтиёр яшайдиган бутун жаҳон салтанатининг намунали ҳукмдори эди.

Текст 2

Махараж Парикшит Уттара шоҳининг қизига уйланди ва тўрт ўғилнинг отаси бўлди, улардан тўнғичи Махараж Жанамеджайа эди.

Изоҳ: Махараж Уттара шоҳ Виратнинг ўғли ва Махараж Парикшитнинг тоғаси эди. Иравати Махараж Уттаранинг кизи бўлгани учун Махараж Парикшитга амаки сингил бўларди. Агар бир готра, яъни бир оилада ўсмаган бўлсалар, амаки ака сингиллар оила қуришлари мумкин бўлган. Ведаларга асосланган никоҳ қоидаларида готра(оила)га катта аҳамият берилган. Аржун ҳам она тарафдан қариндоши бўлган Субҳадрага уйланган эди.

Жанамеджайа. Раджариши шоҳлардан бири, Махараж Парикшитнинг машҳур ўғли. Унинг онаси Иравати, яъни бошқа манбаларга кўра Мадравати бўлган. Махараж Жанамеджайанинг икки ўғли бўлган: Джнатаника ва Шанкукарна. У Курукшетра зиёгаргоҳида бир неча қурбонлик маросими ўтказган. Унинг уч укаси -Шрутасена, Уграсена ва Бхимасена эди. У Такшала(Аджанта)га ҳужум қилди, ўзининг буюк отасини ноҳақ дуои-бад қилгани учун қасос олишга қарор қилди. У бутун илонлар уруғини, шу жумладан отасининг ўлимига сабабчи бўлган Такшака деган илонни ҳам қириб ташлаш ниятида Сарпа-йаджна деб аталадиган буюк қурбонлик маросими ўтказди. Кўплаб фаришталар ва донишмандларнинг илтимоси билан у барча илонларни қириб ташлаш ниятидан қайтди, лекин шунга қарамай, қурбонлик маросими тўхтатиб қўйилган бўлса ҳам унинг барча иштирокчилари мамнун эдилар, чунки у уларга саховат билан хайр-эҳсон улашди. Ана шу маросимда Махамуни Вйасадева ҳам иштирок этди ва шоҳга Курукшетрадаги жанг тарихини ўзи гапириб берди. Кейинроқ, Вйасадеванинг кўрсатмаси билан унинг шогирди Вайшампайана шоҳга "Маҳобҳорат"нинг мазмунини тушунтириб берди. Отасининг бевакт ўлими уни қаттиқ изтиробга солди, у отасини яна бир марта кўришга интизор эди. У ўзининг бу орзусини донишманд Вйасадевага айтди, донишманд унинг орзусини амалга оширди. Отаси унинг олдида пайдо бўлди, шоҳ чуқур ҳурмат-эҳтиром билан отаси ва Вйасадевага сиғиниш маросими ўтказди. У тўла мамнуният ҳосил қилиб,

қурбонлик маросимида иштирок этган браҳманларга саховат билан хайр-эҳсон улашди.

Текст 3

Крипачарйани ўзига руҳий устоз қилиб танлаб, Махараж Парикшит Ганга қирғоғида уч марта от қурбонлик маросими ўтказди. Уларда иштирок этган зотларнинг ҳаммаси муносиб муқофотландилар. Ана шу қурбонлик маросимларида ҳатто оддий одамлар ҳам фаришталарни кўра олардилар.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, олий сайёраларда яшайдиганлар учун сайёралараро саёҳат қилиб юриш мушкул иш эмас. "Шримад Бхагаватам"нинг жуда кўп жойларида айтилганки, юксак мартабали шоҳлар ва императорлар ўтказган қурбонлик маросимларида иштирок этиш учун жаннатий сайёралардан Ер сайёрасига фаришталар келиб турган. Бундан кўриниб турибдики, Махараж Парикшит ўтказган от қурбонлик қилиш маросимида ана шу маросим туфайли ҳатто оддий одамлар ҳам бошқа сайёралардан келган фаришталарни кўриш имкониятига эга бўлган. Одатда оддий одамлар фаришталарни ҳам, Парвардигорни ҳам кўриш қобилиятига эга эмас. Лекин, худди оддий одамлар ҳам Уни кўра олиши учун Парвардигор Ўзининг бебааб марҳамати билан бу дунёга келгани сингари, фаришталар ҳам ўз марҳамати билан баъзан оддий одамларнинг кўзига ҳам кўринадилар. Одатда Ерда яшайдиган одамлар самовий зотларни ўзининг кўзлари билан кўришга қодир эмаслар, лекин Махараж Парикшитнинг таъсири билан фаришталар уларнинг кўзи кўрадиган қиёфага киришга рози бўлганлар. Ана шундай қурбонлик маросимлари пайтида шоҳлар худди мўл ёмғир ёғадиган булутга ўхшаб саховат билан бойлик улашганлар. Булутлар шакли ўзгарган сув, яъни ердаги сувлар булутга айланадилар. Худди шундай қурбонлик маросимида шоҳлар тарқатган хайр-эҳсонлар - шоҳнинг фуқаролардан ундириб олган солиқларидир. Лекин, худди керагидан ҳам ортиқча бўлган мўл-кўл ёмғир сингари, шоҳларнинг ана шундай маросимда саховат билан тарқатган эҳсонлари фуқароларига керак бўлганидан ҳам ортиқчадай бўлиб кўрилади. Бундан мамнун бўлган фуқаролар ҳеч қачон жамоатчилик фикрини шоҳга қарши қаратмаганлар, шу боис монархия тизимини алмаштиришга эҳтиёж бўлмаганди.

Ҳатто Махараж Парикшит сингари буюк шоҳ ҳам руҳий устозга муҳтожлик сезган. Ана шундай раҳбариятсиз руҳий юксалишга эришиб бўлмайди. Руҳий устоз ҳақиқий бўлиши лозим, руҳий ўзликни англаб етишга ва ҳақиқий руҳий юксалишга эришишни истаган киши ана шундай ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиши ва унинг паноҳига кириши лозим.

Текст 4

Бир куни, Махараж Парикшит оламни забт этгани йўл олганида у Кали-юга ҳукмдорини кўриб қолди. У шудрадан ҳам паст бўлган ҳолда шоҳларнинг либосини кийиб олган, сигир билан ҳўкизнинг оёғини жароҳат етказиб турганди. Шоҳ шу заҳотиёқ уни қилмишига яраша муносиб жазолаш учун ҳибсга олди.

Изоҳ: Шоҳ ўзининг шон-шуҳратини ошириш ниятида оламни забт этиш учун йўлга чикмайди. Махараж Парикшит бу ишни салтанат тахтига ўтиргандан кейин амалга оширишга қарор қилди, лекин унинг мақсади бошқа давлатларга қарши босқинчилик қилиш эмасди. У бутун олам императори эди, барча майда давлатлар шундоқ ҳам унга қарам эди. Унинг бу юришдан мақсади ўз салтанатида ишлар қандай эканини, фуқароларнинг амаллари тақводор инсонлар яшайдиган намунали жамиятга қанчалик мос келишини кўриш эди. Шоҳ ҳеч ўзгартирмасдан Худонинг амрини бажариши лозим, чунки у Худонинг вакили ҳисобланади. Унинг фаолиятида ўзининг шон-шуҳратини оширишга ўрин қолмайди. Шундай қилиб, ўзи паст табақага мансуб бўлган ҳолда шоҳона либослар кийиб олган, сигир ва ҳўкизнинг оёғини синдириб турган кишини кўриб, Махараж Парикшит шу заҳотиёқ уни ҳибсга олиб жазолади. Шоҳ кимдир (жамият учун энг зарур ҳайвон)сигирни ҳақорат қилишига ёки жамият учун энг зарур инсон - браҳманга ҳурматсизлик қилишига чидаб тура олмайди. Инсоният тараққиёти браҳманлар маданиятининг ривожланишини назарда тутаяди, бу маданиятни сақлаб туриш учун эса сигирларни ҳимоя қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Сут - мўъжизавий маҳсулот, чунки унда инсон фаолиятнинг олий тури билан шуғуллана олиши учун унинг физиологик жиҳатдан соғлом ҳолатини таъминлаб туришга зарур бўлган барча витаминлар етарли миқдорда бор. Агар жамиятдаги одамлар ўзларида эзгу фазилатларни юксалтиришга ўргансаларгина браҳманлар маданияти ривожлана олади, бунинг учун эса албатта сут, мева ва дон маҳсулотлари керак. Шоҳона либос кийиб олган қора ишчи, шудра инсонлар жамияти учун энг зарур бўлган ҳайвон, сигирга озор бериб турганини кўриб, Махараж Парикшит ҳайратдан қотиб қолди.

Кали даврининг белгиси аҳмоқона раҳбарлик ва турли жанжаллар ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, пасткаш сифатларга эга бўлган, ҳаётда олий мақсадга интилмайдиган ярамас одамлар ҳукумат тепасига чиқиб оладилар. Ана шундай одамлар ҳукумат тепасига чиқиб олиб, биринчи навбатда сигирларга озор етказадилар ва браҳманлар маданиятини поймол қила бошлайдилар, бу билан улар бутун жамиятни дўзахга равона қилади. Махараж Парикшит етарли таълим-тарбия олгани учун жаҳонда рўй бериб

турган ҳар хил жанжалларнинг асосий сабаби нимада эканини тушунган эди. Шунинг учун у биринчи навбатда шу сабабнинг пайини қирқмоқчи эди.

Текст 5

Шаунака Риши сўради: Нимага Махараж Парикшит уни шунчаки жазолаб қўйди, ахир у ўзи энг пасткаш шудра бўлса ҳам, шоҳларнинг либосини кийиб, сигирни оёғи билан тепган эдикю? Илтимо, агар Парвардигор Кришна билан боғлиқ бўлса, бу воқеалар ҳақида батафсил гапириб бер.

Изоҳ: Шаунака ва бошқа ришилар Махараж Парикшит бу жинойтчини ўлдириш ўрнига шунчаки жазолаб қўйганини эшитиб ҳайрон бўлдилар. Демак, Махараж Парикшитдай тақводор шоҳ шоҳона либос кийиб одамларни алдаб юрган, айни пайтда энг пок ҳайвон - сигирга озор бериб қийнаб турган жинойтчини шу ернинг ўзидаёқ ўлдириб ташлаши лозим эди. Лекин, ўша даврдаги ришилар кейинчалик, Кали-йуга даврида энг пасткаш шудралар ҳукмдор бўлиб сайланишини ва сигирларни оммавий равишда ўлдириш учун давлат номидан қассобхоналар очишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмадилар. Ҳар ҳолда, гарчи буюк ришиларга сигирга озор бериб турган ярамас шудрака ҳақидаги гапларни тинглашнинг қизиғи бўлмаса ҳам, барибир улар бу ҳодиса Парвардигор Кришна билан боғлиқми ёки боғлиқ эмаслигини тушуниб олиш учун бу ҳақда билишни истардилар. Уларни фақат Парвардигор Кришна ҳақидаги ҳикоялар қизиқтирарди, чунки Кришна ҳақидаги ҳикоялар билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса эътиборга лойиқдир. "Шримад Бхагаватам"да тез-тез жамиятшунослик, сиёсат, иқтисод, маданият ва бошқа мавзуларни учратиш мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси Кришна билан боғлиқ, шу боис улар эътиборга лойиқдир. Кришна - ана шу ҳикояларнинг ҳаммасида уларни покловчи кўшимча. Моддий оламдаги ҳамма нарса булганган, чунки уларни уч моддий сифат юзага келтирган. Лекин Кришна уларни поклайди.

Текст 6

Худонинг содиқлари Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидаги асалдан тотиб юришга одатланиб қолганлар. Нодир инсон танасида яшаш учун берилган қимматбахо вақтни бекорга сарфлаб бошқа ҳикояларни тинглашнинг нима фойдаси бор?

Изоҳ: Парвардигор Кришна ҳам, Унинг содиқлари ҳам илоҳий поғонада турадилар. Демак, Парвардигор Кришна ва Унинг асл содиқлари ҳақидаги ҳикоялар бир биридан фарқ қилмайди. Курукшетрадаги жанг ҳақидаги ҳикояда сиёсий найранг ва дипломатик ҳийлалар жуда кўп жойни эгаллаган, лекин буларнинг ҳаммаси Парвардигор

Кришна билан боғлиқ бўлгани учун бутун жаҳонда "Бхагавад-гита"дан хайратга тушадилар. Фақат дунёвий одамлар учун дунёвий бўлиб кўринадиган сиёсат, иқтисод ва бошқа мавзуларни олиб ташлашнинг ҳожати йўқ. Ҳақиқатан ҳам Парвардигор билан боғланган ана шундай дунёвий нарсалар ҳам, агар улар Парвардигор Кришна ёки Унинг асл содиғи билан боғлиқ бўлса, илоҳий табиатга эга. Биз Пандузодаларнинг фаолияти ҳақида тинглаган, гапириб берган эдик, энди эса Махараж Парикшитнинг амалларини муҳокама қилишимиз, лекин бу ҳикояларнинг ҳаммаси Парвардигор Шри Кришна билан боғлиқ, шу боис улар илоҳий табиатга эга, Худонинг асл содиқлари зўр иштиёқ билан уларни тинглайдилар. Биз Бҳишмадеванинг илтижолари бобида бу мавзунини муҳокама қилган эдик.

Бизнинг умримиз узоқ эмас, мангу ҳаётининг янги саҳифасини бошлаш учун унга қачон бу танасини тарк этиш буюрилишини ҳеч ким билмайди. Шу боис бизнинг бурчимиз - умримизнинг кадрли бир лаҳзаси ҳам Кришна билан боғлиқ бўлган ҳикояларни тинглаш билан бекорга сарфланмаслигини назорат қилишдан иборат. Агар Парвардигор Кришна билан боғлиқ бўлмаса, қанчалик қизиқарли бўлса ҳам бирор ҳикоя эътиборга лойиқ эмас.

Рухий сайёра, Голока-Вриндаван, Парвардигор Кришнанинг мангу даргоҳининг шакли нилуфар гулини эслатади. Ҳатто Парвардигор моддий сайёралардан бирортасига ташриф буюрганда ҳам, У аввал шу жойда Ўзининг даргоҳини намоён этади. Шунинг учун Унинг нилуфар қадамлари пойи ҳамиша ўша нилуфар гулида туради. Бундан ташқари улар худди нилуфар гулидай ажойиб. Шу боис Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи деб аталади.

Тирик мавжудот ўзининг асл табиатига кўра мангу. Моддий қувват билан боғлангани сабабли у ҳозир, таъбир жоиз бўлса, туғилиш ва ўлишлар уммонида юрибди. Моддий қувват ҳукми остидан чиқиб, тирик мавжудот озодликка эришади ва ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга муносиб бўлади. Ўзининг моддий танасини ўзгартирмасдан мангу яшашга интилиб юрган кишилар ўзларининг қимматбаҳо вақтини бекорга сарфлаб, Парвардигор Кришна ва Унинг содиқлари билан боғлиқ бўлмаган ҳикояларни тинглаб юрмаслиги лозим.

Текст 7

Эй Сута Госвами, одамлар орасида ўлимдан қутулишга ва мангу ҳаётга эришишга интилиб юрган кишилар бор. Улар ажал фариштаси Йамаражга илтижо қилиб, ажалдан қочиб юрадилар.

Изоҳ: Тирик мавжудот қуйи ҳайвон шаклидан ундан юқорироқ бўлган одам шаклидаги ҳаётга, ундан аста-секин юксак тафаккур поғонасига

эволюцион тарзда ривожланиб борар экан, унда ажал чангалидан қутулиш истаги тобора кучайиб боради. Замонавий олимлар физика ва химия фанидан илмларини ошириш орқали ажал чангалидан қутулишга интиладилар, лекин афсуски, ажал фариштаси Йамараж шунчалик шафқатсизки, ҳатто энг билимдон олимга ҳам раҳм-шафқат қилмайди. Илм-фан ёрдамида ажални тўхтатиш ҳақидаги таълимотни кашф этган олимнинг ўзи Азроил жонини олгани келганида ажалнинг чангалига тушиб қолади. Ажал нари турсин, ҳатто ҳеч ким инсоннинг қисқа умрини атиги бир лаҳзага ҳам узайтира олмайди. Йамаражнинг шафқатсиз, ҳалокат келтирувчи фаолиятини тўхтатишга уриниш учун умидвор бўлиш мумкин бўлган ягона йўл - уни Парвардигорнинг муқаддас номини тинглаш ва қуйлашга таклиф қилиш имкониятидир. Йамараж - Парвардигорнинг буюк содиқ хизматкори, шу боис ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган асл содиқлар уни кирган ва қурбонлик маросимларига таклиф қилсалар, у бундан жуда мамнун бўлади. Шунинг учун Шаунака ва бошқа буюк зотлар бошлиқ буюк донишмандлар Йамаражни Наимишараня ўрмонидаги буюк қурбонлик маросимига таклиф қилдилар. Бу ўлишни истамай юрган одамлар учун катта бахт эди.

Текст 8

Токи ҳар кимга ажал олиб келадиган Йамараж шу ерда иштирок этар экан, ҳеч ким ажалга дучор бўлмайди. Буюк донишмандлар Парвардигорнинг вакили бўлган Йамаражни, ажал ҳукмдорини таклиф қилдилар. Унинг ҳукми остида бўлган тирик мавжудотлар Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикоя шаклидаги мана шу мангулик шарбатидан фойдаланиб қолишлари лозим.

Изоҳ: Ҳеч кимнинг ўлгиси келмайди, аммо ажалдан қутулиш йўлини ҳеч ким билмайди. Ажалдан қутулишнинг энг ишончли йўли - "Шримад Бхагаватам"да тартиб билан ёзилган Парвардигорнинг ширин лаззатли эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юришга одатланишдан иборат. Шунинг учун бу ерда шундай маслаҳат берилган: ажалдан қутулишни истаган ҳар қандай инсон Шаунака бошлиқ ришилар тавсия қилган турмуш тарзини қабул қилиши лозим.

Текст 9

Ақли етишмайдиган, дангаса, умри қисқа одамлар тунларини уйқу билан, қундузларини эса, ҳеч қандай маънога эга бўлмаган фаолият билан машғул бўлиб ўтказадилар.

Изоҳ: Қалтафаҳм одамлар нодир инсон ҳаётини муносиб кадрлай олмайдилар. Инсон танасидаги

хаёт - моддий табиатнинг энг нодир тухфаси бўлиб, баъзан моддий табиат бу нодир неъматни ўзининг кўлида бешафкат азоб-укубатлар қонунига бўйсунуш курсини ўтаётган тирик мавжудотга инъом этади. Бу - хаётда энг олий бахт-саодатга, яъни такрор ва такрор келаверадиган туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка эришиш учун берилган нодир имкониятдир. Фаросатли инсон бу мусибатлар чангалидан қутулиб кетиш учун бор кучини ишга солиб, ана шу нодир неъматдан тежамкорлик билан фойдаланади. Лекин, чуқур тафаккурга эга бўлмаган кишилар, дангаса бўладилар ва моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқариш имкониятига эга бўлган инсон танасидай нодир тухфанинг қадрига етолмайдилар. Уларни иқтисодий тараққиёт кўпроқ қизиқтиради, шу боис улар бутун умри давомида ўткинчи тананинг сезгиларининг талабини қондириш учун оғир меҳнат қиладилар. Табиат қонунларига кўра қуйи турдаги ҳайвонларга ҳам ҳиссий лаззатланиш имконияти берилган, худди шундай, инсонга ҳам, унинг аввалги ва ҳозирги ҳаётига мос равишда маълум миқдорда ҳиссий лаззатланиш имконияти бериб қўйилган. Лекин, шуни яхши тушуниб олишга албатта ҳаракат қилиш лозимки, ҳиссий лаззатланиш, яъни сезгиларнинг лаззатланишга бўлган эҳтиёжини қондириш инсон ҳаётининг якуний мақсади эмас. Мазкур шеърда айтилганки, инсон кун бўйи "бекорга" меҳнат қилади, чунки унинг мақсади - ҳиссий лаззатланишдан бошқа нарса эмас. Инсон фаолиятининг бемаънилиги айниқса катта шаҳарларда ва саноат марказларида яққол кўзга ташланади. Уларда инсоннинг куч-қуввати билан ишлаб чиқарилган шунча нарсалар бор, лекин буларнинг ҳаммаси инсонни моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқариш учун эмас, балки сезгиларни лаззатлантириш учун мўлжалланган. Тунлари эса, кун бўйи оғир меҳнат қилиб чарчаб келган киши уйкуга кетади ёки жинсий ҳаёт билан машғул бўлади. Калтафаҳм одамлар учун мўлжалланган дунёвий маданиятга асосланган ҳаёт дастури шундан иборат. Шунинг учун бу ерда улар дангаса, омадсиз умри қисқа одамлар деб аталган.

Текст 10

Сута Госвами шундай деди: Махараж Парикшит Курулар салтанатининг пойтахтида яшар экан, унинг салтанатига Кали -юга аломатлари кириб кела бошлади. Бундан хабар топганида, бу янгиликни у ёқимли хушхабар деб билмади. Лекин, бу унга жанг қилиш, курашиш имкониятини берарди. У қўлига камон ва пайконларини олиб ҳарбий ҳаракатларга ҳозирлик кўра бошлади.

Изоҳ: Махараж Парикшит давлатни шунчалик мукамал бошқарар эдики, бемалол ўзининг пойтахтида хотиржам яшай оларди. Лекин унга

салтанатида Кали юга даврининг аломатлари пайдо бўла бошлагани ҳақида хабар келтирдилар, бу янгилик унга ёқмади. Кали-йуганинг аломатлари қандай? Улар: 1) аёллар билан нокуниний алоқа қилиш; 2) гўшт истеъмол қилиш; 3) маст қилувчи нарсалар истеъмол қилиш; 4) ҳар хил кимор ўйинларидан лаззат олиш. Кали йуга дегани "жанжаллар даври" деганни англатади, юқорида кўрсатилган тўрт иш инсонлар жамиятидаги барча жанжалларнинг асосий сабаби ҳисобланади. Махараж Парикшит ўзининг салтанатидаги баъзи одамларда ана шундай аломатлар пайдо бўлаётганидан хабар топди ва жамиятда турли нотинчликларнинг келиб чиқишига олиб келадиган бу сабабларни дарров бартараф қилиш учун кескин чоралар кўришга интилди. Демак, Махараж Парикшит ҳукмронлик қилган давргача жамиятдаги одамлар орасида бундай аломатлар бутунлай номаълум эди, улар пайдо бўла бошлаган заҳоти шох уларни бартараф қилишга шошилди. Бу янгилик албатта унга ёқмади, лекин барибир бир томондан бу янгилик уни қувонтирди, чунки Махараж Парикшит жанг қилиш, курашиш имкониятига эга бўлди. У кичик давлатлар билан жанг қилиб юришининг ҳождати йўқ эди, чунки ҳамма тинчлик билан унга бўйсунарди. Аммо Кали йуганинг золим ишлари унга ўзининг жанговор руҳини намоён этишга имкон бердилар. Худди спортчи бирор мусобақада иштирок этиш имкониятидан қувонгани сингари, комил кшатрий шох жанг қилиш имкониятига эга бўлганидан ҳаммиша хурсанд бўлади. Кали йугада ана шундай аломатларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол бўлиши ҳали ҳеч нарсани исботламайди. Яъни, агар бу ҳол Кали йуга учун табиий ҳол бўлса, унга қарши курашишга ҳозирлик кўришнинг нима кераги бор, демаслик керак. Бундай гапларни фақат дангаса ва омадсиз одамлар айтиши мумкин. Ёмғир палласида ёмғир ёғиши табиий ҳол бўлгани билан барибир одамлар ундан сақланиш учун ҳар хил чора излаб топадиларку. Худди шундай, Кали йугада ҳам юқорида кўрсатилган аломатлар албатта жамият ҳаётида пайдо бўла бошласа ҳам, ҳукуматнинг бурчи - фуқароларни Кали йуга вакиллари билан бирга бўлишдан ҳимоя қилишдан иборат. Махараж Парикшит Кали йугага хос бўлган гуноҳ ишларни қилиб юрган золим одамларни жазоламоқчи ва бу билан диний таълим-тарбия асосида эзгу ишларга одатланган беғуноҳ одамларни уларнинг таъсиридан қутқариб қолмоқчи эди. Ана шундай фуқароларни ҳимоя қилиш шохнинг бурчи ҳисобланади, Махараж Парикшитнинг жангга ҳозирлик кўра бошлаши мутлақо тўғри эди.

Текст 11

Махараж Парикшит қора(ворон) тулпор отлар қўшилган жанг аравасига чикди. Унинг байроғида арслон сурати бор эди. Шундай безаниб, жанг аравалари, отлиқлар, филлар ва

пиёда аскарлардан иборат катта кўшин билан бирга у оламнинг барча тарафини забт этиш учун пойтахтни тарк этди.

Изоҳ: Бобоси Аржундан фаркли равишда Махараж Парикшит ўзининг жанг аравасига оқ эмас, қора отлар кўшган эди. У ўзининг жанговор байроғини арслон сурати билан беади, бобосининг байроғида Хануманнинг расми бор эди. Безанган жанг аравалари, отлиқлар, филлар ва пиёда жангчилардан иборат кўшин билан бирга чиққан Махараж Парикшит сингари шоҳнинг тантана билан йўлга отланиши шунчаки кўзларни қувонтириб қолмасдан, ҳатто жанг майдонида ҳам гўзалликка эътибор берадиган улғувор маданиятнинг белгиси ҳисобланади.

Текст 12

Махараж Парикшит Ер юзининг барча томонини - Бхадрашвани, Кетумалани, Бхаратани, Куруларнинг шимолий мамлакатини, Кимпурушани ва бошқа давлатларни забт этди ва уларнинг ҳукмдорларига товон миқдорини белгилади.

Изоҳ: **Бхадрашва.** Меру Парвати яқинидаги Гандха-мадана Парватидан то шўр сувли океангача бўлган давлат. Бу варшанинг таърифи "Маҳобҳорат"да берилган(Бхишма-парва 7.14-18). Бу давлатни Дхритараштрага Санжай таърифлаб берган.

Махараж Йудхистхира ҳам бу варшани забт этган ва уни ўзининг империяси таркибига қўшиб олган эди. Махараж Парикшит бобоси ҳукмронлик қилган бутун жаҳон императори деб эълон қилинган эди, аммо у ана шу давлатлардан ўлпон тўплаш учун пойтахтдан чиққанида, барибир улар устидан ўзининг ҳокимлигини тасдиқлашга тўғри келди.

Кетумала. Ер сайёраси етти океан билан етти орол - двипага бўлинган. Жамбудвипа деб аталадиган марказий двипа саккизта катта тоғ билан тўққиз варша(қисм)га бўлинган. Бхарата-варша - ана шу тўққиз варшанинг биттаси ҳисобланади, Кетумала ҳам ана шу варшалардан бири. Айтишларига қараганда Кетумаланинг аёллари жуда чиройли. Бу варшани Аржун ҳам забт этган эди. Оламнинг бу қисми "Маҳобҳорат"(Сабха-парва 28.6)да таърифланган.

Оламнинг бу қисми Меру Парватидан ғарб тарафда жойлашган бўлиб, унда яшайдиган аҳоли ўн минг йил умр кўрган(Бхишма-парва 6.31). Бу ернинг одамларни олтинранг танада, аёллари самовий париларни эслатади. Улар касаллик ва мусибат нималигини билмай яшайдилар.

Бхарата-варша, оламнинг бу қисми Жамбудвипанинг тўққиз варшасидан биттаси. Бхарата-авршанинг таърифи "Маҳобҳорат"(Бхишма-парва 9-10боб)да берилган.

Жамбудвипанинг марказида Илаврита-варша жойлашган, ундан жанубга қараб - Хари-варша жойлашган. Бу варшалар "Маҳобҳорат"(Сабха-парва. 28.7-8)да берилган. Яна айтилганки, бу икки варшанинг аёллари ҳам жуда гўзал бўлиб, уларнинг баъзилари гўзалликда ҳатто апсара - жаннатдаги аёллардан қолишмаган.

Уттарактуру. Ведавий география бўйича Жамбудвипанинг энг шимолий қисми Уттарактуру-варша деб аталади. У уч тарафдан шўр сувли океан билан ўралган ва Хиранмайя-варшадан Шрингаван тоғлари билан ажралиб туради.

Кимпуруша-варша. Баландлиги ва узунлиги саксон минг км, кенглиги - ўн олти минг км бўлган буюк Ҳимолай тоғларидан шимол томонда жойлашган. Бу вилоятни ҳам Аржун забт этган эди(Сабха-парва.28.1-2). Кимпурушалар Дакшанинг қизининг авлодлари. Махараж Йудхистхира от қурбонлик қилиш маросимини ўтказганида ана шу вилоят аҳолиси ҳам маросимда иштирок этиб, императорга товон тўлаган эдилар. Оламнинг бу қисми Кипуруша-варша, баъзан эса - Ҳимолай вилояти, яъни Ҳимавати деб аталади. Айтишларига қараганда Шукадева Госвами ана шу вилоятда туғилган ва кейин Ҳимолай давлатлари орқали ўтиб, Бхарата-варшага келган.

Бошқача қилиб айтганда, Махараж Парикшит бутун оламни забт этган. У денгиз ва океанлар билан ўралган барча континентларни: оламнинг шарқий, ғарбий, шимолий ва жанубий томонларини забт этган.

Текст 13-15

Шоҳ қаерга борса ҳам Худонинг содиқлари бўлган ўзининг буюк аждодларининг ва Парвардигор Кришнанинг шон-шухрати ҳақидаги гапларни эшитарди. У Парвардигор унинг ўзини ҳам Ашваттхаманинг даҳшатли қуроли оловидан ҳимоя қилгани ҳақида ҳам эшитди. Шунингдек, одамлар Вришни ва Притхи авлодлари бир бирларига қаттиқ боғланган экани, бунга сабаб Притхи авлодларининг Парвардигор Кришнага бўлган чексиз садоқати экани ҳақида ҳам гапирар эдилар. Шоҳ уларнинг шон-шухратини шарафлаб қуйлаган кишилардан жуда мамнун бўлиб, қаттиқ хайратга тушиб кўзларини катта очарди. Шоҳ уларга саховат билан қимматбаҳо маржонлар ва чиройли либослар совға қиларди.

Изоҳ: Шоҳларга ва мамлакатнинг буюк шахсларига ана шундай олқишлар билан мурожаат қиладилар. Бу одат қадим замонлардан бери бор, Махараж Парикшитга ҳам дунёнинг турли чеккаларида ана шундай табрик сўзлари билан мурожаат қилардилар, чунки у энг машҳур императорлардан бири эди. Ана шу табрик сўзларининг мавзуси Кришна бўларди. Худди шоҳ деганда шоҳ ва унинг яқин ҳамроҳларини тушуниш керак бўлгани сингари, Кришна деганда

Парвардигор Кришна ҳамда Унинг мангу содик хизматкорлари назарда тутилади.

Кришна ва Унинг асл содиклари бир биридан ажралмаган, шу боис Кришнанинг содикларини олқишлаш Парвардигорнинг Ўзини олқишлаш билан бир ва аксинча. Махараж Парикшит агар уларнинг номлари Парвардигор Кришнанинг кароматлари билан боғлиқ бўлмаса ўзининг Махараж Йудхитхира ва Аржун сингари аждодларининг ишларини олқишлаб гапирганларини тинглашдан хурсанд бўлмасди. Парвардигор атайлаб Ўзининг содик хизматкорларини озодликка чиқариш учун бу дунёга келади(паритранайа садхунам). Парвардигорнинг иштирок этиши Худонинг содикларини шарафлайди, чунки улар Парвардигорсиз ва Унинг турли қувватларисиз бир лаҳза ҳам яшай олмайдилар. Парвардигор Ўзининг содик хизматкорига Ўзининг шон-шуҳрати ва кароматларида намоён бўлади, шунинг учун Махараж Парикшит одамлар Парвардигорнинг кароматлари ҳақида, айниқса Парвардигор уни у ҳали онасининг қорнида пайтида ҳимоя қилгани ҳақида гапирганларида Парвардигор ҳозир ҳам ўзининг ёнида иштирок этаётганини ҳис қиларди. Худонинг содиклари ҳамиша хавф-хатарсиз яшайдилар, аммо ҳар қадамда турли хавф-хатар учраб турадиган моддий оламда Худонинг содиклари баъзан қийин аҳволга тушиб қолгандай бўладилар. Парвардигор уларни шундай қийин вазиятдан қутқариб олганида, улар шу иши учун Парвардигорни олқишлайдилар. Агар Худонинг содиклари бўлган Пандузодалар Курукшетрадаги жангда иштирок этишга мажбур бўлиб қийин аҳволга тушиб қолмаганларида Парвардигор Кришна шунчаки "Бхагавад-гита"нинг муаллифи сифатида шуҳрат қозонмаган бўларди. Парвардигорнинг ана шу кароматларининг ҳаммаси одамларнинг табрик сўзларида эслаб ўтиларди, шу боис Махараж Парикшит бундан жуда мамнун бўлиб, ўзига шундай табрик сўзи билан мурожаат қилганларни саховат билан мукофотлаган. Ҳозирги кундаги табрик сўзлари ўша даврдаги табрик сўзларидан шуниси билан фарқ қиладики, аввал бундай гаплар билан Махараж Парикшит сингари буюк зотларга мурожаат қилардилар. Уларда кўплаб аниқ тарихий фактлар келтирилар, уларни айтганлар катта совға олардилар. Ҳозирги кундаги олқишлар эса ҳақиқатдан йироқ бўлган, асосан раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган кишини мамнун қилишга қаратилган ёлғон-яшиқ гаплардан иборат. Ўзи қашшоқ бўлган амалдор эса, унга мурожаат қилган кишига камдан кам ҳолларда совға беради.

Текст 16

Махараж Парикшит эшитдики, ҳамма итоат қиладиган Парвардигор Кришна Ўзининг бесабаб марҳамати билан гоҳида Пандунинг итоаткор ўғилларининг истакларига мос

равишда гоҳида уларнинг жиловдори бўлиб, гоҳида мажлис раҳбари бўлиб, гоҳида дўсти, элчиси, тунда посбони бўлиб, уларга худди хизматкордай итоат қилиб, ёки кичик қариндошдай уларни ҳурмат қилиб уларга ҳар жиҳатдан хизмат қилиб юрган. Махараж Парикшит ана шулар ҳақида тинглар экан, қалби Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига садоқат туйғуси билан лиммо-лим тўлиб кетарди.

Изоҳ: Пандузодалар сингари асл содиклар учун Парвардигор Кришна ҳамма нарсдан азиз эди. Кришна улар учун ҳам Парвардигор, руҳий устоз, улар сиғинадган Илоҳ, йўл бошловчи, жиловдор, дўст, хизматкор, элчи ва қисқаси тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳамма нарса эди. Парвардигор ҳам Ўз навбатида Пандузодаларнинг ана шундай яқин ҳис-туйғуларига муносиб жавоб берарди. Парвардигорнинг асл содиғи сифатида Махараж Парикшит Парвардигор Кришна ўзининг аждодларининг яқин илоҳий муносабатларига қанчалик жавоб берганини муносиб баҳолашга кодир эди ва бу ҳикоялар унинг ўзини Парвардигор билан ўзаро муносабатларнинг жазавали илоҳий лаззатиға ғарқ бўлишга мажбур қиларди. Парвардигор Ўзининг содик хизматкорининг ҳис-туйғуларига қанчалик жавоб беришини муносиб баҳолай олиш билан инсон нажот топиши мумкин. Парвардигорнинг Ўз содиклари билан бўлган ўзаро муносабатлари оддий одамларнинг муносабатларига ўхшайди, лекин уларни ҳақиқатан ҳам тушуниб етган киши ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетишга муносиб зот бўлади. Пандузодалар Парвардигорнинг амрига шунчалик итоаткор эдиларки, Унга хизмат қилиш учун куч-қувватларини истаганча қурбон қилардилар, ана шундай беғубор пок қатъиятлари туфайли улар ўзлари истаган кўринишда Парвардигорнинг марҳаматиға эришганлар.

Текст 17

Энди мен сизларга Махараж Парикшит ўз аждодларининг эзгу ишлари ҳақидаги гапларни тинглаб, улар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларға ғарқ бўлиб юрган кунларда қандай воқеа содир бўлгани ҳақида гапириб бераман.

Текст 18

Дин қонунларининг тимсоли бўлган Дхарма, хўкиз қиёфасига кириб айланиб юрар экан, сизир қиёфасида юрган Ер сайёрасининг тимсолини учратиб қолди, у худди фарзандидан айрилиб қолган онадай азият чекарди. Унинг кўзлари тўла ёш эди, танаси ўзининг аввалги гўзаллигини йўқотган эди. Шунинг учун Дхарма Ерга шундай саволлар билан мурожаат қилди.

Изоҳ: Хўкиз - ахлоқ қоидалари тимсоли, сигир эса - Ер сайёрасининг тимсоли. Хўкиз билан сигир хурсанд бўлса, Ер юзидаги одамлар ҳам шод-хуррам яшайдилар. Бунинг сабаби шундаки, хўкиз далаларда дон етиштиришга ёрдам беради, сигир эса таркибида инсон ҳаёти учун зарур бўлган барча нарсалар бор бўлган сут етиштириб беради. Шу боис маданиятли инсонлар жамияти ана шу фойдали ҳайвонлар истаган жойларида қувноқ айланиб юра олишлари учун уларга жуда ғамхўрлик қиладилар, аммо ҳозир, Кали йуга даврида, браҳманлар маданияти билан таниш бўлган маълум тоифадаги одамлар сигир ва хўкизларнинг шафқатсизларча ўлдириб гўшттини ейдилар. Лекин, агар инсонлар жамиятида браҳманлар маданияти - маданиятнинг энг олий ва мукамал тури кенг тарқалса, фақат шунинг ўзиёқ бутун инсониятнинг бахти учун сигир ва хўкизларни етарлича ҳимоя қилишни таъминлаган бўларди. Ана шундай маданиятни ривожлантириш жамиятнинг ахлоқий муҳитини яхшилайти, шу тариқа жамиятда ортиқча ҳаракатларсиз тинчлик ва фаровонликка эришилади. Браҳманлар маданияти таназзулга юз тутса, ғофил ва шафқатсиз одамлар сигир ва хўкизларга зулм ўткази бошлайдилар, бундай оғир гуноҳларнинг оқибатлари қуйидагича намоён бўла бошлайди.

Текст 19

(Хўкиз танасидаги) Дхарма шундай деди: Эй хурматли зот, саломатлигинг жойидами? Нима сабабдан сенга мусибат соя солибди? Юзинг қорайиб кетгандай кўринади. Балки сен қандайдир ички касалликдан изтироб чекаётгандирсан ёки сендан йироқда бўлган бирор қариндошинг ҳақида ўйлаётгандирсан?

Изоҳ: Ҳозирги Кали йуга даврида бутун жаҳондаги одамлар ҳар хил ташвиш-хавотир ичида юрадилар. Ҳар ким қандайдир касалга чалинган. Ҳозирги даврдаги одамларнинг ақли қандай ҳолатда эканини уларнинг юзига қараб билса бўлади. Ҳар ким уйдан йироқда бўлган ўзининг яқин қариндошлари билан бўлган ҳижрон азобидан қийналади. Кали йуганинг алоҳида белгиси шундан иборатки, бирор оилада қариндошлар ҳаммаси бирга яшай олмайди. Тирикчилик учун пул топиш мақсадида ота ўғилдан йироқда, эр-хотиндан йироқда ва ҳоказо. Одамлар ички касалликлар, яқин кишилари ва қариндошларидан айрилгани сабабли, ўзларининг мартабасини сақлаб қолишдан хавотирга тушиб азият чекадилар. Булар ҳозирги давр одамларини бахтсиз кун кечиришга мажбур қиладиган асосий сабаблардан баъзилари ҳолос.

Текст 20

Мен уч оёғимдан маҳрум бўлдим, энди бир оёғимда турибман. Сен менинг аҳволимга

ачиниб изтироб чекаётганинг йўқми? Ёки сен бундан кейин жиноятчи гўштхўр золим сенга зулм етказишларидан қаттиқ хавотирга тушиясанми? Балки сен ҳозирги даврдаги одамлар қурбонлик маросими ўтказмай қўйгани сабабли фаришталар ўз улушларидан маҳрум бўлганидан изтироб чекаётгандирсан? Ёки сен очарчилик ва қурғоқчилик сабабли мусибат чекаётган тирик мавжудотларни ўйлаб азият чекаётгандирсан?

Изоҳ: Вақт ўтиши билан Кали йуга даврида аста-секин: 1) одамларнинг умри қисқара боради; 2) меҳр-оқибат йўқолиб кетади; 3) одамларнинг хотираси пасайиб кетади; 4) одоб-ахлоқ (дин) қонунлари бузилиб кетади. Дхарма, яъни дин қонунларининг тўртдан уч қисми йўқолиб кетгани сабабли дин тимсоли бўлган хўкиз фақат бир оёқда турибди. Аҳолининг тўртдан уч қисми имонсиз, худобехабар одамларга айланганида бу ердаги ҳайвонларнинг ҳаёти дўзахга айланади. Кали йуга даврида худобехабар жамиятда турли сохта диний жамоалар юзага келиб, улар бевосита ёки билвосита Худо Шахсини инкор эта бошлайдилар. Шу тарзда имонсиз одамлар жамияти бу оламни соғлом фикрли инсонлар яшаши учун ярқисиз ҳолга келтирадилар. Худонинг Олий Шахсига бўлган ишончи, имони даражасига қараб одамлар ҳар хил тоифага бўлинадилар. Биринчи нав имонли кишилар - ваишнавлар ва такводор браҳманлар, кейин кшатрийлар, кейин вайшйалар, кейин шудралар, млеччхалар, йаванлар ва ниҳоят чандаллар. Инсон табиатининг таназзулга юз тутиши млеччхалардан бошланади, чандаллар - уларнинг тубанлигининг энг қуйи поғонаси. Ведавий муқаддас китобларда келтирилган бу ибораларнинг ҳаммаси ҳеч қачон маълум бир жамоага, миллатга ёки қабилага нисбатан ишлатилмаган. Улар одамларнинг шахсий сифатларининг кўрсаткичларидир. Одамнинг ижтимоий келиб чиқиши ёки бирор жамоада туғилиш сабабли маълум бир тоифага мансуб бўлиб қолиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ўз интилишлари билан ўзида ҳар бир тоифа учун зарур бўлган сифатларни ривожлантириши мумкин, шунинг учун атрофидаги муҳитга, бирга юрган одамлар даврасига ва Парвардигор билан яқинлигига қараб ваишнавининг ўғли млеччха бўлиши, чандалнинг ўғли эса браҳмандан ҳам юқори даражага кўтарилиши мумкин.

Гўштхўр одамларни одатда млеччха деб атайдилар. Лекин ҳамма гўштхўрлар ҳам албатта млеччха бўлавермайди. Гўштни муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида истеъмол қиладиган кишилар млеччха ҳисобланмайдилар, аммо ҳеч қандай қонун-қоидага риоя қилмай гўшт еб юрганлар млеччхалар деб аталадилар. Сигир гўшттини ейиш барча муқаддас китобларда таъқиқланган, шу боис Ведалар маданиятига

мансуб кишилар сигир ва хўкизга алоҳида ғамхўрлик қиладилар. Лекин ҳозирги Кали йуга давридаги одамлар сигир ва хўкизнинг танасидан ўзлари истаганча фойдаланишга интиладиган, шу сабабли ўзларининг бошига ҳар хил мусибатларни сотиб оладилар.

Ҳозирги даврдаги одамлар ҳеч қандай қурбонлик маросими ўтказмайдилар. Млеччхалардан таркиб топган аҳоли қурбонлик маросими ўтказишга аҳамият бермайди, лекин аслида айнан ҳиссий лаззатланишга муккасидан кетган шундай одамлар кўпроқ қурбонлик маросимлари ўтказишлари керак. "Бхагавад-гита"(3.14-16)да қурбонлик маросими ўтказиш алоҳида таъкидлаб айтилган.

Тирик мавжудотларни Тангри Брахма яратган, рухий юксалиш йўлида турган тирик мавжудотнинг тирикчилигини таъминлаб туриш учун у қурбонлик маросими ўтказиш тизимини ўрнатган. Бу тизим шундан иборатки, ғалла ва сабзавот етиштириб, уларни истеъмол қилиб, тирик мавжудотлар танасининг мавжудлигини таъминлаб туриш учун уруғлик ва қон сифатида куч-қувват оладилар, уруғлик ва қондан бир тирик мавжудот иккинчи тирик мавжудотни дунёга келтиради. Аммо ғалла ва сабзавотларни фақат ёмғир ёғсагина етиштириш мумкин, вақтида ёмғир ёғиши учун муқаддас китобларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказиб туриш лозим. Ана шундай қурбонлик маросимлари Ведалардаги(Риг-, Сама-, Яджур-, Атхарва-веда) қонун-қоидалар асосида ўтказилади. "Ману-самхита"да айтилганки, оловга бирор нарса эҳсон қилиш билан биз Қуёш фариштасини мамнун қиламиз. Қуёш фариштаси мамнун бўлса, у денгиздан зарур бўлган сувни олиб, осмонда зарур миқдорда булутларни яратади ва етарлича ёмғир юборади. Агар ёмғир етарли ёғса, дон маҳсулотлари одамларга ҳам, ҳайвонларга ҳам етарли миқдорда етиштирилади, шу тарзда тирик мавжудот етарли куч-қувватга эга бўлиб ўз фаолияти давомида эволюцион ривожланишда давом этиши мумкин. Аммо *млеччхалар*, фақат фабрикаларни кўпайтириш билан, қурбонлик маросими ўтказиш ва дон етиштириш ҳақида ўйламасдан фақат гўшт маҳсулотлари билан тирикчилик қилиб фаровонликка эришамиз деган ниятда хўкизларни, сигирларни ва бошқа ҳайвонларни сўйиш учун қушхоналар қуришни режалаштирадилар. Лекин, улар тушуниб олишлари лозимки, ҳатто ҳайвонларни етиштириш учун ҳам албатта дон маҳсулотлари етиштириш керак бўлади, акс ҳолда улар яшай олмайдилар. Ҳайвонларни етиштириш учун зарур бўлган ўт-ўланлар униб чиқиши учун ҳам ёмғир керак. Демак, барибир улар Қуёш фариштаси, Индра, Чандра сингари фаришталарнинг марҳаматига боғлиқ бўладилар, бунинг учун эса уларни қурбонлик маросими ўтказиш билан мамнун қилиш лозим.

Аввал бир неча марта таъкидлаганимиздай, моддий олам худди қамоқхонага ўхшайди. Фаришталар - Парвардигорнинг ана шу қамоқхонадаги тартибни назорат қилиб турадиган хизматкорлари. Улар Худонинг даргоҳида Худосиз, имонсиз яшашни истаб Парвардигорга қарши чиққан тирик мавжудотлар бу дунёга, яъни қамоқхонага тушгандан кейин аста-секин Парвардигорнинг олий иродасига бўйсуна бошлаганини кўришни истайдилар. Шунинг учун муқаддас китобларда қурбонлик маросими ўтказиш тизими келтирилган.

Дунёвий одамлар тер тўкиб ишлашни, кейин ўз меҳнатининг сезгиларга лаззат келтирадиган карма оқибатларидан лаззатланиб яшашни истайдилар. Шу боис улар ҳар қадамда турли гуноҳ ишларни қилиб юрадилар. Онгли равишда ўз хоҳиши билан ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган кишилар эса, ҳар хил гуноҳ ва савоб ишларга нисбатан илоҳий муносабатда бўладилар. Уларнинг фаолияти моддий табиатнинг уч гунаси иллатидан пок фаолиятдир. Худонинг содиқлари ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимлари ўтказиб юришларининг ҳожати йўқ, чунки содиқнинг ҳаётининг ўзи - қурбонлик тимсолидир. Аммо, ўз ҳиссиётини лаззатлантириш ниятида кармали фаолият билан шуғулланиб юрган кишилар ведаларда кўрсатилган қурбонлик маросимларини ўтказишлари лозим, чунки мана шу улар учун ўзлари қилган гуноҳлари оқибатидан қутулишнинг ягона йўлидир. Қурбонлик маросими - тўпланган гуноҳлар оқибатини яқсон қилиш усулидир. Худди қамоқхонадаги назоратчилар маҳбусларнинг барча қоидаларга риоя қилиб юрганидан мамнун бўлгани сингари, фаришталар ҳам ўтказилган ана шундай қурбонлик маросимлари туфайли кармилардан мамнун бўладилар. Лекин Парвардигор Чаитанья ҳозирги даврда Харе Кришна мантрасини биргаликда қуйлашдан иборат бўлган, санкиртана-йагья деб аталадиган, ҳар ким иштирок этиши мумкин бўлган ягона қурбонлик маросими ўтказишни тавсия қилган. Шундай қилиб, Худонинг содиқлари ҳам, *кармилар* ҳам биргаликда *санкиртана-йагья* ўтказиш орқали бир хил манфаатга эриша оладилар.

Текст 21

Балки сен виждонсиз эрлари ташлаб кетган бахтиқаро аёлларга ва уларнинг фарзандларига ачинганингдан изтироб чекаётгандирсан? Ёки сен дин қонунларига зид ишлар қилиб юрган брахманлар илм фариштасига ҳукмронлик қилаётганидан хафамисан? Ёки брахманларнинг брахманлар маданиятини ҳурмат қилмайдиган қшатрийлар паноҳига кириб олганини кўриб хафа бўляпсанми?

Изоҳ: Кали йуга даврида аёллар билан болаларга нисбатан ҳам, брахманлар ва сигирларга нисбатан ҳам кўпол муносабат қиладилар, уларни ҳимоясиз ташлаб қўядилар. Бу даврда ноқонуний жинсий алоқалар шунга олиб келадики, кўплаб болалар ва аёлларга ғамхўрлик қиладиган одам топилмай қолади. Шунга мос равишда аёллар эркаклардан мустақил яшашга, тенг ҳуқуқли бўлишга интиладилар, никоҳ шунчаки аёл билан эркак орасидаги расмий шартнома бўлиб қолади. Кўпчилик ҳолларда болаларга муносиб ғамхўрлик қилинмайди, таълим-тарбия берилмайди. Одатда брахманлар чуқур ақл-идрок эгалари ҳисобланади, шу боис улар ҳозирги илм-фан сирларини осонлик билан эгаллаб оладилар, лекин одоб-ахлоқ ва дин қонунлари бўйича улардан ҳам пасткаш одамлар бўлмайди. Одатда ёмон хулқ-атвор билан билимдонлик биргаликда мавжуд бўлолмайдиган нарсалар, аммо Кали-югада улар бирга бўладилар. Ҳукмдорлар табақаси ведавий донишмандлик қоидаларини қоралайдилар ва дунёвий давлат тизимини бошқаришни истайдилар. Имонсиз аммо илмли брахманлар ўзларининг илмини пулга сотиб, ана шундай виждонсиз, тутуруғи йўқ ҳукмдорларнинг қўлларида қурол бўлиб хизмат қиладилар. Ҳатто файласуфлар ва дин қонунларини тушунтирадиган кўплаб китоблар ёзган кишилар ҳам шастраларнинг барча одоб-ахлоқ қонунларини инкор этадиган ана шундай ҳукумат таркибида юқори лавозимларни эгаллаб турадилар. Брахманларга ана шундай ишларга ёлланиш қатъиян ман қилинган, аммо Кали йугада улар ана шундай ишларга ёлланиб қолмасдан, энг жирканч ишлар билан ҳам шуғуллана бошлайдилар. Бутун инсониятнинг фаровон турмушини издан чиқарадиган Кали йуганинг баъзи бир аломатлари ана шулар.

Текст 22

Ҳозир, Кали йуга таъсири остида адашган калтафаҳм ҳукмдорлар давлат ишларини жуда тартибсиз ҳолатга келтириб қўйганлар. Сен ана шу тартибсизликлар сабабли азият чекапсанми? Ҳозир одамлар овқатланиш, ухлаш, ичиш, жинсий алоқа қилиш ва бошқа ишларда ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмай қўйганлар ва бу ишлар билан истаган жойда, истаган пайтда шуғулланаверадилар. Ё сен шуларни кўриб ўзингни бахтсиз ҳис қиляпсанми?

Изоҳ: Одамлар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам бир хилда зарур бўлган эҳтиёжлар бор: овқатланиш, ухлаш, ўзини ҳимоя қилиш ва жинсий алоқа. Тананинг бундай эҳтиёжлари одамларда ҳам бор, ҳайвонларда ҳам. Лекин инсон танасининг бу эҳтиёжларини худди ҳайвонлардай эмас, балки инсон деган номга муносиб ҳолда қондириши лозим. Балки ит ҳеч кимдан уялмасдан кўчада одамларнинг кўзи олдида қанжик билан жинсий

алоқа қилиши мумкин, аммо одам ҳам шундай иш қилса, унинг бу амали жамоат тартибини бузиш ҳисобланади ва уни қонун бўйича жазолайдилар. Шундай қилиб, жамиятда ҳеч бўлмаса энг оддий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш тартибини сақлаб туриш мақсадида инсонлар учун маълум қонун-қоидалар ўрнатилган. Аммо, Кали йуганинг таъсири одамлар жамиятини йўлдан адаштирганида, одамлар ана шу оддий одоб-ахлоқ қоидаларига ҳам амал қилмай қўядилар. Ҳозирги даврда одамлар ўзларининг эҳтиёжларини ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмасдан қондирадилар, одоб-ахлоқ қонунларининг бундай таназзулга юз тутиши албатта жуда ачинарли ҳолат, чунки ҳайвонсифат одамларнинг ана шундай хулқ-атвори ҳаммага ўз таъсирини ўтказди. Ҳозирги даврда оталар ва ҳомийларни улар ғамхўрлик қиладиган болаларнинг хулқ-атвори қониқтирмайди. Улар билиб қўйишлари лозимки, бегуноҳ болалар Кали йуга тикиштираётган ҳалокатли муҳитнинг ва бадахлоқ одамлар даврасининг таъсири қурбони бўлиб қоладилар. "Шримад Бхагаватам"дан биз биламизки, брахманнинг бегуноҳ ўғли Аджамила бир куни йўлда бораётиб, беҳаёларча бир бирини кучоклаб турган икки шудрага кўзи тушиб қолади. Ана шу ҳолат бу боланинг эътиборини ўзига тортади ва кейинчалик унинг ўзи ҳам йўлдан адашиб кетади. Гарчи Аджамила пок брахман бўлса ҳам, у ёмон муҳит ва бадахлоқ одамлар даврасининг салбий таъсири натижасида тубанликка юз тутиб шудраларникидай ачинарли аҳволга тушиб қолади. Ўша даврда Аджамила Кали йуганинг ягона қурбони эди, аммо ҳозирги кунда бахтиқаро бегуноҳ мактаб ёшидаги болаларнинг ҳаммаси ҳар куни телевидение орқали бериладиган, одамларни фақат жинсий ҳаёт билан яшашга ундайдиган бадахлоқ кинофильмлар қурбони бўляптилар. Ўзларини ҳукмдор ҳисоблар юрган ҳукумат раҳбарлари ҳақиқий кшатрийларнинг бурчи нимадан иборат эканини билмайдилар. Кшатрийлар халқни бошқаришлари лозим, брахманлар эса, муқаддас китобларни ўрганиб, уларга насиҳат беришлари лозим. Зарур бўлган таълим-тарбияга, ҳеч қандай маданиятга эга бўлмасдан, урф-одатларга амал қилмасдан ҳукмдорлик лавозимини эгаллаган номуносиб кишилар ёки нобоп ҳукмдорлар *киштра-бандха* деб аталадилар. Ҳозирги даврда улар ана шундай юқори лавозимларга ўзлари ҳам ҳеч қандай қонун-қоидаларга риоя қилмасдан яшайдиган одамларнинг берган овозлари билан эришадилар. Ҳақиқий инсонларга хос ҳаётдан бутунлай четга чиқиб кетган ана шундай ҳайвонсифат одамлар қандай қилиб муносиб ҳукмдорни сайлашлари мумкин? Шунинг учун Кали йуга таъсири остида ҳамма жойда - сиёсатда, ижтимоий ҳаётда ва динда - ҳамма ишлар тескари, чалкашиб кетган, соғлом фикрли кишилар бунини кўриб жуда қийналадилар.

Текст 23

Эй она ер, Худонинг Олий Шахси, Хари, сенинг оғир мусибатингни енгиллатиш учун Парвардигор Шри Кришна киёфасида ташриф буюрди. Унинг бу ердаги барча кароматлари илохий табиатга эга ва озодликка чиқишга йўл очиб беради. Балки сен Унинг ана шу кароматлари ҳақида ўйлаётган бўлсанг ва улар ҳаммаси энди ўтмиш бўлиб қолганидан хасрат-надоматда бўлсанг керак?

Изоҳ: Парвардигорнинг кароматлари ҳам озодликка олиб чиқади, аммо улар *нирвана*, яъни озодликдан кўра кўпроқ лаззат келтиради. Шрила Жива Госвами ва Вишванатха Чакраварти Тхакурунинг фикрларига кўра, мазкур шеърда ишлатилган *нирвана-виламбитани* ибораси "озодликни беқадр қиладиган зот" деган маънони билдиради. Нирвана(озодлик) ҳолатига эришиш учун аввал қаттиқ (риёзат)тапасйа орқали ўтиш лозим, аммо Парвардигор шунчалик марҳаматлики, Ернинг мусибатини енгиллатиш учун Ўзи ташриф буюради. Унинг ана шу кароматлари ҳақида эслашнинг ўзиёқ нирвана келтирадиган лаззатга умуман эътибор бермаслик ва Худога лаззатли муҳаббат билан мангу хизмат қилиб, Парвардигор билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятини берадиган Парвардигорнинг илохий даргоҳига эришиш учун кифоя.

Текст 24

Эй она, сен - барча бойликлар манбаисан. Менга сени бундай ночор, ожиз аҳволга солиб қўйган ўзининг асосий мусибатларинг ҳақида гапириб бер. Менимча, ҳатто энг қудратли зотларни ҳам мағлуб қиладиган замоннинг қудратли таъсири сенинг ҳатто фаришталар ҳам ҳавас қилиб юрган бахтингни куч билан тортиб олганга ўхшайди.

Изоҳ: Парвардигорнинг марҳамати билан ҳар бир сайёра зарур бўлган барча нарсалар билан бирга яратилади. Шундай қилиб, Ер сайёраси ўзининг аҳолисининг ҳаётини таъминлаш учун зарур бўлган барча бойликларга эга. Лекин, Парвардигор ташриф буюрганида Ер юзида шунчалик мўл-кўлчилик бўлиб кетадики, ҳатто фаришталар ҳам унга муҳаббат билан сиғина бошлайдилар. Лекин, Парвардигорнинг амри билан Ер юзи бир зумда ўзгариб кетиши мумкин. Парвардигор истаган заҳоти ҳар қандай нарсани яратиши ва яқсон қилиши мумкин. Шунинг учун ҳеч ким ўзини ўзига тўқ ёки Парвардигорга боғлиқ эмас, мустақил деб ҳисобламаслиги лозим.

Текст 25

(Сигир киёфасидаги)Ер илоҳи (хўкиз киёфасидаги)дин қонунлари тимсолига шундай деб жавоб берди: О дхарма, менга берган ҳамма

саволларингга жавоб оласан. Мен сенинг саволларингга жавоб беришга ҳаракат қиламан. Бир пайтлар сен ҳам тўрт оёғингда турган эдинг, Парвардигорнинг марҳамати билан бутун коинотнинг бахтини кўпайтириб юрган эдинг.

Изоҳ: Дин қонунларини Парвардигорнинг Ўзи ўрнатиб қўйган, бу қонунларни эса Дхармараджа(Йамараж) амалга оширади. Сатья-йугада ана шу қонун-қоидаларнинг ҳаммаси амал қиларди, Трета-йугада улар чорак қисмга қисқарди, Двапара-йугада - ярмига, Кали-йугада эса, дин қонунларининг чорак қисми амал қилади, лекин ана шу қисми ҳам аста-секин йўққа чиқади, шунда киёмат-қойим бўлади. Оламнинг бахти одамларнинг ҳам алоҳида, ҳам жамоа бўлиб дин қонунларига қанчалик амал қилишига боғлиқ бўлади. **Энг буюк қахрамонлик - ҳар қандай қийинчиликларга эътибор бермасдан дин қонунларига риоя қилишдир.** Шу тарзда инсон ҳозирги ҳаёти давомида бахтиёр яшаши ва умрининг охирида Худонинг даргоҳига қайтиши мумкин.

Текст 26-30

Парвардигорда:1) ростгўйлик, 2) поклик, 3) бошқаларнинг мусибатига чидаб турмаслик, 4) ғазабини боса билиш, 5) қаноат, 6) самимийлик, 7) қатъий ақл, 8) сезги аъзоларини назорат қила билиш, 9) маъсулият, 10) боғланмаслик, 11) чидамлилиқ, 12) хотиржамлик, 13) содиқлик, 14) илм, 15) ҳиссий лаззатланиш истагидан озод бўлиш, 16) бош бўлиш, 17) олижаноблик, 18) бошқаларга таъсир ўтказа билиш, 19) иложи йўқ ишларни қила билиш қобилияти, 20) Ўз бурчини бажариш) 21) тўла мустақиллик, 22) мохирлик, 23) барча гўзалликка эга бўлиш, 24) ўзгармаслик, 25) очик қалби, 26) топқирлик, 27) олийнасаблиқ, 28) улуғворлик, 29) қатъият, 30) барча илмда мукамаллик, 31) муносиб ижро, 32) лаззат берадиган ҳамма нарсага эга бўлиш, 33) қувноклик, 34) қўзғалмаслик, 35) садоқат, 36) шон-шухрат, 37) сиғиниш, 38) камтарлик, 39) Худо Шахси сифатида мавжудлик, 40) мангулик ва Унга мангу мансуб бўлган, Ундан ажралмайдиган бошқа кўплаб илохий сифатлар бор. Худо Шахси бутун эзгулик ва гўзаллик манбаидир, Парвардигор Шри Кришна Ер сайёрасидаги Ўзининг илохий эрмакларини тамомлади. Парвардигорнинг йўқлигидан Кали даври ҳамма жойга ўзининг таъсирини ўтказа бошлади. Одамларнинг яшаши учун бундай оғир шароитларни кўриш мен учун жуда оғир.

Изоҳ: Парвардигорнинг чексиз илохий сифатларини санаб охиригача етишдан кўра Ерни майда бўлақларга бўлиб, ундаги барча атомларни

санаб чиқиш осонрок. Айтишларига қараганда, Парвардигор Анантадева Ўзининг сон-саноксиз оғизлари билан сон-саноксиз йиллар давомида Парвардигорнинг илоҳий сифатларини таърифлашга уриниб кўрган, аммо У барибир уларни санаб ниҳоясига етолмаган. Парвардигорнинг бу ерда санаб ўтилган сифатлари - шунчаки Унинг инсон қабул қила олиши мумкин бўлган сифатларининг бир қисми. Лекин, ҳатто бунда ҳам Парвардигорнинг ҳар бир сифати бир неча қисмлардан таркиб топган. Шрила Жива Госвамиининг фикрига кўра, учинчи сифат - бошқаларнинг мусибатига чидаб туролмаслик - 1) ўз ихтиёрини топширган зотларга ҳомийлик қилишдан, 2) содиқларга яхши истаклар билдиришдан иборат бўлади. "Бхагавад-гита"да Парвардигор айтадики, У ҳар бир жон ўзини фақат Унга топширишини истайди ва ҳар кимни ишонтириб айтадики, агар инсон шундай қилса, Парвардигор уни барча гуноҳлари оқибатидан ҳимоя қилади. Ўзини Худога топширмаган руҳлар Унинг *бхакталари* эмас, демак, Парвардигор ҳаммага бир хилда алоҳида марҳамат кўрсатмайди. У Ўзининг содиқларига барча бахт-саодатларни истайди, ҳақиқатан ҳам Унга муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиқларга У алоҳида эътибор беради. Шундай асл содиқларга У Худога эришиш йўлидаги ўз бурчини бажаришга ёрдам берадиган кўрсатмалар бериб туради.

Боғланмаслик шуни билдирадики, худди ўз нурларини ҳаммага бир хилда тарқатадиган куёш сингари Парвардигор ҳаммага бир хилда меҳрибон. Шунга қарамай, куёш нурларидан фойдалана олмайдиган зотлар ҳам бор. Худди шундай, Парвардигор айтадики, ўзини Унга топширган зотларни У тўлиқ ҳимоя қилишига кафолат беради. Лекин, омадсиз одамлар Унинг бу таклифини қабул қила олмайдилар, шунинг учун моддий мусибатларга дучор бўлиб юрадилар. Шундай қилиб, гарчи Парвардигор ҳаммага бир хилда меҳрибон бўлса ва бир хилда яхшилик тиласа ҳам, омадсиз тирик мавжудот фақат ёмон одамлар даврасида юргани сабабли Унинг насиҳатларини тўла қабул қила олмайди, бунинг учун Парвардигорни айбламаслик керак. Уни фақат содиқларга яхшилик қиладиган Зот деб атайдилар. Гўё У Ўзининг содиқларига боғланиб қолгандай туюлиши мумкин, лекин аслида Парвардигорнинг унга бўлган муносабатини қабул қилиш ёки инкор этиш ҳар бир тирик мавжудотнинг ўзига боғлиқ.

Парвардигор ҳамиша Ўз ваъдасига содиқ. Агар У кимгадир ҳимоя қилишга ваъда берган бўлса, У ҳар қандай вазиятда ҳам албатта Ўз ваъдасининг устидан чиқади. Асл содиқнинг вазифаси - Парвардигорнинг ёки Унинг вакили бўлган руҳий устознинг унга юклаган вазифаларини қатъият билан бажаришда давом этишдан иборат. Қолганини Парвардигорнинг Ўзи албатта амалга оширади.

Парвардигорнинг маъсулияти ҳам ажойиб. Парвардигорнинг ҳеч қандай мажбурияти йўқ, чунки унинг бутун фаолиятинг Унинг ҳар хил қувватлари амалга оширади. Шунга қарамай, У Ўзининг илоҳий эрмаклариди ҳар хил ролларни ўйнаб, турли вазифаларни Ўз зиммасига олади. Бола сифатида У подачи ролини ўйнаган. Нанда Махаражнинг ўғли сифатида У Ўзининг вазифаларини мукаммал бажариб юрган. Махараж Васудеванинг ўғли сифатида кшатрий бўлганида Ўзида жанговор кшатрийнинг барча сифатларини намоён этганди. Одатга кўра шох-кшатрий жанг қилиб ўзига хотин топиши ёки уни ўғирлаб олиб кетиши лозим. Кшатрийнинг ана шундай хулқи шу маънода мақтовга лойиқки, кшатрий бўлғуси хотинига ўзининг жасоратини намоёйиш этиши лозим, чунки кшатрийнинг қизи бўлган келин ўзининг бўлғуси эрининг қаҳрамонлигини муносиб баҳолай олиши лозим. Ҳатто Худо Шахси Парвардигор Рамачандра ҳам никоҳ маросимида Ўзининг жанговор руҳини намоён этган эди. У Харадханур деб аталадиган энг қаттиқ, мустаҳкам камонни синдирган ва барча бойликлар онаси бўлган Ситадевининг қўлига эга бўлган эди. Кшатрийларнинг жанговор кайфияти айниқса тўй маросимларида намоён бўлган, бундай жангларнинг ҳеч қандай ёмон жойи йўқ. Парвардигор Шри Кришна ана шу мажбуриятларнинг ҳамасини тўлиқ бажарган: гарчи Унинг ўн олти мингдан ортиқ хотини бўлса ҳам, ҳар гал У хотинини худди жасур кшатрийдай албатта жанг қилиб енгиб олган. Албатта, ўн олти минг хотинга уйланиш учун ўн олти минг марта жанг қилиш фақат Худонинг Олий Шахсининг қўлидан келадиган иш. У Ўзининг турли илоҳий эрмакларининг ҳар бир қисмида ҳам шунчалик маъсулиятли бўлган.

Ўн тўртинчи сифат - илмни ҳам беш таркибий қисмга бўлиш мумкин: 1) тафаккур, 2) миннатдорлик, 3) замон, макон, шароит ва мавзунини ҳисобга ола билиш, 4) ҳамма нарсани мукаммал билиш, 5) ҳақиқий "мен"ини билиш. Фақат нодон одамлар уларга яхшилик қилган кишига миннатдорчилик билдирмайдилар. Лекин Парвардигор ҳеч кимнинг яхшилигига муҳтож эмас, чунки У Ўзига тўла бутун. Лекин шунга қарамай, У асл содиқларининг садоқат билан қилган хизматлари учун улардан Ўзини қарздор деб билади. Асл содиқларнинг ана шундай самимий, ҳеч қандай ният кўзламасдан, ҳеч қандай шарт қўймасдан қилган холис хизматлари учун Парвардигор улардан жуда миннатдор бўлади ва гарчи асл содиқ қалбида буни кутмаган бўлса ҳам, Парвардигор уларга Ўзининг хизмати билан жавоб беришга ҳаракат қилади. Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишнинг ўзи содиқ учун илоҳий бахт ҳисобланади, шунинг учун содиқ ўзининг хизмати эвазига Худодан ҳеч нарса кутмайди. Ведалардаги *сарвам кхалв идам брахма* афоризмидан тушуниб олиш мумкинки,

Парвардигор *брахмажйоти* деб аталадиган, Ўзидан ҳамма жойга таралиб турган нурлар ёрдамида ҳамма жойга сингиб кетган, худди осмон сингари ҳамма нарсанинг ҳам ичида, ҳам сиртида мавжуд, шунинг учун У- ҳамма жойни камраб олган Зот.

Парвардигорнинг гўзаллигига келсак, У Ўзини бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган алоҳида белгиларга эга, бунинг устига, У ҳаммани ўзига жалб этадиган ажойиб фазилатларга эга бўлиб улар ҳатто Шримати Радхаранининг - Парвардигор яратган энг чиройли зотнинг ақлини ҳам жалб этади. Шунинг учун У Мадана-мохана, яъни "ҳатто Купидоннинг ақлини лол қиладиган Зот" сифатида машҳур. Шрила Жива Госвами прабху Парвардигорнинг бошқа илоҳий сифатларини ҳам синчиклаб батафсил таҳлил қилиб чиққан ва Парвардигор Шри Кришна - Худонинг Мутлақ Олий Шахси(Парабрахман) эканини тасдиқлаган. У Ўзининг англаб бўлмас қувватлари шарофати билан ҳар нарсага қодир кучли, шунинг учун У - Йогешвара, барча сеҳр кучларининг олий ҳукмдори. У - Йогешвара бўлгани учун, Унинг мангу қиёфаси руҳий табиатга эга бўлиб илм, лаззат ва мангуликдан иборат. Унинг содиқлари бўлмаган кишилар Унинг илмининг ҳаракатчан табиатини тушуна олмайдилар, чунки уларни Унинг мангу илм қиёфасига эришиш қизиқтиради. Барча буюк зотлар илм бобида У билан тенглашишга интиладилар. Бу дегани, бошқа ҳар қандай илм ҳамиша кам, ўзгарувчан ва чекланган, Парвардигорнинг илми эса ҳамиша чексиз ва ўзгармас. Шрила Сута Госвами "Шримад Бхагаватам"да тасдиқлайдики: Дварака аҳолиси Уни ҳар куни кўриб юрган бўлсалар ҳам, улар Уни такрор ва такрор кўришга интизор эдилар. Парвардигорнинг сифатлари - охирги мақсад эканини тирик мавжудотлар тушуниб етишлари мумкин, лекин улар Парвардигор билан тўла тенглашишга эриша олмайдилар. Бу моддий олам - Парвардигорнинг Сабаблар уммонидаги сеҳрли уйқуси(йога-нидра)даги эрмаги(грёз???) бўлган махат-таттвнинг маҳсули. Лекин шунга қарамай бутун олам У яратган борлиқнинг ҳақиқий намоён бўлишидай туюлади. Демак, Парвардигорнинг эрмаклари(грёз???) ҳам - намоён бўлган ҳақиқатдир. Шунинг учун У Ўзининг илоҳий ҳукмига ҳаммани бўйсундира олади, демак, У қаерда Ўзини мужассам қилиб пайдо бўлса, У ҳамиша Ўзининг тўла бутун ҳолатида намоён бўлади.

Юқорида таърифланган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорда мужассам бўлгани учун У оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради, бунда У Ўзи ўлдирган душманларини руҳий озодликка чиқаради. У ҳатто энг улуғвор озод руҳларни ҳам Ўзига жалб этади, Унга ҳатто фаришталарнинг энг буюги Браҳма ва Шива сажда қилади. Ҳатто Ўзининг пуруша-аватара қиёфасида У - яратувчи

қувват Парвардигори. "Бхагавад-гита"(9.10)да айтилганидек, яратувчи моддий қувват Унга бўйсунган ҳолда ҳаракат қилади. У - моддий қувват тизимини ишга туширадиган "асосий тугма", барча коинотларда У сон-саноксиз мужассам бўлган қиёфаларининг бошланғич сабабчиси, улар ана шу сон-саноксиз коинотларда моддий қувватни бошқариш учун мўлжалланган. Бошқа коинотлардаги мужассам бўлган қиёфаларини ҳисобга олмаганда, фақат битта коинотнинг ўзига Манунинг беш юз мингдан ортиқ мужассам бўлган қиёфалари келади. *Махат-таттв*дан ташқарида ётган руҳий оламда мужассам бўлган қиёфалар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. У жойда ҳар хил Ваикунтҳаларда Парвардигорнинг тўлиқ экспансиялари бор. Руҳий оламда *махат-таттв*даги коинотларга қараганда камида уч марта кўп бўлган руҳий сайёралар бор. Парвардигорнинг Нарайана қиёфаларининг ҳаммаси - Унинг Васудева аспектидан бошқа нарса эмас, шунинг учун бир вақтнинг ўзиде У - ҳам Васудева, ҳам Нарайана ва ҳам Кришна. У - *шри-кришна говинда харе мураре, хе натха нарайана васудева*, ҳаммаси биттада мужассам. Шунинг учун қанчалик буюк бўлишидан қатъий назар ҳеч ким Унинг сифатларини санаб ниҳоясига етолмайди.

Текст 31

Эй фаришталар аьлоси, мен сен ҳақингда ҳам, ўзим ҳақимда ҳам, шунингдек фаришталар, донишмандлар, Питрилока аҳолиси, Худонинг содиқлари ҳамда жамиятда *варна-ашрам* тизими қоидаларига амал қиладиган барча одамлар ҳақида ўйлайман.

Изоҳ: Одамлар ва фаришталар, донишмандлар, Питрилока аҳолиси, Худонинг содиқлари илмий асосланган *варна-ашрама* тизими ёрдамида ҳамкорлик қилгандагина инсон ҳаётининг мукамал поғонасига кўтарилиш мумкин. Инсонларнинг ҳаёти ҳайвонларнинг ҳаётидан фарқи жамиятнинг илмий асосланган, билимдон донишмандлар раҳбарлик қиладиган ва фаришталар билан боғланган *варнашрама* тизимидан бошланади. Шу тизим қоидаларига амал қилиб яшар экан инсон аста-секин энг юксак поғонага - Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Шри Кришна билан ўзининг ўзаро мангу муносабатларини қайта тиклаш поғонасига кўтарилади. Одамлар ривожланиб бораётган нодонликлари билан Парвардигор ўрнатиб қўйган, ҳайвонлар онгини инсонлар онгига, инсонлар онгини - илоҳий онгга ўзгартириш учун махсус мўлжалланган *варнашрама-дхарма* тизимини бузганида инсонларнинг руҳий жиҳатдан тинч-тотув ва тартиб билан ривожланиши бузилиб кетади. Кали йуга даврида заҳарли илон биринчи навбатда Парвардигор яратган *варнашрама-дхармага* ҳужум

килади, шунда брахман сифатларига эга бўлган кишини шудра деб атайдилар, шудра сифатига эга бўлган кишини эса, брахман деб ҳисоблайдилар, буларнинг ҳаммаси - мартаба авлоддан авлодга ўтади деб сохта даъво қилишга асосланган. Брахман илмининг наслдан наслга ўтиши муқаддас китобларда тасдиқланмайди, лекин брахман оиласида туғилиш шу илмни ўрганиш имкониятини беради. Брахманларнинг ҳақиқий сифатлари - ақли ва ҳиссиётини жиловлай билиш, сабр, соддалик, поклик, илмлилик, ростгўйлик, садоқат ва ведавий донишмандлик илмига бўлган ишонч. Ҳозирги даврда одамлар ана шу муҳим сифатларга эга бўлиш шарт эмас деб ҳисобланади, ҳатто машҳур шоир, "Рама-чарита-манаса" асарининг муаллифи ҳам илмининг наслдан-наслга ўтиши ҳақидаги ана шу сохта даъвогарликни қўллаб-қувватлайди.

Буларнинг ҳаммаси Кали йуганинг таъсири сабабли юзага келади. Шунинг учун сигир фиёфасига кирган Она Ер тимсоли ана шундай ачинарли ҳолатдан қийналиб кетяпти.

Текст 32-33

Тангри Брахма сингари фаришталар битта саховатли нигоҳини излаб юрган, шу ниятига эришиш учун ҳар куни бир неча марта ўзларини Худо Шахсига топшириб юрган равнақ фариштаси Лакшмиджи ўзининг ўрмондаги нилуфарлардан иборат даргоҳини тарк этди ва Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қила бошлади. Менга алоҳида қудрат ато этилган эди, омад борасида бутун уч оламда ҳеч ким тенглаша олмасди, чунки мен Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидаги белгилар - байроқча, яшин, филбоннинг қамчиси ва нилуфар гули билан безанган эдим. Лекин, ниҳоят мен тақдиримга қанчалик нодир омад кулиб боққанини англаб етган пайтимда Парвардигор мени тарк этди.

Изоҳ: Олам одамларнинг тузган режаларини амалга оширилгани сабабли эмас, балки фақат Парвардигорнинг марҳамати билан гўзалроқ ва бадавлатроқ бўла олади. Ер юзида Парвардигор Шри Кришна юрганида Унинг нилуфар қадамлари пойидаги алоҳида белгилар йўлдаги чангга тушиб қолганди, Парвардигорнинг ана шу алоҳида марҳамати туфайли бутун Ер сайёраси энг юксак даражада мукамал ҳолатга эришди. Бошқача қилиб айтганда, дарёлар, денгизлар, ўрмонлар, тепаликлар ва конлар - одамлар ва ҳайвонларни ҳаёт учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаб турадиган манбалар ўз вазифаларини тўлиқ адо этардилар, шу боис Ернинг бойлиги коинотнинг барча уч тизимидаги бошқа сайёраларнинг бойлигидан кўп эди. Шунинг учун Худодан Парвардигорнинг бесабаб марҳамати ҳамиша Ер юзига ёйилишини тилаб илтижо қилиш лозим, шунда ҳаёт учун зарур ҳамма нарсаларга

эга бўлиб, ҳамма бахтиёр яшайди. Шундай савол туғилиши мумкин: Парвардигорнинг ердаги вазифаси ниҳоясига етиб, У Ерни тарк этиб Ўз даргоҳига кетгандан кейин қандай қилиб Уни Ерда ушлаб қолиш мумкин? Бунга жавоб шундай - Парвардигорни бу ерда ушлаб туришнинг ҳожати йўқ, чунки Парвардигор ҳамма жойда мавжуд, шу боис биз самимий истаган заҳоти У биз билан бирга бўла олади. Агар биз тинглаш, куйлаш, эслаш ва бошқа усуллар ёрдамида қалбимизда Унга садоқат билан хизмат қилишга боғланиш туйғусини сақлаб қололсак, Ўзининг ҳамма жойда мавжуд бўла олиш қудрати ёрдамида У ҳамиша биз билан бирга бўла олади.

Оламда Парвардигор билан боғлиқ, Унга алоқаси бўлмаган бирор нарса йўқ. Биз ўрганишимиз лозим бўлган ягона нарса - ана шу алоқа манбаини излаб топиш ҳамда ҳақорат қилмасдан хизмат қилиш орқали Унга боғланиш. Биз Парвардигор билан Унинг илоҳий товуш киёфаси орқали боғланишимиз мумкин. Парвардигорнинг муқаддас номи ва Парвардигорнинг Ўзи бир Зот, Унинг муқаддас номини ҳақоратларсиз куйлаган киши Парвардигор ўзининг ёнида эканини дарров хис қилади. Ҳатто радио орқали келаётган товуш орқали товуш шаклидаги нисбий ҳақиқатни қисман хис қилиш мумкин, илоҳий товушларни такрорлаш орқали ёнимизда Парвардигорнинг иштирок этаётганини аниқ хис қилиш мумкин. Ҳамма нарса Кали таъсири остида булганган ҳозирги даврда муқаддас китоблар ҳам, Парвардигор Шри Чаитанья Маҳапрабҳу ҳам бизларга тавсия қиладиларки, Парвардигорнинг муқаддас номини куйлаш билан биз моддий иллатлардан дарров халос бўламиз ва аста-секин илоҳий поғонага кўтарилиб, Худонинг даргоҳига эриша оламиз. Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратларсиз куйлаб юрган киши худди Парвардигорнинг Ўзи сингари бахт келтиради, бутун жаҳондаги Худонинг содиқларининг бирлашуви эса, хавотирларга тўла оламнинг муҳитини бирданига ўзгартириб юбориши мумкин. Фақат Парвардигорнинг муқаддас номларини шарафлаб куйлашни кенг тарқатиш ёрдамида биз ўзимизни Кали йуганинг ҳалокат келтирадиган зарарли таъсиридан ҳимоя қилишимиз мумкин.

Текст 34

Эй дин тимсоли, имонсиз шоҳлар тўплаган ортиқча жанговор фаланга*лар менга оғир мусибат келтираётган эди, Худо Шахсининг марҳамати билан мен анча енгил тортдим. Сен ҳам ачинарли ҳолатда эдинг, шунчалик ожизлашиб кетган эдингки, оёқларингда зўрға турардинг. Шунинг учун Ўзининг ички қуввати ёрдамида У Йадавалар оиласида мужассам бўлиб сенга ёрдам берди.

фаланга акшаухини - 21870 жанг араваси, 21870фил, 21870 отлик ва 21870 пиёда аскардан иборат кўшин.

Изоҳ: Асурлар ҳатто бошқаларнинг бахти эвазига бўлса ҳам ўзларининг сезгиларининг талабини кондириб, лаззатланишга интиладилар. Ўз истакларини амалга ошириш учун асурлар, айниқса имонсиз шоҳлар ва ҳукумат раҳбарлари тинч-тотув жамиятга урушлар келтириб, ортиқча кўшинини ҳар хил ҳалокатли қуроллар билан таъминлашга уринадилар. Уларнинг ўзларини кўкларга кўтаришга интилишдан бошқа ниятлари йўқ, уларнинг ҳарбий қудрати ҳаддан ташқари кучайиб кетганида она Ер бундан қаттиқ қийналади. Асурларнинг сони қанча кўпайса, дин қонунларига амал қилиб юрган кишлар, айниқса Худонинг содиқлари яъни девалар аҳволи шунча бахтсиз бўладилар.

Ана шундай вазият юзага келганда, ёқимсиз асурларни яқсон қилиш ҳамда ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш учун Ер юзида Худо Шахси Ўзини намоён этади. Парвардигор Шри Кришнанинг Ер юзига келишдан мақсади шу эди ва У Ўз ишини охиригача адо этди.

Текст 35

Айтчи, Худонинг Олий Шахсидан айрилиқ азобига ким бардош бера олади? Ўзининг мухаббат тўла ширин табассумлари, меҳр тўла нигоҳлари ва самимий мурожаатлари билан У Ўзининг Сатйабхама сингари ошиқларининг жиддийлигини ва ҳаяжонли ғазабини мағлуб қила оларди. У менинг(Ернинг) устимда юрганида, мен Унинг нилуфар қадамлари пойи чангларига ғарқ бўлардим, шу боис худди лаззатдан тикка турадиган тукларни эслатадиган қалин майсаларга бурканардим.

Изоҳ: Парвардигорнинг минглаб хотинларида Парвардигор уйдан кетган пайтларида эридан айрилиб қолиш эҳтимоли бор эди, аммо Унинг Ер билан алоқаси бундай эмасди, чунки У Ўзининг нилуфар қадамлари пойи билан ҳамиша Ер юзида юрар, шу боис ундан айрилишнинг иложи йўқ эди. Ўзининг руҳий даргоҳига қайтиб кетиш учун Парвардигор Ер юзини тарк этиб кетганда эса, Ернинг Парвардигордан айрилиши сабабли юзага келган ҳижрон азоби жуда кучли эди.

Текст 36 Ер ва дин тимсоли суҳбатлашиб турар экан, шарққа қараб оқадиган Сарасвати дарёси қирғоқларига авлиё шоҳ Парикшит етиб келди.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиқ
"Махараж Парикшит Кали даврини қандай кутиб
олди" деб аталадиган ўн олтинчи бобига
Бхактиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

17-Боб.

Калини жазолаш ва авф этиш

1-матн.

Сута Госвами деди: Шу ерга етиб келганда Махараж Парикшит кўрдик, шоҳларнинг либосини кийиб олган, аммо ўзи паст табақага мансуб бўлган шудра, гўё уларнинг хўжайини йўқдай, сигир ва хўкизни гурзи билан калтакляпти.

Изоҳ: Кали даврининг асосий белгиси шундан иборатки, паст табақага мансуб бўлган шудралар, яъни, на брахманлар маданиятига мансуб бўлмаган, на руҳий фотиҳа олмаган кишилар, ҳукмдор ва шоҳлар либосини кийиб оладилар. Ана шундай ҳукмдорларнинг қиладиган асосий иши эса, бегуноҳ жониворларни, айниқса, ўзларининг хўжайинларидан – ҳақиқий вайшйа, яъни савдогарлар табақасига мансуб одамлардан маҳрум бўлган сигир ва хўкизларни ўлдириш бўлади. "Бхагавад-гита" (18.44)да айтилганки, вайшйаларнинг вазифаси – деҳқончилик ва савдосотиқ билан шуғулланиш, сигирларни ҳимоя қилиш. Кали юга даврида тубанликка юз тутган вайшйалар, яъни савдогарлар сигирларни гўшт сифатида қушхоналарга етиштириб бериш билан шуғулланадилар. Қшатрийлар мамлакат аҳолисини ҳимоя қилишлари лозим, вайшйалар эса – сигир ва хўкизларни ҳимоя қилишлари лозим ва улардан ғалла ва сут етиштиришда фойдаланишлари лозим. Сигирнинг вазифаси – сут бериш, хўкиз эса, дон маҳсулотари етиштиришга ёрдам бериш. Аммо, Кали югада шудралар табақасига мансуб одамлар ҳукумат лавозимларини эгаллаб оладилар, сигир ва хўкизларни, вайшйалар ҳимоясидан маҳрум бўлган ота ва оналаримизни ҳукмдор шудралар ташкил этган қушхоналарга оммавий равишда етказиб берадилар.

2-матн. Хўкиз оқ нилуфар гулидан оппоқ эди. Уни калтаклаб турган шудра уни қаттиқ кўрқитиб юборган эди, хўкиз даҳшатга тушиб, бир оёғида зўрға турар, кўрққанидан зир титраб ва сийиб турарди.

Изоҳ: Кали-юганинг яна бир белгиси шундаки, диннинг оқ нилуфар гулига ўхшаган беғубор пок қонун-қоидалари бу даврнинг маданиятсиз одамлари бўлган шудралар томонидан оёқости қилинади. Улар брахман ва қшатрийларнинг авлодлари бўлишлари мумкин, аммо Кали-юга даврида, тўғри таълим ва ведалар маданияти етишмаслиги сабабли, шудраларга ўхшаган шундай ғофил одамлар дин қонунларини поймол қиладилар ва такводор одамларни таъқиб қилиб

кийнайдилар. Улар, ўзлари ҳеч қандай диний қонунларни тан олмаслигини эълон қиладилар. Шунчаки, бенуксон пок дин “хўкиз”ини ўлдириш учун кўплаб “изм”лар ва турли ананшалар пайдо бўлади. Ҳукумат “дунёвий”(светский) деб эълон қилинади, яъни, ҳукумат ҳеч қандай дин қонун-қоидаларига асосланмаган бўлади, натижада одамларнинг ҳаммаси дин қонунларига бефарқ бўлиб қоладилар. Одамлар ўзлари истаган ишни қилаверадилар, садху(авлиё зотлар), шастралар(мукаддас китоблар) ва гуру(руҳий устоз)ларни ҳурмат қилмай кўядилар. Хўкиз бир оёғида зўра тургани - дин қонунлари аста-секин йўқолиб кетишини, ҳатто уларга қисман амал қилиш ҳам шу даражада қийин бўлиб қоладики, гўё улар ҳам зўра сақланиб тургандай, истаган пайтда улар ҳам барбод бўладигандай туюлади.

3 Гарчи сигир, дин асосларини бериш билан фойда келтирадиган бўлса ҳам, уни бахтсиз қилиб, бузоғидан айирдилар. Шудра унинг оёқларига урарди. Унинг кўзларидан ёш оқарди. У жуда қийналган, заиф, озгина бўлса ҳам далада бироз ўт егиси келарди.

Изоҳ: Кали-юганинг яна бир белгиси – сигирларнинг ночор аҳволда қолиши. Сигирни соғиш сут кўринишида дин асосларини олишни билдиради. Буюк риши ва мунилар қадимда фақат сут билан озикланиб яшаганлар. Шрила Шукадева Госвами оилали одамларнинг уйига фақат улар сигир соғадиган пайтда келган ва озуқа учун фақат озгина сут олган. Ҳатто эллик йил аввал садхулардан бир-икки литр сутни ҳеч ким қизганмаган, ҳар бир оилали киши сутни худди сувдай текин тарқатган. Ҳар бир оилали кишининг, санатана-дхарма вакилининг, яъни ведалар маданиятига амал қилиб яшайдиган кишининг бурчи – хўжалигида сигир ва хўкизларни сақлашдан иборат. У бу ишни шунчаки сут олиш учун эмас, балки дин қонунларига амал қилиш мақсадида қилиши лозим. Санатана-дхарма маданияти вакиллари дин қонунларига кўра сигирларга хизмат қиладилар ва браҳманларни эъзозлайдилар. Сигирнинг сути қурбонлик олови учун керак бўлади, қурбонлик маросими ўтказиш билан эса, оилали киши бахтиёр яшай олади. Бузоқ шунчаки кишининг кўзини қувонтириб қолмасдан, сигирга шунчалик лаззат бағишлайдики, у кучи етган миқдорда сут етиштириб беради. Аммо, Кали-юга даврида “Шримад-бхагаватам” саҳифаларида ёзишга кишининг кўли бормайдиган мақсадларда бузоқларни она сигирдан иложи борича эрта ажратадилар. Сигир кўзларидан бетиним ёш окизиб туради, сут соғувчи шудра сигирнинг сутини сунъий йўллар билан тортиб олади, сигир сутдан чиққанда эса, уни кушхонага юборадилар. Ана шундай гуноҳ ишлар – замонавий жамият дучор бўлаётган турли офатларнинг асосий

сабабидир. Одамлар иқтисодий ривожланишга эришиш учун қанчалик қабих ишлар қилаётганини ўзлари тушунмайдилар. Кли-юга таъсири остида улар ғофиллик зулматида қолиб кетаверадилар. Тинчлик ўрнатиб, гуллаб-яшнашга бекорга интилиб юргандан кўра улар биринчи навбатда сигир ва хўкизларни бахтиёр қилишлари лозим. Ақлсиз кишилар сигир ва хўкизларни бахтсиз қилиш билан ўзлари бахтиёр яшай олмаслигини тушунмайдилар, лекин табиат қонуни шундай. Бунда биз “Шримад-бхагаватам” обрўсига тўла ишонишимиз ва бутун инсониятнинг бахти учун бу қондани ўрганиб олишимиз лозим.

4. Камон ва пайконлар билан қуролланиб олган Махараж Парикшит, олгиндан қуйилган жанг аравасида ўтириб, яшиндай гулдирос овоз билан шудрага мурожаат қилди.

Изоҳ: Кали юга вакилларига ҳукумат раҳбари ёки Махараж Парикшитга ўхшаб, яхши қуролланган ва золимларни жазолай оладиган ҳокимиятга эга бўлган шоҳ қарши туриши мумкин. Жаҳолат даврининг ҳалокатли таъсирига фақат шу йўл билан қарши туриш мумкин. Лекин, ана шундай кучли ҳукумат раҳбари бўлмаса, халқнинг тинчлиги ҳамиша бузилаверади. Тубанликка юз тутган ғофил одамларнинг сайлов орқали сайланган, кўлидан иш келмайдиган вакили бўлган ҳукмдорларни Махараж Парикшит сингари қудратли шоҳларга умуман тенглаштириб бўлмайди. Ҳукумат раҳбарини шоҳона либосларига ва шоҳлик унвонига қараб эмас, балки қилган ишларига қараб баҳолайдилар.

5 “Ҳой, сен кимсан? Кучли зотга ўхшайсан, лекин шунга қарамай, менинг ҳимоям остида бўлган ночор зотларни ўлдиришга журъат қилибсан. Бу либосларга ўраниб олиб, сен ўзингни бошқаларга Худонинг ердаги вакили(шоҳ)дай қилиб кўрсатяпсан, аммо қилиб турган ишинг иккибор туғилган кшатрийларнинг ишига ўхшамайди.

Изоҳ: Браҳман, кшатрий ва вайшьяларни иккибор туғилган зотлар деб атайдилар, чунки, олий табақага мансуб кишилар, биринчи марта ота-онасидан туғиладилар, руҳий устоздан, ҳақиқий ачарйадан илм ва руҳий фотиҳа олганларида эса, иккинчи марта туғиладилар. Шундай қилиб, браҳман сингари кшатрий ҳам иккибор туғилган зот ва унинг бурчи – ночор зотларни ҳимоя қилиш. Шоҳ-кшатрий Худонинг ердаги вакили ҳисобланади ва унинг бурчи – ночор одамларни ҳимоя қилиш ва золимларни жазолашдан иборат. Ҳар гал, ҳукмдорлар ўзларининг ана шу оддий бурчини бажаришдан бош тортганларида, халқни адолатли бошқариш тизимини қайта тиклаш учун Парвардигорнинг Ўзи келади. Ҳозирги Кали юга даврида бахтиқаро ночор ҳайвонларни, айниқса,

хукмдорлар ҳар томонлама ҳимоя қилишлари лозим бўлган сигирларни ҳеч қандай чеклашларсиз ўлдириб юборяптилар. Шунинг учун, буларнинг ҳаммасига панжа орасидан қараб турган барча ҳукумат раҳбарлари, Худонинг ердаги сохта вакиллари дир. Ана шундай хукмдорлар бахтиқаро фуқаролар устидан фақат эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб ёки ўраниб олган либосига кўра хукмронлик қиладилар, аслида эса, улар хукмдор бўлишга номуносиб, иккибор туғилган зотларга ҳос бўлган эзгу фазилатлардан маҳрум бўлган пасткаш одамлар дир. Пасткаш табақадан чиққан, бир марта туғилган, рухий қолоқ кишининг адолат қилишидан ёки муаммоларни ҳаққоний ҳал қилишидан умидвор бўлишнинг иложи йўқ. Шунинг учун Кали юга даврида давлат ёмон бошқарилиб тургани сабабли ҳамма бахтсиз яшайди. Ҳозирги инсонлар жамияти рухий маданиятда иккинчи марта туғилмаяпти. Демак, иккибор туғилган зотлардан таркиб топмаган халқ ҳукумати – одамларнинг ҳаммасини бахтиқаро қилиб қўйган Кали даврининг ҳукумати дир.

6 Ҳой ярамас, яқин жойда Парвардигор Кришна ва Гандива камонини осиб олган Аржун бўлмагани учун сен бегуноҳ сигирни калтаклашга журъат этдингми? Хилват жойда бегуноҳ жойда калтаклаб юрган экансан, демак, сен жиноятчисан ва шунинг учун ўлимга маҳкумсан.

Изоҳ: Худонинг борлиги очик равшан инкор этиладиган ва Аржун сингари такводор жангчилар бўлмаган жамиятда Кали юга даврининг ҳамтовоқлари, мамлакатда қонунсизлик ҳумрон бўлганидан фойдаланиб, кушхоналарда бегуноҳ ҳайвонларни, шу жумладан сигирларни оммавий равишда ўлдирадилар. Ана шундай қотиллар Махараж Парикшит сингари такводор шоҳлар томонидан ўлим жазосига маҳкум этилиши керак. Такводор шоҳ нуктаи назарида ҳайвонларни яширин ҳолда ўлдириб юрган жиноятчи ҳам бегуноҳ ёш болани яширин ўлдирган қотил сингари ўлим жазосини олиши керак.

7 Кейин у(Махараж Парикшит) хўкиздан сўради: “Кимсан? Оқ нилуфар гулидай оппоқ хўкизмисан ёки бир фариштамисан? Сен уч оёгингдан маҳрум бўлибсан, энди биргина оёгингда турибсан. Балки сен бизларга мусибат келтирадиган хўкиз киёфасига кириб олган фариштадирсан?”

Изоҳ: Махараж Парикшит хукмрон бўлган давргача сигир ва хўкизларнинг бундай аянчли аҳволга тушиб қолишини тасаввур ҳам қила олмасди. Шунинг учун Махараж Парикшит бу даҳшатли манзарани кўриб ҳайратга тушганди. Шу боис у, бу хўкиз аслида, сигир ва хўкизларни

келажакда нималар кутиб турганини кўрсатиш учун шундай ачинарли киёфага кириб олган фаришта эмасмикан, деб савол беряпти.

8 Куру сулоласидаги шоҳларнинг қўли остида ишончли ҳимояланган салтанатда мен кўзларидан ёш оқизиб, изтироб чекиб турган сендай зотни биринчи марта кўриб турибман. Шу пайтгача ер юзида ҳеч ким ва ҳеч қачон шоҳларнинг ноқобиллиги сабабли кўз ёши тўккан эмас.

Изоҳ: Одамлар ва ҳайвонларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш – ҳукуматнинг биринчи ва энг муҳим вазифаси. У ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасдан мана шу қоидага амал қилиши лозим. Ҳозирги Кали юга даврида ҳукуматнинг ўзи оммавий равишда ҳайвонларни ўлдираётганини кўриб яшаш - қалби пок киши учун жуда оғир мусибат. Махараж Парикшит хўкизнинг кўзларида ёшни кўриб қаттиқ хафа бўлди. У ўзи бошқараётган маданиятли жамиятда шундай даҳшатли ёвузликни кўриб даҳшатга тушди. Ўша даврда одамларнинг ва ҳайвонларнинг ҳаёти барабар ишончли ҳимоя остида эди. Парвардигорнинг салтанатида шундай бўлиши ҳам керак.

9 Эй сурабхининг ўғли, энди сенинг азият чекишингга ҳожат йўқ. Бу пасткаш шудрадан кўрқма. Эй она сигир, токи мен тирик эканман, токи шоҳ эканман ва барча ёвуз одамларнинг адабини берар эканман, кўз ёши тўкишингга сабаб бўлмайди. Ҳаммаси яхши бўлади.

Изоҳ: Фақат ҳукуматга Махараж Парикшитга ўхшаган хукмдор раҳбарлик қилаётган бўлсагина хўкиз, сигир ва бошқа барча ҳайвонларни ҳимоя қилиш мумкин. Махараж Парикшит сигирга онасидай мурожаат қиляпти, чунки у – иккибор туғилган, юксак маданиятли шоҳ-қшатрий эди. Сурабхи – рухий сайёраларда яшайдиган ва шахсан Парвардигор Шри Кришнанинг алоҳида ҳимояси остида бўлган сигирлар. Худди одамлар Парвардигорнинг киёфасига ўхшатиб яратилгани сингари, сигирлар ҳам рухий оламдаги сурабхиларга ўхшатиб яратилган. Моддий оламда инсонлар жамияти инсонни ҳар томонлама ҳимоя қилишга уринади, лекин жамиятда одамларга гаройиб озуқа – сут бериб, уларни ҳаёт учун барча зарур нарсалар билан таъминлашга қодир бўлган сурабхининг авлодларини ҳимоя қилиш ҳақида қонун йўқ. Аммо Махараж Парикшит ва пандузодалар сигирнинг аҳамиятини тўла англадилар, шу боис улар сигирни ўлдирган қотилни ҳатто жонини олишгача қаттиқ жазолашга тайёр эдилар. Сигирларни ҳимоя қилиш масаласи бир неча марта ўртага ташланди, лекин, такводор хукмдорлар ва ҳукумат қонунлари йўқлиги сабабли сигир ва хўкиз ҳимоясиз қолиб

кетяпти. Инсонлар жамияти сигир ва хўкизларнинг аҳамиятини англаб етиши ва Махараж Парикшитдан ўрнак олиб, бу алоҳида муҳим ҳайвонларни ҳар томонлама ҳиоя қилиши лозим. Агар биз брахманлар маданиятига ва сигирларни ҳимоя қилсак, сигир ва брахманларга жуда марҳаматли бўлган Парвардигор(гобрахмана-хитайа), бизлардан мамнун бўлади ва бизларга ҳақиқий тинчлик ва осойишталик ато этади.

10-11 Эй покдомон зот! Агар салтанатидаги ярамас унсурлар тирик мавжудотларни кўрқув остида сақлаб юрган бўлса, шоҳ обрўсидан айрилади, умри қисқаради, кейинги ҳаётида яхши тана ололмайди. Шубҳа йўқки, азоб чекаётган зотларнинг мусибатини енгиллатиш - шоҳнинг энг асосий бурчидир. Шу боис мен, бошқа тирик мавжудотларга кўрсатган шафқатсизлиги учун одамлар ичида энг ёвузи бўлган мана бу ярамасни ўлдиришим керак.

Изоҳ: Йирткич ҳайвонлар қишлоқ ёки шаҳар аҳолисини безовта қилса, полиция ёки бошқа кимлардир уларни ўлдириш чорасини кўради. Худди шундай, жамият тинчлигини бузадиган унсурларни, масалан, ўғриларни, котиллар ва йўлтўсарларни яқсон қилиш ҳукуматнинг вазифасидир. Ҳайвонларни ўлдирадиган одамлар ҳам шундай жазоланиши керак, чунки, ҳайвонлар ҳам шу давлатнинг *праджа*(фуқаро)лари. *Праджа* ибораси “шу давлатда туғилган зот” деган маънони билдиради, шу боис бу тоифага одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам киради. Мамлакатда туғилган ҳар бир тирик мавжудотнинг энг асосий ҳуқуқи – шоҳнинг ҳимояси остида яшаш ҳуқуқидир. Сигир ва хўкиз сингари уй ҳайвонлари эмас, ҳатто қалин ўрмонда яшайдиган ҳайвонлар ҳам шоҳнинг фуқаролари ҳисобланади.

Бошқа тирик мавжудотларни кўрқувга, даҳшатга соладиган киши – жирканч ва ярамас унсурдир, жамият осойишталигини бузиб юрган ана шундай одамни шоҳ дарров ўлдириши лозим. Худди одамларнинг тинчлигини бузган йирткич ҳайвонни ўлдиргани сингари, ҳеч қандай заруратсиз ўрмондаги ва бошқа ҳайвонларни ўлдириб ёки уларга озор бериб юрган кишини дарров жазолаш керак. Парвардигорнинг қонунига кўра, қандай танада бўлишидан қатъий назар, барча тирик мавжудотлар Худо яратган зотлар, Унинг фарзандларидир, табиат қонунларига қарши уларни ҳеч ким ўлдирмаслиги керак. Йўлбарс тирикчилик қилиш учун ўзидан паст ҳайвонни ўлдириб ейиши мумкин, лекин инсон учун бундай қилиш таъқиқланган. Бир тирик мавжудот бошқа тирик мавжудотни еб тирикчилик қилишини қонун қилиб белгилаб қўйган Парвардигорнинг ҳоҳиши шундай. шу боис вегетарианлар ҳам бошқа тирик мавжудотларни еб тирикчилик қиладилар. Шундай қилиб Парвардигорнинг

қонуни шундай: фақат Худонинг амри билан ризқ қилиб белгилаб қўйилган тирик мавжудотларни еб яшаш керак. “Ишопанишад”нинг кўрсатмаларига биноан, инсон ҳаётда ўз билганича яшамасдан, Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшаши лозим. Инсон Парвардигор унга ризқ қилиб берган ҳар хил дон маҳсулотлари, мевалар ва сут маҳсулотлари билан озикланиб яшаши мумкин. Алоҳида вазиятлардан бошқа пайтларда гўшт маҳсулотларини истеъмол қилишга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Ҳатто баъзан уни буюк файласуф ёки олим деб эълон қилсалар ҳам, алданиш домига тушиб адашган шоҳ ёки ҳукумат раҳбари, бегуноҳ жониворларни қийнаш бундай ақлсиз шоҳ ва давлат раҳбарларини дўзахга равона қилишидан беҳабар ҳолда мамлакатда қушхоналар ташкил этишга руҳсат берадилар. Ҳукумат раҳбари бир тирик мавжудотнинг бошқа бир тирик мавжудотга тажовуз қилишига йўл қўймасдан, ҳамиша праджаларнинг – одамлар ва ҳайвонларнинг хавфсизлигини таъминлаши лозим. Бошқаларга зуғум ўтказаяётган тирик мавжудот, Махараж Парикшит намойиш этганидай, дарров ҳибсга олиниб, ўлимга маҳкум қилиниши лозим.

Халқ ҳукумати, яъни халқ вакилларида таркиб топган ҳукумат, нодон ҳукумат раҳбарларининг талабини қондириб, бегуноҳ ҳайвонларни ўлдиришга йўл қўймаслиги керак. Улар Худонинг муқаддас китобларда ёзилган қонунларини билиши лозим. Махараж Парикшит бу ерда айтяптики, Худонинг қонунига кўра, маъсулиятсиз шоҳ ёки ҳукмдор, ўзининг обрўсини, умрини, қудратини, кучини ва ниҳоят, ўлгандан кейин яхши ҳаётга эришиш ва озодликка чиқиш имкониятини гаровга қўяётган бўлади. Шундай нодон одамлар ҳатто ўлгандан кейин ҳаёт борлигига ҳам ишонмайдилар.

Ҳозир, мен мана шу шеърга изоҳ ёзиб ўтирган пайтимда, олдимда яқинда оламдан ўтган бир замонавий машҳур сиёсатчининг баёноти ётибди. Унинг ёзиб қолдирган васиятномасидан кўришиб турибдики, у бу ерда Махараж Парикшит таъкидлаб турган Худонинг қонунларидан умуман беҳабар. Бу сиёсатчи Худонинг қонунларидан шунчалик беҳабарки, шундай деб ёзади: “” Мен бундай урф-одатларга умуман ишонмайман, ҳатто уларга расмиятчилик юзасидан амал қилиш ҳам иккиюзламачилик ва ўзимни ҳам, бошқаларни ҳам алдашга уриниш бўларди... Мен бу борада ҳеч қандай диний туйғу ҳис қилмайман”.

Замонавий машҳур сиёсатчининг бу гапларини Махараж Парикшитнинг гаплари билан таққослаб, уларнинг дунёқараши орасида қанчалик чуқур жарлик ётганини кўрамиз. Махараж Парикшит такводор шоҳ эди, ҳамма ишда муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига риоя қиларди, ҳозирги сиёсатчи эса, ўз фикри ва дунёқарашига қараб иш тутади. Охир-оқибатда бу дунёдаги ҳар қандай буюк инсон ҳам шартланган

рухдир. У моддий табиат кишанлари билан чамбарчас боғланиб қолган, лекин шунга қарамай, ақлсиз шартланган рух ўз билганича ҳаракат қила оламан деб ўйлайди. Шундай қилиб, хулоса шуки, Махараж Парикшит даврида одамлар бахтиёр яшардилар, ҳайвонлар ҳаёти эса ишончли ҳимоя қилинарди, чунки ҳукумат тепасида Худонинг қонунларини биладиган киши турарди ва у ҳеч қачон ўз билганича ҳаракат қилмасди. Имонсиз нодон зотлар Худонинг борлигини инкор этишга ҳаракат қиладилар ва нодонлиги сабабли бебаҳо инсон ҳаётини хазон қилиб, ўзларини ҳеч қандай динда эмасмиз деб эълон қиладилар. Инсон ҳаёти айнан Худо ҳақидаги илми англаб етиш учун мўлжалланган, лекин, ғофил одамлар, айниқса Кали-юга даврида, Худони илмий равишда ўрганиш ўрнига, гарчи ўзлари туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликларда намоён бўладиган Худонинг қонунлари билан мангу боғланиб қолган бўлсалар ҳам, динга ва Худонинг мавжудлигига қарши тарғибот ишларини олиб борадилар.

12 У(Махараж Парикшит) хўкизга такрор ва такрор мурожаат қилиб сўради: “Эй Сурабхининг ўғли, сенинг уч оёгингни ким чопиб ташлади? Худонинг Ллий Шахси Кришнанинг қонунларига амал қилиб яшайдиган шоҳлар юртида бунчалик бахти қаро бўлган зот йўқ.

Изоҳ: Барча давлатларнинг шоҳлари ёки ҳукумат раҳбарлари инсонийлик бурчини бажаришлари, яъни моддий тирикчиликнинг барча мусибатларидан халос бўлиш учун Парвардигор Кришнанинг қонунларини(асосан, “Шримад-Бхагаватам” ва “Бхагавад-гита”ни) билишлари ва уларга мос равишда ҳаракат қилишлари лозим. Парвардигор Кришнанинг қонунларини биладиган киши ҳеч қийналмасдан ана шу мақсадга эриша олади. Худонинг қонунлари "Бхагавад-гита"да қисқача баён этилган, "Шримад-Бхагаватам"да эса, улар батафсилроқ тушунтирилади.

Одамлар Кришнанинг қонунларига амал қилиб яшайдиган давлатда ҳеч ким бахтсиз бўлмайди. Ана шу қонунларга амал қилинмаётганлигининг биринчи аломати дин тимсолининг уч оёғи йўқлигидир, бошқа бахтсизликларнинг ҳаммаси шундан келиб чиқади. Кришнанинг шахсан Ўзи ер юзида иштирок этганида Унинг қонунларига сўзсиз амал қилинарди, У кетгандан кейин эса, ҳукумат тепасида туриши керак бўлган кўзи кўр одамларга йўл кўрсатиш учун бу қонунлар "Шримад-Бхагаватам" саҳифаларида баён этилган.

13 Эй хўкиз, сен бегуноҳ ва бенуксон виждонлисан, шу боис мен сенга фақат яхшилик тилайман. Менга айтчи, Притхининг фарзандларининг обрўсига доғ туширадиган бундай жароҳатларни сенга ким етказди?

Изоҳ: Махараж Рамачандра ва Ундан ўрнак олиб ҳукмронлик қилган бошқа шоҳларнинг, масалан, Пандузодалара ва уларнинг авлодларининг шуҳрати ҳеч қачон одамлар хотирасидан ўчмайди, чунки уларнинг даврида бегуноҳ ва пок виждонли одамлар мусибат нималигини билмай яшаганлар. Сигир ва хўкиз - бегуноҳлик тимсолидир, чунки уларнинг ҳатто тезағи ва сийдиги ҳам инсонлар жамиятининг бахт-саодати учун ишлатилади. Притхининг ўғилларининг Махараж Парикшит сингари авлодлари обрўсидан айрилиб қолишдан кўрққанлар, лекин ҳозирги даврда ҳукмдорлар мана шундай бегуноҳ ҳайвонларни ўлдиришдан кўрқмайдилар. Ана шундай тақводор шоҳларнинг салтанати билан Худонинг қонунларидан беҳабар маъсулиятсиз одамлар бошқариб турган ҳозирги давлатлар орасидаги фарқ шундан иборат.

14 Қарда ва ким бўлишидан қатъий назар, бегуноҳ тирик мавжудотларни мусибат чекишга мажбур қилган киши мендан кўрқини керак. Виждонсиз ярамасларнинг таъзирини берган киши тақводор инсонларга яхшилик қилган бўлади.

Изоҳ: Ҳукумат раҳбарлари қатъиятсиз ва кучсиз бўлгани учун виждонсиз ярамаслан гуллаб яшнайдилар. Лекин, давлатнинг ҳамма жойида уларнинг ҳаракатларига чек қўйиш учун ҳукумат раҳбарлари етарлича кудратли бўлса, албатта, улар гуллаб яшнай олмайдилар. Бошқаларга сабоқ бўлиши учун ярамас жиноятчиларни жазолаганда бу ҳаммага яхшилик келтиради. Аввал айтганимиздек, шоҳ ёки ҳукумат раҳбарининг асосий вазифаси – мамлакатнинг тинч ва бегуноҳ аҳолисини ҳаммаша ва ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат. Худонинг содиқлари – ўзларининг табиатига кўра тинч ва бегуноҳ зотлардир, шу боис, ҳукуматнинг энг муҳим вазифаси – ҳар бир фуқарони Худонинг содиқ хизматкори қилиш ҳисобланади. Шундай қилиб, барча фуқаролар бирданига тинч ва бегуноҳ одамлар бўладилар. Шунда шоҳнинг ягона бурчи виждонсиз ярамасларнинг фаолиятини тўхатиш бўлиб қолади. Бу эса, бутун жамиятда тинчлик ва фаровонликка олиб келади.

15. Ҳаддидан ошиб, бегуноҳ зотларни қийнаб, жиноят қилган ҳар қандай тирик мавжудотни, ҳатто у чиройли ясениб олган ва қуролланган фаришта бўлса ҳам, мен ўзим яксон қиламан.

Изоҳ: Самовий салтанатда яшайдиган зотларни амаралар, яъни, ўлмайдиган зотлар деб атайдилар, чунки уларнинг умри жуда узок, одамларнинг умридан анча кўп. Ошиб борса юз йил умр кўрадиган инсон учун миллион йил умр кўрадиган зотлар албатта ҳеч қачон ўлмайдигандай туюлади. Масалан, "Бхагавад-гита"дан биламизки,

Брахмалокада бир куннинг узунлиги 4.300.000.000 куёш йилига тенг. Бошқа жаннатий сайёраларда эса, бир кун бизнинг сайёрамиздаги олти ойга тенг ва улардаги аҳоли шундай йил ҳисоби билан миллион йил яшайди. Барча олий сайёралар тизимидаги зотларнинг умри инсоннинг умрига қараганда анча узун бўлгани учун, улар одамларга мангу барҳаётдай, ўлмайдигандай туюлади. Лекин, аслини олганда, моддий оламда ҳамма ўлади.

Махараж Парикшит, агар бегуноҳ зотларга озор берсалар, ҳатто ана шундай фаришталарнинг ҳам таъзирини бериб қўйишини айтяпти. Бу дегани, ҳеч иккиланмасдан энг хавfli жиноятчиларни ҳам жазолай олиш учун ҳукумат раҳбари Махараж Парикшит сингари қудратга эга бўлиши лозим. Ҳукумат раҳбари бир қонунга амал қилиши лозим: Худонинг қонунларини бузган киши албатта жазоланиши лозим.

16. Ҳукмдор шохнинг энг олий бурчи – қонунга бўйсуниб юрган фуқароларни ҳамиша ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш ҳамда ҳеч қандай заруратсиз, оддий шароитларда муқаддас китобларнинг қонунларини бузадиган кишиларни жазолашдан иборат.

Изоҳ: Муқаддас китобларда *анад-дҳарма* деган бўлим бор, унда инсоннинг фавқулодда вазиятларда бажарадиган вазифалари кўрсатилган. Айтишларига қараганда, буюк донишманд Вишвамित्रа жуда хатарли фавқулодда вазиятга тушиб қолиб, ит гўшти ейишга мажбур бўлган. Ноилож, чорасиз қолган пайтларда ҳар хил хайвонлар гўшти билан озикланиш руҳсат этилади, лекин бу дегани, нафсига кучи етмайдиган гўштхўр одамларнинг талабини қондириш учун мунтазам фаолият кўрсатадиган кушхоналар бўлиши керак, ҳукумат ҳам ана шундай тизимни рағбатлантириб туриши керак дегани эмас. Ҳеч қандай заруратсиз, одатдаги ҳолларда, шунчаки ўз нафсининг талабини қондириш учун ҳеч ким гўшт маҳсулотлари истеъмол қилмаслиги керак. Агар ким шундай қилса, шох ёки ҳукумат раҳбари бундан қўпол равишда лаззатланиб юргани учун уни жазолаши керак.

Фаолиятининг турига қараб турли вазифаларни бажариб юрган турли одамлар учун муқаддас китобларда ҳар хил қоидалар берилган, ана шу қоидаларга риоя қилиб юрган кишилар *сва-дҳарма-стха*, яъни, “муқаддас бурчига содиқ зотлар” деб аталадилар. "Бхагавад-гита"(18.48)да, ҳатто номукамал бўлса ҳам, ҳар ким ўз бурчини бажариши лозим, деб кўрсатилган. Ана шундай *сва-дҳарма*(бурч)ни фақат ноилож қолган, шароит шунга мажбур қилган пайтлардагина бузиш мумкин, лекин одатдаги ҳолларда бу қоидаларни бузиш мумкин эмас. Ҳукумат раҳбари, ана шундай *сва-дҳарма* қоидаларига риоя қилиб юрган кишилар, улар қандай бўлишига қарамасдан уларга хилоф иш лилмаслигини назорат қилиши,

шу қоидаларга амал қилиб юрган кишиларга ҳар томонлама ҳомийлик қилиши лозим. Худонинг қонунларини бузган киши шастраларда кўрсатилган жазо билан жазоланади. Мамлакатдаги ҳар бир фуқаро ўзининг муқаддас китобларда кўрсатилган бурч ва вазифаларини бажариб яшашини назорат қилиб туриш шохнинг бурчидир.

17 Дин тимсоли деди: Сен ҳозиргина Пандузодалар вакилига муносиб бўлган гапларни айтдинг. Ҳатто Парвардигор Кришна, Худо Шахси, Ўзига чексиз садоқатли бўлган Пандузодаларнинг фазилатларига мафтун бўлиб, уларнинг элчиси вазифасини бажариб юрганди.

Изоҳ: Махараж Парикшитнинг ҳар қандай гуноҳқорни жазолайман деб айтган гаплари шунчаки унинг маҳмадоналиги эмасди. Махараж Парикшит айтгандики, агар дин қонунларини бузсалар, унинг салтанатида ўрнатилган қонунларга кўра, ҳатто фаришталар ҳам муқаррар жазодан қутулиб қола олмайдилар. Бу шунчаки мақтанчоқлик эмас, чунки Худонинг содиқ хизматкори ҳам Парвардигорнинг Ўзи сингари қудратли, баъзан эса, Худонинг марҳамати билан ҳатто Ундан ҳам қудратлироқ бўлади. Худонинг содиқ хизматкорининг ҳар қандай ваъдаси, ҳатто одатда амалга оширишнинг иложи бўлмаса ҳам, Худонинг марҳамати билан албатта амалга ошади. Пандузодаларнинг Парвардигорга бўлган чексиз садоқати ва уларнинг соф садоқат билан қилган хизмати Парвардигорни уларнинг жиловдори, бир куни эса, - ҳатто уларнинг хабарчиси қилиб қўйди. Парвардигор Ўзининг худога муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган содиқ хизматкорига хизмат қилиш учун хурсандчилик билан Ўз зиммасига бундай ишларни олади. Парвардигорнинг машхур хизматкори ва дўсти Аржуннинг невараси бўлган Махараж Парикшит, бобоси сингари Парвардигорнинг асл содиғи эди, шу боис у, ҳали онасининг қорнида ночор аҳволда ётган пайтида Ашваттхаманинг оловли қуроли, брахмастра ҳужумига дучор бўлгандан бошлаб Парвардигор ҳамиша у билан бирга эди. Содиқ ҳамиша Парвардигорнинг ҳимояси остида бўлади, шунинг учун Махараж Парикшитнинг ўз ҳимоясига олиши ҳақида берган гаплари шунчаки қуруқ сўзлар эмасди. Дин тимсоли унинг гапларини қабул қилди ва у ўзининг юксак мартабасига муносиб бўлгани учун шохга миннатдорчилик билдирди.

18 Эй инсонлар орасида энг буюги, бизларнинг мусибатимизга сабабчи бўлган ярамасни аниқ кўрсатиш жуда қийин, чунки бизлар назариётчи файласуфларнинг ҳар хил фикрлари таъсири остида адашиб қолганмиз.

Изоҳ: Жаҳонда, сабаб ва оқибатларни ўзларича талқин қиладиган, айниқса, ҳар хил зотларнинг мусибатлари ва уларнинг оқибатларининг сабабини турлича тушунтирадиган жуда кўп назариётчи файласуфлар бор. Олти буюк файласуф бор: Канада – *вайшешика* фалсафасининг асосчиси; Гаутама – мантиқ фалсафаси асосчиси; Патанжали – сеҳрли йога мактабининг асосчиси; Капила – санкхья фалсафасининг асосчиси; Жаймини – карма-мимамса фалсафасининг асосчиси ва Вйасадева – веданта-даршана асосчиси.

Гарчи хўкиз(дин тимсоли) ва сигир(Ер тимсоли) уларнинг мусибатларига бевосита сабабчи зот – Кали тимсоли эканини аниқ билсалар ҳам, шунга қарамай, Худонинг содиқлари сифатида, улар Парвардигорнинг изнисиз уларга ҳеч ким ёмонлик қила олмаслигини яхши билардилар. “Падма-пурана”га кўра, бизларнинг ҳозирги мусибатларимиз қачонлардир қилган гуноҳларимизнинг уруғлари энди ўз ҳосилини бераётгани сабабли пайдо бўлади, лекин, Худога садоқат билан хизмат қилиш натижасида ҳатто қилган гуноҳларимизнинг ана шундай уруғлари ҳам аста-секин яқсон бўлиб кетади. Шу боис, Худонинг содиқлари ҳатто уларга ким ёмонлик қилаётганини билсалар ҳам, улар ўз мусибатларида уларни айбламайдилар. Улар, ўзларига мусибат етказаётган кишиларни бунга қандайдир бошқа бир нарса мажбур қилаётгани ўзидан ўзи маълум деб ҳисоблайдилар ва шунинг учун, Парвардигор унга ўзи муносиб бўлган мусибатларнинг миллиондан бирини юборяпти, акс ҳолда бундан беш баттар қийналиши керак эди деб, бу мусибатларга чидам билан сабр қиладилар.

Махараж Парикшит уларнинг ўзларига бевосита озор етказиб турган кишига қарши гувоҳлик беришларини истаган эди, аммо улар юқоридаги сабабларга кўра бундай қилмадилар. Лекин, сафсатабоз файласуфлар, ҳамма ишда Худонинг қўли борлигини тан олмайдилар. Кейинги шеърлардан маълум бўладики, улар мусибатларнинг сабабини ўзларича аниқлашга уринадилар. Шрила Жива Госвамиининг фикрига кўра, ана шундай сафсатабоз файласуфлар адашган одамлардир ва шу боис улар барча сабабларнинг сабабчиси – Парвардигор, Худо Шахси эканини тушуна олмайдилар.

19 Зиддиятларнинг ҳар қандай турини инкор этадиган баъзи бир файласуфлар айтадиларки, тирик мавжудотнинг бахт ва бахтсизлиги унинг ўзига боғлиқ. Бошқаларнинг фикрига кўра, улар юқори кучларга боғлиқ, учинчи бировларнинг фикрича эса, улар кишининг қилиб юрган ишига боғлиқ. Вульгар дунёвий одамлар эса, уларнинг бошланғич сабаби табиат деб айтадилар.

Изоҳ: Юқорида таъкидлаганимиздек, Жаймини сингари файласуфлар ва уларнинг издошлари бахт ва бахтсизликнинг асосий сабаби – кармали фаолият эканини исботлайдилар. Ҳатто қандайдир олий ҳокимият, ғайритабиий қудратга эга бўлган Худо ёки Худолар мавжуд бўлса, улар ҳам кармали фаолиятнинг таъсири остида ҳаракат қиладилар, чунки улар ҳам инсонни фақат унинг ўзининг қилган ишларига қараб муқофотлайдилар. Уларнинг фикрига кўра, инсоннинг ҳаракати мустақил эмас, чунки уни кимдир ижро этади, демак, ҳар ким бахтли ёки бахтсизлигига ўзи сабабчи бўлади. "Бхагавад-гита"(6.5)да ҳам айтилганки, моддий боғланишлардан халос бўлган ақл ёрдамида инсон моддий мусибатлардан халос бўла олади. Шунинг учун, инсон ўз ақлининг моддий боғланишлари сабабли модданинг тўрларига ўралиб қолмаслиги керак. Шундай қилиб, бу дунёда моддий жиҳатдан бахтли ёки бахтсиз бўлишида ҳар кимнинг ўз ақли инсоннинг дўсти ҳам, душмани ҳам бўлиши мумкин.

Санкхья фалсафасининг имонсиз ва дунёвий издошлари барча сабабларнинг сабабчиси – моддий табиатдир, деб хулоса чиқарадилар. Уларнинг фикрига кўра, дунёвий бахт ва бахтсизликнинг сабаби моддий унсурларнинг бирикмасида, шунинг учун модданинг таркибий қисмларга бўлиниб кетиши натижасида барча моддий мусибатлардан халос бўлиш мумкин. Гаутама ва Капила эса, ҳамма нарсанинг сабабчиси – атомларнинг бирикмаси деб биладилар. Аммо, "Бхагавад-гита"да Парвардигорнинг Ўзи шахсиятсиз Брахманнинг манбаи эканини айтган, шу боис У, Худо Шахси, барча сабабларнинг охириги сабабчисидир. “Брахма-самхита”да ҳам тасдиқланганки, Парвардигор Кришна – барча сабабларнинг охириги сабабчиси.

20 Шундай фикрлайдиган одамлар ҳам борки, улар мусибатлар сабабини на фикр-мулоҳаза юритиш билан аниқлаб бўлади, на тасаввур қилиб бўлади, на сўзлар билан ифодалаб бўлади, деб ўйлайдилар. Эй шоҳлар ичида донишманди, буларнинг ҳаммасини таҳлил қилиб ва ўткир тафаккурингни ишга солиб, бу ҳақда ўз фикрингни айт.

Изоҳ: Вайшнавлар, Худонинг содиқлари аниқ ишонадиларки, аввал тушунтирганимиздек, бирор иш Парвардигорнинг изнисиз рўй бермайди. У – энг олий ҳакам, чунки, Унинг Ўзи "Бхагавад-гита"(15.15)да айтганки, ҳамма жойда мавжуд бўлган Параматма кўринишида ҳар кимнинг қалбида турган ҳолда У ҳар кимнинг барча ҳаракатларини кузатиб туради ва тирик мавжудотнинг барча қилган ишларининг гувоҳи ҳисобланади. Имонсиз атеистларнинг “то одил суд аниқламагунча ҳеч ким қилган ёвузлиги учун жазоланиши мумкин эмас” деган фикри бу ерда

инкор этилади, чунки бизлар тирик мавжудотнинг мангу гувоҳи ва мангу йўлдоши борлигини тан оламиз. Тирик мавжудот авалги ёки ҳозирги умри давомида қилган ишларининг ҳаммасини эсдан чиқариб юбориши мумкин, лекин шуни эсда тутиш лозимки, моддий тана дарахтида икки қуш ўтирибди: алоҳида руҳ ва Олий Руҳ, Параматма. Улардан биттаси, тирик мавжудот, ана шу дарахт меваларидан тотати, Олий Мавжудот эса, унинг фаолиятига гувоҳ бўлиш учун ҳамиша унинг ёнида иштирок этади. Шундай қилиб, Парвардигорнинг Параматма қиёфаси, Олий Руҳ, тирик мавжудотнинг барча амалларига гувоҳ бўлиб юради, фақат Унинг амри билан тирик мавжудот ўзининг аввал қилган ишларини эслаши ёки унутиб юбориши мумкин. Шундай қилиб, Парвардигор ҳам ҳамма жойга сингиб кетган Брахман, ҳам – ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Параматма. У ўтмишни ҳам, ҳозирни ҳам, келажакни ҳам билади, Ундан бирор нарсани яшириб бўлмайди. Худонинг содиқлари мана шу ҳақиқатни биладилар, шу боис, ҳалоллиги учун мукофот олиш ҳақида ўйламасдан, ўз бурчини виждон билан ҳалол бажардилар. Бундан ташқари, фикр-мулоҳаза юритиш билан ҳам, илм ўрганиш билан ҳам Парвардигор бунга қандай жавоб беришини тушуниб бўлмайди. Нимага Парвардигор бошқа бировга эмас, айнан менга қийинчилик юборади? У – Ведалар илмининг олий билимдони ва шу боис – олий ведантист. Айни пайтда У – “Веданта”нинг муаллифи. Ҳамма Унга қарам ва ўзича Унга хизмат қилади. Тирик мавжудотни шартланган ҳолатда Худога хизмат қилишга моддий табиат мажбур қилади, озодликка чиққан ҳолатида эса, унинг Худога садоқат ва муҳаббат билан хизмат қилишига руҳий табиат ёрдам беради. Парвардигорнинг ҳамма иши ҳар қандай иллатдан ва камчиликдан пок. Уларнинг ҳаммаси Мутлақ Ҳақиқатда амалга оширилади. Парвардигорнинг англаб бўлмас ишларини Бхишмадева аниқ баҳолаганди. Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, Махараж Парикшитга намойиш этилган дин тимсоли билан Ер тимсолининг мусибатлари, Махараж Парикшит намунали ҳукмдор эканини кўрсатиш учун амалга оширилган эди, чунки Махараж Парикшит сигир(Ер)ларни ва брахман(дин қонун)ларини – руҳий юксалишнинг икки устунини қандай ҳимоя қилишни яхши биларди. Ҳамма нарса Парвардигорнинг ҳукми остида. Ҳар бир вазиятда, кимдир бирор ишни қилишини истаганида, У бехато ҳаракат қилиб шу ишни уюштиради. Шундай қилиб, Парвардигор Махаражнинг қанчалик буюклигини текшириш учун унга шандай синов юборганди. Кўрайликчи, Махараж Парикшитнинг зукко тафаккури унинг бу синовдан ўтишига қандай ёрдам берган экан.

21 Сута Госвами деди: Эй брахманлар ичида аъло зотлар, Император Парикшит дин

тимсолининг гапларидан тўла мамнун бўлди ва ҳеч иккиланмасдан аниқ жавоб берди.

Изоҳ: Дин тимсоли бўлган ҳўкизнинг доно ва фалсафий гаплари шоҳни мамнун қилди, чунки у, мусибат чекаётган ҳўкиз – оддий ҳайвон эмаслигини тушунди. Парвардигорнинг қонунларини мукамал билмасдан фалсафий ҳақиқат ҳақида гапириб бўлмайди. Шундай чуқур илмга эга бўлган император ҳам ҳеч иккиланмасдан аниқ ва тўғри жавоб беради.

22 Шоҳ деди: Эй ҳўкиз қиёфасига кирган зот! Сен ҳақиқатан ҳам динни яхши биласан ва сенинг гапларинг Худонинг: “қонунбузарни кўрсатган киши ҳам Худонинг қонунини бузган киши билан баробар жазоланади” деган қонунига мос келади. Сен дин тимсолидан бошқа зот эмассан.

Изоҳ: Худонинг содиқ хизматкори, ўзининг ким эканига – золимми ёки олижаноб зотми – ҳеч ким бевосита жавоб бермайди. Бунга фақат Парвардигор руҳсат бериб қўйибди. Шунинг учун у бундай гуноҳ ишларга бевосита жавоб беради деб ҳисобламайди. Ҳар икки ҳолатда ҳам у омад ҳам омадсизлик ҳам Худодан деб билади ва ҳар иккаласини ҳам Унинг марҳамати деб қабул қилади. Омад келганда ҳеч ким бунинг Худонинг марҳамати эканини инкор этмайди, омадсизлик келганда эса, гумон пайдо бўлади: Парвардигор ўзининг содиқ хизматкорига оғир синов юбориб, шунчалик бешафқат бўлиши мумкинми? Исо Масихни ғофил одамлар хочга михлаганларида унинг бошига ишониш қийин бўлган синовлар тушган эди, лекин у ўша ярамаслардан хафа бўлмади. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам шундай қабул қилиш керак. Шунинг учун, содиқнинг назарида гуноҳқорни кўрсатган киши ҳам худди гуноҳ иш қилган кишидай гуноҳқордир. Худонинг марҳамати билан Худонинг содиқлари барча қийинчиликларга чидам билан сабр қилдилар. Буни кўриб, Махараж Парикшит бу ҳўкиз – дин тимсолидан бошқа зот эмаслигини тушуна олди. Бошқача қилиб айтганда, Худонинг содиқ хизматкори умуман мусибат чекмайди, чунки аслида мусибат дегани ҳам – ҳамма нарсада фақат Парвардигорни кўрадиган содиқ учун Худонинг марҳамати. Сигир ва ҳўкиз уларга азоб бераётган Кали тимсоли устидан шоҳга арз қилмадилар, ваҳоланки, бундай ҳолларда ҳамма ҳукумат вакилларига арз қилдилар. Ҳўкизнинг ўзини ғайритабиий тутиши шоҳга, шубҳасиз, бу ҳўкиз дин тимсоли бўлса керак, деб хулоса чиқаришга имкон берди, чунки бошқа ҳеч ким унинг бундай нозик масалаларини таҳлил қила олмасди.

23 Шундай қилиб, Худонинг қувватларини англаб бўлмас, уларни фалсафий фикрлаш

ёрдамида ҳам, жимжимадор гаплар ёрдамида ҳам англаб етиб бўлмайди.

Изоҳ: Шундай савол туғилиши мумкин: хатто, охир оқибатда ҳаммаси Худодан эканлигини аниқ билса ҳам, нимага содиқ гуноҳ қилган кишини кўрсатмаслиги керак? Охир-оқибатда ҳамма ишни ким қилиб турганини билиб турган ҳолда, ўзини бу кимнинг иши эканини билмайдигандай қилиб кўрсатиш керак эмас. Бу саволга жавобан шундай дейиш мумкинки, Парвардигор ҳам бевосита маъсул эмас, чунки ҳамма ишни У вакил қилган майя-шакти – моддий қувват бажаради. Моддий қувват ҳамиша бизни Парвардигорнинг олий ҳокимияти борлигига гумон қилишга мажбур қилади. Дин тимсолига аниқ маълум эдики, Парвардигорнинг изни-иродасисиз бирор иш амалга ошиши мумкин эмас, лекин барибир, адаштирувчи қувват таъсири остида унда гумон пайдо бўлди, шу боис у олий сабабни эслатиб ўтишдан ўзини тутиб турди. Бундай гумонлар Кали ва моддий қувватнинг иллатли таъсири оқибатидир. Алдамчи қувват Кали даврига хос бўлган вазиятни юзага келтиради, ана шу вазиятнинг қанчалик қалтислигини англаб бўлмайди.

24 Сатйа-юга(ростгўйлик) даврида сен, тўрт қонун: риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйлик шарофати билан тўртала оёғингда мустаҳкам тургандинг. Аммо ҳозир, манманлик, шахвоний эҳтирос ва мастлик кўринишида намоён бўладиган худосизликнинг кенг тарқалиб кетганлиги сабабли сенинг уч оёғинг синдирилган.

Изоҳ: Алдамчи қувват, яъни моддий табиат тирик мавжудотга, улар майянинг алдамчи жозибаторлигининг қай даражада қурбони бўлсалар, шу даражада таъсир қила олади. Парвоналарни кўзни камаштирадиган ёрқин нур асир қилиб қўяди, шу сабабли улар оловнинг қурбони бўладилар. Алдамчи қувват ҳам ҳамиша шартланган руҳларни ўзига мафтун қилиб юради ва натижада улар адашиш оловининг қурбони бўладилар. Ведавий битиклар алданиш қурбони бўлмасдан, ундан халос бўлишга чақириб шартланган руҳларни огоҳлантирадилар. Ведалар бизга, ёруғ йшлга кириб, ғофиллик зулматига олиб борадиган йўлдан йироқ юришни маслаҳат берадилар. Моддий қувват жилвалари жуда кучли, уни енгиб бўлмайди деб Парвардигор ҳам бизни огоҳлантиради, лекин барибир, ўзини Худога бутунлай топширган киши осонлик билан уни енга олади. Лекин, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўзини топшириш осон эмас. Фақат риёзатга берилган, раҳмдил, покдомон ва ростгўй одамларгина ўзларини Худога бутунлай топшира оладилар. Ривожланган маданиятнинг мана шу тўрт қондаси Сатйа-юга даврига мос

келади. Ўша даврда ҳар бир инсон ҳақиқатан ҳам юксак даражадаги малакали браҳман бўлган, ижтимоий тизим нуқтаи-назаридан эса, ҳамма парамахамса, яъни, таркидунёликнинг чўққисига кўтарилган зотлар эдилар. Таълим-тарбия шарофати билан одамлар алдамчи қувват таъсиридан озод эдилар. Кучли хулқ-атворга эга бўлган ана шундай одамлар майя чангалидан халос бўла олардилар. Лекин, манманлик, шахвоний эҳтирос ва маст қилувчи нарсаларнинг тарқалиши сабабли браҳманлар маданиятининг асослари: риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйлик қоидаларининг емирила бориши билан инсонлар жамияти халоскорлик йўлидан, илоҳий лаззат йўлидан четга чиқиб кетди. Кали юга даврида одамлар жуда манман, шахвоний эҳтиросга ва маст қилувчи нарсаларга берилган. Кали-юга таъсири остида гадой ҳам ўзининг сарик чақаси билан мағрурланади, эркакларнинг ақлини олиш учун аёллар ҳаддан ташқари жозибали кийинадилар, эркаклар эса, винога, сигаретга, чойга ва бошқа маст қилувчи нарсаларга боғланиб қолганлар. Бундай бемаъни одатларнинг ҳаммаси, яъни, “замонавий маданият”нинг ривожланиши – худосизликнинг асосий сабабидир, шу боис жамиятда порахўрликни, ошна-оғайничиликни жиловлашнинг иложи йўқ. Бу иллатни на қонунлар чиқариш билан, на полиция назоратини кучайтириш билан йўқотиб бўлмайди, лекин, ақли бундай иллатдан даволашнинг битта ишончли давоси бор – браҳманлар маданиятининг риёзат, поклик, ростгўйлик ва раҳмдиллик қоидаларига риоя қилиб яшашни тарғибот қилиш. Замонавий маданият ва иқтисоднинг ривожланиши натижасида бошқача бир вазият юзага келди: қашшоқлик ва очарчилик, бунинг оқибатида эса, ҳаёт қулайликларини сўраб олиш. Агар раҳбарлар ва жамиятдаги бадавлат одамлар ўзлари тўплаган бойликнинг эллик фоизини саховат билан адашган ғофил одамларнинг фаровонлиги йўлида, уларни Худони англаган кишилар қилиб тарбиялаш ҳамда "Шримад-Бхагаватам" илмини ўргатиш учун сарфласалар, шубҳасиз, Кали юга шартланган руҳларни ўзининг чангалига илдириб ололмаган бўларди. Ҳамиша эсимизда тутишимиз лозимки, бутун жаҳонда одамлар бир бирини тинчликка чақирмасинлар, сохта мағрурлик, яъни, ўз қадрини ҳаддан ташқари ошириш, шахвоний эҳтиросга берилиш ёки аёллар билан бўлиш ва мастлик инсониятни тинчлик йўлидан четга олиб кетади. "Шримад-Бхагаватам" қоидаларини тарғибот қилиш ўзидан ўзи ҳаммани кундалик турмушда ўзини тута биладиган, ҳам ичдан, ҳам сиртдан пок, бир бирига меҳрибон ва кундалик турмушда ростгўй қилиб қўяди. Инсонлар жамиятининг ҳозирги кунда очик-равшан намоён бўлиб турган иллатларини бартараф қилишнинг йўли шундан иборат.

28 Ҳозир сен ростгўйлик тимсоли бўлган бир оёқда турибсан, ҳали зўр-базўр ҳаракат қила оласан. Лекин, ёлғончилик шарофати билан гуллаб-яшнаётган ўзаро жанжаллар тимсоли(Кали) ҳатто ана шу оёғингни ҳам синдиришга уриняпти.

Изоҳ: Дин қонунлари қотиб қолган доғмаларда ёки одамлар ўйлаб топган формулаларга эмас, балки инсон ҳаётини тартибга солувчи тўрт қоидага асосланган: риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйлик. Одамларни ёшлиқдан ана шу қоидалар руҳида тарбиялаш керак. Риёзат дегани, тана учун ноқулай бўлса ҳам, руҳий юксалишга ёрдам берадиган амалларни, ўз ихтиёри билан бажариш, масалан, оч юриб рўза тутиш. Ойда икки ёки тўрт кун рўза тутиш – ихтиёрий равишда амал қилиш мумкин бўлган риёзатнинг бир тури. Лекин, буни сиёсий ёки бошқа мақсадда эмас, фақат руҳий ўзлигини англаб етиш мақсадида қилиш лозим. Руҳий ўзлигини англашдан бошқа ниятни кўзлаб рўза тутиш "Бхагавад-гита"(17.5-6)да кораланади. Худди шундай, поклик, озодлик ҳам ақл учун, тана учун зарур. Тананинг поклигини таъминлаб юриш маълум даражада фойда бериши мумкин, лекин ақлнинг поклиги анча муҳимроқ, бунга эса Парвардигорни олқишлаш орқали эришилади. Парвардигорни олқишламай туриб ақлимизда тўпланиб қолган иллатлардан покланишнинг иложи йўқ. Худосизлар маданияти инсоннинг ақлини поклашга қодир эмас, чунки унинг Худо ҳақида тушунчаси йўқ, одамлар моддий жиҳатдан қанчалик таъминланган бўлмасин, улар барибир эзгу фазилатларга эга бўла олмаслиги учун фақат мана шу сабабнинг ўзи етарли. Ҳар қандай фаолиятга унинг натижасига қараб баҳо берилади. Кали юга даврида жамият тараққиёти ҳамманинг норозилигига олиб келди, шунинг учун ҳозир ҳар бир одам қандай қилиб ақлнинг хотиржамлигига эришиш ҳақида ўйлайди. Сатйа юга даврида одамларнинг ақли тўла хотиржам эди, чунки одамлар юқорида санаб ўтилган фазилатларга эга эдилар. Аста-секин бу фазилатлар камайиб кетди: Трета-югада чорак қисми йўқолди, Двапара-югада уларнинг ярми қолди, Кали-юга даврида эса, уларнинг фақат чорак қисми қолган. Ёлғончилик авж олган сари бу фазилат ҳам тобора камайиб бораверади. Мағрурлик, хоҳ у сохта бўлсин, хоҳ ҳақиқий, риёзат натижаларини йўққа чиқаради, шахвоний эҳтирос, аёлларга ҳаддан ташқари боғланиш – покликни йўқ қилади, маст қилувчи нарсаларга ружу қўйиш – раҳмдилликни йўққа чиқаради, ёлғон гаплар ростгўйлик қондасининг илдизига болта уради. Фақат бхагавата-дҳарма маданиятини қайта тиклаш орқали инсониятни ҳар хил фалокатлардан сақлаб қолиш мумкин.

26 Албатта, Ер нинг бу оғир дардини Худо Шахси ва бошқалар енгиллатган эдилар.

Парвардигор ер юзига келганида Унинг омад келтирадиган пойи қадамлари шарофати билан ҳамма яхши нарсалар юзага келганди.

27 Энди эса, бахтга қарши Худо Шахси ташлаб кетган у покдомон кўзлари ёшга тўлиб, ўзининг келажагини ўйлаб азият чекиб турибди, чунки энди ўзларини ҳукмдор қилиб кўрсатиб юрган паст табақага мансуб одамлар унга ҳукмронлик қилиб лаззатланиб юрибдилар.

Изоҳ: Ҳукуматни қшатрий, яъни, ғурбатдагиларни ҳимоя қилишга қодир бўлган киши ҳукмрон бўлиши керак. Паст табақадан чиққан, ҳеч қандай таълим олмаган, ғурбатдагилар билан иши бўлмайдиган одамларга раҳбарлик лавозимини бермаслик керак. Бахтга қарши, Кали юга даврида, сайловда кўп овоз тўплаб, паст табақага мансуб кишилар раҳбарлик лавозимларини эгаллаб оладилар, ва улар ғурбатдагиларни ҳимоя қилиш ўрнига жамиятда чидаш қийин бўлган вазиятни юзага келтирадилар. Ана шундай раҳбарлар, ўз қўли остидагилар ҳисобидан ўзларига қулайликлар яратадилар, шу боис, ўз фарзандлари – одамлар ва ҳайвонлар қанчалик ачинарли аҳволга тушиб қолганини кўриб, покдомон она Ер кўз ёши тўқади. Кали-юга даврида Худосизлик авжига чиққанида инсониятни ана шундай келажак кутиб турибди. Лекин, ҳатто атеистик ғояларнинг тарқалишига қаршилиқ қиладиган муносиб раҳбарлар бўлмаса ҳам, одамларга "Шримад-Бхагаватам" таълимотини мунтазам равишда ўргатиш орқали порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик, босқинчилик ва бошқа иллатларнинг олдини олиш мумкин.

28 Минглаб душманлар билан якка ўзи жанг қилишга қодир бўлган Махараж Парикшит дин тимсоли ва Ерни шундай гаплар билан овунтирди. Шундан кейин у, Худосизлик сабабчиси бўлган Кали тимсолини ўлдириш учун ўзининг ўткир қиличини қўлига олди.

Изоҳ: Аввал айтганимиздай, Кали тимсоли – онгли равишда муқаддас китобларда таъқиқланган ҳар хил гуноҳ ишларни қилиб юрган киши. Албатта, ҳозирги даврда Кали фаолияти ҳамма жойда кенг тарқалган, лекин бу дегани, жамият йўлбошчилари, ҳукумат раҳбарлари, таълим-тарбия олган ва зиёли одамлар, энг асосийси, Худонинг содиқлари бефарқ равишда Кали-юганинг фаолиятини кузатиб, қўл қовуштириб ўтираверишлари керак, дегани эмас. Ёмғир палласида кучли ёмғирлар бўлиши муқаррар, лекин бу дегани, одамлар ундан ўзларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши керак эмас деганимаску. Ҳукумат раҳбарлари ва бошқаларнинг бурчи – Кали-юганинг ҳамда Кали таъсири остига тушиб қолган кишиларнинг фаолиятини тўхтатиш учун

чоралар кўришдан иборат. Махараж Парикшит намунали ҳукумат раҳбари эди, чунки у шу заҳотиёқ ўзининг ўткир қиличи билан Кали тимсолининг бошини танасидан жудо қилишга тайёр эди. Ҳукмдорлар шунчаки жамиятнинг тубанликка юз тутишига ва бузилиб кетишига қарши кураш ҳақида резолюция чиқариб қолмасдан, ишончли муқаддас китоблар нуқтаи-назарида ана шундай вазиятни юзага келтираётган гуноҳкорларни ўткир қилич билан жазолашга тайёр бўлишлари лозим. Ароқ сотувчи магазинларнинг мавжуд бўлиб туришига йўл кўяр экан, ҳукмдорлар қонунбузарликни бартараф қила олмайдилар. Улар ҳеч иккиланмасдан наркотик моддалар ва вино сотадиган магазинларни бекитишлари ва нафсини жиловлаб ололмасдан, ҳар хил маст қилувчи нарсаларни истеъмол қилишни тарк этишни истамайдиган ҳар қандай жиноятчини жазолашлари, зарур бўлса ўлим жазосига маҳкум қилишлари лозим. Фақат шу йўл билан Калининг фаолиятини тўхтатиш мумкин, маха-ратха Махараж Парикшит айнан ана шу йўлни намойиш этипти.

29 Шох уни ўлдиришга шайланаётганини тушуниб етгандан кейин, Кали тимсоли дарров устидаги шохона либосни ечиб ташлади ва ўзини бутунлай шохнинг марҳаматига топшириб, кўрққанидан унинг олдида бош эгди.

Изоҳ: Кали тимсолининг шохона либоси – шунчаки рўё. Шохона либосни фақат шох, кшатрий кийиши лозим. Агар паст табақадан чиққан киши шохона либос кийиб олган бўлса, фақат Махараж Парикшит сингари ҳақиқий кшатрий жангга чақириб унинг асл башарасини фош қилиши мумкин. Ҳақиқий кшатрий ҳеч қачон таслим бўлмайди. У рақибининг чақирғини қабул қилади ва ё ҳалок бўлиш, ё ғалаба қилиш учун жанг қилади. Ҳақиқий кшатрий ҳеч қачон таслим бўлмайди. Кали-юга даврида ўзларини ҳукмдор ва ҳукумат раҳбарлари деб юрган жуда кўп иккиюзламачилар бор, лекин, ҳақиқий кшатрий уларни жангга чорлаганда уларнинг асл башараси очилиб қолади. Шу боис, шохона либос кийиб олган Кали тимсоли Махараж Парикшит билан жанг қилиш қўлидан келмаслигини тушуниб етганида, таслим бўлганини билдириб бошини эгди ва устидаги шохона либосини ечиб ташлади.

30 Бошини эгган кишини кечиришга қодир бўлган ва шуҳрати замонлар оша олқишланишига муносиб бўлган Махараж Парикшит ачинарли, таслим бўлган ва пасткаш Калини ўлдирмади, ачинганидан унга қараб кулиб қўйди, чунки у бахтсизларга нисбатан меҳрибон эди.

Изоҳ: Табиатига кўра бахтиқаро одамларга нисбатан раҳмдил ва меҳрибон бўлган Махараж

Парикшит нари турсин, ҳатто оддий кшатрий ҳам таслим бўлган кишини ўлдирмайди. Шох кулиб қўйди, чунки шохона либос кийиб олган Кали асл башарасини очган ва олдида паст табақага мансуб киши бўлиб турарди. Шох, гарчи, шу пайтгача унинг ўткир қиличидан ҳеч ким қочиб қутулмаган бўлса ҳам, паст табақага мансуб бўлган бахтиқаро Калининг ўз вақтида таслим бўлиб, ундан қутулиб қолгани қанчалик қулгили экани ҳақида ўйларди. Шу боис Махараж Парикшитнинг олижаноблиги ва улуғворлиги тарихда дoston бўлиб қолган. У таслим бўлиб олдида бош эгса, ҳатто у ўз душмани бўлса ҳам кечири олишга қодир бўлган меҳрибон ва олижаноб шох эди. Такдир тақозоси билан Кали тимсоли шундай қутулиб қолган эди.

31 Кейин шох унга деди: Биз Аржуннинг шон-шуҳратини мерос қилиб олганмиз, таслим бўлиб, камтарин ҳолда олдимда қўл қовуштириб, бош эгиб турган экансан, энди жонимни олади деб кўрқмаслигинг мумкин. Лекин сен менинг салтанатимда қолишинг мумкин эмас, чунки сен – Худосизлик чўриссан.

Изоҳ: Агар таслим бўлса, Худосизликнинг ҳамтовоғи бўлган Кали тимсолини кечириш мумкин, лекин, ҳеч қачон унинг гуллаб-яшнаётган мамлакатнинг бирор жойида яшашига йўл қўймаслик керак. Пандузодалар Худо Шахсининг – аслида Курукшетрадаги жангни ташкил этган Парвардигор Кришнанинг ишончли вакиллари эдилар. Лекин Кришна буни қандайдир шахсий манфаат кўзлаб қилгани йўқ. У оламга намунали шох Махараж Юдхистхира ва унинг Махараж Парикшит сингари муносиб авлодлари ҳукмронлик қилишини истаган эди. Махараж Парикшит сингари маъсулиятли шох Пандузодаларнинг обрўсини тушириб, Худосизликнинг ҳамтовоғига ўз салтанатида гуллаб-яшнашига йўл кўя олмасди. Мамлакатдаги иллатларни фақат шу йўл билан бартараф қилиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ. Худосизликнинг ҳамтовоқлари давлатдан чиқариб юбориш лозим, ана шундай йўл билан жамиятни маънавий таназзулдан сақлаб қолиш мумкин.

32 Агар Кали(худосизлик) тимсолининг худди фариштадай, яъни ҳукумат раҳбаридай ҳаракат қилишига рухсат берилса, шубҳасиз, жамиятда худосизлик қонунлари кенг тарқалиб кетади: очкўзлик, ёвузлик, ўғирлик, қўполлик, сотқинлик, бахтсизлик, судхўрлик, душманлик ва манманлик.

Изоҳ: Дин қонун-қоидаларига: риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйликка – аавал айтганимиздек, ҳар қандай дин тарафдори амал қилиши мумкин. Ҳиндуизмдан ислом динига, масихийликка ёки бошқа динга ўтишининг, бу

билан дин қонунларига амал қилмайдиган динсиз бўлиб юришнинг ҳожати йўқ. "Шримад-Бхагаватам" таълимоти дин қонунларига риоя қилиб яшашга чақиради. Дин қонунлари – маълум бир диннинг доғмалари ёки тартибга солувчи қоидалари эмас. Бундай қоидалар, замон ва макон шароитига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Диннинг қандайлигига у ўз олдига қўйган мақсадига қай даражада эришганлигига қараб баҳо бериш мумкин. Ҳақиқий дин қонун-қоидаларига амал қилмасдан шунчаки доғма ва постулатлар тарафдори бўлишнинг бирор яхши жойи йўқ. Дунёвий давлат тизими аниқ бир дин тарафдори бўлмаслиги мумкин, лекин у юқорида кўрсатилган ҳақиқий дин қонунларига бефарқ бўлмаслиги керак. Лекин, Кали юга даврида ҳукумат раҳбарлари дин қонунларига бефарқ қарайдилар, шу боис, табиий равишда, бунга қарши қонун-қоидаларни ўз ҳимояси остига олади: очкўзлик, зўравонлик, судхўрлик ва ўғирлик. Бунинг натижасида жамиятда иллатларга қарши курашишга қаратилган чақириқларнинг ҳеч қандай маноси қолмайди.

33 Шу боис, эй худосизликнинг дўсти, сен, билимдон одамлар ҳақиқат ва дин қоидалари асосида Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтказадиган жойларда қолишнинг мумкин эмас.

Изоҳ: Барча қурбонлик маросимлари Йаджнешвара, Худонинг Олий Шахсини мамнун қилиш учун ўтказилади. Ҳар хил даврлар учун ана шундай қурбонлик маросимларини ўтказишнинг турли хил урф-одатлари белгиланган. Аслини олганда, қурбонлик маросими ўтказишнинг маъноси Худонинг бош ҳукмдор эканини тан олиш демақдир, яъни, Парвардигорни тўла мамнун қиладиган ҳар қандай амал қурбонлик маросими бўлади. Атеистлар Худонинг борлигига ишонмайдилар, шу боис Уни мамнун қилиш учун ҳеч қандай қурбонлик маросими ўтказмайдилар. Парвардигор Олий ҳукмдор деб тан олинган ва Уни мамнун қилиш учун қурбонлик маросими ўтазилган ҳар қандай жой ёки мамлакат брахмаварта деб аталади. Ҳар хил давлатлар бор, бутун жаҳон бўйлаб ҳар хил давлатларда Парвардигорни мамнун қилиш учун турли хил қурбонлик маросимлари ўтказилиши мумкин. Лекин, Уни мамнун қилишнинг энг асосий тури – ростгўйлик, бу "Шримад-Бхагаватам"да кўрсатилган. Диннинг асосий қоидаси – ростгўйлик, барча динларнинг энг олий мақсади – Худони мамнун қилиш. Ҳозиги Кали юга даврида қурбонлик маросими ўтказишнинг ҳаммабоп усули – санкиртана-яджна ҳисобланади. Йаджна усулини қандай қилиб тарқатиш мумкинлигини яхши биладиган донишманд зотлар шундай деб ҳисоблайдилар. Парвардигор Чайтанья одамларга ана шундай йаджна турини ўргатган, мазкур

шеърдан кўриниб турибдики, Кали тимсолини бартараф қилиш ва инсониятни ана шу давр таъсиридан қутқариб қолиш учун қурбонлик маросимининг ана шу усули(санкиртана-йаджна)ни ҳамма жойда ўтказиш мумкин.

34 Барча қурбонлик маросимлари, ҳатто улар бирор фариштага атаб ўтказилса ҳам, - ягона Парвардигорга, Худо Шахсига сиғинишнинг бир туридир, чунки У – ҳар кимнинг Олий Рухидир ва У худди ҳаво сингари, ҳар кимнинг ҳам ичида, ҳам сиртида мавжуд. Шундай қилиб, сиғиниб юрган зотларга барча саодатларни ато этадиган Зот айнан Унинг Ўзидир.

Изоҳ: Баъзан, одамларнинг Индра ва Чандра сингари фаришталарга сиғиниб юганини, уларга ҳар хил эҳсонлар қилаётганини учратиш мумкин, лекин, ана шундай қурбонлик маросимлари ўтказгани учун ҳам Парвардигор мукофот беради, сиғинаётган одамга фақат ягона Парвардигорнинг Ўзи барча саодатларни бера олади. Гарчи одамлар сиғиниб юрсалар ҳам, фаришталар ягона Парвардигорнинг рухсатисиз бирор иш қила олмайдилар, чунки Парвардигор – кўзгалувчан ва кўзгалмас барча тирик мавжудотларнинг Олий Рухи.

"Бхагавад-гита"(9.23)да Парвардигорнинг Ўзи буни тасдиқлайди:

*Йе 'ни аниа-девата-бхакта йаджанте шраддхайанвитах
Те 'ни мам эва каунтейа йаджантй авидхи-пурвакам*

“Инсон фаришталарга нима эҳсон қилса ҳам, эй Кунтининг ўғли, аслида улар ҳаммаси фақат Менга аталган, лекин у бундай эҳсонларни тўғри тушунмасдан қилади.”

Парвардигор ягона, бунга ҳеч қандай шубҳа-гумон бўлиши мумкин эмас. Ягона Парвардигорнинг Ўзидан бошқа ҳеч қандай Илоҳ йўқ. Парвардигор моддий оламга нисбатан ҳамиша илохий ҳолатда. Лекин, кўпчилик одамлар фаришталарга сиғинадилар, масалан, шунчаки ягона Парвардигорнинг моддий вакиллари бўлган Куёшга, Ойга ва Индрага. Бу фаришталар – ягона Парвардигорнинг сифатларининг турли хил намоён бўлган кўринишларидир. Лекин, донишманд олим ёки Худонинг содиқ хизматкори кимнинг ким эканини яхши билади. Шу боис у бевосита Парвардигорнинг Ўзига сиғинади ва Унинг моддий сифатларининг намоён бўлган кўринишларига чалғиб кетмайди. Илмсиз одамлар Парвардигорнинг сифатларининг намоён бўлган ана шундай моддий кўринишларига сиғинадилар, лекин уларнинг сиғинишлари белгиланган сиғиниш қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳисобланади.

35 Шри Сута Госвами деди: “Махараж Парикшитнинг амрини эшитиб, Кали тимсоли кўрққанидан титраб кетди. Олдида уни ўлдиришга тайёр бўлган Йамараж(Азроил)га

Ўхшаган шоҳнинг турганини кўриб, Кали шоҳга шундай сўзлар билан мурожаат қилди.

Изоҳ: Агар Кали амрини бажармаса, шоҳ уни дарров ўлдиришга тайёр эди. Агар унинг амрини бажаришга рози бўлса, шоҳ унинг тирик қолишига қарши эмасди. Кали тимсоли, жазодан қутулиб қолишга шунча уриниб кўргандан кейин, унга таслим бўлишим керак деган қарорга келди ва ўлимдан кўрқканидан даҳшатга тушиб титрай бошлади. Шоҳ ёки ҳукумат раҳбари Кали тимсоли олдида худди ажал тимсоли Азроилдай пайдо бўлиш учун етарли даражада қудратли бўлиши лозим. Жиноятчи ўлимдан кўрқканидан шоҳнинг амрини бажариши лозим. Мамлакатнинг фуқароларининг тинчини бузадиган Кали тимсолларини фақат ана шундай йўл билан жиловлаб олиш мумкин.

36 Эй ҳазрати Олийлари, Сизнинг амрингизга бўйсуниб, мен қаерда яшасам ҳам ҳамма жойда камон ва пайконлар билан қуролланган Сиз кўз олдимда турсиз.

Изоҳ: Кали тимсоли тушундики, Махараж Парикшит – жаҳондаги барча давлатларнинг императори, шу боис, у қаерда яшаса ҳам, у албатта император томонидан ўзига ана шундай муомалага дучор бўлади. Кали тимсолининг вазифаси ёвуз ишларни амалга ошириш эди, Махараж Парикшитнинг бурчи эса – барча золимларни, айниқса Кали тимсолини жиловлаш эди. Шу боис, Кали тимсоли учун шоҳ уни бошқа бирор жойда эмас, шу ернинг ўзида ўлдиргани яхшироқ эди. Охир-оқибатда у ўзининг шоҳнинг ихтиёрига топширди, шоҳ эса, бундай ҳолларда қилиш лозим бўлган ишни қилиши лозим.

37 Шу боис, эй дин посбонларининг сардори, менга сенинг ҳокимиятнинг ҳимояси остида доимий яшай олишим мумкин бўлган бир жойни кўрсатишингни илтижо қиламан.

Изоҳ: Кали тимсоли Махараж Парикшитга такводорлик посбонларининг сардори деб мурожаат қилди, чунки шоҳ ўзига таслим бўлган кишини ўлдиришдан ўзини тийди. Таслим бўлган кишини, ҳатто у душман бўлса ҳам, ҳар томонлама ҳимоя қилиш лозим. Дин қонунлари шундай. Ўз ихтиёрини душман сифатида эмас, содиқ хизматкор сифатида бутунлай Худога топширган кишини Парвардигор қанчалик ҳимоя қилишини бир тасаввур қилиб кўринг! Парвардигор ўз ихтиёрини топширган зотни барча гуноҳ ва уларнинг оқибатларидан халос этади("Бхагавад-гита".18.66).

38 Сута Госвами деди: Кали тимсолининг илтижосига жавобан Махараж Парикшит унга: одамлар қимор ўйнайдиган, ароқ ичадиган,

зино қиладиган ва ҳайвонларни ўлдирадиган жойларда яшашга рухсат берди.

Изоҳ: Худосизликнинг асосий қоидалари: манманлик, зино, мастлик ва ёлғон гапириш – диннинг риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйликдан иборат бўлган тўрт асосий қоидасига қарама-қарши иллатлардир. Кали тимсолига шоҳ кўрсатган тўрт жойда яшашга рухсат берилди: одамлар қимор ўйнайдиган, зино қиладиган, ароқ ичиб маст бўладиган ва ҳайвонларни ўлдирадиган жойларда.

Шрила Жива Госвами айтадики, (саутрамани-йаджна сингари)муқаддас китобларда белгиланган қоидаларни бузиб, маст қиладиган ичимликлар ичадиган, аёллар билан ноқонуний жинсий алоқа қиладиган, муқаддас китобларда таъқиқланган равишда ҳайвонларни ўлдирадиган киши дин қонунларини бузган бўлади. Ведаларда икки турли кўрсатмалар бор: правриттилар – моддий лаззатланишни истайдиганлар учун, нивритти – моддий тутқунликдан халос бўлган зотлар учун. Ведаларда правриттилар учун белгиланган кўрсатмаланинг мақсади – аста-секин уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва уларни руҳий озодликка чиқиш йўлига бошлашдан иборат. Шунинг учун, ғофиллик ботқоғига чуқур ботган, мастлик, зино ва гўштхўрликка муккасидан кетган кишилар учун баъзан, саутрамани-йаджна маросими ўтказиш жараёнида ароқ ичиш, аёл билан никоҳда туриш ва қурбонлик қилинган ҳайвон гўшtidан ейиш тавсия қилинади. Ведалар буни ҳаммага баробар эмас, балки маълум тоифадаги одамлар учун тавсия қилади.

Ведаларда бу нарсалар маълум тоифадаги одамларга белгилангани учун, правритти тоифасидаги маълум бир одамларнинг бундай ишлари адҳарма ҳисобланмайди. Биров учун озуқа бўлган нарса, бошқа бировлар учун захар, ғафлат гунасидаги одамлар учун тавсия қилинган нарса эзгулик гунаси таъсири остида юрган киши учун захар бўлиб туюлиши мумкин. Шу боис, Шрила Жива Госвами Прабху айтадики, муқаддас китобларда маълум бир тоифадаги одамлар учун берилган кўрсатмаларни ҳеч қачон дин қонунларидан четга чиқиш(адҳарма) деб ҳисобламаслик керак. Лекин, бу амалларнинг ўзи аслида адҳарма, ҳеч қачон уларни қўллаб-қувватлаш керак эмас. Муқаддас китобларнинг тавсиялари бундай адҳармани қўлаб-қувватлаш учун эмас, балки муқаррар адҳармани аста-секин адҳармага йўналтириш учун мўлжалланган.

Махараж Парикшитдан ўрناق олиб, барча ҳукумат раҳбарлари мамлакатда ҳақиқий дин қонунлари: риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйлик ўрнатилиши ҳақида ўйлаши ва бор кучини ишга солиб, худосизлик қоидалари бўлган манманлик, зино, ароқхўрлик ва ёлғончилик иллатларининг тарқалишининг олдини олишлари лозим. Бу фойдасиз шартномадан иложи борица

кўпроқ фойда олиш учун Кали тимсолини, агар мамлакатда шундай жойлар бўлса, одамлар қимор ўйнайдиган, ароқхўрлик, зино қиладиган ва ҳайвонларни сўядиган жойларга юбориш мумкин. Ана шундай худобехабар бемаъни одатлари бўлган кишилар муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида бу ишларини тартибга ослиши мумкин. Давлат ҳеч қачон бундай ишларни қўллаб-қувватламаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, давлат қимор ўйинларининг, ароқхўрликнинг, фоҳишабозлик ва алдашнинг ҳар қандай турларини баратараф қилишга кескин кураш олиб бориши лозим. Агар давлат жамиятнинг маънувий тубанликка юз тутишини тўхтатишни истаса, бунга жамиятда қуйидаги дин қоидаларини ўрнатиш орқали эришиши мумкин:

1. Риёзат. Жамиятдаги одамлар учун ҳар ойда камида икки кун мажбурий рўза тутиш. Ҳатто иқтисодий жиҳатдан бу икки кун минглаб тоона озиқ-овқат маҳсулотларини тежаб қолади, бундан ташқари одамларнинг саломатлиги яхшиланади.

2. Йигирма тўрт ёшга кирган ўғил ва ўн олти ёшга кирган қиз болаларни мажбурий никоҳдан ўтказиш. Агар улар қонуний никоҳдан ўтган бўлсалар, мактаб ва коллежларда уларнинг бирга таълим олиши зарарли эмас. Агар бирга таълим олиб юрган йигит ва қиз орасида жинсий алоқа рўй берган бўлса, ноқонуний алоқага йўл қўймаслик учун улар дарров никоҳдан ўтишлари лозим. Ажралиб кетишлар фоҳишабозликни келтириб чиқаради, шу боис уларни бекор қилиш лозим.

3. Мамлакатда ва жамиятда руҳий муҳитни юзага келтириш ишларига юридик шахслар ва фуқаролар ўз даромадларининг эллик фоизигача эҳсон қилишлари лозим. Улар "Шримад-Бхагаватам" қоидаларини қуйидаги йўллар билан тарғибот қилишлари лозим: а) карма-йога, яъни ўзининг бутун фаолиятини Худонинг мамнун қилишга бағишлаш; б) ишончли зотлардан, яъни, руҳий ўзлигини англаб етган зотлардан мунтазам равишда "Шримад-Бхагаватам" ўғитларини тинглаш; в) уйларда ёки Худога сиғиниладиган жойларда биргаликда Парвардигорни олқишлаб қўйлаш; г) "Шримад-Бхагаватам" таълимотини тарғибот қилиш билан машғул бўлиб юрган зотларга – бхагаватамларга хизмат қилиш; д) одамлар Худони англаб, унинг қонунларига амал қилиб яшайдиган муҳитда яшаш. Агар мамлакат юқорида кўрсатилган усуллар билан бошқарилса, Худони англаб яшаш муҳити ҳамма жойга кенг тарқалади.

Ҳар хил қимор ўйинлари, ҳатто ёлғон гапириш билан боғлиқ тузилган шартномалар ҳам инсонни тубанликка олиб келади, агар мамлакатда қимор ўйинлари ривожланиши қўллаб-қувватланса, бундай жамиятда ростгўйлик бутунлай йўқолиб кетади. Йигит ва қизларни юқорида кўрсатилган ёшга тўлгандан кейин дарров никоҳдан ўтказиш керак. Ҳар хил кушхоналар дарров бекитилиб,

ҳайвонларни ўлдириш таъқиқлаб қўйилиши керак. Гўштхўр одамларга фақат муқаддас китобларнинг кўрсатмалари асосида гўшт истеъмол қилишга рухсат бериш мумкин. Ароқ, тамаки, чой сингари маст қиладиган нарсаларнинг ҳаммасини таъқиқлаб қўйиш керак.

39 Кали тимсоли унга яна бирор жой кўрсатишни илтимос қилди, унинг илтимосига кўра шоҳ унга олтин бор жойларда ҳам яшашга рухсат берди, чунки қаерда олтин бўлса, шу ерда ёлғон, мастлик, шахвоний эҳтирос, ҳасад ва душманлик бўлади.

Изоҳ: Гарчи Махараж Парикшит Калига тўрт жойда яшашга рухсат берган бўлса ҳам, унинг бундай жойларни топиши қийин эди, чунки Махараж Парикшит ҳукмронлик қилган даврда бундай жойлар йўқ эди. Шу боис Кали шоҳдан ўзининг жирканч мақсадини амалга ошира олиши учун яна бир жой сўради. Шунда Махараж Парикшит унга олтин бор жойларда яшашга рухсат берди, чунки шундай жойда юқорида айтилган тўрт иллат, бундан ташқари, ўғирлик ҳам бўлади. Шундай қилиб, Кали тимсоли олтин бор жойларда яшаш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. "Шримад-Бхагаватам"га кўра, олтин ёлғонни, мастликни, зинони, ҳасад ва душманликни қўллаб-қувватлайди. Олтинга асосланган пул бирликлари ва ҳисоб-китоблар ҳам зарарли. Олтинга асосланиши керак бўлган пул бирликлари ёлғонга асосланган, чунки муомалада юрган пул миқдори захирадаги олтин миқдорига тенг эмас. Буларнинг ҳаммаси ёлғонга асосланган, чунки мамлакатда ишлаб чиқариладиган пул миқдори олтин захирасидан кўп. Пул миқдорини суний равишда кўпайтириш давлат иқтисодини издан чиқаради. Қоғоз пуллар, яъни сунъий пуллар кўплиги сабабли молларнинг баҳоси сунъий равишда оширилади. Сунъий пуллар ҳақиқий пулларни суриб чиқаради. Қоғоз пуллар ўрнига муомалага ҳақиқий олтин тангаларни чиқариш лозим, шунда молларнинг баҳосини сунъий равишда оширишнинг олдини олиш мумкин бўлади. Аёлларнинг тилло такинчоқлар тақишига рухсат бериш мумкин, лекин уларнинг сифатини эмас, миқдорини назорат қилиш лозим. Бу шахвоний эҳтиросга берилишнинг, ҳасадгўйликнинг ва ўзаро душманчиликнинг олдини олади. Агар муомалада ҳақиқий олтин тангалар бўлса, олтиннинг ёлғон, алдов, зино ва бошқа иллатларни келтириб чиқарадиган зарарли таъсири ўз-ўзидан бартараф бўлади. Шунда, жамиятнинг маънавий тубанликка юз тутишига қарши кураш олиб борадиган, порахўрлик ва ёлғон ҳукмрон бўлган вазирликка ҳожат қолмайди.

40 Шундай қилиб, Уттаранинг ўғли, Махараж Парикшитнинг кўрсатмасига биноан Кали

тимсолига ана шу беш жойда яшашга рухсат берилди.

Изоҳ: Шундай қилиб, олтиннинг ҳукмрон бўлиши билан Кали даври бошланди, кейин шиддат билан бутун жаҳонга ёлғон, мастлик, кушхоналар, фоҳишабозлик тарқала бошлади, жамиятдаги соғлом фикрлайдиган аҳоли бундай маънавий жаҳолатга қаршилиқ кўрсатишга интилади. Бунга қарши кураш усулини юқорида таклиф қилган эдик, ундан ҳар ким фойдаланиши мумкин.

41 Шу боис, фаровонликка ва юксалишга интилаётган ҳар қандай инсон, айниқса шоҳлар, тақводор инсонлар, жамоат арбоблари, брахманлар ва саннийасилар, худосизликнинг юқорида кўрсатилган қоидаларига ҳеч қачон яқин йўламасликлари керак.

Изоҳ: Брахманлар – барча табақаларнинг диний устозлари, саннийасилар – жамиятдаги барча табақа ва турмуш тарзидаги одамларнинг руҳий устозларидир. Шунингдек, шоҳ, халқ раҳбарлари барча одамларнинг моддий фаровонлиги учун маъсулдирлар. Илғор дин арбоблари, маъсулиятли оддий инсонлар, яъни, ўзининг бебаҳо инсоний умрини хазон қилишни истамайдиган одамлар худосизлик амалларидан, айниқса, аёллар билан ноқонуний алоқалардан ўзини тутишлари лозим. Агар брахман ростгўй бўлмаса, унинг ўзини брахман деб аташга ҳаққи йўқ. Агар саннийаси аёллар билан алоқа қилса, у саннийасиман деб даъво қила олмайди. Худди шундай, ҳукмдор ёки жамоат арбоби ҳаддан ташқари манман ёки ароқ ичишга ёки чекишга ружу қўйган бўлса, у, шубҳа йўқки, жамият равнағи учун ҳаракат қилиш қобилятини йўқотади. Ростгўйлик – ҳар қандай диннинг асосий қонуни. Жамиятнинг ана шу тўрт раҳбарининг шахсий фазилатларини ва уларнинг эгаллаб турган мартабасига қанчалик мос эканини жиддий текшириш лозим: саннийаси, брахман, шоҳ ва жамоат арбоби. Кимдир руҳий устоз ёки жамиятнинг дунёвий раҳбари сифатида қабул қилишдан олдин унинг хулқ-атвори юқоридаги талабларга жавоб беришини текшириб кўриш керак. Ана шундай раҳбарларнинг дунёвий билимлари оз бўлиши мумкин, лекин, биринчи навбатда улар мана шу тўрт иллатдан пок бўлишлари лозим: қимор ўйинларига, ароқхўрликка, зинога берилмаслиги, ҳайвонларни ўлдирмаслиги керак.

42 Кейин шоҳ дин тимсоли(хўкиз)нинг етишмаган оёқларини қайта тиклади ва ўзининг эзгу қароматлари билан Ернинг аҳволини анча яхшилади.

Изоҳ: Кали тимсолига алоҳида жойларни кўрсатиб бериб, Махараж Парикшит амалда уни алдади. Кали, Дҳарма(хўкиз қиёфасида) ва

Ер(сигир қиёфасида) иштирокида у ўз салтанатидаги вазиятни тўғри баҳолай олди, шу боис хўкизнинг етишмаган оёқларини, яъни риёзат, поклик ва раҳмдилликни қайта тиклаш учун зарур бўлган чораларни қўллаш олди. Бутун жаҳон аҳлининг фаровонлигини ўйлаб, у тушундики, олтин захирасидан дин қонунларини қўллаб қувватлашда фойдаланиш мумкин. Олтиннинг ёлғон, мастлик, фоҳишабозлик, душманлик ва зулм келтириб чиқариши аниқ, албатта, лекин ҳақиқий ҳукмдор, жамоат арбоби, брахман ёки саннийаси раҳбарлиги остида шу олтиндан хўкиз(дин тимсоли)нинг оёқларини қайта тиклашда фойдаланиш мумкин.

Шу боис Махараж Парикшит, бобоси Аржун сингари, Калинин талабларини қондириш учун ноқонуний равишда сақланаётган ҳамма олтинни тўплаб, улардан "Шримад-Бхагаватам" кўрсатмалари асосида санкиртана-йаджна ўтказиш учун фойдаланди. Аввал маслаҳат берганимиздай, ҳар ким ўз бойлигини уч қисмга бўлиши ва эллик фоизни Худога садоқат билан хизмат қилишга, йигирма беш фоизини оила аъзоларига, чорак қисмини шахсий эҳтиёжларига сарфлаши мумкин. Худога хизмат қилиш учун, яъни, санкиртана-йаджна ўтказиш орқали жамиятда руҳий илм тарқатиш – инсонпарварликнинг, одамларга меҳрибонлик қилишнинг энг олий тури. Дунёвий одамлар, одатда, руҳий илмдан, айниқса, Худога садоқат билан хизмат қилиш илмидан беҳабар, шу боис, одамлар орасида Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илоҳий илмни мунтазам равишда тарқатиш – бу дунёда қилиш мумкин бўлган яхшилиқнинг энг олий тури. Агар ҳар ким тўплаган бойлигининг эллик фоизини Худога садоқат билан хизмат қилишга сарфлашга одатланса, дин тимсолининг етишмай турган уч оёғи – риёзат, поклик ва раҳмдиллик – ўзидан ўзи қайта тикланади. Одамлар орасида риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйлик фазилатлари етарлича кенг тарқалса, она Ер, табиий равишда, ҳаммадан мамнун бўлади, шунда Калинин инсонлар жамиятига суқилиб киришга деярли имкони қолмайди.

43-44/ Одамлар орасидаги энг бахтиёр зот, император Махараж Юдхитхира ўрмонга риёзат чеккани кетишга қарор қилиб, Хастинапур тахтини ишониб топшириб кетган Махараж Парикшит энди оламга маҳорат билан ҳукмронлик қиляпти, чунки унга Куру сулоласи шоҳларининг шухрати мерос қолганди.

Изоҳ: Наимишаранядаги донишмандлар ўтказишга қарор қилган узоқ вақт давом этадиган қурбонлик маросими Махараж Парикшит танасини тарк этгандан кейин бошланди. У минг йил давом этиши керак эди, маълумки, қурбонлик маросими бошланганида Парвардигор

Кришнанинг акаси Баладеванинг бир неча ҳамроҳлари ҳам иштирок этдилар. Бир неча ишончли зотларнинг фикрига кўра, яқинда бўлиб ўтган даврни кўрсатиш учун ҳам ҳозирги замон феъли ишлатилади. Айнан шунинг учун бу ерда Махараж Парикшитнинг ҳукмронлик даври давом этаётгани ҳозирги замон феъли билан ифодаланган. Ҳали ниҳоясига етмаган ҳодисаларни ифодалашда ҳам ҳозирги замон қўлланилади. Махараж Парикшит ўрнатган қонун-қоидаларга ҳозир ҳам амал қилиш мумкин, агар ҳукумат раҳбарлари қатъиятлик намоиш этсалар, инсонлар жамиятини ҳозир ҳам таназулдан қутқариб қолиш мумкин. Агар Махараж Парикшит сингари қатъият билан ҳаракат қилсак, биз ҳали жамиятни Кали тимсоли бошлаб берган ахлоқ-одобга зид фаолиятдан поклай оламиз. У Кали фаолият кўрсатиши учун маълум бир жойларни белгилаб берди, лекин, амалда Кали жамиятдан бундай жойларни топа олмади, чунки Махараж Парикшит ўзининг салтанатида одамлар кимор ўйинларига, мастликка, зиного бериладиган ва ҳайвонларни ўлдирадиган жой бўлмаслигини жиддий назорат қиларди. Ҳозирги ҳукмдорлар ҳам ўзларининг жамиятини маънавий таназулдан тўхтатиб қолишни истайдилар, лекин нодонликлари сабабли бундай амалга ошириш кераклигини билмайдилар. Улар кимор ўйнайдиган жойлар очилишига, ароқ ва бошқа маст қилувчи маҳсулотлар сотилишига, фоҳишахоналар очишга, кинотеатрлар бўлишига ҳамда барча (ҳатто ўзларининг ишларида ҳам) ишларда фирибгарлик қилишга рухсат беришни, айна пайтда жамиятни маънавий инқироздан сақлаб қолишни истайдилар. Улар Худони англаб етмай туриб Худонинг салтанатига эришишни истайдилар. Лекин, бир бирига умуман қарама-қарши бўлган нарсалар бирлаштириб бўладими? Давлатнинг маънавий инқирозга юз тутишдан сақлаб қолиш учун биз биринчи навбатда жамиятда ҳақиқий дин қонунлари: риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйлик қоидалари амал қилишини таъминлашимиз лозим, бунга ёрдам берадиган қулай муҳитни юзага келтириш учун эса, одамлар кимор ўйнаш, ароқхўрлик қилиш, бир-бирини алдаш ёки зино билан шуғулланадиган жойларни бартараф қилишимиз лозим. "Шримад-Бхагаватам"дан олишимиз мумкин бўлган амалий сабоқлардан баъзилари шулар.

45 Абхиманьюнинг ўғли Махараж Парикшит шунчалик тажрибалики, унинг маҳорат билан ҳукмронлик қилаётгани ва ҳомийлиги шарофати билан сизлар мана шундай қурбонлик маросими ўтказиш имконига эга бўлдинглар.

Изоҳ: Браҳманлар ва санниясилар жамиятнинг руҳий юксалиши ҳақида қайғурадилар,

кшатрий(раҳбар)лар эса, жамиятнинг моддий фаровонлиги ва тинчлигини таъминлайдилар. Улар ҳам, булар ҳам – жамиятдаги одамларнинг бахтиёр ҳаётини таъминлайдиган устунлардир, шу боис улар жамият фаровонлиги йўлида ҳамкорлик қилишлари лозим. Махараж Парикшит ўзининг фаолият майдонини Кали таъсиридан поклаш ва шу билан ўз мамлакатининг руҳий юксалиши учун кенг йўл очиб бериш учун етарли тажрибага эга эди. Агар оддий одамлар руҳий юксалиш билан қизиқмасалар, уларга бу зарурат эканини тушунтириш жуда қийин. Диннинг асосий қоидалари: риёзат, поклик, раҳмдиллик ва ростгўйлик – руҳий илм олишга муносиб бўлиш учун замин тайёрлайди, шу боис Махараж Парикшит давлатда ана шундай қулай шароитни яратиб берган эди. Шу боис Наимишаранйадаги ришилар минг йил давомида қурбонлик маросими ўтказиш имконига эга бўлгандилар. Бошқача қилиб айтганда, агар ҳукумат қўллаб-қувватламаса, ҳеч қандай фалсафий доктрина ёки диний қонун-қоидалар кенг халқ оммасига самарали равишда етиб боролмайди. Бутун жамият фаровонлиги учун браҳманлар ва кшатрийлар ҳамкорликда иш кўришлари лозим. Ана шундай ҳамкорлик руҳи то Махараж Ашока ҳукмронлик қилган давргача устивор бўлиб келди. Парвардигор Буддани шох Ашока қўллаб-қувватлаб турган, шу боис унинг таълимоти бутун жаҳонга кенг тарқалган.

*"Шримад Бхагаватам"нинг Биринчи Кўшиқ
"Калини жазолаш ва авф этиш" деб аталадиган
ўн еттинчи бобида Бхактиведантанинг изоҳлари
шундай яқунланади.*

Ўн саккизинчи боб

Браҳманнинг ўғли Махараж Парикшитни дуои бад қилади

1 Шри Сута Госвами деди: кароматлари ғаройиб бўлган Худо Шахси, Шри Кришнанинг марҳамати билан онасининг қорнида Дронанинг ўғлининг оловли қуролининг ҳужумига дучор бўлган Махараж Парикшит ёнмай қолди.

Изоҳ: Наимишаранйадаги донишмандлар Махараж Парикшитнинг ажойиб ҳукмдорлик қилгани, айниқса, унинг Калини қандай жазолагани ва уни ўз салтанатида бирор ёвузлик қила олиш имкониятидан маҳрум этгани ҳақида эшитиб ҳайратга тушдилар. Сута Госвами Махараж Парикшитнинг туғилиши ва ўлими ҳақида ҳам шундай ихлос билан гапириб беришни истарди, шу боис Наимишаранйадаги донишмандларнинг қизиқишини яна ҳам

кучайтириш ниятида Сута Госвами мазкур шеърни айтди.

2. Бундан ташқари, Махараж Парикшит хамиша онгли равишда ўз ихтиёрини Худо Шахсига топшириб юрарди, шу боис у, брахманзоданинг ғазаби қайнагани сабабли уни чакиб ўлдириши керак бўлган учар илондан заррача қўрқмади ва ўзини йўқотиб қўймади.

Изоҳ: Ўз ихтиёринибутунлай Худога топширган содиқни нарайана-парайана деб атайдилар. Шундай одам ҳеч қачон ва ҳеч қаерда на бошқа одамлар олдида, на ўлими олдида қўрқув туйғусини ҳис қилмайди. Унинг учун Парвардигордан устун ҳеч нарса йўқ, шу боис у жаннат билан дўзах орасида ҳеч қандай фарқ қўрмайди. У жаннатни ҳам, дўзахни ҳам Парвардигор яратиб қўйганини, шунингдек, ўлим ва ҳаёт – мавжудликнинг Парвардигор яратган турли кўринишлари эканини яхши билади. Лекин, ҳар қандай вазиятда ва ҳар қандай ҳолатда энг муҳими – Нарайнани, ягона Парвардигорни эслаб юриш. Нарайана-парайана хамиша Худони эслаб юради. Махараж Парикшит Парвардигорнинг ана шундай асл содиғи эди. Брахманнинг Кали юга таъсири остига тушиб қолган бебош боласи уни ноҳақ дуои-бад килди, аммо Махараж Парикшит бунда Парвардигорнинг иродасини кўрди. У онасининг қорнида куйиб ўлиб кетиши керак бўлганида Нарайана(Кришна) уни кутқариб қолганини биларди, агар унинг пешонасига илон чақишидан ҳалок бўлиш ёзилган бўлса, бу ҳам Парвардигорнинг иродаси билан рўй берарди. Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон Парвардигорнинг амрига қаршилиқ қилмайди. Худодан нима келса ҳам, содиқ учун буюк бахт. Шу боис, буларнинг ҳаммаси Махараж Парикшитни кўрқита ёки саросимага сола олмайди. Парвардигорнинг асл содиғининг бошқалардан фарқи шунда.

3. Аксинча, яқинлари даврасини тарк этиб, шоҳ Вйасанинг ўғли(Шукадева Госвами)нинг шогирди бўлиб, унга ўз ихтиёрини топширди ва шу йўл билан Худо Шахсининг асл ҳолатини англаш имкониятига эга бўлди.

Изоҳ: Мазкур шеърда аджита ибораси эътиборга лойиқ. Худо Шахси Шри Кришнани Аджита, яъни, энгилмас, деб атайдилар. У хамиша ва ҳамма ишда шундай бўлиб қолади. Унинг асл ҳолатини ҳеч ким тушуна олмайди. Уни ҳатто илм билан ҳам мағлуб қилиб бўлмайди. Бизлар Унинг дхамаси, яъни даргоҳи, мангу Голока Вриндаван ҳақида эшитдик, аммо бу даргоҳни олимлар турлича таърифлайдилар. Лекин, шоҳ камтарин шогирд сифатида ўз ихтиёрини топширган Шукадева Госвами сингари руҳий устознинг марҳамати билан Парвардигорнинг асл ҳолатини, унинг

мангу даргоҳини ва Унинг ана шу даргоҳдаги илоҳий муҳитини англаб етиш мумкин. Парвардигорнинг илоҳий ҳолатини ва ана шу илоҳий дхаммага яқинлашиш имконини берадиган илоҳий усулни билиб олгандан кейин, шоҳ олий мақсадга эриша олишига гумон қилмади, шунга ишончи комил бўлиб, у барча моддий нарсаларни, ҳатто, ўз танасига бўлган боғланишини ҳам инкор этиб, уни ҳам тарк этди. "Бхагавад-гита"да шундай дейилади: парам дриштва нивартате – парам, яъни, нарсаларнинг олий табиатини кўра билиш қобилиятига эга бўлганида, инсон барча моддий боғланишлардан воз кеча олади. "Бхагавад-гита"дан биз моддий қувватдан устун турадиган қувватнинг табиатини биламиз, Шукадева Госвами сингари ҳақиқий руҳий устознинг марҳамати билан эса, Парвардигорнинг олий қуввати ҳақида ҳамма нарсани билиб олиш мумкин. Парвардигор Ўзининг ана шу олий қуввати ёрдамида Ўзининг мангу номини, сифатларини, эрмакларини, анжомларини ва ранг-баранглигини намоён этади. Парвардигорнинг ана шу олий, ёки, бошқача қилиб айтганда, мангу қувватини англаб етмай туриб, Мутлак Ҳақиқатнинг асл табиати ҳақида фалсафий фикр-мулоҳазаларга қанчалик берилса ҳам инсон моддий қувват чангалидан чиқиб кета олмайди. Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан Махараж Парикшит Шукадева Госвамидай шахсининг марҳаматига эришди ва энгилмас Парвардигорнинг асл ҳолатини англай олиш қобилиятига эга бўлди. Ведавий муқаддас китоблар орқали Парвардигорни англаб етиш жуда мушкул, лекин, Шукадева Госвамидай руҳий озодликка эришган содиқнинг марҳамати билан бунга осонликча эришиш мумкин.

4. Ўзининг бутун ҳаётини Ведавий мадҳияларда куйланадиган Парвардигор ҳақидаги илоҳий ҳикояларга бағишлаган ва хамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юрадиган кишилар, ҳатто умрининг охириги лаҳзасида ҳам нотўғри тасаввурлар қурбони бўлишни истамаганлари учунгина бу воқеа рўй берганди.

Изоҳ: Умрининг охириги лаҳзасида Парвардигорнинг илоҳий табиати ҳақида эслаш билан инсон баркамолликнинг энг олий чўққисига эришади. Бунга, Шукадева Госвами ва шогирдлар силсиласининг ана шу занжирида турган бошқа издошлар куйлаган ведавий мадҳиялардан Парвардигорнинг ҳақиқий илоҳий табиатини англаб етган киши эриша олади. Ведавий мадҳияларни сафсатабоз файласуфлар оғзидан тинглаш ҳеч қандай фойда бермайди. Лекин ана шу мадҳиялар руҳий ўзлигини англаб етган зот оғзидан тингланса ҳамда, итоат қилиш ва хизмат қилиш шарофати билан муносиб равишда ўзлаштириб олинса, ҳамма нарса аниқ равшан

бўлади. Шу боис, итоаткор шогирд то умрининг охиригача илоҳий турмуш тарзи билан тирикчилик қилиб юриши мумкин. Ана шу илмни илмий равишда ўзлаштириб олиб, инсон ҳатто умрининг охирги лаҳзасида, тананинг бузилиши сабабли хотираси сусайиб кетганда ҳам Парвардигорни эслай олади. Оддий инсоннинг ажали етган пайтда Парвардигорнинг илоҳий табиатини асл ҳолида эслай олиши жуда мушкул, лекин Парвардигорнинг, Унинг асл содиқларининг, руҳий устознинг марҳамати билан ана шундай имкониятга осон эришиш мумкин. Махараж Парикшитнинг ҳаётида айнан шундай бўлганди.

5. Абхиманйунинг буюк ва қудратли ўғли жаҳон императори бўлиб турар экан, Кали тимсоли гуллаб-яшнаб олмайди.

Изоҳ: Аввал тушунтирганимиздай, Кали тимсоли аллақачон Ер юзига келган ва бутун жаҳонга ўз таъсирини ўтказиш имконини ахтариб юрган эди. Аммо, Махараж Парикшит унинг ўз режаларини амалга оширишга тўсқинлик қилди. Ҳақиқий ҳукмдор шундай ҳаракат қилиши лозим. Кали тимсоли сингари тартибузарлар ҳаминиша ўзларининг нопок фаолиятини кенгайтиришга интиладилар, аммо кучли ҳукуматнинг бурчи – турли чоралар қўлаб, уларга тўсқинлик қилишдан иборат. Гарчи Махараж Парикшит ўз салтанатида Кали фаолият кўрсатиши мумкин бўлган жой ажратиб берган бўлса ҳам, айна пайтда у ўз давлатининг фуқароларини унинг таъсиридан ишончли ҳимоя қилиб қўйган эди.

6. Айнан Худо Шахси, Шри Кришна Ер сайёрасини тарк этиб кетган кун ва соатда худосизлик(имонсизлик) фаолиятининг ҳамма турини қўллаб-қувватлайдиган Кали бу дунёга кириб келган эди.

Изоҳ: Худо Шахси ва Унинг муқаддас номи, сифатлари ҳамда Парвардигор билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бир биридан фарқ қилмайди. Ер юзига Худо Шахсининг ўзи иштирок этиб юргани сабабли Кали тимсоли ундан ўзига жой тополмай юрган эди. Демак, агар Ер юзига Худонинг Олий Шахсининг муқаддас номлари, Унинг сифатлари, кароматлари доимий қуйланиб турадиган шароит яратилса, Кали тимсоли ҳеч қаерда ўзига жой топа олмайди. Ҳозирги даврда инсонлар жамиятида дунёвий илм жуда катта муваффақиятларга эришган: товушларни эфир орқали узата оладиган радиолар кашф этилган. Лекин, агар сезгиларни лаззатлантириш учун янграйдиган қандайдир кишининг ғашини келтирадиган овозлар ўрнига, ҳукумат "Шримад-Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита"да ишончли равишда таърифланган Парвардигорнинг улғуворлиги ва кароматлари ҳақидаги ҳикояларнинг ва Унинг муқаддас номларининг

илоҳий товушларини тарқатиш учун шароит яратиб берса, инсонлар ҳаёти учун яхши шароит яратилган, дин қонунлари қайта тикланган бўларди, шунда жамиятнинг маънавий инқирозга юз тутишини тўхтатишга уриниб юрган ҳукумат раҳбарлари муваффақият қозongan бўларди. Худога хизмат қилиш йўлида тўғри ишлатилса, ҳамма нарса яхши бўлади.

7. Махараж Парикшит, худди гулнинг фақат нектарини тўплайдиган асалари сингари, (ҳар бир ишнинг асл маъносини билладиган) амалиётчи киши эди. У жуда яхши билардики, ҳозирги Кали даврида яхшилик дарров ўз ҳосилини беради, аммо, ёмон иш, то уни амалда бажармагунча, инobatга олинмайди. Шу боис ҳеч қачон ўзида Кали тимсолига нисбатан нафрат туйғуси ҳис қилмайди.

Изоҳ: Кали даври тубанликка юз тутиш даври деб аталади. Ана шу маънавий инқироз даврида тирик мавжудотлар оғир аҳволда яшагани сабабли Парвардигор улар учун баъзи бир енгилликлар бериб қўйган. Масалан, Парвардигорнинг амри билан тирик мавжудот то гуноҳ ишни амалда бажармагунча унинг оқибатига дучор бўлмайди. Бошқа даврларда, шунчаки гуноҳ қилиш ҳақида ўйлаган заҳоти инсон унинг қурбони бўларди. Ҳозирги даврда эса, инсон савоб иш қилиш ҳақида ўйласа бас, уни қилган мукофотини олади. Махараж Парикшит Худонинг марҳамати билан жуда билимдон ва донишманд шоҳ бўлгани учун, у Кали тимсолига нисбатан кераксиз нафрат туйғусини ҳис қилмасди, чунки унга гуноҳ ишлар қилиш учун заррача ҳам имконият қолдирмоқчи эмасди. У ўз фуқароларини Кали юга даврининг гуноҳ ишлари қурбони бўлиб қолишдан ҳимоя қилган, айна пайтда Кали тимсолига фаолият кўрсатиш учун маълум жойларни ажратиб берган эди. "Шримад-Бхагаватам"нинг охирида айтиладиги, гарчи ҳозир Кали тимсоли ўзининг гуноҳ ишларини амалга ошириб юрган бўлса ҳам, бу даврнинг битта жуда катта имкони, афзаллиги бор. Инсон шунчаки Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш орқали баркамолликка эриша олади. Шу боис Махараж Парикшит Худонинг муқаддас номларини қуйлашни оммавий равишда ташкил қилишга ҳаракат қилди ва шу йўл билан ўз фуқароларини Кали даврининг чангалидан қутқариб олди. Ана шу битта афзаллиги учун буюк донишмандлар баъзан Кали югани олқишлайдилар. Ведаларда ҳам айтилганки, Парвардигор Кришнанинг кароматлари ҳақида суҳбатлашиб, Кали юганинг барча ёқимсиз шароитлари таъсиридан халос бўлиш мумкин. "Шримад-Бхагаватам"нинг бошида ҳам айтилганки, инсон бу асарни овоз чиқариб ўқиса, Парвардигор дарров унинг қалбида намоён бўлади. Кали даврининг буюк афзалликларидан баъзи бирлари шулар эди ва Махараж Парикшит Кали

тимсоли ҳақида ёмон фикрга бормасдан, вайшнаварга хос бўлган эътиқодга тўла мос равишда унинг ана шу фазилатларидан фойдаланди.

8. Махараж Парикшит тушунардики, калтафаҳм одамлар Кали тимсолини жуда қудратли деб ҳисоблашлари мумкин, лекин, ўзини тута биладиган киши қўрқмаса ҳам бўлади. Шоҳ худди йўлбарсдай қудратли эди, шу боис у нодон ва калтафаҳм одамлар ҳақида ўйларди.

Изоҳ: Худога ишонмайдиган кишилар калтафаҳм ва аклсиз одамлардир. Агар одам акли заиф бўлса, у Худонинг содиқ хизматкори бўла олмайди. Ўз ихтиёрини Худога топширмаган одамлар Кали тимсолининг гуноҳ ишларининг қурбони бўладилар. Токи биз Махараж Парикшитдан ўрнак олиб, оддий одамлар орасида Худога садоқат билан хизмат қилиш маданиятини кенг тарқатмас эканмиз, жамиятда нормал шароит яратишнинг иложи бўлмайди.

9. Эй донишмандлар, сизларнинг саволларингизга жавоб бериб, мен олижаноб шоҳ Махараж Парикшит ҳаётининг Парвардигор Кришна билан боғлиқ бўлган жойларининг ҳаммасини гапириб бердим.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам" Парвардигорнинг кароматлари ҳақида ҳикоя қилади, улар эса Худонинг содиқлари билан боғлиқ. Шундай қилиб, Худонинг содиқларининг кароматлари ҳақидаги ҳикоялар Парвардигор Кришнанинг кароматлари ҳақидаги ҳикоялардан фарқ қилмайди. Худонинг содиқ хизматкори Парвардигорнинг амаллари билан Унинг содиқ хизматкорининг амаллари бир поғонада жойлашган деб ҳисоблайди, чунки улар тўлиқ илоҳий табиатга эга.

10. Ҳаётда тўла баркамолликка эришишга интилиб юрган киши камтарин ҳолда, ишлари ғаройиб бўлган Худо Шахсининг илоҳий кароматлари ва сифатлари билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини тинглаши лозим.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий кароматлари, сифатлари ва номлари ҳақидаги ҳикояларни мунтазам тинглаб юриш билан инсон мангу ҳаётга яқинлашади. Бундай ҳикояларни мунтазам тинглаб юриш дегани, Парвардигор аслида қандай бўлса, Уни шундайлигича англаб етиш демакдир, бу эса, "Бхагавад-гита"да айтилганидек, мангу ҳаётга эришиш деганни англатади. Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий, шон-шуҳратга тўла кароматлари – шартланган тирик мавжудотлар учун моддий мукофот бўлган туғилиш, касаллик, кексалик ва ўлим

иллатларидан даволаниш учун дармондир. Баркамолликка эришиш жараёнининг энг юқори чўққиси – инсон ҳаётининг мазмуни, яъни, мангу илоҳий лаззатга эришишдир.

11. Донишмандлар дедилар: Эй ҳурматли Сута Госвами! Худо Шахси Парвардигор Шри Кришнанинг кароматлари ҳақида ажойиб ҳикоя қилаётганинг учун Парвардигор сенга узок умр ва мангу шон-шуҳрат ато этсин! Бу ҳикоялар – бизларга ўхшаган ўлимга маҳкум зотлар учун мангулик нектаридир.

Изоҳ: Худо Шахсининг илоҳий сифатлари ва кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглар эканмиз, Парвардигорнинг Ўзи "Бхагавад-гита"(4.9)да нима деганини ҳамиша эсда сақлашимиз лозим. Унинг кароматлари ҳатто одамлар орасида ҳам тўла илоҳий табиатга эга, чунки уларнинг ҳаммасида Унинг моддий қувватидан фарқ қиладиган руҳий қуввати намоён бўлади. "Бхагавад-гита"да айтилганидек, бундай амаллар дивъам деб аталади. Бу дегани, У моддий қувват ҳукми остидаги оддий тирик мавжудот сингари туғилиб, ҳаракат қилмайди, Унинг танаси, оддий тирик мавжудотларнинг танасидан фарқли равишда, моддий эмас ва ўзгармасдир. Мана шу ҳақиқатни Парвардигор ёки бошқа бирор ишончли манба орқали англаб етган киши, ҳозирги моддий танасини тарк этгандан кейин, қайтадан бу дунёда туғилмайди. Ана шундай илмли зот Парвардигорнинг илоҳий салтанатига кириш ҳуқуқига эга бўлади ва Унга илоҳий муҳаббат билан мангу хизмат қилишга киришади. Шунинг учун Парвардигорнинг "Шримад-Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита"да таърифланган илоҳий кароматлари ҳақида қанчалик кўп тингласак, Унинг илоҳий табиати ҳақида шунчалик кўп билиб оламиз ва шундай қилиб, Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлда бетиним ҳаракат қиламиз.

12. Биз бу кармали жараёни амалга оширишга эндигина киришдик, қурбонлик оловини ёқдик, лекин, бизларнинг амалларимиз мукамал бўлмагани боис, унинг натижаси қандай бўлишидан гумондамиз. Таналаримиз тутундан қорайиб кетди, лекин бизлар, сен тарқатиб бераётган Худо Шахсининг нилуфар пойи қадамлари нектаридан ҳақиқий лаззат оляпмиз.

Изоҳ: Наимишаранядаги донишмандлар ёққан қурбонлик олови атрофида ҳақиқатан тутун ҳам, фаолиятлари нуқсонли бўлгани сабабли шубҳаю-гумонлар ҳам кўп эди. Энг асосий нуқсон шундан иборатки, бундай маросимларни тўғри ўтказишга қодир бўлган тажрибали браҳманлар ҳозирги даврда жуда кам учрайди. Бундай маросимларни ўтказишда йўл қўйилган ҳар қандай хато ҳамма ишни барбод қилади ва худди қишлоқ

хўжалигидагидай, унинг натижасини олдиндан билиш жуда қийин бўлади. Шоли экканда унинг ҳосили Худонинг амри билан келадиган ёмғирларга боғлиқ бўлади, шу боис унинг натижасини олдиндан айтиб бўлмайди. Худди шундай, ҳозирги Кали-юга даврида ўтказиладиган ҳар қандай қурбонлик маросимининг натижаси қандай бўлишини олдиндан билиб бўлмайди. Кали даврида очкўз, виждонсиз брахманлар оддий одамларни алдаб, улардан муқаддас китобларда ёзилган, Кали югада Худонинг муқаддас номларини биргаликда куйлашдан бошқа ҳар қандай қурбонлик маросимлари натижа бермаслиги ҳақидаги огоҳлантиришларни яшириб, фақат бошқаларга кўз-кўз қилиш учун ана шундай шубҳали қурбонлик маросимларини ўтказишга ундайдилар. Сута Госвами донишмандлар мажлиси олдида Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида гапириб берди, шунда улар бунинг натижасини дарров яққол ҳис қилдилар. Буни ҳам, худди овқатланганда қорин тўйганини сезиш сингари, бевосита ҳис қилиш мумкин. Инсон руҳий ўзлигини англаётганини ҳам худди шундай бевосита ҳис қилиши мумкин.

Аслида Наимишаранядаги донишмандлар қурбонлик оловининг тутунидан қийналаётган ва унинг натижаси нима бўлишидан гумонланаётган эдилар, лекин, Сута Госвамидай ўзини англаб етган зотнинг гапларини тинглаб, улар тўла мамнуният ҳосил қилдилар. “Брахма-ваиварта-пурана”да Вишну Шивага айтадики, Кали даврида яшаётган, бевовта бўлишга шунча баҳона топиладиган одамларнинг кармали фаолияти ва фалсафий изланишлари ҳеч қандай натижа бермайди, лекин агар Худога садоқат билан хизмат қила бошласалар, улар албатта маълум натижага эришадилар ва уларнинг қилган ҳаракатлари бекор кетмайди. Бошқача қилиб айтганда, Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб, руҳий ўзликни англашга эришиш ёки моддий манфаат кўриш йўлида қилинган ҳар қандай амал муваффақият келтирмайди.

13. Худонинг содиқ хизматкори билан суҳбатда бўлиб ўтган бир лаҳза вақтнинг қадрини, ўлимга маҳкум одамларга мўлжалланган моддий бойлик кўринишидаги дунёвий омад нари турсин, ҳатто жаннатга эришиш ёки моддий тутқунликдан озодликка чиқиш билан ҳам тенглаштириб бўлмайди.

Изоҳ: Агар баъзи бир умумий ўхшашликлари бўлсагина икки нарсани бир бирига тенглаштириб таққослаш мумкин. Худонинг асл содиғи билан ҳамсуҳбат бўлишни эса, бирор моддий нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Моддий бахтга боғланиб қолган кишилар Ойга, Венерага, Индралокага ва бошқа жаннатий сайёраларга эришишга интиладилар. Дунёвий фалсафий изланишда бирор муваффақиятга эришган

кишилар эса, ҳар қандай моддий тутқунликдан озодликка чиқишга интиладилар. Инсон ҳар қандай моддий ютуқлардан ҳафсаласи пир бўлганида, у озодликнинг бошқа турига интила бошлайди. Озодликнинг бу тури апунарбхава, яъни, “янги туғилишлардан қутулиш” деб аталади. Аммо, Парвардигорнинг асл содиқлари жаннатдаги бахтга ҳам, моддий тутқунликдан озодликка чиқишга ҳам интилмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, Парвардигорнинг асл содиқлари учун жаннатдаги моддий лаззатлар ҳам керак эмас, чунки улар лаззат ва бахт ҳақидаги моддий тасаввурлардан аллақачон озод бўлганлар, шу боис, улар ҳатто моддий оламда юриб ҳам, озод яшайдилар. Бу дегани, Парвардигорнинг асл содиқлари илоҳий мавжудликка, яъни, моддий оламда ҳам, руҳий оламда ҳам Худога муҳаббат ва садоқат билан илоҳий хизмат қилишга фарқ бўлганлар. Худди ҳукумат хизматчиси ҳамиша, уйда ҳам, ишда ёки бошқа жойда ҳам бир хил бўлгани сингари, Худонинг содиқ хизматкори ҳам бирор моддий нарса билан боғланган эмас, чунки у фақат Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан банд. У ҳеч қандай моддий нарсага боғланмагани учун, танаси ҳалок бўлиши билан дарров барҳам топадиган шохлик унвони ёки олий ҳукмдорларнинг бошқа лавозимлари сингари моддий нарсалар унга қандай мамнуният келтириши мумкин? Худога садоқат билан хизмат қилиш эса, руҳий табиатга эга, мангу ва ҳеч қачон тугамайди. Шундай қилиб, асл содиқнинг қадриятлари моддий қадриятлардан бутунлай фарқ қилгани боис, уларни ҳатто таққослаб, тенглаштириб ҳам бўлмайди. Сута Госвами Парвардигорнинг асл содиғи эди, шу боис унинг Наимишаранядаги ришилар билан бўлган суҳбати ажойиб. Моддий оламдаги дунёвий, имонсиз одамлар билан суҳбатлашиш ҳақиқатан ҳам гуноҳ. Имонсиз одамларни йошит-санги, яъни, “моддий нарсалар(аёллар ва бошқа нарсалар)га жуда қаттиқ боғланиб қолган зот” деб атайдилар. Бундай боғланиш зарарли, чунки инсонни ҳаёт саодатларидан ва гуллаб-яшнашдан маҳрум қилади. Бунинг қарама-қарши акс – бхагавата-санги, яъни, ҳамиша Парвардигорнинг номи, киёфаси, сифатлари ва бошқа нарсалари билан боғланиб юрадиган зотлар. Бундай боғланиш ҳамиша ёқимли, бу - олқишлашга, сиғинишга муносиб амал, мана шуни инсон ҳаётининг олий мақсади деб аташ мумкин.

14. Худо Шахси, Парвардигор Кришна(Говинда) – барча буюк тирик мавжудотларнинг ягона паноҳи, Унинг илоҳий фазилатларини ҳатто маъбуд Шива ва маъбуд Брахма сингари буюк сеҳр қудратининг соҳиблари ҳам баҳолай олмайдилар. Шундай экан, раса нектаридан лаззатланиш нималигини билладиган зотлардан бирор киши қачон бўлса ҳам, Парвардигор ҳақидаги

хикояларни тинглашдан тўйдим, деб айта оладими?

Изоҳ: Маъбуд Шива ва маъбуд Брахма – икки асосий фаришта. Улар барча сеҳр қудратларига эга. Масалан, маъбуд Шива, оддий тирик мавжудотни ўлдириш учун биргина томчиси етарли бўлган бир океан захарни ичиб юборган. Маъбуд Брахма жуда кўп қудратли фаришталарни, шу жумладан маъбуд Шивани ҳам яратган зот. Шу боис улар ишвара, яъни коинот ҳукмдорлари деб аталдилар. Лекин ҳали улар энг қудратли зот дегани эмас. Энг қудратли зот – Говинда, Парвардигор Кришна. У – тўла бутун Илоҳийликдир, Унинг илоҳий сифатларини ҳатто Шива ва Брахма сингари қудратли ишваралар ҳам охиригача англаб ета олмайдилар. Шу боис Парвардигор Кришна – ҳатто энг буюк тирик мавжудотлар учун ҳам ягона паноҳ макони. Брахма тирик мавжудот, лекин у – барча тирик мавжудотлар ичида энг буюги. Шундай экан, нимага барча тирик мавжудотлар ичида энг буюги ҳам Парвардигор Кришна ҳақидаги илоҳий хикояларни тинглашга шунчалик қаттиқ боғланиб қолган? Чунки У ҳар қандай лаззатнинг манбаи. Ҳар ким лаззатнинг у ёки бу тури биланг лаззатланишни истайди, лекин, Худога муҳаббат ва садоқат билан илоҳий хизмат қилишга фарқ бўлган киши, бундан чексиз лаззат олади. Парвардигор чексиз, Унинг номи, сифатлари, эрмаклари, анжомлари, ранг-баранглиги ва У билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси чексиз, улардан лаззатланиб юрган киши ҳам, ҳеч қачон зерикмасдан, чексиз лаззатланишда давом этиши мумкин. Бу ҳақиқат “Падма-пурана”да тасдиқланади:

раманте йогино 'нанте сатйананда-чид-атмани
Ити рама-паденасау парам брахмабхидхийате
“Сеҳргарлар Мутлақ Ҳақиқатдан чексиз лаззат оладилар, шу боис Олий Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахсини Рама деб ҳам атайдилар”.

Ана шундай илоҳий суҳбатлар адо бўлмайди. Дунёвий ишларда зерикиш, тўйиш қонуни бор, лекин илоҳий оламда бундай қонун йўқ. Сута Госвами Наимишаранйадаги донишмандларга Парвардигор Кришна ҳақида хикоя қилишни давом эттиришни истарди, донишмандлар ҳам унинг гапларини узлуксиз тинглашда давом этишга тайёрлигини билдирдилар. Парвардигор – тўла Илоҳийлик, Унинг сифатлари илоҳий бўлгани боис, бундай суҳбатлар қалби пок тингловчиларда тинглашда давом этиш истагини тобора кучайтираверади.

15. О Сута Госвами! Сен Парвардигорнинг билимдон ва асл содифсан, чунки Худо Шахси – сен хизмат қиладиган ягона Зот. Шу боис, илтимос, бизларга Парвардигорнинг барча моддий тасаввурлардан устун турадиган эрмакларини таърифлаб бер, чунки бизлар

улар ҳақида сендан тинглашга муштоқ бўлиб турибмиз.

Изоҳ: Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида гапирадиган киши фақат бир Зотга, Худонинг Олий Шахси Парвардигор Кришна сиғиниши ва хизмат қилиши лозим, бундай хикояларни тинглаётган кишилар эса, Парвардигор ҳақида ихлос билан тинглашга муштоқ бўлишлари лозим. Маърузачи ҳам, тингловчилар ҳам ана шу сифатларга эга бўлганда Илоҳий мавзуда суҳбатлашиш жуда самарали бўлади. Худо ҳақида гапиришни тирикчилик қилиш учун ўзига касб қилиб олган маърузачилар ва дунёвий ташвишларга фарқ бўлган тингловчилар бундай суҳбатлардан сезиларли манфаат кўра олмайдилар. Шундай маърузачилар оила аъзоларининг эҳтиёжини қондириш ниятида бошқаларга кўз-кўз қилиш учун бхагавата-саптаха уюштирадилар, дунёвий кайфиятдаги тингловчилар эса, бундай бхагавата-саптахадаги хикояларни қандайдир моддий манфаат кўзлаб тинглайдилар: обрў-эътибор, бойлик, сезгиларига лаззат бериш ёки озодликка чиқиш. "Шримад-Бхагаватам" ҳақидаги бундай суҳбатлар моддий сифатлар билан бўлганидан холи эмас. Лекин, Наимишаранйадаги авлиё зотлар билан Сута Госвами орасида бўлиб ўтган суҳбат илоҳий табиатга эга. Улар ҳеч қандай шахсий моддий мақсадни кўзламайдилар. Бундай суҳбатлар тингловчиларга ҳам, маърузачига ҳам чексиз илоҳий лаззат бағишлайди ва минглаб йиллар давом этиши мумкин. Ҳозир бхагавата-саптаха фақат етти кун давом этади, суҳбат тамом бўлган заҳоти тингловчилар ҳам, маърузачи ҳам ўзларининг одатдаги моддий фаолиятига киришадилар. Маърузачи – бхагавад-прадхана эмас, тингловчилар эса, – шушрушатам бўлмагани сабабли шундай бўлади.

16. О Сута Госвами! Бизларга Парвардигор ҳақидаги, ақли озодликка чиқишда банд бўлган Махараж Парикшитнинг кушлар шоҳи Гаруданинг паноҳи бўлган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эришишига ёрдам берган хикояларни қайтадан гапириб бер. Бу хикояларни унга Вйасанинг ўғли(Шукадева Госвами) гапириб бергани.

Изоҳ: Озодликка эришиш йўлидан бораётган зотларнинг фикрлари бир биридан бир мунча фарқ қилади. Илоҳий илмини шундай ўрганиб юрган кишиларн имперсоналистлар ва Худонинг содиқлари деб атайдилар. Худонинг содиқ хизматкори Парвардигорнинг илоҳий қиёфасига сиғинади, имперсоналист эса, Парвардигорнинг танасидан таралиб турган нурга, брахмадждйоти деб аталадиган, кўзни қамаштирадиган ёғдуга муруқаба қилади. Мазкур шеърда айтилганки, Махараж Парикшит, Вйасадеванинг ўғли Шрила

Шукадева Госвамининг берган насихатлари шарофати билан Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига эришган. Шукадева Госвами ҳам рухий фаолиятини имперсоналист сифатида бошлаган, буни унинг ўзи "Шримад-Бхагаватам"(2.1.9)да тан олади, лекин, кейин уни Парвардигорнинг илохий эрмаклари ўзига тортган ва у Худонинг содиқ хизматкори бўлган. Мукамал илмга эга бўлган шундай содиқлар маха-бхагавата – биринчи тоифа содиқлар деб аталадилар. Худонинг содиқлари уч тоифа бўлади: пракрита, мадхйама ва маха-бхагавата. Пракрита, яъни, учинчи тоифа содиқлар – Парвардигор ва Худонинг содиқлари ҳақида чуқур илмга эга бўлмаган ҳолда эҳромда Худога сифиниб юрган содиқлар. Мадхйама – иккинчи тоифа содиқлар, Парвардигорни, Худонинг содиқларини, имонсизларни ва янги содиқларни яхши биладилар. Аммо, маха-бхагавата, яъни, биринчи тоифа содиқлар, ҳамма нарсани Парвардигор билан боғлиқ ҳолда, Парвардигорни эса, ҳар ким билан ўзаро муносабатларда кўрадилар. Шу боис маха-бхагаваталар ҳаммани бирдай кўрадилар, айниқса, Худонинг содиқлари ва имонсизларни бир биридан ажратмайдилар. Махараж Парикшит ана шундай маха-бхагавата эди, чунки унга бошқа бир маха-бхагавата – Шукадева Госвами фотиҳа берган эди. У ҳаммага бир хилда, бошқалар нари турсин, ҳатто Кали тимсолига ҳам меҳрибон эди.

Жаҳоннинг илохий тарихида аввал имперсоналист бўлган, кейин Худонинг содиқ хизматкорига айланган зотлар ҳақида жуда кўп мисоллар бор. Лекин, ҳеч бир Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон имперсоналистга айланган эмас. Бу шуни кўрсатадики, рухий юксалишнинг илохий зинапоясидида Худонинг содиқ хизматкори эгаллаб турган поғона имперсоналистлар эгаллаб турган поғонадан устун туради. "Бхагавад-гита"(12.5)да ҳам айтилганки, имперсонализм босқичида тўхтаб қолган кишилар ҳақиқатни англаб етишда бирор натижага эришгандан кўра кўпроқ изтироб чекадилар. Шундай қилиб, Шукадева Госвами Махараж Парикшитга хабар берган илм унинг Худога садоқат билан хизмат қилишга келишига, яъни, рухий баркамолликнинг апаваара – озодликка эришишнинг мукамал ҳолати деб аталадиган поғонасига кўтарилишга ёрдам берган. Шунчаки озодликка эришиш ҳақида илмга эга бўлиш – дунёвий илмдир. Моддий тутқунликдан ҳақиқий халос бўлиш озодликка чиқиш деб аталади, лекин, Парвардигорга илохий хизмат қилишга эришиш – озодликка чиқишнинг мукамал босқичидир. Аввал, "Шримад-Бхагаватам"(1.2.12)да тушунтирганимиздек, бу поғонага илм ва таркидунёлик ёрдамида эришиш мумкин, Шукадева Госвами баён этган мукамал илм эса, инсонни Парвардигорга илохий хизмат қилиш поғонасига кўтаради.

17. Бизларга Чексиз Зот ҳақида гапириб бер, чунки бундай ҳикоялар барча ҳикоялардан устун ва қалбимизни поклайди. Улар Махараж Парикшитга гапириб берилган эди. Уларда бҳакти-йога ҳақида гап боргани учун улар асл содиқлар учун жуда қадрли.

Изоҳ: Махараж Парикшитга гапириб берилган ва асл содиқларга жуда азиз бўлган ҳикоялар "Шримад-Бхагаватам"да жамланган. "Шримад-Бхагаватам" асосан Олий Чексиз Зот ҳақидаги ҳикоялардан таркиб топган, демак, "Шримад-Бхагаватам" - бҳакти-йога, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги илм. Шундай қилиб, "Шримад-Бхагаватам" – пара, олий илм, чунки гарчи унда барча илм ва динларнинг ҳамма тури таърифланган бўлса ҳам, унинг асосий мазмуни – Худога садоқат билан хизмат қилиш.

18. Шри Сута Госвами деди: Эй Худойим! Гарчи бизлар аралаш табақада дунёга келган бўлсак ҳам, мукамал илмга эга бўлган буюк зотларга хизмат қилганимиз ва уларнинг изидан борганимиз шарофати билан келиб чиқишимиз бўйича олий поғонага кўтарилдик. Ҳатто ана шундай буюк зотлар билан суҳбатлашиш ҳам инсонни паст табақага муқаррар хос бўлган нуқсонлардан бир зумда поклашга қодир.

Изоҳ: Сута Госвами брахман оиласида дунёга келмаган эди. У аралаш табақага мансуб оилада, яъни, маданиятсиз, пасткаш табақа мансуб зот эди. Лекин, улуғвор зотлар – Шри Шукадева Госвами ва Наимишаранйидаги буюк ришилар билан ҳамсуҳбат бўлгани шарофати билан паст табақага хос бўлган нуқсонлари шубҳасиз барҳам топган эди. Ведалар маданиятига содиқ қолган ҳолда, Парвардигор Шри Чайтанйа Махапрабҳа ҳам ана шу қоидага амал қилганди. Ўзининг илохий иштироки билан У кўплаб паст табақадаги мансуб бўлган зотларни, яъни, ижтимоий келиб-чиқиши ва фаолияти сабабли зарур бўлган сифатларга эга бўлмаган кишиларга ачарья, яъни ишончли зотлар унвонини бериб, уларни Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарган. У очик айтган эдики, ким бўйшидан қатъий назар, ижтимоий келиб чиқиши брахманми, шудрами, жамиятдаги мартабаси оилали кишими ёки кашшоқ гадойми – Кришна ҳақидаги илмни биладиган кишини ачарья, яъни гуру, рухий устоз деб ҳисоблаш мумкин.

Сута Госвами Кришна ҳақидаги илмни Шукадева ва Вйасадева сингари буюк риши ва ишончли зотлардан ўрганди ва бу соҳада шу даражада илмли эдики, ҳатто Наимишаранйидаги донишмандлар Кришна ҳақидаги илмни "Шримад-Бхагаватам" кўринишида унинг оғзидан тинглашга муштоқ эдилар. Шундай қилиб, у буюк зотлар билан икки хилда ҳамсуҳбат бўлган эди: у

уларнинг суҳбатларини тингларди, ўзи уларга тарғибот қиларди. Илоҳий илмни, Кришна ҳақидаги илмни ишончли зотлардан ўрганиш лозим, уни тарғибот қилиш билан эса, инсон бу илмни яна ҳам чуқурроқ ўзлаштиради. Сута Госвами бу икки имкониятга ҳам эга эди, шу боис у, шубҳасиз, паст табақадан чиққанлиги билан боғлиқ бўлган барча иллатлардан ҳамда аклининг барча адашишларидан халос бўлган эди. Бу шеърдан кўриниб турибдики, Сута Госвами паст табақадан чиққан бўлишига қарамасдан, Шрила Шукадева Госвами унга илоҳий илм ўргатишдан бош тортмади, Наимишаранйадаги донишмандлар эса, унинг насиҳатларини тинглашдан бош тортмадилар. Бу дегани, минг йил аввал инсоннинг паст табақадан чиққанлиги унинг илоҳий илм ўрганишида ва тарғибот қилишида тўсиқ бўла олмаган. Ҳиндистондаги табақаларга бўлиниш фақат охириги юз йил ичида, двиджа-банху, ўзлари олий табақага мансуб бўлсалар ҳам, шунга мос фазилатларга эга бўлмаган кишилар кўпайиб кетгандан кейин одат бўлган. Парвардигор Шри Чайтанйа бошланғич ведалар маданиятига асосланган ижтимоий тизимни қайта тиклади. Ҳазрат Шрила Харидас Тхакур мусулмон оиласида дунёга келишни ихтиёр этганига қарамасдан, У Тхакур Харидасни намачарйа – Парвардигорнинг муқаддас номининг шуҳратини тарғибот қилиш устози деган олий поғонага кўтарди.

Парвардигорнинг асл содиқларининг қудрати шундай. Ганга сувлари пок ҳисобланади ва унда чўмилиш шарофати билан инсон покланади. Лекин Парвардигорнинг буюк содиқлари, улар билан ҳамсуҳбат бўлиш нари турсин, шунчаки уларга кўзи тушган пасткаш зотни ҳам поклай оладилар. Парвардигор Шри Чайтанйа Махапрабху, жаҳон бўйлаб ишончли тарғиботчиларни жўнатиб, бутун жаҳоннинг иллатга ботган муҳитини поклашни истаган эди. Инсонпарварлик фаолиятининг энг олий тури бўлган бу вазифага ҳиндлар фақат илмий жиҳатдан ёндошишлари керак бўлади. Ҳозирги даврдаги одамларнинг рухий жароҳатлари тананинг хасталиқларидан анча жиддийроқ. Бутун жаҳон бўйлаб "Шримад-Бхагаватам" таълимотини тарғибот қилишни кечга қолдирмасдан бошлаш керак. Махаттаманам абхидҳана дегани, "буюк содиқларнинг луғати" деган, ёки, "буюк содиқларнинг айтган гаплари" деган маънони ҳам англатади. Буюк содиқларнинг ҳамда Парвардигорнинг айтган гапларининг тўплами Ведаларда, бошқа муқаддас китобларда ҳам, айниқса, "Шримад-Бхагаватам"да берилган.

19. Буюк содиқлар раҳбарлиги остида юрганлар ҳамда чексиз куч соҳиби бўлган Чексиз Зотнинг муқаддас номини куйлаб юрган зотлар ҳақида нима дейиш мумкин? Қудрати чегара билмайдиган ва сифатлари илоҳий

бўлган Парвардигорни ананта(Чексиз) деб атайдилар.

Изоҳ: Двиджа-бандху, яъни, олий табақада туғилган, лекин ақли заиф, маданиятсиз одамлар паст табақадан чиққан одамларнинг ҳозирги ҳаётида браҳман бўлишларига қарши жуда кўп далиллар келтирадилар. Улар айтадиларки, инсон ўзининг аввалги ҳаётида қилган гуноҳлари оқибатида шудра ёки ундан ҳам паст табақада дунёга келади, шу боис у гуноҳидан покланиши учун паст табақа билан боғлиқ бўлган шароитда белгиланган вақт яшаши лозим. Ана шундай сохта мантиқчиларнинг далилларига жавобан "Шримад-Бхагаватам"да айтилганки, асл содиқнинг раҳбарлиги остида Парвардигорнинг муқаддас номини куйлаб юрган киши паст табақада туғилиш билан боғлиқ бўлган иллатлардан бир зумда покланиши мумкин. Парвардигорнинг асл содиғи Худонинг муқаддас номини такрорлар экан, ҳеч қандай ҳақорат содир қилмайди. Худонинг муқаддас номларини зикр қилишда содир қилиш мумкин бўлган ҳақоратларнинг ўн тури бор. Лекин, асл содиқнинг раҳбарлиги остида зикр қилиш ҳар қандай ҳақоратлардан пок бўлади. Парвардигорнинг номини ҳақоратларсиз зикр қилиш илоҳий даражада бўлади, шу боис у инсонни аввал қилган гуноҳларининг барча оқибатларидан поклай олади. Парвардигорнинг муқаддас номини ҳақоратларсиз зикр қилиш шундан далолат берадики, инсон муқаддас номнинг илоҳий табиатини тўлиқ тушуниб етади ва шу боис ўз ихтиёрини Худога топширади. Мутлақ поғонада бўлгани боис, Парвардигорнинг муқаддас номи ва Унинг Ўзи бир биридан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг муқаддас номи ҳам Парвардигорнинг Ўзи сингари қудратли. Парвардигор – ҳар нарсага қодир Худо Шахси, Унинг Ўзидан фарқ қилмайдиган ва Ўзи билан тенг қудратга эга бўлган сон-саноксиз номлари бор. "Бхагавад-гита"нинг охирида Парвардигор айтадики, ўзини бутунлай Худога топширган киши, Худонинг марҳамати билан ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан ҳимоя қилинган бўлади. Парвардигорнинг номи ва Унинг Ўзи бир биридан фарқ қилмагани боис, муқаддас ном содиқни барча гуноҳлари оқибатидан ҳимоя қила олади. Худонинг муқаддас номларини куйлаб юриш, ҳеч шубҳасиз, инсонни паст табақада туғилиш билан боғлиқ бўлган ёқимсиз оқибатлардан халос қила олади. Парвардигорнинг чексиз қуввати бутун оламга Худонинг содиқларини ва Парвардигорнинг тимсол(аватара)ларини тарқатиш орқали тарқалади, шу боис, Худонинг ҳар бир содиқ хизаткорига ва Унинг ҳар бир тимсолига бир хилда Парвардигорнинг қуввати ато этилиши мумкин. Худонинг содиқ хизматкори, Парвардигорнинг қувватининг бир заррасига эга бўлгани учун, унинг паст табақадан чиққани унинг йўлига ғов бўла олмайди.

20. У(Худо Шахси) чексиз ва тенги йўқлиги аниқланган. Демак, ҳеч ким Уни аниқ таърифлай олмайди. Буюк фаришталар илтижо қилиб равнақ фариштасининг марҳаматига эриша олмайдилар, лекин, гарчи Парвардигор ундан ҳеч қандай хизмат кутмаса ҳам, ана шу равнақ фариштаси Парвардигорга хизмат қилади.

Изоҳ: Шрутиларга асосан, Худо Шахси, яъни, Парамешвара Парабрахман бирор иш қилиши шарт эмас. Ҳеч ким Унга тенг ёки Ундан устун эмас. Унинг чексиз қувватлари бор, Унинг ҳар бир ҳаракати, Унинг Ўзига хос мукамаллик билан табиий равишда бенуқсон амалга ошади. Шундай қилиб, Парвардигор, Олий Шахс Ўзига тўла бутун, У ҳеч кимдан, ҳатто Брахма сингари буюк фаришталардан ҳам, ҳеч нарсага муҳтож эмас. Баъзи бировлар равнақ фариштасининг марҳаматига эришишга интиладилар, у эса, уларнинг илтижоларига қарамасдан, уларга марҳамат кўрсатишни истамайди. Лекин ўзи, гарчи ундан Худонинг Олий Шахсига ҳеч нарса керак бўлмаса ҳам, Унга хизмат қилади. Худо Шахси Гарбходакашайа Вишну қиёфасида Ўзига мангу хизмат қилиб юрган равнақ фариштасининг қорнидан эмас, киндигида ўсиб турган нилуфар гулида (моддий оламда яратилган биринчи тирик мавжудот) Брахмани дунёга келтиради. Парвардигорнинг тўла равишда мустақил ва мукамал эканлигининг баъзи бир мисоллари шулар. У ҳеч нарса қилиши шарт эмаслиги, У шахс эмас, дегани эмас. У шунчалик англаб бўлмас илоҳий қувватларга эгаки, шунчаки Унинг биргина истаги билан, У ҳеч қандай жисмоний ва ақлий ҳаракат қилмаса ҳам, ҳаммаси ўзидан ўзи амалга ошади. Шунинг учун Уни Йогешвара, барча сеҳр кучларининг эгаси деб атайдилар.

21. Худо Шахси, Шри Кришнадан бошқа ким ҳам Парвардигор деб аташга муносиб бўла олади? Брахма, эҳтиром юзасидан маъбуд Шивага таклиф қилиш учун Унинг оёғининг тирноғидан оқиб турган сувларни тўплаб олди. Ана шу сув(Ганга) бутун коинотни, шу жумладан маъбуд Шивани ҳам поклайди.

Изоҳ: Ғофил одамлар ведавий муқаддас китобларда кўрсатилган худолар ҳақида нотўғри тасаввурга эгалар. Парвардигор бир ва ягона, лекин У Ўзини турли усуллар билан кўпайтиради, бу Ведаларда тасдиқланади. Парвардигорнинг ана шундай экспансиялари сон-саноксиз, тирик мавжудотлар ҳам уларнинг таркибига киради. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг тўлиқ экспансиялари сингари қудратли эмас, демак, экспансияларнинг икки тури бор. Одатда маъбуд Брахма – тирик мавжудотлардан биттаси, маъбуд Шива эса – Парвардигор билан тирик

мавжудотлар орасидаги боғловчи мавжудот. Бошқача қилиб айтганда, ҳатто маъбуд Брахма ва маъбуд Шива сингари, энг асосий фаришталар ҳам Худонинг Олий Шахси Парвардигор Вишнуга тенг эмас, Ундан устун бўлолмайди. Равнақ фариштаси Лакшми ва Брахма ва Шива сингари қудратли фаришталар ҳамини Вишнуга, яъни Парвардигор Кришнага сиғинадилар, шундай экан, Худонинг Олий Шахси деб аталишга муносиб бўлиш учун ким ҳам Муқунда(Парвардигор Кришна)дан қудратлироқ бўла оларди? Равнақ фариштаси Лакшми, маъбуд Брахма ва маъбуд Шива ўзларидан ўзи ана шундай қудратга эга бўлган эмаслар, уларнинг қудрати уларнинг Парвардигорнинг экспансиялари эканлигида ва улар ҳаммаси Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладилар. Тирик мавжудотлар ҳам шундай ҳаракат қиладилар. Парвардигорни тан олиб, Унга сиғинадиган содиқларнинг тўрт силсиласи бор бўлиб, уларнинг асосийлари мос равишда бевосита маъбуд Брахмадан, маъбуд Шивадан ва равнақ фариштаси Лакшмидан бошланадиган Брахма-сампрадаё, Рудра-сампрадаё ва Шри-сампрадаё ҳисобланади. Булардан ташқари Санат-кумардан бошланадиган Кумара-сампрадаё ҳам бор. Ана шу тўрт силсила ҳозирги кунга қадар Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилади ва Парвардигор Кришна, Муқунда – Худонинг Олий Шахси ва Унга тенг ёки Ундан буюкроқ ҳеч бир Зот йўқ деб тасдиқлаб келади.

22. Ўзларини жиловлаб олган ва ягона Парвардигор Кришнага боғланган инсонлар, бошқа тирик мавжудотларга озор етказишдан воз кечишга ҳамда боғланмасликка олиб келадиган таркидунёликда олий баркамолликка эришиш учун моддий боғланишлар оламини, шу жумладан қўпол танаси ва нафис ақлини ҳам, бир зумда тарк этишга қодирдилар.

Изоҳ: Фақат ўзига кучи етадиган кишилар аста-секин Худонинг Олий Шахсига боғлана оладилар. Ўзини жиловлаб олиш дегани, ўзининг сезгиларига танада жон сақлаб туриш учун зарур бўлганидан ортиқча лаззат бериш демакдир. Ўзини жиловлаб олмаган кишилар ҳиссий лаззатларга бериладилар. Қуруқ фалсафий фикр-мулоҳазалар – ақлнинг нафис лаззатланишидир. Ўзини жиловлаб олган кишилар моддий тирикчиликнинг шартланган ҳолатидан озодликка чиқиш йўлидан илдам боришга қодир бўладилар. Шунинг учун Ведалар инсонни зулмат йўлидан юришдан қайтариб, ёруғлик яъни озодликка чиқиш йўлидан боришга чақиради. Инсон ўзини моддий лаззатлардан сунъий равишда тўхтатиб турганида эмас, балки, ўзининг иллатлар билан булганмаган сезгиларини Худога илоҳий хизмат қилишда машғул қилиб, ҳақиқатан ҳам

Парвардигорга боғланганида ўзини жиловлашга эришади. Сезгиларни куч билан жиловлашнинг иложи йўқ, лекин уларни ўзининг асл вазифаси билан машғул қилиш мумкин. Шу боис, покланган сезгилар ҳамиша Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан банд бўлади. Сезгилар фаолиятининг ана шундай мукаммал поғонаси бҳакти-йога деб аталади. Шунинг учун бҳакти-йога усулига боғланган киши ҳақиқатан ҳам ўзини жиловлаб олган ва Худога садоқат билан хизмат қилиш учун уйига ёки танасига бўлган боғланишлардан бир зумда воз кеча олади. Мана шу парамахамса поғонаси деб аталади. Хамсалар, яъни оққушлар сув аралашган сутдан соф сутни ажратиб оладилар. Худди шундай, майага хизмат қилмасдан, Худога садоқат билан хизмат қилишни танлаган кишилар парамахамсалар деб аталадилар. Улар табиатан барча яхши сифатларга эга: камтар, тирик мавжудотларга озорсиз, сабрли, содда, хуш хулқли, Худодан кўрқадиган, самимий ва садоқатли. Худонинг содиқ хизматкори ана шундай илоҳий фазилатларга ҳеч қийналмасдан ўздан-ўзи эришади. Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай топширган ана шундай парамахамсалар ҳатто руҳий озодликка эришган зотлар орасида ҳам камдан-кам учрайди. Тирик мавжудотларга озор етказишни ҳақиқий тарк этиш деганда бошқаларга нисбатан душманлик туйғуси бўлмаслиги назарда тутилади. Бу дунёда ҳамма бир бирига ҳасад қилади. Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилишга ўзини бутунлай бағишлаган комил парамахамса умуман ҳеч кимга душман кўзи билан қарайди. У барча тирик мавжудотларни Парвардигор билан боғлиқ бўлгани учун севади. Ҳақиқий боғланмаслик дегани бутунлай Худога қарамликни билдиради. Ҳар бир тирик мавжудот шундай яратилганки, у кимгадир қарам. Аслини олганда ҳар ким фақат ягона Парвардигорнинг марҳаматига қарам, лекин инсон Парвардигор билан ўзаро муносабатларини эсдан чиқариб қўйганида, у моддий табиат шароитларига қарам бўлиб қолади. Боғланмаслик дегани шуни билдирадигани, инсон моддий табиат шароитларига қарам бўлишдан бош торади ва ўзини бутунлай Худонинг марҳаматига қарам қилиб қўяди. Ҳақиқий мустақиллик Худонинг марҳаматига тўла ишончни билдиради, бунда инсон моддий шароитларга умуман эътибор бермай қўяди. парамахамсанинг ана шу поғонаси – Худога садоқат билан хизмат қилиш яъни бҳакти-йогада баркамолликнинг энг олий поғонасидир.

23. Эй, худди кўёшдай қудратли ва пок ришилар, мен сизларга эгаллаган илмим берган имкон қадар Вишнунинг илоҳий эрмакларини таърифлаб беришга ҳаракат қиламан. Осмондаги қушлар ўз имконияти қанча бўлса, шунча баландликка кўтариладилар, худди шундай, Худонинг билимдон содиқлари ҳам, Парвардигорни қай

даражада англаб етган бўлсалар, Уни шу даражада таърифлай оладилар.

Изоҳ: Олий Мутлақ Ҳақиқат чексиз. Бирор тирик мавжудот ўзининг чекланган имкониятлари билан чексиз Зотни тўла англаб ета олмайди. Парвардигор шахсиятсиз, шахсий ва ҳамма жойга жамланиб тарқалган(локал) жиҳатларга эга. Ўзининг шахсиятсиз кўринишида У – ҳамма жойга сингиб кетган Браҳман, локал кўринишида У – ҳар кимнинг қалбида Олий Рух сифатида мавжуд, Ўзининг олий шахсий кўринишида У – Ўзининг омадли ҳамроҳлари, асл содиқлар илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладиган Зот. Фақат буюк билимдон содиқлар Парвардигорнинг ҳар хил жиҳатларидаги эрмакларини қисман қадрлай оладилар. Шундай қилиб, Шрила Сута Госвами Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида фақат ўзи тушунган даражада гапириб беришни ният қилиб тўғри йўл тутган эди. аслини олганда, фақат Парвардигорнинг Ўзигина Ўзини тўлиқ таърифлашга қодир, Унинг буюк содиқлари эса, Парвардигор уларга қай даражада таърифлаш қобилятини ато этса, фақат шу даражада Уни таърифлай оладилар.

24-25. Бир қуни Махараж Парикшит ўрмонда камон ва пайконлар ёрдамида ов қилиб юрар экан, бир кийикни узоқ вақт таъқиб қилиб, жуда чарчади, оч бўлиб, қаттиқ чанқадди. Сув излаб у машҳур Шамики Ришининг кулбасига кирди ва донишмандни кўзлари юмилган ва сукут сақлаб ўтирган ҳолда кўрди.

Изоҳ: Парвардигор Ўзининг асл содиқларига шунчалик меҳрибонки, керак пайтда қулай шароит яратиб, уларни Ўз олдига чақириб олади. Махараж Парикшит Парвардигорнинг асл содиғи эди, шу боис у қаттиқ чарчаши, оч қолиши ва қаттиқ чанқаш мумкин эмасди, чунки, Худонинг содиқ хизматкори ҳеч қачон танасининг бундай эҳтиёжларидан безовта бўлмайди. Лекин, Худонинг марҳамати билан ҳатто шундай содиқ ҳам, дунёвий фаолиятдан воз кечишига ёрдам берадиган муҳит юзага келиши учун чарчоқ ва чанқаш ҳис қилиши мумкин. Худонинг даргоҳига қайтиб бора олиш учун инсон дунёвий муносабатларга бўлган барча боғланишларидан воз кечиши лозим. Шу боис, содиқ дунёвий ишларга чуқур ботиб кетганида, Парвардигор уни бу ишларга бефарқ қилиб қўйиш учун зарур бўлган муҳитни юзага келтиради. Ҳатто содиқ дунёвийдай кўринган ишлар билан шуғулланиб юрган бўлса ҳам, Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг асл содиғини эсдан чиқармайди. Баъзан Парвардигор Ўзининг содиғини қийин вазиятга солиб қўяди, шунда содиқ барча дунёвий ишлардан воз кечишга мажбур бўлади. Содиқ бу ҳақда Парвардигорнинг алоҳида ишораси билан билиб олиши мумкин, бошқалар эса, унинг бу

ҳолатини омадсизлик, тақдирининг барбод бўлиши деб ҳисоблайдилар. Худди бобоси Аржун "Бхагавад-гита"нинг пайдо бўлишига сабабчи бўлгани сингари, Махараж Парикшит Парвардигор Шри Кришна ошкор этган "Шримад-Бхагаватам"нинг пайдо бўлишига сабабчи бўлиши лозим эди. Агар Аржун Худонинг амри билан оилавий боғланишларнинг алдамчи тўрларига илиниб қолмаганида, Парвардигорнинг Ўзи ҳамманинг бахт-саодати учун "Бхагавад-гита"ни баён қилмаган бўларди. Худди шундай, агар Махараж Парикшит ўша пайтда чарчаб, очлик ва чанқоқ ҳис қилмаганида, "Шримад-Бхагаватам" илмининг бош билимдони Шрила Шукадева Госвами уни гапириб бермаган бўларди. Шундай қилиб, бу шеър, ҳамманинг бахт-саодати учун "Шримад-Бхагаватам" баён этилган вазиятни таърифлашнинг кириш қисмини ташкил этади. Шу боис, одатдагидай, кириш сўзи "Кунларнинг бирида" ибораси билан бошланади.

26. Муни сезги органларини моддий фаолиятдан тўхтатиб қўйганди, унинг нафаси, акли ва тафаккури сифат жиҳатидан Олий Мутлақ ҳолатига тенг илоҳий ҳолатга етиб, уч ҳолат(зийрак, уйқу ва беҳуш ҳолатлар)дан ташқарида бўладиган жазава ҳолатида эди.

Изоҳ: Бу гаплардан кўриниб турибдики, кулбасига шоҳ кирган муни йогларга хос бўлган транс(жазава) ҳолатида ўтирарди. Бундай илоҳий ҳолатга уч йўл билан эришиш мумкин: джнана, яъни илоҳийликни назарий жиҳатдан англаб етиш орқали; тананинг физиологик ва психологик вазифаларини бошқариб, жазава ҳолатига ғарқ бўлиш орқали; сезгиларини Худого садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиб, бошқа йўлларга нисбатан ҳамма кўпроқ тан олган бҳакти-йога орқали. Сезиш, ҳис қилишнинг поғонама-поғона, моддадан тирик мавжудотга ривожланиши йўли "Бхагавад-гита"да ҳам айtilган. Моддий танамиз ва аклимиз тирик мавжудотдан, яъни руҳдан ривожланади, лекин, модданинг уч сифати таъсири остида биз ўзимизнинг асл табиатимизни эсдан чиқариб қўямиз. Джнана йўлида руҳнинг мавжудлиги ҳақида фақат назарий фикр юритилади. Лекин бҳакти-йога руҳий табиатга эга бўлган жон(руҳ)ни ҳақиқатан ҳам фаолиятга жалб этади. Моддани ҳис қилишдан устунроқ поғонада сезгиларнинг яна ҳам нафисроқ поғонаси бор. Сезгилар поғонасидан юқорироқ кўтарилиб, улардан нафисроқ ақл поғонасига, кейин - нафас олиш фаолиятига, кейин – тафаккур поғонасига келади. Йоганинг жисмоний усуллари ёрдамида тафаккур, яъни, сезгиларни жиловлаб, нафас олишни назорат қилиб, илоҳий поғонага кўтарилиш учун тафаккурдан фойдаланадиган мураккаб поғонасидан юқори кўтарилиб, тирик жонни англаб етиш мумкин. Ана шундай жазава ҳолати тананинг ҳар қандай моддий фаолиятини

тўхтатиб қўяди. Шоҳ кўрган муни ана шундай ҳолатда эди. Бу ҳолатнинг таърифи кейинги шеърда берилган.

27. Мураккабга берилиб ўтирган донишманд, кийик терисини ёпинган, узун қалин сочлари унинг бутун танаси бўйлаб ёйилиб турарди. Чанқоқдан оғзи куриб кетган шоҳ ундан бироз сув сўради.

Изоҳ: Чанқоқдан қийналиб кетган шоҳ донишманддан сув сўради. Буюк содиқ ва шоҳнинг мураккабга берилиб, илоҳий жазава ҳолатида ўтирган донишманддан сув сўраши, шубҳасиз, тақдир тақозоси эди. Аксинча, қандай қилиб бундай ғаройиб воқеа рўй бериши мумкин эди? Вақти келиб бутун олам аҳлига "Шримад-Бхагаватам"ни ошкор этиш учун Махараж Парикшитни атайлаб ана шундай қийин аҳволга солиб қўйган эди.

28. Ўзига: ўтиришга жой кўрсатиш, муносиб ўриндикқа ўтқазиб, сув таклиф этиш ва ширин сўзлар билан қарши олишдан иборат муносиб эҳтиром билан кутиб олинмаган шоҳ, мени писанд қилмаяптилар, деб ўйлаб, ғазаби қайнади.

Изоҳ: Ведавий қоидаларга кўра меҳмондўстлик қонуни шундан иборатки, агар уйингизга душман кириб келса ҳам, уни ҳурмат эҳтиром билан қарши олиш лозим. Унинг қалбида ўз душманининг уйида ўтирганига заррача ҳам шубҳа уйғонмаслиги керак. Парвардигор Кришна Аржун ва Бхима билан бирга Магадхага, Жарасандханинг олдида борганида, у ўзининг ҳурматли душманларини шоҳона илтифот билан кутиб олганди. Меҳмон бўлиб келган Бхима Жварасандха билан яккама-якка жанг қилиши керак эди, лекин шунга қарамасдан уларни эҳтиром билан кутиб олдилар. Улар кечкурун худди дўстлардай бирга ўтиришар, кун бўйи эса, ҳар бири ўртага жонини тикиб жанг қилишади. Меҳмондўстлик қонуни шундай. Ана шу қонун бўйича, меҳмон олдида бирор егулик қўйиш имкони бўлмаган гадоё киши, ҳеч бўлмаса унга ширин гаплар билан қарши олиб, уни сомон кўрпачага ўтқазиб ва бироз сув таклиф қилиши керак. Демак, меҳмон кутиб олиш учун, у хоҳ дўст, хоҳ душман бўлсин, ҳеч қандай харажат талаб қилинмайди. Бу шунчаки инсонпарварлик қоидаси.

Махараж Парикшит Шамики Ришининг кулбасига кирганида, унинг шоҳни дабдаба билан кутиб олишини кутмаган эди, чунки авлиё зотлар ва ришилар қашшоқ бўладилар. Лекин у бу ерда ўзига ҳатто сомон кўрпача ва бир стакан сув, бир икки оғиз ширин сўзни ҳам раво кўрмайдилар, деб кутмаган эди. У оддий меҳмон эмасди, у ришиларнинг душмани ҳам эмасди, шу боис, ришининг уни бунчалик совуқ кутиб олиши уни

каттиқ хайратга солганди. Аслини олганда, шохнинг ришидан ғазабланишга асоси бор эди, чунки у бир стакан сувга муҳтож эди. Ана шундай қийин аҳволда қолганда ғазабланмасликнинг иложи йўқ. Лекин, шохнинг ўзи буюк авлиё зот бўлгани учун унинг ғазабланиши ва қилган ишлари кишини хайратга солади. Шу боис, буларнинг ҳаммаси аввалдан режалаштирилган Парвардигорнинг режаси эканини биз тан олишимиз лозим. Шох Парвардигорнинг буюк содиғи эди, авлиё риши – амалда шох билан баробар зот. Лекин, Парвардигорнинг амри билан шохнинг салтанатни бошқариш ва оилавий боғланиш ришталарини узиб ташлашига ва шу йўл билан ўзини Парвардигор Кришнанинг нилуфар кадамлари пойига ёрдам берадиган шароит яратилган эди. Меҳрибон Парвардигор Ўзининг асл содиқларини моддий тирикчилик ботқоғидан чиқариб олиб, Ўзининг даргоҳига олиб келиш учун баъзан уларни ана шундай қийин аҳволга солиб кўяди. Сиртдан қараганда, бундай вазиятлар Худонинг содиқлари учун ҳалокатлидай туюлади. Худонинг содиқлари хамиша Унинг ҳимояси ва ғамхўрлиги остида бўлади, зафарли пайтларда ҳам, мусибатли пайтларда ҳам, Парвардигор уларнинг олий раҳбари бўлиб қолади. Шу боис, асл содиқлар бошига тушган кулфатларни Парвардигорнинг кўрсатган марҳамати деб қабул қиладилар.

29. Эй брахманлар! Тақдир тақозоси билан қорни оч ва қаттиқ чанқаган шохнинг брахман-донишмандга нисбатан бўлган нафрати чексиз эди, шу боис у донишманддан қаттиқ ғазабланди.

Изоҳ: Махараж Парикшитдай такводор шохнинг ғазабланиши, донишманд ва брахмандан нафратланиши – ҳали бунақаси бўлган эмас. Брахманлар, донишмандлар, болалар, аёллар ва кексаларни ҳеч қачон жазолаш мумкин эмаслигини шох яхши биларди. Худди шундай, шох ҳатто катта хатога йўл қўйса ҳам, ҳеч қачон уни гуноҳкор деб ҳисобламаслик керак. Лекин бу ерда Худонинг амри билан қорни очган ва чанқаган Махараж Парикшит қалбида донишмандга нисбатан нафрат уйғониб, ундан ғазабланиб турарди. Шох ўзини совуқ кутиб олгани ва ҳурматсизлик қилгани учун ўз фуқаросини жазолаши мумкин эди, лекин жинойтчи донишманд ва брахман бўлгани учун, бундай бўлиши мумкин эмасди. Парвардигор ва Унинг содиқлари ҳеч қачон ҳеч кимга душманлик қилмайдилар. Махараж Парикшитнинг ўзини бундай тутишини фақат бир нарса билан тушунтириш мумкин: бу воқеа Парвардигорнинг иродаси билан рўй бераётганди.

30. Ҳафсаласи пир бўлган шох, кулбадан чиқиб кетаётди, камони билан ерда ётган ўлик

илонни кўтариб олдида, ғазаб билан уни донишманднинг елкасига ташлади. Шундан сўнг у ўзининг саройига қайтиб келди.

Изоҳ: Шундай қилиб, шох гарчи аввал бирор марта бундай нодонлик қилмаган бўлса ҳам, донишманднинг қилган муносабатига яраша жавоб берди. Худонинг амри билан шох кетаётди, ерда ётган ўлик илонни кўриб қолди ва ўзини совуқ қарши олган донишманднинг бўйнига гулчамбар ўрнига ўлик илонни ташлаш билан совуқ жавоб бериш мумкин. Агар унинг ўрнида оддий одам бўлганида, бунинг ажабланарли жойи бўлмасди, лекин Махараж Парикшитдай такводор шохнинг брахман-донишмандга бундай муносабати, албатта, мислсиз эди. Буларнинг ҳаммаси Худонинг амри билан рўй берганди.

31. Қайтиб келгандан кейин у фикр юритиб, шу нарсани тушуниб олишга уриниб ўзи билан ўзи баҳслаша бошлади: ҳақиқатан ҳам донишманд сезгиларини бир жойга жамлаб, кўзларини юмиб муроқабга берилиб ўтирганмиди ёки ўздан паст табақага мансуб бўлган зот(кшатрий)ни қабул қилмаслик учун ўзини шундай кўрсатиб ўтирганмиди?

Изоҳ: Шох Худонинг содиғи бўлгани учун у ўзининг донишмандга нисбатан қилгани ишини маъқуллай олмасди, шу боис ўзига ўзи савол бера бошлади: донишманд ҳақиқатан ҳам транс ҳолатида ўтирганмиди ёки кшатрий бўлгани учун ундан паст табақага мансуб шохга муносиб ҳурмат эҳтиром қилиб қабул қилишни истамаганидан шундай ўтирганмиди? Олижаноб киши бирор ножўя иш қилиб қўйган заҳоти, қилган ишидан афсусланиб, дарров тавба-тазарру қила бошлайди. Шрила Вишванатха Чаक्रаварти Тхакур ва Шрила Жива Госвамиларнинг фикрига кўра, шохнинг бу иши унинг аввал қилган гуноҳларининг оқибати эмасди. Шохни ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтариб олиб кетиш учун буларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг Ўзи уюштирган эди.

Шрила Вишванатха Чаक्रавартининг фикрига кўра, бу режа Парвардигорнинг иродаси билан тузилган ва Парвардигорнинг амри билан шохнинг қаттиқ афсусланишига сабаб бўлган вазият юзага келди. Режа шундай эдики, шохнинг бу ножўя иши учун уни брахманнинг, Кали юга таъсири остига тушиб қолган бефаросат ўғли дуои-бад қилиши, бунинг оқибатида шох ўз оиласини биратўла тарк этиши лозим эди. Шохнинг Шрила Шукадева Госвами билан учрашиши Парвардигорнинг бадий тимсоли ҳисобланадиган буюк "Шримад-Бхагаватам"нинг пайдо бўлишига имкон яратди. Парвардигор бу бадий тимсоли Парвардигорнинг Ваджабхумидаги руҳий подачи қизлар билан ўтказган раса-лиласи сингари илохий эрмаклари ҳақида кўплаб ғаройиб маълумотлар беради. Парвардигорнинг бу алоҳида

эрмаги алоҳида муҳим аҳамиятга эга, чунки, Парвардигор ана шу алоҳида эрмагини англаб етган ҳар қандай киши, шубҳасиз, дунёвий ҳирсий эҳтирос иллатидан халос бўлади ва Худога садоқат билан хизмат қилишнинг улуғвор йўлида мустаҳкам туриб олади. Асл содиқнинг дунёвий ҳаётининг барбод бўлиши унинг баландроқ илоҳий поғонага кўтарилиши учун уюштирилади. Аржун ва Пандузодалар учун, амаки-оғайниларининг кирдикорлари сабабли уларнинг барча умидлари пучга чиқадиган вазиятни юзага келтириб, Парвардигор Курукшетрада жанг бўлиши учун замин яратди. Бу - Парвардигор Ўзини "Бхагавад-гита"нинг товушларида намоён этиши учун зарур эди. Шох Парикшит қийин ҳолатга тушиб қолганида эса, Худонинг амри билан Унинг "Шримад-Бхагаватам" тимсоли пайдо бўлди. Шохнинг очлик ва чанқокликдан изтироб чекиши шунчаки сароб эди, чунки шох ҳатто ҳали онасининг қорнида ётганида бундан ҳам каттиқроқ изтиробларни бошидан кечирган эди. Ашваттхама юборган оловли браҳмастранинг порлаб турган тафти уни заррача безовта қилмаганди. Шохнинг изтироблари тасаввур қилиб бўлмас даражада эди. Махараж Парикшит сингари содиқлар, Худонинг марҳамати билан бундай изтиробларга бардош бериш учун етарлича қудратга эга ва бундай изтироблар уларни мувозанатдан чиқара олмайдилар. Демак, бу вазиятни тўлалигича Парвардигорнинг Ўзи юзага келтирган.

32. Донишманднинг бир ўғли бор эди ва у браҳманнинг ўғли сифатида жуда қудратли эди. Бошқа болалар билан ўйнаб юрар экан, у шох отасини хафа қилиб кетганини билиб қолди. Болакай шу заҳотиёқ шундай деди.

Изоҳ: Махараж Парикшитнинг салтанатга яхши ҳукмронлик қилаётгани шарофати билан бошқа болалар билан ўйнаб юрган кичкина болакай ҳам тажрибали браҳман сингари қудратли бўла олиши мумкин эди. Бу боланинг исми Шринги эди. У отасининг раҳбарлиги остида браҳмачари сифатида яхши таълим олганди, шу боис ана шундай ёшида ҳам ҳақиқий браҳманлар сингари илоҳий қудратга эга эди. Кали тўрт турли турмуш тразининг маданий устунларини яксон қилиш учун имкон излаб юргани боис, ана шу бефаросат болакай унга ведалар маданияти соҳасига кириб олишга имкон яратиб берганди. Паст табақаларга нисбатан нафрат кўзи билан қараш браҳманнинг Калининг таъсири остига тушиб қолган ана шу ўғлидан бошланди ва шундан кейин маданий ҳаёт кун сайин таназулга юз тута бошлади. Махараж Парикшит браҳманлар адолатсизлигининг биринчи қурбони эди. Калининг хужумларига қарши шох яратиб қўйган ҳимоя чоралари шу тарзда заифлашиб қолди.

33. (Браҳманнинг ўғли, Шринги деди:) О, ҳукмдорларнинг гуноҳларини томоша қилинглар. Улар, худди қоровул итларга ва қарғалар сингари, хизматкорлар учун белгилаб қўйилган барча қоидаларга зид равишда, ўзларининг ҳукмдорларига қарши гуноҳ ишлар қиладилар.

Изоҳ: Браҳманлар жамият танасининг боши ва ақли ҳисобланадилар, кшатрийлар эса - унинг қўллари. Қўлларнинг вазифаси танани ҳар хил зарарлардан ҳимоя қилишдан иборат, лекин улар бош ва ақлнинг буйруғи билан ҳаракат қилиши лозим. Олий ирода билан яратилган тартиб шундай, "Бхагавад-гита"да ҳам тасдиқланадики, жамиятнинг тўрт табақаси, яъни браҳманлар, кшатрийлар, вайшйалар ва шудралар, одамларнинг сифатлари ва фаолиятига қараб белгианган. Табиийки, тажрибали отаси раҳбарлиги остида таълим олган браҳманнинг ўғли ҳам, худди тажрибали врачнинг ўғлининг яхши врач бўлиб етишиш имкони бўлгани сингари, браҳман бўлиб етишиш имкони бор. Шундай қилиб, жамиятнинг табақаларга бўлиниш тизими илмий асосга эга. Ўғил отасининг илми ва ҳунарига хос бўлган фазилатларидан фойдаланиши ва шу йўл билан отаси сингари врач ёки браҳман бўлиб етишиши лозим. Зарур бўлган сифатларга эга бўлмай туриб, ҳеч ким браҳман ёки врач бўла олмайди – барча муқаддас китоблар ва ижтимоий қоидаларнинг хулосаси шундай. Бу ерда, буюк браҳманнинг ўғли Шринги ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан ҳам, олган таълими шарофати билан ҳам браҳманларга хос илоҳий қудратга эга эди, лекин унда маданият етишмасди, чунки у ҳали бефаросат болакай эди. Кали таъсири остида браҳманнинг ўғли ўзининг браҳманларга хос қудрати билан мағрурланиб кетди, шу боис Махараж Парикшитни ҳақоратли равишда қарға ва қоровул итларга тенглади. Албатта, шох – шу маънода салтанатнинг қоровул итики, у давлат чегараларини зийраклик билан ҳимоя қилади, лекин уни фақат бефаросат болакайгина қоровул ит деб аташи мумкин. Браҳманлар одамларнинг маданиятига эмас, кўпроқ уларнинг ижтимоий келиб чиқишига катта аҳамият бера бошлаганларидан кейин уларнинг илоҳий қудрати камаю бошлади. Браҳманлар табақасининг инқирози Кали юга даврида бошланди. Браҳманлар жамиятнинг бошида тургани боис, бошқа табақалар ҳам таназулга юз тута бошлади. Ҳали кўрамизки, Шрингининг отаси браҳманларнинг инқирозга учраши бошланганини кўриб, каттиқ афсусланади.

34. Шох хонадонининг авлодларини ҳақли равишда қоровул итлар деб атайдилар, шу боис уларнинг жойи эшикнинг олдида. Нимага энди итлар уйга кириб олиши ва хўжайиннинг

идишидан овқат ейишни даъво қилишлари керак экан?

Изоҳ: Браҳманнинг бефаросат ўғли, албатта, шоҳ отасидан сув сўраганини, отаси эса, унга жавоб бермаганини биларди. У отасининг меҳмондўслик одобларига мос келмайдиган ишини фақат тарбия кўрмаган болакайларга хос бўлган кўпол сўзлар билан тушунтиришга ҳаракат қиларди. Шоҳни муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмагани уни умуман қизиқтирмасди. Аксинча, унинг бу ножўя ишга муносабати Кали-юга браҳманларига мос келади. У шоҳни браҳманнинг уйига киришга ва унинг идишидан сув ичишга ҳаққи бўлмаган қоровул итга тенглапти. Хўжайин албатта итга ғамхўрлик қилади, лекин бу дегани, ит ҳам хўжайини билан бир идишдан овқатланиб, сув ичишга даъво қилади дегани эмас. Мана шундай муносабат мукамал жамият тизимининг емирилишига сабаб бўлди, кўриб турибмизки, бунини браҳманнинг бефаросат боласи бошлаб берди. Гарчи хўжайин итга ғамхўрлик қилса ҳам, унинг уйга киришига ва ўчоқ бошига яқинлашишига йўл қўймайдилар. Шрингининг фикрига кўра, шоҳ ҳам Шамики Ришининг уйига киришга ҳаққи йўқ эди. Боланинг фикрига кўра, унинг отаси эмас, шоҳ ноҳақ эди. У отасининг сукутини шундай тушунтирди.

35. Худо Шахси ва олий ҳукмдор Парвардигор Шри Кришна кетгандан кейин бу ярамаслар, бизларнинг химоячимиз йўқлигидан фойдаланиб, жуда яшнаб кетдилар. Шу боис мен бу ишни ўзим қўлга оламан ва уларни жазолайман. Менинг қанчалик қудратли эканимга гувоҳ бўлинглар.

Изоҳ: Бироз браҳма-тедјасга эга бўлганидан гердаиб кетган бефаросат браҳманни Кали-юга йўлдан уриб қўйганди. Махараж Парикшит Калининг юқорида кўрсатилган тўрт жойда яшашига рухсат берди, лекин, унинг салтанатни жуда мохирлик билан бошқараётгани боис, Кали тимсоли амалда фаолият кўрсатиш учун ўзига жой тополмасди. Шу боис, Кали тимсоли ўз ҳукмини ўтказиш учун қулай пайт пойлаб юрарди ва Худонинг марҳамати билан у шундай имкониятни браҳманнинг бефаросат боласидан топди. Кичкина браҳман ўзининг яқсон қилувчи қудратини намоиш этишга қарор қилди ва Махараж Парикшитдай буюк шоҳни жазолашга журъат этди. Парвардигор Кришна бу дунёдан кетгани учун у Унинг ўрнини эгалламоқчи бўлганди. Кали таъсири остида Шри Кришнанинг ўрнини эгаллашни истайдиган ярамасларнинг аломатлари шундай. Озгина кучга эга бўлган ярамас Парвардигорнинг тимсоли бўлишни истайди. Парвардигор Кришна Ер сайёрасидан кетгандан кейин оддий одамларнинг руҳий жиҳатдан алданувчан эканлигидан фойдаланиб, ўзининг

сохта обрўсини сақлаш учун содда оломонни йўлдан адаштирадиган жуда кўп шундай сохта тимсоллар пайдо бўлдилар. Бошқача қилиб айтганда, браҳманнинг ўғли Шринги ёрдамида Кали ҳокимликни ўз қўлига олиш имкониятига эга бўлди.

36. Бирга ўйнаб юрган ўртоқларига шу гапларни айтиб, браҳманнинг ғазабдан кўзлари қизарган ўғли Каушика дарёсининг сувларидан қўлига олиб яшиндай қудратли сўзларни айтди.

Изоҳ: Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, Махараж Парикшит қарғишга дучор бўлган вазият болаларча нојиддий. Шринги ўз қудратини ўзи бирга ўйнаб юрган бебош болалар олдида намоиш этган. Бутун жамият учун даҳшатли оқибатларга олиб келадиган бундай ишдан уни ҳар қандай соғлом фикрли киши тўхтатиб қолган бўларди. Шунчаки ўзининг браҳманлик қудрати билан мақтаниш учун Махараж Парикшит сингари шоҳни ўлдириб, браҳманнинг бефаросат ўғли жуда катта хатога йўл қўйганди.

37. Браҳманнинг ўғли шоҳни дуои-бад қилди: Менинг отамни ҳақорат қилиб, одоб қондасини бузгани учун бугундан бошлаб етти кундан кейин учар илон бориб бу силсиланинг энг ёмони(Махараж Парикшит)ни чақиб ўлдиради.

Изоҳ: Браҳманлик қудратини суистеъмол қилиш ана шундан бошланган эди, аста-секин Кали-юга даврида браҳманлар ўзларининг браҳманлик қудратидан ва ўз маданиятидан маҳрум бўлдилар. Браҳманнинг ўғли Махараж Парикшит кулангара(силсиланинг энг ёмони) деб атади, лекин, аслида унинг ўзи шундай эди, чунки фақа у сабабли браҳманлар табақаси ўз қудратидан маҳрум бўлди ва худди захарли тишлари юлиб ташланган илонга ўхшаб қолди. Токи захарли тишлари бор экан, илон кўрқинчли бўлади, агар шу тишлари бўмаса, ундан фақат ёш болалар кўрқадилар. Кали тимсоли аввалига ёш браҳманни, шундан кейин бошқа табақаларни мағлуб қилди. Шундай қилиб, ижтимоий табақаларининг илмий тизими бу даврга келиб, бузилиб кетган табақалашган тизим кўринишига келиб қолди. Энди унинг ўрнини Кали таъсири остига тушиб қолган бошқа жамият тизими одамлари эгаллапти. Бу жамият тизимининг нимаси илмий асосга эга эканини тушунмасдан уни қораламасдан, бу тизимнинг таназзулга юз тугганининг бошланғич сабабини тушуниб олиш керак.

38. Кейин, кулбасига кириб, болакай отасининг елкасида осилиб турган илонни кўрди ва аламдан ҳўнграб йиғлаб юборди.

Изоҳ: Катта хато иш қилиб қўйгани учун болакай ўзини бахтсиз ҳис қиларди, шу боис йиғи билан юрагини бўшатиб олмочи бўлди. Кулбага кириб, отасини шундай аҳволда ўтирганини кўриб, бироз енгил тортиш учун у хўнграб йиғлаб юборди. Лекин энди кеч бўлганди. Кейинги шеърлардан маълум бўладики, унинг отаси бу воқеадан қаттиқ афсусланади.

39. Эй брахманлар, Ангира Муни авлодида дунёга келган риши ўғлининг йиғлаган овозини эшитиб, секин кўзларини очди ва бўйнида осилиб турган ўлик илонни кўрди.

40. У ўлик илонни олиб ташлади ва ўғлидан, нимага йиғлаяпсан, кимдир хафа қилидим, деб сўради. Унга жавобан ўғли бўлиб ўтган воқеани гапириб берди.

Изоҳ: Отаси бўйнида осилиб турган ўлик илонга жиддий эътибор бермади. У шунчаки уни олиб ташлади. Аслини олганда Махараж Парикшит ҳақиқатан ҳам бирор ёмон иш қилмаган эди, лекин нодон ўғил буни жуда жиддий қабул қилди ва Калинин таъсири сотида шохни дуои-бад қилди ва бу билан инсоният тарихининг бахтиёр саҳифасини ёпиб қўйди.

41. Отаси ўғлидан, гарчи шох инсонлар ичида аълоси бўлгани учун ҳеч қачон уни қораламаслик керак бўлса ҳам, у шохни дуои бад қилганини эшитди. Риши ўғлининг бу ишини қўллаб-қувватламади, аксинча: “Афсус! Ўғлим қанчалик оғир гуноҳ иш қилиб қўйибди-я! У арзимаган ҳақорат учун жуда қаттиқ жазо белгилабди” – деб, надомат чека бошлади.

Изоҳ: Шох одамлар ичида аълоси бўлади. У – Худонинг вакили, у нима иш қилса ҳам, уни қоралаб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, у ҳеч қачон ёмон иш қила олмайди. Шох брахманнинг жиноятчи ўғлини осиб ўлдиришни буюриши мумкин, лекин бу - у брахманни ўлдиришда айбланади, дегани эмас. Ҳатто шох бирор ишда ноҳақ бўлса ҳам, ҳеч қачон уни қоралаб бўлмайди. Врач ўз мижозини ногўғри даволаб ўлдириб қўйиши мумкин, лекин бунинг учун унга ҳеч қачон ўлим жазосини бермайдилар. Шундай экан, Махараж Парикшитдай яхши ва тақводор шох ҳақида нима дейиш мумкин? Ведалар маданиятида шох гарчи шох вазифасини бажараётган бўлса ҳам, у раджа-риши(буюк авлиё) бўлиб етишиши учун шаҳзодаларни махсус тарбиялайдилар. Фақат шохнинг салтанатни моҳирона бошқара олиши шарофати билан фуқаролар кўрқув нималигини билмасдан тинч ва осойишта турмуш кечирадилар. Раджаришиллар ўз салтанатини шунчалик бенуқсон ва тақводорлик билан бошқарганларки, фуқаролар уларни Парвардигор билан баробар эъзозлаганлар.

Шох нарендра, яъни “одамлар ичида аълоси” деб аталади. Ундай бўлса, қандай қилиб Махараж Парикшитдай буюк шох брахманнинг гарчи етук брахмандай илоҳий қудратга эга бўлса ҳам, ҳали мағрур ва бебош ёш бола бўлган ўғлининг қарғишига учраб юрибди?

Шамики Риши тажрибали, яхши брахман бўлгани учун, ўғлининг номуносиб ўғлининг қилган ишини маъқулламади. У ўғлининг қилиб қўйган ишидан қаттиқ афсуслана бошлади. Одатда, Махараж Парикшитдай буюк шох нари турсин, ҳар қандай шохни ҳам дуои бад қилиш мумкин эмас. Шохнинг қилган ҳақорати жуда арзимаган эди, уни ўлим жазосига маҳкум этиб, Шринги, шубҳасиз, жуда оғир гуноҳ иш қилганди. Шунинг учун Шамики Риши бундан қаттиқ афсусланади.

42. Эй ўғлим, Ҳали сенинг тафаккуринг етилган эмас, шу боис одамлар ичида аълоси бўлган шох - амалда Парвардигорга тенг туради. Ҳеч қачон унга оддий одамдай муносабат билдирмаслик керак. Унинг енгилмас жасорати ҳимоя қилиб турсагина мамлакатдаги фуқаролар фаровон яшайдилар.

43. Эй азиз ўғлим! Жамиятнинг монархия(шоҳлик) тизими арава ғилдирагини кўтариб олган Парвардигор тимсолидир. Бу тизим бекор қилинганда бутун жаҳонни ўғрилар босиб кетади. Улар дарров худди подадан айрилиб қолган бузоқлардай ҳимоясиз қолган фуқароларга ташланадилар.

Изоҳ: "Шримад-Бхагаватам"таълимотига кўра, монархия тизими Худо Шахси Парвардигорнинг тимсолидир. Шох – ягона Парвардигор, Худонинг Мутлақ Шахсининг тимсолидир, чунки у, махсус тарбия олиб тайёргарликдан ўтгандан кейин тирик мавжудотларни ҳимоя қилиш учун Худонинг сифатларига эга бўлади. Тахтга Парвардигорнинг ҳақиқий вакили бўлган Махараж Юдхитхирани ўтказиш мақсадида Курукшетрадаги жангни Парвардигорнинг Ўзи уюштирган эди. Тарбия олиш ва Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида махсус тайёргарликдан ўтган, жанговор руҳга эга бўлган комил шох бенуқсон шох бўлади. Ана шундай комил инсон бошлиқ бўлган монархия тизими ҳозирги, на таълим-тарбияни, на маъсулиятни билмайдиган демократиядан анча устун туради. Ҳозирги демократияда берилган овозлар сонини бузиб кўрсатиб, ўғри ва фирибгарлар сайланиб оладилар ва шу йўл билан муваффақиятга эришган фирибгар ва ўғрилар халқ оммасини эзадилар. Муносиб равишда таълим тарбия олган битта монарх юзлаб ҳукумат фирибгарларидан яхшироқ. Мазкур шеърда, Махараж Парикшитнинг бошқарув тизимида ўхшаган монархия тизими бекор қилингандан кейин халқ оммаси Кали юга хужуми олдида ҳимоясиз бўлиб қолганига ишора қилинади.

Қанчалик олқишланмасин, демократия тизимида одамлар ҳамиша бахтиқаро бўлиб қолаверадилар. Ана шундай, шоҳсиз бошқарув тизими кейинги шеърларда таърифланади.

44. Монархиянинг бекор қилиниши ва фуқароларнинг бойликларини фирибгарлар талон-тарож қилиши жамиятда буюк тартибсизликларни юзага келтиради. Одамларни ўлдирадилар, ярадор қиладилар, хайвонлар ва аёлларни ўғирлайдилар. Ана шу гуноҳлар учун жавобгарлик бизларнинг зиммамизга тушади.

Изоҳ: Мазкур шеърда нах(биз) ибораси эътиборни ўзига жалб этади. Монархия тизимини яқсон қилиш ва бу билан, одатда мамлакатдаги фуқароларнинг бойликларини талон-тарож қиладиган ўғрилар бўлган демократларга қулай шароит яратиб берилгани учун жавобгарликни донишманд ҳақли равишда брахманлар табақасига юклайди. Ана шундай демократлар, фуқароларнинг фаровонлиги учун маъсулиятни ўз зиммасига олмасдан ҳукуматнинг бошқарув тизимини қўлларига оладилар. Ҳар ким фақат ўз манфаатини ўйлаб лавозим эгаллайди, шундай қилиб, битта шоҳнинг ўрнига, солиқ тўловчиларни хонавайрон қиладиган кўплаб маъсулиятсиз “шоҳча”лар пайдо бўлади. Мазкур шеърда башорат қилинганки, агар ҳукумат тепасида яхши шоҳ турган монархия тизими бўлмаса, ҳар бир ҳукумат аъзоси бошқаларнинг бойлигини, молларини, аёлларини тортиб олиш билан шуғулланиб, фуқаролар учун ташвишлар манбаига айланади.

45. Бу даврда одамларнинг кўпчилиги мунтазам равишда Ведаларнинг кўрсатмаларини, ижтимоий турмуш-тарзи ва ўз табақасининг бурч, вазифаларини инкор этиб, илғор маданият йўлидан четга чиқиб кетадилар. Уларни сезгиларининг талабини қондиришга қаратилган иқтисодий ривожланиш кўпроқ қизиқтиради, бунинг натижасида жаҳонни онги ит ва маймунлар даражасида бўлган ёқимсиз одамлар босиб кетади.

Изоҳ: Бу ерда башорат қилинганки, монархия тизими бўлмаса, одамлар асосан ит ва маймунларга ўхшаб яшай бошлайдилар. Маймунларда шахвоний хирс кучли бўлади, итлар эса, уялмасдан дуч келган жойда жинсий алоқа қилиб кетаверадилар. Шунга ўхшаб, никоҳсиз, зинодан дунёга келган одамлар ведалар маданиятидан – одамлар фазилатларига мос равишда бўлинадиган табақа ва турмуш-тарзига хос бўлган яхши хулқ-атворли одамлар бўлиб яшаш йўлидан четга чиқиб кетадилар.

Ведаларга хос турмуш тарзи – арийлар маданиятининг ривожланган маданияти. Арийлар ведавий маданият йўлидан борадилар. Ведалар маданиятининг мақсади – Худонинг даргоҳига, туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексалик бўлган мангу уйимизга қайтиб бориш. Ведалар ҳар бир инсонга моддий оламнинг бу қоронғу зулматида ушланиб қолмаслики, моддий осмондан узоқда жойлашган руҳий салтанатнинг ёруғ оламига қараб интилишни маслаҳат беради. Одамларнинг сифатларига қараб табақа ва ижтимоий турмуш-тарзи белгиланадиган жамият тизимини Парвардигор ва Унинг вакиллари, буюк ришилар илмий равишда яратганлар. Мукамал турмуш тарзи билан яшаб, инсон насихатларнинг ҳамма – ҳам моддий, ҳам руҳий турларини олиши мумкин. ведавий турмуш тарзи бирор инсоннинг маймун ва итларга ўхшаб яшашига йўл қўймайди. Сезгиларини лаззатлантириш ва иқтисодий ривожланишга асосланган, тубанликка юз тутган маданият худосиз(монархиясиз), “халқдан чиққан ва халқ учун” шиори остидаги ҳукумат келтириб чиқарган кўшимча маҳсулотдир. Шунинг учун одамларнинг ўзлари сайлаган ачинарли ҳукуматга ҳасад қилишларига ҳожат йўқ.

46. Император Парикшит – тақводор шоҳ. У жуда машҳур ва Парвардигорнинг комил содиғи ҳисобланади. У – шоҳлар сулоласидаги авлиё зот, кўплаб от қурбонлик қилиш маросимларини ўтказган. Агар шундай шоҳ чарчаган, очқаган ва чанқаган бўлса, ҳечам бунинг учун у дуои-бад олиши керак эмас.

Изоҳ: Шоҳнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида умумий қоидаларни, яъни, шоҳ нотўғри иш қилмаслигини ва уни ҳеч қачон қоралаш мумкин эмслигини тушунтириб, донишманд Шамика бевосита император Парикшит ҳақида гапирмоқчи эди. Мазкур шеърда Махараж Парикшитнинг алоҳида фазилатлари таърифланади. Бу шоҳ, агар унинг шоҳ сифатида эга бўлган фазилатларини эътиборга олганда ҳам, у шоҳлар силсиласи учун муқаддас китобларда белгилаб қўйилган диний қонунларга қатъий амал қиладиган ҳукмдор эди. жамиятдаги барча табақалар ҳамда турмуш-тарзларининг вазифалари шастраларда белгилаб қўйилган. Император қшатрийлар учун "Бхагавад-гита"(18.43)да кўрсатилган барча сифатларга эга зот эди. Шунингдек, у Парвардигорнинг буюк содиғи ва руҳий ўзлигини англаб етган инсон эди. чарчаган, очлик ва чанқоқликдан қийналган шундай буюк шоҳни ҳечам дуои-бад қилиб қарғамаслик керак эди. Шундай қилиб, Махараж Парикшит ҳар томонлама ноҳақ дуои ад қилинганини Шамика Риши тан олган эди. Барчи умуман олганда брахманар табақасининг бу воқеага бевосита алоқаси бўлмаса ҳам, шунга қарамасдан брахманнинг болаларча қилган бу гуноҳи сабабли бутун жаҳондаги вазият ўзгариб

кетди. Шундай қилиб, брахман Шамика Риши бутун жаҳонда тартибсизликнинг бошланиб кетгани учун маъсулиятни ўз зиммасига олди.

47. Кейин Риши ҳамма жойга сингиб кетган Худо Шахсига илтижо қилиб, ўзидан паст табақага мансуб бўлгани боис ҳимоя қилиш лозим бўлган бегуноҳ кишини дуои бад қилиб, оғир гуноҳ содир қилиб қўйган ўзининг бефаросат, ақлсиз ўғлининг гуноҳини кечирини тилади.

Изоҳ: Ҳар ким, хоҳ савоб иш бўлсин, хоҳ гуноҳ – барча қилган ишлари учун ўзи жавоб беради. Шамика Риши, тақводор ҳукмдор бўлгани учун брахманларнинг ҳимоясига муносиб, ҳамда Парвардигорнинг комил содиғи сифатида мутлақо бегуноҳ бўлган Махараж Парикшитни дуои-бад қилиб, ўғли жуда оғир гуноҳ иш қилиб қўйганини тушунарди. Агар кимдир Худонинг содиқ хизматкорини ҳақорат қилиб қўйса, унинг оқибатидан қутулиш жуда қийин бўлади. Жамиятнинг бошида турган брахманлар ижтимоий келиб чиқишига кўра ўзидан паст табақага мансуб бўлган зотларни дуои бад қилиши эмас, аксинча, ҳимоя қилишлари лозим. Камдан кам ҳолларда брахман ғазоби қайнаб, қўл остидаги кшатрий, вайшья ёки бошқа бировни дуои бад қилиши мумкин, лекин Махараж Парикшитга нисбатан, аввал тушунтирганимиздек, бундай муносабат билдириш учун ҳеч қандай асос йўқ эди. Бефаросат болакай буни очикдан очик, шунчаки брахманнинг ўғли эканидан гердайдани учун қилган эди, шу боис, Худонинг конунлари бўйича у жазо олиши лозим эди. Парвардигор ўзининг асл содиғини қоралаган кишини ҳеч қачон кечирмайди. Шундай қилиб, , шохни дуои бад қилиб, нодон Шринги шунчаки гуноҳ иш қилиб қўймасдан, оғир ҳақорат ҳам содир қилганди. Шунинг учун Риши унинг ўғлини бундай охир гуноҳ оқибатидан фақат Худонинг Олий Шахси кутқара олишини билиб, бевосита Парвардигорнинг ўзидан, ўзгартириш мумкин бўлган нарсани ўзгартиришга қодир бўлган ягона Зотдан илтижо қилиб кечирим сўрай бошлади. Ҳали ақли мутлақо ривожланмаган нодон ўғлининг номидан илтижо қиларди.

Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин: агар Махараж Парикшит моддий тутқунликдан халос бўлиш учун Парвардигорнинг хоҳиши билан шундай вазиятга солиб қўйилган бўлса, нимага энди уни ҳақорат қилиб қўйгани учун маъсулият брахманнинг ўғли зиммасига юкланиши керак? Бунга жавоб шундай: бу ҳақорат оқибати осон кечирилиши мумкин бўлиши учунгина шохни ёш бола ҳақорат қилиши уюштирилган эди. Шу боис унинг отасининг илтижолари инбатга олинди. Лекин, Калинин дунёвий ишлар оарсига суқилиб кира олгани учун нимага бутун брахманлар табақаси жавобгар, деган саволга жавоб “Вараха-

пурана”да берилди: Худо Шахсига душманлик кўзи билан қарайдиган ва шунга мос равишда ҳаракат қилиб юрган, лекин Парвардигор ўлдирмаган иблисларга Кали даври берадиган имкониятлардан фойдалана олишлари учун брахманлар оиласида дунёга келишга рухсат этилганди. Ҳаммага бир хилда меҳрибон бўлган Парвардигор улар ҳам покланиш йўлига кира олишлари учун уларга тақводор брахманлар хонадонидан туғилишга имкон берди. Лекин, ана шундай қулай имкониятдан фойдаланиб қолиш ўрнига, иблислар брахманлар маданиятини суистеъмол қила бошладилар, чунки димоғдорлигидан улар брахман бўлдиқ деб гердайд кетдилар. Бунга ёрқин мисол – Шамика Ришининг ўғли. Бу ерда нодон Шрингига ўхшамасинлар, аввалги ҳаётдан қолган иблисларга хос сифатлар намоён бўлишидан огоҳ бўлсинлар, деб, брахманларнинг барча бефаросат авлодлари огоҳлантириляпти. Бу нодон боланинг гуноҳини Парвардигор албатта кечирган эди, лекин Шамика Ришига ўхшаган тақводор отаси бўлмаган бошқалар, агар брахман оиласида туғилганидан мағрурланиб кетсалар, жуда қийин аҳволга тушиб қоладилар.

48. Худонинг содиқлари шунчалик сабрли бўладиларки, ҳатто уларни ҳақорат қилсалар, алдасалар, қарғасалар, безовта қилсалар, нафратлансалар ёки ҳатто ўлдирсалар ҳам, ҳеч қачон бунинг учун қасос олишга интилмайдилар.

Изоҳ: Содиқ хизматкорининг пойи қадамларини ҳақорат қилган кишини Парвардигор кечирмаслигини Шамика Риши ҳам биларди. Парвардигор гуноҳкорга фақат ана шу содиқнинг ўзидан кечирим сўрашни маслаҳат бериши мумкин. У ўзича ўйлардики, агар ўғлининг қарғишига қарши Махараж Парикшит ҳам уни дуои бад қилса, у Парвардигорнинг жазосидан қутулиб қолган бўларди. Лекин у шуни ҳам билардики, Парвардигорнинг асл содиғи дунёвий омад ва омадсизликларга бефарқ қарайди. Шу боис, агар Худонинг содиғини қарғасалар, ҳақорат қилсалар, нафратлансалар ва хоказо, у бунга қаршилиқ кўрсатмайди. Агар бундай ишлар уларнинг ўзига тегишли бўлса, содиқлар бунга эътибор бермайдилар. Лекин, агар бундай ишлар Парвардигорга ёки Худонинг содиқларига қаратилган бўлса, улар бунга қарши жуда қаттиқ чора кўрадилар. Бу қарғиш шохнинг ўзига қаратилган эди, шу боис Шамика Риши билардики, у бунга қарши бирор чора кўрмайди. Шунинг учун фақат бир нарсдан – ўзининг бефаросат боласи учун Парвардигорга илтижо қилиб кечирим сўрашдан бошқа чора қолмаганди.

Ўзларидан паст турадиган зотларни дуо қилиш ёки дуои бад қилиш учун фақат брахманлар илоҳий қудратга эга эмас. Худонинг содиқ

хизматкори, ҳатто у браҳман бўлмаса ҳам, улардан ҳам кудратлироқ. Лекин, кудратли содиқ ҳеч қачон ўз кудратидан шахсий манфаати учун фойдаланмайди. Худонинг содиқ хизматкори қанчалик кудратли бўлмасин, у ҳамиша уларни Парвардигорга ва Унинг содиқларига хизмат қилиш йўлда ишлатади.

49. Донишманд ўғлининг содир қилган гуноҳи учун қаттиқ афсусланади. У ўзига нисбатан шохнинг қилган гуноҳини жиддий қабул қилмади.

Изоҳ: Энди вазият ойдинлашди. Махараж Парикшитнинг донишманднинг бўйнига ўлик илонни гулчамбардай қилиб ташлаб қўйгани жиддий ҳақорат эмасди, лекин Шринги, шохни дуои бад қилиб, уни қаттиқ ҳақорат қилди. Бу жиддий ҳақоратни шунчаки кичкина болақай содир қилди, шу боис, гарчи бундай гуноҳ оқибатидан қутулишининг иложи бўлмаса ҳам, Парвардигор унинг гуноҳини кечирди. Махараж Парикшит ҳам аҳмоқ браҳманнинг қарғишига қарши эътироз билдирмади. Аксинча, бу вазиятдан тўғри фойдаланди ва Парвардигорнинг олий амри ва Шрила Шукадева Госвамининг марҳамати шарофати билан ҳаётда руҳий баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Аслида Парвардигор ҳам шуни истаган эди, Махараж Парикшит, Шамика Риши ва унинг ўғли Шринги – ҳаммаси Парвардигорнинг иродасини амалга ошириш учун ишлатилган қуроллар эди. Шундай қилиб, улардан бирортаси қийин аҳволга тушиб қолмади, чунки бу воқеаларнинг ҳаммаси Олий Шахс билан боғлиқ эди.

50. Одатда илоҳиётчилар, ҳатто бошқалар уларни моддий олам зиддиятларига жалб қилсалар ҳам, бундан изтироб чекмайдилар. Улар бундан(дунёвий илшардан) лаззатланмайдилар ҳам, чунки илоҳиётга ғарқ бўлганлар.

Изоҳ: Илоҳиёт кишилари – дунёвий файласуфлар, сеҳргарлар ва Худонинг содиқлари. Дунёвий(эмпирик) файласуфлар Мутлак Зотнинг борлиғи билан қўшилиб кетишдан иборат бўлган баркамолликка интиладилар, сеҳргарлар ҳамма жойга сингиб кетган Олий Руҳни англаб етишга интиладилар, Худонинг содиқлари эса, Худо Шахсига илоҳий муҳаббат билан хизмат қиладилар. Браҳман, Парматма ва Бхагаван – ўша ягона Илоҳийликнинг ҳар хил жиҳатлари бўлса ҳам, бу илоҳиётчиларнинг ҳаммаси моддий табиатнинг уч гунасининг таъсир доирасидан ташқарида бўлади. Моддий мусибат ва лаззатлар уч гуна келтириб чиқарадиган анрсалар, шу боис илоҳиёт кишиларининг уларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шох Худонинг содиқ хизматкори эди, риши эса – сеҳргар. Шу боис улар иккиси ҳам олий

ироданинг амри билан юзага келган бу тасодифий воқеага боғланиб қолмагандилар. Бефаросат болақай эса, шунчаки Парвардигор қўлидаги қурол эди.

Бхактиведантанинг "Шримад-Бхагаватам"нинг Биринчи қўшиқ, "Браҳманнинг ўғли Махараж Парикшитни дуои бад қилади" деб аталадиган ўн саккизинчи бобиға ёзган изоҳи шундай яқунланади.

Ўн тўққизинчи боб.

Шукадева Госвамининг пайдо бўлиши

1. Шри Сута Госвами деди: Уйига қайтиб келаётиб, шох(Махараж Парикшит), бугуноҳ ва кудратли браҳманга нисбатан қилган иши жирқанч ва жуда қўпол эканини ҳис қилди. Шунинг учун у қаттиқ изтироб чекарди.

Изоҳ: Такводор шох тасодифан бу кудратли ва бегуноҳ браҳманга нисбатан ноҳўя иш қилиб қўйганидан қаттиқ афсусланади. Бундай афсус чекиш, тавба-тазарру қилиш шох сингари олийжаноб инсон учун табиий ҳол, бу содиқни тасодифан содир қилиб қўйган барча гуноҳлари оқибатидан халос этади. Албатта, Худонинг содиқлари бенуксон. Худонинг содиқ хизматкори тасодифан содир қилиб қўйса, қаттиқ пушаймон бўлади, шу боис Худонинг марҳамати билан, унинг ўзи билмаган ҳолда содир қилиб қўйган гуноҳларининг барча оқибатлари унинг тавба-тазарруларининг олвида ёниб қулга айланади.

2. (Шох Парикшит шундай ўйларди:) Мен Парвардигорнинг кўрсатмаларига амал қилмадим, шунинг учун, шубҳасиз, тез кунлар ичида бошимга оғир мусибат тушишини кутишим керак. Энди мен фақат бир нарсани истайман: ана шу мусибат дарров келсин, чунки шунда мен гуноҳларим оқибатидан халос бўламан ва бундай ҳақоратни қайта такрорламайман.

Изоҳ: Парвардигор браҳманлар ва сигирларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш керак, деб кўрсатма берган. Парвардигорнинг Ўзи уларга алоҳида марҳамат кўрсатади(*го-браҳмана-хитайа ча*). Махараж Парикшит буни яхши биларди ва шунинг учун кудратли браҳманни ҳақорат қилиб қўйгани учун Худонинг қонунига қўра албатта бирор жазо олади деган қарорга келган ва шу боис яқин келажакда катта ноҳушликларга дучор бўлишини кутарди. Шу боис у ана шу муқаррар мусибат унинг оила аъзоларининг эмас, фақат ўзининг бошига тушишини истарди. Одамнинг аҳмоқона ишлари унинг бутун оиласига таъсир қилади, шу боис Махараж Парикшит мусибат

фақат ўзининг бошига тушишини истарди. Ўзининг бошига тушган мусибатлар уни бошқа гуноҳ қилишдан ушлаб турар, аини пайтда қилган гуноҳидан покланган ва авлодларига бундан мусибат етмаган бўларди. Маъсулиятли содиқ ана шундай фикр юритади. Содиқнинг оила азолари унинг Худога садоқат билан хизмат қилгани натижаларига шерик бўлади. Махараж Прахлада Худога садоқат билан хизмат қилгани шарофати билан ўзининг иблис отасини дўзах азобидан сақлаб қолди. Оилада Худонинг содиғи бўлган фарзанднинг туғилиши – буюк бахт, Худонинг буюк марҳамати.

3. Браҳманлар маданиятига, Худонинг онги билан яшашга эътиборсиз бўлганим ҳамда сигирларни химоя қилмаганим сабабли мен ғофил ва гуноҳкорман. Шунинг учун менинг салтанатимни, куч-қудратимни ва бойлигимни браҳманнинг ғазаб олови ҳозирок ёндириб кулга айлантисин, токи келажакда мен бундай истакларга берилмайдиган бўлай.

Изоҳ: Илғор инсонлар маданияти браҳманлар маданиятига, Худони англашга ва сигирларни химоя қилишга таянади. Давлат иқтисодини касб-хунарлар, савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги ва саноат йўллари билан ривожлантиришни юқорида кўрсатилган қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда амалга ошириш керак, акс ҳолда иқтисодий ривожланиш жамиятнинг таназулга юз тутишига олиб келади. Сигирларни химоя қилиш – Худони англаб етишга олиб келадиган браҳманлар маданиятини қўллаб-қувватлаш демакдир. Инсонлар жамияти айнан мана шу йўл билан баркамолликка эришади. Кали даври ҳаётнинг ана шу олий қонунларини яқсон қилишга интилади. Махараж Парикшит Кали тимсолининг жаҳонга ҳукмронлик қилиб олишига қанчалик қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлса ҳам, қулай пайт келганда бу даврнинг салбий таъсири барибир тарқалиб кетди. Ана шу таъсир остида ҳатто Махараж Парикшит сингари қудратли шоҳ ҳам, очлик ва чанқоқлик баҳонаси билан браҳманлар маданиятига хилоф иш қилди. Махараж Парикшит рўй берган воқеадан қаттиқ пушаймонда эди ва браҳманлар маданиятига хизмат қилмагани учун унинг бутун салтанати, қудрати ва тўплаган бойлиги ёниб кулга айланишини истарди.

Бойлиги ва кучи браҳманлар маданиятини, Худони англаб яшашни ривожлантиришга хизмат қилмайдиган, сигирларнинг хавфсизлигини таъминламайдиган давлат ёки уйнинг келажаги йўқ. Агар биз тинчлик ва фаровонликда яшашни истасак, мана шу шеърдаги гаплардан хулоса чиқариб олишимиз лозим: ҳар бир давлатда ва ҳар бир хонадонда: инсон ҳаётини поклаш учун – браҳманлар маданиятини, руҳий ўзлигимизни англаб етишимиз учун – Худони англаш илмини

ривожлантиришимиз ва мукамал маданиятни қўллаб туриш учун энг яхши озуқа бўлган сут етарли миқдорда бор бўлиши учун – сигирларни химоя қилишимиз лозим.

4. У шундай пушаймон бўлиб турар экан, унга донишманднинг ўғлининг қарғиши сабабли у учар илоннинг чақиши сабабли ҳалок бўлиши кераклиги хабар етиб келди. Шоҳ буни яхшилик аломати деб қабул қилди, чунки бу унинг барча дунёвий нарсаларга бефарқ бўлишига ёрдам берарди.

Изоҳ: Ҳақиқий бахтга фақат руҳий ҳаётда, бошқача қилиб айтганда, туғилиш ва ўлишлар чархпалаги тўхтаганида эришиш мумкин. Туғилиш ва ўлишлар чархпалагини фақат Худонинг даргоҳига эришиш билангина тўхтатиш мумкин. Моддий оламда, ҳатто олий сайёра(Брахмалока)га эришиб ҳам такрор ва такрор туғилиш мукаррарлигидан қутулиб бўлмайди, лекин биз баркамолликка олиб борадиган йўлни тан олмаймиз. Баркамоллик йўли барча моддий боғланишлардан ҳалос этади ва инсонни руҳий салтанатга киришга муносиб қилади. Шу боис қашшоқликда яшайдиган кишилар – бунинг учун, моддий фаровонликда яшаётган одамлардан кўра энг яхши номзодлардир. Махараж Парикшит Парвардигорнинг буюк содиғи ва Парвардигорнинг салтанатига киришга муносиб номзод эди, лекин у аини пайтда император эди, шу боис унинг моддий бойлиги баркамолликка – руҳий оламда Парвардигорнинг яқин ҳамроҳларидан биттаси бўлишга эришиш йўлида ғов бўлиб турганди. Худонинг содиқ хизматкори сифатида у, гарчи нодонлик билан қилинган бўлса ҳам, браҳманнинг бу қарғиши унинг учун барча дунёвий: ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий ишлардан воз кечишга баҳона бўладиган зўр имконият эди. Шамики Риши бўлиб ўтган воқеадан пушаймон бўлиб, шоҳ Худонинг олдида қайтишга тайёргарлик кўра олиши учун унга бу хабарни тезроқ етказишни ўзининг бурчи деб билганди. Шамики Муни шоҳга хабар юбориб, ўзининг ўғли, гарчи қудратли браҳман бўлса ҳам, нодон Шринги, бахтга қарши, асоссиз равишда шоҳни дуои-бад қилиб, ўзининг руҳий қудратини суистеъмол қилган. Шоҳнинг Мунининг бўйнига ўлик илонни гулчамбар қилиб осиб кетиши, ҳали уни ўлим жазосига маҳкум қилиш учун асос бўла олмасди, лекин, бу қарғишни қайтариб бўлмагани учун, шоҳга бир ҳафтадан кейин келадиган ажалини кутиб олишга тайёрланиши лозимлигини айтиб хабар бердилар. Шамика Муни ҳам, шоҳ ҳам руҳий ўзлигини англаб етган зотлар эдилар. Шамика Муни сеҳргар эди, Махараж Парикшит эса, - Худонинг содиқ хизматкори. Шундай қилиб, улар иккаласи ҳам ўзликни англашнинг бир поғонасида турардилар, улардан ҳеч бири ўз

ажали билан учрашишдан кўркмасдилар. Махараж Парикшит Мунининг олдида бориб кечирим сўрамоқчи бўлиб турганди, лекин Муни шунчалик пушаймонлик билан унга муқаррар келадиган ажали ҳақида хабар юборганди. Шу боис шоҳ унинг олдида бориб, уни баттар изза қилишни истамади. Шоҳ муқаррар ажалини кутиб олишга тайёрланишга ва Худонинг даргоҳига қайтиш йўлини топишга қарор қилди.

Инсон ҳаёти унга Худонинг даргоҳига қайтишга тайёрланиш, яъни, моддий тирикчилик(туғилиш ва ўлишлар чархпалаги)дан халос бўлиш учун имкон яратиб беради. Шу боис *варнашрама-дхарма* тизимида ҳар бир эркак ва аёл бунинг учун зарур бўлган тайёргарликдан ўтганлар. *Варнашрама-дхарма*нинг яна бир номи бор – *санатана-дхарма*, яъни, азалий фаолият. *Варнашрама-дхарма* тизими инсонни Худонинг даргоҳига қайтиб боришга тайёрлайди, шунинг учун оилали кишига мукамал илм эгаллаш учун ўрмонга кетиб, *ванапратха* бўлиб яшаш, кейин эса, ажали етиши олдида *саннийаси* қабул қилиш тавсия қилинган. Махараж Парикшит ажали етиб келмасдан етти кун олдин хабар топиш бахтига муяссар бўлди. Гарчи ажал ҳар кимнинг бошида бор бўлса ҳам, оддий инсон бундай огоҳлантирувчи хабар олмайди. Нодон одамлар мана шу муқаррар нарсани эсдан чиқариб кўядилар ва ўзларининг энг асосий бурчини, Худонинг даргоҳига боришга тайёргарлик кўришни эсдан чиқарадилар. Улар ўз нафсининг ҳайвонларга ҳам хос бўлган еб-ичиш, маст бўлиб, кайфу-сафо қилиш ва лаззатланишга бўлган талабларини кондириб, нодир умрини хазон қиладилар. Кали югадаги одамлар ўзларининг брахманлар маданиятини, Худони англашни, сигирларга ғамхўрлик қилишни инкор этишдан иборат гуноҳкорона истаклари сабабли ана шундай маъсулиятсиз ҳаёт кечирадилар. Бунга эса давлат жавобгар. Давлат ана шу уч нарсани ривожлантириш учун барча воситалардан фойдаланиши ва фуқароларини ўз ажалини муносиб кутиб олишга ўргатиши лозим. Мана шу ҳақда ғамхўрлик қиладиган давлат – ҳамма бахтиёр яшайдиган ҳақиқий давлатдир. Ҳиндистон ҳукумати Парвардигорнинг салтанати – инсон ҳаётининг олий мақсади ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган дунёвий давлатларга тақлид қилмасдан, ҳукуматнинг намунали раҳбари бўлган Махараж Парикшитдан ўрнатилган одамлар яхши бўларди. Ҳинд маданиятининг намунали қадриятлари таназзулга юз тутиши фақат Ҳиндистонда эмас, бутун жаҳонда инсонлар жамиятнинг инқорозига олиб келди.

5. Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш – бошқа барча усуллардан устун турадиган энг юксак ютуқ бўлгани учун, Махараж Парикшит ўзликни англашнинг бошқа усуллари билан воз кечиб, ақлини Кришна

онгида жамлаш ниятида Ганга соҳилига бориб, қулай ҳолатда ўрнашиб ўтириб олди.

Изоҳ: Махараж Парикшитдай содиқни, моддий сайёралардан бирортаси, ҳатто уларнинг энг аълоси, Браҳмалока ҳам, ягона Парвардигор ва азалий Худо Шаҳси Парвардигор Кришнанинг макони бўлган Голока Вриндаван сингари ўзига жалб эта олмайди. Ер - Махат-таттва таркибида сон-саноксиз кўп бўлган коинотлардан биттаси сон-саноксиз моддий сайёралардан биттаси. Парвардигор ва Унинг вакиллари, рухий устозлар(ачарйалар) айтадиларки, сон-саноксиз коинотлардаги сон-саноксиз сайёралардан бирортаси Худонинг содиқ хизматкорини ўзига жалб эта олмайди. Худонинг содиқ хизматкори сон-саноксиз Ваикунтха сайёраларидан бирида ёки Парвардигор Шри Кришнанинг сайёраси бўлган Голока Вриндаванада Парвардигорнинг ҳамроҳларидан биттаси бўлиб, Унинг хизматкори, дўсти, отаси, онаси ёки сеvimли рафикаси мартабасига эришиш учун ҳамшиша ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга интилиб юради. Бу сайёраларнинг ҳаммаси рухий осмонда, махат-таттвда жойлашган Сабаблар Уммонининг нариги томонида, *паравйюмада* мангу мавжуд. Тўплаган савоблари ва Худонинг содиқлари хонадонида дунёга келгани боис юқори ижтимоий келиб чиқиши шарофати билан Махараж Парикшит бунга яхши биларди, шу боис уни моддий сайёралар умуман қизиқтирмасди. Ҳозирги олимлар моддий ускуналар ёрдамида Ойга учиб боришга қаттиқ интиладилар, лекин улар коинотдаги энг олий сайёрани ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. Лекин Махараж Парикшит сингари содиқни Ой ҳам, моддий сайёралардан бошқа бири ҳам, умуман қизиқтирмайди. Шу боис, унга қачон ажали етиши ҳақидаги хабарни етказганларида, у Парвардигор Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда яна ҳам мустаҳкамроқ туриб олди ва (Деҳли штати)Хастинапур пойтахти ёнидан оқиб ўтадиган илоҳий Йамуна дарёси бўйида рўза тутишга қарор қилди. Ганга ҳам, Йамуна ҳам – *амартия*(илоҳий) дарёлар, ҳатто Йамуна куйидаги сабабларга кўра кўпроқ муқаддасдир.

6. Бу дарё(Ганга) Парвардигорнинг нилуфар қадамларининг гарди пойини ва туласи барглари билан аралашган энг саодатли сувларни олиб келади. Шу боис бу сувлар бутун уч оламни, ҳатто Парвардигор Шивани ва бошқа фаришталарни ҳам ичдан, ҳам сиртдан поклайдилар. Демак, ажали етган киши мана шу дарёдан паноҳ топиши лозим.

Изоҳ: Орадан етти кун ўтгандан сўнг ажали етиши ҳақида хабар олгандан кейин, Махараж Парикшит шу заҳотиёқ оиласини тарк этди ва муқаддас Йамунанинг соҳилига ўрнашиб олди.

Одатда, шоҳ Ганганинг соҳилида паноҳ топди деб айтадилар, лекин, Шрила Жива Госвамнининг фикрига кўра, у Йамуна соҳилида паноҳ топган. Шрила Жива Госвамнининг гаплари асослироқ туюлади, чунки у дарёнинг географик жойлашишини ҳам ҳисобга олади. Махараж Парикшит ўзининг пойтахтида, ҳозирги Дехлига яқин бўлган Хастинапурда яшаган, Йамуна дарёси айнан мана шу шаҳарга яқин жойдан оқиб ўтади. Табиийки, шоҳ Йамуна соҳилида паноҳ топган, чунки бу дарё деярли унинг саройи дарвозаси олтидан оқиб ўтади. Бу дарёлардан қайси бири муқаддасроқ эканига келсак, Йамуна дарёси Гангага нисбатан Парвардигор Кришна билан кўпроқ боғланган. Парвардигор Йамунани ўзининг бу дунёдаги эрмакларининг бошиданок поклаган. Отаси Васудева кўлларида чақалоқ Парвардигор Кришна билан Матхурадан дарёнинг қарама-қарши соҳилида жойлашган Гокулада хатарсиз жойга бориш учун Йамунани кечиб ўтганида, Парвардигор дарё сувларига тушиб кетган ва шунда дарё сувлари Унинг нилуфар қадамлари пойининг гарди билан бир зумда покланганди. Мазкур шеърда алоҳида таъкидлаб айтилганки, Махараж Парикшит ўзининг Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи гарди билан покланган ҳамда туласи барглари аралашган ажойиб сувларини олиб ўтадиган дарё соҳилида паноҳ топган. Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойи ҳамиша туласи барглари билан безанган, шу боис, Унинг нилуфар пойи қадамлари Ганга ёки Йамуна сувларига теккан заҳоти бу дарёлар покланадилар. Лекин Парвардигор Ганга дарёсидан кўпроқ Йамуна дарёсида чўмилган. Шрила Жива Госвами мисол келтирадиган “Вараха-пурана”га кўра, Ганга сувлари билан Йамуна сувлари орасида фарқ йўқ, лекин, Ганга сувлари юз марта покланганида у Йамуна деб аталади. Муқаддас китобларда айтилганки, минг марта Вишнунинг номини такрорлаш Раманинг битта номини такрорлашга тенг, Парвардигор Раманинг номини уч марта такрорлаш эса, бир марта Кришна номини такрорлашга тенг.

7. Шундай қилиб, Пандузодаларнинг муносиб авлоди бўлган шоҳ то ажали етгунча рўза тутиш ва ўзини битта Ўзи озодлик ато этишга қодир бўлган Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамларига топшириш учун Ганга соҳилида ўтириб олишга қарор қилди. Шу тарзда ҳар хил ришта ва боғланишлардан халос бўлиб, у донишманд сифатида қасам ичди.

Изоҳ: Ганга сувлари бутун уч оламни, шу жумладан маъбуд ва фаришталарни ҳам поклайди, чунки унинг сувлари Худо Шахси Вишнунинг нилуфар қадамлари пойидан бошланади. Парвардигор Кришна *вишну-таттва*

қоидасининг бошланғич манбаи, шу боис, инсон Унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топса, барча гуноҳларидан, шу жумладан шоҳнинг брахманни ҳақорат қилиб содиқ этган гуноҳидан ҳам халос бўлади. Шунинг учун Махараж Парикшит Парвардигор Шри Кришна, яъни, ҳар қандай озодликни ато этадиган Муқунданинг нилуфар қадамлари пойига муқооба қилишга қарор қилди. Ганга ва Йамунанинг соҳиллари инсонга ҳамиша Парвардигорни эслаш имконини беради. Махараж Парикшит ҳар қандай дунёвий суҳбатлардан озод бўлди ва Парвардигор Кришнанинг нилуфар қадамлари пойига муқооба қилди – мана шу, озодликка эришишга олиб борадиган йўл. Ҳар қандай дунёвий муносабат(суҳбат)лардан озод бўлиш – ҳар қандай гуноҳ ишни бутунлай тарк этиш деганидир. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муқооба қилиш эса, - аввал содир қилган барча гуноҳлар оқибатидан халос бўлиш демақдир. Моддий олам шароити шундайки, инсонни ўзи билган ёки билмаган ҳолда гуноҳ иш қилишга мажбур қилади, бунга ҳамма бегуноҳ ва тақводор шоҳ деб биладиган Махараж Парикшитнинг ўзи яққол мисол бўла олади. Ҳамиша бирор хато қилиб қўймасликка интилиб юрганига қарамасдан, ҳатто у ҳам брахманни ҳақорат қилиб, ўз гуноҳининг қурбони бўлди. Шундай қилиб, у дуои-бадга учраган эди, лекин, у Парвардигорнинг буюк содиғи бўлгани учун, ҳатто тақдиридаги ана шундай ёмон ишлар ҳам унинг учун буюк саодатга айланди. Ҳақиқий инсон бўлиб яшаш қоидаси шундай: онгли равишда, ўз хоҳиши билан ҳаётда бирор гуноҳ иш қилмаслик ва бошқа ҳеч нарсага чалғимасдан ҳамиша Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эслаб юриш. Агар содиқ шундай кайфиятда яшаса, фақат шундагина Парвардигор унинг озодликка эришиш йўлидан боришига ва Ўзининг нилуфар қадамлари пойига эришишга ёрдам беради. Ҳатто, агар содиқ ўзи билмаган ҳолда бирор гуноҳ иш қилса ҳам, Парвардигор ўзини Унга топширган жонни барча гуноҳлардан поклайди, бу барча муқаддас китобларда тасдиқланади.

8. Шунда, барча буюк зотлар ва мутафаккирлар ўз шогирдлари билан биргаликда, шунингдек, ўзининг биргина иштироки билан муқаддас зиёратгоҳни поклашга қодир бўлган донишмандлар зиёрат баҳонасида шу ерга келдилар.

Изоҳ: Махараж Парикшит Ганга соҳилида ўрнашиб олди, деган хабар бутун олмага тарқалди, буюк тафаккур соҳиби бўлган ва бу воқеаларнинг муҳимлигини тушунадиган барча донишмандлар зиёрат қилиш баҳонасида шу ерга тўпландилар. Аслида улар, ювиниб покланиш учун эмас, Махараж Парикшит билан учрашиш учун

келгандилар, чунки уларнинг ўзлари ҳар қандай зиёратгоҳни поклашга қодир эдилар. Оддий одамлар зиёратгоҳларга барча гуноҳларидан покланиш учун борадилар, шу боис зиёратгоҳлар уларнинг гуноҳлари билан тўлиб кетади. Лекин, зиёратгоҳларга ана шундай донишмандлар борганида, улар шунчаки ўзларининг иштироклари билан бу жойларни поклайдилар. Шу боис Махараж Парикшит билан учрашиш учун донишмандлар оддий одамларга ўхшаб, ўзлари покланишга интиلمасдилар, улар зиёрат баҳонаси билан Махараж Парикшит билан учрашишга келгандилар, чунки улар Шукадева Госвами "Шримад-Бхагаватам"ни гапириб беришини олдиндан билардилар. Улар ана шу нодир имкониятдан фойдаланмоқчи эдилар.

9-10. Коинотнинг турли жойларидан Атри, Чйавана, Шарадван, Ариштанеми, Бхригу, Васиштха, Парашара, Вишвамित्रа, Ангира, Парашурама, Утатхйа, Индрапрамада, Идхмаваху, Медхатитхи, Девала, Ариштишена, Бхарадваджа, Гаутама, Пиппалада, Маитрейя, Аурва, Каваша, Кумбххайони, Дваипайана ва буюк Нарада сингари донишмандлар келишди.

Изоҳ: Чйавана. Бхригу Мунининг ўғилларидан бири, буюк донишманд. Унга ҳомиладор бўлган онасини ўғирлаб кетаётганларида у муддатидан илгари туғилган эди. Чйавана – отасининг олти ўғлидан биттаси.

Бхригу. Брахмаджи Варуна учун буюк қурбонлик маросими ўтказаетганида, қурбонлик оловидан Махариши Бхригу пайдо бўлди. У буюк донишманд эди, унинг сеvimли хотини эса, Пулома. У Дурваса, Нарада ва бошқалар сингари коинот бўйлаб саёҳат қилиб юра оларди, шу боис коинотдаги барча сайёраларга бориб чиқди. У Курукшетрадаги жангнинг олдини олишга ҳаракат қилди. Бир пайтлар у Бхарадваджа Мунига астрономик эволюция ҳақида гапириб берди. У катта астрологик ҳисоб-китоблардан таркиб топган буюк "Бхригу-самхита" асарининг муаллифи. У қандай қилиб эфирдан ҳаво, олов, сув ва ер пайдо бўлганини тушунтириб берган. У қандай қилиб ҳаво ошқозонда ҳаракат қилишини ва ичакларнинг фаолиятини бошқаришини тушунтриб берган. Буюк файласуф сифатида у тирик мавжудотнинг мангу эканини мантиқий равишда тушунтириб берди ("Маҳобҳорат"). Шунингдек у буюк антрополог эди, эволюция таълимотини у аллақачон тушунтириб берганди. У инсонлар жамиятининг тўрт табақа ва тўрт турмуш тарзига бўлинишини варнашрама институти сифатида илмий жиҳатдан асослаб берди. У шоҳ-қшатрий бўлган Витахавйага браҳман унвонини берди.

Васиштха. "Шримад-Бхагаватам" (1.9.6)га қаранг.

Парашара. Васиштха Мунининг невараси, Вйасадеванинг отаси. У – Махариши Шактининг ўғли, унинг онаси Адришйати эди. онаси унга ҳомиладор бўлганида атиги ўн икки ёшда эди. у ҳали онасининг қорнидаёқ Ведалар илмини ўрганди. Унинг отасини иблис Калмашапада ўлдирди, қасос олиш учун у бутун жаҳонни яқсон қилмоқчи бўлди. Лекин уни бу ишдан бобоси Васиштха тўхтатиб қолди. У рақшасларни яқсон қиладиган қурбонлик маросими ўтказмоқчи бўлганди, лекин уни Махариши Пуластйя тўхтатиб қолди. У Махараж Шантанунинг рафикаси бўлиши керак бўлган Сатйаватига мафтун бўлиб, унинг қорнидан Вйасадевани дунёга келтиди. Парашаранинг дуоси билан Сатйаватидан ҳамиша муаттар хид таралиб турадиган бўлди. Шунингдек, у Бхишманинг ажали етган пайтда ҳам иштирок этди, Махараж Жанакининг руҳий устози ва маъбуд Шиванинг буюк содиғи эди. у кўплаб ведавий битикларнинг ҳамда жамият тизими ҳақидаги қўлланманинг муаллифи.

Гадхи-сута ёки Вишвамित्रа. Ўзининг чеккан риёзатлари ва сеҳр қудрати билан машҳур буюк донишманд. У Гадхи-сута деган ном билан шуҳрат қозонган, чунки, унинг отаси Уттар-прадешдаги Канйякубджа вилоятининг қудратли шоҳи Гадхи эди. гарчи у келиб чиқишига кўра қшатрий бўлса ҳам, эришган руҳий ютуқлари шарофати билан танасини алмашламай туриб браҳман даражасига эришди. У шоҳ-қшатрий бўлиб турганида Васиштха билан жанжаллашиб қолди ва Маганга Муни билан биргаликда буюк қурбонлик маросими ўтказиб, Васиштханинг ўғилларини ўлдириши мумкин эди. У буюк йог бўлди, лекин барибир ўз сезгиларини жиловлаб ололмади, шу боис инсоният тарихида энг чиройли аёл Шакунталанинг отаси бўлишга мажбур бўлди. Бир куни, у шоҳ қшатрий пайтида Васиштха Мунининг кулбасига борди, уни шоҳона иззат икром билан кутиб олдилар. Вишвамित्रа Васиштханинг Нандини деган сигирини олишни истаб қолди, лекин Муни сигирини унга бергиси келмади. Шунда Вишвамित्रа уни ўғирлаб кетди, шу сабабли донишманд ва шоҳ орасида жанжал чиқди. Вишвамित्रа Васиштханинг руҳий қудрати олдида таслим бўлди ва браҳман бўлишга қарор қилди. Браҳман бўлишдан олдин у Каушкики дарёси бўйида каттиқ риёзатга берилди. Шунингдек, у Курукшетрадаги қирғинбарот урушини тўхтатиб қолишга уринган зотлардан бири эди.

Ангиря. Брахманинг ақлидан пайдо бўлган олти ўғилдан биттаси, жаннатий сайёралардаги фаришталарнинг руҳонийси Брихаспатининг отаси. У Брахмаджининг гулхан четига туширган уруғидан данёга келган. Унинг ўғиллари Утатхйя ва Самварта. Айтишларига қараганда, у ҳалигача риёзатга берилиб, Ганга соҳилида Алокананда

деган жойда Парвардигорнинг муқаддас номини такрорлаб ўтирибди.

Парашурама. "Шримад-Бхагаватам" (1.9.6)га қаранг.

Утатхйа. Махариши Ангиранинг уч ўғлидан биттаси. Махараж Мандхатанинг рухий устози. У Сома(Ой фариштаси)нинг Бхадра деган кизига уйланган, лекин Варуна уни ўғирлаб кетган. Сув фариштасининг қилган бу ҳақорати учун қасос олиб, у бутун олам сувини ичиб юборган.

Медхатитхи. Қадимий донишманд чол. Осмон шоҳи Индрадеванинг машварат аъзоси. Унинг ўғли ўрмонда Шакунталани тарбиялаган Канва Муни бўлган. У жаннатий сайёрага кўтарилган, чунки ванапрастха турмуш тарзи қоидаларига қатъий амал қилиб яшаган.

Девала. Нарада Муни ва Вйасадева поғонасида турган буюк мартабали зот. Унинг шавкатли номи "Бхагавад-гита"да, Аржун Парвардигор Кришнани Худонинг Олий Шахси деб тан олганида келтирилган ишончли зотлар қаторидан жой олган. У Курукшетрадаги жангдан кейин Махараж Юдхитхирани учратган. У Пандузодаларнинг оилавий руҳонийси Дхаумйанинг акаси эди. кшатрийларга ўхшаб у ҳам ўзининг кизига свайамварада ўзига қайлиқ танлашига рухсат берган, ана шу маросимга ришиларнинг барча уйланмаган ўғиллари таклиф этилган. Баъзи бировларнинг фикрига кўра, у мана шу Асита Девала эмас.

Бхарадваджа. "Шримад-Бхагаватам" (1.9.6)га қаранг.

Гаутама. Коинотдаги етти буюк донишманддан биттаси. Шарадван Гаутама унинг ўғилларидан биттаси эди. ҳозирги даврда ўзларини Гаутама-готра авлоди деб биладиган кишилар ё унинг хонадони авлодлари, ё ундан бошланадиган шогирдлар силсиласига мансуб одамлар. Гаутама-готрага мансублик даъво қиладиган браҳманлар одатда унинг оиласининг авлодлари, кшатрий ва вайшйалар эса, ундан бошланадиган шогирдлар силсиласига мансуб одамлар. У, осмон шоҳи Индра таъқиб қила бошлаганида тошга айланиб қолган машхур Ахалиянинг эри эди. ахалияни Парвардигор Рамачандра озодликка чиқарган. Гаутама Курукшетрадаги жанг қаҳрамонларидан бири Крипачарйанинг бобоси эди.

Маитрейя. Қадимий буюк риши. У Видуранинг рухий устози, дин ишларида юксак мартабали зот. У Дхритараштрага Пандузодалар билан яхши муносабатда бўлишни маслаҳат берди. Дурйодхана бунга қаршилик билдирарди, шу боис унинг қарғишига учради. У Вйасадева билан учрашиб, у билан диний мавзуда суҳбатлашди.

11. У ерда бошқа кўплаб авлиё фаришталар, шоҳлар ва айниқса, турли хил донишмандлар сулоласига мансуб арундайалар деб аталадиган

ҳукмдорлар бор эди. Император(Парикшит) билан учрашиш учун улар ҳаммаси тўпланганида, шоҳ уларни муносиб кутиб олди ва ергача эгилиб таъзим қилди.

Изоҳ: Олий зотларга ҳурмат юзасидан ергача йиқилиб таъзим қилиш – ҳурматли меҳмоннинг қалбини эритиб юборадиган ва уни қарздор қилиб қўядиган ажойиб удум. Биргина шундай таъзими учун ҳатто энг оғир ҳақоратчининг ҳам гуноҳини кечириб юбориш мумкин. Гарчи бу ерга тўпланган шоҳ ва ришиларнинг ҳаммаси Махараж Парикшитни ҳурмат қилсалар ҳам, улар ҳар қандай ҳақоратини кечириб юборишлари учун шоҳ бу юксак мартабали зотларни шундай камтарин ҳолда қарши олди. Одатда, бу дунёни тарк этиб кетишдан олдин бошқалардан кечирим сўраш учун умрининг охириги поғонасида ҳар бир соғлом фикрли киши камтарин ҳолда ана шу одатга амал қилади. Шу боис Махараж Парикшит ҳаммадан ўзининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кетиши учун дуо қилишларини сўради.

12. Риши ва бошқалар қулай ўрнашиб ўтириб олганларидан кейин, шоҳ, улар олдида камтарин ҳолда, қўл қовуштириб турганча, шу ерда то ажали етганча рўза тутишга қарор қилганини айтди.

Изоҳ: Гарчи шоҳ аллақачон Ганга бўйида ажалини кутиб рўза тутишга қарор қилган бўлса ҳам, бу ерга тўпланган буюк мартабали зотларнинг фикрини билиш ниятида, камтарин ҳолда уларга ўзининг қарори ҳақида гапирди. Ҳар қандай қарорни ишончли зотлар тасдиқлаши лозим. Ҳар қандай ишнинг мукамаллиги шу йўл билан таъминланади. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, ўша даврда ҳукмронлик қилган монархлар маъсулиятсиз диктаторлар бўлган эмас. Улар мартабали авлиё ва донишманд зотларнинг ишончли, муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига мос келадиган фикрларига амал қилганлар. Комил шоҳ сифатида Махараж Парикшит, ҳар бир ишда ишончли зотлар билан маслаҳатлашиб, ана шу қоидаларга то умрининг охиригача амал қилган.

13. Омадли шоҳ деди: Буюк зотларнинг марҳаматига эриша оладиган барча шоҳлар ичида энг миннатдори мен бўламан. Одатда сиз донишмандлар ҳукмдорларни иложи борича узокрокқа ташлаш керак бўлган ахлат деб биласизлар.

Изоҳ: Диний қоидаларга кўра, ҳожатхона ва ювинадиган жой уйдан иложи борича узокда бўлиши лозим. Кваттира ичида ванна, туалет бўлиши замонавий маданият одамлари учун қулай шароит бўлиши мумкин, лекин уларни яшаш хоналаридан иложи борича узокда жойлаштириш

лозим. Қайтадан Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан бораётган кишилар учун хукмдорлар ким эканини кўрсатиш учун бу ерда шундай мисол келтирилган. Парвардигор Шри Чайтанья Махапрабху айтганки, пулга жуда яқин муносабатда бўладиган одамлар билан, ёки шоҳ хонадонига мансуб одамлар билан яқин муносабатда бўлиш Худонинг даргоҳига қайтишни истайдиган кишилар учун ўзини ўзи ўлдириш билан баробар. Бошқача қилиб айтганда, илоҳиётчи кишилар одатда Худонинг яратиб қўйган бу оламининг ташқи гўзаллигига ортикча боғланиб қолган одамлар билан алоқа қилмайдилар. Чуқур рухий илмга эга бўлганлари боис илоҳиёт кишилари биладиларки, бу гўзал моддий олам – шунчаки ҳақиқий мавжуд бўлган Парвардигорнинг рухий салтанатининг хира кўриниб турган акси. Шу боис уларни шоҳона бойлик ва шунга ўхшаган нарсалар қизиқтирмайди. Лекин бу ерда Махараж Парикшитнинг ҳолати умуман бошқача. Шоҳни бебош болакай ўлимга маҳкум этгандай туюлади, лекин аслида, уни Парвардигорнинг Ўзи олдига чақирган эди. Бу ерга тўпланган бошқа илоҳиётчилар, буюк донишманд ва сеҳргарлар, Махараж Парикшитнинг то ажали етганча рўза тутишга қарор қилганини эшитиб, уни кўриб қолишга жуда муштоқ эдилар, чунки у Худонинг даргоҳига қайтиб кетаётган эди. Махараж Парикшит ҳам билардики, бу ерга тўпланган буюк донишмандларнинг ҳаммаси унинг аждодлари Пандузодаларга нисбатан, улар Худога садоқат билан хизмат қилиб юрганлари шарофати билан жуда меҳрибон эдилар. Шу боис у умрининг охириги кунларида ёнида бўлгани учун донишмандлардан жуда миннатдор эди ва бунга сабаб унинг бу дунёдан ўтиб кетган боболарининг юксак мартабаси деб биларди. Шу боис у ана шундай буюк содиқларнинг авлоди бўлиш шарафига муяссар эканидан фахрланарди. Албатта, Худонинг содиқлари учун ҳис қиладиган ана шундай фахр туйғуси, ўзининг моддий ютуқларидан юзага келадиган манманлик туғуси билан бир хил эмасди. Биринчиси – аниқ ҳақиқат, иккинчиси – сохта ва ўткинчи туйғу.

14. Парвардигор, Олий Шахс ҳам илоҳий, ҳам моддий оламларнинг хукмдори, меҳрибонлик билан мени брахманнинг қарғиши кўринишида мағлуб қилди. Мен оилавий турмушга қаттиқ боғланиб қолган эдим, шу боис мени қутқариш учун Парвардигор олдимга ана шундай кийёфада келди. Мен кўркқанимдан бор дунёмдан воз кечдим.

Изоҳ: Махараж Парикшит буюк содиқлар, Пандузодалар хонадонига дунёга келган, Парвардигор билан илоҳий боғланиш руҳида тарбия олган бўлса ҳам, барибир у дунёвий оилавий турмушга шунчалик қаттиқ боғланиб

қолган эдики, уни таркидунё қилишга мажбур қилиш учун Парвардигор алоҳида режа ўйлаб топишга қарор қилди. Парвардигор камдан кам содиқ хизматкорига ана шундай бевосита таъсир қилади. Махараж Парикшит буни атрофига бутун коинотдан тўпланган буюк илоҳиётчи зотлар тўпланганидан тушуниб олган эди. Парвардигор Ўзининг содиқлари билан бирга яшайди, буюк авлиёларнинг иштирок этиб туриши Парвардигорнинг шу ерда эканидан далолат бериб турибди. Шу боис шоҳ, уларнинг келишида Парвардигорнинг унга чексиз марҳамат кўрсатаётгани намоён бўлганини кўриб, шу буюк ришиларни олқишлади.

15. Эй брахманлар, мени ўзини бутунлай Худога топширган жон деб ҳисобланглар, Парвардигорнинг вакили бўлган она Ганга ҳам менга шундай муносабатда бўлсин, чунки мен Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини аллақачон қалбимнинг тўрига жойлаб олганман. Майли, учар илонми ёки бошқа бирор сеҳрли махлуқми, бунинг учун ўша брахман қандай зотни яратган бўлса, ҳозирок келиб мени чақиб ўлдираверсин. Менинг ягона истагим – сизлар барчангиз Парвардигор Вишнунинг қароматларини олқишлаб куйлашда давом этсанглар, бас.

Изоҳ: Инсон Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўзини бутунлай топширган захоти ўлимдан кўркув туйғусини умуман ҳис қилмай кўяди. Худонинг буюк содиқлари ўзларининг иштироки билан Ганга соҳилида юзага келтирган муҳит ҳамда Махараж Парикшитнинг ўзини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бутунлай топшириши унинг Худонинг даргоҳига қайтиб кетишига тўла кафолот бериши учун етарли эди. шу боис у ўлимдан кўркув туйғусидан бутунлай халос бўлганди.

16. Сизларнинг барчангиз олдида яна бир бор эҳтиром билан таъзим қилган ҳолда, эй брахманлар, илтижо қиламанки, агар тақдиримга яна моддий оламда туғилиш ёзилган бўлса, мен узилмас ришталар билан чексиз Парвардигор Кришнага, Унинг содиқлари билан бирга бўлишга ва барча тирик мавжудотлар билан дўстона муносабатда бўлишга маҳкам боғланишни истардим.

Изоҳ: Мазкур шеърда Махараж Парикшит тушунтирадики, Худонинг содиқ хизматкори – ягона кмил тирик мавжудот. Гарчи кўплар уни ўзининг душмани деб ҳисобласалар ҳам, Худонинг содиқ хизматкори ҳеч кимга душманлик қилмайди. Худонинг содиқ хизматкори имонсизларга душманларча муносабатда бўлмаса ҳам, улар билан бирга бўлишни ёқтирмайди. У ҳамиша Худонинг содиқлари билан бирга

бўлишни истайди. Бу мутлақо табиий ҳол, чунки бир хил баландликда учадиган қушлар бирга юрадилар. Содик учун энг муҳими – Парвардигор Шри Кришнага, барча тирик мавжудотларнинг отасига мустаҳкам боғланган бўлиш. Отасининг яхши фарзанди ўзининг барча ака-укалари билан дўстона муносабатда бўлади, худди шундай, Худонинг содиқ хизматкори ҳам олий ота Парвардигор Кришнанинг яхши фарзанди бўлган ҳолда, барча тирик мавжудотларнинг олий ота билан боғлиқ эканини кўради. У отасининг адашган фарзандларини отасининг олдига қайтаришга ва уларни Худонинг ягона ҳукмронлигини тан олишга ишонтаришга ҳаракат қилади. Махараж Парикшит, шубҳасиз, Худонинг даргоҳига қайтиши лозим эди, лекин, агар тақдирга мангу уйига қайтиш ёзилмаган бўлса, у ўзига моддий оламда мукамал бўлган тақдирни сўраб илтижо қиляпти. Асл содиқ Браҳма сингари буюк зотлар билан бирга бўлишга интилмайди, у агар Худонинг содиқ хизматкори бўлсалар энг арзимас тирик мавжудотлар даврасини бундан афзал билади.

17. Ўзини тўла англаган ҳолда Махараж Парикшит илдизи шарққа қараб қўйилган майсалардан ясалган шолча устига ўтирди. У Ганганинг жанубий соҳилида, юзини шимолга қаратиб ўтирарди. Бундан сал вақт аввал у салтанатни бошқариш маъсулиятини ўзининг ўғлига топширган эди.

Изоҳ: Гангани денгизнинг рафиқаси деб олқишлайдилар. Агар ердан илдизи билан бирга кўпориб олинган бўлса, куша майсасидан ясалган шолча муқаддас ҳисобланади, агар унинг илдизи шарққа қаратиб тўшалса, бу яна ҳам шарофатли бўлади. Агар инсон шимолга қараб ўтирса, бу яна ҳам шарофатли бўлиб, руҳий юксалишга ёрдам беради. Уйини тарк этиб кетишдан олдин Махараж Парикшит салтанатни бошқариш ишларини ўғлига топширган эди. Шундай қилиб, барча шарофатли шароитлар яратилган эди.

18. Шундай қилиб, Махараж Парикшит ажали етиб келгунча рўза тутиш учун ўтирди. Олий сайёралардаги барча фаришталар шод бўлиб, шохнинг ишини олқишладилар ва самовий барабанларни чалдилар.

Изоҳ: Ҳатто Махараж Парикшит ҳукмрон бўлган давргача сайёраларро алоқа бор эди, Махараж Парикшит нажот топиш учун то ажали етгунча рўза тутгани деган хабар фаросатли фаришталар яшайдиган олий сайёраларга ҳам бориб етганди. Фаришталар одамларга қараганда анча фаровон яшайдилар, лекин улар ҳаммаси Парвардигорнинг амрига бўйсуниб яшайдилар. Жаннатий сайёраларда бирорта ҳам атеист ёки имонсиз йўқ. Шунинг учун улар ҳамиша ер юзида яшайдиган

ҳар бир содиқни олқишлайдилар, Махараж Парикшитнинг қилган ишидан улар хайратга тушгандилар, шу боис улар самовий барабанларини чалиб, Ерга самодан гуллар ёғдириб, унга эҳтиром кўрсатардилар. Кимдир Худонинг даргоҳига қайтаётганин кўриб, фаишталар хурсанд бўладилар. Фаришталар ҳамиша Худонинг содиқларидан мамнун бўлиб юрадилар, шу боис ўзларининг адҳидайвик қобилиятлари ёрдамида содиққа ҳар томонлама ёрдам бериб юрадилар. Бу иши билан улар Парвардигорни жуда мамнун қиладилар. Парвардигор, фаришталар ва Худонинг содиқлари Ер юзида бир бирига кўринмас ришталар билан боғланган ҳолда ҳамкорликда ҳаракат қиладилар.

19. Шу ерга тўпланган буюк донишмандларнинг ҳаммаси Махараж Парикшитнинг қарорини хайратга тушиб қабул қилдилар ва “жуда яхши!” деб уни қўллаб-қувватладилар. Донишмандлар ўзларининг табиатига кўра, оддий одамларга яхшилик қилишга мойил бўладилар, чунки улар ҳам худди Парвардигор сингари қудратга эга бўладилар. Шу боис Худонинг содиқ хизматкори бўлган Махараж Парикшитни кўриш уларга жуда катта мамнуният бағишларди, шу боис улар унга шундай дедилар.

Изоҳ: Тирик мавжудот Худога садоқат билан хизмат қилишпоғонасига кўтарилганида унинг табиий гўзаллиги ортиб боради. Парвардигор Кришнага боғланиш туйғуси Махараж Парикшитнинг қалбини тўла камраб олганди. Буни кўриб, тўпланган донишмандлар жуда мамнун эдилар, шу боис “жуда яхши!” деб уни қўллаб қувватладилар. Шундай донишмандлар ўзларининг табиатига кўра оддий инсонларга яхшилик қилишга мойил бўладилар, улар Махараж Парикшитга ўхшаган инсон Худога садоқат билан хизмат қилишда юксалиб бораётганини кўрганларида эса, уларнинг шодлигининг чегараси бўлмайди, шунда улар уни қўлидан келганча дуо қиладилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш шунчалик шарофатлики, содиқ то Парвардигорнинг Ўзига ҳамма фаришталар ва донишмандларни мамнун қилади, шунда унинг ҳамма иши шарофатли бўлади. Руҳий юксалишга эришаётган содиқнинг йўлидан барча ёқимсиз нарсалар олиб ташланади. Ажали етганда барча буюк донишмандларни учратиш, шубҳасиз, Махараж Парикшит учун буюк саодат эди, шу боис браҳманзоданинг қарғиши унинг учун буюк бахтга айланди.

20. (Донишмандлар дедилар:) Эй, Парвардигор Шри Кришна изидан адашмай бораётган Пандулар сулоласидаги шохлар сардори! Худо Шахси билан мангу бирга бўлиш учун сен

Ўзингнинг кўплаб шоҳларнинг тожлари билан безанган тахтингдан воз кечишингнинг хайратланарли жойи йўқ.

Изоҳ: Раҳбар лавозимларни эгаллаб олган нодон сиёсатчилар ана шу ўткинчи лавозимларни моддий фаровонлик чўққиси деб биладилар, шу боис улар унга то охирги нафасигача қаттиқ ёпишиб оладилар, чунки улар, ҳаётда энг олий ююқ – Парвардигорнинг мангу даргоҳида Унинг ҳамроҳларидан бири бўлиб ҳақиқий озодликка эришиш эканини билмайдилар. Инсон ҳаёти ана шу мақсадга эришиш учун мўлжалланган. Парвардигор "Бхагавад-гита"да бизларни бир неча марта ишонтириб айтадики, энг олий мукофот – Худога, Унинг мангу даргоҳига қайтиш. Парвардигор Нрисимхага илтижо қилар экан, Прахлад Махараж шундай дейди: “Эй Парвардигор! Мен моддий тасаввур билан яшашдан кўрқаман, лекин Сенинг кўрқинчли, йиртқич Нрисимха қиёфандан умуман кўрқмайман. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурда бўлиш – бизларни янчиб бораётган тегирмонга ўхшайди. Биз ҳаётнинг қайнаб турган ана шу ўпқонига тушиб қолдик, шу боис, нилуфар кадамларинг пойида Сендан илтижо қиламан, мени Ўзингнинг хизматкорларингдан бири сифатида мангу даргоҳингга олиб кет. Мана шу, инсонни моддий турмуш-тарзидан халос этувчи озодликнинг энг олий тури. Мен моддий турмуш тарзи билан яшашнинг аччиқ таъмини тотиб кўрганман. Аввалги гуноҳларим сабабли ҳаётнинг қайси турида туғилсам ҳам, мен ҳамиша икки нарсадан қаттиқ қийналардим: ўзим учун азиз бўлган нарсдан айрилиқ азоби ҳамда мен истамаган нарсага дучор бўлиш азоби. Бунга қаршилиқ кўрсатиш учун мен дори қўлладим, лекин дорининг ўзи касалликдан ҳам хатарлироқ эди. ўу тарзда мен умрлар оша бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрибман, шу боис Сендан нилуфар кадамлари пойидан менга паноҳ беришингни тилайман”.

Жаҳоннинг кўплаб авлиё зотларидан устун турадиган шоҳ Пандузодалар, дунёвий турмуш тарзининг аччиқ меваларидан тотиб кўрдилар. Ҳеч қачон уларни императорлик тахтининг жилваси қизиқтирмаган, улар ҳамиша Парвардигор ёнида мангу қолиш учун Унинг чақириб қолишига имкон қидириб юрганлар. Махараж Парикшит Махараж Юдхистхиранинг муносиб невараси эди. Махараж Юдхистхира салтанат тахтини неварасига топширди, ундан ўрнак олиб, унинг невараси бўлган Парикшит императорлик тахтини ўғли Жанамеджаяга берди. Бу сулоланинг барча шоҳлари шундай қилардилар, чунки уларнинг ҳаммаси адашмасдан Парвардигор Кришнанинг изидан борардилар. Шундай қилиб, дунёвий ҳаёт жилвалари Худонинг содиқларини ўзига жалб этолмайди, улар ҳеч нарсага боғланмасдан,

алдамчи дунёвий ҳаётнинг сохта мақсадларига учмасдан эркин яшайдилар.

21. То Парвардигорнинг энг машхур содиғи Махараж Парикшит моддий иллат ва қайғунинг барча турларидан бутунлай пок бўлган олий сайёрага қайтиб кетгунга қадар бизлар шу ерда кутиб турамыз.

Изоҳ: Осмондаги булутга қиёсланадиган моддий олам чегарасидан ташқарида паравйома, Вайкунтха деб аталадиган сон-саноксиз сайёралари билан руҳий осмон ястаниб ётади. Бу сайёралар ҳар хил номлар билан аталади: Пурушоттамалока, Ачйуталока, Тривикрамалока, Хришикешалока, Кешавалока, Анируддхалока, Мадхавалока, Прадйумналока, Санкаршаналока, Шриддхаралока, Васудевалока, Айодхйалока, Дваракалока ва ҳоказо. Худо Шахси хукмронлик қиладиган миллионлаб бошқа руҳий локалар бор. Ана шу сайёраларда барча тирик мавжудотлар – озод жонлар бўлиб, уларнинг руҳий таналари худди Парвардигорнинг танасига ўхшаш. У жойда моддий иллат йўқ, ҳамма нарса руҳий, шу боис мусибатга ўрин йўқ. Улар ҳаммаси илоҳий лаззатга тўла, у жойда туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик йўқ. Юқорида санаб ўтилган Вайкунтхалокалар ичида олий лока – Голока Вриндавана, Парвардигор Шри Кришнанинг ва Унинг алоҳида ҳамроҳларининг даргоҳи. Махараж Парикшит айнан ана шу локага боради, шу ерда тўпланган буюк ришилар буни олдиндан билардилар. Улар буюк шоҳнинг бу дунёдан шавкатли кетишини муҳокама қилардилар ва буни охирги лаҳзасигача ўз кўзлари билан кўришни истардилар, чунки энди улар Парвардигорнинг бу буюк содиғи билан бошқа кўриша олмасдилар. Парвардигорнинг буюк содиғи бу дунёни тарк этиб кетганида қайғуга ботишга ҳожат йўқ, чунки у Парвардигорнинг салтанатига эришади. Лекин, ана шундай буюк содиқлар кўзимиз олдиндан ғойиб бўлиши қайғули, шу боис қайғуга берилиш ҳам ўринли. Буюк содиқлар ҳам бизларнинг кўзимизга Парвардигор сингари жуда камдан кам кўринадилар. Шу боис буюк ришилар бу ерда то охирги дақиқасигача қолишга қарор қилиб жуда тўғри иш қилдилар.

22. Мукамал ҳақиқат бўлгани боис, буюк донишмандларнинг ҳамма гаплари қулоққа ёқимли бўлиб, чуқур маъноли ва муносиб равишда ифодаланган эди. Шу боис, уларни тинглаб туриб, Махараж Парикшит Худо Шахси, Парвардигор Шри Кришнанинг кароматлари ҳақида тинглашни истаб, буюк донишмандларга мурожаат қилди.

23. Шоҳ деди: Эй буюк донишмандлар, сизлар барчангиз марҳамат кўрсатиб, коинотнинг ҳамма жойидан бу ерга тўпландинглар.

Сизларнинг ҳаммангиз амалда бутун уч оламдан юқорида турадиган сайёра(Сатьялока)да яшайдиган олий илм тимсолига тенгсизлар. Шу боис табиатингизга кўра бошқаларга яхшилик қилишга мойилсизлар, бундан ташқари, сизларнинг на хозирги, на кейинги ҳаётингизда бундан бошқа мақсадингиз ҳам йўқ.

Изоҳ: Бойликнинг олти тури: мол-дунё, куч, шон-шуҳрат, гўзаллик, билим ва боғланмаслик азалдан Худонинг Мутлақ Шахсига хос бўлган сифатлардир. Тирик мавжудотлар, Олий Мавжудотнинг ажралмас зарралари сифатида ана шу сифатларнинг етмиш саккиз фоизига эга бўла олади. Моддий оламда, худди булут қоплаган қуёш сингари, бу сифатлар моддий қувват билан қопланган. Булут ортига бекинган қуёшнинг кучи очик осмонда порлаб турган қуёшнинг кучига қараганда жуда кам, худди шундай, ана шундай сифатларга эга бўлган тирик мавжудотларнинг асл табиати ҳам деярли бутунлай бекилиб қолган. Уч турли сайёралар тизими бор: куйи сайёралар, ўрта ва олий сайёралар. Ер сайёрасидаги одамлар ўрта сайёраларнинг бошида жойлашган, лекин Браҳма ва унинг тенгдошлари сингари тирик мавжудотлар олий сайёраларда яшайдилар, уларнинг энг олийси – Сатйалока. Сатйалоканинг барча аҳолиси Ведавий донишмандлик илмини билади, шундай қилиб, улар учун моддий қувватнинг сеҳрли булути тарқалиб кетади. Шу боис уларни Ведалар тимсоли деб атайдилар. Моддий ва илоҳий илмни тўла эгаллаган ана шундай шахсларни на моддий, на илоҳий оламлар қизиқтирмайди. Амалда улар – ҳар қандай истаклардан пок бўлган содиқлардир. Моддий оламда улар интиладиган бирор нарса йўқ, илоҳий оламда ҳам улар ўзларига тўла бутун. Лекин, ундай бўлса, улар нимага моддий оламга келадилар? Улар Парвардигорнинг амри билан, адашган рухларни қутқариш учун мессия сифатида турли сайёраларга тушадилар. Улар Ер сайёрасига тушиб, ҳар хил вазиятлардаги ва ҳар хил иқлим шароитидаги бутун олам аҳлига саодат келтирадилар. Уларнинг бу моддий оламда, моддий қувват адаштриб қўйгани боис чириб ётган рухларни тўғри йўлга бошлашдан бошқа қиладиган иши йўқ.

24. Эй, ишончга муносиб брахманлар, энди мен сизлардан ўзимнинг асосий бурчим нималиги ҳақида сўрамоқчиман. Илтимос, яхшилаб ўйлаб кўринг ва менга айтинг-чи, қандай вазиятда бўлишидан қатъий назар, ҳар бир инсоннинг, айниқса ажали етиб турган кишининг бенуксон бурчи нимадан иборат?

Изоҳ: Бу ерда шоҳ билимдон донишмандлар олдида икки савол қўйди. Биринчиси – ҳар қандай вазиятда ҳар бир инсоннинг бурчи нимадан иборат, иккинчиси – тез орада ажали етадиган кишининг

алоҳида вазифалари нимадан иборат? Булардан ажали етган кишининг бурчи ҳақидаги савол муҳимроқ, чунки ҳаммамизни ажал кутиб турибди: кимнидир тез кунда, кимнидир – юз йилдан кейин. Умрнинг қанчалик узоклиги муҳим эмас, ўладиган кишининг бурчи нималиги муҳим. Махараж Парикшит бу саволларни берди, шу ерга келгандан кейин Шукадева Госвами ҳам, Иккинчи қўшиғидан бошлаб то охиригача бутун "Шримад-Бхагаватам" ҳам мана шу икки саволга жавоб беради. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундай: ягона Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш – ҳар кимнинг олий ва мангу бурчи. Буни Парвардигорнинг Ўзи ҳам "Бхагавад-гита"нинг охирида тасдиқлайди. Махараж Парикшит буни аввалдан биларди, лекин у бу ерга тўпланган буюк донишмандлар унинг ана шу ишончини бир овоздан тасдиқлашини истарди, шунда у ўзининг ана шу бурчини ҳеч иккиланмасдан давом эттира оларди. У атайлаб шуддха - "бенуксон" иборасини ишлатди. Ҳар хил мактабга мансуб файласуфлар илоҳийликни, яъни руҳий ўзликни англаб етишнинг турли усулларини таклиф этадилар. Уларнинг баъзилари – биринчи тоифага мансуб усуллар, бошқалари – иккинчи ёки учинчи тоифага мансуб усуллардир. Биринчи тоифа усулнинг талаби шундай: инсон бошқа барча йўлларни ташлаб, Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ўзини топшириши ва ва шу йўл билан барча гуноҳ ва уларнинг оқибатларидан халос бўлиши лозим.

25. Шу пайт бу ерда Вйасадеванинг ўзидан тўла мамнун ҳолда, бу дунёнинг барча ишларига бефарқ ҳолда Ер юзида саёҳат қилиб юрган қудратли ўғли пайдо бўлди. Унда жамиятнинг бирор табақа ёки турмуш тарзига мансублик аломатлари сезилмасди. Унинг атрофини аёллар ва болалар ўраб олган ва у гўё унга ҳеч ким эътибор бермайдигандай кийиниб олганди.

Изоҳ: Бхагаван ибораси баъзан Парвардигорнинг алоҳида буюк содиқларини ифодалашда қўлланилади. Шукадева Госвами ана шундай буюк содиқ эди. ана шундай буюк зотлар дунёвий ишлар билан қизиқмайдилар, чунки улар Худога садоқат билан хизмат қилишда эришган юксак ютуқлари шарофати билан ҳаётидан тўла мамнунмият ҳосил қилган бўладилар. Аввал айтганимиздек, Шукадева Госвами расмий равишда ҳеч қачон руҳий устоз қабул қилмаган ва ҳеч қандай покланиш маросими орқали ўтмаган. Унинг отаси Вйасадева, шубҳасиз, унинг руҳий устози эди, чунки Шукадвее Госвами "Шримад-Бхагаватам"ни ундан тинглаган эди. шундан кейин у тўла мамнуният ҳосил қилган ва шу боис ҳеч қандай расмиятчиликка қарам эмасди. Ҳар хил расмий маросимлар ҳали тўла руҳий озодликка эришиш поғонасига кўтарилмаган кишилар учун керак, лекин Шукадева Госвами отасининг

марҳамати билан аллақачон шу поғонага кўтарилган эди. У энди ўспирин бўлгани учун у шунга муносаб равишда кийиниб юриши керак эди, лекин у ҳалигача яланғоч юрар ва ижтимоий шартларга(одамларнинг гапларига) бефарқ эди. Одатда одамлар уни ақлдан озган телба деб, унга эътибор бермасдилар, шу боис унинг атрофида фақат кизиқувчан аёллар ва ёш боалалар бор эди. Шу тарика, боши оққан томонга сайр қилиб юриб, у мана шу ерга кириб келганди. Махараж Парикшит ўз саволини бергандан кейин буюк донишмандлар нима қилиш кераклиги борасида барчаси бир фикрга келмаган бўлсалар керак. Рухий озодликка эришишнинг ҳар хил одамларнинг турли ҳолатлари учун мўлжалланган бир неча турли йўллари бор. Лекин, инсон ҳаётининг олий мақсади – Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликнинг энг юқори поғонасига кўтарилишдан иборат. Врачларга ўхшаб, ҳар ким ўзи билан усулни таклиф қилиб, донишмандлар ўзаро бир қарорга кела олмадилар. Майдончада шу гаплар бўлиб турганида Вйасадеванинг буюк ва қудратли ўғли пайдо бўлди.

26. Вйасадеванинг ўғли атиги ўн олти ёшда эди. унинг оёқлари, қўллари, панжалари, сонлари, елкалари, пешонаси ва танасининг бошқа аъзолари мукаммал шаклда эди. Унинг кўзлари катта-катта ва ажойиб, бурни ва қулоқлари юқори жойлашган эди. Унинг юз тузилиши жуда ёқимли, бўйни чиройли шакли билан сурни эслатарди.

Изоҳ: Одатда, ҳурматли кишини таърифлашни унинг оёғидан бошлайдилар. Мана шу барча тан олган тартибга бу ерда Шукадева Госвамини таърифлашда ҳам риоя қилинган. У атиги ўн олти ёшда эди, лекин инсонни ёшига қараб эмас, ҳаётда эришган ютуғига қараб ҳурмат қиладилар. Бир киши гарчи ёши кичкина бўлса ҳам, бошқа кишидан тажрибаси жиҳатидан устун бўлиши мумкин. бу ерда Вйасадеванинг ўғли деб таърифланган Шри Шукадева Госвами, ўзи энди ўн олти ёшга кирган бўлса ҳам, билимдонлиги жиҳатдан бу ерга тўпланган донишмандларнинг барчасидан устун турарди.

27. Унинг мушак(мускул)лари таранг, кўкраги кенг ва бўртиб чиққан, киндиги чуқур, қорнини эса, чиройли чизиқлар кесиб ўтган эди. унинг қўллари узун, тўлқинланиб турган сочлари эса, унинг чиройли юзини тўсиб турарди. У яланғоч бўлиб, танасининг ранги Парвардигор Кришнани эслатарди.

Изоҳ: У бошқа одамлардан танасининг ранги билан ажралиб турарди. Шукадева Госвамининг танасининг бошқачалиги ғайритабiiий аломат, физиономик олимларнинг фикрига кўра, бундай

таналар фақат буюк зотларда бўлади. Унинг танасининг ранги барча тирик мавжудотлар, одамлар ва фаришталар ичида энг буюк Зот Парвардигор Кришнаникига ўхшарди.

28. Унинг терисининг ранги қора, ўзи эса ўспиринларга хос чиройли эди. Унинг танасининг мукаммаллиги ва мафтункор табассуми аёлларни ўзига жалб этарди. Гарчи у ўзининг табиий улуғворлигин яширишга ҳаракат қилаётган бўлсалар ҳам, бу ерга тўпланган буюк донишмандлар физиономика(ташқи кўринишига қараб кишининг кимлигини били олиш) фанини яхши билардилар, шу боис ўринларидан туриб унга эҳтиром кўрсатдилар.

29. “Вишнурата”(“ҳамиша Вишнунинг химояси остида бўлган зот”) деган ном билан ҳам машҳур бўлган Махараж Парикшит бош меҳмон – Ўукадева Госвамини қарши олиб, унинг олдида бошини эгди. Шундан кейин ғофил аёллар ва болалар Шукадева Госваמידан узоқлашдилар. Ҳамма унга чуқур ҳурмат эҳтиром кўрсатди, кейин Шукадева Госвами баланд супадаги фаҳрий ўриндикка ўтирди.

Изоҳ: Мажлис майдончасида Шукадева Госвами пайдо бўлганида Шрила Вйасадева, Нарада ва яна бир икки кишидан бошқа ҳамма ўринларидан турдилар, Парвардигорнинг буюк содиғини қарши олишдан мамнун бўлган Махараж Парикшит эса, унинг олдида ерга йикилиб бош эгди. Шукадева Госвами ҳам уларнинг кўрсатган иззат-икромига донишмандлар билан кучоқлашиб, қўлларини кисиб, бош ирғаб ва (айниқса отаси ва Нарада Муни олдида)бош эгиб жавоб берди. Унга бу мажлисни бошқаришни таклиф қилдилар. Унга шоҳ ва донишмандлар қанчалик иззат-икром кўрсатганини кўриб, кўчада уни таъқиб қилиб юрган болалар ва ақлсиз аёллар хайратга тушиб кўрқиб кетгандилар. Шу боис улар ўзларининг бемаъни одатларини тарк этдилар, бирдан бутун атроф тантанали ва сокин муҳитга айланди.

30. Худди осмонда Ойни юлдузлар, сайёралар ва бошқа самовий жисмлар ўраб тургани сингари, Шукадева Госвамининг атрофини авлиё донишмандлар ва фаришталар ўраб олганди. У жуда ажойиб кўринарди, ҳамманинг қалби унга ҳурмат-эҳтиром ҳисси билан тўла эди.

Изоҳ: Авлиё зотларнинг бу катта мажлисида браҳмариши вйасадева, девариши Нарада, кшатрий-шоҳларнинг буюк ҳукмдори Парашурама ва бошқалар иштирок этардилар. Уларнинг баъзилари Парвардигорнинг қудратли тимсоллари эдилар. Шукадева Госвами браҳмариши ҳам,

раджариши ҳам, ёки девариши ҳам эмасди, шунингдек у Нарада, Вйаса ёки Парашурама сингари Парвардигорнинг тимсоли ҳам эмасди. Лекин, уларнинг қандай иззат-икром кўрсатганига қараганда, барибир у уларнинг ҳаммасидан устун турарди. Демак, Худонинг содиқ хизматкорига ҳатто Худонинг Ўзидан ҳам каттароқ иззат-икром кўрсатадилар. Шу боис, ҳеч қачон Худонинг Шукадева Госвами сингари содиқ хизматкорининг обрўсини камситмаслик керак.

31. Донишманд Шри Шукадева Госвами хотиржамлик билан ўзининг жойига ўтирди. У зийрак тафаккур соҳиби бўлиб, ҳар қандай саволга дарров жавоб беришга тайёр эди. Буюк содиқ Махараж Парикшит унинг олдида келиб, унинг олдида сажда қилиб, эҳтиром кўрсатди ва қўлларини қовуштириб, унга ёқимли сўзлар билан унга мулойим мурожаат қилди.

Изоҳ: Махараж Парикшитнинг руҳий устозга кўрсатган эҳтироми муқаддас китобларнинг кўрсатмаларига тўла мос келади. Муқаддас китобларда айтилганки, илоҳий илмни ўрганиш учун руҳий устозга ҳурмат-эҳтиром билан мурожаат қилиш керак. Махараж Парикшит ўз ажали билан учрашишга тайёр эди ва жуда тез вақт ичида – етти кунда – қандай қилиб Худонинг даргоҳига қайтиш мумкинлигини билиб олиши лозим эди. Ана шундай маъсулиятли пайтда инсон руҳий устозга мурожаат қилиши лозим. Инсон ҳаётининг ҳақиқий муаммоларини ҳал қилишга киришмай туриб, руҳий устозга мурожаат қилишнинг ҳожати йўқ. Ўзининг саволларини руҳий устозга қандай бериш лозимлигини билмайдиган кишининг руҳий устоз билан учрашмаслиги керак. Руҳий устознинг сифатлари Шукадева Госвами шахсида мукамал намоён бўлган. Руҳий устоз ҳам, шогирд Махараж Парикшит ҳам "Шримад-Бхагаватам" ёрдамида руҳий озодликка эришдилар. Шукадева Госвами "Шримад-Бхагаватам"ни ўзининг отаси Вйасадевадан эшитганди, лекин унинг уни такрорлашга имкони йўқ эди. Махараж Парикшит олдида у "Шримад-Бхагаватам"ни такроран гапириб берди ва унинг барча саволларига ҳеч иккиланмасдан жавоб берди. Шу тарзда устоз ҳам, шогирд ҳам нажот топдилар.

32. Омадли шоҳ Парикшит деди: Эй брахман, фақат ўз марҳаматинг билан сен бу жойни зиёратгоҳга айлантириб, бизларни покладинг. Сен бу ишни шунчаки менинг меҳмоним бўлиб, шу ерда иштирок этишинг билан амалга оширдинг. Сенинг марҳаматинг билан биз номуносиб ҳукмдорлар ҳам Худонинг содиқ хизматкорига хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлдик.

Изоҳ: Одатда, Шукадева Госвами сингари авлиё содиқлар дунёвий ҳаётдан лаззатланиб юрган, айниқса шоҳлар сулоласига мансуб бўлган одамларга яқин йўламайдилар. Махараж Пратапарудра Парвардигор Чайтаняннинг издоши эди, лекин у Парвардигор билан учрашмоқчи бўлганида, Парвардигор бунга рози бўлмади, чунки у шоҳ эди. Худонинг даргоҳига қайтишга интилиб юрган содиққа икки нарса қатъий ман қилинган: Моддий лаззатга муккасидан кетган одамлар билан бирга бўлиш ва аёлларга яқинлашиш. Шу боис, Шукадева Госвами поғонасига кўтарилган зотлар ҳеч қачон ундай зотлар билан учрашишга бормайдилар. Лекин, Махараж Парикшит умуман бошқача шахс эди. Гарчи у шоҳ бўлса ҳам, у Худонинг буюк содиқ хизматкори эди, шу боис Шукадева Госвами унинг умрининг охири даврида у билан учрашиш учун келганди. Махараж Парикшит камтар содиқ эди ва гарчи ўзи буюкликда аждодларидан кам бўлмаса ҳам, у ўзини буюк кшатрий-аждодларига номуносиб авлод деб ҳисобларди. Худди брахманларнинг номуносиб фарзандлари двиджа-бандху, ёки брахма-бандху бўлгани сингари, шоҳларнинг номуносиб фарзандларини ҳам кшатра-бандхавалар деб атайдилар. Шукадева Госвамининг иштирок этаётгани Махараж Парикшитни жуда қувонтириб юборди. У ҳар қандай жойни зиёратгоҳга айлантириб юборадиган буюк авлиёнинг пайдо бўлиши билан атроф-муҳит покланиб нурга тўлганини ҳис қилди.

33. Агар бизлар шунчаки сени эсласак ҳам, уйларимиз шу захотиёқ покланиб нурга тўлади. Агар сенинг жамолингни кўрсак, сенга қўлимизни теккизсак, сенинг табаррук пойқадамларингни ювсак ва сенга уйимиздан жой кўрсатсак-ку, ундан ҳам яхши.

Изоҳ: Муқаддас зиёратгоҳлар, фақат у ерда буюк донишманд ва авлиё зотларнинг иштирок этаётгани учунгина аҳамиятга эга. Айтишларига қараганда, гуноҳкор одамлар муқаддас зиёратгоҳларга бориб, шу ерда ўзларининг гуноҳларини қолдириб кетадилар, гуноҳлар эса шу ерда тўпланиб қолаверади. Лекин буюк авлиёларнинг иштироки билан зиёратгоҳ ана шу гуноҳлардан покланади. Шу тарзда, авлиё ва содиқларнинг марҳамати билан бу жойларнинг муқаддаслиги сақланиб қолади. Агар шундай авлиё зотлар дунёвий одамларнинг уйида пайдо бўлса, ўша жойдаги моддий нарсалардан лаззатланиб юрган одамларнинг тўпланиб қолган гуноҳлари шу захотиёқ яқсон бўлади. Демак, авлиё донишмандлар оилали кишилар билан учрашганда ўзларига ҳеч қандай шахсий манфаатни кўзламайдилар. Ана шундай авлиёларнинг ягона мақсади – уларнинг уйларини поклашдан иборат, шу боис, эшиги олдида авлиё ёки донишманд зотлар пайдо бўлганида улардан

миннатдор бўлишлари лозим. Ана шундай авлиё зотларга ҳурматсизлик қиладиган оилали киши – буюк ҳақоратчи бўлади. Шу боис, агар оилали киши, бундай оғир ҳақоратнинг оқибатининг олдини олиш учун авлиё зот олдида сажда қилмаса, у кун бўйи рўза тўтиши лозим.

34. Эй авлиё зот! Эй буюк сеҳргар! Худди Худо Шахси бор жойда имонсиз атеистга ўрин бўлмагани сингари, инсоннинг барча оғир гуноҳлари оқибатини бир зумда яксон қилиш учун биргина сенинг иштирок этишининг ўзи кифоя.

Изоҳ: Одамларнинг икки тоифаси бўлади: атеистлар ва Худонинг содиқлари. Худонинг содиқ хизматкори илохий сифатларга эга бўлади, шунинг учун уни фаришта деб, атеистларни эса иблислар деб атайдилар. Иблис Худо Шахси Вишнунинг мавжудлигини кўтара олмайди. Иблислар ҳамиша Худо Шахсини яксон қилишга интиладилар, лекин аслида, Худо Шахси Ўзининг илохий номи, киёфаси, сифатлари, эрмаклари, анжомлари ёки ранг-баранглиги кўринишида пайдо бўлган заҳоти иблис ҳалок бўлади. Парвардигорнинг муқаддас номини эшитган заҳоти ажина-арвоҳлар ғойиб бўладилар. Буюк авлиёлар ва Худонинг содиқлари Парвардигорнинг анжомлари қаторига киради, авлиё содиқ пайдо бўлган заҳоти, худди ажиналарга ўхшаб, барча гуноҳлар бир зумда яксон бўлади. Ведавий битикларда шундай дейилган. Шу боис, бу дунёнинг иблислари ва ажина арвоҳлари унга ўзларининг зарарли таъсирини ўтказа олмаслиги учун инсон фақат авлиё содиқлар билан муомала қилиши лозим.

35. Фақат Ўзининг буюк амаки-оғайниларини мамнун қилиш учун Парвардигор Кришна, шоҳ Пандунинг ўғиллари учун жуда азиз бўлган Худо Шахси менга, гўё мен ҳам улардан биттасидай, муомала қиляпти.

Изоҳ: Фақат Худога хизмат қиладиган асл содиқ ўз оиласига, оиланинг алдамчи ташвишларига боғланиб қолган кишилардан кўра анча кўпроқ ёрдам беради. Одатда, одамлар ўз оиласига қаттиқ боғланиб қоладилар, оилавий ришталар жамиятнинг иқтисодини ҳаракатга келтириб турадиган куч ҳисобланади. Ана шундай адашган одамлар, Худонинг содиқ хизматкори бўлиш билан инсон ўз оиласига энг катта хизмат қилиши мумкинлигини билмайдилар. Ҳатто улар Худонинг содиқлари бўлмаса ҳам, Парвардигор Ўз содиғининг оила аъзоларини ва авлодларини Ўзининг алоҳида ҳимояси остига олади! Прахлада Махараж Парвардигорнинг буюк содиғи эди, лекин унинг отаси Хираньякашипу буюк атеист ва Парвардигорнинг ашаддий душмани эди. лекин, шунга қарамасдан, Махараж Прахладнинг отаси

бўлгани туфайли Хираньякашипу озодликка эришди. Парвардигор шунчалик меҳрибонки, Ўз содиғининг оила аъзоларини ҳар томонлама ҳимоя қилади. Шу боис, агар содиқ Худога садоқат билан хизмат қилиш учун ҳатто оиласини тарк этиб кетган бўлса ҳам, ўз оиласини ўйлаб қайғурмаса ҳам бўлади. Махараж Юдхистхира ва унинг укалари Парвардигор Кришнанинг холаси Кунтининг ўғиллари эди. Махараж Парикшит буюк Пандузодаларнинг ягона невараси бўлгани учунгина Парвардигор Кришна унга марҳамат кўрсатаётганини тан оляпти.

36. Акс ҳолда, (Парвардигор Кришна илҳомлантирмаса) сен, ҳар жойда, оддий одамларга ўзини танитмасдан ва мендай ажали етиб турган кишининг кўзига кўринмасдан сайр қилиб юрган зот - ўз ихтиёринг билан бу ерда пайдо бўлармидинг?

Изоҳ: Буюк донишманд Шукадева Госвамани, шубҳасиз, Парвардигор Кришна илҳомлантирган, шу боис у ўз ихтиёри билан Парвардигорнинг буюк содиғи Махараж Парикшит олдида, фақат унга "Шримад-Бхагаватам" насиҳатларини бериш учун пайдо бўлган. Руҳий устознинг ва Худо Шахсининг марҳамати билан Худога садоқат билан хизмат қилиш илмининг мағзини англаб етиш мумкин. Руҳий устоз – Парвардигорнинг намоён бўлган вакили, у инсоннинг ҳаётда олий мақсадга эришишига ёрдам бериш учун келган. Парвардигор ваколат бермаган киши руҳий устоз бўла олмайди. Шрила Шукадева Госвами – тўла ваколатли руҳий устоз, шу боис у Махараж Парикшит олдида пайдо бўлиши ва унга "Шримад-Бхагаватам" насиҳатларини бериши учун Парвардигор уни илҳомлантирди. Агар Парвардигор Ўзининг бесабаб марҳамати билан унинг олдида Ўзининг ҳақиқий вакилини юборсагина инсон ҳаётда олий мақсадга эриша олади – Худонинг даргоҳига қайта олади. Худонинг содиқ хизматкори Парвардигорнинг ҳақиқий вакилини учратган заҳоти ҳозирги танасини тарк этгандан кейин унинг Худонинг даргоҳига қайтиши кафолатланган бўлади. Лекин, бунинг натижаси содиқнинг ўзининг самимийлигига ҳам боғлиқ бўлади. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлиб унинг барча ҳаракатларини жуда яхши билади. Ана шу жон Худонинг даргоҳига қайтишга муштоқ эканини сезган заҳоти Парвардигор дарро унинг олдида Ўзининг ҳақиқий вакилини юборади. Шундай қилиб, Парвардигор Ўзининг асл содиқ хизматкорининг Худонинг даргоҳига қайтишига кафолат беради. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳақиқий руҳий устоздан ёрдам олиш – бевосита Парвардигорнинг Ўзидан ёрдам олиш демакдир.

37. Сен – буюк авлиё ва содиқларнинг руҳий устозисан. Шу боис мен сендан илтижо қиламан: ҳар бир инсонни, айниқса, ажал ёқасида турган зотларни баркамолликка эриштира оладиган йўлни кўрсат.

Изоҳ: Токи инсон жони борича руҳий баркамолликка олиб борадиган йўл ни излаб савол бермас экан, унинг руҳий устозга мурожаат қилишига ҳожат йўқ. Руҳий устоз шунчаки оилали кишининг уйини безаб турадиган навбатдаги безак эмас. Одатда, мода изидан қувадиган дунёвий одамлар ўзларига руҳий устоз ёллайдилар ва бундан ҳеч қандай фойда кўрмайдилар. Сохта руҳий устоз ўзининг сохта шогирдига тилёғламалик қилади, шу боис шундай руҳий устоз ҳам, унинг шогирди ҳам тўппа-тўғри дўзахга йўл оладилар. Махараж Парикшит – ҳақиқий шогирд намунаси, чунки у ҳаёт учун муҳим ва ҳамма одамларга, айниқса ажали яқин одамларга тааллуқли бўлган саволларни беряпти. Махараж Парикшит берган савол бутун "Шримад-Бхагаватам"нинг асосий мавзуси ҳисобланади. Кўрайликчи, буюк руҳий устоз унга қандай жавоб берар экан.

38. Илтимос, инсон нималар ҳақида тинглаши, нимани шарафлаб куйлаши, нимани эслаши ва кимга сиғиниши кераклигини, шунингдек, у нима қилмаслиги кераклигини Менга ошкор эт. Илтимос, шуларнинг ҳаммасини менга тушунтириб бер.

39. Эй қудратли браҳман, айишларига қараганда, сен оилали одамлар эшиги олдида фақат уларнинг сигир соғишига етгудай вақтга тўхтаган экансан.

Изоҳ: Таркидунёлик қилиб кун кечирадиган авлиё зотлар ва донишмандлар эрта тонгда оилали кишилар сигир соғаетган пайтда уларнинг уйига келадилар ва улардан биров сут эҳсон қилишини сўрайдилар. Инсонни ҳаёт учун зарур бўлган барча витаминлар билан таъминлаш учун ярим литр сут етарли, шу боис авлиё ва донишмандлар фақат сут билан кун кечирадилар. Ҳатто энг кашшоқ уй эгаси ҳам ўнчага сигир боққан, уларнинг ҳар бири кунига 12-20 литр сут берган, шу боис ҳеч ким гадоё қаландарларга қийналмасдан бир неча косо сут берган. Оилали кишининг бурчи – авлиё ва донишмандларга худди ўз болаларидек ғамхўрлик қилиш. Шундай қилиб, Шукадева Госвамидай авлиё зот оилали кишилар уйи олдида узоғи билан беш дақиқа тўхтаган. Бошқача қилиб айтганда, шундай донишмандларни оилали кишилар уйида учратишнинг иложи бўлмаган, шу боис Махараж Парикшит ундан иложи борича тезроқ унга насиҳат беришини сўраяпти. Оилали кишилар ҳам уйларига келган донишмандлардан қандайдир

илоҳий илм ўрганиш учун етарлича фаросатли бўлишлари лозим. Оилали киши авлиё зотдан бозордан ҳам сотиб олиш мумкин бўлган нарсани сўраб ўтирмаслиги керак. Авлиё зотар ва оилали кишилар орасидаги ўзаро муносабатлар шундай бўлиши керак.

40. Шри Сута Госвами деди: Шундай қилиб, ёқимли сўзларни танлаб, шоҳ донишмандга савол билан мурожаат қилди. Вйасадеваннинг ўғли, дин қонунларини билладиган бу буюк ва қудратли инсон, унинг гапларини тинглаб туриб, жавоб бера бошлади.

*"Шримад-Бхагаватам"нинг Биринчи Қўшиқ,
"Шукадева Госвамининг пайдо бўлиши" деб
аталладиган ўн тўққизинчи бобига
Бхақтиведантининг изоҳлари шундай яқунланади.*

Биринчи Қўшиқ тамом